

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

ҚАРШИ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**ЎҚУВ ТАРБИЯ ЖАРАЁНЛАРИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИНГ
МИЛЛИЙ ПСИХОЛОГИК АСОСЛАРИ**

2019 йил

**“Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили”
муносабати билан Вазирлик миқёсидаги
илмий- амалий конференция**

МАТЕРИАЛЛАРИ

18 – 19 апрель 2019 йил

Қарши – 2019

Конференция материалларида Ўзбекистон илмий психологиянинг ривожланиш истиқболларига оид муҳим назарий ва амалий муаммоларини акс эттиради.

Ушбу тўпламда таълимни самарали ташкил этишда психологик хизматнинг ўрни, глобал ахборот маконида психологик маориф ва маърифатнинг ўрни, ёшларда миллий онгни таркиб топтиришда психология фанининг роли, ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш: муаммолар, ечимлар ва истиқболлар юзасидан психологлар ва ёндош соҳа вакилларининг назарий, тадқиқий, амалий фаолият натижалари тақдим этилган.

Мазкур тўплам психологлар, педагоглар, файласуфлар, олий ўқув юртлари ўқитувчилари ва талабалар учун мўлжалланган.

Масъул муҳаррир:

Жабборов А.М. - Қарши давлат университети профессори,
психология фанлари доктори

Муҳаррирлар.

Файзиева М. - Қарши давлат университети психология
кафедраси мудири, доцент.

Мақсадова М.С. - Қарши давлат университети
психология кафедраси пс.ф.н. доцент.

Бекназарова Л. - Қарши давлат университети доценти,
психология фанлари номзоди.

Каримов Х. - Қарши давлат университети пс.ф.н. доцент.

Жўраев Б. - Қарши Давлат университети доценти в/б.

Сатторова Г. - Психология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD).

Ражабова Ф. - Психология кафедраси ўқитувчиси.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 6 мартдаги 178 – Ф-сонли фармойиши билан тасдиқланган. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2018 йил 12 мартдаги 233 – сонли буйруғига асосан нашрга тавсия этилган.

**Мақолаларда келтирилган маълумотларнинг ҳаққонийлиги учун
муаллифлар масъулдирлар.**

ЎЗБЕКИСТОНДА ПСИХОЛОГИК ХИЗМАТНИНГ ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ

*Шоумаров Ф., психология фанлари доктори, профессор,
Қодиров У., психология фанлари номзоди, доцент*

Тарих ва ижтимоий ҳаёт тамойиллари шуни кўрсатмоқдаки, жамиятнинг ҳар томонлама ривожланиши ва унда юксак даражадаги ҳаёт, турмуш тарзининг қарор топтирилиши, аввало ҳар бир шахс ўзига хос психологик билим ва салоҳияти қай даражада намоён этаётганлиги билан ҳам белгиланади. Шу боисдан бўлса керак, ҳозирги кунда барча ривожланган ва ривожланиш йўлидан бораётган мамлакатлар биринчи галда ўз фуқароларининг маънавий, интеллектуал, жисмоний ва рухий баркамоллигига ва бундан ижтимоий манфаатлар учун самарали фойдаланиш йўллариини излашга жиддий эътибор қаратмоқдалар. Айни нуктаи назардан, ҳар бир мамлакатда инсон ва унинг ижтимоий муносабатлари ўртасида уйғунликни таъминлашга қаратилган ижтимоий-психологик хизмат тизимининг жорий этилиши алоҳида аҳамият касб этади.

Инсон туғилганидан бутун ҳаёти давомида қобилиятлари соҳасини аниқлаб, имкониятларини рўёбга чиқариш ва ривожланиш омилларини доимий таҳлил қилиб бориш, яъни инсон капиталига эътибор бериш, ундан самарали фойдаланиш ҳозирги вақтда долзарб аҳамият касб этаётган йўналишлардан биридир. Ҳақиқатан, маълумотларга кўра, инсон туғилгандан вафот этгунга қадар ўз имкониятларининг ўртача 4-6 % дан фойдаланар экан. Қолган 94-96% салоҳиятдан агар мамлакат, жамият миқёсида тўлиқ фойдаланилса, қандай муваффақият, кўрсаткичларга эришиш мумкинлигини тасаввур қилиш қийин эмас.

Шуни алоҳида қайд этиш керакки, ҳанузгача Ўзбекистонда мукамал дастурга ва амалий тажрибалар якунига асосланган ягона психологик хизмат тизимини бошқарувчи расмий мақомга эга бўлган Марказнинг мавжуд эмаслиги ва айни пайтда, психологик хизмат тизимининг бугунги ҳолати ва унинг амалий фаолият йўналишларини ҳар томонлама, чуқур таҳлил қилувчи ва шу таҳлиллар асосида психологик хизматнинг истиқболларини очиб берувчи махсус тадқиқотларнинг тақчиллиги, айниқса оилавий, шахслараро муносабатлар ва таълим тизимидаги муаммоларни ҳал қилишга амалий ёрдам берувчи психологик хизматнингбарча фуқаролар фойдаланиши мумкин бўлган даражада ташкил қилинмаганлиги ниҳоятда долзарб масала бўлиб қолмоқда. Масалан, жамиятда содир бўладиган 50% яқин қотилликларнинг айнан оилада содир бўлиши бевосита оилага хизмат кўрсатадиган психологик хизмат тизимини мақсадга мувофиқ йўлга қўйишга эътибор қаратилиши лозимлигини билдиради. Ёки ҳозирги кунда ҳатто жарроҳлик амалиётларининг оғриксизлантирувчи воситаларни қўлламасдан психологик таъсир воситаларидан фойдаланилган ҳолда муваффақият билан бажарилаётганлиги психология фани имкониятлари барча соҳаларда юқориликдан далолат бериб турибди.

Мамлакатдаги ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг самарали бўлишини таъминлаш ва ижтимоий ҳаётнинг барча бўғинларида инсон омилидан фойдаланиш, ҳар бир ижтимоий шахс имкониятларини тўла-тўқис юзага чиқариш масаласи Ўзбекистон психологлари олдида психологик хизмат билан боғлиқ аҳоли ўртасида психологик саводхонликни оширишга қаратилган қатор тадбирлар белгилаш ва уни амалга ошириш; ҳар бир шахс имкониятини ижтимоий-психологик иқлимга мослаштиришда энг илғор методлардан фойдаланиш ва муаммоларни аниқлаш, ўрганиш, таҳлил қилиш ва бу борада тегишли хулосалар чиқариш; кадриятлар тизими ва ижтимоий установакаларидан келиб чиққан ҳолда шахс учун психологик маслаҳатлар ва ишлаш услубини белгилаб олиш; муаммоли вазиятга тушган оила аъзоларининг психологик имкониятларидан келиб чиққан ҳолда кўмаклашиш ва шунингдек, психологик саводхонлигини ошириш мақсадида тренинг ва психологик маслаҳатлардан фойдаланиш сингари вазифаларни амалга ошириш масъулиятини юклайди.

Албатта, мухтарам Президентимиз Ш.Мирзиёев ташаббуслари, саъй-ҳаракатлари билан кейинги йилларда психология фани ривожини, психолог мутахассислар тайёрлашга катта эътибор қаратилмоқда. Хусусан, Вазирлар Маҳкамасининг “Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университетида психология ўқув-илмий маркази фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2017 йил 29 сентябрдаги 775-сонли, 2018 йил 14 августдаги “Ёшларни маънавий-ахлоқий ва жисмоний баркамол этиб тарбиялаш, уларга таълим-тарбия бериш тизимини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3907-сонли қарорларнинг қабул қилиниши мамлакатимизда ижтимоий соғлом муҳитни шакллантириш, ёшлар тарбиясининг таъсирчан механизмларини жорий этиш, шахснинг маънавий камол топиши психологик қўллаб-

қувватланишини таъминлаш, соҳа мутахассисларининг психологик билим ва кўникмаларини шакллантириш ҳамда жамиятда психологик билимларни кенг тарғиб этишга доир ишлар самарадорлигини янада оширишда айниқса, муҳим қадам бўлди.

Амалга оширилаётган эътиборга молик ишлар билан бирга бажарилиши лозим бўлган вазифалар ҳам олдимизда турибдики, уларни ҳам кўриб чиқиш зарур, деб ҳисоблаймиз:

1. Ҳозирги вақтда психология йўналишида юқори малакали илмий-педагогик кадрларнинг Ўзбекистонда танқислиги афсуски, бор гап. 1971 йилгача Ўзбекистонда бирорта фан доктори илмий даражасига эга мутахассис бўлмаган. Мамлакатимизда 1990 йилгача М.Давлетшиндан бошқа фан доктори йўқ эди. Таъбир жоиз бўлса, ҳозир ҳам республикаимизда фан доктори илмий даражасига эга психологлар бармоқ билан санарлидир. Мустақиллик йилларида ҳам юқори илмий салоҳиятга эга айрим илмий-педагогик кадрлар Ўзбекистондан бошқа ҳудудларда фаолият олиб бормоқдалар (Т.Бозоров, В.Енгалитчев, К.Мамедов, Р.Суннатова ва ҳ.к.)

2. Мамлакатимизда ижтимоий соғлом муҳитни шакллантириш, ёшлар тарбиясининг таъсирчан механизмларини ишлаб чиқиш, шахснинг маънавий камол топиши психологик қўллаб-қувватланишини таъминлашнинг илмий-амалий асосларини яратиш ва методик таъминотини ишлаб чиқиш борасида олиб борилаётган ишларни янада жонлантириш керак. Амалиётда самарали қўллаш мумкин бўлган психодиагностик методикаларнинг танқислиги, хорижий методикаларнинг маҳаллий шароитга мосланмаганлиги (адаптациялаштирилмаганлиги), натижада улардан кўр-кўрона фойдаланиш оқибатида илмий замини бўш, ишончлилиқ, валидлик даражаси паст, тўлиқ илмий асосланмаган ҳулосаларнинг тақдим этилаётгани ҳам бартараф этилиши лозим бўлган муаммолардандир.

3. Жамиятдаги долзарб ижтимоий муаммоларни ўрганиш, таҳлил қилиш ва ҳал этиш бўйича илмий-психологик тадқиқотлар ўтказиш ҳамда уларда ватанимиз психолог олимлари томонидан ишлаб чиқилган самарали методларни қўллашни таъминлаш зарур.

4. Бугунги кунда турли йўналишларда фаолият олиб бораётган психолог мутахассисларнинг сони ниҳоятда камлигидан ташқари, уларнинг касбий салоҳияти, савияси ҳам афсуски, талаб даражасида эмаслигини таъкидлаш жоиз. Шунинг учун психолог ходимларнинг малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш бўйича ҳар бир вазирлик ва идора кесимида тасдиқланган манзилли режа асосида ишлар олиб борилишини қатъий назоратга олиш ва сифатли бажарилишини таъминлаш зарур.

5. 2000 йилда ташкил топган ва шу даврдан буён фаолият юритиб келаётган Ўзбекистон Психологлар ассоциациясининг фаолияти тубдан қайта кўриб чиқилиши зарур. Айни вақтда ассоциациянинг ўз олдига қўйган мақсад ва вазифаларни амалга оширишида оғишиш ҳолатлари кузатилмоқда.

Демак, табиийки, мазкур вазифаларни ҳал этишда психологик хизматнинг жорий этилиши, бугунги ҳолати ва истиқболларини ўрганиш, таҳлил қилиш, муаммоларнинг ечимларини топиш ва изоҳлашга бағишланган психологик ижтимоий-психологик тадқиқотларнинг олиб борилиши республикаимиз равнақи учун кечиктириб бўлмас давр тақозосидир. Бундан ташқари ёшларни мустақил ҳаётга тайёрлаш, уларни турли ёт, деструктив ғоялар таъсиридан ҳимоялаш, хотин-қизларнинг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, эрта турмушга чиқишнинг, турли зарарли одатларнинг салбий оқибатларини бартараф этиш, турли миллат ва элатлар вакиллари ўртасида бағрикенглик тафаккурини шакллантириш, суицидларнинг олдини олиш, ёшларни касбга йўналтириш ва бошқа йўналишларда психологик хизматнинг имкониятларидан самарали фойдаланишга эътибор қаратишимиз зарур.

ТАЪЛИМ СОҲАСИ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИНИНГ ТАКОМИЛЛАШТИРИЛИШИ

*Жамолдинова О. Р., Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты,
Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси аъзоси*

Мамлакатимизда баркамол авлодни шакллантириш, ёшларни маънавий-ахлоқий ва жисмонан соғлом этиб тарбиялаш, уларни олиб борилаётган ислохотларнинг фаол иштирокчисига айлан-тиришни бугун давр тақозо қилмоқда. Шу боис, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги фармони асосида таълим соҳасини тубдан такомиллаштириш, таълим сифатини ошириш, интеллектуал салоҳиятли, жисмоний баркамол авлодни шакллантириш ва иқтисодиётнинг турли соҳалари учун малакали кадрларни тайёрлаш устувор вазифалар сифатида белгиланди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга йўллаган Мурожаатномасида ҳаммамлакатимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлиги, биринчи навбатда, ижтимоий соҳадаги ислохотларимиз самараси билан чамбарчас боғлиқ эканлиги алоҳида таъкидланди. Ижтимоий соҳадаги ислохотларнинг муваффақияти, аввало илм-фан ва таълим-тарбия соҳасининг ривожини билан узвий боғлиқ бўлиб, мамлакат тараққиётининг янги босқичида амалга оширилган ислохотлар натижада:

мактабгача таълимнинг замонавий тизими йўлга қўйилди;

умумий ўрта таълим тизимида ўқувчиларнинг сифатли таълим олиши ва уларни рағбатлантиришнинг самарали механизмлари жорий этилди;

нодавлат таълим хизматларини кўрсатиш йўлга қўйилиши билан таълимда соғлом рақобат муҳити кучайтирилди;

олий таълим тизимида тахсил олиш учун тенг имкониятлар яратилди;

педагог кадрлар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш тизими такомиллаштирилди;

жамиятда ўқитувчининг мевқеини оширишга эришилди.

Айниқса, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ёшларни маънавий-ахлоқий ва жисмоний баркамол этиб тарбиялаш, уларга таълим-тарбия бериш тизиминисифат жиҳатидан янги босқичга ўтариш чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорига мувофиқ умумий ўрта ва ўрта махсус таълим муассасаларида, психолог шатитининг улардаги ўқувчилар сонидан келиб чиқиб белгиланиши таълим тизимида психологик хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш, ўқувчиларни психологик-педагогик қўллаб-қувватлаш ишларини янада такомиллаштириш имконини берди.

Ҳар бир мамлакатнинг иқтисодий қудрати, ижтимоий-маънавий ҳаёт даражасининг юксалиши таълим тизимининг рақобатбардошлиги, илм-фан тараққиёти билан белгиланар экан, унинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириб бориш талаб этилади. Шу боис, миллий қонунчиликда замонавий мактабгача таълим тизимидаги муносабатларни тартибга солиш; илм-фан соҳасидаги давлат сиёсатининг устувор йўналишларини белгилаш, илмий фаолият эркинлиги ва кафолатларини таъминлаш; жамиятда ўқитувчи мавқеини оширишга хизмат қиладиган янги қонун лойиҳалари яратилиб, “Таълим тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонуни янги таҳрирда тайёрланмоқда.

Мамлакат илм-фани ва илмий салоҳиятини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, иқтисодиётни ривожлантиришда фан ва техниканинг ҳиссасини ошириш, амалга ошириладиган илмий тадқиқотларнинг сифати ва самарадорлигини юксалтириш, илм-фан, таълим ва ишлаб чиқариш ўртасидаги ўзаро ҳамкорликни мустаҳкамлаш соҳасидаги муносабатларни тартибга солишга қаратилган қонуннинг қабул қилиниши бошқа фан соҳалари қатори, жумладан психология фани ривожини учун ҳам муҳим аҳамият касб этади. Мазкур қонун билан психология фани истиқболли устувор йўналишларини белгилаш ва самарали натижаларга эришишда илмий, амалий, фундаментал тадқиқотлар олиб бориш, илмий муассасалар фаолиятини амалга ошириш, илмий ва илмий-педагог кадрларни давлат аттестациясини ташкил этиш, давлат илмий-техникавий экспертизасини амалга ошириш, илмий фаолият натижаларини мониторинг қилиш ва баҳолаш, олимлар ва илмий ходимларнинг илмий-тадқиқот ишлари савиясини, илмий-техникавий салоҳиятини ва рақобатбардошлилигини ошириш мақсадида илмий тадқиқотларни бажариш учун грант маблағлари ажратиш, илмий ва илмий-техникавий фаолиятни қўллаб-қувватлаш жамғармаларини ташкил этиш, халқаро ҳамкорликни ривожлантиришнинг қонуний асослари такомиллаштирилади. Энг муҳим жиҳатларидан бири, олий таълим муассасаларида ўқув жараёнини таъминлаш билан бирга, илмий ва илмий-техникавий фаолият билан шуғулланишга, жумладан, қонун ҳужжатларига мувофиқ фундаментал ва амалий илмий-тадқиқотлар дастурлари ҳамда лойиҳаларини бажаришда кенг иштирок этиш имконияти яратилади.

Шунингдек, янги таҳрирда ишлаб чиқилган “Таълим тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳасида бутун умр таълим олиш концепциясининг илга сурилиши, хорижий давлатлар тажрибаси асосида катта ёшдагилар таълимининг жорий этилиши психология фани олдида миллий менталитетдан келиб чиқиб ўқув жараёнининг психологик хусусиятларини такомиллаштириш вазифасини қўяди. Қонун лойиҳасида кўзда тутилган вояга етмаган таълим олувчилар ота-оналари (қонуний вакиллари)нинг ҳуқуқлари, мажбуриятлари ҳамда жавобгарлигининг белгиланиши, таълим жараёни қатнашчиларини ижтимоий ҳимояси, етим болаларни ва ота-оналарининг ёки бошқа қонуний вакиллари билан қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни ўқитиш, жисмоний ва руҳий ривожланишида нуқсонли бўлган болалар ва ўсмирларни ўқитиш масалаларида замонавий, миллий психология ютуқларига таяниб иш олиб борилишини тақозо этади.

ИЖТИМОЙ-ПСИХОЛОГИК ОМИЛЛАРНИНГ ШАХС ИҚТИСОДИЙ ИЖТИМОЙЛАШУВИГА ТАЪСИРИ

Каримова В. М., Психология фанлари доктори, профессор
Умарова Н. Ш., ЎЗДЖТСУ,

Жамиятимизда тобора устувор сиёсий аҳамият касб этаётган иқтисодий таълим-тарбия динамикаси шахс томонидан тобора мураккаблашиб бораётган ижтимоий-иқтисодий муносабатлар моҳияти ҳамда иқтисодий билим асосларининг чуқур англаниш имкониятини юзага келтирмоқда. Жумладан, хўжалик муносабатларига киришган субъектларни иқтисодий муносабатларга оид тасаввурлари, билимлари, ғоялари, қарашларининг онгдаги акси, рўй бераётган бозор (олди-берди) муносабатларининг моҳиятини таҳлил қилиш, умумлаштириш, таққослаш ва хулосаларни чиқаришга имкон беради. Аниқланилишича, турли ёш (масалан, ўсмирлик → илк ўспиринлик → ўспиринлик) даврида тўпланиб бораётган ҳаётий тажриба, иқтисодий тушунчаларнинг ўзлаштирилишидан ҳосил бўлган билимлар мажмуи глобал иқтисодиёт оламида кечаётган ҳодисаларнинг моҳиятини тўғри идрок этиш, баҳолашга имкон беради ва ижтимоий-иқтисодий муносабатларга онгли ёндашувни шакллантириб, шахснинг тежамкорлик борасидаги молиявий саводхонлигини қарор топтиради.

Муваффақиятли иқтисодий ижтимоийлашув ўспиринлар оиласида ота-оналар иқтисодий тарбияни ташкил этишда ижтимоий-психологик ҳамда иқтисодий билимларнинг интеграциясини таъминлашга алоҳида эътиборни қаратишмоқда. Фикримизча, оилавий муносабатлар, оила аъзоларининг ҳаётий қарашлари, шунингдек, турмуш тарзини йўлга қўйишда оилавий-иқтисодий кадриятлар моҳиятининг ўзлаштирилиши асосида болада шакланган дастлабки, содда, бироқ, моҳиятан унинг келгуси ривожланиши учун «ядро» вазифасини бажарувчи ижтимоий-психологик қарашлари бир қадар мураккаб бўлган иқтисодий меъёрларнинг қабул қилинишини осонлаштиради.

Илмий изланиш мақсадидан келиб чиққан ҳолда ишлаб чиқилган ижтимоий-психологик сўровнома шахс иқтисодий ижтимоийлашувига жараёнига бевосита ва билвосита таъсир кўрсатувчи «восита → пул → мақсад» ёки «сабаб → пул → оқибат» кўринишидаги гуруҳий муносабатлар омили таъсирини аниқлашга қаратилган бўлиб, сўровда 222 нафар ўғил, 130 нафар қиз бола қатнашди. Тадқиқотнинг кўрсатишича, 18-19 ёшлилар иқтисодиётнинг мазмуни, моҳияти иқтисодий қонунлар асосларини билиб, рўй бераётган ҳодисаларни мушоҳада этиб, уларга нисбатан маълум бир муносабат билдириш қобилиятига эгадирлар. Жумладан, узлуксиз таълим тизимининг юқори босқичларида (масалан олий таълим) ўспиринлар жамият иқтисодий тизимини ҳар томонлама чуқур англаб, содир бўлаётган иқтисодий ҳодисаларни ўрганиш, уларга таъсир этувчи омилларни таҳлил этиш ҳамда келгусида тадбиркорлик/бизнеснинг истиқболли ривожланиши учун тўғри қарорлар қабул қилиш қобилиятига эга эканликларини намоён қилишади. Умр давларининг кейинги ёш босқичида шахс муваффақиятли иқтисодий ижтимоийлашувни яққол намоён этиб, жамиятнинг иқтисодий тизимининг амал қилишини тўлиқ тушуниб етади ҳамда иқтисодиётнинг реал секторида эркин тадбиркорлик/бизнесни юритиш кўникмасига эга бўлади. Масалан, илмий изланишимиз доирасида илгари сураётган марказий ғояларимиздан бири – бу субъектнинг ижтимоий муҳит билан бўладиган иқтисодий муносабатлари тизимини, хусусан, дастлабки иқтисодий ижтимоийлашув муваффақиятини, оила(ота-она)си таъсирида ўзлаштира бошлашини исботлашдир. Назаримизда, ҳар қандай бола ота-онасининг иқтисодий ҳодисаларни қандай идрок этиши, мавжуд бозор муносабатларига оид иқтисодий кадриятларни қай тарзда таҳлил қилишини, улар томонидан бериладиган иқтисодий тарбия жараёнида идентификация орқали ўзлаштириб боради. Бу ўзлаштириш жараёнида оилавий овқатланиш анъанаси, оилавий саёҳат ва уй хўжалигини ташкил этиш/юритиш билан боғлиқ оилавий-иқтисодий кадриятларни акс эттирадиган бир қанча омиллар иқтисодий муносабатлар субъектининг тажрибаси ортишини жадаллаштиришга ва иқтисодий ижтимоийлашув жараёнини муваффақиятли бўлишига хизмат қилиши мумкин.

Ҳозирда оиланинг катта ёшли аъзолари томонидан ўспирин ёшидаги ўғил/қизининг мустақил равишда иқтисодий муносабатларга киришишидаги бир кунлик харажати учун «чўнтак пули» бериш борган сари анъанага айланиб бормоқда. Масалан, 10,2 фоиз синалувчи оиланинг катта ёшли аъзоларидан бир кунлик сарф-харажати учун 5 минг сўмгача, 23,0 фоизи 5 мингдан 10 минг сўмгача, 46,6 фоизи эса 10 мингдан 15 минг сўмгача «чўнтак пули» олишаётган бўлишса, яна 20,2 фоизи бу борада ҳеч қандай ҳисоб-китоб юритмаслигини эътироф этишган.

Шахсдан жамиятда ўрнатилган ижтимоий-иқтисодий меъёрларга амал қилган ҳолда бозор муносабатларига киришиш ва бу жараёнда тегишли иқтисодий қарорларни қабул қилиши учун эркинликка асосланган **иқтисодий фаоллик** талаб этилади. Сабаби, шахс томонидан қабул

килинган илк иқтисодий қарор истикболдаги иқтисодий муносабатлар доирасида мустақил ва эътиқодли бўлишини таъминлайди. Синалувчиларимизнинг 9,4 фоизи 6 ёшгача бўлган даврида ва 23,0 фоизи 7 ёшида ўз қарорига кўра илк маротаба харидни амалга оширишган бўлиб, бу тоифа ўспиринларнинг иқтисодий ижтимоийлашувида оила омилининг роли беқиёслигини алоҳида эътироф этиш мумкин. 8,8 фоиз респондент оила ва таълим муассасаси ҳамкорлигида олиб борилган таълим-тарбия самараси ўлароқ, 8-11 ёшлари чамасида иқтисодий муносабатлар субъекти сифатида мустақил ҳаракат қилишган. Шунингдек, ушбу тоифа синалувчиларнинг аксариятини болалик даври мамлакатимиз мустақиллигининг илк йилларига тўғри келгани, яъни ота-оналар ҳам, таълим муассасаси тарбиячи-ўқитувчилари ҳам бу вақтда бозор иқтисодиёти шароити ва ундаги устувор қоидалар, тамойиллар, қонуниятлар, механизмлар билан етарли таниш бўлишмаганлиги боис, 58,8 фоиз ўспирин ўзининг иқтисодий муносабатлар доирасидаги илк қарорини эслай олмайди.

Сўровноманинг юқоридаги савол жавобини текширувчи ва унга ойдинлик киритувчи навбатдаги саволга жавоб беришар экан, ҳозир ҳам 15,6 фоиз ўспирин ўзи учун керакли харидни мустақил тарзда амалга оширмаслиги маълум бўлди. Яъни, бу тоифа ўспиринлар бундай харидларни амалга оширишни ота/онасининг ихтиёрида эканлигини таъкидлашган бўлса, 52,0 фоиз иштирокчи бу борадаги қарорларни ота/она билан келишган ҳолда ёки биргаликда амалга оширишларини маълум қилишган. Жамиятдаги устувор ижтимоий-иқтисодий сиёсат омили таъсирида иқтисодий ижтимоийлашувган ва бозор шарт-шароитларига муваффақиятли мослашган 32,3 фоиз ўспирин етарли даражада молиявий-иқтисодий саводхонликни намоеън қилишиб, мустақил равишда ёки дўсти/дугонаси билан биргаликда иқтисодий қарорларни қабул қилишини қайд этишган. Айнан шу тоифа синалувчилар жавоби орқали ҳам шахс иқтисодий ижтимоийлашуви жараёнига таъсир кўрсатувчи **микроомиллар**, яъни ўзлари билан биргаликда/ёнма-ён тарзда фаолият олиб борган ва иқтисодий ижтимоийлашувга бевосита таъсир қилган маълум бир шахс, тенгқури ҳамда таълим-тарбия муассасаларига дахлдор бўлган омилар гуруҳининг таъсири юқорилигини алоҳида кўрсатиб ўтиш мумкин.

Шундай қилиб, ИПС ёрдамида аниқланган «восита → пул → мақсад» ёки «сабаб → пул → оқибат» кўринишидаги гуруҳий муносабатлар омили, бизга, шахс ижтимоий-иқтисодий фаоллигини ўз ичига оловчи иқтисодий муносабатлар, меҳнат фаолияти, ҳордиқ чиқариш, корпоратив тадбирларга нисбатан йўналганлигида кўринадиган установкаларида намоеън бўлувчи **диспозицияларнинг учинчи даражаси** мазмунини тушунтиришда асос ролини бажарди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Попова Е.В. Формирование нравственно-экономической воспитанности младших школьников: Автореферат дис. ... канд. пед. наук: 13.00.01. – Челябинск: 2000. – 24 с.
2. Прутченков А.С. Проблемы и противоречия формирования экономической культуры учащихся современной школы: Стандарт экономического образования в общеобразовательных учреждениях / под ред. Н.М. Кондратенко. – Самара: СИПКРО, 1996. – С. 15–18.

СОЗДАНИЯ ПСИХОЛОГИЧЕСКОЙ СЛУЖБЫ В УЗБЕКИСТАНЕ

Баротов Ш. Р., доктор психологических наук, профессор

С первых же дней независимости Республики Узбекистан уделяется отдельное внимание проведению системных, поэтапных реформ в сфере воспитания молодежи и ее духовного возвышения.

Важным звеном в процессе осуществления реформ считается государственная политика, направленная на воспитание гармонично развитой молодежи. Дело воспитания гармонично развитого поколения, которое считается основным богатством и будущим для нашей страны возведено до уровня государственной политики.

Особенно в настоящее время, когда в мире идет процесс глобализации, экономические преобразования нужно вести вместе с духовно-просветительской работой. Развитие и воспитание в сознании молодежи идей независимости, духовных и нравственных ценностей, пробуждение национальной самобытности считаются важным условием и гарантией в стабильном развитии нашего общества. В процессе возвышения духовной жизни роль и место института махалли, как общественнотерриториальной единицы, основанной на местном самоуправлении, профессиональном объединении, династическом родстве, бесценно.

В наши дни принят ряд важнейших государственных решений, определяющих государственную политику в области: образования и стратегию модернизации образования; которые ставят принципиально новые задачи перед практической психологией и определяют перспективы развития психологической службы образования.

Деятельность психологической службы направлена на реализацию заложенных в этих документах основных принципов государственной политики в области образования, которые основываются на приоритетах общечеловеческих ценностей жизни и здоровья человека, свободного развития - личности, общедоступности, адекватности образования уровням развития и подготовки обучающихся и воспитанников.

Новые задачи психологической службы: эффективное обеспечение интеллектуального и нравственного развития ребенка с учетом его возрастных, психофизиологических и тендерных отличий, особенностей его поведения, мотивов и способностей; интеграция в образовательном пространстве линий личностного, культурного и профессионального развития; привлечение к решению проблем обучения, развития и воспитания ребенка института семьи.

Этим и обусловлены новые задачи психологической службы: эффективное обеспечение интеллектуального и нравственного развития ребенка с учетом его возрастных, психофизиологических и тендерных отличий, особенностей его поведения, мотивов и способностей; интеграция в образовательном пространстве линий личностного, культурного и профессионального развития; привлечение к решению проблем обучения, развития и воспитания ребенка института семьи.

Решая такую задачу, мы обнаруживаем и выделяем тот потенциал, который позволит Службе успешно справляться с трудными ситуациями; возникающими в том или ином направлении; ее деятельности, и одновременно подниматься на новую ступень, приобретая качества инновационного фактора модернизации системы образования.

Ресурсы психологической службы в контексте её влияния на развитие образования представляют собой сложный психолого-педагогический феномен, складывающийся в интегрированном пространстве отношений; и взаимодействий детей (разного возраста) и взрослых (педагогов, родителей) в профессиональной образовательно-культурной среде субъектов образовательного процесса.

Психологическая служба широко налажена в учреждениях дошкольного образования, общеобразовательных школах, колледжах и лицеях, высших образовательных учреждениях, домах "Мехрибонлик", что позволяет выявить уровень способностей детей, способствует их профориентации, содействию социальной адаптации. А психологи, работающие в медицинских учреждениях, оказывают пациентам духовную и психологическую помощь. Вместе с тем актуальное значение приобретает подготовка высококвалифицированных педагогических кадров по разным направлениям психологии.

Под руководством и при непосредственном участии ряда узбекских психологов в настоящее время проводятся исследования по практической психологии, которые могут служить фундаментом в применении и усовершенствовании организации психологической службы в разных сферах общественного развития в Республике. В настоящее время проводятся специальные исследования с целью поиска критериев определения эффективности социально-психологической службы в Узбекистане. Решение этого вопроса является актуальным и практически значимым как в социальном, так и научном плане.

Уровень востребованности психологических услуг, основные направления деятельности и перспективные задачи психологической службы позволяют рассматривать ее как ресурс развития образования.

Круг вопросов, которые решает психолог, широк и многообразен, он требует от него высоких профессиональных знаний и умений. Основными видами деятельности практического психолога образования являются: психологическое просвещение, психологическая профилактика, психологическое консультирование и психодиагностика, психокоррекция и развитие. Все перечисленные виды работы на практике существуют только в единстве, во взаимодействии. В любой конкретной ситуации каждый из видов работы может выдвигаться на первый план в зависимости от той проблемы, которую решает психолог, и от специфики или профиля учреждения, где он работает.

Психолог как профессионал и как личность должен знать новейшие достижения психологической науки в целом, детской и педагогической психологии, практической психологии. Применять современные обоснованные методы диагностической, развивающей, психокоррекционной, психопрофилактической работы. Постоянно повышать свою профессиональную квалификацию.

Главное назначение диагностики в школьной психологической службе – не сравнение детей друг с другом (хотя это тоже очень важно), а глубокое проникновение во внутренний мир конкретного ребенка. Перед практическим психологом стоит задача изучения того, как конкретный ребенок познает и воспринимает сложный мир знаний, социальных отношений, других людей и самого себя, как формируется целостная система представлений и отношений конкретного школьника, как происходит становление его индивидуальности.

Серьезная и, по сути, семейная, психокоррекционная задача состоит не в том, чтобы диагностировать родителей, выносить им оценки за их несостоятельность, а в том, чтобы помогать им в осознании необходимости становится «хорошими родителями».

Это значит учить родителей:

- умению слушать ребенка и понимать его переживания и потребности;
- стремлению разрешать возникающие конфликты с ребенком без угроз и наказаний, доверять по его пониманию и делиться своими чувствами, которые возникли из-за конфликта, объяснять их;
- поддержанию успехов ребенка;
- исключению непоследовательных требований, выражения недовольства ребенком;
- исключению нереальных родительских ожиданий по отношению к ребенку.

Актуальное направление ориентировано на решение злободневных проблем, связанных с теми или иными трудностями в воспитании и обучении детей с отклонениями в их поведении, общении, формировании личности. В настоящее время в детских садах, школах, лицеях интернатах и других образовательных учреждениях много таких проблем, поэтому конкретная помощь детям, воспитателям, учителям, родителям – существенная задача службы сегодняшнего дня.

Перспективное направление нацелено на развитие индивидуальности каждого ребенка. Напомним, что индивидуальность – это психологическая неповторимость отдельного, единичного человека, взятого в целом, во всех его свойствах и отношениях. Это направление реализует теоретическое положение о богатстве возможностей развития личности каждого ребенка. Здесь в центре профессионального внимания психологи – анализ психологических условий развития способностей всех и каждого. Конечно, уровень развития и содержательная специфика способностей у детей будут различными, различными будут и задачи, которые решает психолог совместно с педагогами и родителями по отношению к каждому ребенку.

Круг вопросов, которые решает психолог, широк и многообразен, он требует от него высоких профессиональных знаний и умений. Основными видами деятельности практического психолога образования являются: психологическое просвещение, психологическая профилактика, психологическое консультирование и психодиагностика, психокоррекция и развитие. Все перечисленные виды работы на практике существуют только в единстве, во взаимодействии. В любой конкретной ситуации каждый из видов работы может выдвигаться на первый план в зависимости от той проблемы, которую решает психолог, и от специфики или профиля учреждения, где он работает.

Психолог как профессионал и как личность должен знать новейшие достижения психологической науки в целом, детской и педагогической психологии, практической психологии. Применять современные обоснованные методы диагностической, развивающей, психокоррекционной, психопрофилактической работы. Постоянно повышать свою профессиональную квалификацию.

Препятствовать проведению психопрофилактической, психокоррекционной и других видов работ некомпетентными лицами, не обладающими соответствующей профессиональной подготовкой.

Оказывать необходимую и возможную помощь работникам образования региона, администрации и педагогическим коллективам учебно-воспитательных учреждений в решении основных проблем, связанных с обеспечением полноценного психического развития детей, обеспечением индивидуализированного подхода к детям. Оказывать необходимую и возможную помощь детям в решении их индивидуальных проблем. Оказывать помощь родителям или заменяющим их лицам в решении их проблем как воспитателей. В решении всех вопросов учитывать конкретные обстоятельства и руководствоваться принципом «Не навреди», т. е. принимать решение и вести работу в формах, исключающих возможность нанесения вреда здоровью, чести, достоинству детей, родителей, педагогов или третьих лиц.

Хранить профессиональную тайну, не распространять сведения, полученные в результате диагностической, консультативной и других видов работ, если ознакомление с ними не является необходимым для осуществления педагогического, медицинского, социального или другого аспекта психокоррекционной, развивающей работы и может нанести ущерб ребенку или его окружению.

Литература

- 1.Каримов И.А. Наша главная задача – дальнейшее развитие страны и повышение благосостояния народа. – Т.: Иктисодиёт, 2010.– 338 с.
- 2.Битянова М. Р. Организация психологической работы в школе. - М.: Совершенство, 1997.
- 3.Пахальян В.Э. Психологическое консультирование.- Спб.: Лидер, 2006.
- 4.Практическая психология образования. / Под ред. И. В. Дубровиной. - Спб.: Питер, 2004
- 5.Рогов Е.И. Психология познания – М.: ВЛАДОС, 1999- 176 с.
- 6.Якиманская И. С. Особенности психологического консультирования в работе со школьными учителями: Автореф. дис. ... канд. психол. наук. - СПб, 1997. - 16 с.

СОЦИАЛЬНО-ПСИХОЛОГИЧЕСКИЕ БАРЬЕРЫ В ДЕЯТЕЛЬНОСТИ МЕНЕДЖЕРА ОБРАЗОВАНИЯ

*Мухамедова Д.Г., доктор психологических наук,
Национальный университет Узбекистана*

Аннотация: в статье изучены барьеры творчества и инноваций, возникающие в деятельности менеджеров образования.

Ключевые понятия: творчество, управленец, инновационная деятельность

Социально-психологические барьеры в деятельности менеджера образования возникают тогда, когда необходимо выйти за пределы «своей системы» координат, привычных способов решения профессиональной задачи, своего представления о способах выполнения деятельности, осуществить переход, хотя бы кратковременный, на другую платформу, другую точку зрения. Такие переходы в другую культуру очень непростые, им, как правило, человек сопротивляется [7,8].

Инновационную деятельность менеджера образования можно толковать как личностную категорию, как творческий процесс и результат творческой деятельности. Управленец - инноватор, реализуя себя в педагогической деятельности, обязательно примыкает к креативному процессу, который актуализируется в креативный результат. Этот результат выражается не только в материальных и духовных ценностях, но и в личностном преобразовании и создает не только субъективно, но и объективно новый продукт. Исходя из этого, можно предположить, что инновационная деятельность образует трехуровневую структуру, где основой служит рефлексия - осмысление личностью собственной поисково-творческой деятельности, креативно-преобразовательная деятельность и сотворчество [5]. В инновационной деятельности менеджера образования преобладает потребность в новизне, в риске, поиска более совершенных способов работы. Акцентированность на поиск определена самодвижением потребности, чувством неудовлетворенности достигнутым. Риск усиливает поисковую направленность при предварительном прогнозировании уровня неопределенности и опасности зоны поиска. К инновационным барьерам также относят барьеры творческой деятельности, которые ограничивают личностный рост менеджера образования, развитие его профессионального мастерства [1, 6].

Барьеры прошлого опыта. Это, во-первых, личностная тревожность, неуверенность в себе, а во-вторых, отрицательное самопринятие, характеризующихся заниженной самооценкой личности. Выявлены и конкретные психические состояния, которые могут блокировать творческий процесс, - ситуативная тревожность и страх (показаться смешным, проявить свою некомпетентность, быть оцененным т.п.) [5].

Барьеры диалогического общения [9]:

- разрешение в пространстве, замкнутость партнёров и т.д.;
- предубеждение, недоверие, отсутствие чувства юмора, самодовольство и т.д.;
- низкий интеллект, неясность целей и т.д.;
- отсутствие навыков социального контакта, неумение организовать коллективное взаимодействие.

Склонность к конформизму, выражающаяся в доминирующем над творчеством стремлении быть похожим на других людей, не отличаться от них в своих суждениях и поступках, а также боязнь оказаться «белой вороной» среди людей, показаться для них смешным в своих рассуждениях. Данные склонности могут возникнуть у менеджера образования, если его попытки самостоятельной инновационной поведения, творческие суждения не находят надёжной поддержки у окружающих, вызывают смех или осуждение [10].

Рутина привычного мышления приводит к тому, что новации, которые идут в разрез с общепринятыми представлениями человека, не учитываются, игнорируются. Менеджер образования «закрывается», перестает быть восприимчивым к неожиданному, теряет способность к творчеству. При отсутствии гибкости мышления нет готовности и к новым идеям, к постоянной перестройке самой модели поведения в соответствии с изменениями среды. Гибкая психика позволяет понять, что мир меняется и каждый должен меняться вместе с ним [4].

Инновационной деятельности часто относят к модифицированному виду творчества, когда осуществляется реконструкция содержания, методов, форм руководства, обучения и воспитания. Психологические барьеры в инновационной деятельности менеджера образования возникают на этапе восприятия новации, когда возникает первый дискомфорт, педагог должен быть отвергнут руководством, педагогическим сообществом [2]. Менеджеры образования, которые переживают социально-психологические барьеры как барьеры творчества и инноваций, недостаточно осознают основания или противоречия, их вызывающих, не видят наиболее адекватные способы их преодоления, недооценивают наиболее эффективные пути работы над собой. В связи с этим необходимы специальные процедуры в ходе подготовки, которые носят упреждающий характер, привлекающие менеджера образования к процессу самоосмысления.

Литература

1. Абасов З. Подготовка учителей к работе в инновационной среде / З. Абасов // Высшее образование. - 2003. - №10. - С. 18 - 22
2. Анисимов О.С. Методологическая культура педагогической деятельности и мышления, М.: Экономика, 1991. - 415 с.
3. Ануфриева Н.М. Повышение уровня коммуникативной компетентности менеджеров как задача их профессиональной подготовки // Теоретико-методологические проблемы совершенствования психологической подготовки менеджеров. Приложение № 3 (8) к научному журналу «Персонал», №1 (55). - Киев: «МАУП», 2000. - С. 54 - 57.
4. Закиров А.А. Особенности сотрудничества преподавателя и обучающихся в учебной деятельности: Дис. ... канд. психол. наук. – Ташкент: «НУУз», 2002. - 129 с.
5. Кузнецова Е.В. Трудности педагогического общения, обусловленные невербальным поведением учителя, методы их коррекции // Психологические трудности общения: диагностика и коррекция. Тез. докл. всесоюз. конф. - Ростов-на-Дону, 1990. - С.75 - 81
6. Машкина Л.А. Внедрения педагогических инноваций в учебно-воспитательный процесс. - Хмельницкий, 2000. - 67 с.
7. Монахов В.М., Нижников А.И. Проектирование траектории становления будущего учителя. // Образовательные технологии, 2000, №6. - С.70-73
8. Наумкина Ю.Б. Самосовершенствование учителей с разными уровнями профессионально-педагогической компетентности. // Социальная психология XXI столетия. Т. 3 / Под редакцией проф. Козлова В.В. Ярославль, 2002. - С. 285.
9. Рыбакова М.М. Конфликт и взаимодействие в педагогическом процессе. М.: «Просвещение», 1991. - 128 с.

УМУМТАЪЛИМ МАКТАБЛАРИДА ПСИХОЛОГИК ХИЗМАТ ТАЪЛИМ САМАРАДОРЛИГИ ОМИЛИ СИФАТИДА

Нишанова З.Т., ТДПУ профессори, психология фанлари доктори

Ривожланган жаҳон давлатлари Америка, Франция, Англия, Япониянинг шу қадар ривожланиб кетишининг асосий сабабларидан бири сифатида бу мамлакатларда ишлаб чиқаришда, таълим тизимида, тиббиётда психологик хизматнинг яхши йўлга қўйилганлигидир. Бу мамлакатларда психологик хизматнинг пайдо бўлиши тарихига назар ташласак, Америкада психологик хизмат 1800 йилларда “Гайденс” хизмати сифатида пайдо бўлган. Францияда эса психологик хизмат 1905 йилда пайдо бўлган. Россияда эса 1982 йилда мактабларга психолог штати жорий этилган.

Ўзбекистонда ҳам шу йиллари мактабларда психолог штати жорий этилди. Мактабларда ишлайдиган психологларнинг етишмаслиги туфайли 1989 йилда Низомий номидаги ТДПИда амалиётчи психологлар тайёрлаш факультети очилган. Ҳозирда республиканинг қарийб барча мактабларида психологлар фаолият юритишмоқда. Республикамиз президенти Ш.М.Мирзиёев мактаб психологлари меҳнатини кадрлаб, уларнинг иш ҳақини бошланғич синф ўқувчилари иш ҳақининг 90 % га тенглаштирди. Мактабларда фаолият юритадиган психологлар штат бирлиги ҳам қайта кўрилиб, 200 нафар ўқувчига 1 штат бирлиги психолог ажратилгани таҳсинга лойиқ.

Бугунги анжуман секцияларидан бири таълим сифатини оширишда психологик хизматнинг

ўрнига бағишланган экан, бу борада психологларга бир неча тавсияларни келтиришни жоиз деб билдик:

1. Психологлар дарс жадвалини тузишда ўқув ишлари бўйича директор ўринбосарига тавсиялар бериши мақсадга мувофиқ. Айрим мактабларда мутахассис ўқитувчиларнинг етишмаслиги туфайли 6 ёки 8 соатлаб бир ўқитувчига дарс қўйиб берилишини назорат қилиш зарур. 2 соатдан кейин албатта 1 соат дам олиб (психологик хизмат хонасида), куч тўплаб жадвал бўйича 4 чи 5 чи соатларга дарсга кириши мақсадга мувофиқ.

2. Психологик хизмат хонасининг маъмурият билан биргаликда релаксация имкониятларини кенгайтириш.

3. Ҳозирги вақтда таълим тизими олдида турган асосий вазифа ҳар томонлама етук баркамол, мустақил фикрловчи ижодкор авлодни тарбиялашдан иборат экан, умумтаълим мактаблари ўқув режасини қайта кўриб чиқиб, барча синфларда “Психология” дарсларини киритиш мақсадга мувофиқ. Бу дарсларнинг заруратини қуйидаги ҳолатлар билан асослаш мумкин: а) Мактаб психологларига жуда кўп талаблар қўйилади: диагностик, ривожлантирувчи, коррекцион машғулотларни ўтказиш бўйича, лекин “Бу машғулотларни психолог қачон ўтказди?” деган савол ҳамон очик қолмоқда. б) Интеллектуал ғоялар асрида иқтидорли ёшларни тарбиялаш учун уларда бошланғич синфлигидаёқ билиш жараёнларини ривожлантириш зарур (буни қуйидагича образли ифодалаш мумкин: қураётган уйимиз мустаҳкам бўлиши учун унинг фундаменти мустаҳкам бўлиши керак. Фарзандларимиз билимларига бошланғич асос, фундамент бошланғич синфларда “қуйилгани учун” ана шу дарсларда психолог томонидан интеллектуал жараёнлари ривожлантирилиши мақсадга мувофиқ. Бу дарсларда 1 - синфда диққат ва идрокни ривожлантириш, 2 - синфда хотирани ривожлантириш, 3 - синфда тафаккурни ривожлантириш, 4 - синфда нутқ ва хаёлни ривожлантириш машқларини қамраб олиши мумкин. в) 5 - синфларда коммуникатив тренинглар, 6 - синфда креатив тренинглар, 7-синфда эмоцияларни бошқариш тренинглари, 8-синфда ўз-ўзига бўлган ишончни ошириш тренинглари, 9-синфда-ўз-ўзини англаш ва ҳаётий мақсадларни ривожлантириш тренинглари, 10-синфда касбий ўзликни англаш тренинглари, 11-синфда эса оилавий ҳаётга тайёрлаш бўйича тренингларни ўтказиши зарур.

3. Жамоада қулай психологик муҳитни яратишга ҳаракат қилиш. Қулай психологик иқлим мезонлари қуйидагилар:

1) юқори талабчанлик ва ишончнинг мавжудлиги;

2) объектив танқиднинг мавжудлиги

3) жамоага тегишли бўлган ҳар қандай масалани муҳокама қилишда ҳар бир аъзонинг фаол иштирок этиши;

4) жамоа олдида турган мақсад ва вазифалар ҳақидагуруҳнинг ҳар бир аъзосининг юксак даражада хабардорлиги;

5) раҳбарлигидан фойдаланиб гуруҳ аъзоларига таъсир ўтказишнинг мавжуд эмаслиги;

6) шу жамоа аъзоси эканлигидан қониқишнинг мавжудлиги;

7) зарур вазиятларда муҳтож жамоа аъзоларига психологик ёки бошқача ёрдам беришга интилишнинг мавжудлиги.

Психологик хизмат методлари турлитуман бўлиши мумкин:

а) халқ таълими ва Ўрта махсус касб-ҳунар таълими ходимлари, ўқувчилар, талабалар билан маърузалар туркуми, аҳолининг психологик маданиятини ўстириш мақсадида тренинг машғулотлари ўтказиш;

б) илмий оммабопа адабиётларни яратиш ва уларни тарқатиш;

в) оммавий ахборот воситаларида чиқишлар;

г) психодиагностик тадқиқотлар ўтказиш, методикалар ишлаб чиқиш (тест савол варақаси, тажриба, кузатиш, суҳбат ва бошқалар);

д) психологик маслаҳат бериш;

е) психологик консилиумлар ўтказиш;

ж) таълим ва тарбия берувчи дастурлардан фойдаланиб психодрама, психокоррекцион тренингларни амалга ошириш. Шундай қилиб, психологик хизмат умумтаълим мактабларида таълим самарадорлигини ошириш омилидир.

ПСИХОЛОГИК ТАДҚИҚОТ ВА АМАЛИЁТ: хусусий методологик жиҳат

Самаров Р. С., ТДТУ профессори, психол.ф.н., фалс.ф.д.

Жамият тараққиётини таъминлаш, инсонни камолотга еришишини замирида таълим-тарбияни натижаси, фан ва техниканинг ютуқлари мужассамлашгандир. Чунки барчасини бунёдкори, бошқарувчиси ва такомиллаштирувчиси шахс ҳисобланади. Шу боис, тараққиётни таъминлаш ва камолотга еришишда психик хосса (хусусият) ва функцияларни шаклланиши ва ривожланиши динамик мазмун касб этишини, экзо ва эндо даражаларда кечишини инobatга олиш лозим бўлади. Агарда, масалага шахс камолотини¹ таъминлаш нуқтаи назари билан ёндашсак, бу йўналишда психология фанида бир қатор илмий таълимотлар яратилган. Жумладан, шахс камолотини таъминлашда **бихевиоризим таълимоти** шахс томонидан намоён этиладиган хулқни ўзгаришини, **когнитивизим таълимоти** ички ментал жараёни (аклий жараёнларни ва б.) шаклланиши ва ривожланишини, **гуманистик таълимот** шаклланган психик имкониятлардан маълум ҳаракатларни амалга оширишда қўлланишни, **маиший таълимот** камолотга еришиш жараёнини ижтимоий контекстда, яъни муҳитда кузатиб маълум сифатларни ўзлаштиришни, конструктивизим таълимоти ўзлаштириладиган сифатларнинг моҳиятини тажриба асосида ўзлаштиришни тақозо этади. Бу ўз навбатида тадқиқотларни амалга оширишда кўйидаги **компендиум**² тарзида фаолият олиб боришни тақозо этади: “тадқиқот объектини танлаш ҳамда уни умумий ва хусусий жиҳатларини ажратиб олиш + тадқиқот объектдан (тизимдан) предметни (элементни) ажратиб олиш + тадқиқот объектнинг хоссавий жиҳатларини инobatга олиб илмий методологияни белгилаш + тадқиқотни эмпирик ўрганиш учун методикаларни (шу жумладан математик-статистика методларини) танлаш ва қўллаш + жамланган психологик ахборотларни сабаб ва оқибат алоқадорлигини инobatга олган тарзда, уларни талқинини амалга ошириш + эмпирик тадқиқот асосида жамланган психологик ахборотларни, бошқа бир (ўхшаш) тадқиқотнинг натижаси билан (балл ёки фоиз кўрсаткичи бўйича қиёслаш + ўрганилган мавзунини (муаммони, ҳолатни, жараёни) галдаги ривожланиш ҳолатига (идеал ҳолатга) келтириш учун тавсиялар келтириш = таҳлилнинг хулосавий қисми ва тавсияларини амалиётга жорий этиш йўллари кўрсатиб ўтиш.

Компендиумнинг ҳар бир компоненти тадқиқотчи ўрганилаётган ҳолатни узвийлигини таъминлаб, жорий ҳолатни (жорий моделни) тизимли идрок этиб, яхлит тасвирлаш имконини беради. Миллий тараққиётни таъминлашда психология фанининг натижаларидан фойдаланишда бу кўрсаткич жуда муҳим ҳисобланади.

Психологик тадқиқотнинг методологик асоси (камолотни таъминлаш контекстида ҳам) фокус нуқтани белгилаш учун муҳим ҳисобланади. Масалан, **бихевиоризим таълимотининг фокус нуқтаси** ташқи муҳитнинг рағбатига, яъни эгалланадиган (шаклланадиган, ривожланадиган) хоссани (хусусиятни) ташқи муҳит томонидан эътироф (рағбат) этилишига; **когнитивизим таълимотининг фокус нуқтаси** ички когнитив структурани шаклланиши ва ривожланишига; **гуманистик таълимотининг фокус нуқтаси** аффектив ва билиш эҳтиёжларини шаклланиши ва қондирилишига; **маиший таълимотининг фокус нуқтаси** шахсни муҳит билан муносабатларга киришишида шаклланган психик жараёнларни роли ва ўрнига; **конструктивизим таълимотининг фокус нуқтаси** индивид томонидан реалликни тасвирлашига қаратилгандир.

Боз устида, ижтимоий институт сифатида психология фани нафақат ўтмиш ёки юзага келган жараёнларни тушунтира олади, балки прогнозини ҳам амалга ошириб³, уни англаш жараёнини таъминлаб, ижтимоий-маданий аҳамиятдорлигини даражавийликда белгилаб беради. Айнан ижтимоий-маданий аҳамиятдорлик психологик ёрдам кўрсатиш ёки ёрдам олиш учун мурожаат қилиш, психологик таълимотлардан (таълим, ишлаб чиқариш ва б.) амалиётда фойдаланишни фақатгина интенсивлигини эмас, балки буюртмачи ва истеъмолчи сифатида психологик маърифатни реал ҳаётга тадбиқ этишни таъминлайди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев “Ёшларимизга муносиб таълим бериш, уларнинг илм-фанга бўлган интилишларини рўёбга чиқаришимиз керак. Шу мақсадда мактабгача таълим тизимини ривожлантиришимиз, ўрта ва олий ўқув юр்தларининг моддий-техник базасини, илмий ва ўқув жараёнлари сифатини тубдан яхшилашимиз керак”⁴ деб, олимлар, ёш тадқиқотчилар,

¹ Айрим психологик манбаларда камолот тушунчасини ўрнига ривожланиш (?) ёки инсоний жамият (?) тушунчаси қўлланилган (қўлланилиб келмоқда). Фикримизча, шахс камол топади, жамият эса ривожланади. Жамият эса, фақат инсонларникидир.

² Жараёни ривожланиш босқичларининг қисқача баёни.

³ Ғозиев Э., Самаров Р. Илмий ижод ва олимнинг шахси // Ж. Таълим муаммолари. 2014. 2 – сон. – Б. 69 – 73.

⁴ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси.

шу жумладан психология фани соҳасида фаолият олиб борадиганларга илмий тадқиқотларнинг сифатини янада таъминлаш лозимлигини алоҳида кўрсатиб ўтган. Мазкур таъкид, психологик тадқиқотларнинг натижасида ўрганилаётган жараёни (ҳолатни, моделни) диагностикаси ва прогнози аниқ кўрсатилишини тақозо этади. Шунда, психология фани истиқболда юзага келиши мумкин бўлган эҳтимолий ўзгаришлар (шарт бўлган психик хоссани шакллантиришни ва б.) турини ҳам белгилаб бера оладики, бу психология фанини билиш ва прогностик функцияси ҳисобланади. Жараён (ҳолат, ҳодиса) ўтмиш, жорий ва истиқбол ҳолатларини ўзида мужассам этган бўлади. Уни аниқлаш учун ижтимоий-психологик сўровномадан фойдаланилади. Бу жараёнда тадқиқотчи ўз иқтидорини намоён этади¹.

Фаразий жиҳатдан шахс камолотини сон, сифат ва тузилмавий ўзгаришларини инobatга олиб, куйидаги компендиум тарзида тасвирлаш мумкин: “**а кўринишдаги сон, сифат ва тузилма → А кўринишидаги сон, сифат ва тузилма = Камолот жараёни**”. Бу кўриниш ҳар бир босқичда психик жараёнлардаги сон, сифат ва тузилмавий ўзгаришлар, муҳит ва ижтимоий институтларнинг таъсири остида юзага келади, таркиб топади ва такомиллашиб боришини кўрсатади. Уни назарий ва амалий аҳамиятини кўрсатиш учун, шахсни муҳит (ижтимоий институтлар) таъсирига жавоб тариқасида хулқ намунасини ифода этишида кузатиш мумкин. Масалан:

- перцептив хулқ намунасида;
- ҳимоявий хулқ намунасида;
- тақводор хулқ намунасида;
- ролли хулқ намунасида;
- экспрессив хулқ намунасида;
- асертив хулқ намунасида;
- тасдиқий хулқ намунасида;
- эмпатик хулқ намунасида ва б.

Билимлар мажмуасини функционал–тузилмавий жиҳатларини инobatга олиб, тадқиқотларнинг назарий асосини мақсадли шакллантириш тавсия этилади². Бунинг учун, тадқиқотчи: эмпирик ва тарихий (тарихий-эмпирик) – фундаментал-тарихий билимларни; табиий ва прогностик (прогностик-табиий) – фундаментал-прогностик билимларни; сунъий ва тарихий (сунъий-тарихий) – технологик-мантиқий билимларни; тезкор ва протобилим (прогностик-тарихий)–технологик-прогностик билимларнинг онтологик бирикмасини эгаллабгина қолмасдан, илмий фаолиятида қўллай билиши лозим бўлади. Айнан онтологик бирикма тадқиқотчи учун вазифадорлиги жиҳатидан психологик жараёнларнинг динамикасини белгиловчи учта нуктани, яъни:

психик жараёнларни шаклланиш нуктасини;

психик жараёнларни ривожлантириш нуктасини;

психик жараёнларни такомиллаштириш (коррекциясини амалга ошириш) нуктасини белгилаб беради.

Тадқиқот методологиясини танлашда тадқиқотчи инсон олий қадрият эканлигини инobatга олиб, тадқиқот натижалари миллий манфаатларни ҳимоя этишга, ижтимоий, иқтисодий ва маданий тараққиётни барқарор кечиши учун қай даражада муҳимлигидан, аниқроғи индивидуал-маънавий яратувчанлигининг ҳосиласи бўлмиш илмий янгиллиги, хулоса ҳамда тавсияларини ижтимоий-маданий жиҳатларига жиддий эътибор қаратиши лозимлиги тавсия этилади. Шунда, тадқиқотчи нафақат тадқиқий хулқ намунасини, балки фуқаролик позициясини ҳам намоён этади.

Адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. www.press-service.uz
2. Ғозиев Э., Самаров Р. Илмий ижод ва олимнинг шахси // Ж. Таълим муаммолари. 2014. 2 - сон. - Б. 69 -73.
3. Володарская Е.А. Социально-психологическая концепция имиджа науки в обществе // Диссертация доктора психологических наук. – М.: МГУ, 2009. – С. 66.
4. Коростылева Л. А. Проблема самореализации личности в системе наук о человеке // Психологические проблемы самореализации личности. – СПб., 1997. – С. 13-20.

www.press-service.uz

¹ Коростылева Л. А. Проблема самореализации личности в системе наук о человеке // Психологические проблемы самореализации личности. – СПб., 1997. – С. 13-20.

² Володарская Е.А. Социально-психологическая концепция имиджа науки в обществе // Диссертация доктора психологических наук. – М.: МГУ, 2009. – С. 66.

ОИЛАДА ЎҒИЛ БОЛА ТАРБИЯСИНИНГ ИЖТИМОЙ-ПСИХОЛОГИК ЖИҲАТЛАРИ

*Умаров Б.М., Ўзбекистон халқаро ислом академияси профессори,
психология фанлари доктори*

Болаларни шундай тарбия этмоқ лозимки, бахтга бўлган интилишлари ҳеч қачон хазон бўлмасин, сўнмасин, балки кўқарсин, деган эди Фитрат. Ҳа, албатта, тарбия инсон ҳаётида муҳим ўрин эгаллайди. Бола аксарият вақтини онаси билан ўтказгани учун айримларда тарбияга кўпроқ оналарнинг вазифаси сифатида қараш муносабати шаклланган. Ота-чи? Фарзанд тарбиясида, айниқса ўғил бола тарбиясида оталарнинг ўрни қай даражада муҳим? Ёки инсонни комил шахс бўлиб вояга етишида она тарбиясининг ўзи етарлими? Ота оилани тебратиш учун уни моддий, иқтисодий томондан таъминласа бўлгани-ми? Йўқ, албатта. Мутахассисларнинг фикрига кўра, аёллар ва эркеклар дунёқараши бир-биридан тубдан фарқланар экан, ўғил бола тарбияси билан кўпроқ ота шуғулланиши лозим. Чунки ўғил бола, умуман фарзанд тарбиясида отанинг ўрни алоҳида аҳамият касб этади.

Эркек — уйнинг қўрғони, ҳар қандай яхши-ёмон кунларда оиланинг балоғардони ҳисобланади. Оилада бирор бир муаммо бўлса, оила аъзолари унга суянишади. Шунинг учун ўғил бола тарбиясида отанинг ўрни беқиёс бўлиб, унинг зиммасига бир қанча масъулиятлар юклайди. Гарчи чақалоқ она билан кўпроқ мулоқотда бўлса-да, уларнинг мақсадга мувофиқ муносабатини таъминлаб турувчи асосий вазифани оталар бажарадилар. Она дилбандига ғамхўрлик қилганидек, ота зиммасида фарзанди ва фарзандининг онасига ғамхўрлик қилиш масъулияти туради.

Инсонга ота-оналик масъулияти фарзанд туғилмасдан аввал тушади. Ўғил болада эркеклик (маскулинлик), йигитликка хос жиҳатлар ота тимсоли орқали шаклланиб боради. Ота фарзандининг гўдаклигиданоқ унинг ҳаётида ўз ўрнини топа билиши лозим. Зеро, бола ҳаётида энг дастлаб, илк бора идрок этиладиган эркек киши — бу, унинг отасидир. Болалар табиатан жуда кузатувчан бўладилар. Кичкинтой ҳар қандай муносабатнинг нечоғлик самимий ёки юзаки эканини тезда фаҳмлайди. Шунинг учун бола билан муносабатда сунъийлик, ясамалик, асабийлик ёки эътиборсизликка йўл қўймаган маъқул. Эътибор берилса, фарзанд бироз катта бўлгач, боғча ёшига кирганда отаси ёки онаси ишдан келиши билан уларнинг диққатини тортишга уринади. Албатта, у катталардан бирор-бир нарсани болаларча эркалик билан сўрайди ёки арз қилади. Ишдан қанчалик чарчаб, асаби бузилиб, диққати ошиб келган бўлса-да, ота-она унинг бу хатти-ҳаракатларини ўринсиз хархашага йўймаслиги лозим.

Ўғил бола тарбиясида унинг кимга тақлид қилаётганини аниқлаш зарур. Зеро боланинг шахс сифатида шаклланишида унинг учун андаза, намуна ҳисобланган инсонлар гуруҳи, яъни - референт гуруҳнинг роли катта бўлади. Чунки ўғил бола ҳамманинг фикри ва баҳосига қулоқ солавермайди, унинг учун шундай инсонлар мавжудки, уларнинг хаттоки, мулоҳазаси, нуқтаи назари, маслаҳатлари ҳам катта аҳамиятга эга ҳисобланади. Бундай референт гуруҳ ҳаётда мавжуд (масалан, ота-она, ўқитувчи, устозлар, яқин дўстлар) ёки нореал, хаёлий (китоб қаҳрамонлари, машҳур актёр, қўшиқчи, спортчилар ва ҳ.к.) бўлиши мумкин. Шунинг учун ўғил бола тарбиясида унга таъсир кўрсатиши эҳтимоли бўлган ўртоқлари доирасини аниқлаштириш, уларнинг маънавий қадриятлари йўналишини, қизиқиш, интилишларини билиш муҳим аҳамият касб этади.

Ота бош бўлган оилаларда тарбияланган болаларда отадан ижобий маънодаги ҳайиқиш, уни ҳурмат қилиш ҳисси шаклланган бўлади. Мана шу нарса уни "чизилган чизиқ"дан нарига ўтишидан, ҳаётимизда қабул қилинган турли ижтимоий меъёрларни бузишидан ва ўз навбатида турли ижтимоий санкцияларга дучор бўлишидан сақлаб туради. Айрим оилалардаги оталар фарзандларига бирор масалада ибрат бўла олмайдилар. Бундай оталар бола тарбияси билан умуман шуғулланмайдилар, оилада ҳамма нарса аёл кишининг зиммасига юкланади. Масалан, ишдан кела солиб ағанаб ётадиган, кино кўришдан ҳеч бўшамайдиган ёки кунда маст ҳолда келиб, турли томошаларни кўрсатадиган, ёхуд чойхонаю ошхонадан бери келмайдиган эркек ўз боласига нимани ўргатарди?! Фарзандларини бўлар-бўлмасга жеркийдиган, ўғилларининг кўнглини вайрон қиладиган, синдирадиган, ўзидан узоқлаштирадиган оталар ҳам учрайди.... Ва оқибат бундай тарбия ва муҳитда улғайган ўғил, кўпинча, минг афсуски, ё қизболафеъл, ё ўта кўпол инсон бўлиб етишади.

Турмуш ўртоғи бўла туриб, рўзғордаги эркек қиладиган ишларни доим ўзи бажарадиган аёлнинг ўғли нимани кўриб ўсяпти, у қандан тарбия жараёнида катта бўляпти? Деразасининг синган кўзи анчадан бери қўйилмаётган, уйи ўн йилдан бери оқланмаган, ҳовлисини тикан босиб кетган ёки водопровод жўмраги бир йилдан бери бузилиб ётган эркекнинг оиласида яхши тарбияли ўғил вояга

етадими? Ахир, эрта-индин “куш уясида кўрганини” қилмайди, деб ким кафолат бера олади. “Отангизга ўхшанг, ота ўғил бўлинг” деб оналар кимни фахр билан кўрсатишади?! Афсуски, жамиятимизда шундай оилалар, эркаклар, аёллар ва фарзандлар учрамайди, деб айта олмаймиз.

Ҳаётда кўпинча она қиз бола учун, ота эса ўғил бола учун устоз, мураббийдир. Оилада ўғил бола тарбияси мураккаб ва узоқ давом этадиган ўзига хос жараён бўлиб, у фарзанд туғилмасидан анча олдин бошланиши керак. Яъни бўлажак ота-онанинг саломатлиги, насл-насаби, дунёқараши, ички ва ташқи дунёси, ахлоқ- одоби, турмуш қуришга маънавий ва жисмоний тайёрлиги келажак фарзанд тарбиясида муҳим аҳамиятга эгадир. Оилада ўғил бола тарбиясида оиланинг ҳар бир аъзоси, қўни-қўшни, маҳалла, таълим муассасаси, жамоатчилик бирдек масъулдир. Бу тизимда эса отанинг ўрни энг устувордир, десак хато бўлмайди. Чунки ўғил отадан атрофдагиларга, табиат ва жамиятга нисбатан муносабат, юриш-туриш, муомала, ўзини тутишни ўрганади, ундан ўрнак олади. Ота фарзандига ақл-заковати, муомаласи, кийиниши, маданияти, қатъияти, меҳнатсеварлиги, рўзғор, хўжалик юритишдаги омилкорлиги, одиллиги, илмпарварлиги, оиласига содиқлиги, аёлига муҳаббати ва ҳоказо жиҳатлар билан намуна бўлмоғи зарур. Бола характерида у ёки бу салбий характер хусусиятлари шаклланишида ота-онанинг ўзаро жанжаллари, оилага, жамиятга, атроф-муҳитга нисбатан ноўрин муносабатлари, юриш-туриши, маънавияти, ахлоқи, уй-рўзғор тутумидаги пала-партишлиги албатта ўз таъсирини кўрсатади. Ота-онанинг бир-бирига нисбатан юксак ахлоқий муносабатини кўрган, ундан намуна олган ўғил бола келгусида оила курганда ўз турмуш ўртоғи билан шундай яшашга тайёр бўлиб боради.

Шарқона оила тарбиясида ота ва ўғил орасидаги муносабат энг гўзал тарзда йўлга қўйилганлигини таъкидлаш жоиз. Масалан, ота дастурхон атрофида ўтирган бўлса, ўғилнинг отадан олдин дастурхонга қўл чўзмаслигининг ўзиёқ халқимизда отага нисбатан ҳурмат, эҳтиром ҳиссининг болалар онгига ёшлиқдан сингдириб борилишини кўрсатади. Ёки шу билан бирга ота ва қиз муносабатини олайлик. Бунда ҳам ғарб, Европа оилаларида умуман учрамайдиган, шарқона одоб, андиша замирида шаклланган хулқ-атвор намуналарини (қизга совчи келса, отанинг ўз фикрини қизига онаси орқали айтиши, қиз бола турмушга чиқаётганида ота оқ фотиҳа бериши ва ҳоказо) кузатишимиз мумкин.

Ватан кўриқчиси, оиланинг устуни ҳисобланган мард эркакни ҳаётга тайёрлаш, уни ҳақиқий ўғлон қилиб вояга етказиш масъулиятини осон деб бўлмайди.

Ҳозирги ижтимоий воқелик, ҳолат нуқтаи назаридан келиб чиқилса, ўғил бола мактабгача даврда кам ҳолларда эркак киши билан мулоқотга киришади. Яъни, ота ишга кетади, ўғил бола она билан бирга қолади. Боғчага борса, яна уни аёл тарбиячи тарбиялайди. Қадимда ўғил бола 6—7 ёшга тўлгунга қадар умуман қаттиқ гап эшитиши, калтакланиши, шўхлик раъйининг чегараланиши қораланган. Бу тарбиявий удум ёш болада шиддаткорлик, ҳаракатлар ёрдамида жисмоний чиниқиш, ҳақиқий йигитларга хос табиатнинг шаклланишини таъминлаш мақсадида вужудга келган. Энди боланинг боғчадаги ҳолатини тасаввур қилинг. Боғча опа аёллик инжиқликларидан холи, асаби мустаҳкам бўлса-ку, боланинг бахти. Аммо бунинг акси ҳукм сурган муассасалар ҳам йўқ эмас. Ушбу ҳол болани журъатсиз, қўрқоқ қилиб қўймасмикан?

Бола мактаб ёшига етгач, уни кўпинча яна аёл муаллима қарши олади. Ўқитувчининг муомаласи, машғулотларда топиладиган мисоллар, сўзлаш услуби, тартибга чақиритиш йўллари — буларнинг ҳаммаси аёллик табиатидан келиб чиқиб амалга оширилади. Бу албатта, мутлоқ хулоса, қатъий ҳукм эмас, бироқ назаримда мактабгача, умумтаълим ва ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларида эркак мутахассис, ўқитувчиларининг камлиги ўғил болаларда феминлик (аёлларга хос) хусусиятларнинг ривожланишига сабаб бўлиши мумкин.

Ота-оналар фарзандлари ва айнан ўғил бола тарбиясига ниҳоятда эҳтиёт бўлиб ёндашишлари лозим. Боланинг хатти-ҳаракатида озгина ноҳуш ҳолат, салбий ўзгариш сезилдими, дарҳол бунинг сабабини ўрганиш керак. Бундай ҳолатларда ота-она ва фарзанднинг мунтазам мулоқотда бўлиб туриши, керак бўлса малакали психологлар кўмагидан фойдаланиш яхши самара беради.

Ўғил боланинг маънавияти бузилишига, кўп ҳолларда ота-онанинг оилада бир-бирига ёмон муносабати сабаб бўлади. Баъзан эса таълим муассасаларида болалар тарбиясига салбий таъсир кўрсатадиган ҳолатларга бефарқ қараймиз. Масалан, айниқса шаҳарларда ҳозир ҳар бир ўқувчининг қўлида уяли телефонни кўриш мумкин. Мен телефоннинг зарур матоҳлигини инкор қилмайман, ота-она назорат қилиши учун фарзандига уяли телефон олиб беришини тушунаман. Бироқ болага хос хусусиятлар табиатидан келиб чиқса, мактаб ўқувчилари телефоннинг асосий вазифаси қолиб кетиб, ундан бутунлай бошқа мақсадларда ҳам фойдаланишмоқдаки, бу барчамизни хушёр бўлишга ундайди. Менимча, ҳар бир ота-она фарзанди етарли даражада оқ-қорани танийдиган бўлгунча, унга оддий телефон олиб берса кифоя...

Бундан ташқари, баъзи ота-оналар ўйлаб ўтирмай боласига меъеридан ортиқ пул берадилар, пулни нимага ишлатгани ҳақида умуман сўрамайдилар. Ҳозирги кунда кўпайган интернет клублар фаолияти тўғрисида кўп-кўп гапириляпти. Улардан фарзандларимиз ўз билим даражаларини оширишлари, турли фанларга доир янгиликлардан хабардор бўлишлари мақсадида тўғри фойдалансалар буни фақат олқишлаш керак. Лекин кузатишлар шуни кўрсатмоқдаки, улар асосан турли компьютер ўйинлари ўйнаш ва жангари кинолар кўриш учун мазкур клубларга кирмоқдалар.

Ўғил бола тарбиясида отанинг энг муҳим вазифаларидан яна бири – бу, уни оилага тайёрлаш масаласидир. Оила мустаҳкамлигига таъсир қиладиган омиллар бир талай бўлиб, уларни бир суҳбат доирасида тўла қамраб олиш анча мушкул. Айтайлик, бола таълим олиб, дурустгина касб эгаси, яхши мутахассис бўлиши ҳам мумкин. Лекин бу унинг мустақил оила тебратишни ҳам бемалол уддалай олади, дегани эмас. Фарзанднинг ҳақиқий оила бошқаришга қодир ёки қодир эмаслиги эса фақатгина у оила қуриб, маълум вақт ўтгандан сўнггина билинади. Оилани мустақил бошқара олмаётган, уни моддий ва маънавий жиҳатдан тўлиқ таъминлай олмаётган йигит эса бу юқдан тезроқ воз кечиш, масъулиятдан қутулиш пайига тушади. Айни ҳолларда у энг номақбул қарор – ажралишни ихтиёр қилиши мумкин. Ана шунинг учун ҳам ажралиш ҳозирги кундаги муаммолардан бирига айланиб бормоқда. Юқорида таъкидланганидек, шунинг учун оталаримиз ўғил болаларига оила бошлигининг хулқ-атвори қандай бўлиши хусусида намуна бўлмоқлари лозим. Оила, оила-никоҳ муносабатларининг нақадар муқаддаслигини болалар онгига ёшлиқдан сингдириб бориш керак.

Адабиётлар

1. Оилавий муҳит ва болалар //Қалқон. – 2006, - №1.- Б.14-15.
2. Ядгарова Г.Т., Авлаев О.У. Тарбияси кийин, қалтис гуруҳга мансуб болалар билан ишлаш (Услубий қўлланма) Т.: 2007 й.
3. Умаров Б.М. Ота-оила устунлиги. (Услубий қўлланма) Т.: 2018 й.

АХБОРОТ ГЛОБАЛЛАШУВИ ЖАРАЁНИДА ЎСПИРИНЛАР ДУНЁҚАРАШИНИ ЎРГАНИШ ПСИХОЛОГИК ТАДҚИҚОТ МУАММОСИ СИФАТИДА

*Жабборов А., ҚаришДУ профессори,
Облоқулов Ж.Ж., СамДУ ўқитувчиси*

Машҳур америкалик футуролог Элвин Тоффлер фикрига кўра, фан ва техника ривожланиши бир меъёрда эмас, балки – тўлқинсимон кўринишда амалга ошган. Биринчи тўлқинни у “қишлоқ хўжалик цивилизацияси” деб атаган, бу тўлқин 10.000 йил аввал бўлиб ўтган ва у ўзини-ўзи ташкиллаштирган ибтидоий жамиятнинг шакллари синдириб, меҳнат тақсимотига олиб келган ҳамда иерархик тарзда ташкиллаштирилган тузилмаларни барпо этган.

Иккинчи тўлқин 3.000 йил аввал бошланган “саноат цивилизацияси”, дунёда ҳали бўлмаган, тенги йўқ, энг қудратли, жипслашган ва экспансионистик социал тизимдир.

Учинчи тўлқин ўтган асрнинг 50-чи йиллари ўрталарида бошланиб “ахборот портлаши” номи билан боғлиқ бўлган, яъни, ахборотни шиддат билан тўхтовсиз тобора тез ўсиши натижасида инсон унинг ҳажмини янги ахборот технологияларисиз уддалашга қурби етмай қолган. Шунга кўра, инсоният шиддат билан ривожланган учинчи тўлқинни технологик цивилизация деб атаган (Тоффлер Э. “Третья волна” М., 1999, С -54.).

Ҳар бир тўлқин ўзининг иқтисодий тараққиётига, ўз социал ва сиёсий институтларига, маданияти ва ўз коммуникация воситаларига эга бўлиб, жамият тараққиётида кескин бурилишлар ва кучли ўзгаришларни юзага келтирган. Буларнинг асосида ўзига хос ва ўша давр билан боғлиқ “психологик урушлар” ётганлиги табиий. Шу боис, тўлқинлар алмашинувини уруш алмашинувиға таққослаб, Т.Червинский (4;19) қуйидагиларни таъкидлайди: “Биринчи тўлқин урушлари ер учун олиб борилган, иккинчи тўлқин урушлари – жисмоний унумдорлик қобилиятлари учун олиб борилган; пайдо бўлаётган учинчи тўлқин урушлари илм ҳуқуқига эга бўлиш ва улар устидан ҳукмронлик қилиш учун олиб борилмоқда. Ахборот уруши – ҳукмронлик, бошқарув ва сиёсат муаммоларини ҳал қилишда ахборотнинг муҳим ўрин тутиши, аҳамиятлилиги ва қадриятларни таборо ўсиши билан боғлиқ бўлган, кенг қамровли яхлит стратегиядир. Шу нуқтаи назардан, одамларга ахборот таъсирини ўтказишда инсон психикаси хусусиятларидан ўринли фойдаланиш катта аҳамиятга эгадир. Бу ҳозирги кунда инсонлар манипуляцияси (инсонлар онги ва қалбини эгаллаб, уни бошқариш) деб аталади. (4; 22-23)

Иккинчи жаҳон уруши йилларида Буюк Британия олиб борган психологик урушнинг раҳбарларидан бири профессор Ричард Гроссман (4;153) психологик урушнинг мақсади куйидагилардан иборат эканлигини кўрсатиб ўтади:

1. Рақибни интизомсизликка олиб келиш.
2. Унинг ўз дунёқаришини барбод қилиш.
3. Олган илмини барқарорлигига ишончини йўқотиш (путур етказиш).
4. Унга ўз ғояларини мажбуран қабул қилдирмоқ.

Ана шундай ғоявий тизим XX асрнинг охирларида социалистик дунёқарашни барбод қилишга, кейинчалик бу ғоя Шарқий Европа малакатларида социализмни йўқ қилишга олиб келганлиги реал мисоллар билан изоҳланган.

Психологик уруш нафақат тарғиботни, балки кўпгина бошқа тадбирларни режали амалга оширишдан иборатдир. Поль Лайнбарджер психологик урушга куйидагича таъриф беради: “Психологик уруш рақиб билан курашишда ўз қамровига тезкор чоралар билан бир қаторда бошқа харбий, иқтисодий, сиёсий, маънавий хусусиятга эга бўлган курашлардан фойдаланишни қўлга киритди, улар зарур тарғиботни тўлдириш, бойитиш ва таъсирчанлигини ошириш учун муҳимдир.

Кўпгина хорижий мамлакатларнинг етакчи психолог олимлари томонидан олиб борилган илмий тадқиқот ишлари терроризмни ўрганишга, унинг криминал ва жиноий-ҳуқуқий асосларини аниқлашга йўналтирилганлиги билан характерланади.

К.Маккоули ўзининг тадқиқотларида терроризмни ўрганиб, уларнинг кураш усуллари ва боқичлари ҳақида куйидагиларни алоҳида кўрсатиб ўтган.

Унинг илмий таҳлилларига кўра, террористик актлар кишиларнинг жисмоний ва психологик ҳолатига, саломатлигига оғир салбий оқибатлар келтириб чиқаради. Уларда доимий кўрқинч ҳисси намоён бўлади, ваҳима, психологик ёрдамга кучли муҳтожлик сезилади, уларда уйқусизлик, алаҳсираш ҳолатлари намоён бўлиб туради. Уларда депрессив, агрессив, бегоналашиш кечинмалари тез-тез кузатилади(5; 76-77).

Р.Панги бошчилигида Токио метрополитенида террористик акт жабрланувчилари (641 нафар одамлар) билан ўтказилган психологик тадқиқотлардан шу нарса маълум бўлдики, уларнинг 32 – фоизи метрополитен олдида борганларида, уларни қаттиқ кўрқув ҳисси босишини, 29 фоизи – яхши ухлолмай, уйқусизликдан жабрланаётганликларини, 16 фоизи – воқеани эслаб, хотираларидан чиқаролмай, кўрқаётганликларини, 16 фоизи – депрессив-тушкунлик ҳолатида юрганликларини, 11 фоизи – агрессив бўлиб қолганликларини қайд этадилар, 10 фоизи – ҳаёлпараст ва ваҳималардан кўрқаётганликларини, яна 10 фоизи – таъсирчан, инжиқ бўлиб қолганликларини айтиб, ўксинадилар. Бу ҳолатларнинг ҳаммаси уларнинг онгли ҳаёт тарзида кучли психологик ўзгаришлар юз берганлигини кўрсатиб турибди (5; 77).

Психология соҳасидаги айнан ушбу аспектда олиб борилаётган тадқиқотлар терроризм ва экстремизмни ўрганишдаги бугунги кун учун жуда ҳам зарур, фавқулуддаги долзарб муаммолардир. Фанда шундай долзарб муаммоларни кечиктирмай ўрганиш, уларни шаклланиши билан боғлиқ психологик омилларни аниқлаш, уларнинг мақсад-муддаоларини ва йўналганлигини асослаш психолог олимлар олдида ҳам масъулиятли вазифаларни юклайди.

Хусусан, Е.Т.Соколова психологик ҳимоя феномени ҳақида илмий изланишлар олиб борган. З.Фрейд биринчи бўлиб 1895 йилда ўз тадқиқотларида инсонга хос “ҳимоя ҳаракатлари” ҳақида ёзган эди. Аста-секин бу ҳаракатлар тизими “ҳимоя механизми” номини олган, кейинчалик “психологик ҳимоя механизми” кўринишида тўла қонли мазмун-моҳиятга эга бўлган. Е.Т.Соколованинг илмий кузатишларига кўра инсонга хос психологик ҳимоя механизми ижтимоий-маданий муҳит таъсирида у жойда амалдаги таълим тизими, жамиятда қабул қилинган қонунлар ва меъёрларни ўзлаштириш ҳамда уларга амал қилиш жараёнида давомли шаклланиб боради. Психологик ҳимоя механизми инсоннинг ҳаёт давомида эгаллаган билими ва тажрибасига боғлиқ бўлиб, унинг характер хислатлари, темпрамент типлари, унда қарор топган эътиқод ва дунёқарашига қараб ўзига хос бўлади ва шахс ўзининг ҳаётий позициясида ундан фойдалананиб унга амал қилиб боради. (8; 77-78)

М.О.Мдивани, П.Б.Кодесслар (6) шахснинг ҳаётий стратегиясини тадқиқ қилиш методикасини илмий муомалага киритганлар. Аслида,Россия психология фанида жуда кўп тадқиқ қилинган соҳа ҳаётий стратегия муаммоси ҳисобланади. Ҳаётий стратегия субъектнинг тараққиёти ва шахс сифатида шаклланиб вояга етиши билан боғлиқлиги инсон ҳаётида муҳим аҳамият касб этиши С.Л.Рубинштейн тадқиқотларида ҳам яққол кўрсатиб ўтилган. Унда шахснинг фаоллиги ва ижодкорлиги субъект ҳаётининг ташкилотчиси ва бунёдкори сифатидаги энг муҳим омиллар эканлиги илмий асослаб берилган.

К.А.Абулханованинг (1) фикрича ҳаётӣ стратегиянинг ривожланиши ва уни эгаллаш инсоннинг камол топишида, ўз тақдирини ва ҳаётини ўзи белгилашида энг муҳим кўрсаткич ҳисобланади.

Муаллифлар психологик таълимотларнинг тарихий шаклланган асосларига таяниб, ҳаётӣ стратегия инсоннинг ҳаётӣ мақсадлари тизими, бу тизим кундалик ва келажак ҳаёт учун психологик йўлланмани (ҳаётӣ дастурни) ташкил этади деб изоҳлайдилар.

Муаллифлар ўспиринларнинг (16-18 ёшлилар) ҳаётӣ стратегияларини ўрганганда қуйидаги омиллар етакчилик қилганлигини қайд этганлар:

1. Ватани учун, халқи учун хизмат қилиш (15,4 фоиз)
2. Ўз мақсад ва манфаатлари учун яхши яшашга интилиш (13,5 фоиз)
3. Ўз-ўзини фаолаштириш ва тараққий эттириш учун (10,5 фоиз)
4. Ўзи севган касбини эгаллаш, билими, қобилияти ва тажрибаси билан жамиятга ва Ватанига хизмат қилиш (10,4 фоиз)
5. Ҳаётда, фаолиятида катта ютуқларга эришиб обрӯ-эътибор топиш, бой-бадавлат бўлиш, таниқли-машҳур бўлиш (10 фоиз)

Мазкур тадқиқот натижаларига қараб, турли хил ҳаётӣ стратегияга эга ёшларни кўриш мумкин, ҳар бирида ҳар хил мотив етакчилик қилган. Бугунги ёшларнинг ҳаётӣ стратегиялари ўрганилганда ҳам шунга ўхшаш (яқин) манзарани гувоҳи бўламыз. Бу ҳолат ёшлар билан янада кўпроқ ва тизимли, муайян мақсадга интилиб ишлашни тақозо этади. (6; 146-150)

Л.К.Болотова шахсда ўзини-ўзи англашнинг ривожланиши муаммосини ўрганиб, бу соҳада психологиянинг умумназарий ва методологик йўналишда Л.И.Божович, Б.Г.Ананьев, Л.С.Выготский, С.Л.Рубинштейнлар кенг қамровли илмий изланишлар олиб борганликларини эътироф этади.

Ўзини-ўзи англашнинг тузилиши ва унинг муҳим таркибий қисмлари ҳақида О.Н.Молчанова, В.С.Мухина, Л.В.Бороздиналар (жумладан ўзига-ўзи баҳо бериш, ўзини-ўзи назорат қилиш ва бошқ.); шахснинг ривожланиши ва амалий фаолиятида ўзини-ўзи англашини ижтимоий психологик ва фалсафий муаммо сифатида И.С.Кон, Б.Б.Столин, А.Г.Сперкин, И.И.Чесноковалар ўрганганликларига юқори баҳо берилган (2;116). Жумладан, Л.С.Выготский, С.Л.Рубинштейнлар нуқтаи-назарича, ўзини-ўзи англаш мураккаб психологик жараён бўлиб, уни ташкил этувчилар шахс томонидан ташқи оламдаги кўплаб образларнинг идрок этилиши, хулқ-атвор ва фаолиятнинг турли вазиятларда турлича шаклланиб бориши ва одамлар билан турли шаклларда ўзаро муносабатларга киришиб бориши натижасида юзага келган тасаввур ва тушунчаларнинг бирикиб бир бутун – “Мен” тушунчасини шаклланишидан иборатдир (6;116).

Таниқли психолог олимларнинг таҳлилий хулосаларига кўра, шахснинг ўзини-ўзи англаши ва психик тараққиёти доимий ривожланиб, мураккаблашиб, такомиллашиб борадиган юксак ақлий жараёнлар билан боғлиқ бўлиб, у доимо “Ҳозирги (реал) – Мен”, “келажакдаги- Мен” билан белгиланади (С.Л.Рубинштейн, Л.С.Выготский, Б.Г.Ананиев, И.С.Кон, К.Роджерс) (6; 123).

Хорижий мамлакатлар ва мамлакатимиз психолог олимларининг мавзуга доир илмий позицияларида ўспиринлар дунёқарашининг шаклланиши ёки унда юзага келадиган ўзгаришлар асосан ўспирин шахсининг психологик ҳимоя механизми, ҳаётӣ стратегияси, ижтимоийлашув даражаси, етакчи фаолият тури, ўзини-ўзи онгли бошқариш ва эмоционал барқарорлик, хулқ-атворнинг барқарор хусусиятлари, таълим ва тарбияда устувор методологик тамойилларга таяниш ҳамда инсоннинг жисмоний ва психологик камолоти учун оптимал шарт-шароитлар каби муҳим омиллар билан узвий боғлиқ ҳолда кечиши далилланган.

І ШУЪБА:

ТАЪЛИМНИ САМАРАЛИ ТАШКИЛ ЭТИШДА ПСИХОЛОГИК ХИЗМАТНИНГ ЎРНИ

ПСИХОЛОГИК ХИЗМАТНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ МАСАЛАЛАРИ

*Согинов Н.А., Т.Н.Қори Ниёзий номидаги ЎзПФТИИ доценти,
Шоумарова З.А., Т.Н.Қори Ниёзий номидаги ЎзПФТИИ, таянч докторанти*

Маълумки, ҳозирги вақтда кенг жамоатчилик орасида психология ҳақида, психологик хизмат ҳақида кўп гап юритилади. Хўш, психологик хизмат нима? У қандай йўналишларда олиб борилади?

Психологик хизмат, аҳолига, у ёки бу жамоа аъзоларига ўзларининг психологик муаммоларини ечиш, ўзини-ўзи тушуниш, билиш, англаш, ўз-ўзига ва атрофидагиларга нисбатан бўлган муносабатларини тўғри йўлга қўйиш, юзага келиши эҳтимол бўлган муаммоларни аниқлаш ва уларни баргараф этиш борасида тегишли йўл-йўриқлар кўрсатиш, тавсия бериш кабилардан иборат.

Таълим-тарбия муассасаларида психологик хизматни ташкил қилиш, психологик хизматнинг арим жиҳатлари устида тўхталиб ўтишни лозим топдик. Психологик хизматни ташкил қилиш, уни амалга оширувчи ходим шахси ва унинг профессионал этик жиҳатлари нималардан иборат?

Таълим муассасаларида психологик хизматни ташкил қилиш, ўқувчи-ўқитувчилар ўртасида психологик хизматни амалга ошириш, муассасаларнинг тегишли лавозимларига номзодларни кидириб топиш, улардан муносибларини танлаб олиш ва бу борада амалий психодиагностикадан ўринли фойдаланиш - ўта муҳим, масъулиятли ҳисобланади. Бу иш ўзига хос махсус маълумот, касбий маҳорат талаб қилади. Чунки, бу ўринда гап инсон тақдири, халқ манфаатлари, юрт келажаги устида боради.

Шунинг учун ҳам, психодиагностика ва психодиагност шахсига қатор ижтимоий этик талаблар қўйиладики уларга амал қилиш шарт. Буларга: психодиагностика натижаларини сир сақлаш, психодиагностик методикаларнинг илмий асосланганлигини, ўрганилаётган одамга зиён етказмаслик, улар учун тадқиқот натижаларининг ошкоралиги, хулосаларнинг объективлиги ва таклиф этилаётган амалий тавсияларнинг самарадорлиги кабилар кирди. Бу талабларни психодиагностика тамойиллари кўринишида кўриб чиқамиз.

Психодиагностика натижаларини сир сақлаш тамойили - бу ўрганилаётган одам шахсан рухсат бермагунча унинг натижаларини ошкор қилмас-ликни тақозо этади. Психодиагностика илмий мақсадларда, экспериментал тадқиқотнинг бир қисми сифатида ўтказилаётган ҳолатлар бундан мустасно.

Психодиагностик методикаларнинг илмий асосланганлиги тамойили - уларни энг камида **валидлик** ва **ишончлилик** талабларига жавоб беришини тақозо этади, яъни улар ишониш мумкин бўлган натижаларни бериши керак.

Зиён етказмаслик тамойили - психодиагностика натижаларини ҳар қандай ҳолатларда тадқиқ этилган одамга зиён етказмаслиги кераклигини назарда тутди. Агар психодиагностика танлов асосида танлаб олиш мақсадида ёки одамни ишга қабул қилишда ўтказилаётган бўлса, унда мазкур тамойил психодиагностика натижалари синалувчи учун ошқора бўлиши тамойили билан биргаликда қўлланилади. Бунда синалувчи, ундан нимани ва қандай ўрганилишлигини, тестдан ўтказиш, уни тадқиқ этишнинг натижаси қандайлиги, шунингдек, бу маълумотлар, унинг муаммосини ҳал қилишда ким томонидан ва қандай фойдаланишлиги кабилар ҳақида маълумотни талаб қилиши мумкин.

Хулосаларнинг объективлиги тамойили - тестлаштириш натижаларидан уларнинг илмий асосланган бўлишлигини талаб қилади. Яъни, психодиагностика хулосалари тест ўтказиётган ёки унинг натижаларидан фойдаланадиган шахснинг субъектив установкаларига мутлақо боғлиқ бўлмаслиги ва у томонидан белгиланган бўлмай, балки валидди ва ишончли методикаларни қўллаган ҳолда ўтказилган тестлаштириш натижаларига асосланган бўлиши шарт.

Таклиф этиладиган тавсияларнинг самарадорлиги тамойили - бундай тавсиялар кимга берилаётган бўлса, шу одамлар учун албатта фойдали бўлиши керак. Тестлаштириш натижаларидан келиб чиққан ҳолда ўрганилаётган одам учун фойдаси тегмайдиган ёки қандай оқибатларга олиб келиши номаълум бўлган амалий тавсияларни беришга рухсат этилмайди.

Психодиагностика ишларини амалга оширишда психодиагностикага қўйиладиган юқоридаги талаблар билан бир қаторда, психодиагност шахсига ҳам алоҳида квалификациян талаблар қўйилади. Уларнинг асосийлари: яхши назарий тайёргарликка эга бўлиш, психодиагностик методикалар ва уларни қўллаш қоидаларини мукамал билиш, тегишли методикалардан амалда фойдаланиш борасида етарлича тажрибага эга бўлиш кабилардир.

Ҳар қандай психодиагностик методика, ўзи ўрганаётган объектга оид қандайдир бир назария заминида юзага келади ва ривожланади. Масалан, интеллект тестлари, интеллект табиати, тузилиши, аҳамияти ва ҳаётий намоён бўлиши ҳақидаги илмий тасаввурларга асосланади. Шахс тестлари эса, шахснинг илмий таърифи, шахс тузилишини тушуниш, муайян шахс ҳақида объектив мулоҳаза юритиш мумкин бўлган маълум бир шахс назарияларига асосланади. Ҳар бир психодиагностик методика айни вақтда ўзи боғлиқ бўлган у ёки бу назария билан бойитилган ва чегараланган бўлади. Тегишли назарияни билган ҳолда, шу назария доирасида ўрганилаётган одам ҳақида, кўпинча бевосита психодиагностика натижалари доирасидан (чегарасидан) кенгрок, узокни кўзлаган хулосалар қилишга эришиш мумкин. Масалан, айрим шахс назарияларига кўра шахснинг бир хислати бошқа бир хислати билан яқиндан боғлиқ бўлади. Шунинг учун шахс хислатларидан бирини психодиагностика ёрдамида аниқлаш билан, унинг бошқа бир хислатини қай даражада ривожланганлиги ҳақида ишончли мулоҳазаларга келиш мумкин. Лекин, психодиагностика методикаси заминида ётадиган назария кўпинча унинг натижаларини изоҳлашни (интерпретация қилишни) чеклаши мумкин. Шундай методикалардан бири, шахсни ўрганишга мўлжалланган, психоанализ таълимотига асосланган Тематик Апперцепциялашган Тест (ТАТ) натижаларини фақат шу таълимот доирасидагина изоҳлашни ва шуларга асосан тегишли хулосаларга келишни талаб қилади. Бунда шахс хислатларининг гуманистик ёки факторли назарияларига кўра асосланиши ноўрин бўлади.

Шундан келиб чиққан ҳолда айтиш мумкинки, ҳар қандай психодиагностик методикалардан психологик амалиётда фойдаланишда, психодиагностмазкур методика асосланадиган назарияни билиш шарт. Буларсиз у одамларни тадқиқ этиш натижаларини таҳлил қилиш, изоҳлаш ва хулосалар чиқаришда жиддий хатоларга йўл қўйиши мумкин.

Методикани мукамал ўзлаштирганлик, уни синалувчи эътиборига ҳавола этиш, натижаларни таҳлил қилиш ва изоҳлаш, зарур тартиб-қоидаларга (процедураларга) оид билим ва малакаларга эга бўлишни тақозо этади. Тадқиқотчи токи психодиагностик тестни яхши ўзлаштириб олмагунича (модул, меъёрий кўрсаткичлари, мувофиқлаштирилганлик даражаларини аниқламагунича) ёки ҳеч бўлмаса ўзи қўлламоқчи бўлган тестни ўзида ёки ўзи яхши билган одамларда ўтказиб кўрмагунча, ундан бошқаларни ўрганишда фойдаланмаслиги керак. Психодиагностик методикаларни қўллаш тартиб, талаблари, қоидаларини билиш ҳам жуда муҳим. Бу тартибларга амал қилиш ишончли натижаларни олиш имкониятини берса, уларни бузиш жиддий хатоларга олиб келади. Тестнинг ўзи ўз ҳолича қанчалик яхши бўлишлигига қарамай, ундан фойдаланиш вақтида албатта синалувчиларнинг индивидуал хусусиятлари, уларнинг мазкур вазиятдаги ҳолати ва кўплаб психодиагностикага таъсир қилувчи омилларни ҳисобга олиш лозим. Бунда психологик тадқиқотлар олиб боришнинг асосий тамойиллари бўлмиш детерминизм ва системалилик тамойилларига амал қилиш керак.

Тадқиқотчининг тегишли психодиагностика методикасини амалда қўллай билиш тажрибасига эга бўлиши ҳам катта аҳамиятга эга. Бундай методикалардан фойдаланиш тажрибаси ҳам узлуксиз бўлиши лозим. Чунки улардан фойдаланишдаги танаффуснинг узок вақт чўзилиши ҳам одатда тегишли билим, малака, кўникмаларнинг йўқолишига ва улар билан ишлаш сифатининг пасайишига олиб келиши мумкин.

Психодиагностик тадқиқотлар ўтказиш вақтида тадқиқотчи қуйидаги ахлоқий-этик меъёрларга амал қилиши шарт:

1. Одамни унинг ихтиёрий розилигисиз психологик тадқиқотга жалб қилмаслик керак (қонунда белгиланган алоҳида суд, суд-психологик экспертиза ёки медицина амалиёти ҳолатлари бундан мустасно).

2. Психодиагностик тестлаштириш ўтказишдан олдин синалувчини, у тадқиқот жараёнида ўзи англамаган (сезмаган, билмаган) ҳолда ўзи ҳақида, ўз фикр ўйлари, хиссиёти ҳақида айрим маълумотларни бериб юбориши мумкинлиги ҳақида огоҳлантириб қўйиш лозим.

3. Агар бу қонунда кўрсатилмаган бўлса, ҳар қандай одам (синалувчи) тестлаштириш натижаларини ва ундан олинган маълумотларни ва улардан ким, қаерда ва нима мақсадда фойдаланиши мумкинлигини билишга ҳақли.

4. Психологик тестлаштириш натижалари тестни ўтказган одам томонидан синалувчига тўғри тушуниладиган шаклда берилиши керак.

5. Вояга етмаган синалувчиларни тестлаштиришда уларнинг ота-онаси ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар, боланинг тестлаштириш натижаларини билишга ҳақли.

6. Агар тестлаштириш одамнинг психик ривожланганлик даражасини аниқлаш, конкурс асосида танлаб олиш ёки ишга қабул қилиш мақсадида ўтказилаётган бўлса, бунда ҳам синалувчи нафақат тестлаштириш мақсади, балки у ҳақда тест натижаларига кўра қандай асосда хулоса қилинишини билишга ҳақли.

7. Психодиагностик тестлардан амалда фойдаланиш учун асосий жавобгарлик уларни қўллаётган шахсларга ва ташкилотларга юклатилади.

Таъкидлаш жоизки, ижтимоий-иқтисодий тизими мўтадил бўлган қатор ривожланган мамлакатларда психодиагностик тестлардан фойдаланиш, уларнинг натижаларини эълон қилишга нисбатан қонуний қайд этилган чекланишлар мавжуд.

Улар, қуйидаги мажбурий меъёрларни ўзида мужассам қилади:

1. Касб танлови (профотбор) ва экспертиза учун фойдаланиладиган кўпчилик психодиагностик тестларни оммавий ахборот воситалари орқали очиқ чоп эттириш тақиқланади. Чунки, тегишли малака ва тайёргарликка эга бўлмаган одамлар фойдаланиши оқибатида, уларнинг натижалари бузилиши, салбий оқибатларга олиб келиши мумкин.

2. Психодиагностик тестлардан фойдаланувчилар, олий психологик маълумотга эгаллиги ҳақидаги дипломга ёки камида психология фанлари номзоди илмий даражасига эга бўлиши керак. Бу амалиётга алоқадор бошқа кишилар эса, бундай фаолият билан шуғулланиш учун тегишли лицензияга эга бўлиши лозим.

Амалиётчи психологнинг этик кодексидан намуналар

Этик кодекс - деб, одамларнинг улар мулоқотга киришадиган у ёки бу жиҳатлардаги ўзаро муносабатлари ва фаолиятида амалга ошадиган хулқининг ахлоқий қоидалари мажмуига айтилади. Этик кодекс асосида ўзида адолат, меҳрибонлик мезонларини намоён этадиган, ахлоқий меъёрлар ётади.

Қуйида психологик амалиётнинг турли вазиятларида амалиётчи психолог хатти-ҳаракати ахлоқий жиҳатларини мувофиқлаштирувчи **намунавий (тахминий) этик кодексини** келтириб ўтамыз:

1. Психологнинг психодиагностик амалиётдаги касбий фаолияти унинг синалувчилар олдида алоҳида жавобгарликка эга эканлиги билан характерланади.

2. Синалувчининг шахсий манфаатлари, тегишли муассаса, унинг раҳбарлари ва бошқа одамлар манфаатларига зид бўлган ҳолатларда, психолог ўз вазифасини максимал ҳолислик билан бажаришга мажбур.

3. Психологнинг иши касбий мустақиллик ва автономия тамойиллари асосида ташкил қилинади. Унинг касбий-психологик тавсифи масалалари юзасидаги қарори якуний ҳисобланади ва у юқори бошқарув идоралари, тегишли муассасалар маъмурияти томонидан бекор этилиши мумкин эмас.

4. Психолог қарорини тегишли ҳукм чиқариш ваколатига эга бўлган ва юқори малакали психологлардан ташкил топган махсус комиссия бекор қилиши мумкин.

5. Синалувчилар билан ишлашда психолог адолатлилик ва самимийлик тамойилларига асосланади.

6. Синалувчиларга психологик ёрдам бера оладиган бўлиши учун психолог кафолат ва тегишли ҳуқуққа эга бўлиши лозим. У ўз навбатида унга берилган ҳуқуқлардан ўринли, тўғри фойдаланиш учун шахсан жавобгардир.

7. Давлат хизмати идораларида фаолият кўрсатаётган психологнинг иши, ҳар бир синалувчининг интеллектуал ва шахсий ривожланиши йўлидаги чекланишларнинг бартараф этишни назарда тутадиган мутлоқ гуман (инсоний) мақсадларга эришишга қаратилган бўлиши керак.

8. Психолог ўз ишини, синалувчи шаънини мутлоқ ҳурмат қилиш ва синалувчининг шахси дахлсизлигини таъминлаш асосида ташкил қилади, унинг асосий инсоний ҳуқуқларини фаол ҳимоя қилади ва ҳурмат қилади.

9. Психолог синалувчи манфаатларини жамият олдида, барча одамлар олдида ҳимоя қиладиган асосий ҳимоячилардан бири ҳисобланади.

10. Психолог психодиагностик ва психокоррекцион методикаларни танлаб олишда, шунингдек, ўзининг хулоса ва тавсияларини беришда эҳтиёткор, ҳушёр бўлиши керак.

11. Психолог синалувчининг шахсий ривожланишини, унинг инсоний эркини, жисмоний ва психологик дахлсизлигини чеклайдиган ишларда иштирок этмаслиги керак. Психологнинг касбий этикасининг энг оғир бузилиши, уни синалувчига зиён етказувчи ишларда бавосита ёки шахсан

иштирокида намоён бўлади. Бундай ҳолатга бир бор йўл қўйган шахс психодиагностик ишлар билан шуғулланиш, профессионал психологик мутахассислигини таъкидлайдиган ҳужжатлардан фойдаланиш ҳуқуқидан бутунлай (бир умрга) маҳрум этилади, қонун билан белгиланадиган ҳолатларда эса судга берилади.

12. Психолог синалувчининг ҳақ-ҳуқуқлари бошқа одамлар томонидан паймол қилинган, синалувчилар билан ногуман мулоқотда бўлинган ҳолатларни сезган вақтда бу ҳақда ўзининг бевосита раҳбарига хабар бериши шарт.

13. Психолог синалувчи ҳуқуқларининг бузилишига олиб келадиган ҳар қандай сиёсий, ғоявий, ижтимоий, иқтисодий ва бошқа таъсирларга қаршилик кўрсатиши керак.

14. Психолог, фақат ўзи зарур маълумот ва малакага эга бўлган соҳалар бўйичагина хизмат кўрсатиш ҳуқуқига эга.

15. Етарлича апробациядан ўтмаган ёки барча илмий стандартларга тўла жавоб бера олмайдиган психодиагностик (психокоррекция) усуллардан ноиложлик туфайли фойдаланишга тўғри келиб қолгудек бўлинса, унда психолог бу ҳақда манфаатдор шахсларни огоҳлантириб қўйиши ва ўзининг хулоса ва тавсияларида эҳтиёткор бўлиши керак.

16. Психологнинг психодиагностик, психокоррекция ёки психотерапевтик материалларни улардан фойдаланиш учун тегишли тайёргарликдан ўтмаган, номутахассис шахсларга беришга ҳаққи йўқ.

17. Психолог психодиагностика ва психологик таъсир этиш методикаларидан махсус профессионал тайёргарликка эга бўлмаган шахслар томонидан фойдаланилишига тўсқинлик қилиш керак, бу ҳақда бундан беҳабар ҳолда ундай шахслар хизматидан фойдаланаётган кишиларни огоҳлантириб қўйиши шарт.

18. Синалувчиларни индивидуал психологик текшириш натижасида олинган маълумотларни, психолог фақат уларни ўзларининг розилиги билангина учинчи одамларга айтиши ёки бериши мумкин. Бунда синалувчи у ҳақда кимга ва қандай маълумотлар берилаётганлигини билишга ҳақли.

19. Тегишли муассасалар маъмуриятига синалувчи ҳақида, фақат бу одамлар улардан синалувчига зиён етказиш мақсадида фойдалана олмайдиган маълумотлар берилади, холос.

20. Психолог оммавий ахборот воситалари ва бошқа психологик ёрдам кўрсатиш воситаларидан фойдаланишда, бундай маълумотларни олиш ёки тарқатишда, одамларни психологик характердаги ёрдам учун бунга ҳаққи йўқ ёки ярқисиз, номутахассис шахсларга мурожаат қилишлари кабилар салбий оқибатларга олиб келиши мумкинлиги ҳақида огоҳлантириши, бундай ёрдамни қаердан ва кимдан олиш мумкинлигини айтиб ўтиши лозим.

21. Психолог ўзини, унинг роли ва функцияси синалувчиларга зиён етказиши мумкин бўлган турлича (икки) маънода тушунилиши мумкин бўлган ишлар ёки фаолият билан шуғулланмаслиги керак.

22. Психолог мижозларга ўзи бажара олмайдиган ваъдаларни бермаслиги керак.

23. Агар синалувчини тадқиқ қилиш ёки унга психологик аралашини бошқа шахсининг: тегишли идоралар вакиллари, врач, судья ва ҳ.к. талабига кўра бўлаётган бўлса, психолог бу ҳақда синалувчини хабардор қилиб қўйиши керак.

24. Психолог ўзи ўрганган синалувчилар ҳақидаги маълумотларнинг сир сақланиши учун шахсан жавобгар.

25. Бирон-бир идорага (муассасага) ишга қабул қилинишда психолог ўзининг профессионал ваколати (компетенцияси) доирасида мустақил фаолият қилишлигини айтиб ўтиши, шунингдек, ўзи ишлайдиган (ишлаши лозим бўлган) идора маъмуриятини ва бошқа манфаатдор шахсларни мазкур этик кодекс мазмуни ҳақида огоҳлантириб қўйиши лозим. У ўзининг касбий ишига аълоқадор бўлган барча шахслар эътиборини сир сақлаш ва касбий этика талабларига амал қилиш лозимлигига қаратиши керак. Шу билан бирга психолог уларни, унинг ишига фақат психологик хизматнинг тегишли ваколатга эга бўлган юқори ташкилотларгина профессионал аралашини мумкин эканлиги ҳақида огоҳлантириб қўйиши керак. Шунингдек, у бошқа шахслар томонидан билдирилган ноэтик талабларни бажара олмаслиги ҳақида ҳам таъкидлаб ўтиши жоиз.

26. Профессонал амалиётчи психолог томонидан этик кодекс низомларини бузиш амалиётчи психологлар ассоциацияси “психолог обрўси” (судом чести)да муҳокама қилиниши, зарур бўлиб қолган шароитларда психологик хизмат таркибига кирувчи янада юқорироқ профессионал ташкилотларда муҳокама қилиниши керак.

Психологик хизматнинг қуйидаги умумий йўналишлари фарқланади:

1. Психодиагностика;
2. Психологик тузатиш (психокоррекция);

3. Психологик маслаҳат бериш (психоконсултация);
4. Психопрофилактика;
5. Психологик оқартув ишларини олиб бориш.

Маълумки, ҳар бир одам ўзини-ўзи ва воқеликни (атрофида рўй бераётган воқеа-ҳодисаларни, нарсаларни) ўзича, ўзига хос, субъектив акс этади. Бир одамнинг воқеликни қандай идрок этиши, қабул қилиши бошқа одамнинг айнан шу воқеликни идрок этиши, қабул қилишига мос келмайди. Шуниси билан ҳам одам энг мураккаб билиш объекти эканлигича қолаверади. Бу эса одамни ўрганишни, тушунишни, у ёки бу вазиятда у ўзини қандай тутиши, қандай хулқ, фаолликни намоён қилишини олдиндан айтиб беришни мураккаблаштириб юборади. Бир одамга маъқул бўлган хулқ-атвор меъёри бошқа бир одамга маъқул тушмаслиги, бир одам учун самарали бўлган усул бошқасига мутлақо тўғри келмаслиги мумкин. Шунинг учун шахсга психологик хизмат кўрсатишда, унга психологик таъсир қилишда аввало шу одамнинг ўзи ким эканлигини, унинг шахсий хусусиятлари қандай эканлигини билиш муҳим аҳамиятга эга бўлган маълумотлардан ҳисобланади. Психологик хизматнинг (психологик таъсир этишининг) самарадорлиги ҳам айнан шунга кучли боғлиқ бўлади.

Психодиагностикада турли психодиагностик воситалар (методлар, тестлар, сўровномалар) ёрдамида ўрганилаётган одамнинг психологик хусусиятлари, шахси, ўрганилаётган жамоадаги шахслараро муносабатлар хусусиятлари, ундаги ўзаро муносабатлар тизими аниқланади. Бу объектнинг ким ва қандай эканлиги билинади. Психодиагностика ёрдамида аниқланган хусусиятлар, аксарият ҳолларда уларнинг асосан салбий характерга эга бўлган жиҳатларини **психологик тузатиш** ишлари орқали бартараф этилиши лозим.

Унда ўрганилаётган шахснинг маълум бир фаолиятларни мақсадга мувофиқ амалга оширишига ҳалақит қилиши мумкин бўлган айрим сифатлари кўрсатилади, уларни бартараф этиш юзасидан **психологик маслаҳатлар** берилади. Психологик маслаҳатлар беришда бошқа бир қанча илмий манбалардан олинган маълумотлардан, психологнинг, мутасадди ходимнинг ҳаётий тажрибаси, касбий маҳорати ва бошқа шу каби манбалардан фойдаланиш ҳам мумкин, лекин бу ўринда ҳал қилувчи манба бўлиб, шу маслаҳат берилаётган одам, ўқувчи, ўқитувчи, ёш ходим ва бошқаларнинг ўзидан, психодиагностика ёрдамида олинган маълумотлар асос бўлиши (хизмат қилиши) керак. Яъни шу **одамнинг ўзидан олиб-ўзига қайтариш** мақсадга мувофиқ.

Ҳар бир тестда синалувчида ўрганилаётган сифатлар қай даражада намоён бўлиши, ифодаланиши аниқланади. Тест натижалари изоҳида шахс ҳақида маълум бир тавсиф берилади. Буларнинг ҳаммаси ҳам бир ёқлама ижобий бўлавермайди. Шу аниқланган сифатларнинг мақсадга эришишга, ишнинг муваффақиятига ҳалақит қилиши мумкин бўлган жиҳатлари бартараф этилиши лозим бўлади. Бунинг учун, тестнинг **стимул варианты** (тест саволи, топшириқлари), шу саволга берилган **жавоб**, бу жавоб учун қалитга мувофиқ қўйилган баҳо ва йиғилган балларнинг **изоҳи** биргаликда кўриб чиқилади. Шу уч асос мазмундан келиб чиқиб, синалувчига тегишли маслаҳат берилади, салбий сифатлари ўзининг салбий асоратларини намоён қилмаслиги учун маслаҳат, тузатиш, профилактика тадбирлари (дастурлари) ишлаб чиқилади.

Психопрофилактикада психодиагностика орқали аниқланган маълумотларга асосланган ҳолда шахсда мавжуд бўлган ижобий ва салбий хислатлар қандай натижаларга, оқибатларга олиб бориши мумкинлиги ҳақида мулоҳаза юритилади. Рўй бериши эҳтимол бўлган салбий ҳолатлар, вазиятларнинг олдини олиш бўйича тегишли чора-тадбирлар ишлаб чиқилиб, огоҳлантиришлар берилади, йўналишлар белгилаб олинади.

Ниҳоят психологик хизматнинг сўнгги йўналиши бу **психологик оқартув** (маърифат) **ишларини олиб боришдир**. Маълумки, ҳамма одамлар ҳам психологияга қизиқавермаслиги ёки ўзининг касб фаолияти характеридан келиб чиққан ҳолда психология фани ютуқлари, психологик таълимотлар, амалий психология имкониятларидан беҳабар, булар ҳақидаги маълумотларга дуч келмаган бўлиши, ёки уларнинг бу ҳақдаги тасаввурлари ноадекват бўлиши мумкин. Психологик оқартув ишларини олиб бориш эса одамларни шу маълумотлардан хабардор қилиш, аҳоли ўртасида психологик билмларни тарғиб қилиш, уларнинг психологик саводхонлигини ошириш, психологик маърифий ишларни йўлга қўйилишини тақозо қилади. Унинг самарадорлиги, шубҳасиз, психологик хизматнинг юқорида санаб ўтилган йўналишлари натижаларига қанчалик асосланишга боғлиқ.

Албатта, бу ишлар (психологик хизмат) махсус психологик маълумотга эга бўлган, малакали мутахассислар томонидан олиб борилса, айти мурдда бўлди. Лекин, афсуски бундай мутахассисларга бўлган тақчиллик Республикамизда ўта кучлидир. Шундай экан бу муаммони ҳал қилиш учун нима қилиш керак? Бизнингча, бу ўринда К.Д.Ушинскийнинг “Ҳар бир илмий маълумотли педагог - психологдир”, - деб таъкидлаган иборасига тузатиш киритиб, “Ҳар бир олий, илмий маълумотли, мулоҳазали, ўз ишини севадиган ходим - шубҳасиз психологдир”, - деб юритишимиз ва ҳар бир

ходимнинг ҳақиқатан ҳам психодиагностика, амалий психология билимларини етарли даражада эгаллаган, ўз фаолиятида ҳозирги замон психологияси ютуқларидан самарали фойдалана оладиган ходимлар бўлиб етишишларига ва улар ҳақиқатан ҳам одамни билиш борасида, шубҳасиз, психолог бўла олишларига эришиш лозим.

Бунга асосан ўзини-ўзи ўқитиш, ўзини-ўзи тарбиялаш, ўз устида, ўз билим, малака, кўникмаларини ошириш борасида узлуксиз, мустақил ишлаш орқалигина эришиш мумкин. Тегишли соҳа мутахассисларималака ошириш ёки қайта тайёрлаш курслари ўқув дастури доирасида, психологиядан белгиланган машғулотларда иштирок этар эканлар, айниқса, бу фан бўйича ўтказиладиган амалий ва мустақил машғулотларда фаол иштирок этиб, тавсия этилган, берилган психодиагностик воситалар билан яқиндан танишиб чиқиб, улар ёрдамида аввало ўзини ўрганиб борар эканлар, ўзларининг психологик саводхонлик даражасини оширишга эришадилар. Тегишли билим, малака, кўникмаларни ўзлаштирадилар, деб умид қиламиз.

СПОРТ ПЕДАГОГИК ФАОЛИЯТИДА ПСИХОЛОГИК ХИЗМАТ КўРСАТИШНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ВА РИВОЖЛАНТИРИШ МУАММО ВА ЕЧИМЛАР

Арзикулов Д.Н., ЎзДЖТМУ психол.ф.н., доценти

Юртимизда жисмоний тарбия ва спортнинг оммавийлигини ошириш, миллий ўйинларни қайта тиклаш, соғлом турмуш тарзини шакллантириш, иқтидорли спортчиларни тайёрлаш ва уларнинг маҳоратини оширишда охириги йилларда кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда. Спорт соҳасидаги улкан ислоҳотлар ва эришилаётган юксак натижалар мамлакатимиз Президенти Ш.М. Мирзиёев томонидан олиб борилаётган оқилона давлат сиёсатининг маҳсулидир. Юртбошимиз томонидан 2017 йил 7 февралдаги фармони билан тасдиқланган 2017–2021 йилларда Ўзбекистонни ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегиясини “**Ёшларга оид давлат сиёсатини такомиллаштириш**” деб номланган бандида “Жисмонан соғлом, руҳий ва интеллектуал ривожланган, мустақил фикрлайдиган, қатъий ҳаётий нуқтаи назарга эга, Ватанга содиқ ёшларни тарбиялаш, демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш жараёнида уларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш” масаласининг алоҳида эътироф этилиши ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017-йил 3-июндаги “Жисмоний тарбия ва оммавий спортни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3031-сонли Қарори жисмоний тарбия ва спорт соҳасини давлат сиёсати даражасида муҳимлигидан далолат беради.

Ҳозирги замон жаҳон спорти учун хос бўлган хусусиятлар сифатида спорт натижаларининг изчил ва сезиларли даражада ўсиши, спорт мусобақалари иштирокчилари томонидан нафақат жисмоний, балки айна пайтда жуда катта психик куч – қувватни сарфлашни тилга олиш мумкин. Агар спортчи шахсининг психик функциялари ва психик хусусиятлари керакли даражада ривожланмаган бўлса, ҳатто жисмоний ва техник жиҳатдан жуда яхши тайёргарлик кўрган спортчининг имкониятлари баланд бўлганда ҳам мусобақада ғалабага эриша олмаслиги мумкин. Бундан шундай хулоса қилиш мумкинки, юқори малакали спортчиларни мусобақаларга психологик тайёргарлиги худди унинг жисмоний, техник ва тактик тайёргарлиги каби ўта муҳим аҳамият касб этади.

Спорт психологияси машғулот ва мусобақа жараёнларининг ажралмас қисмидир. Зеро, унинг замирида спортчининг техник-тактик ва жисмоний тайёргарлиги самарадорлигини ошириш, спортчини психологик тайёргарлигини такомиллаштириш, ҳар бир спорт тури учун ниҳоятда муҳим бўлган спортчининг энг оптимал ҳолатини шакллантириш вазифалари мужассамдир. Шу сабабли спорт психологияси бугунги кунда ривожланиб бораётган соҳага айланиб, унга нафақат психологлар, балки, у ёки бу жиҳатдан спорт билан алоқадор бўлган барча инсонлар- спортчилар, спорт мураббийлари, маъмурий - ташкилий соҳа ва бошқарув ходимлари ҳам катта қизиқиш билдирмоқдалар. Спорт амалиёти спортчиларнинг мувоффақиятли чиқишларида, уларнинг спорт маҳоратларини ошириш учун ички имкониятларидан фойдаланишда, ҳамма мусобақаларда ғалабаларни қўлга киритиш борасида психологик омилнинг аҳамияти тобора ошиб бораётганлигини тасдиқлайди.

Бугунги кунда спорт психологи мутахассисларини тайёрлаш назарий нуқтаи назардан мавжуд бўлсада аммо амалий нуқтаи назардан спорт психологлари спорт жамоаларига тўлиқ кириб брган эмас уларнинг функцияси мураббийлар томонидан амалга ошириб келинмоқда. Чунки спорт психологи штати бугунги кунда ихтисослаштирилган олимпия захиралари мактаб интернатларида (Республика бўйича 15 та мактаб интернат мавжуд бўлиб уларнинг ҳар бирида 3 та штат бирлиги

ажратилган) ва олимпия ва миллий спорт турлари бўйича ихтисослаштирилган давлат мактаб интернатларида (Республикада 14 та ҳудуд бўйича 14 штат бирлиги ажратилган) мавжуддир.

Маълумки, бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги тизимида 76 та спорт федерациялари, 226 та Республика болалар ва ўсмирлар спорт мактаблари, 29 та футбол интернатлари, 7 та олий спорт маҳорат мактаблари ва (жами 400 дан ортиқ) бошқа спорт муассасалари фаолият олиб бораётган бўлсада, уларда спорт психологи штатлари мавжуд эмас.

Юқори малакали спортчиларга психологик хизмат кўрсатиш учун зарурий моддий-техник базага эга бўлган лабораториялар мавжуд эмас.

Талабаларни спорт ташкилотлари ва жамоалари билан узвий ҳамкорлиги етарли даражада йўлга қўйилмаган.

Жисмоний тарбия ва спорт фаолияти тизимида психологик хизмат кўрсатишнинг асосий **мақсади**: спортчи шахсининг ўзига ҳос жиҳатлари, спорт фаолияти жараёнида спортчи рухиятини намоён бўлиш қонунийатлари, спортчи шахсининг психологик хусусиятлари, техник, тактик, психологик ва иродавий тайёргарлиги, ҳамда жисмоний тарбия ўқитувчиси ва тренер шахсининг психологик хусусиятларини ривожлантиришга хизмат қилишдан иборатдир.

Шунингдек, жисмоний тарбия ва спорт машқининг маҳсулдор усулларини илмий асослаш ва уларни самарадор қўллашга ёрдам бериш, спортчини тайёрлаш жараёнида унинг психикаси, онгининг маҳсус тенденциялари, танлаган спорт тури бўйича қизиқиш ва имкониятларини инобатга олган ҳолда ривожланишини ҳамда спорт мураббийси ва арбитрнинг психологик хусусиятларини илмий амалий жиҳатдан ўрганиш.

Шу билан бирга инновацион технологияларни, компьютер дастурларни яратиш, Ўзбекистон терма жамоаларининг, турли хил спорт турлари бўйича юқори тоифали спортчиларни машғулот ва мусобақалар жараёнларига ҳос бўлган психик функцияларни ривожлантириш ва бошқариш асосларини ишлаб чиқиш орқали уларни юқори спорт натижалари сари, яъни ғалабага эришишларини таъминлашга қаратилган.

Қуйидагилар спорт ютуқларини янада оширишда жисмоний тарбия ва спорт фаолияти тизимида психологик хизмат кўрсатишнинг асосий **вазифалари** этиб белгиланади:

1) Спортчиларни мусобақаларга жисмоний, техник ва тактик жиҳатдан тайёрлаш баробарида уларни психологик жиҳатдан тайёргарлигини ривожланган мамлакатлар спортчилари даражасига кўтариш мақсадида спортчи, спорт мураббийси ва спорт ҳаками шахсини шакллантириш ва ривожлантиришнинг психологик ўзига ҳос жиҳатларини тадқиқ этишни кучайтириш ва самарали механизмларини ишлаб чиқиш ҳамда соҳада спорт психологларини касбий маҳоратини ошириш борасида дунёнинг ривожланган мамлакатлари тажрибаларини ўрганиш бўйича халқаро (Белоруссия, Россия, Хитой, Германия, Корея) ҳамкорликни йўлга қўйиш;

2) Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети қошида спорт турлари бўйича комплекс илмий гуруҳлар ташкил қилиш, мусобақа фаолиятининг мувоффақиятини таъминловчи омилларни ўрганиш;

3) Спортда психологик хизмат кўрсатишни такомиллаштириш учун ривожланган хорижий мамлакатлар тажрибаларини доимий ўрганиш ва амалиётга татбиқ этиш, спорт психологиясини такомиллаштириш учун замонавий жиҳозларга эга бўлган илмий – амалий лабораторияни ташкил этиш, штат бирликлари билан тўлиқ таъминлаш ҳамда замонавий ўқув адабиётларини янги авлодини яратиш ва нашр этиш ишларини кучайтириш кабиларни алоҳида кўрсатиш ўрили деб ҳисоблаймиз:

Шунингдек, спорт педагогик фаолиятида психологик хизмат кўрсатиш соҳасида психодиагностик, психокоррецион ва психопрофилактик фаолият натижаларидан амалий фойдаланишни замонавий усул ва воситаларидан фойдаланган қуйидаги йўналишларни:

- Спорт мусобақаси ва машғулотлари жараёнида муваффақиятга эришиш ҳамда спортчи фаолиятини самарадорлигини ошириш механизмларини ҳар бир алоҳида спорт турлари бўйича ишлаб чиқиш ва спортчиларда вақтни, футбол тўпни, сувни, оралик масофани, ҳаракатлар тезлигини ўзгаришини сезишда, ихтисослашган идрокларни шакллантириш йўли ва воситаларини ривожлантириш ва такомиллаштириш;

- жамоавий спорт ўйинларида ўзаро хатти-ҳаракатларни мақбул йўлларини, стратегик ва тактик тафаккурни, тассавурни, кузатишнинг усулларини ҳамда спортчиларнинг турли ёш даврларига ҳос бўлган қобилиятларини аниқлаш ҳамда ривожлантириш ва психологик танлаш йўлларини ишлаб чиқиш. Шунингдек, спортчиларнинг ўз ютуқлари ва мағлубиятларига бўлган муносабатини психологик нуқтаи назардан ривожлантириш;

- спортчиларнинг мусобақа вақтида старт олди ҳолатини ва мусобақадан сўнг ундан чиқиш жараёнини бошқариш, психологик ўзини-ўзи назорат қилиш йўллари ишлаб чиқиш, амалдаги спорт жамоаларининг ривожланиши ва ўзини намоён қилишидаги ижтимоий-психологик омилларни аниқлаш;

- спортчи шахсининг ривожланишидаги, умумий психологик маданиятини шакллантиришни йўлга қўйиш, жисмоний тарбия ва спорт психологиясини ривожлантиришда чет – эл илмий – амалий тажрибасини менталитетга хос ҳолда психологик қонуниятларини ишлаб чиқиш;

- жисмоний тарбия ўқитувчиси фаолияти ва унинг шахси психологиясини ривожлантириш йўллари ишлаб чиқиш, турли спорт фаолиятларига саралаш ва йўналтиришнинг психологик жиҳатларини ўрганиш ва тадбиқ этиш, болалар ва ўсмирлар спортининг психологик ривожлантириш йўллари ишлаб чиқиш орқали оммавий спорт билан шуғулланиш жараёнини такомиллаштиришнинг жисмоний ва психологик қонуниятларини ўрганиш ва ривожлантириш ечимини кўтаётган долзарб масалалар сирасига киради.

Мазкур масаларни ўз вақтида ижобий ҳал этилиши жисмоний тарбия ва спорт соҳасида психологик хизмат кўрсатишни давлат сиёсатининг самарали механизми сифатида жисмоний тарбия ва спортни ташкиллаштиришга мамлакатнинг мавжуд спорт салоҳиятидан фойдаланишга ҳалақит берувчи қатор тизимли муаммолар ва камчиликларни бартараф этишга ва соҳани янада ривожлантиришга қаратилган.

СОЦИАЛЬНО - ПСИХОЛОГИЧЕСКИЕ ФАКТОРЫ ЭМОЦИОНАЛЬНОГО ВЫГОРАНИЯ

*Қудратуллаева Р.Б., к. психол. н., и.о.доц.
Национальный Университет Узбекистана*

Синдром выгорания представляет собой процесс постепенной утраты эмоциональной, когнитивной и физической энергии, проявляющийся в симптомах эмоционального, умственного истощения, физического утомления, личностной отстраненности и снижения удовлетворения исполнением работы. Он рассматривается как результат неудачно разрешенного стресса на рабочем месте. СЭВ (синдром эмоционального выгорания) - это выработанный личностью механизм психологической защиты в форме полного или частичного исключения эмоций в ответ на избранные психотравмирующие воздействия. Рядом авторов СЭВ (в зарубежной литературе синдром известен под термином "burnout") обозначается понятием "профессиональное выгорание", что позволяет рассматривать это явление в аспекте личной деформации профессионала под влиянием профессиональных стрессов [1,2].

Первые работы по выгоранию появились в 70-е годы в США. Одним из основоположников идеи выгорания является Н. Freudenberger, американский психиатр, работавший в альтернативной службе медицинской помощи. В 1974 году он описал феномен и дал ему название "burnout" для характеристики психологического состояния здоровых людей, находящихся в интенсивном и тесном общении с клиентами (пациентами) в эмоционально нагруженной атмосфере при оказании профессиональной помощи. Другой основоположник идеи выгорания - К. Maslach (1976), социальный психолог, определила это понятие как синдром физического и эмоционального истощения, включая развитие отрицательной самооценки, негативного отношения к работе, утрату понимания и сочувствия по отношению к клиентам или пациентам. Первоначально под СЭВ подразумевалось состояние изнеможения с ощущением собственной бесполезности. Позже симптоматика данного синдрома существенно расширилась за счет психосоматического компонента. Исследователи все больше стали связывать синдром с психосоматическим самочувствием, относя его к состояниям предболезни. В настоящее время СЭВ входит в рубрику Международной классификации болезней [3]. Встречается у лиц, работа которых связана с тесным контактом с людьми - у врачей, психологов, педагогов, менеджеров, работников социальных служб и т.д. Данные о распространенности СЭВ подчеркивают его медико-социальную значимость, поскольку СЭВ снижает качество профессиональной деятельности работников. Поглощенность работой делает значительный вклад в профессиональное выгорание. Большинство людей формирует основные представления о себе на основе той работы, которую он выполняет. Слишком сильная поглощенность работой означает то, что, выполняя ее, человек становится высокочувствительным ко всему, что бросает тень на его

профессиональную компетентность. Стресс, в профессиональной жизни, усиливается еще больше, если он дополняется домашними и социальными стрессами.

Механизм развития выгорания схематично представлен Л.А. Китаев-Смыком и Э.С. Бобровой [4]. Они считают, что общие закономерности социально-психологических проявлений стресса проистекают из того, что каждый человек, как элемент человеческой популяции, является воплощением противоречий между личным и общественным. Как недостаток общения, так и превышение эволюционно установившихся норм скученности людей вызывает у них дистресс. Хронический стресс вызывает стрессовое уменьшение активности общения, возникающее за счет значительного ухудшения функционального состояния и самочувствия. В результате симптоматики дистресса (апатия, адинамия, снижение умственной и физической активности, чувство дискомфорта и т.п.) снижается мотивация и способность к общению.

Если сосредоточиться на основных причинах возникновения эмоционального выгорания, то их можно объединить в три *группы факторов*:

Личностные. В целом, можно говорить о некоей предрасположенности личности к эмоциональному выгоранию. Так, например, интроверты, пессимисты, люди с заниженной самооценкой чаще подвержены эмоциональному истощению и депрессиям. Люди с высоким уровнем самоуважения и чувством юмора более позитивны и устойчивы к негативному влиянию стрессов. Исследователи обнаружили важную взаимосвязь между эмпатией и устойчивостью к эмоциональному выгоранию. Способность к сопереживанию, искренняя заинтересованность в оказании помощи - это отличный буфер, препятствующий выгоранию. *Организационные.* Доказана взаимосвязь синдрома эмоционального выгорания и организационных условий, в которых работают люди. Неопределенное содержание работы, переход к новым технологиям, изменение требований к персоналу, изменения ритма работы, организационной структуры - все это может запустить реакцию.

Ролевые. Противоречивые требования к сотруднику, неопределенность его статуса и роли в организации, ролевая перегруженность (отсутствие права на ошибку, необходимость соответствовать недостижимым стандартам, конфликт между несколькими ролями и т.п.) - накопление этих стрессоров напрямую связано со всеми компонентами выгорания.

К ПРОБЛЕМЕ РАЗВИТИЯ ТВОРЧЕСКОЙ ЛИЧНОСТИ В ОБРАЗОВАНИИ

*Гребнева В.В., доцент Белгородский НИУ,
Очилов Ф.Э., доцент Карши ГУ*

Трудно представить целенаправленную организацию современного образовательного процесса без учета универсальных законов, механизмов и способов, определяющих полноценное функционирование и развитие его участников. В проекции системно-субъектного подхода, положенного в основу образовательных стандартов нового поколения, человек рассматривается с одной стороны, как самоорганизующаяся система, с другой, как био-социальный субъект взаимодействия с другими системами (природой, обществом, коллективом и т.п.). В том, и в другом случае системообразующим фактором функционирования и развития всех, рассматриваемых нами систем, является энергия творчества, конечной целью которого является:

- а) создание новых, не существующих ранее элементов;
- б) изменение, обновление, преобразование и совершенствование уже существующего;
- в) разрушение старого и построение на его месте нового.

В связи с этим специалистам образования на всех уровнях его системной организации, прежде всего, следует разобраться в вопросах: *каким должен быть образ «нового» человека, как результат инновационного образования; как обеспечить человеку психологическую безопасность в процессе глобальных преобразований; а также, каковы системные законы (условия) максимальной реализации творческого потенциала человека в современной образовательной среде.* Остановимся кратко на обсуждении каждого из этих вопросов.

В Концепции долгосрочного социально-экономического развития России до 2020 года системе российского образования отведена особая роль - движущей силы системных изменений в экономике и обществе. При этом подчеркивается, что необходимым условием системных изменений во всех сферах жизнедеятельности государства является инновационное образование. Само понятие инновации (innovation - нововведение) в современной литературе рассматривается как явление

культуры, которого не было на предшествующих стадиях ее развития и в нашем случае предполагает создание нового образа человека.

Исторически сложилось так, что образ человека, создаваясь с позиций господствующей идеи общественного устройства, в разные времена отражал лишь один, наиболее адекватный данной идее, уровень человека как системы. В разные периоды общественного развития культивировались соответствующие образы: «человек – потребитель» (нуждающийся, адаптирующийся), «человек запрограммированный» (носитель социальных ролей), «человек ощущающий» (как система переработки информации), «человек деятельностный» (целеустремленный) и т.п. Образы человека, создаваемые и контролируемые внешними (общественными, социальными, религиозными и т.п.) императивами центрированы на каком-либо одном уровне человеческой целостности и изначально не эффективны, поскольку исключают взаимодействие всех целостностей человека, а также идут в разрез с тенденцией человеческой сущности, ориентированной на гармонизацию отношений со средой.

Новый образовательный стандарт, методологической основой которого является системно-деятельностный подход, во главу угла ставит идею целостности, системообразующим фактором которой выступает творческая природа человека. Согласно данному подходу мы можем утверждать, что настоящее время – это время человека «творческого». Данный образ сформирован основным противоречием современного образования, согласно которого, школа должна научить человека жить в трудно прогнозируемом мире. Современный учитель не может дать знания ученику, которые будут им востребованы в будущем, поскольку сам не знает, каким будет этот мир.

На наш взгляд, образ «нового» человека, предлагаемый в Концепции долгосрочного социально-экономического развития нашего государства, должен создаваться на основе императива полноценного функционирования и творческой самореализации человека. Основным условием для этого должны стать взаимообусловленная безопасность человека и среды. Для обеспечения данной безопасности необходимо принимать во внимание, не только внешние (социальные, средовые) и внутренние (био-психологические) императивы, но и со всей ответственностью осознавать значение ноосферных императивов, определяющих ноосферное измерение творчества человека, его направленность на гармонизацию социоприродных отношений. При разработке данного образа главным ноосферным императивом должен стать императив креативной выживаемости человечества (человека, семьи, города, страны в т. ч.).

С учетом основных характеристик образа «полноценно функционирующего человека – творца», с одной стороны, а также основных требований новых образовательных стандартов, нами была разработана многоуровневая модель его целостности в проекции отношений со средой, включающая характеристики основных социально-психологических дескрипторов отношений: стратегий, черт, императивов и потребностей на каждом уровне человеческой целостности [2].

Как следует из анализа новых образовательных стандартов, главной стратегией школы сегодня является обеспечение современного качества образования на основе сохранения его фундаментальности и соответствия потенциальным, актуальным и перспективным потребностям человека, общества и государства.

Образовательные технологии, обеспечивающие полноценное функционирование и креативное развитие человека на всех уровнях системной организации изначально должны строиться на основе анализа системы потребностей в проекции отношений со средой.

Известно, что ведущим психическим образованием для творчества являются потребности. Именно они являются основой творческой деятельности во всех ее проявлениях. Формирование потребностей имеет свои закономерности и этапы, связанные с процессом развития. Они связаны с возрастными способностями к освоению определенного вида деятельности, а их неудовлетворенность приводит к задержке психического развития. К примеру, многочисленные исследования природы творчества указывают на один общий факт: в биографиях выдающихся людей отмечается приобщение к радости самостоятельного творчества в подростковом возрасте.

Разрабатываемая нами потребностно – уровневая модель взаимодействия человека со средой основана на ключевых идеях: иерархии потребностей А. Маслоу [4], индивидуального профиля потребностей В.И. Гарбузова и тенденции отношений со средой А. Кемпински [3].

В каждом конкретном случае ядром системы потребностей может являться любая из семи потребностей. К примеру, трудно представить обычного человека, находящегося в опасности, в системе потребностей которого какой-либо из императивов не уступил бы место биоэкологическому императиву. В этом нет ничего предосудительного, так как нет ничего важнее жизни человека.

Следует заметить, что среда (социальная, информационная, физическая и др.) может удерживать необходимый императив в позиции ядра при помощи внешних стимулов, формируя, таким образом, своеобразную конструктивную «зависимость» человека от какого – либо императива. Современному человеку крайне трудно избавиться от зависимости от биоэкологического императива в условиях, когда среда, через рекламу, средства массовой информации, создание сети магазинов, аптек, салонов красоты и т.п. формирует в сознании общества образ человека потребителя. Кроме того, в плену у потребности в безопасности современный человек искусственно удерживается разнообразными лженаучными открытиями относительно «конца света», ежедневными новостями о терактах и актах насилия, появляющихся неизвестно откуда «смертельных» вирусах, природных и техногенных катастрофах и т.п. Активно формируются химические и эмоциональные зависимости человека (пищевые, наркотические, сексуальные, игровые и др.).

Достижение человеком ноэтического уровня возможно при условии актуализации творческого потенциала в режиме «здесь и сейчас» в образовательных средах различного типа (дошкольные образовательные учреждения, образовательные школы, учреждения культуры и искусства и т.п.).

Актуализация творческого потенциала в системе «человек – образовательная среда» может успешно осуществляться при условии взаимодействия императивов устойчивости человека и среды как самостоятельных и одновременно взаимообусловленных систем. Такими императивами могут выступать:

а) императив *синергии (взаимосодействия)*, согласно которого интенсивность и скорость творческой, теоретической, инновационно – технологической деятельности не должна превышать границ устойчивости и адаптационных возможностей (потребностей) человека и ресурсов образовательной среды;

б) императив *конгруэнтности*, предполагающий согласованность инфраструктуры среды (пространственной, социальной, информационной) со структурами внутренней целостности человека на уровнях его телесного, чувственного, интеллектуального опыта отношений с образовательной средой;

в) императив *взаимообусловленной креативности*, основывающийся на творческой, теоретической, инновационно – технологической деятельности участников образовательного процесса в условиях свободы выбора, справедливости и необходимого порядка, а также наличия разнообразных стимулов креативности со стороны образовательной среды;

г) императив *гармонизации* – устойчивость образовательной среды, должна способствовать максимальной самореализации творческого потенциала участников образовательного процесса. В свою очередь, их творческий потенциал должен быть направлен на обеспечение устойчивости образовательной среды.

ОЛИЙ МУСИҚИЙ ТАЪЛИМДА ЯНГИ ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ ҚЎЛЛАШ САМАРАДОРЛИГИ

*Бахриев А., ЎзДК Мусиқий педагогика
кафедраси доценти, психол.ф.н.*

Олий мусиқий таълимда янги педагогик технология – мусиқа таълими жараёнининг тизимга солинган илмий-назарий ва методик асосланган янги шакл, усул ва воситаларининг мажмуидир. Бунда бадий мазмун, шакл, усул ва восита уйғунлигида мақсад, вазифа, фаолият ва педагогик натижа яхлитлиги таъминланади.

“Ўзбекистон Республикасида миллий маданиятни янада ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарорида, - “Маданият ва санъат соҳасидаги нуфузли халқаро фестиваль ва танловларда ижодкорларимизнинг иштирокини изчил таъминлаш ва уларнинг сара асарларини намойиш этишининг самарали тизими яратилмагани” соҳа ривожига тўсқинлик қилаётганлиги алоҳида таъкидланган [1].

Юқоридаги фикрлар олий мусиқа таълимига ҳам дахлдор бўлиб, янги педагогик технологияларни таълим-тарбия жараёнига изчил тадбиқ этишга ҳар қачонгидан кўра кўпроқ эҳтиёж сезилаётганлигини кўрсатмоқда. Албатта, янги педагогик технологиялар мусиқа таълими самарадорлигини ошириб, талабаларнинг касбий билимларни ўзлаштириш имкониятларини кенгайтиради.

Мусиқа таълими жараёнида янги педагогик технология элементларини тадбиқ этиш ушбу фаолият натижаларини аниқ режалаштириш, унинг натижасини олдиндан белгилаш, таъхис қилиш,

кутилган бадий-эстетик натижани қўлга киритиш, вақт ва кучни тежаш учун катта имкониятлар яратади. Натижада талабанинг ижодкорлиги, бунёдкорлиги, изланувчанлиги ошади ва унинг бадий талаби, истак-хохиши ўз имкониятлари даражасида қондирилади.

Янги педагогик технологияни мусиқий таълим-тарбия жараёнига тадбиқ этиш ўқитувчининг ижодкорлиги, бунёдкорлиги, маҳоратини оширади, талабани таълим объектидан таълим субъектига айланиш даражасига кўтаради. Шунингдек:

а) талабаларнинг умумий мусиқий ривожланиши вазифаларини комплекс ҳал этишда ўқитувчига кўмаклашади;

б) талабаларнинг реал ўқув имкониятларини аниқлаш, бадий фаолиятини режалаштириш, натижани прогноз қилиш, мусиқий билимларни чуқур, пухта ўзлаштиришнинг малака, кўникмаларини шакллантиришда ўқитувчига амалий ёрдам беради;

в) дарс вазифасидан келиб чиққан ҳолда мусиқий фаолиятларнинг қайсисига кўпроқ урғу бериш лозимлигини ўргатади;

г) ўқувчиларда мусиқий фаолият орқали маънавий-ахлоқий, ижтимоий ва мафкуравий хислатларни тарбиялашнинг энг қулай усул ҳамда воситаларини танлаш имконини яратади;

д) мусиқа машғулоти жараёнида энг қулай ахлоқий-психологик, ўқув-тарбиявий, гигиеник, эстетик шарт-шароитларни яратишни ўргатади;

ж) мусиқа ўқув маълумотларини мустақил ўзлаштириш, билим олишга интилиш эҳтиёжларини тарбияловчи усул ва воситаларни аниқ танлай олиш имкониятини беради;

з) бадий - методик ижодкорлик ўқув жараёнининг уч таркибий қисми, яъни, мотивация, бошқариш фаолияти ва билиш фаолиятини аниқ ташкил қилиш имкониятларини яратади.

Янги педагогик технологиялар асосида талабаларнинг бадий, интеллектуал ва тарбияланганлик даражасини юксалтириш учун қуйидагиларга асосий эътиборни қаратишимиз зарур:

– мусиқий фаолият натижаларини доимий таҳлил қилиб бориш;

– мусиқий таълимни амалга оширишнинг шакл ва услубларини ўзгартириб туриш;

– ўқув машғулотини лойиҳалаштирувчи воситаларнинг энг муҳими, зарури ва муқобилини танлаш;

– мусиқий таълимда маҳаллий маълумот ва материалларга кўпроқ таяниш;

– кутилаётган натижани олдиндан кўра олиш;

– таълим ва тарбия жараёнининг ўзаро боғлиқлиги ва яхлитлигини таъминлашдир. Мусиқа таълими мазмуни янгиланиши турли йўллар билан амалга оширилиши мумкин, лекин реал ижобий ўзгаришлар фақатгина ўқитувчининг янгича услубда бадий-педагогик жараённи ташкил этишига боғлиқ.

Мусиқа педагогикаси мусиқа таълимига фаолиятли ёндашувни амалга ошириб, дарсда турли фаолиятларни: хорда куйлаш, мусиқа асбобларида чалиш, мусиқанинг назарий асосларини ўрганишни кўзда тутади.

Мусиқа интонациясини эгаллашни К.С.Станиславскийнинг актёр ижодий табиатини очишга йўналтирилган таҳлили билан бир даражага қўйиш мумкин. Талаба мусиқа образини идрок этишда биринчидан, ўз кечинмаларига мурожаат этади. У вербалаштириш орқали эмас, образ билан вокал, ҳаракатли интонацияда фаол ҳаракат қилиш орқали худди ўзига савол бергандек, ўзидан образга ва образдан ўзига мурожаат этади [2, Б.86].

Дарсда қўлланадиган барча куйлар мавзусини вокаллаштириш, янграётган мусиқани ифодаловчи интонация, дирижёрлик, ҳаракатлар, мимика, асарга муносабат – кенг маънода улар тинглайдиган асар интонациясининг акси бўлиб ҳисобланади.

Хуллас, олий мусиқа таълимида янги педагогик технологияларни изчил қўллаш орқали талабани касбий шакллантириш ҳамда унинг шахсини ривожлантириш муҳим аҳамиятга эга.

ТАЛАБАЛАРДА РЕФЛЕКЦИЯНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА ПСИХОЛОГИК-ПЕДАГОГИК ҚўЛАБ-ҚУВВАТЛОВЧИ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИНГ ўрни

Халилова Н.И., Низомий номидаги ТДПУ доценти

Замонавий жамият талаблари инсонларга касбий билим бериш ва касб эгаллаш жараёнида юқори даражадаги самарали психологик ёрдамни ташкил қилишни тақозо этади. Маълумки, талабаларга психологик ёрдам университет томонидан таклиф этилади ва амалга оширилади.

Таъкидлаш жоизки, психологик хизмат ҳозирда ҳаётнинг барча жабҳаларида ривожланиб келмоқда. Эътиборга молик жиҳати шундаки, мазкур жараён таълим соҳасига тегишли эканлиги билан диққатга сазовордир. Университетларда фаолият юритаётган психологик хизматнинг ривожланиши қуйидаги мақсадларни амалга оширишни кўзда тутуди:

а) касбий билим, кўникма ва малакаларни эгаллашнинг барча босқичларида ҳамда мутахассислар малакасини ошириш;

б) таълим жараёни иштирокчиларининг ўзаро муносабатларида самарадорликни йўлга қўйиш;

в) олий ўқув юртида талабалар рефлексив компетентлигини ошириш учун шарт-шароит яратиш.

Шу боис, университетда психологик ёрдамни ташкил этиш ва ривожлантиришга қаратилган қатор ишлар амалга ошириб келинмоқда. Жумладан, улар сирасига илмий-амалий конференция, монография ҳамда илмий тадқиқот ишларини киритиш мумкин (Н.В.Володко, А.В.Карпов, Н.В.Лукачченко, Л.В.Меншикова ва бошқалар).

Ҳозирги кунда психологик хизматни университет миқёсида ривожланаётгани янги методологик ва назарий асосга эга бўлиши ва бу касбий тайёргарликда ижобий самарадорликни беришни назарда тутуди. Талабаларни касбий тайёрлашда ёрдам берувчи психолог иши уларда ижодкор, фаол, ўзини ўзи камолга етказувчи субъект сифатида фаолият юритишга ундаши зарур.

Шу нуқтаи назардан университетда таҳсил олаётган талабаларни психологик қўллаб-қувватлаш жараёнини кечиктирмасдан улар билан коррекцион тадбирларни мақсадга мувофиқ тарзда ташкиллаштириш орқали ёрдам бериш лозим.

Бунда энг асосий тамойил талабалар касб эгаллаш жараёнида танлаш ҳуқуқига эгалар ва ўз хатти-харакатларига масъулият билан ёндашадилар. Психологик хизматнинг шахсга йўналтирилган модели асосида бўлса, у замонавий талабларга жавоб бера олиши билан тавсифланади. Бу рефлексив таълим жараёни муҳитини яратишга ва касбий таълимни рефлексив бошқаришга ёрдам беради.

Психологик ёрдам кўрсатишнинг самарадорлиги касбий тайёргарлик кўринишида комплекс дастурнинг қўлланилишига боғлиқ. Бунда қуйидаги тамойилларни ҳисобга олиниши лозим:

- шахснинг ўзини ўзи ривожлантириш, белгилашдаги эҳтиёжини ҳисобга олиш;

- таълим олувчининг индивидуаллигини инобатга олиш;

- психологик қўллаб-қувватлашнинг шахс фаолият субъекти эканлигини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилиши, яъни шахсга йўналтирилган моделли таълим жараёнидаги камчиликларни бартараф этишга ёрдам беради. Касбий таълимнинг ҳар бир босқичида (оптатсия, адаптация, интенсификация ва идентификация) талабалардаги таълим билан боғлиқ инкирозларда психологик қўллаб-қувватлаш муаммоларини ҳал этиши зарур.

Демак, предметли-ахборотли моделдан шахсга йўналтирилган моделга ўтиши натижасида бир неча психологик вазифаларга ечим топилди. Уларга талабаларда ижтимоий ва касбий ўзини ўзи англашни таркиб топтириш, ўз-ўзига ва атрофига ижобий муносабатда бўлишни шакллантириш, шахс когнитив, мотивацион, регулятив, коммуникатив жабҳаларини ривожлантириш ва бошқаларни киритиш мумкин. Бунда тизимлаштирувчи омил рефлексия ҳисобланади.

Оптатсия ва адаптация босқичида биринчи курс талабалари таълим шароитларига мослашади, янги ижтимоий ролга киришади, ўзаро ва педагоглар билан муносабат ўрнатади. Шунинг билан бирга ўқув-билиш асосий фаолият сифатида гавланади. Университетдаги ўқув жараёни коллеж, лицей ёки мактаб таълимидан тубдан фарқ қилади. Лекин талабалар бу фарқни ҳисобга олмайдилар (К.А.Абулханова-Славская, В.А.Барабаншиков ва бошқалар). Психологик қўллаб-қувватлаш биринчи босқич талабаларини таълим муассасасига мослашишига ёрдам беради. Бу жараёнда қўлланиладиган технологияларга қуйидагилар киради:

- ўқув-билиш фаолиятига тайёрлик диагностикаси ва ўзини ўзи диагностика қилиш;

- ўқув кўникмаларини ривожлантиришда ва ҳаётий фаолиятини назорат қилишга ёрдам кўрсатиш;

- биринчи босқич талабаларига ўқув фаолияти билан боғлиқ қийинчиликларни бартараф этишга ёрдам бериш;

- касбий ўзини ўзи англашни коррекция қилиш;

- ўзлари танлаган касбдан ҳафсаласи пир бўлган талабаларга психологик ёрдам кўрсатиш.

Бу босқичнинг самарали кечиши учун адаптация, ўзини ўзи англаш, рефлексив ўзини ўзи англаш каби жараёнлар талабаларда албатта содир этилиши зарур.

Интенсификация (2-3 босқич) да таълим олувчиларнинг умумий ва махсус қобилиятлари, интеллект, эмоционал-иродавий назорати, мустақиллик, масъулиятлилиги каби хусусиятлар шаклланади. Мазкур жабҳада илмий-билиш етакчи фаолият сифатида намоён бўлади. Бу босқич талаба ҳаётида муҳим аҳамият касб этади.

Талабалар учинчи босқичдаги таълимни касб эгаллашдаги “олтин босқич” деб биладилар. Психологик қўллаб-қувватлашда талабаларнинг интеллектуал ривожланишидаги илмий, касбий, шахсий ўзини ўзи англашдаги, ўз тенгдошлари билан муносабатда юзага келадиган муаммоларни бартараф этишда ёрдам кўрсатилади.

Психологик қўллаб-қувватлаш технологияларига:

- ривожлантирувчи диагностика (шахс тавсифномасини, имкониятларини аниқлаш, ўз имкониятларини кучайтириш, йўл-йўриқларини ишлаб чиқиш кабилар назарда тутилади). Натижада, бу рефлексив таҳлилни ривожлантиради ҳамда рефлексив назорат, бошқарув, режалаштиришни ва умуман олганда, бўлажак мутахассис сифатида рефлексив маданиятни шакллантиради.

- психологик маслаҳат;

- шахсий ва интеллектуал профил коррекцияси кабилар киради.

Ушбу босқич самарадорлигини оширувчи жиҳатлар: изчил равишда шахсий ва интеллектуал ривожланиш, умумий рефлексив қобилиятларнинг тараққий этиши, интеллектуал, коммуникатив, кооператив ва шахсий рефлексиянинг таркиб топиши, “Мен” образининг коррекцияси, ижтимоий идентиклик, ўзини ўзи шакллантириш, оптимистик ижтимоий позициялар ҳисобланади.

Идентификация (4-5 босқич) да касбий идентикликни шакллантиришда бўлажак амалий фаолиятга тайёрликни ҳосил қилиш каби вазифалар етакчи ўрин эгаллайди. Натижада, шахс касбий кадриятлари шакллана бошлайди. Кўп ҳолларда талабалар оила курадилар ва катта ҳаётга қадам кўядилар.

Психологик қўллаб-қувватлашда касбий қобилиятларнинг якуний диагностикаси амалга оширилади. Психолог талабаларга ўзини ўзи касбда шакллантиришга, рефлексия ҳосил қилишга ёрдам бериш керак. Шу билан бирга оилавий ва интим масалаларда ҳам психологик ёрдам бериш назарда тутилади. Энг асосийси талабаларга ўзини ўзи англашда, касблар оламида ўз ўрнини топишга ёрдам беришдир.

Бу босқичнинг муваффақиятли кечишини бир неча жиҳатлари мавжуд:

-ўзини бўлажак касб эгаси сифатида тасаввур эта олиш;

-мустақил фаолият юритишга тайёр бўлиш;

-ўзини ўзи намоён эта олиш;

-ўз имкониятлари даражасини кўрсатиш, ўзига бўлган юқори баҳо, ўз-ўзига ишонч, паст даражадаги ижтимоий хавотирланиш, юқори даражадаги рефлексияга эга бўлиш билан бевосита боғлиқдир.

ОСОБЕННОСТИ СОМАТИЧЕСКОГО ВОСПРИЯТИЯ ОБРАЗОВАТЕЛЬНОГО ПРОСТРАНСТВА СТУДЕНТАМИ И ПРЕПОДАВАТЕЛЯМИ ВУЗА

Гребнева В.В., доцент, Белгородский ГНИУ

Эгамбердиев М. Ф. магистр Белгородский ГНИУ

Мухаммадиева З. Л. преподаватель Каршинский ГУ.

Соматический опыт взаимодействия человека со средой обнаруживается в особенностях языка и речи и может быть исследован с использованием «базовых метафор», имеющих «характер визуального образа или образа действия» [4, с. 51].

Не смотря на то, что метафора создает лишь иллюзию контролируемости, выступая в качестве диагностирующего средства, она предоставляет возможность осознать природу ощущения, определить не только причины его возникновения, но и способ дальнейшего существования с ним, либо избавления от него [3].

Авторы публикаций по проблеме психосоматических расстройств неоднократно указывали на тот факт, что увеличение в лексическом словаре индивида фразеологизмов-предикатов как вербальных метафор, отражающих ту или иную систему организма, может служить сигналом нарушения конгруэнтности в системе «индивид-среда» [1]. В настоящей статье мы предлагаем к обсуждению проблему поиска эффективных методик, с помощью которых фиксировались бы первые признаки психосоматических нарушений в системе органов и психике человека. Это позволило бы предупреждать психосоматические заболевания на ранней стадии развития. На протяжении нескольких лет в качестве диагностического инструментария для выявления психосоматических расстройств используется разработанная нами методика фиксации соматических особенностей репрезентации окружающей среды («СОРОС»). Данная методика, описана нами ранее и позволяет

выявлять особенности взаимодействия в системе «человек – среда» на уровне трех подсистем: опорно-двигательной (ОПС), сердечно-сосудистой (ССС) и пищеварительной (ПВС) с разными выборками испытуемых [2]. Приведем результаты исследований, проведенных нами в проекции анализа проблемы соматической репрезентации образовательной среды студентами и преподавателями вуза.

Исследуя особенности соматической репрезентации образовательной среды вуза участниками социально психологического взаимодействия, мы ставили перед собой несколько задач. Во-первых, выявить содержательные особенности динамики взаимодействия в системе «телесность – образовательная среда»; во-вторых, определить взаимосвязь индивидуального фразеологического словаря и характером заболеваний участников образовательного процесса, в-третьих, установить степень влияния разных уровней образовательной среды на системы телесности участников социально-психологического взаимодействия. Изначально, выборка испытуемых была обусловлена нашим предположением о наличии возрастных особенностей соматической репрезентации. В связи с этим, в исследовании принимали участие студенты 1-х (16-18 лет), 5-х (20-25 лет) курсов, а также преподаватели вуза, средний возраст которых составил 55-60 лет. Общее количество – 102 человека (34 в каждой группе).

Анализ результатов исследования позволил выявить следующие особенности. Во-первых, из результатов исследования можно сделать вывод о наличии особенностей типов реагирования между группами испытуемых. Данные особенности заключаются в различиях относительно общего количества реакций. Так в группе первокурсников они составили в целом 395 фразеологизмов, из них – ОПС – 192 (38,2%) фразеологизма; СССР – 230 (45,8%); ПВС – 180. В группе пятикурсников, соответственно ОПС-130; СССР- 154; ПВС – 100 (35,8%). Как мы отмечали в теоретическом анализе, реакции опорно-двигательной системы телесности являются реакциями телесности на физическое пространство вуза, сердечно-сосудистая система чувствительна к стимулам социальной образовательной среды, система пищеварительного тракта отражает телесный результат эффективности взаимодействия психики человека и стимулов информационной среды. Таки образом в обеих группах преобладают реакции социального характера взаимодействия: 230 (45,8%) – в группе первокурсников и 154 (45,8%) – в группе пятикурсников. Для обеих групп наиболее важной составляющей образовательного пространства является социальная (коммуникативная) среда. Как показывает опыт, развитию данной среды в вузах оказывается не достаточное внимание.

Во-вторых, анализ реакций телесности преподавателей вуза показал наличие конфликта психики и пространственной среды вуза. На наш взгляд это может быть обусловлено некоторым снижением двигательной активности преподавателей пенсионного возраста. Следовательно, для обеспечения психологической безопасности образовательного пространства преподавателей данного возраста необходимо обратить внимание на усовершенствование пространственной среды вуза.

В-третьих, к пятому курсу наблюдается снижение конфликта в системе «индивид-информационная среда», что с одной стороны, может свидетельствовать о некоторой информационной дезадаптации студентов-первокурсников, и ее стабилизации к пятому курсу, с другой.

Для дальнейшего анализа особенностей соматической репрезентации образовательной среды преподавателями и студентами вуза нами были отобраны методом случайной выборки три группы испытуемых с разными особенностями здоровья. В первую группу вошли испытуемые с заболеваниями опорно-двигательной системы (сколиоз, артрит, остеохондроз). Вторую составили испытуемые с заболеваниями сердечно-сосудистой системы (ВСД по гипертоническому типу, гипертония). Третья группа состояла из студентов и преподавателей с заболеваниями желудочно-кишечного тракта (язвенная болезнь желудка и двенадцатиперстной кишки). Кроме того, в исследовании принимала участие группа объективно здоровых студентов и преподавателей вуза. Общее количество испытуемых составило 36 человек, по 12 испытуемых в каждой. Исходя из теоретического анализа причин возникновения психосоматических болезней в ходе исследования мы предполагали выявить особенности соматического восприятия образовательного пространства субъектами с разными картинами здоровья.

Общее количество фразеологизмов во всех группах больных испытуемых составило 542 фразеологизма. Анализ результатов исследования показал, во-первых, что объем фразеологического словаря значимо больше чем в остальных группах оказался в группе больных с нарушениями сердечно-сосудистой системы и составил 40, 2 %. На второй позиции по количеству употреблений фразеологизмов находятся группы испытуемых, с заболеваниями пищеварительной системы (182%), на третьем – опорно-двигательной системы (142%). По всей видимости, сердечно-сосудистая система человека наиболее чувствительна к психологическим стимулам окружающей среды.

Во-вторых, своеобразие фразеологического словаря каждой группы испытуемых имеет свои особенности. Так в группе испытуемых с заболеваниями ОПС не выявлено значимых расхождений в количестве групп фразеологизмов, отражающих характер заболеваний. В группе испытуемых с заболеваниями ССС словарь фразеологизмов из группы данного заболевания несколько богаче, чем из двух остальных групп.

В-третьих, наиболее значимые расхождения выявлены в особенностях фразеологического словаря группы испытуемых с заболеваниями пищеварительной системы: 40,6% фразеологизмов из общего количества отражает характер чувствительности пищеварительной системы.

В-четвертых, сравнительный анализ объема и содержания фразеологизмов в группах больных и здоровых испытуемых позволяет сделать вывод о том, что объем словаря больных испытуемых, значительно богаче фразеологического словаря здоровых и составляет 60,3%. В то время как объем словаря здоровых испытуемых составляет 39,7% от общего в обеих группах количества используемых фразеологизмов.

Кроме того, значимые расхождения имеются в объеме использования фразеологизмов, отражающих каждое из трех групп заболеваний, наиболее значимым из которых является расхождение в объеме фразеологизмов, отражающих характер чувствительности пищеварительного тракта, которое составляет 35,5% в группе здоровых и 64,5% - в группе больных испытуемых. Немного ниже расхождения, отражающие характер ощущений в области сердечно-сосудистой системы: 41,2% в группе здоровых и 58,8% в группе больных. Наименее значимые расхождения обнаружены в сфере интрацепции образовательного пространства опорно-двигательной системой организма: 42,4% в группе здоровых испытуемых, 57,6% - в группе больных.

Результаты, проведенных нами исследований позволяют сделать вывод о неоднозначности соматического восприятия образовательного пространства студентами и преподавателями вуза с разными возрастными характеристиками, особенностями здоровья и характером заболеваний.

Выявленные по данной методике результаты позволяют более эффективно осуществлять социально-психологическую профилактику нарушений работы рассматриваемых нами систем организма, а также реабилитацию лиц, страдающих психосоматическими заболеваниями.

Список литературы

1. Александер Ф. Психосоматическая медицина: Принципы и практическое применение: Издательство: ЭКСМО-Пресс. – 2002.- 352с.
2. Гребнева В.В. Особенности исследования соматической репрезентации образовательной среды / Психология обучения. Научно-методический журнал.- Москва, 2011.- №1 - С.119-128
3. Гребнева В.В. Психолингвистический анализ телесного бытия человека как субъекта взаимодействия со средой: метафорическая модель// Year book of eastern European studies. Польша. Вроцлав - № 1– 2013. – С 215
4. Петренко В.Ф. Многомерное сознание: психосемантическая парадигма. -2-е изд. доп.-М.: Эксмо. - 2013.- 448 с.

ТАЪЛИМНИ БОШҚАРИШНИНГ ИЛМИЙ-НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

Жўраев Б.Х., Қашқадарё вилояти ХТБ бошлиғи

Хаётнинг ижтимоий зарурати, таълимни бошқаришнинг назарий ва методологик жиҳатларини махсус илмий йўналиш сифатида қабул қилиб, ўқув-тарбия жараёнини бошқаришнинг илмий асосланган методларини ишлаб чиқишни тақозо этади. Таълим бошқарувининг асосий жиҳатларини назарий ва эмперик нуктаи назаридан асослаш раҳбарларни махсус илм ва малака билан қуроллантириш учун керак ҳисобланади. Бу уларга бошқарув жараёнида вужудга келадиган аниқ муаммоларни тўғри ҳал этиш, таълимга оид жумбоқларни ҳолисона ечишга ёрдам беради.

Бугунги кундаги энг асосий муаммо - бошқарув тизими сифатини тубдан ўзгартиришдан ҳисобланади. Бунинг учун бошқарув тизимини соддалаштириш, унинг турдош тузилмаларини бирлаштириш, ораликдаги ўринсиз бўғинларни қисқартириш, ҳар бир тизим даражасидаги вазифалар моҳиятидан имкон қадар оқилона фойдаланиш энг асосий вазифалардан бир сифатида муҳим аҳамият касб этади.

Ҳозирги даврда таълимни қайта қуришда бошқарувнинг қуйидаги жиҳатларига эътибор қаратиш талаб этилади: ишни режалаштириш; педагоглар ва ўқувчилар меҳнатини ташкил этишнинг янги ва фойдали шаклларни излаб топиш; раҳбарлик фаолиятида шарқ мутафаккирларининг бошқарув соҳасидаги таълимотларидан унимли фойдаланиш; қуйидан назорат; ҳисоб-китоб ва

хисобот; бошқарув даражасидаги ўзгаришлар, воқеаларга эътибор билан қараш ва тузатиш киритиш, жамоани руҳлантириш; педагогик жамоанинг ижодий фаоллигини ошириш; мактаб жамоаси ва унинг ҳар бир аъзоси фаолиятини чуқур таҳлил этиб ўрганиш ва бошқалар.

Таълим бошқарувида бошқа турдаги фаолиятлар қатори энг муҳими бошқарувнинг мақсади белгиланади.

Таълим тизимини илмий жиҳатдан бошқаришнинг ўзига хос хусусиятлари қуйидагилар ҳисобланади:

бошқарув мазмунида ўз аксини топган давлат ва ижтимоий таълим манфаатларининг диалектик бирлиги;

ҳозирги замон мактаби олдида турган мураккаб вазифалар билан боғлиқ бўлган бошқарув қирраларининг кенгайиши;

таълим бошқаруви қонуниятларининг объектив ва субъектив жиҳатларини идрок этиб ундан самарали фойдаланиш, сифат жиҳатидан янада мукамал ҳолатга етказиш;

таълим бошқаруви шакл ва методларини миллий хусусиятлардан келиб чиққан ҳолда доимий равишда такомиллаштириш;

замонавий инфорацион-коммуникатив технологиялардан фойдаланган ҳолда бошқарувнинг математик, статистик ҳамда иқтисодий методларини жорий этиш ҳамда бошқарув техникасини ривожлантириш.

Ҳозирги пайтда бошқарув жараёнини белгалашда турли характердага ёндошувлар мавжуд. Бошқарув раҳбарлик қарорларини қабул қилиш ва уни тадбиқ этиш, ёки таълим жараёни сифатида, бошқа ҳилда ифодаланганда бошқарув жараёнида маълумотларнинг доимий ҳаракати, тўғридан-тўғри ёки унинг акс садоси натижаси сифатида талқин этилмоқда.

Бошқарув - маълум шароитда ҳар бир ходим, гуруҳ ёки ташкилот фаолиятига бевосита таъсир этувчи, имкони борича юқори, яхши натижаларга эришишга қаратилган жараён ҳисобланади.

Бошқарув жараёнининг яна бир, нисбатан тўғри йўналиши - тизимли бошқарув ҳисобланади, чунки уни фақат аниқ тизим орқали бошқариб бўлади.

Хуллас, таълим тизимини бошқариш ва уни назорат қилиш раҳбардан муҳим индивидуал хусусиятларни талаб этади. Бугунги кун раҳбарлари таълим тизимини бошқариш учун барча раҳбарга хос сифатлар мужассам бўлиши керак.

ЗАМОНАВИЙ ЎҚИТУВЧИ ФАОЛИЯТИДА ПЕДАГОГИК МАҲОРАТНИНГ ЎРНИ

Нуруллаева Ш.Ў. Қариши ДУ доценти, п.ф.н.

Ҳар қандай соҳада ҳам ушбу соҳа сирларини мукамал эгаллаган моҳир устаси бўлиши табиий. Моҳир мутахассис бу соҳага доир тажрибаларни фақат эгаллагина қолмасдан, у янгиликлар қила олади ва тажрибасини оммалаштиришга ҳам эришади. Демак, педагогика соҳасининг ҳам ўз маҳоратли мутахассислари бўлиб улар таълим-тарбияга доир муҳим янгиликлар яратиб, ўз тажрибасини тарғиб қилади. Тарбия бериш ва ўқитишда юқори даражага эришиш ва уни доимо такомиллаштириб бориш имкониятини таъминловчи санъат бўлиб, болага меҳр қўйган ва ўз касбини севган ҳар бир ўқитувчининг қиладиган ишидир. Ўз ишининг моҳир устаси бўлган педагог - бу юксак даражада маданиятли, ўз фанини чуқур биладиган, фаннинг ёки санъатнинг тсгишли соҳаларини яхши таҳлил эта олаадиган педагогик қобилият эгаси, тарбиялаш ва ўқитиш методикаси ҳамда педагогик техникани мукамал эгаллаган мутахассисдир.

Ўқитувчилик дунёдаги энг қадимги касблардан бири бўлиб, у бир қатор муҳим талабларга жавоб бериши керак. Жумладан, педагогик маҳорат эгаси бўлиши учун қатор сифатларга эга бўлиши лозим. Яъни педагогик маҳорат тушунчаси мазмунига қирадиган қуйидаги масалаларни ажратиш мумкин бўлади:

1. Касбий билим - ўзи ўқитаётган фанига доир кенг ва чуқур билим;
2. Педагогик қобилият.
3. Педагогик техника.

Касбий билим 3 та қисмга - назарий билимлар, амалий билимлар ва методик билимларга бўлинади.

Назарий билимлар бу фанга оид назарий билимларни ўз ичига олса, амалий билимлар ўзлаштирилган назарий маълумотларни амалда қўллашга оид билим, кўникма ва малакалардан

иборатдир. Ўзлаштирган билимларини талабаларга ўргатиш учун эса методик билимлар керак бўлади.

Қобилият ҳамма инсонларда мавжуд бўлиб, бир текисда бўлмай, бири юқори, бири ўрта ва бири қуйи даражадан иборатдир. Фақат ақли заиф инсонларда қобилиятни учрата олмаймиз. Мактаб ўқитувчисининг фаолияти инсон шахсини тиклантиришга қаратилган. Муваффақиятли ишлаш учун ҳар бир ўқитувчи педагогик маҳоратга эга бўлиши зарур. Педагогик маҳорат эгаси оз меҳнат сарф қилиб, катта натижага эришади. Қобилият фаолият жараёнида пайдо бўлади ва ривожланади, қобилиятни ривожлайтириш учун эса лаёқат, зеҳн, истеъдод, яъни инсон нерв тизимида анатомо-физиологик хусусият бўлиши ҳам зарур. Ўқитувчининг баъзи психик жараёнлари унда шахсга хос сифатларининг шундай комплексни ташкил қиладик, бунини педагогик қобилият деб аташ мумкин. Бу қобилиятларни айрим психик хусусиятлардан иборат қилиб қўйиш мумкин эмас.

Қобилият - шахсининг муайян фаолият юзасида лаёқати ва унинг ишини муваффақиятли бажаришдаги субъектив шарт-шароитини ифодаловчи индивидуал психик хусусиятларидир.

Педагогик қобилиятнинг бир қанча тури бўлиб, уларнинг ҳар бири ўқитувчига педагогик жараёнда бирор бир фаолиятни самарали ташкил этишга ёрдам беради. Масалан, академик қобилият – ўқитувчига фанга оид назарий маълумотларни ўзлаштиришга ёрдам берса, дидактик қобилият – таълим жараёнини ташкил этишга ёрдам беради. Бундан ташқари перцептив қобилият талаба ёки суҳбатдошининг ички оламини кўра олишга, тушунишга, коммуникатив қобилият – мулоқот ўрната олишга, конструктив қобилият – ўз ва жамоа фаолиятини тўғри ташкил этишга, суггестив қобилият – жамоа орасида обрў қозонишга ёрдам беради.

Таълим-тарбия жараёнида **педагогик техниканин**г яъни жамоа ва шахс билан мулоқот қилиш маҳорати, мулоқот жараёнини назорат қила олиш, жамоани ташкил қилиш, ўз кайфиятини, овозини ва ҳаракатларини бошқара олиш маҳоратининг ўрни ҳам муҳимдир.

Педагогик техника таркибий қисмлари 2 қисмга бўлиниб, биринчи гуруҳга педагогнинг ўз хулқини бошқара олиш маҳорати билан боғлиқ бўлиб, унга ўз организмни бошқариш (мимика, пантомимика), кайфият ва ҳис-туйғуларини бошқариш, ижтимоий перцепция малакаси (юз ифодасини ўқий олиш), нутқ техникаси (нафас олиш, товушни тўғри тутиш, дикция) қабилар қиради. Иккинчи гуруҳга эса шахсга ва жамоага таъсир эта олиш маҳорати билан боғлиқ бўлиб, улар педагогик мулоқот техникаси, талаб қўя олиш техникаси, тартиб ўрнатиш техникаси, рағбатлантириш ва жазолаш техникаси қабилардан иборат.

Мимика – ўзининг фикр-мулоҳазаларини, ҳис-туйғуларини, кайфиятини юз мускуллари ҳаракати орқали ифодалаш санъати. Кўпинча юз ифодаси сўзлардан кўра кучлироқ таъсир қиладди. Мимика нутқ мазмунига мос бўлиши керак. У орқали ишонч, тасдиқлаш, нозилик, ҳурсандчилик, бефарқлик, завқланиш, қизиқиш, ҳафа бўлиш каби туйғуларни ифодалашга ёрдам беради. Мимика деталлари – қош, кўз, юз мускуллари. Шу сабабли ўқитувчининг кўзи ҳис-туйғуларни ифодалабгина қолмасдан, талабаларга тааллуқли бўлмаган ҳис-туйғуларни яшира олиши ҳам керак.

Пантомимика – фикрларини ифодалашда қўл, бош ва умуман гавда ҳаракатлари, имо-ишоралардан фойдаланиш.

Ижтимоий перцепция – талабаларнинг юз ифодалари, кўз қарашларидан улар психологиясини, кайфиятини аниқлаш.

Нутқ техникаси – муҳим аҳамиятга эга бўлиб, ўқув соатларининг тўртдан бир, баъзан иккидан бир қисми ўқитувчи нутқи орқали амалга оширилади. Талабалар ўқитувчи нутқига нисбатан жуда сезгир бўлиб, ўқитувчининг хатолари, нотўғри талаффуз болаларда кулгу уйғотса, монотон оҳанг уларни зериктиради, нотўғри интонация эса нутқнинг ясама эканлигини кўрсатади ва тингловчиларни ўқитувчидан узоқлаштиради. Физиологлар фикрича ўзгартириб бўлмайди деб ҳисобланадиган товуш тембрини ҳам машқ қилиш асосида ўзгартириш мумкин экан. Масалан, Қадимги Греция яшаб ўтган буюк оратор Демосфен ўзидаги барча жисмоний камчиликларни машқ қилиш орқали бартараф этади. Нутқ техникаси жамоа ва шахс билан мулоқот қилиш маҳорати, мулоқот жараёнини назорат қила олиш, жамоани ташкил қилиш, ўз кайфиятини, овозини ва ҳаракатларини бошқара олиш маҳорати қабилар билан бир қаторда педагогик техниканинг таркибий қисми ҳисобланади.

MUSTAQIL TA'LIM OLIISH TEXNOLOGIYASINING O'ZIGA PSIXOLOGIK XUSUSIYATLARI

Ochilova N.M., Qarshi DU dou.v.e.6, p.f.n

O'zbekiston Respublikasining oliy ta'limga doir me'yoriy hujjatlarida mustaqil ta'lim, talabalarning mustaqil ishlari o'quv mashg'ulotlarining turlaridan biri, ta'lim olishning muhim shakli, usuli sifatida ko'rsatilgan. Oliy ta'limning davlat ta'lim standartida oliy ta'lim dasturlari mazmuniga qo'yiladigan umumiy talablar qatorida **bakalavriat** ta'lim dasturini o'zlashtirishda talabalarning o'quv fanlariga oid bir qancha masalalar va muammolar bo'yicha **mustaqil bilim olishi** nazarda tutilgan.

Magistratura ta'lim dasturi mazmuniga qo'yiladigan umumiy talablar qatorida: «magistratura mutaxassisligi bo'yicha ilmiy - tadqiqot ishlarini bajarish, kasb faoliyatining ko'zlangan natijalariga erishishda jarayonlarni modellashtirish va tizimli yondashish borasidagi ilmiy bilimlar, **amaliy** mahorat va ko'nikmalarni ta'minlashi kerak... **mustaqil tadqiqotchilik** faoliyatining amaliy ko'nikmalarini hosil qilish» zarurligi ta'kidlangan. Oliy ta'lim muassasasini bitiruvchilarning tayyorgarligiga nisbatan qo'yiladigan davlat standarti umumiy malaka talablaridan biri «yangi bilimlarni mustaqil egallay bilishi, o'z ustidaishlashi va mehnatfaoliyatini ilmiy asosda tashkil qila olishi» hisoblanadi. O'zbekiston Respublikasi oliy ta'limni isloh qilishga doir me'yoriy davlat hujjatlaridan keltirilgan ushbu talablar, fikrlar oliy o'quv yurtida **mustaqil ta'lim olishga** katta e'tibor berish, talabalarni mustaqil ishlash metodikasi bilan qurollantirish va zarurligidan dalolat beradi.

Mustaqil ta'lim belgilangan o'quv topshiriqlarini talabalar tomonidan mustaqil ijodiy (yoki professor - o'qituvchining mustaqil ishlar o'quv - biluv faoliyatining bir turi, o'quv faoliyatining tashkiliy shakl - usuli, bilim o'zlashtirish yo'li, vositasi sifatida namoyon bo'ladi. Shuningdek, talabalarning mustaqil ishlari didaktik maqsadi, mustaqil o'quv faoliyatining darajasi, yakka kishiga yoki guruhga mo'ljallanganligi, axborot manbai, bilim olish metodlari, shakli va bajarish o'rniga ko'ra ham tasniflanadi, farqlanadi. Oliy maktab talabasida mustaqil ta'lim olish malaka, ko'nikmalarini shakllantirish ishlarini rejali va sekin - asta murakkablashib, yuqorilab boradigan bosqichlar (darajalar) shaklida tashkil etish maqsadga muvofiq. Oliy maktabda talabalarning mustaqil ta'limini rejali va bosqichli tashkil etilishi undan kuzda tutilgan ta'lim maqsadlarini ruyobga chiqarishga, bo'lajak mutaxassislarning ijtimoiy - gumanitar va kasbiy tayyorgarligi darajasini yuqori ko'tarishga, ta'lim - tarbiyaning samaradorligini oshirishga xizmat qiladi.

Mustaqil ta'lim oliy ta'lim muassasasida o'quv jarayonining tarkibiy qismi bo'lib, u quyidagi sohalarda bajariladi:

1. Ma'ruza mavzusi va materiali bo'yicha mustaqil ishlar: ma'ruzada bayon qilingan asosiy tushunchalar, muhim masalalarni idrok etish va anglab olish uchun ma'ruzadan keyin o'z yozuvlari (konspekti)ni tartibga keltirish, tavsiya etilgan o'quv adabiyotlari, birinchi manbalarni o'rganish bilan o'z yozuvlariga tuzatishlar kiritish va to'ldirish, o'qilgan manbalardan qo'shimcha matnlar olish.

2. Amaliy mashg'ulotlarga, seminar va laboratoriya ishlariga tayyorgarlik sohasida mustaqil ishlash: axborotlarni tartibga keltirish, savollar tuzish, javoblar hozirlash, o'quv mashg'uloti loyihalarini tuzish, savol - javoblarga, muhokamada qatnashishga, amaliy ishlarni bajarishga tayyorlanish.

3. Referatlar, ma'ruzalar, kursishlarini yozish bo'yicha o'quv - biluv topshiriqlarini bajarish bo'yicha mustaqil ishlar.

4. Nazorat ishlari (joriy, oraliq, yakuniy nazorat ishlari) sohasida o'quv - biluv topshiriqlarini bajarishga doir mustaqil ishlar.

5. Malakaviy amaliyotlar bilan bog'liq o'quv - biluv topshiriqlarini mustaqil bajarish: pedagogik amaliyot, ishlab chiqarish amaliyoti bilan bog'liq o'quv - biluv topshiriqlari shular jumlasiga kiradi.

6. Maxsus kurs va maxsus seminarlarni o'rganish bilan bog'liq mustaqil ishlar: ma'ruza mavzusiga doir adabiyotlarni o'qib, o'rganib, biror masala bo'yicha matn tayyorlash, ma'ruza o'qishga hozirlanish kabilar.

7. Malakaviy bitiruv ishlari, magistrlik dissertatsiyasini tayyorlash sohasida mustaqil ishlar.

Yuqori malakali mutaxassis bo'lish, o'z bilimlarini muntazam oshirib borish uchun talaba kitob bilan, birinchi manbalar bilan ishlash malakasiga ega bo'lishi zarur. Kitob bilan ishlay olish malakasi nazariy bilimlarni chuqurroq egallashning shartidir.

Birinchi kurs talabalari, odatda, zarur kitobni tanlash, topishga qiynaladilar, kitobni maqsadga muvofiq tarzda qunt bilan o'qish o'rniga ayrim joylarinigina o'zgarishsiz ko'chirib qo'ya qoladilar. Vaholanki, talaba kitobni qanday topish va undan qanday foydalanishni bilmog'i lozim. Talaba mustaqil o'qib o'rganishi zarur bo'lgan kitoblarni professor - o'qituvchi ma'ruza, seminar paytida tavsiya qiladi va

kerakli maslahatlarni beradi. Oliy o'quv yurti talabasi DTS ning ijtimoiy - gumanitar, tabiiy-ilmiy, ixtisoslik va boshqa fan bloklariga doir kitoblar, manbalarni o'rganishi zarur.

Mustaqil ta'lim oluvchiga ustoz o'g'itlari. O'zbekiston Respublikasining buyuk kelajagini yaratishga bel bog'lagan yoshlar - oliy o'quv yurti talablariga donolarning quyidagi hikmatlarini yodda tutish foydali deb hisoblaymiz.

a) Nazariy va kasbiy bilimlarni, amaliy ko'nikma, malakalarni egallashga bel bog'lagan yoshlar, avvalo ishda sobit qadam, izchil bo'ling. Bilimlarni o'zlashtirishda izchillik, ketma ketlikka qat'iy amal qilishga o'rganing. Fan chuqqilariga chiqishga o'rinishdan avval uning alifbesini o'rganib oling. Oldingilarini chuqur o'zlashtirib olmasdan turib keyingisiga qo'l urmang.

b) Oliy maktab inson miyasini mavjud hamma bilimlar bilan to'ldiradigan joy emas. Oliy maktab yoshlarni mustaqil ishlashga tayyorlashi kerak. Siz manbalar bilan mustaqil ishlash malakasiga ega bo'lsangiz, kitobni o'qish bilan undagi asosiy g'oyani anglab olsangiz va undagi axborotlarni tahlil qila bilsangiz, mana shuning o'zi siz uchun juda muhim, qolganlarini siz amaliyotda ishni egallay olasiz. Agar oliy maktabda fandagi bilimlarni, g'oyalarni, nazariyalarni anglash, tushunish, uni amaliyotda qo'llay olish usulini o'rganib olgan bo'lsangiz, oliy maktab o'z vazifasini bajargan bo'ladi.

v) Mustaqil ta'lim olish malakasini hosil qilish murakkab ish; oliy maktabda o'qish yillarida buni o'zingiz egallashingiz lozim.

g) Mustaqil ishlash uchun vazifa, topshiriq berilib, manba ko'rsatilgach, paysalga solib, vaqtni (tkazmang, iloji boricha tezroq ishga kirg.

d) Mustaqil ishlashga istak, ishtiyoq uyg'onishini kutib turmay, irodangizni ishga solib, bunday vaziyatni o'zingiz yarating.

e) Ish vaqtida diqqatni bir joyga to'plab e'tibor bilan o'qing, faqat shu mavzu haqida fikr yuriting.

i) Sizga qiziqarli bo'lmasa ham ammo zarur bo'lgan ishga nisbatan o'zingizda motiv, ehtiyoj uyg'ota oling.

k) Kitob ustida ishlashdan oldin maqsadni oydinlashtirib, aniqlab oling: mustahkam esda saqlang, anglab, tushunib oling, ishni oxiriga yetkazing.

l) Kitobdagi, topshiriqdagi murakkab, qiyin joylarga ko'proq e'tibor bering, chuqurroq tushunishga yordam beradigan usullardan (yozib olish, sxema va rasmlar chizish, aytish, so'zlab berish, muammo quyish, fikrlab uni yechish kabi) foydalaning.

m) Yangi ish boshlashdan oldin ilgari bajarilgan ishni ko'rib chiqing. Ishni o'zingiz mustaqil bajara olmasligingizga to la ishonch hosil qilmaguningizcha birovdan yordam so'ramang.

n) Bilib, tushunib olingan axborotlarni aynan eslab qolishdan cho'chimang, bilib olinganlarni vaqti-vaqti bilan takrorlab turing, takrorlash o'qishning onasi, degan hikmatni unutmang.

o) Yozib olgan matningizni o'qib chiqing, undagi xato va kamchiliklarni bartaraf eting.

Mustaqil ta'lim olish jarayonida talabalar ustozlarining maslahati va ko'rsatmalariga amal qilishi kerak. Shu tariqa ular mustaqil ta'lim olish malakalarini egallab oladilar va maqsadga erishadilar.

БЛОЧНО - МОДУЛЬНАЯ МОДЕЛЬ СОПРОВОЖДЕНИЯ ДЕТЕЙ РАННЕГО ВОЗРАСТА С ОГРАНИЧЕННЫМИ ВОЗМОЖНОСТЯМИ ЗДОРОВЬЯ

*Ланн Е. А., доцент кафедры
специальной педагогики и психологии ФГБОУ ВО «ВГСПУ»
Ускова К. С., магистрант по направлению 44.04.03
«Специальное (дефектологическое) образование» ФГБОУ ВО «ВГСПУ»*

В последние десятилетия в Российской Федерации усилился интерес к проблемам ранней диагностики нарушений развития у детей. Был осуществлен ряд научных исследований в данном направлении (Е.Ф. Архипова, О.Г. Приходько, Ю.А. Разенкова, Ю.А. Лисичкина и др.) и разработаны методики выявления отклонений в развитии (Л.Т. Журба, Е.М. Мастюкова, Г. В. Козловская, А.М. Казьмин, Л.В. Казьмина, Г.В. Пантюхина и др.). Как отмечают исследователи, раннее вмешательство и система коррекционных мероприятий позволяют достичь максимально возможного для каждого ребенка уровня общего развития и способствуют предупреждению вторичных отклонений. О.Г. Приходько, О.В. Югова подчеркивают, что ранняя комплексная помощь детям с ограниченными возможностями здоровья включает систему охраны здоровья, социальной поддержки и специального образования [1]. Следует отметить, что одним из ключевых пунктов проекта распоряжения Правительства Российской Федерации «Об утверждении межведомственной Концепции развития

ранней помощи в Российской Федерации на период до 2020 года» является совершенствование механизмов своевременного выявления детей группы риска, а сопровождение выступает неотъемлемым компонентом помощи [2]. Президент РФ В.В. Путин подписал Указ «О национальных целях и стратегических задачах развития Российской Федерации на период до 2024 года», согласно которому перед обществом и государством поставлена задача создания условий для раннего развития детей в возрасте до трёх лет и реализации программ помощи родителям.

Современный нормативно-правовой дискурс актуализирует потребность в разработке комплексной модели сопровождения детей с ограниченными возможностями здоровья (ОВЗ). Фокус при этом акцентирован на проблемных областях системы развития ранней помощи: аспектах межведомственного взаимодействия агентов сопровождения, проведения диагностики, подготовке специалистов к работе в системе помощи детям раннего возраста, разработке критериев оценки эффективности сопровождения. Отчасти это связано с недостаточной проработкой программ сопровождения данной категории лиц, изучением проблематики организации комплексной помощи детям с ограниченными возможностями здоровья, выявлению условий и возможностей создания среды для детей с ограниченными возможностями здоровья при реализации модели их сопровождения [4].

Цель исследования определяется нами как разработка и теоретическое обоснование блочно-модульной модели сопровождения детей раннего возраста с ограниченными возможностями здоровья для оптимизации психолого-педагогического потенциала этого процесса в современных условиях. Достижение цели предполагало решение следующих задач:

1. Описать покомпонентно блочно-модульную модель сопровождения детей с ограниченными возможностями здоровья.
2. Описать возможные риски сопровождения и пути их минимизации.
3. Охарактеризовать механизм реализации сопровождения ребенка раннего возраста с ограниченными возможностями здоровья.
4. Оценить и описать результаты создания и успешной реализации модели сопровождения детей раннего возраста с ограниченными возможностями здоровья.

Использование таких методов исследования, как анализ научной литературы по проблеме сопровождения детей с ограниченными возможностями здоровья, проектирование, обобщение педагогического опыта, обусловлены целостным подходом к решению проблемы сопровождения детей раннего возраста с ОВЗ.

Новизна реализованного и описываемого исследования определяется систематизацией необходимых и достаточных характеристик процесса сопровождения, объединенных в блочно-модульную модель сопровождения детей с ограниченными возможностями здоровья, для оптимизации психолого-педагогического потенциала этого процесса в современных образовательных условиях.

Разработанная нами блочно-модульная модель сопровождения состоит из двух компонентов: содержательного и организационного. В рамках содержательного компонента представлено четыре взаимосвязанных блока, которые были сформированы в соответствии с выделенными векторами развития психолого-педагогического потенциала сопровождения:

1. медицинский блок;
2. блок коррекционно-педагогической работы;
3. информационно-методический блок;
4. блок семейного консультирования и работы с родителями.

Организационный компонент блочно-модульной модели сопровождения обеспечивает информационное поле сопровождения и включает учреждения и агентов межведомственной партнерской сети и реализуется в следующих блоках:

1. Блок подготовки кадров к работе в команде по сопровождению детей раннего возраста с ОВЗ;
2. Блок взаимодействия специалистов мультипрофессиональной команды.
3. Блок стратегического планирования, который предусматривает реализацию мероприятий по организации межведомственного взаимодействия и социального партнерства (создание партнерской сети с государственными органами, учреждениями и общественными организациями в разработке программ, планов и т.д.).

Конкретизируем содержание блоков разработанной нами блочно-модульной модели. Так, медицинский блок включает мероприятия по оценке уровня психического и физического здоровья ребенка, условий протекания беременности и родов, динамики развития ребенка, фармакологи-

ческого лечения и пр. Блок коррекционно-педагогической работы направлен на создание специальных условий развития детей на основе результатов психолого-педагогического обследования с учетом общих закономерностей развития детей. Этот модуль включает ряд подмодулей, в рамках которых решаются коррекционно-развивающие задачи. Это такие модули, как модуль сенсорного развития; развития крупной и мелкой моторики; формирования элементарных математических представлений; развития пространственных и временных представлений; развития внимания, памяти, мышления; модуль развития речи и формирования коммуникативных способностей; модуль развития социально-бытовых навыков, представлений об окружающем мире.

Информационно-методический блок предполагает комплекс мероприятий по защите прав детей, информирование об услугах, предоставляемых в рамках ранней психолого-педагогической помощи совместно с другими организациями и учреждениями, обеспечение социальной поддержки и содействия детям и их семьям.

Деятельность в рамках блока семейного консультирования и работы с родителями включает два модуля:

1. Модуль повышения психолого - педагогической компетентности членов семьи через различные формы консультирования. Индивидуальное консультирование осуществляется специалистами или по инициативе педагогов, или родителей. Неотъемлемой частью взаимодействия с родителями выступают наглядные средства (памятки, буклеты, стенды, библиотека специальной литературы для членов семьи).

2. Модуль обучения родителей способам взаимодействия с ребенком через организацию и функционирование «Школы ответственных родителей». В условиях практико-ориентированной деятельности с родителями рассматриваются и решаются кейсы по разной тематике: «Особенности развития и воспитания ребенка»; «Значение режима дня в жизни ребенка»; «Как развивать самостоятельные действия детей в режимных моментах»; «Роль предметно-развивающей среды в развитии детей раннего возраста»; «Как организовать предметно-развивающую среду в семье»; «Значение игрушки для общения ребенка со взрослым»; «Формирование игры в условиях семейного воспитания»; «Методы работы по сенсорному развитию детей раннего возраста в условиях семьи»; «Использование интерактивного оборудования при взаимодействии с ребенком»; «Учимся говорить с ребенком: особенности речевого развития ребенка и работа по устранению его недостатков»; «Значение и роль общения в развитии ребенка раннего возраста» и др.

В работе с родителями педагоги и узкие специалисты (логопед, педагог-психолог, дефектолог) рекомендуют использовать мультимедийные презентации, тренинги, ситуационные задачи, выставки, открытые занятия, видеоматериалы, круглые столы, мастер-классы [3]. Деятельность в рамках блока семейного консультирования и работы с родителями также включает семейные праздники, родительские собрания; просветительские мероприятия, участие родителей в просмотре коррекционных занятий и др.

В работе с родителями широко используются дистанционные образовательные технологии, что позволяет оперативно информировать родителей по вопросам воспитания детей и организовывать виртуальную среду обучения и развития взрослых [5].

Проведенное исследование показало, что существует потребность в подготовке и привлечении квалифицированных кадров для работы в системе помощи детям раннего возраста с ограниченными возможностями здоровья, поэтому блоки организационного компонента блочно-модульной модели сопровождения ориентированы на оказание помощи специалистам, работающим с детьми раннего возраста.

Блок подготовки кадров к работе в команде по сопровождению детей раннего возраста с ограниченными возможностями здоровья включает курсы повышения квалификации, выездные семинары, мастер-классы по различным вопросам коррекционной работы с детьми и взрослыми, проведение открытых мероприятий, а также работу Клуба молодого специалиста, на котором освещаются теоретические вопросы методики воспитания и обучения детей и реализуется принцип профессиональной преемственности.

Блок взаимодействия специалистов мультипрофессиональной команды в рамках разработанной нами модели сопровождения включает деятельность дискуссионной площадки объединения «ПРОпомощь», где в качестве спикеров выступают педагоги-наставники, логопеды, дефектологи, психологи, врачи и т.д. для овладения специалистами методами и приемами эффективной командной работы и распространения практического опыта помощи детям раннего возраста с ограниченными возможностями здоровья.

Деятельность мультипрофессиональной команды возможна при построении межведомственной партнерской сети. Этому аспекту посвящен блок стратегического планирования, который предусматривает реализацию мероприятий по организации межведомственного взаимодействия и социального партнерства (создание партнерской сети с государственными органами, учреждениями и общественными организациями в разработке программ, планов и т.д.). Партнерская сеть - форма взаимодействия учреждений, деятельность которых направлена на оказание помощи определенной целевой группе. В рамках комплексного сопровождения такая сеть создается для организации доступа детей раннего возраста с ограниченными возможностями здоровья и их семей к широкому спектру направлений помощи, так как потребность в расширении направлений помощи и организации сотрудничества между учреждениями была доказана по результатам проведенного опроса.

В рамках модели сопровождения ребенка раннего возраста с ограниченными возможностями здоровья нами было сформировано примерное распределение обязанностей в мультипрофессиональной команде.

Таблица 1.

Примерное содержание деятельности специалистов службы сопровождения

Специалист	Направления работы
Координатор	<ol style="list-style-type: none"> 1. планирование и контроль реализации этапов сопровождения; 2. координация взаимодействия в междисциплинарной команде специалистов (предупреждение возникновения конфликтных ситуаций, поддержание отношений сотрудничества); 3. организация взаимодействия с родителями детей; 4. проведение мониторинга для оценки эффективности деятельности команды; 5. поиск необходимых ресурсов (обеспечение взаимодействия с другими организациями и учреждениями, а также СМИ); 6. сотрудничество с профильными некоммерческими организациями, Благотворительными фондами с целью привлечения внебюджетных средств; 7. планирование работы по повышению квалификации специалистов и обеспечению материально-техническими и иными ресурсами; 8. координация взаимодействия с партнерами – учреждениями и организациями, связанными в единую партнерскую сеть и заинтересованными в помощи детям раннего возраста с ограниченными возможностями здоровья и членам их семей; 9. представление на общих консилиумах команды промежуточных результатов; 10. установление контроля за сроками реализации сопровождения и разработка индивидуальной программы; 11. проведение статистического учета количественной и качественной стороны оценки качества оказываемой помощи в рамках сопровождения.
Педагог-психолог	<ol style="list-style-type: none"> 1. оценка особенностей развития ребенка, взаимодействия между ребенком и родителями; 2. помощь в оптимизации отношений между родителями и ребенком; 3. оказание помощи специалистам команды в решении проблем взаимодействия между собой и с родителями; 4. разработка плана занятий с учетом индивидуальных и половозрастных особенностей детей; 5. содействие в проведении родительских собраний и мероприятий, предусмотренных программой сопровождения; 6. участие в семинарах и конференциях по вопросам дальнейшего сопровождения детей раннего возраста с ОВЗ; 7. подготовка психолого-педагогических заключений с целью ориентирования агентов сопровождения в проблемах развития детей и планируемых результатах помощи.
Специалист по ранней коммуникации (логопед)	<ol style="list-style-type: none"> 1. проведение логопедического обследования и составление заключения; 2. работа с родителями; 3. разработка плана индивидуальной работы по развитию речи ребенка; 4. взаимодействие со специалистами команды сопровождения; 5. динамические наблюдения за развитием речи; 6. планирование работы по направлению ребенка в другие структуры после завершения данной программы сопровождения.

Дефектолог	<ol style="list-style-type: none"> 1. организация и проведение диагностики и составление заключения на основании многофакторного анализа информации, определение оптимальных условий и создания среды для занятий; 2. работа с родителями; 3. участие в работе междисциплинарной команды специалистов по созданию индивидуальной программы сопровождения ребенка; 4. проведение индивидуальных и групповых занятий для детей; 5. мониторинг результатов, внесение изменений в программу совместно с родителями в рамках очных консультаций; 6. планирование работы по направлению ребенка в другие структуры после завершения данной программы сопровождения.
Специалист по социальной работе	<ol style="list-style-type: none"> 1. диагностика потребностей семьи и информирование родителей (законных представителей) по вопросам прав и гарантий, предоставляемых ребенку раннего возраста с ОВЗ и членам его семьи; 2. составление резюме с планом поддержки ребенка и его законных представителей; 3. содействие в получении помощи и услуг государственных организаций и НКО (взаимодействие с организациями партнерской сети и поиск партнеров для привлечения дополнительных специалистов и ресурсов); планирование работы по направлению детей в другие структуры для получения дополнительной помощи; 4. создание «карты» учреждений, в которые могут обратиться члены его семьи ребенка для оказания им помощи.
Специалист по физической реабилитации	<ol style="list-style-type: none"> 1. подбор и расстановка физических упражнений, их дозировки, последовательности и т. п. с учетом индивидуальных физиологических и психологических особенностей ребенка, а также вариантов течения заболевания; 2. проведение занятий под руководством специалистов (гимнастические, спортивные, игровые, прикладные виды упражнений); 3. разработка комплексов занятий в домашних условиях под руководством специалиста в рамках дистанционной реабилитации; 4. консультирование специалистов по вопросам двигательного развития детей и организации занятий.
Музыкальный руководитель	<ol style="list-style-type: none"> 1. составление плана и проведение индивидуальных и групповых занятий с детьми; 2. подготовка тематических праздников; 3. консультирование родителей по использованию музыкальных средств дома и на совместных занятиях.
Врач-педиатр	<ol style="list-style-type: none"> 1. оценка соматического состояния ребенка и рисков для его развития; 2. консультирование членов семьи; обучение приемам ухода за ребенком; 3. участие в планировании индивидуальной программы сопровождения.
Врач-невролог	<ol style="list-style-type: none"> 1. обследование состояния нервно-психического статуса ребенка; 2. участие в планировании индивидуальной программы сопровождения; 3. мониторинг изменения состояния ребенка в процессе реализации мероприятий программы сопровождения.

Механизм реализации сопровождения ребенка раннего возраста с ограниченными возможностями здоровья в рамках нашей модели представлен следующим образом:

1. комплексная диагностика (изучение сенсорных реакций; действий с предметами; двигательной сферы; эмоциональных и голосовых реакций; причин отрицательных эмоциональных проявлений; возможности быстрой смены эмоций; частоты и разнообразия звуковых реакций; взаимодействий со взрослыми; преобладающих типов игр в общении; понимание инструкций и т.д.);

2. выявление потребности ребенка в конкретных направлениях помощи и специалистах для разработки индивидуальной карты партнерской сети;

3. разработка и реализация программы сопровождения ребенка;

4. взаимодействие с родителями ребенка (просветительская работа, консультирование, организация и проведение практических занятий с родителями);

5. промежуточная диагностика;

6. внесение корректив в программу сопровождения;

7. итоговая диагностика;

8. определение дальнейшего маршрута по направлению ребенка и членов его семьи в другие структуры помощи в рамках межведомственного взаимодействия.

Изучение и анализ исследований В.Г. Гончаровой, А.Е. Причинина и др., наш опыт практической работы позволил выявить возможные риски, связанные с реализацией процесса сопровождения.

Таблица 2.

Возможные риски сопровождения и пути их минимизации

Риски сопровождения	Пути минимизации рисков
Несогласованность действий субъектов сетевого взаимодействия	Организация взаимовыгодного сотрудничества, координация действий и создание единой нормативной базы
Недостаточность ресурсов (кадровых, материально-технических, финансовых, информационных)	Повышение квалификации и переподготовка педагогических кадров, обмен опытом, самообразование; проведение систематического анализа имеющихся ресурсов, привлечение дополнительных средств из источников бюджетного и внебюджетного финансирования образовательных организаций и управления образования, поиск инвесторов; использование дистанционных образовательных технологий, публикации в СМИ
Слабая мотивация педагогических работников	Рациональное перераспределение нагрузки, Социально-психологическое и материальное стимулирование
Недостаточность стимулирования активности и инициативности работников	Активное использование системы стимулирования специалистов, формирование корпоративного духа в коллективе
Неустойчивость спроса у населения на услуги (отказ, нежелание родителей принимать участие в реализации мероприятий)	Повышение качества разъяснительной и информационно-просветительской работы среди населения (проведение индивидуальных бесед, круглых столов, собраний, публичные выступления и публикации в СМИ о направлениях деятельности). Мониторинг спроса на услугу
Непредвиденные затраты вследствие организации и проведения мероприятий в рамках действующих направлений	Оптимизация текущих расходов, поиск и привлечение дополнительных финансовых средств
Нерегулярное посещение мероприятий, занятий детьми	Дополнительные занятия, индивидуальная помощь ребёнку, родителям

Оценка эффективности сопровождения проводится совместно специалистами и родителями. При оценке эффективности сопровождения родителями должны быть учтены основные аспекты, а именно семейный потенциал; динамические показатели, фиксирующие прогресс в развитии; реализуемые компоненты среды (пространственно - семантический, содержательно –методологический, коммуникационно - организационный); динамика включения ребенка в различные виды деятельности, увеличение социальных контактов; доступность мероприятий помощи для детей и членов их семей и др.

Оценку эффективности сопровождения ребенка раннего возраста с ОВЗ с учетом рекомендаций специалистов мультипрофессиональной команды следует проводить по следующим критериям: приближение показателей развития ребенка к возрастным нормативам по отдельным линиям развития; готовность родителей к интеграции в дошкольную образовательную организацию; расширение возможностей функционирования ребенка в социальной среде; улучшение взаимодействия членов семьи с ребенком.

Предполагаемые результаты создания модели сопровождения детей раннего возраста с ограниченными возможностями здоровья:

1. повышение профессиональной компетентности специалистов команды сопровождения (повышение квалификации и переподготовка кадров);
2. увеличение процента охвата детей диагностикой и комплексной коррекционно-развивающей помощью;
3. создание комфортной среды для детей, условий для успешной социализации;
4. получение своевременной квалифицированной помощи и поддержки детям и семье в соответствии с их потребностями и возможностями;
5. организация системы эффективного взаимодействия с родителями (определение роли родителя как партнёра, активного субъекта помощи ребёнку);

6. функционирование партнерской сети (плодотворное сотрудничество и заключение соглашений с центрами помощи детям раннего возраста).

Индикаторами успешности внедрения модели сопровождения ребенка раннего возраста с ОВЗ будут выступать:

1. увеличение числа детей, получающих помощь в рамках комплексного сопровождения;
2. увеличение числа родителей, обратившихся за консультациями;
3. повышение уровня удовлетворенности родителей и детей комфортностью образовательной среды;
4. повышение уровня удовлетворенности родителей мероприятиями сопровождения;
5. соответствие оснащенности среды современным потребностям детей с ограниченными возможностями здоровья;
6. количество проведенных мероприятий (мастер классы, круглые столы, семинары).

Таким образом, разработанная нами блочно-модульная модель сопровождения детей с ограниченными возможностями здоровья позволяет оптимизировать деятельность служб сопровождения различных организаций и определить их психолого-педагогический потенциал. Выявленные механизмы реализации сопровождения ребенка раннего возраста с ограниченными возможностями здоровья актуализируют любые управляемые воздействия как позитивной, так и негативной направленности, в значительной мере определяющие качество сопровождения детей раннего возраста с ограниченными возможностями здоровья. Обозначенные в рамках выполненного исследования результаты создания и успешной реализации модели сопровождения детей раннего возраста с ограниченными возможностями здоровья содействуют совершенствованию современной модели сопровождения детей раннего возраста с ОВЗ.

Список литературы:

1. Приходько О.Г. Система ранней помощи детям с ограниченными возможностями здоровья и их родителям / О. Г.Приходько, О.В.Югова ; АНО «Совет по вопросам управления и развития». – Москва: ООО «Деловые и юридические услуги «ЛексПраксис», 2015. –145 с.
2. Проект Распоряжения Правительства Российской Федерации «Об утверждении Межведомственной Концепции развития ранней помощи в Российской Федерации на период до 2020 года» (подготовлен Минтрудом России 24.05.2016)
3. Ткачева В.В. Психолого-педагогическое сопровождение семьи ребенка с ограниченными возможностями здоровья/ В.В. Ткачева, Е.Ф. Архипова, Г.А. Бутко. – М.: Академия, 2014. – 272 с.
4. Ускова К. С., Лапп Е. А. Теоретико-методологические основы проектирования модели сопровождения детей раннего возраста с ограниченными возможностями здоровья // Бизнес. Образование. Право. 2019. № 1 (46). С. 444–448. DOI: 10.25683/VOLBI.2019.46.148
5. Яриков В.Г., Ускова К.С. Направления реализации дистанционных образовательных технологий в процессе сопровождения ребенка раннего возраста с ограниченными возможностями здоровья // Научно-методический электронный журнал «Концепт». –2018.–№V8.–С. 1–7. –URL: <http://e-koncept.ru/2018/186067.htm>.

ПСИХОЛОГИК ХИЗМАТ КЎРСАТИШДА ПСИХОДИАГНОСТИК ТЕСТЛАРНИНГ АҲАМИЯТИ

Бекназарова Л.С., Қариш ДУ доцент

Амалий фаолиятни шакллантиришга қаратилган таълим-тарбиявий, илмий-амалий ишлар бутун жаҳон микёсида ҳар бир соҳада кенг қамровли олиб борилмоқда. Айнан, шу жараёнида амалий психологик фаолиятда ҳам сезиларли даражада ривожланиш билан бирга баъзи муаммоли жиҳатлар мавжудлигини эътироф этиш мумкин.

Психологик хизмат кўрсатишда мутахассислар ўз амалиётларида диагностик методикалардан фойдаланиш билан боғлиқ муаммоларга кўп дуч келмоқдалар. Бунинг сабаби психодиагностик мақсадларда татбиқ этилаётган методикаларнинг асосий қисми бошқа муҳитларда яратилган бўлиб, улар бизнинг шароитимизда айрим психометрик қоидаларга асосан мувофиқлаштирилган ҳолда қўлланилиб келинмоқда. Шунингдек, психодиагностика ва унинг муаммоларига бағишланган қўлланмалар, адабиётларнинг ўзбек тилида яратилганмаганлиги ўз навбатида психологик хизмат жараёнида бошқа муаммоларни келиб чиқишига асос бўлиб қолаётганлиги шубҳасиз. Бундай ҳолатда муаммоларга таянган ҳолда психологик методикаларни яратиш, уларни модификациялаш ва мослаштиришнинг психометрик жиҳатлари билан боғлиқ масала таҳлилига эътибор қаратиш кўзда тутилади. Методиканинг валидлик, ишончлилик ва дифференциаллик талабларига, уни қўллаш учун нисбий танлангани стандартлаштириш зарур. Шу боис, психологик методикаларнинг биринчи

кўрсаткичлари, баҳоси ва талқини экспериментаторнинг хулқ-атвори ва субъектив мулоҳазаларига боғлиқ бўлиб қолмаслигини тақозо этади.

Ҳозирги вақтда психологик хизматни амалга оширишнинг асосий жиҳатларидан бири тест текшируви бўлиб унинг натижалари асосида психопрофлактик ва психокоррекцион усуллар танланади ҳамда амалиётга тадбиқ этилади. Тест текширув мураккаб иш бўлиб, психологдан катта масъулият ва билим талаб этади. Тест текширувда йўл қўйиладиган хато муаммолар ечимини анча чигаллаштириб, психологик ёрдам кўрсатишда чекланишларга олиб келиши мумкин. Таълим муассасаларида, психологик хизмат кўрсатадиган психолог - ходим бу масалага жиддий эътибор қаратиши зарур. Бунинг ўзига хос сабаблари бор, албатта. Бундан ташқари, кейинги йилларда деярли барча таълим муассасаларида амалиётчи психолог лавозими ташкил этилди. Зеро, тест тадбирларни ўтказишнинг ўзига хос талаблари ҳам мавжуд. Энг биринчи галда мутахассис-психолог касбий-этикавий қоидаларни жуда яхши билиши зарур.

Республикамиз таълим муассасаларида психологик хизмат кўрсатиш бўйича махсус Низом ишлаб чиқилган бўлиб, унда таълим муассасаси психологининг асосий вазифалари, ҳуқуқ ва мажбуриятлари қайд этилган. Лекин биргина расмий ҳужжат — Низомга таяниб ишлаш билан ижобий натижаларга эришиб бўлмайди. Тест текширувларда касбий тайёргарлик ва мутахассислик бўйича чуқур билим ва педагогик маҳорат касбий фаолият учун асосий мезон ҳисобланади.

Беморни тиббий текширувдан ўтказиш ёки унга ташхис қўйишда шифокордан қанчалик масъулият талаб этилса, тест текширувлар ўтказишда психологдан ҳам шунчалик катта масъулият талаб этилади. Негаки таълим тизимида тест тадбирларни тўғри ташкил этиш мутахассислар фаолият йўналишини тўғри белгилашда муҳим аҳамиятга эга.

Психологик хизмат ходимлари психодиагностика ишларини ўтказишда, аввало психодиагностик тадқиқотларни олиб бориш тамойиллари, талаблари, жумладан, методикаларнинг **модификациялаштирилиши**, уларнинг **валидлик**, **ишончлилик** ва **аниқлик** талаблари ҳақида тегишли маълумотларга қатъий амал қилиши лозим. Акс ҳолда яхши жиддий хатоларга йўл қўйиши мумкин. Чунки, синалувчилар, маҳаллий шароитларга мослаштирилмаган методикалар ёрдамида ўрганилса, психодиагностика талаблари қўпол тарзда бузилади. Оқибатда маҳаллий шароит, этник хусусиятлар ҳисобга олинмаган ҳолда қўлланилган психодиагностик воситалар синалувчи шахси ҳақида нотўғри маълумотларни олишга олиб келади.

Бундай хатоларга йўл қўймаслик учун, биринчи навбатда психодиагностик воситалар савиясига, психодиагностик тадқиқотлар ўтказиш тартибига жиддий эътибор бериши ва синалувчиларнинг ёш-психологик, этник, худудий хусусиятларига мувофиқ келишлигини эътиборга олиш лозим.

Юқорида билдирилган мулоҳазаларга таяниб айтиш мумкинки, тест ишларни ташкил этишда психолог бир қанча талабларга амал қилиши лозим:

Биринчидан, психолог дифференциал психометриянинг асосларини ва психологик адабиётларни таҳлил этиш методларини, умумий назарий-методологик тамойилларни амалий қўллашни билиши ва удаллаши лозим.

Иккинчидан, ахборот маълумотлар банкини ва тест воситалари банкини яратиши зарур.

Учинчидан, тест текширувлар ўтказувчи психолог тест маълумотлари асосида қабул қиладиган қарори, қўлланилган методиканинг валидлигини ва ташхиснинг зарурий ишончлилик даражасини таъминлаш учун масъул.

Тўртинчидан, психолог тестнинг комплекс методикасини ишлаб чиқишда диагностиканинг юқори самарадорлигига асосланиши, тегишли соҳада қўлланиладиган усулларни такомиллаштириш бўйича илмий тадқиқот ишлари олиб бориши керак.

Бешинчидан, диагностик иш жараёнида тест методикаларни стандартлаштириш талабларига риоя этиши, олинган маълумотларни қайта ишлаши ва талқин қилиши керак.

Олтинчидан, психологдан методик воситалардан тўғри фойдаланиш, психологик ахборотларнинг конфиденциаллигини таъминлаш, шуни касбий йўналишдаги фанларни ўрганиш, ишлаб чиқариш таълими бўйича ўтказилган амалий ишлар ўқувчиларнинг умумтаълим фанлари бўйича олган билимларини мустаҳкамлайди, уларни тўлдиради ва чуқурлаштиради.

Ҳозирги вақтда, психологик хизматга, психолог мутахассислар хизматига зарурат кундан-кунга ортиб боришини инобатга олиб ҳар бир психолог хизмат доирасидан келиб чиқиб психодиагностик тестлардан фойдаланиш қонуниятларига амал қилиши қилиши учун амалий психологик билимларини етарли даражада эгаллаши ва улардан самарали фойдалана олиши талаб этилади

Адабиётлар

1. Анастаси А., Урбина С. Психологическое тестирование. -Спб.:Питер, 2003.-688 с.
2. Бурлачук Л.Ф. Психодиагностика. Учебник для вузов. -Спб.:Питер, 2007.-352 с.

БАЗОВЫЕ ПОТРЕБНОСТИ КАК ФАКТОР РАЗВИТИЯ ИНТЕЛЛЕКТУАЛЬНОЙ ОДАРЕННОСТИ СТУДЕНТОВ ХУДОЖНИКОВ

Щекочихина Т. А., Белгородский ГНИУ

Сегодня проблема воспитания и формирования творческой личности приобретает исключительную актуальность. Творчески мыслящий человек способен быстрее и экономичнее решать задачи, поставленные перед ним обществом, эффективнее преодолевать трудности, намечать новые цели, обеспечивать себе большую свободу выбора и действий. Именно творческий подход к делу является одним из условий воспитания активной жизненной позиции личности. Но для того чтобы целенаправленно воспитывать творческую личность необходимо знать как механизмы, ее формирующие, так и особенности структуры [1]. В связи с этим особенную актуальность приобретает проблема выявления интеллектуальной одаренности, и факторов, влияющих на ее развитие. Поскольку предметом исследования является интеллектуальная одаренность, остановимся на обосновании данного термина. При разработке данного понятия мы исходили из структуры интеллекта, предложенной американским психологом Говардом Гарднером (Howard Gardner). В своих работах Гарднер выделил семь типов интеллекта: 1 – визуально-пространственный, 2 – телесно-двигательный или кинестетический, 3 – музыкально-ритмический или аудиальный, 4 – лингвистический, 5 – логико-математический, 6 – внутриличностный, 7 – межличностный [2].

Как известно наиболее востребованными в современной системе образования видами интеллекта являются логико-математический и лингвистический. Нас интересуют особенности развития визуально-пространственного интеллекта. Гарднер утверждает, что люди с таким интеллектом мыслят в картинках, легко создают зрительные образы, используют метафоры, чувствуют форму, любят искусство: графику, живопись, скульптуру, без труда читают карты, таблицы и диаграммы, запоминают с помощью картинок, хорошо чувствуют цвет, для создания образов используют все органы чувств. Ученые предполагают, что развитие этого интеллекта возможно, если использовать при обучении большое количество наглядного материала; придумывать разные схемы, символы; рисовать карты, диаграммы; внедрять искусство в другие предметы обучения; использовать карты памяти; зрительно представлять изучаемый предмет; смотреть видеофильмы или создавать свои собственные; использовать периферийную стимуляцию, например, плакаты; использовать пантомиму; менять место в помещении, чтобы изменить перспективу; использовать органайзеры и специальные таблицы для определения целей; использовать кластеризацию; делать цветные пометки; использовать компьютерную графику. Как утверждают некоторые ученые, наиболее эффективным условием развития любого вида интеллекта, является наличие базовой и актуальной потребности. Мы в данной статье остановимся на подходе Гарбузова. Автор выдвигает концепцию следующих потребностей – инстинктов человека: 1 – потребность в самосохранении; 2 – потребность в сохранении рода; 3 – потребность в альтруизме; 4 – потребность в исследовании; 5 – потребность в доминировании; 6 – потребность в свободе; 7 – потребность в сохранении достоинства. Данные потребности являются врожденными, при этом профиль потребностей у каждого человека является генетически запрограммированным и строго индивидуальным. У одного человека может быть ярко выражена одна потребность, у другого несколько преобладающих потребностей. Ведущая потребность определяет тип личности [3]. Мы предполагаем, что профили базовых потребностей и интеллекта у студентов могут быть взаимосвязаны. Для проверки данной гипотезы нами была проведена диагностика на выявление базовой потребности по методике Гарбузова и определен профиль интеллекта по методике Гарднера. В эксперименте приняли участие испытуемые студенты НИУ «БелГУ» профиля подготовки Изобразительное искусство и мировая художественная культура в количестве 24 человек. В результате были определены средние уровни изучаемых показателей по выборке. Сравнение профиля базовых потребностей и профиля интеллекта представлено на рисунке 1.

На основании полученных данных можно отметить, что среди базовых потребностей у рассматриваемой группы студентов наиболее выражена потребность в альтруизме и в доминировании. Больше всего развит в рассматриваемой группе визуально-пространственный и лингвистический интеллект. Исходя из результатов исследования, можно сделать вывод о взаимосвязи потребности в альтруизме с развитием визуально-пространственного и лингвистического интеллекта. Кроме того обнаружены менее выраженные взаимосвязи между генофильным типом личности и развитием музыкального интеллекта, исследовательским типом и развитым




Рис.1. Взаимосвязь профиля базовых потребностей и интеллекта у студентов-художников

межличностным интеллектом, а также дигнитофильным типом личности и развитием логико-математического интеллекта. Поскольку в исследуемой группе выявлен альтруистический тип личности подробнее остановимся на описании альтруизма как явления. В настоящее время известны три теории альтруизма. Согласно теории социального обмена, оказание помощи, как и любое другое социальное поведение, мотивируется желанием минимизировать затраты и оптимизировать вознаграждение. Другие же психологи считают, что к оказанию помощи побуждает и подлинный, бескорыстный альтруизм.

Теория социальных норм исходит из того, что оказание помощи связано с существованием в обществе определенных правил. Норма взаимности побуждает людей отвечать добром, а не злом тем, кто пришел им на помощь. Норма социальной ответственности заставляет людей заботиться о тех, кто в этом нуждается, столько времени, сколько нужно, даже тогда, когда они не в состоянии отблагодарить нас. Эволюционная психология исходит из существования двух типов альтруизма: альтруизма, основанного на защите собственного рода, и альтруизма, основанного на взаимном обмене. Однако большинство психологов-эволюционистов полагают, что у генов эгоистичных индивидов больше шансов выжить, чем у генов личностей, склонных к самопожертвованию, и что поэтому общество должно учить альтруизму [4].

Мы предполагаем, что выявленная взаимосвязь между высоко развитым визуально-пространственным и лингвистическим интеллектом и альтруистическим типом личности обусловлена тем, что индивиды, склонные приходить на помощь другим должны иметь хорошие коммуникативные навыки и большие возможности для обработки социальной информации, чем те, кто склонен к эгоистичному поведению. Визуальный интеллект развивается, поскольку при коммуникации им необходимо не только использовать речь, но и распознавать все оттенки чувств другого человека, передаваемые невербальными средствами.

Список литературы:

1. Басин Е. Я. Искусство и эмпатия/ Е. Я. Басин; Акад. гуманитарных исслед. – М.: Слово, 2010. – 293 с.
2. Гарднер Г. Структура разума: теория множественного интеллекта (Frames of Mind. The Theory of Multiple Intelligence)/ Г. Гарднер. – М.: ООО «И.Д. Вильямс», 2007. – 512 с.
3. Гребнева В.В. Человекоцентрированная модель социально-психологического взаимодействия в системе «человек-вуз»: монография для психологов, студентов, преподавателей и сотрудников вузов, специалистов ППС-центров / В.В. Гребнева; рец.: В.А. Москвин, Н.В. Поддубный. –Уфа: Инфинити, 2012. – 267 с.
4. Майерс Д. Социальная психология : учебное пособие / Д. Майерс; пер. с англ. З. Замчук. – 7-е изд. – СПб.: Питер, 2006. – 794 с.

ЎҚИТУВЧИ КАСБИЙ ТАЙЁРГАРЛИГИ ПСИХОЛОГИК МУАММО СИФАТИДА

Мақсадова М.С., Қарши ДУ пс.ф.н. доц.в/б.

Замонавий педагогика ва психология фанларининг амалиётида шу нарса сезилмоқдаки, бўлажак педагог мутахассисларнинг касбий тайёргарлик мазмунини, шаклланган шахс моделини ва ихтисослик фаолиятини таърифлаш меъёрларини ишлаб чиқиш, фаолият субъектининг касбий тасаввур ва тафаккурини ҳамда ўзини ўқитувчи сифатида англаб етишини тадқиқ қилиш масалаларига илмий жамоатчиликнинг эътибори янада ортмоқда.

Бўлажак ўқитувчиларнинг замонавий талаблар асосида касбий тайёргарлигини таъминлаш учун мазкур жараённинг негизи ҳисобланган педагог меҳнатининг мазмунини ҳозирги давр талаблари даражасида ташкил этиш зарур. Касбий тайёргарлик жараёнининг ҳар бир қисми ва ҳолатини уйғунлаштириб яхлит тасаввур қилгандагина, унинг ўзига хос хусусиятлари яққол намоён бўлади, мураккаблиklarининг таркибини аниқлаш, муаммоларининг ечимларини топиш осонлашади, нозик қирралари ва жиҳатлари англанади, айни пайтда умумпедагогик жараённинг сифати янада ортади. Ана шу мақсадда бўлғуси ўқитувчиларнинг касбий тайёргарлиги жараёнига нисбатан муносабат тизимини ўзгартириш муаммога янгича ёндашиш, бошланғич синф муаллимлари касбий тайёргарлигининг замонавий жиҳатларини ўрганишни тақозо этади.

Ўқитувчи касбий тайёргарлигининг туб моҳиятини ечишда муаммонинг ўзига хос томони, яъни ўзига хос психологик хусусиятларини ёритиш зарурати туғилади. Шу соҳага доир ижтимоий-тарихий манбалардан ҳам кўринадики, ўқитувчининг касбий тайёргарлиги замирида инсоннинг шахсий ва касбий камолоти; касбий фаолиятини таъминловчи зарур сифат, фазилат, малака ва маҳорат; таълим-тарбия жараёнида шахслараро муносабатлар мазмуни ҳамда касбий қобилиятдан иборат тизим мужассамдир. Бу эса муаммони экспериментал ўрганишдан олдин ўқитувчилар касбий тайёргарлигининг илмий-назарий, методологик муаммолари масаласини ижтимоий-психологик жиҳатдан ёритиш кераклигини тақозо этади. Аслида ҳам ўқитувчилар касбий тайёргарлигини ташкил этишда, энг аввало, унинг социал ва ўзига хос психологик хусусиятлари билан боғлиқ муаммони текшириш кераклиги назарда тутилади.

Ҳозирги кунда инсон омилининг тобора ортиб бориши умумманфаатлар учун самарали меҳнат қилишга ундовчи мотивлар ва стимуллар тизимини яратиш инсонпарварликка асосланган ҳар бир жамиятнинг сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий вазифаларидан бири саналади. Бундай муаммоларни ҳал этиш учун ўқитувчилар касбий тайёргарлиги тизимига ва уни бошқаришга туб ўзгартириш олиб кириш ижтимоий-педагогик ва психологик изланишларнинг энг муҳим вазифаларидан ҳисобланади. Бўлғуси ўқитувчилар касбий тайёргарлигининг педагогик-психологик томонларини бевосита таҳлил қилишдан олдин, албатта, унинг инсон психологияси ва фаолияти билан боғлиқ механизмлар ҳамда қонуниятларга алоқадор айрим жиҳатларига эътибор қаратмоқчимиз. Ўйлаймизки, ўқитувчилар касбий тайёргарлигининг педагогик-психологик механизмларини тадқиқ қилиш муаммо моҳиятини ойдинлаштиришга ёрдам беради. Ўқитувчи шахси, фаолияти ва унинг касбий тайёргарлигига дахлдор муҳим муаммолар, айниқса, унинг касбий тайёргарлигининг ўзига хос психологик хусусиятлари ҳамда касбий тайёргарлик жараёнига таъсир этувчи муҳим омилларни ўрганиш, таҳлил қилиш бизни куйидаги ҳулосаларни чиқаришга олиб келди.

Ўқитувчи тўғрисида ижтимоий-тарихий таълимотларда мужассамлашган ўқитувчи касбий тайёргарлигининг ўзига хос психологик томонларига хос қимматли маълумотлар ҳозирги даврда ҳам бўлғуси педагоглар касбий тайёргарлигини такомиллаштиришда, ўқув-тарбия жараёнлари самарадорлигини оширишда муҳим аҳамият касб этади.

Ўқитувчи касбий тайёргарлигининг психологик асослари ва бу жараёнга таъсир этадиган ижтимоий-маданий, миллий-худудий ва педагогик-психологик омилларнинг аҳамиятига доир қимматли илмий натижалар қайд этилганлигини алоҳида таъкидлаб ўтиш мақсадга мувофиқ.

Ўқитувчининг касбий тайёргарлиги ҳамда таълим ва тарбия жараёнини ташкил этиш ва уни бошқариш билан боғлиқ муаммолар, ёхуд уларнинг ечими ҳар бир халқнинг миллий-маданий, ўзига хос психологик ва худудий хусусиятлари мавжудлиги билан уйғунликда намоён бўлади.

Ватанимиз психолог олимлари томонидан олиб борилган илмий тадқиқотларда бўлғуси ўқитувчининг касбий тайёргарлигига доир муаммоларнинг жуда кўп жиҳатлари ўрганилган бўлса-да, бироқ педагогнинг миллий-маданий муҳитга хос кенг имкониятларини аниқловчи, шахсий ва касбий баркамоллигини таъминловчи муҳим механизм – педагог касбий тайёргарлигининг ўзига хос психологик хусусиятлари масаласи изланишларнинг вазифалари қаторига кирмаган. Шу боис,

бошланғич синф ўқитувчилари касбий тайёргарлигининг ўзига хос психологик хусусиятларига доир баъзи бир муаммолар ҳали ҳам ўз долзарблигини сақлаб келмоқда. Шу мақсадда махсус психологик тадқиқотлар ўтказиш ва унинг ютуқларини кечиктирмай амалиётга қўллаш зарур.

Бошланғич синф ўқитувчилари касбий тайёргарлигининг ўзига хос психологик асосларини тадқиқ этишнинг бугунги кун ҳолатини аниқлашда изланишларни олиб бориш талаб этилади.

ЁШЛАРНИ ТОЛЕРАНТЛИК РУҲИДА ТАРБИЯЛАШНИНГ ИЖТИМОЙ ПСИХОЛОГИК АҲАМИЯТИ

А.А.Ёқубов, Қарши тумани

Мактабгача таълим бошқармаси юристи

Ўзбек халқининг ўзига хос хусусиятларидан бири толерантлик (бағрикенглик, сабр-тоқатлилик) хусусиятларидир.

Толерантлик терминига (лотинча *tolerantia* – чидам, сабрлилик, тоқатлилик) инглиз олими П.Модевар “нимагадир тоқат қилиш”, “кимгадир ёки нимагадир нисбатан сабрли бўлиш” деб таъриф беради.

Абу Райҳон Беруний нуктаи-назаригача, толерантликнинг пайдо бўлиши инсоний муносабатлар тизими, жамият аъзоларининг турмуш тарзи моддий ва маънавий эҳтиёжлари, қизиқишлари, манфаатлари, талаблари ва мақсадлари билан бевосита боғлиқ. Масалан: шахслар ўртасида ҳамкорлик, одамларнинг ўзаро бирлашиши эҳтиёжларидан ҳамда ташқи хавф, ҳуружларидан биргаликда халос бўлиш зарурати туфайли вужудга келган. Шунингдек, Беруний сабр-тоқат ва бағрикенглик тушунчалари халқларнинг яшовчанлигини таъминлашда тарихий аҳамият касб этганлигини алоҳида таъкидлайди.

Шарқнинг машҳур файласуфи Абу Наср Фаробий шундай ёзади: “Баъзилар одамлар ўртасида табиий ёки ихтиёрий боғланишлар йўқ, ҳар бир одам ўз манфаати учун бошқаларнинг манфаатига зарар етказиши, бири бошқасига бегона бўлиши зарур, мабодо улар бирлашсалар ҳам зарурият туфайли бирлашадилар, ўзаро муроСага келишсалар ҳам фақат бири ғолиб чиқиб, бошқалари мағлуб бўлганда муроСага келадилар деб ўйлайдилар. Бунда улар ташқаридан таъсир этувчи бир куч тазйиқида ўзаро келишувга мажбур бўладилар, агар ана шу куч йўқолса, яна бегоналашув пайдо бўлади ва тарқалиб кетадилар. Инсониятга хос ҳайвоний ақидалардан бири мана шу нотўғри тасаввур ва алдамчи ақидалардир”.

Фаробийнинг бу фикрларидан кўриниб турибдики, у инсонларни мажбуран эмас, балки ихтиёрий равишда, бирлашиб ҳамкорликда яшашлари зарурлигини, ана шунда ўзаро низолар тугашини ўқтиради. Ёки яна: “Баъзилар ўйлашча, одамлар орасидаги боғланиш робиталари шу одамларнинг хулқ-атвори, табиати, феъли ва тилининг умумийлигигагина асосланади. Ҳар бир халқ ўзига хос бўлган мана шундай хусусиятларга эга”.

Бу билан Фаробий инсонларнинг бир-бирларига нисбатан меҳр-оқибатли, сабр-тоқатли бўлишининг этнорегионал, геополитик илдиэлари устида фикрлаш заруратини таъкидлайди.

Жамоа, кишилар ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг алоҳида жиҳатларига эътибор қиладиган бўлсак, бу хусусда турли-туман ўзига хослик ва силсила ясовчи нуктаи-назарлар мавжудлигига гувоҳ бўламиз. Уларни Фаробий ҳақли равишда қуйидаги гуруҳларга ажратади:

- кишилар ўртасида бағрикенглик, сабр-тоқатлилик фазилатлари, қариндошлик ёки кон яқинлиги туфайли намоён бўлади ва бундай яқин ҳамжиҳатлик мустаҳкам турмуш ҳамоҳанглиги ва яқдиллигини юзага келтиради;

- кишиларнинг ўзаро боғлиқлиги замирида муайян қабила-уруғларга тегишлилик ётади, бу эса катта миқдордаги кишилар гуруҳи ўртасида фикр яқдиллигини ташкил этиши мумкин;

- кишилар ислом ақидаларига муҳим талаб-иймондан кейин ёзилувчи иймондан кадр-қиммати паст бўлмаган лафзни ўртага қўйишиб, аҳд, қасам асосидаги ўзаро иттифоқ негизида бир-бирлари билан боғланадилар. Бу боғланиш ўзаро сабр ва бағрикенглик фазилатларига йўл очади;

- кишилар ўртасидаги ўзаро яқин алоқалар, ўзаро сабр-тоқат анъаналар, феъл-атвор бирлиги, савиялар тенглиги, дидлар ўхшашлиги, характер яқинлиги ҳамда тилнинг умумийлиги туфайли ҳам юзага келади;

- кишиларни ўзаро боғловчи яна бир муҳим восита уларнинг туғилиб ўсган юртлари, яшаш жойларининг умумийлиги ҳодисасидир. Хавф умумий бўлганда, ҳамюртлик ҳодисаси уни бартараф этиш учун яқдилликни таъминлайди ва муҳим ижтимоий – маърифий омил сифатида алоҳида аҳамият касб этади. Толерантлик хусусиятини ўрганишда миллий анъаналар, миллий қадриятларга

ва миллий маданиятга эътибор бериш лозим. Чунки, толерантлик хусусияти ҳам ўзбек халқининг миллий қадриятларидан бири ҳисобланади.

Ўзбек миллий қадриятлари негизини ифодаловчи ўзбек халқининг қатор фазилатлари туркуми борки, улар толерантликнинг намоён бўлиши омили ҳисобланади. Масалан: катталарга ҳурмат, кичикларга иззат, ибодат-ҳаё, ота-онани улуғлаш, ўз манфаатини устун қўймаслик, ўзгалар ҳаракатига тоқат меҳнатсеварлик каби фазилатлар орқали толерантлик қафолатлангандир.

Аммо толерантлик ўз миллатининг бошқалар томонидан камситилишига йўл қўйиш дегани эмас. Бу туйғу кишиларни шунчаки олийжаноб қилиш қўймайди, балки унинг хулқ-атворини, ахлоқин, сиёсий ва маънавий поклиги, бурчга, ўз халқига ва муқаддас нарсаларга бўлган муносабатини кўп жиҳатдан белгилаб беради. Булар инсонда бағрикенглик туйғуларини уйғотади. Одамшавандалик, орият, ҳалоллик, камтарлик фазилатларини мустаҳкамлайди. Ўз кадр-қимматини билиш туйғусини ривожлантирган киши эса одатда ўзгаларга хайрихоҳ, сезгир меҳрибон бўлади.

Толерантлик ҳодисасининг ижтимоий-сиёсий намоён бўлиши хусусиятларини қуйидагича таснифлаш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаш мумкин:

- миллатлараро;
- аҳоли ва қатламлараро;
- маданиятлараро;
- қадриятлараро;
- конфессиялараро (динлараро);
- худудлараро;
- жамоалараро толерантликлар.

Миллатлараро толерантликда жамиятдаги барча миллатларнинг тенг ҳуқуқлилиги, тинч-тотувликда яшашлари ифодаланган бўлса, фуқаролараро толерантликда инсонларнинг ўзаро бир-бирларига ҳурматда бўлишлари, меҳрибончиликни, одамгарчиликни унутмасликлари ифодаланади.

Толерантликни таъминловчи омилларни ажратиш олишимиз мумкин:

- бошқа давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик;
- халқаро ҳамкорликни ривожлантириш;
- ҳар бир давлат, регион ва жамоада барқарор тинчлик ва аҳилликка амал қилиниши, этнохудудий, геосиёсий омил.

Ҳақиқатдан ҳам, нафақат оилавий муносабатларда, балки ижтимоий муносабатлар тизимида толерантлик асосида ёндашиш муҳим аҳамият касб этади.

ИРОДАВИЙ СИФАТЛАРНИ ПСИХОКОРРЕКЦИЯ ҚИЛИШ ДАСТУРИНИ ТАТБИҚ ЭТИШНИНГ АСОСИЙ ШАРТЛАРИ, ТАЛАБЛАРИ ВА ТАМОЙИЛЛАРИ

Саттарова Г.И., Қариши ДУ катта ўқитувчиси, (PhD)

Коррекцион иш самарадорлигининг тўқсон фоизи психодиагностика жараёнининг аниқлиги ва муаммони қанчалик даражада ўрганилганлигига боғлиқ. Бир неча омилкор методикалар ёрдамида илк ўспиринлар иродавий сифатларидаражаси психологик ташхис қилинди. Олинган эмпирик маълумотлар, аниқ статистик таҳлиллар, илмий хулосаларгаасосланиб, иродавий сифатлар шаклланишига оид муаммоларни ҳал этишга кўмаклашувчи “Иродавий сифатларни коррекциялаш” дастурини ишлаб чиқишга эришдик. Дастур амалий, диагностик ва ривожлантирувчи характерга эга. Дастурнинг самарадорлиги биринчи навбатда ўқув муассасаси психологининг билим малакасига, тренинг ўтказиш маҳоратига, ўз бурчи ва вазифаларига нисбатан масъулиятли ёндашувига боғлиқ. Аксинча, коррекцион дастурлар қанчалик мукамал бўлмасин, амалда ишлар самарасиз бўлиб қолаверади.

Дастурда уч босқичли машғулотларга таянилади:

Биринчи босқичда иштирокчиларни тренингга тайёрловчи, фаоллаштирувчи ва мушоҳадаловчи машқлар ўрин олган;

Иккинчи босқичда иштирокчиларни муаммога олиб кирувчи машғулотлар мужассамлашган, тренинг машғулотларида илк ўспиринлар иродалилик ва иродасизликнинг моҳиятини англашлари ва ироданинг шаклланишига таъсир кўрсатувчи омиллар ҳақида тушунчага эга бўлишлари назарда тутилди.

Дастурнинг учинчи босқичида илк ўспиринлар иродасининг етарлича шаклланмаган сифатларини ривожлантирувчи, қайта конструкцияловчи машғулотлар ўрин олган. Тренинг

дастурини умумий ҳажми 2 ҳафтага мўлжалланган бўлиб, у олдинги машғулотларнинг узвий давоми сифатида амалга оширилади. Дастур бўлимларида иродалиликнинг у ёки бу таркибий қисмларини шакллантиришга қаратилган ягона кириш машқлари ва психокоррекцион дастурнинг самарадорлигини таъминлашга хизмат қилувчи услубий кўрсатмалар ишлаб чиқилди.

Чунончи, психология фани соҳаларида мавжуд коррекцион ишлар орасидан тадқиқотимиз мақсад моҳиятига мос келувчи дастурларни топиш мушкул. Дастлабки босқичда психокоррекцион дастурнинг мақсади ва вазифалари ҳамда амал қилиш тамойиллари белгилаб олинди ва унинг қўлаш тартиби тизимлаштирилди.

Куйидаги ҳолатларни ҳисобга олиб тренинг машғулотлари шакллантирилди:

- тренинг машғулотини номивамақсадианиқланди;
- тренинг машғулот мақсадини аниқлаштириш учун тренинг вазифалари яққоллаштирилди;
- тренинг машғулотини босқичлари аниқланди;
- тренингни асосий тамойилларига амал қилиш асосида гуруҳ иштирокчиларни босқичма-босқич ўз муаммоларини, стереотипларини, установкаларини секин-асталик билан тушунишлари кўзда тутилди;

- ҳар бир босқич олдингисидан мазмунан бойитиб борилди;
- машғулотлар миқдоривауларнингмақсадибелгиланди;
- ҳар бир машғулот аниқ мазмун билан бойитилди;
- тренинг машғулотларида иштирокчиларнинг фаоллигини таъминлаш ва ортикча зўриқишлардан холи бўлиши ҳисобга олинган ҳолда ҳар бир учрашув мазмунига психогимнастик ўйин, дискуссиялар киритилди;

- ҳар бир машғулот якунида: иштирокчиларнинг натижалари баҳоланади, уйга топширик берилади, кундалик тутиш тавсия этилади;

- янги учрашув олдинги машғулотга муносабат билдириш, уй вазифаларини муҳокамаси билан бошланиши назарда тутилди.

Илк ўспиринларнинг иродавий сифатларини ривожлантирувчи коррекцион дастурни ишлаб чиқишда қатор ҳолатларга эътибор қаратилди ҳамда куйидаги амал қилиш тамойиллари белгилаб олинди:

а) шахс ривожланишида ички ва ташқи шарт-шароитларни назарда тутиб, коррекция ва ривожланишнинг ягоналиги;

б) ёш ва индивидуал хусусиятлар бирлигини ҳисобга олиш;

в) диагностика ва коррекцион ривожланишнинг бирлигига эришиш;

г) психик фаолият тараққиётининг тизимлилиги тамойили;

д) психокоррекциянинг фаолият тамойили;

е) илк ўспиринларнинг ирода тўғрисидаги тасаввурлари билан уни амалий фаолиятда намоён этиш бирлиги.

Тадқиқотнинг эмпирик натижалари таҳлилига мувофиқ психокоррекцион ривожлантирувчи дастурда психологик тренингни ташкил этишнинг куйидаги талаблари инобатга олинди:

1. Психологик тренингларнинг куйидаги тамойилларига амал қилиш зарур:

- фаоллик тамойили;

- ижодийлик тамойили;

- хулқ-атворнинг объективлаштириш тамойили;

- ҳамкорлик мулоқоти (сермулоҳаза суҳбатдош) тамойили.

2. Психокоррекцион дастурга киритилган тренингда иштирокчиларнинг фаоллиги ва уларда вужудга келган зўриқишларни бартараф этиш учун психогимнастика машқларни киритиш мақсадга мувофиқлиги;

3. Тренингни самарали амалга оширишни таъминловчи тренинг қоидаларига бўйсунитишни таъминлаш муҳимлиги:

- тренинг қоидалари нима учун кераклигини англаб етиш;

- тренинг қоидаларининг мақсад ва вазифаларини тушуниш;

Тренингда асосий жараён бу - машғулотлар вақтида амал қилиниши керак бўлган гуруҳий меъёрларни, яъни тренинг қонун қоидаларини ишлаб чиқишдир. Тренингларни ўтказишдан олдин меъёрларга албатта риоя қилиш кераклиги тўғрисида иштирокчилар билан келишиш ва ҳар бир аъзонинг розилигини олиш талаб этилади. Бу қоидаларга риоя этиш тренингнинг мақсадига эришиш ва қулай психологик иқлимнинг яратилишида катта аҳамиятга эга ҳисобланади.

KITOB-YANGICHA RUXIYATNI SHAKLLANTIRISH VOSITASI

Do‘lanov A.E, QarDU f.f.n., dotsenti.

Kishilik jamiyatining ulug‘vor dahosini yaratgan bilim manbai, inson aql-idroki, va zakovatining mahsuli bo‘lib, tinimsiz va sinchikovlik bilan kitob mutaola kilish natijasida bunyod etilgan. Kitob insonga o‘z aqliy yetukligini olam sahniga olib chiqishiga yordam beradigan birdan-bir ajoyib va qimmatli xazinadir. U insoniy fazilatlar durdonasini oliyjanob xislatlar namunasini kishilar ko‘z o‘ngida gavdalan-tiruvchi ko‘zgu. U orqali insonda vatanparvarlik insonparvarlik, hamkorlik, hamnafaslik, hamdardlik, do‘stlik kabi xislatlar o‘sib taraqqiy eta boradi. Hayotda sodir bo‘ladigan barcha rang-barang voqea va hodisalar kishi tafakkuri orqali sistemalashtiriladi va kitoblarda zikr qilinib ommalashtiriladi. Insonning buyuk allomalari, fozilu-fuzalolari, dono va donishmandlari, mashhuru-maqtovli olimlar va yozuvchilari o‘z siymolarida jo‘sh urgan barcha yaxshi fazilatlarini, axlokiy poklikni, sevgi va sadoqatni, mehnatga muhabbat bilan qarashni kitobdan deb bilganlar. Binobarin, O‘rta Osiyolik mashhur mutafakkir va donishmandlar Musa al-Xorazmiy, Axmad Farg‘oniy, Adib Ahmad Yugnakiy, Imom-al Buxoriy, Abu Iso Muhammad at-Termiziy, Abu Ali ibn Sino, Abu Rayhon Beruniy, Nosir Xisrav, Yusuf Xos Xojib, Maxmud Qoshkariy, Mahmud az-Zamaxshariy, Ismoil Jurjoni, Burxoniddin al –Marg‘iloniy, Axmad Yassaviy, Baxovuddin Naqshband, Najmiddin Kubro va shuningdek, Amir Temur, Mirzo Ulug‘bek, Qozizoda Rumiy, Ali Qushchi, Xoja Axror Valiy, Abdurahmon Jomiy, Alisher Navoiy, Zahiriddin Muhammad Boburlar o‘z ijtimoiy tabiiy-ilmii va falsafiy qarashlarini bayon qilishda yillar davomida o‘zlarigacha yaratilgan kitoblarni mutolaa qilishgan. Ayni mahalda yurtimizda ham kitobga bo‘lgan munosabat davlat siyosati darajasiga ko‘tarildi. Zeroki Prezidentimiz takidlaganidek, “Hozirgi paytda hammamizni oldimizda juda muhim ahamiyatga ega bo‘lgan masala ya‘ni kitobxonlikni keng yoyish va yoshlarimizni kitobga bo‘lgan muhabbatini, ularning manaviy immunitetini yanada oshirishga qaratilgan ishlarmizni yangi bosqichga olib chiqish vazifasi turibdi”. Kitob hamisha kishiga eng yaqin do‘st vafodor sirdosh, to‘g‘ri yo‘lni ko‘rsatadigan yo‘lchi –yulduz bo‘lgan. Mutafakkirlardan biri Kitob zamonamizning jonidir. U yoshu keksaga birdek kerak degani ayni haqiqatdir.

Darhaqiqat, donolar dunyoda eng qo‘rqoq, kuchsiz, ojiz, bilimsiz, savodsiz odam bu kitob o‘qimaydi-gan odam deb bejiz aytishmagan. Chunki unday toifadagi odamlar kibrli, shuhratparast, murosasiz, hattoki xiyonatga moyil bo‘ladilar. Aksincha kitob o‘qiydiganlar toifasidagilar esa do‘stlarga xayrixoh, vafodor, ezgu ishlarga ko‘mak berishda barchaga namuna bo‘ladilar. Shunday ekan mamlakatimizda barpo etilayotgan erkin fuqarolik jamiyatini qurishga salmoqli hissa qo‘shish har bir kishidan, xususan yoshlardan hozirgi zamon ilm-fani erishgan barcha yutuqlari bilan har tomonlama qurollangan bo‘lishni talab qiladi. Buning uchun esa bilim koni bo‘lgan kitoblarni sevish yani muntazam ravishda uni o‘qish, o‘rganish talab etiladi.

Mamlakatimizda amalga oshirilayotgan islohotlardan ko‘zlangan maqsad xalkimizning ma‘naviy yuksalishiga zamin hozirlash xususan yoshlarni insonparvar, vatanparvar, axloqiy barkamol insonlar bo‘lib yetishishlarining ilmiy asoslangan tizimini ishlab chiqishdan iboratdir. Yoshlarning bilimli, masuliyatli, siyosiy jihatdan idrokli, axloqan pok va manaviy barkamol bo‘lib o‘sishlarida kitobni o‘rni beqiyosdir. Chunki kitob insonda faollikni vujudga keltiradi, uning o‘z ijodiy imkoniyatlarini sinab ko‘rish va ro‘yobga chiqarishiga ko‘maklashadi. Shu bois yangilanayotgan jamiyatda yangicha ruxiyatni qaror toptirish va ijtimoiy ongni o‘zgartirishning muhim shartlaridan biri kishilarni kitob mutolaa qilishlariga erishishdir.

Bugungi kunda yurtimizda amalga oshirilayotgan o‘zgarishlar tufayli ijtimoiy ongda ham jiddiy o‘zgarishlar kuzatila boshlandi. Islohotlarda manfaatni ulug‘lanishi ijtimoiy ongda o‘z ifodasini topdi. Insonning mehnati shaxsning ijodiy imkoniyatlarini ro‘yobga chiqarishga qaratilgan ko‘plab tadbirlar amalga oshirilmoqda. Xalqimiz endilikda jamiyatni barcha sohalarida islohotlarni amalga oshirish zarurligini tushunib yetdi. O‘zbekiston o‘z istiqloq va taraqqiyot yo‘lini belgilab olar ekan, odamlarda o‘z yurtiga mehr-muhabbat, mehnatsevarlik, bilimga, marifat tarqatuvchilarga nisbatan ehtirom ko‘rsatishni asosiy maqsad qilib belgiladi. Inson manfaatlarini kafolatlashga yo‘naltilgan mehnatni rag‘batlantirishning kuchli mexnizmi yaratildi. Kishilarda tashabbus ko‘rsatish ishbilarmonlikni namoyish etishlariga barcha shart-sharoitlar yaratildi. Odamlar ayniqsa yoshlarning hayotga, mehnatga bo‘lgan yangicha munosabati shakllana boshladi. Endi kishilarni xususan yoshlarimizni kitobga bo‘lgan qiziqishlarini oshirish, kuchaytirish va chuqurlashtirish davr talabi zaruriyatdir. Chunki yigit-qizlarmizni malakasi, ko‘nikmasi, tajribasi, bilimi, ongi va dunyoqarashi qanchalik yuqori, yuksak va boy bo‘lsa ularning ijtimoiy-siyosiy faoliyati ham shunchalik faol manaviy-madaniy qamrovi keng va salohiyati har tomonlama yetuk bo‘ladi.

Bugungi kunda jamiyatning rivoji intellektual darajasi ilm-fanning rivojlanishiga bog'liq. Mamlakatimizda uning rivojlanish darajasi ancha yuqori bo'lgani bois ilmiy bilimlar kishilarning kundalik hayotiga g'oyat tez kirib bormokda. Ijtimoiy ong, ilm-fan, bilim bilan bog'liq qadriyatlarini o'zlashtirish bilan bir qatorda axloqiy, estetik madaniyatni o'zlashtirishni ham nazarda tutadi. Bu murakkab va sermano jarayondir. Yurtimizda amalga oshirilayotgan axloqiy sohadagi manaviy yangilanishlardan ko'zlangan maqsad umuminsoniy axloqiy meyorlar ustuvorligini qaror toptirish adolat, shaxsiy qadr-qimmat, rahm-shavqat, o'zaro yordam tuyg'ularini uyg'otishdan iborat. Jamiyatni axloqiy sog'lomlashtirish murakkab va uzoq davom etadigan jarayondir. U shunchaki axloqiy tasavvurlarga ega bo'lishni emas hayot tarzini o'zgartirishni taqozo etadi. Shuning uchun bugungi kunda jamiyatimizda amalga oshirilayotgan g'oyaviy-tarbiyaviy ishlarning asl maqsadi ijtimoiy muhitni sog'lomlashtirish milliy manaviyatimizni faol targ'ib etish, jamiyatimizni ijtimoiy organizm sifatida mustahkamlash, ijtimoiy ongdagi salbiy hodisalarni bartaraf etish, xususan yoshlar ongida mana shunday yangicha ruhiyatni shakllantirish. Bunga fakat kitob o'qish uni sevish va mutolaa qilish orqali erishish mumkin. Chunki kitob yoshu keksaga – barchaga kerak.

TA'LIM SAMARADORLIGINI OSHIRISHDA TALABALAR SPORT SOG'LOMLASHTIRISH MASHG'ULOTLARINI TASHKIL ETISHNING O'RNI

*Eshmurodova G.X., QarDU katta o'qituvchisi ,p.f.n.
Mahmudova N.H., QarDU talabasi*

Mamlakatimizni istiqbolini belgilaydigan asosiy vazifalardan biri «Sog'lom avlod» tarbiyasidir. Bugungi kunda jamiyatimizda sog'lom turmush tarzini shakllantirish, yoshlarni bo'sh vaqtlarini to'g'ri va samarali tashkil etishda sportning o'rni beqiyos. Jismoniy tarbiya, talabalar hayotiga tobora chuqurroq kirib bormoqda, chunki u kishi salomatligini saqlash va mustahkamlash uni jismoniy jihatdan rivojlantirish hamda bo'sh vaqtdan oqilona foydalanish vositasi bo'lib kelmoqda. Mamlakatimizda jismoniy tarbiya va sportni rivojlanishi yosh avlodni jismoniy barkamol inson qilib tarbiyalash vositasidir.

Talabalar jismoniy rivojlanishi, jismoniy qobiliyatlari va shaxsiy xususiyatlari xilma-xil bo'lganligi uchun o'qituvchilardan mashg'ulotlarni tashkil etish va boshqarishda talabalarga individual yondashish hamda kasbiy pedagogik va amaliy tayyorgarlik darajasi yuqori bo'lishligini talab etadi.

Jismoniy tarbiya darslarini o'tish jarayonlari: jismoniy tarbiya darslari samaradorligi ularni tashkil etish sharoitlari va talabalariga bog'liq. Ochiq havoda o'tkazilganda dars davomida jismoniy rivojlanish bilan birga tabiat omillari ta'sirida chiniqish muolajalari ham amalga oshadi. Jismoniy tarbiya darslariga iqlim va fasllarning ham ta'siri katta bo'ladi. Dars o'tish joylari, sport maydonlari, sport zallarining holati va jihozlar bilan ta'minlanganlik talabalarni sport kiyimida bo'lishligi jismoniy tarbiya darslari jarayoniga o'z ta'sirini ko'rsatadi. Ochiq havoda sport maydonlarida dars o'tkazilganda talabalarni sport maydoniga kelishlari maydon bo'yicha dars davomida taqsimlanishi va dars yakunida mashg'ulotdan ketishi holatlarini nazorat qiladi. Sovuq kunlarida qizdirish mashqlariga katta e'tibor beriladi. Talabalarni bekor holda qolishlari bartaraf etiladi. Ochiq havoda o'tkaziladigan mashg'ulotlarda xilma-xil jismoniy harakatlar, uloqtirish, tez yugurish, estafetalar, uzunlikka va balandlikka sakrashlar bajarish imkoniyati keng bo'ladi.

Talabalarining bo'sh vaqtlarini jismoniy tarbiya bilan o'tkazish uchun ularning ixtiyoriy harakatlanishi ta'minlanadi. Bu tadbirlar talabalar yotoqxonalarida tashkil etiladi. Jismoniy tarbiya tadbirlarini talabalar yotoqxonalarida umumiy jismoniy tayyorgarlik, sport va harakatli o'yinlar, musobaqalar va bellashuvlar shaklida tashkil etiladi. Shuningdek, oilada va yashash joylarida ijtimoiy foydali mehnat ham jismoniy tarbiya shakllaridan hisoblanadi. Uy xo'jaligi va dala ishlarida, mahallani obodonlashtirish va ko'kalamzorlashtirish, hashar ishlarida yoshlarni faol ishtirok etishi ularni jismoniy rivojlantirish bilan birga ahloqiy fazilatlarini, jamoatchilik, hamkorlik, do'stlik va vatanparvarlik tuyg'ulari tarbiyalanadi.

Jismoniy tarbiyadan yashash joylarida tashkil etiladigan jismoniy tarbiya tadbirlari yosh avlodni jismonan barkamol hamda ma'naviy yetuk inson qilib tarbiyalashning bosh omili bo'lib xizmat qiladi. Shu bilan birga fanlardan o'zlashtirishini yuqori bo'lishini ta'minlaydi.

Maqolamiz so'ngida quyidagi umumiy xulosa qilish mumkin:

- Jismoniy tarbiya va sport tadbirlari talabalarni ma'naviy hetuk va axloqiy barkamol inson qilib etishtiradi.

- Talabalarni organizmga salbiy ta'sir etuvchi odatlarga o'rgatmaslik ularni salbiy ta'sirlari xaqida muntazam suhbatlar tashkil etish maqsadga muvofiq.

• Jismoniy tarbiya va sport tadbirlari talabalarini kasbiy-amaliy jismoniy tayyorgarliklarini amalga oshiradi.

• Ta'lim muassasalarida jismoniy tarbiya va sport tadbirlarini to'g'ri tashkil etish va o'tkazish talabalarini jismoniy rivojlantirishni ta'minlaydi.

ПСИХОЛОГИЧЕСКИЕ ОСНОВЫ ПОСТРОЕНИЯ ЭФФЕКТИВНОГО ОБРАЗОВАТЕЛЬНОГО ПРОЦЕССА

Ахметова К.И., Насуллаев А.Х., преподаватели ТашИИЖТ

В настоящее время в Узбекистане наблюдается становление новой системы образования, ориентированное на вхождение в мировое образовательное пространство. Этот процесс сопровождается развитием педагогической теории и образовательной практики. Идёт поиск различных вариантов содержания образования, использования возможностей современной дидактики и повышение эффективности педагогических структур; научная разработка и практическое обоснование новых идей и технологий. Важное значение в повышении эффективности образовательного процесса придаётся его психологическим аспектам.

Теоретической основой психологического построения образовательного процесса является принцип развивающего и воспитывающего характера обучения. При построении учебного процесса как формы образовательного процесса следует учитывать следующие психологические аспекты, выделенные Л.Т. Охитиной: психологическая цель учебного занятия, стиль учебного занятия (педагогической деятельности педагога), организация познавательной деятельности обучающихся, учет их возрастных особенностей.

Рассмотрим каждый аспект более подробно.

Стиль учебного занятия. Слово “стиль” греческого происхождения, первоначально означало – “стержень для писания на восковой доске”, а позднее – “почерк”. Следовательно, стиль учебного процесса – это “почерк” в действиях педагога. Стиль учебного занятия определяет, в какой мере содержание и структура образовательного процесса отвечают принципам развивающего обучения, а именно:

- а) соотношение нагрузки на память студентов и их мышление должно быть обусловлено уровнем индивидуального и возрастного развития;
- б) соотношение воспроизводящей и творческой деятельности студентов;
- в) соотношение усвоения знаний в готовом виде и в процессе самостоятельного поиска;
- г) соотношение активности преподавателя и студентов в проблемно-эвристическом обучении;
- д) соотношение контроля, анализа и оценки деятельности студентов, осуществляемых преподавателем, и взаимной критической оценки, самоконтроля и самоанализа обучающихся;
- е) соотношение побуждения студентов к деятельности и принуждения.

Немаловажное значение в обеспечении эффективности образовательного процесса придается самоорганизации педагога и организации познавательной деятельности обучающихся. Особенностью самоорганизации преподавателя являются: (1) степень осознания психологической цели и внутренней готовности к ее осуществлению; (2) рабочее самочувствие педагога - собранность, настроенность с темой и психологической целью учебного занятия, энергичность, настойчивость в осуществлении поставленной цели, оптимистический подход ко всему про исходящему и др.; (3) педагогический такт педагога; (4) психологический климат в группе.

Также необходимо обратить внимание на организацию познавательной деятельности студентов, так как, данный процесс способствует продуктивной работе их мышления и воображения. Здесь важно сочетание наказания и поощрения, способы концентрации, сосредоточенности внимания студентов; использование различных форм и методов для актуализации в памяти студентов ранее усвоенных знаний, необходимых для понимания нового материала.

Организация деятельности мышления и воображения студентов в процессе обучения предполагает опору на психологические закономерности формирования представлений, понятий, уровней понимания, создания новых образов с помощью различных приемов и форм, развитие активности и самостоятельности мышления студентов.

При формировании умений и навыков студентов следует учитывать психологические принципы интериоризации, высказанные П.Я.Гальпериным, т.е. перехода действия из внешнего

плана во внутреннем посредством ориентировки, выполнения во внешнем и внутреннем плане (с помощью речи), контроля со стороны преподавателя результата деятельности.

Построение учебного занятия должно основываться на развитии основных ментальных процессов студентов. Необходимо учитывать, что высокие результаты в обучении возможны только при условии развития интеллекта, памяти, внимания, мышления и других процессов. Поэтому важно соблюдать такие общедидактические принципы, как принципы наглядности, систематичности и последовательности, посильности и др. Также следует придерживаться некоторых методических положений, выдвинутых психологами в качестве основы для эффективного усвоения информации:

1) материал в зависимости от сложности должен ранжироваться и излагаться таким образом, чтобы можно было максимально учесть работоспособность студентов конкретной группы;

2) в течение проведения учебного занятия следует учитывать кризисы внимания;

3) эффективное обучение должно строиться на разнообразных видах деятельности;

4) активизация внимания может происходить посредством воздействия на разные анализаторы, использования разнообразных форм и методов обучения, вовлечения студентов в поисковые или проблемные ситуации;

5) запоминанию способствует предсказуемость текста, поэтому перед запоминанием следует проводить некую ориентировку студентов;

6) значимость и осмысленность материала повышает скорость заучивания, этому способствуют нетрадиционные формы обучения (игры, соревнования, проектная организация работы), составление планов, смысловых опор, структурирование материала;

7) формированию систематичности мышления способствует выявление межпредметных связей, работа с использованием таких операций, как интеграция, обобщение, построение выводов и другие;

8) эмоции, вызванные предметным содержанием, формой или средствами его изложения, способствуют лучшему запоминанию информации.

Необходимо учитывать процесс развития мышления и формирования понятий, который состоит из 3 уровней:

➤ синкретический (без объяснения причин, абсолютизация своей позиции, субъективная уверенность);

➤ интуитивное овладение суждением и мнением (в высказываниях студентов преобладают мнения авторитетных лиц, осознанное подражание преобладает над убежденностью);

➤ возникновение теоретического обобщения (в суждениях студенты используют общие выводы, законы науки, систему доказательств), а затем и развитие интеллектуальной инициативы (стремление защитить определенные суждения, доказать их, развитие саморегуляции).

БАКАЛАВР МАТЕМАТИКЛАРНИ ТАЙЁРЛАШНИНГ ПСИХОЛОГИК-ПЕДАГОГИК АСОСЛАРИ

Абдирахмонов А., Қариш ДУ доцентлари

Бакалавр математикларни тайёрлашнинг психологик-педагогик моҳиятини характерлаб шуни таъкидлаш мумкинки, бунда математик тасдиқлар, қоидалар ва қонуниятларни эркин ва тўғри тушунганлигини, чуқур ўзлаштирганлигини, математикани ўрганишни ва ўргатишнинг методлари ва воситаларини онгли қўллаш билишни таъминлаган бўлади.

Бакалаврларнинг математик тайёргарлиги билан педагогик касбига тайёргарлиги орасидаги мантиқий боғланишнинг асоси сифатида биз бўлажак математика ўқитувчиларини энг аввало математик билимларни ўзлаштирганлигини тушунамиз. Бу алоқадорлик ўзининг таркиби ва мазмуни бўйича университетларда ўқитилаётган математиканинг барча бўлимларини ўзаро алоқадорликда ва ҳамкорликда бир-бирини тўлдирган ҳолда ўргатилмоғи лозимлигини белгилаб беради. Бундай ўқитиш ўз ўрнида мактаб, академик лицей, касб-ҳунар коллежларидаги математика курсидан олган билимларига суянади. Бу билимлар математикадан ва уни ўқитиш методикасидан маърузалар ўқиш, амалий машғулотларни ўтказиш, лаборатория ишларини ташкил этишда, талабаларни ижодийлик ва изланувчанлик фаолиятларини шакллантиришга йўналтирилган муаммоли усуллардан фойдаланишга, математик масалаларни ечишни ва теоремаларни исботлаш усулларидан рационал фойдалана олишни ўргатишга, мактаб, академик лицей, касб-ҳунар коллежларида математика ўқитиш касбига йўналтирилганлигини шакллантириш ва ўқитишда дидактик ва методик тамойилларни кенг қўллашга замин яратади. Бунда математик билим, малака ва қўникмаларни мустаҳкам шаклланиши

билан бирга мактаб, академик лицей, касб-хунар коллежлари математикасида ўрганиладиган ҳар бир тушунча илмий асосланган ҳолда талабага етказилади.

Математик бакалаврларни касбий тайёрлаш учун математика, психология, педагогика фанлари орасида ўзаро алоқадорлик бўлиши учун дидактик ва услубий шарт-шароитлар яратилиши зарур.

Дидактик шарт-шароит деганда, биз математикани бошқа фан асослари билан ўзаро алоқадорликда, мувофиқлаштирилган тизим асосида, мазмунан таснифланган ҳолда ўқитишни тушунамиз. Услубий шарт-шароит деганда – ўқитилаётган мавзунини очиш учун умумий ёндошишлар, математиканинг характерли ҳолатлари ва информацияни бериш учун шароитлар яратиш шунингдек, ўқитувчи ва ўқувчи фаолиятинини ташкил этишни тушунамиз. Шундай қилиб, бакалавр математикларни тайёрлашда биринчи ўринда уларнинг математикадан тайёргарлиги ҳамда бўлажак математика ўқитувчиси касбий тайёргарлигини шакллантириш вазифаси қўйилади. Математик тайёргарлиги деганда-математик тасдиқлар, қоидалар, қонуниятларни ҳар бир талаба эркин ўзлаштирганлиги ва уларни бошқа фанларга тадбиқ қила билишларини тушунилса, касбий тайёргарлик деганда – таълимнинг касбга йўналтирилганлигини, унинг мазмуни, усуллари ва ташкил этилиши талабаларда бўлғуси педагогик фаолиятлари учун зарур бўладиган шахсий сифатларни уйғотиш ва шакллантириш назарда тутилади. Шунинг учун математикани ўқитишда у маъруза кўринишида бўладими ёки амалий машғулот ҳолатидами ўқитувчининг касбий маҳорати муҳим ўрин тутди. Чунки, онгимизда акс этаётган борлиқнинг ҳақиқий ҳолатининг абстрактлашган маълум бир шакл ва муносабатлари ўзаро алоқадор тушунчалари тизимига жамланади ва буларни ўзлаштириш мураккаб ва ўзига хос психологик жараёндан иборатдир. Шунга кўра, олий ўқув юртларида математикани ўқитишда талабаларнинг психологик тайёргарлиги, аудиторияда маълум бир психологик ва педагогик тадбирлар ёрдамида қулай психологик шароит яратиш муҳим аҳамиятга эга. Масалан, янги ўқув мавзунини ўрганиш учун аввало олдин ўтилган мавзу бўйича қисқача савол-жавоб ўтказиш ва уни янги мавзуга боғлашга, янги билимларни ўзлаштириш учун замин яратувчи математик тушунчаларга алоҳида урғу бериш талаб қилинади.

Бакалавр математикларни тайёрлашнинг ўзига хос хусусиятларини таъкидлаш билан бирга мустақам касбий билим ва малакага эга бўлиш учун психология ва физиология, педагогика ва фалсафа, техника фанлари соҳаларида ҳам кенг ва асосий билимлар бериш зарурлигини қайд этамиз. Бу талаблардан келиб чиққан ҳолда маъруза ва амалий машғулот дарсларида бакалавр математикларни тайёрлаш бизнинг фикримизча: математикани ва унинг амалий йўналишларини ўрганиш психологик-педагогик концепцияга йўналтирилган бўлиши, ўқув предметларини ўрганишда тафаккур фаолиятининг психологик-педагогик асосларига суянганлиги, математик тушунчаларни ўзлаштириш ва касбга йўналтирувчи омилларни шакллантиришнинг педагогик-психологик хусусиятларига амал қилиш, касбий фаолиятнинг усуллари математика билан психолог-педагогик тушунчаларни ўзаро алоқадорлигида такомиллаштиришга қаратилмоғи керак.

Математика ва психология-педагогика фанларни анъанавий ўқитиш усулида бу фанларни ўрганишда фанлараро боғланиш сезилмайди, ҳатто математика бўлимлари орасида ҳам боғланиш сезилмайди. Бу маълум маънода бакалавр математикларни касбий тайёргарлигига салбий таъсир ўтказди. Математикани психолог-педагогик фанлар билан алоқадорликда ўқитиш бўлажак бакалавр математикларни касбий тайёргарлигини шакллантиришнинг дидактик шarti бўлиб ҳисобланади. Бунинг мазмуни шуки, математика бўлимларини психологик-педагогик фанлар билан ўзаро алоқадорликда ўқитилса, бир томондан математика қонуниятларини чуқур ва мукамал ўзлаштиришга эришилса, иккинчи томондан психологик-педагогик қонуниятлар, усуллар ва услублар математикани синтез қилиб ўрганишга имкон беради. Булар математика курсини ва психологик-педагогик фанларни ўзаро алоқадорликда ўқитиш талабларни математик қобилиятларини шакллантиришнинг асосий омили сифатида қараш имконини беради.

KICHIK MAKTAB YOSHIDAGI O'QUVCHILARIDA O'ZINI BOSHQARISH KO'NIKALARINI SHAKLLANTIRISH

Ochilova X.F., Qarshi shahar 10-maktab o'qituvchisi

Bola shaxsining rivojlanishiga irsiyat, muhit va tarbiya kabi omillar ta'sir etadi. Bola shaxsining rivojlanishiga naslning ta'siri deganda, ota-onalarga o'xshashlikni ifodalovchi biologik belgilarning takrorlanishini tushunmoq kerak. Har bir bola ota-onasidan meros shaklida ba'zi biologik sifatlarga (tananing to'zilishi, sochning, ko'zning, terisining rangi, bo'yi basti va boshqalar) ega bo'lgan holda dunyoga keladi.

Bular jismoniy xususiyatlardir. Oliy nerv faoliyatining xususiyatlari ham tugʻma oʻtadi. Bu fiziologik xususiyat hisoblanadi.

Agar bola oʻz layoqatiga mos sharoitda oʻsib, zarur faoliyat bilan shugʻullansa, layoqat erda koʻrinib, rivojlanishi, aks holda yoʻq boʻlib ketishi mumkin. Shuning uchun pedagogik layoqatning namoyon boʻlishi va qobiliyat sifatida rivojlanishi toʻla-toʻkis hayot sharoitiga va tarbiyaga bogʻliq.

Inson kamolotiga taʻsir etadigan omillardan biri tashqi muhitdir. Muhit deganda kishiga tabiiy taʻsir etadigan tashqi voqealar majmui tushuniladi. Bunga tabiiy muhit, ijtimoiy muhit, oila muhiti (mikromuhit) kiradi. Tabiiy (geografik) muhit (iqlim, tabiiy sharoit) soʻzsiz insonning hayot tarziga, xarakteriga va mehnat faoliyatiga taʻsir etadi. Masalan: tropik mintaqada hayot kechirayotgan insonlarning hayot tarzi uzoq shimoldagi insonlar hayot tarzidan farqlanadi, bu ularning hayot tarziga va ularning rivojlanishiga taʻsir etadigan qator omillar bilan isbotlanadi.

Shu bilan birga, inson kamolotida mikromuhit – oila sharoiti ham katta taʻsir kuchiga ega. Chunki bola koʻz ochib ota-onasini, qarindosh-urugʻini koʻradi. Uning intensiv-jismoniy va psixologik rivojlanadigan davri oila taʻsirida shakllanadi. Xalqimizda “Qush uyasida koʻrganini qiladi” degan naql bekorga aytilmagan. Oilaning hayot tarzi, undagi bola tarbiyasiga ijobiy taʻsir etadigan tarbiyaviy muhit uning kamolotida muhim ahamiyat kasb etadi. Bola kamolotida ijtimoiy muxit ham muhimdir. Chunki ishlab chiqarish munosabatlari va ularni tartibga solib turadigan ijtimoiy qonun-qoidalar kishiga alohida taʻsir qiladi. Ijtimoiy aloqa, yaʼni insonlararo oʻzaro munosabat natijasida odam bolasi hayotga va mehnatga tayyorlanadi, keraqli tajriba va bilimlarni egallaydi. Inson kamolotiga ijtimoiy muhitning taʻsiri turli tarixiy davrda (formastiyalarda) turlicha boʻladi, turli sotsial guruhlariga ham turlicha taʻsir etadi. Shuning uchun muhit inson taqdirini belgilab beradigan omil deb hisoblanmaydi. Ammo uning taʻsiri ham rad etilmaydi. Tarbiya muhit kabi inson kamolotiga taʻsir etuvchi tashqi omillardan hisoblanadi. Tarbiyaning xususiyati shundaki, u aniq maqsadni koʻzlab, insonda ijobiy fazilatlarni tarkib toptirish yoʻlida tarbiyachi rahbarligida muntazam amalga oshirib boriladi.

Ammo tarbiya taʻsirining kuchi va uning natijasi irsiyat va muhit kabi omillarning hamkorligi bilan belgilanadi. Inson kamoloti irsiyat yoʻli bilan orttirilgan va tabiiy layoqatlar bilan belgilanib qolmay, balki butun hayoti davrida uni qurshab olgan voqelik taʻsirida orttirgan xususiyat va sifatlar bilan ham belgilanadi. Shubhasiz tarbiya odamning koʻzi, sochi, terisining rangiga, uning badani toʻzilishiga taʻsir eta olmaydi, lekin jismoniy taraqqiyotga taʻsir etishi mumkin. Chunki maxsus tashkil etilgan jismoniy mashqlar orqali bolaning salomatligi mustahkamlanadi va chiniqtiriladi. Insonning tabiiy qobiliyati faqat tarbiya orqali, uni maʼlum bir faoliyat turiga jalb qilish orqali rivojlanishi mumkin.

Maʼlumki, bola layoqatini rivojlantirish, uni qobiliyatga aylantirish va hayotga mos holda oʻstirish uchun mehnatsevarlik va ishchanlik kerak. Mehnatsevarlik va muttasil oʻtirib ishlash kabi fazilatlar faqat tarbiya natijasida orttiriladigan fazilatlardir. Garchand inson kamolotiga taʻsir etadigan omillar bir qancha boʻlsa ham, lekin maxsus tarbiya muassasalarida tarbiyachi rahbarligida amalga oshiriladigan tarbiya jarayoni etakchi hisoblanadi.

Birinchidan, tarbiya taʻsirida turli fazilatlar oʻzlashtiriladi va bilim, maʼlumot egallanadi, mehnat va texnik faoliyat bilan bogʻliq koʻnikmalar, malakalar ham maxsus uyushtirilgan tarbiya orqali hosil qilinadi.

Ikkinchidan, tarbiya tufayli tugʻma kamchiliklarni ham oʻzgartirib, shaxsni kamolga yetkazish mumkin. Masalan, koʻrlar, gunglar ham oʻqitilib, sogʻlom kishilar qatori hayotga tayyorlanadi.

Uchinchidan, tarbiya yordamida muhitning salbiy taʻsirini ham yoʻqotish yoki bartaraf qilish mumkin.

Toʻrtinchidan, tarbiya doimo kelajakka qaratilgan maqsadni belgilaydi. Shu tufayli, u shaxsning kamolga etishini tyozlashtiruvchi rolʻ oʻynaydi.

Inson kamol topishida maktabning ahamiyati katta. Bblalar maktabga qadam qoʻyar ekan, ular oʻquv mehnati bilan band boʻladilar. Bolalar maktabda fan asoslarini egallash bilan birga, ularda sekin-asta ilmiy dunyoqarash shakllanib boradi. Oʻqituvchi-tarbiyachilarning rahbarligida insonga xos boʻlgan yuksak fazilatlarni egallaydilar. Tarbiyaviy ishlarni reja asosida tashkil etish, bolani tarbiyalashda oilaga har vaqt yordam koʻrsatadi. Tarbiyachi oʻz tarbiyalanuvchisining oilaviy sharoitidan xabardor boʻlishi, pedagogik maslahatlarga, yordamga muhtoj boʻlgan oilalarga yordam berishi muhim. Tarbiyachi uchun bola boʻsh vaqtini kimlar bilan va nimalar bilan mashgʻul boʻlib oʻtkazayotgani ahamiyatsiz emas. CHunki oʻz holiga tashlab qoʻyilgan bola koʻchaning salbiy taʻsiriga berilib ketishi mumkin.

Inson taraqqiyotining ilmiy konstepstiyasi inson kamolotiga taʻsir etadigan omillarni tahlil etib, inson kamoloti va uning shaxsini shakllantirishni yagona va bir butun jarayon ekanligini taʻkidlaydi. Bu jarayonda insonning faolligiga katta oʻrin beriladi. U faolligi bilan oʻz shaxsini shakllantira oladi. Tarbiyachi tomonidan qoʻyiladigan maqsad aniq boʻlsa va bu maqsadga erishish uchun odam astoydil harakat qilsa, kutilgan natijaga erishiladi. Oʻquvchilarning oʻz-oʻzini idora qilish organlari faoliyatida qatnashuvi ularning

ijtimoiy faollik sifatlarini shakllantirishning ta'sirchan vositasidir. Bu bolalar va o'smirlarning fuqarolik, demokratiya borasidagi tushunchalarini kengaytiradi,

O'z-o'zini idora qilish – tashabbuskorlik va mustaqillik maktabidir. O'quvchilar o'z-o'zini boshqaruvi o'quvchilar tomonidan fan va mashg'ulotlarning to'liq o'zlashtirilishiga, biror kasb o'rganishiga, Vatanga sadoqat ruhida tarbiyalanishiga, Vatan himoyachisi bo'lishiga maktabdan tashqari tarbiyaviy ishlarda, Davlat, jamoat mulkini ko'z qorachig'iday asrashga, tabiatni muhofaza etishga ko'maqlashadi. O'z-o'zini boshqarish o'quvchilarni mustaqil hayotga, turmush va jamiyatga mos qilib tarbiyalash, ta'lim muassasasida ma'naviy muhitni saqlash ma'muriyatga qo'shimcha ta'lim olish uchun o'quvchilar talabnomasini shakllantirishda ko'maklashadi. O'quvchilar o'z-o'zini boshqaruvi a'zolari maktab va maktabdan tashqari ta'lim muassasalarida o'tkazilayotgan barcha tadbirlarda, tanlovlarda, xonalarni jihozlashda faol ishtirok etadilar.

Xulosa qilib shuni aytish kerakki, inson faqat faoliyatda rivojlanadi, undan tashqarida rivojlanish yo'q. Bola juda yoshligidan boshlaboq kattalar yordamida tashqi muhit bilan turli xil aloqada bo'ladi. Maktab yoshida bu aloqalar o'qish va shu bilan bog'liq bo'lgan boshqa faoliyat bilan bog'lanadi va bular rivojlanish uchun manba sanaladi.

ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТДА ИННОВАЦИОН ФАОЛИЯТ ВА ИННОВАЦИОН САЛОҲИЯТНИНГ ПСИХОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ

Чориев И.Ч., Ўз.О.Ў.М.Т.В.маънавият маърифат маркази

Ҳар қандай тадқиқот янгилиги ижтимоий-иқтисодий аҳамияти билан қимматлидир. Инновация-янгилик деган маънони англатади. Инновацион таълим технологияси, инновацион илмий лойиҳа педагогикада кенг қўлланилмоқда. Шунингдек, инновация илмий тадқиқотларни жаҳон фанига интеграциясини ҳам ифодалайди. ХХІ аср илмий ахборотларни глобаллашуви билан характерлидир. Жамият тараққиётида фаннинг яратувчанлик қудратини ошиб бориши тараққий топган мамлакатлар инновацион лойиҳаларга катта маблағ ажратиб танловлар эълон қилаётгани фикримизнинг далилидир. Мамлакатимизда бир неча йилдан бери фаолият кўрсатаётган ТЕМПУС каби бир неча уюшмалар инновацион лойиҳалар буюртмачисидир. Япония ўтган асрнинг 50 йиллариданок инновацион тадқиқотларга эътибори тез тараққий этишига сабаб бўлди. Фаннинг тараққиёти ва иқтисодиётни жаҳон миқёсида интеграциялашиши глобаллашув тушунчасида ўз ифодасини топмоқда. Дунёга янгича оламшумул нуқтаи назарнинг вужудга келиши, коммуникация воситаларидаги туб ўзгаришлар, инвестициядаги янги жараёнлар глобализациянинг натижасидир. Илмий билишнинг “Глобалистика” ва “Антиглобалистика” соҳалари пайдо бўлди. Демак, инновацион фаолият жаҳон фанига интеграция, аввало, олиб борадиган изланишнинг жаҳоншумул аҳамияти аниқлашдан иборат. Шунингдек, интернет тармоғи орқали жаҳон илмий янгиликларидан баҳраманд бўлишни тақазо этади.

Таълим соҳасида бирлашган миллатлар ташкилоти қошидаги ЮНЕСКО ҳар йили инновацион технологиялар бўйича халқаро конференциялар ташкил этмоқда, ўрганаётган мавзу бўйича жаҳондаги янгиликлардан хабардор бўлиш инновацион фаолиятнинг таркибий қисмидир. Шунингдек, инновацион фаолият мамлакатимиздаги ижтимоий-иқтисодий муаммоларнинг педагогик асосларига бағишланган лойиҳалар устида иш олиб бориш, маҳаллий аҳамиятга эга бўлган инновацион тадқиқотлар илмий-амалий аҳамиятга эга бўлади.

Масалан, маҳаллий касбларга ёшларни йўллаш педагогик-психологик иқтисодий асосларни ишлаб чиқиш мамлакат тараққиётига хизмат қилади. Кўпгина инновацион лойиҳалар ҳар йили ўтказилаётган танловларда муваффақият қозонгани фикримизнинг далилидир. Жамиятни барча соҳасини педагоглаштириш муаммоси доимо долзарб бўлиб қолди.

Тадқиқотчининг инновацион фаолият қобиляти:

- комунникация, ахборот тизимидан фойдаланиш малакаси;
- хорижий тилларда ўз тадқиқот мавзусининг тушунчаларини, жаҳондаги халқаро тилини билиш;
- жаҳон ахборот тизимидаги нотўғри чалғитувчи ахборотлардан огоҳ бўлиш;
- мамлакатдаги долзарб ижтимоий, иқтисодий, педагогик муаммоларни аниқлаш;
- жаҳон фанига интеграциялашув тармоқларида фойдаланиш кабилар.

Ҳар қандай фаолиятда, кундалик, истикболли лойиҳа ва уни амалга ошириш дастури бўлмаса мақсадга эришб бўлмайди. Қурувчи улкан иншоотни ҳар томонлама ҳисоб китобли лойиҳага асосан яратади, у юз йиллар халқа хизмат қилади. Илмий тадқиқот ҳам шунга ўхшаш халққа, мамлакатга,

инсониятга хизмат қиладиган улуғ иш, унга киришиш, илмий изланиш лойиҳасини белгилашдан бошланади. Педагогик тадқиқотда изланувчи эзгу мақсади, миллат, Ватан тараққиёти учун маъсулиятли орзу-интилишни лойиҳасида ўз ифодасини топади. Китоб ёзиши, инновацион технология моделини яратиши, битирув малакавий ёки магистрлик диссертация танланган мавзуни ўрганишдан бошланади. Мавзунинг қайси жиҳатлари долзарблиги аниқланади, тадқиқотнинг лойиҳаси тузилади. Лойиҳада тадқиқотнинг мақсад, вазифа, амалга ошириш йўллари аниқ ифодаланади, тадқиқотнинг дастлабки тузилиш модели яратилади. Лойиҳада оптимал шарт-шароит ҳисобга олинади. Дастлабки лойиҳа экспертизадан ўтказилади, лойиҳада тадқиқотнинг режаси ўз ифодасини топади. Режада мавзунинг долзарблиги, назарий асоси, муаммони ўрганилганлик ҳолати, таҳлил қилинади. Шунингдек, синов тажриба ўтказиш объекти белгиланади. Ўрганаётган адабиётлар, интернет манбалари кўрсатилади. Тадқиқот лойиҳасига асосан илмий-тадқиқот, илмий педагогик иш дастури тузилади. Дастурда кундалик, жорий, ойлик, истиқболли фаолият вазифалари аниқланади. Ҳар бир фаолиятдаги сингари ижодий ишда ҳам изчиллик самарадорлик омилидир. Ижодкорлик, яратувчанлик илҳоми билан узлуксиз фаолиятда, кўникма ва малакада намоён бўлади. Илҳом, илмий ижод, режаси, дастури ўз вақтида бажарилса, унинг завқи, ҳузур-ҳаловати бадиий ижоддан кам бўлмайди. Мукамал илмий иш лойиҳаси ва фаолият дастури муваффақият гаровидир.

БОЛАЛАРДА ЭЛЕМЕНТАР МАТЕМАТИК ТАСАВВУРЛАРНИ ШАКЛЛАНТИРИШНИ ПЕДАГОГИК - ПСИХОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ

Авазова О.Х., Ғузур тумани 54-мактаб ўқитувчиси

Болаларда элементар математик тасаввурларни шакллантиришда тарбиячи ва бошланғич синф муаллимаси ўқитишнинг ҳар хил усулларидан фойдаланади. Усулнинг танлашда бир қатор омиллар мазкур босқичда ечиладиган дастур масалалари болаларнинг ёш ва индивидуал хусусиятлари, зарур дидактик воситаларнинг мавжудлиги ва бошқалар ҳисобга олинади.

Тарбиячи ва муаллиманинг метод ва усулларининг асосли танланишига, ҳар бир аниқ ҳолда улардан рационал фойдаланишга эътибор бериб туриши куйидагиларни таъминлайди:

- Элементар математик тасаввурларнинг муваффақиятли шаклланиши ва уларнинг нутқда акс эттирилиши;

- Тенглик ва тенгсизлик муносабатларини идрок қилиш ва ажратиш, натижавий муносабатлар (ўлчами ёки сони бўйича орттириш ёки камайтириш)ни таҳлил қилинаётган объектларининг миқдори, шакли, катталигини умумийбелги сифатида ажратиш, алоқа ва боғланишларини аниқлаш малакаси;

- Болалар ўзлаштирган, амалий иш усуллари (масалан, қариш қўйиш, санаш, ўлчаш билан таққослаш)ни янги шароитларда қўллашга йўналтириш ва мазкур вазиятда аҳамиятга эга бўлган белгилар, хоссалар, боғланишларни аниқлаш топишнинг амалий усулларини мустақил излашга йўналтириши. Масалан, ўйчан шарт-шароитларида белгиларнинг тартиби, алмашилиб келиши қонуниятини, умумий хоссаларни топишни ўргатиш мумкин.

Биз элементар математик тасаввурларни шакллантиришда амалий усулнинг характерли хусусиятлари куйидагилардан иборат:

- ақлий фаолият учун асос бўладиган ҳар хил амалий ишларни бажариши;

- дидактик материаллардан кенг фойдаланиш;

- дидактик материаллар билан амалий ишлаш натижаси сифатида тасаввурларни пайдо бўлиши;

- энг элементар усулда санаш, ўлчаш ва ҳисоблаш кўникмаларини ҳосил қилиш;

- турмушда, ўйинда, меҳнатда яъни фаолиятининг ҳар хил турларида шаклланган тасаввур ва ўзлаштрлган ҳаракатлардан кенг фойдаланиш.

Мазкур усул махсус машқлардан фойдаланишни назарда тутати. Бу машқлар кўрсатиш учун белгиланган материал шаклида, ташкил қилиниши ёки тарқатма материал билан мустақил иш кўринишида топшириқ шаклида берилиши мумкин.

Машқлар ҳамма болалар бир вақтда ёки битта бола доска ёки тарбиячининг стол олдида бажарадиган яқка тарзда бўлиши мумкин.

Ҳамма ёшдаги гуруҳлар ва синфларда бажариладиган машқлар ўйин элементлари кичик гуруҳда - сюрприз момент кўринишида, ўхшаш ҳаракатлар, эртақ қаҳрамони ва ҳаказолардан иборат бўлади. Катта гуруҳ ва синф да бундай машқлар изланиш, мусобақа характерини олади.

Болаларнинг машқларини бажариш жараёнидаги фаоллик, мустақиллик, ижодкорлик кўрсатишларига қараб репродуктив (таклидий) ва продуктив машқларни ажратиш мумкин.

Репродуктив машқлар ҳаракат усулини оддий такрорлаш (тиклаш) асосланган. Бунда болаларнинг ҳаракатлари катталар томонидан намуна, тушунтириш, талаб, нима қилиш ва қандай қилишни белгиловчи қоидалар шаклида тўла чегараланиш мумкин. Уларга қатъий эргашиш ижобий натижа беради, топшириқни тўғри бажаришни таъминлайди, йўл қўйилиши мумкин бўлган ҳатоларни олдини олади. Машқларнинг бориши ва натижаси тарбиячининг бевосита кузатувида бўлади, у кўрсатмалар, тушунтиришлар билан болалар ҳаракатини тўғрилаб туради.

Продуктив машқлар шуниси билан характерлики, уларда ҳаракат усулларини болаларнинг ўзлари тўла ёки қисман очилишлари керак бўлади.

Продуктив ва репродуктив машқлар нисбатан болаларнинг ёшлари амалий ва билимига доир масалаларни ечими тажрибалари қандайлиги, математик тасаввурларнинг характери ва уларнинг болаларда қай даражада ривожланганлиги билан аниқланади.

Кўрсатмали ва оғзаки методлар элементар математик тасаввурларни шакллантиришда амалий ва ўйин методлари билан бирга қўлланади. Бу уларнинг моҳиятини ҳеч бир қамайтирмайди. Мактабгача тарбия муассасасида ва мактабнинг бошланғич синфларда кўрсатмали, оғзаки ва амалий методларга таълуқли ва бир-бири билан узвий боғлиқликда қўлланиладиган усуллардан кенг фойдаланилади.

1. Ҳаракат усулини тушунтиришлар билан ифодалаш (намойиш қилиш), тарбиячи ва муаллим намунасини кўрсатади. Бу ўқитишнинг асосий усули бўлиб, у кўрсатмали эга, ҳар хил дидактик воситаларни жалб қилиш билан бадарилади, болаларнинг кўникма ва малакаларини шакллантириш имконини беради. Унга қуйидаги талаблар қўйилади:

- Ҳаракатнинг кўрсатиш усулларининг аниқлиги, қисмларга бўлинганлиги;
- Ҳаракатларнинг оғзаки тушунтиришлар билан ифодаланиши;
- Кўрсатишда кузатувчи нутқининг аниқлиги, қисқалиги ва ифодали бўлиши;
- Болаларнинг идрок, тафаккур қилишлари ва нутқларнинг фаоллаштириш;

2. Мустақил машқларни бажариш учун йўл-йўриқлар. Бу усул тарбиячи ва муаллимнинг ҳаракат усулларини кўрсатиш билан боғлиқ бўлади ва ундан келиб чиқади;

3. Тушунтиришлар, англаторлар, кўрсатмалар. Бу оғзаки усуллардан тарбиячи ва муаллим ҳаракат усулини кўрсатиш ёки болаларнинг топшириқни бажарилишида, ҳатоларнинг олдини олиш, қийинчиликларни бартараф қилиш мақсадларда фойдаланади. Улар қисқа, аниқ ва образли бўлиши керак.

4. Ҳамма ёшдаги гуруҳларда элементар математик тасаввурларни шакллантиришнинг асосий усуллари билан бири болаларга педагогикада саволларнинг қуйидаги классификацияси қабул қилинган;

- Репродуктив - мнемик (фараз қилишга оид) саволлар (қанча? Бу нима? Квадрат учбурчакдан нимаси билан фарқ қилади?)
- Репродуктив - билишга доир саволлар (агар мен битта кубча қўйса, стол устида кубчалар қанча бўлади? Қайси сон катта (кичик): тўққизми ёки етти?)
- Продуктив - билиш саволлари (доирачалар 9 тадан бўлиши учун нима қилиш керак?)
- Таёқчанини қандай қилиб тенг қисмларга бўлиш керак?

Ҳалқ таълими ходимлари олдинга қўйилган ғоят масъулиятли ва шарафли бўлган вазифа ёш авлодни ҳеч кимдан кам бўлмайдиган этиб тарбиялашда педагогика ва психологияни умумтаълим фанлари билан жипс алоқали тарбия ва таълимнинг юқори натижалари бўлиши кафолатидир.

SPORTCHI O'SMIRLARDA IRODAVIY SIFATLARINI RIVOJLANTIRISHNING ZARURATI

Umarova N.SH., Jumanov D.D., O'ZDJTSU

Bugungi kunda O'zbekistonda 2 milliondan ortiq o'g'il-qizlarimiz, shu jumladan, 860 mingdan ortiq qiz bolalar sportning 30 dan ziyod turi bilan muntazam shug'ullanmoqda. Ma'lumki, sport olamidagi har qanday yutuq o'z-o'zidan kelmaydi. Sport maydonlarida erishiladigan yutuqlar – avvalo shu yo'lida tinimsiz intilib, kurashib yashaydigan insonning yutug'i, ayni vaqtda shu insonni tarbiyalab voyaga yetkazgan jamiyatning yutug'idir. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2019 yil uchun mo'ljallangan eng muhim ustuvor vazifalar haqidagi Oliy Majlisga Murojaatnomasida yurtboshimiz murojaat qilar ekanlar: **“Sportni jadal rivojlantirish, xalqaro musobaqalarda yuksak natijalarga erishgan sportchilarni rag'batlan-**

tirish va qo'llab-quvvatlashga bundan buyon ham katta ahamiyat beramiz.”¹ deb alohida ta'kidlab o'tdilar.

Nufuzli xalqaro musobaqalarda mamlakatimiz sportchilari erishayotgan g'alabalar tobora ko'payib bormoqda. Jumladan, Rio-2016 yozgi Olimpiyada o'yinlarida sportchilarimiz umumiy hisobda 21-o'rinni egallab, 13 ta medalni qo'lga kiritdi, ularning 4 tasi oltin medallardir. Ushbu musobaqada og'ir atletimiz R.Nuriddinov jahon rekordini o'rnatib butun dunyoga o'bek xalqini yana bir bor tanitib qo'ydi. Og'ir atletika bo'yicha 2018 yil Ashxobod shahrida o'tkazilgan jahon chempionatida terma jamoa vakillarmiz musobaqa davomida 1 ta oltin, 1 ta kumush, va 3 ta bronza medallarini qo'lga kiritdilar. Hozirda yosh og'ir atletlarimizdan A.Jo'rayev, R.Jangibayev, I.Efrimov, D.Yoqubovlar yurtimiz bayrog'ini yanada ko'proq va balandroq ko'tarish uchun tinmay mehnat qilishmoqda

Bugungi kunda mamlakatimizda og'ir atletika sport turini rivojlantirish bo'yicha yaratilayotgan shart-sharoitlar va moddiy-texnika bazasi endilikda og'ir atletika sohasini tanlagan shaxslarga yuksak talablarni qo'ymoqda. Bu, pirovardida, og'ir atletika sport turi bo'yicha yuqori malakali kadrlar tayyorlash jarayoniga alohida e'tibor qaratishni hamda shu tizimlar mexanizmini qayta ko'rib chiqish va zamon talablari asosida shakllantirish kerakligini talab etadi. Bu holat shu sohada faoliyat ko'rsatayotgan pedagog- murabbiylar zimmasiga juda katta ma'suliyatli ishlarni yuklaydiki, ular og'ir atletika sporti bo'yicha sportchilarni tayyorlash jarayonida ularning psixologik tayyorgarliklariga alohida e'tibor berishlari zarur. Bunda yosh og'ir atletlarda irodaviy – emotsional sifatlarni shakllanishiga ta'sir etuvchi ijtimoiy-psixologik omillarni aniqlash masalasi muhim ahamiyat kasb etadigan dolzarb **muammolardan** biridir.

Sport maqsadga intilish, intizomlilik o'z kuchiga-ishonch, tashabbuskorlik, mustaqillik, mardlik, qa'tiyat, dadillik, o'zini tuta bilish, chidamlik kabi irodaviy sifatlarni shakllantirishiga tasir ko'rsatadi. Sportchida bunday ijobiy sifatlari rejali va tizimli trenirovkaning, trener mehnatining oqibatidir.

Sport jarayonida aytilgan vositalar bir butunligida sportchining yuqori darajadagi irodaviy goyaviy sifatini tarbiyalashga erishish mumkin.

Sportchining bu sifatlari qandaydir abstrakt bo'lmay balki, konkret sport faoliyati sharoiti bilan bogliqdir. Chunki o'z-o'zidan ravshanki, sportning har qanday turi bo'yicha psixologik sifatlarni talab qiladi.

Sport psixologiyasi bo'yicha ilmiy tekshirishlar shuni tasdiqlaydiki irodaviy sifatlari sportning turi va yengishga tegishli bo'lgan qarshiliklar darajasiga qarab turlicha bo'ladi.

Sportchida emotsional – irodaviy sifatlarning yaqqol ko'rinadigan sharoiti bu sport musobaqasidir.

Chunki musobaqada sportchining barcha qobiliyati va sifatlari namoyon bo'ladi. Bu esa sportchini emotsional – irodaviy jixatdan tarbiyalash uchun butun bir real imkonidir. Shu asosida trener hamda sportsmen shaxsan uzi irodasidagi yetishmovchiliklarni tuzatish chorlarini belgilay oladi.

Sportchi iroda-g'oyaviy yetukligi qator musobaqalarda yutuqlari va kupchilik tasdig'i bilan xarakterlanadi.

Ma'lumki sportchi sport jarayonida o'z oldiga maqsad va vazifalar qo'yadi. Bu maqsad va vazifalar irodaviy sifatlarni tarbiyalashning sharoitidir.

Lekin shuni ham aytish kerakki, bu maqsad va vazifalar qanchalig ijtimoiy ahamiyatga ega bo'lsa, bularni sportchi qanchalik ertaroq anglagan bo'lsa shunchalik yaxshi natija keltira oladi. Masalan: ko'pincha sportchilar musobaqa jarayonida kattiq jarohatlansada kurashni davom ettirib rekordlar keltirgan. Bu ulardagi iroda va ijtimoiy g'oyaviylikni qanchalik yuksakligidan bir namunadir.

Demak, yuqoridagilardan shunday xulosa chiqarishimiz mumkin, sportchini nafaqat jisminiy balki uni emotsional-irodaviy holatini ham tarbiyalab borish lozom boladi.

Foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati:

1. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2017 yil 7 fevraldagi “O'zbekiston Respublikasini yanada rivojlantirish bo'yicha Harakatlar strategiyasi to'g'risida” PF-4947-son Farmoni. O'zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari to'plami. – 6(766)-son. – 70-modda

2. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2018 yil 28 dekabr kuni Oliy Majlisga Murojaatnomasi / www.prezident.uz

3. Родионов А.В. Психологическая подготовка спортсменов / А.В.Родионов // СБ. науч. трудов по земным видам спорта. – М.: Физкультура и спорт, 2006. – С. 127-140.

4. Платонов В.Н. Система подготовки спортсменов в олимпийском спорте. Общая теория и её практические приложения / В.Н. Платонов. – К.: Олимп. лит., 2004. – С. 441-454.

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 28 декабрь куни Олий Мажлисга Мурожаатномаси / www.prezident.uz

ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИДА ЎҚУВЧИЛАРНИ ФАОЛЛАШТИРИШ УСУЛЛАРИ

Эрназарова Р., Қарши ДУ ўқитувчиси
Шомуродов И., Қарши ДУ талабаси

Ўқитувчи ўқувчида ўз таълимига эътиборни шакллантиришга, унинг фаоллигини, турли кўринишдаги фикрлашни ривожлантиришга эътиборни янада камроқ қаратяпти. Зеро, бу тамойилнинг амалга оширилиши бевосита ўқувчининг таълим жараёнидаги фаоллигини такомиллаштиришга қаратилган. Унинг маъруза жараёнида қўлланилиши ўқувчини таълим жараёнида ўзини ва ўз хатти-ҳаракатларини тўлақонли ва самарали қайта қуриш, ўз-ўзига баҳо беришга, ўзида касбий тажрибани ривожлантириш, мустақил ва фаол хулқ-атвор моделларини шакллантиришга ундайди.

Ўқувчиларнинг жисмоний фаоллиги макон ва жисмоний борлиқдаги ўзгартиришларга қаратилган ўқув мақсадини ҳал этишга, ўқувчининг хатти - ҳаракатлари шаклини ўзгартиришга қаратилади. Бу алоҳида хатти-ҳаракатлар, масалан, иш столини ўзгартириш, аудитория олдида тақдимот қилиш, кичик гуруҳларда ишлаш, навбат билан чиқишлар қилиш, маърузани ёзиб бориш, тинглаш ва ниманидир яратиш кабиларда намоён бўлади.

Ўқувчиларнинг ижтимоий фаоллиги бир-бирлари билан ўзаро ҳамкорликни намоиш этганда, ахборот алмашиш усул ва методларида, мулоқот усулларида кўринади. Бу турдаги фаолликни намоиш этиш асосий усулларига қуйидагиларни киритиш мумкин: ўқувчилар ўзаро ҳамкорлик стратегиясини белгилаб оладилар, ўқитувчига ва бир-бирларига саволлар берадилар, саволларга жавоб берадилар, фикр алмашадилар, изоҳлайдилар, ташкилотчи сифатида ёки аниқ бир ролда фаолият кўрсатадилар.

Ўқувчининг ўқув-билув фаоллиги машғулотлар давомида унинг саволларни қўйишида, тақдим этилган материалларни таҳлил ва диагностика қилишида, янги натижаларни баён қилиш ёки тақдимотини ўтказишида таълим технологияси ва уни ташкил этишга ўқувчининг таъсирида намоён бўлади. Бу турдаги фаоллик ўқувчининг мустақил равишда муаммони шакллантириш, муаммони ечиш йўллари мустақил равишда аниқлаш, қийинчиликларни енгиш, "боши берк кўчага кириб қолганда" йўл топа олиш, ўқув материални коррекциялаш, унга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, тавсия ва маслаҳатлар тайёрлаш, дастур, қоида, алоҳида хатти-ҳаракатлар ёки ижодий лойиҳаларни моделлаштириш каби хати-ҳаракатларни назарда тутати.

Фаоллаштиришнинг ҳар бир тури замирида у ёки бу воқеликлар ётади. Биз ўқувчиларни маъруза ва амалий машғулотлардаги фаолиятини фаоллаштиришга қаратилган усулларни уч гуруҳга ажратдик: ўтган воқеа-ҳодисаларни қўллаган ҳолда фаоллаштириш усуллари; ҳозирги воқеа-ҳодисаларни қўллаган ҳолда фаоллаштириш усуллари; келажак воқеа-ҳодисаларни қўллаган ҳолда фаоллаштириш.

Биринчи гуруҳ усулларни қўллашнинг ўзига хос жиҳатларини очиб беришга ҳаракат қиламиз. Бу усуллар регрессия, тажриба алмашиш ва имитация қилиш орқали амалга оширилади. Регрессия усули ўқувчига вазиятга шўнғишга, бир пайтлар содир бўлган воқеаларни яна қайта бошдан кечиришга ёрдам беради. Бу усул таҳлил этилаётган вазиятнинг ўқувчилар томонидан яхшироқ англанишига ёрдам беради, шунинг учун ҳам у ўқувчиларда ижтимоий ва билув фаоллигини такомиллаштириш учун самарали ёрдам беради (айниқса маъруза машғулотида).

Тажриба алмашиш усули кўпинча гуруҳли муҳокама шаклида амалга оширилади. Бунда ўқувчилар у ёки бу воқеа-ҳодиса тўғрисидаги улар учун муҳим аҳамият касб этган ўз кечинмаларини билан ўзаро ўртоқлашадилар. Бу усулнинг аҳамияти шундаки, амалий машғулотлар давомида ўқувчи гуруҳларда ишлаб ўзининг у ёки бу муаммосига жавоб топади, чунки бошқалар ҳам худди шунга ўхшаш кечинмаларни бошдан кечирганларининг гувоҳи бўлади. Бу усул ўқувчилар ҳаёти билан боғлиқ вазиятлар, бўлиб ўтган воқеалар, алоҳида лавҳали вазиятлар тарихини муҳокама қилишни назарда тутати. Ўзаро баҳс - мунозара юритиш ўқувчи учун бошқаларга ва ўзига воқеа-ҳодисалар ичига шўнғиш орқали ўз қарашларини қайта кўриб чиқиш, уларга нисбатан муносабатини ўзгартириш ҳамда келажакда ўз сифатларини ўзгартириш стратегиясини қуришда ёрдам беради.

Имитация усули - ролли ўйинларда қўлланиладиган асосий усул саналади. Ролли ўйинларнинг муҳим белгилари сирасига ўйин контекстини киритиш мумкин. У ўйин воқеалари кечадиган вақт ва макон, роллар ва уларнинг ўзаро ҳамкорлиги, сюжет ривожланишининг турли кўринишлари, хатти-ҳаракатлар самарадорлигини белгилайдиган мезонларни ўз ичига олади.

Ролларни ижро этишдан мақсад - ҳаққоний вазиятни юзага чиқариш, ўқувчиларга ўзлари ижро этган ролни баҳолаш имконини бериш. Чунончи, ролли ўйинлар ўзаро биргаликдаги фаолиятнинг

таълимий самарасига асосланади ва унинг мазмуни предметга эмас, балки ўқувчиларнинг муносабтларига қаратилади.

Ўқувчиларни фаоллаштиришнинг иккинчи гуруҳ усулларига айна пайтдаги воқеа-ҳодисаларни қўллаш усули қиради. Бу гуруҳ усуллари ўзида қуйидагиларни бирлаштиради: диққатни айна пайтда содир бўлиб турган воқеа-ҳодисага қаратиш; гуруҳли рефлексия усули; диспозицияларни қуриш усули.

Ўқувчилар фаолигини оширишга қаратилган биз қўллайдиган учинчи гуруҳ усулларига келажакда содир бўлиши кўзда тутилган воқеа-ҳодисаларга асосланган усуллар қиради. Бунга: гуруҳ бўлиб қарор қабул қилиш усули; хатти-ҳаракатлар кетма-кетлигини ишлаб чиқиш усуллари қиради. Бу усуллар реал воқеликни қуриш билан боғлиқ инструментал топшириқларни ўзлаштириш, уларни идрок қилиш ва ҳал этишга қаратилади ҳамда ўқувчиларнинг бўлажак касбий фаолияти билан боғлиқ вазиятларни конструкциялаш билан боғлиқ бўлади.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, юқорида санаб ўтилган ва усуллар ўқувчиларнинг таълим жараёнидаги фаоллиги кўринишларини оширибгина қолмай, балки уларда касбга оид компетенцияларни ҳам эгаллаб боришларига ёрдам беради.

БЎЛАЖАК МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ ТАРБИЯЧИЛАРИДА ИЖОДИЙ ИЗЛАНУВЧАНЛИКНИ ШАКЛЛАНТИРИШ.

Исмоилова Ю., ҚаршиДУ ўқитувчиси

Жаҳон педагогикаси эркин ижодий фикрловчи, мустақил шахсни шакллантиришнинг умумий асосларини кенг миқёсда тадқиқ қилган ва кўплаб натижаларни қўлга киритган бўлсада, жамият тараққиётида таълим тарбия жараёни замон талабига мос ҳолда такомиллашиб бориши ҳозирги кунда ўз ифодасини топмоқда.

Республикамизда ислохотларни муваффақиятли амалга оширишга маъсул бўлган жамият аъзолари биринчи галда ўз касбининг моҳир устаси бўлган мактабгача таълим муассасалари тарбиячи кадрларини тайёрлаш долзарб вазифа бўлиб келмоқда. Жумладан “Таълим тўғрисида”ги қонунда “Тегишли маълумоти, касб тайёргарлиги бор ва юксак ахлоқий фазилатларга эга бўлган шахслар педагогик фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқига эга” эканлиги белгилаб қўйилган. Чунки жамиятимиз тараққиёти юксак умумий ва касб ҳунар маданиятига, ижодий ва ижтимоий фаолликка ижтимоий-сиёсий ҳаётда мустақил равишда мўлжални тўғри ола билиш маҳоратига эга бўлган, истиқбол вазифаларини илгари суриш ва ҳал этишга қодир кадрларни янги авлодини шакллантиришга йўналтирилгандир.

Жамиятимизнинг барча босқичларида тарбиячи шахсига катта эътибор бериб келинган. Кейинги йилларда республикамиз педагогика фанида тарбиячи шахсига оид илмий тадқиқотларга эътибор берилиши бежиз эмас, чунки тарбиячи нафақат мутахассис, балки ижтимоий фаол шахс сифатида ҳам юксак фазилатларга эга бўлиши таълим самарадорлигини оширишда асосий омил эканлиги замонавий таълим ва шу соҳа олимлари томонидан тан олинган. Шу маънода Президентимиз Ш.М.Мирзиёев юқори маълумотли маданиятга ҳамда профессионал жиҳатдан етук шахсгагина иқтисодий эркин бўлишни, демократик ва туб иқтисодий ўзгаришларнинг ишончли таянчи бўлиши, ушбу ҳақиқатни тушуниш халқнинг маънавий ва маданий ҳаётини яхшилаш, таълим тарбиянинг бутун тизимини янгилаш жараёнининг замирида етиши даркорлиги ҳақидаги фикрлари, Ўзбекистон Республикасида “Мактабгача таълим тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорининг амалга оширилиши мамлакатда мактабгача таълим тизимини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш, мактабгача таълим муассасаларининг инфратузилмаси ва моддий-техникавий жиҳозланишини ва кадрлар билим салоҳиятини тубдан яхшилаш имконини беради.

Бўлажак мактабгача таълим муассасалари тарбиячиларини жамиятнинг ижтимоий вазифаларини ижобий ҳал этишлари қуйидаги шартлар асосида фаолият юритишларини талаб этади. Чунинчи, тарбиячиларда касбий фаолиятни ташкил этишга нисбатан янгича, илғор, ижодий изланувчанлик ёндошувини қарор топишига эришиш: тарбиячи фаолиятида етакчи ўрин тутган авториторлик услуги ўрнини демократик бошқарув эгаллаши, таълим жараёнида ижодий изланувчанлик фаолият юритишлари, шунингдек эркин фикрлашлари учун шароит яратиш, тарбиячи томонидан тарбияланувчи шахсининг ҳурмат қилиниши ва ҳақозо ҳолатларининг содир бўлишини таъминлаш.

Юқорида қайд этилган шартларнинг тўла-тўқис бажарилиши айна вақтда педагог кадрларни тайёрловчи Олий ўқув юртлари фаолияти мазмунига ҳам сезиларли ўзгартиришлар киритиш зарурлигини кўрсатмоқда. Бизнинг назаримизда, бундай ўзгартиришлар қуйидагилардан иборат бўлиши лозим; бўлажак тарбиячининг касбий фаолиятига нисбатан ҳурмат ва ўзига хос муҳаббатни қарор топтириш; бўлажак тарбиячида касбий сифатлар, хусусан, ижодий фаолиятини шакллантиришга алоҳида эътибор қаратиш: педагогик ва психологик билимлар асослари борасидаги назарий маълумотларни етарли даражада берилишига эришиш; бўлажак тарбиячи тамонидан махсус (педагогик, психологик ва физиологик) ҳамда мутахассислик фанлари асосларининг чуқур ўзлаштирилишига эришиш; таълим ва ишлаб чиқариш амалиёти (педагогик амалиёт) ўртасида мустаҳкам интеграциянинг қарор топиши учун зарур шарт-шароитларни яратиш ва бошқалар.

Хулоса қилиб айтганда, миллий ғоя ва миллий мафкура талабларига жавоб бера оладиган “Озод ва обод Ватан-эркин ва фаровон ҳаёт қуриш”дек бош ғоямизни амалга оширувчи бўлажак мутахассисдан ижобий изланувчанликни шакллантириш унинг касб маҳорати қирраларини бойитишга имкон яратади.

RUHIY ZO‘RIQISH VA UNI OLDINI OLIHNING O‘ZIGA XOSLIGI

Maqsadova M.S., Qarshi DU, dots. V.b.,Ps.f.n.

Nabiyev I., Qarshi DU talabasi

Insonning har qanday faoliyati aqliy, ijodiy va jismoniy ishlari zo‘riqishni talab qiladi. Shunday yo‘l bilan insonlar hayotiy vaziyatlarda oldilarida turgan vazifalarga uzoq vaqt ishni diqqatlarini jamlab, ularni ishonch bilan to‘liq yecha oladilar. Inson ishni muvaffaqiyatli tugatgandan so‘ng yengillashish va bo‘shashish hissini boshdan kechiradi. Bu holat bo‘shashish deb ataladi. Nerv va gormonal yo‘llar orqali zo‘riqib, funksiyaning organik (stress) muvaffaqiyatga erishishda muhim omil hisoblanadi. U inson uchun zararli hisoblanmaydi, agar sarflangan energiya tezda bo‘shashish orqali qayta tiklansa, tanafuslar va bo‘sh vaqtdan unumli foydalanish yo‘li bilan bo‘shashishga erishish mumkin. Bo‘shashishga boshqa faoliyat turiga ko‘chish orqali ham erishish mumkin.

Lekin zo‘riqish inson ijodiy faoliyatini tormozlashi, ish qobiliyatini pasaytirishi, sog‘liqqa zararli ta‘sir ko‘rstishi mumkin. Agar bo‘shashish yetarlicha bo‘lmasa, yuqoridagi xolatlarini kuzatish mumkin. Ular shaxsiy hayot va ishdagi nizoli vaziyatlar, shaxslararo munosabatning buzilishi, kelajakka ishonmaslik, xavf-xatardan qo‘rqish, ishni doimo qisqa muddatdopshirish tufayli o‘z vaqtida ulgura olmaslikdan qo‘rqish va boshqalarni kiritish mumkin.

Shu bilan birga jamoadagi nosog‘lom psixologik iqlim, shaxs xarakterining bo‘shligi, qo‘rqish, muvaffaqiyatsizliklar, o‘z imkoniyatlarini yuqori baholish, boshqa kishilar bilan munosabat aloqalarning yetishmasligi, ijtimoiy ajralib qolish ham uzoq zo‘riqish xolatiga olib kelishi mumkin. Barcha stress xolatlarida salbiy hissiyotlar rol o‘ynaydi. Ular inson faoliyatiga va uning organizmiga buzuvchi ta‘sir ko‘rsatadi.

Nevroz organizm va muhit orasidagi dinamikaning barqaror bo‘lishi oqibatida paydo bo‘ladigan kasallik bo‘lib, ma‘lumotlarni qayta ishlash, hissiyot, boshqarish bilan bog‘liq miyadagi jarayonlarning o‘zgarishiga olib keladi. Bu o‘zgarishlar motor va sensor funksiyalarni jalb qiladi, aqliy va jismoniy ish qobiliyatining pasayishiga olib keladi.

Organizm va muhit orasidagi dinamika yoki muhitning noanomol sharoitlari yoki organizmning anormal holatidan buzilishi mumkin. Masalan, muhitdan keluvchi bir kuzatuvchining o‘zi bir odamga undovchi ta‘sir ko‘rsatsa, boshqa birida og‘riq reaksiyasini vujudga keltirishi mumkin. Boshqacha so‘zlar bilan aytganda, jismoniy va ruhiy mashq qilgan, kelajakka ishonch bilan qarovchi inson sog‘lig‘iga ziyon keltirmasdan ishlashi mumkin.

Tashqi muhit sharoitlariga bog‘liq nerv psixik kasalliklarining vujudga kelishi va taraqqiyotida stresslarning ta‘siriga katta ahamiyat beriladi, ayniqsa, bu yurak-qon tomir kasalliklariga tegishlidir. Shu bilan birga stressga ijobiy ta‘sir, ya‘ni ish qobiliyatini oshirish xislati xos. Shuning uchun ham stressni "hayot tuzi" deb atashadi. Tuzdan foydalanishda me‘yor rol o‘ynaganidek, stressning ham me‘yori mehnat unumdorligini oshirishi mumkin yoki me‘yordan ortishi sog‘liq uchun zararli bo‘lishi mumkin. Inson aqlli mavjudot sifatida, agarda u bilimlar, tartib, irodaviy hislatlar va faollikka ega bo‘lsa stressning to‘g‘ri dozasi o‘zi uchun aniqlashi mumkin.

Stress - bu inson atrof-muhit o‘zgarishlariga moslashishida yuzaga keluvchi ruhiy va jismoniy holat. Bu organizmning zarbaga, tashqaridan qilingan bosimga javoban keskinroq qarshilik ko‘rsatish. Biz ularni

uncha yoqimli bo'lgan odatiy hol sifatida qabul qilamiz bu atrof muhitning uzoq vaqt ta'siri bo'lib, individ uchun hissiy organizmning boshqariluvchi tizimida va markaziy nerv sistemasida unga mos reaksiyalarni vujudga keltiradi.

Stressning o'z harakatlantiruvchi qurilmasi o'z davriyligi mavjud va bu quyidagilarda ko'rinadi.

1- bosqich. Xavotirlanish ta'siri. Organizm quvvatni ishga soluvchi garmonlar ajratgan holda unga qarshilik ko'rsatadi. Xavotirlanish ta'siri qandaydir shiddatli yallig'lanish jarayoni yordamida namoyon bo'lishi mumkin. Keyinchalik hammasi o'z o'rniga tushadi- odam stressgacha bo'lgan holatga qaytadi. Agar zo'riqishni yenga olmagan bo'lsangiz ikkinchi bosqichni yuzaga keltiradi.

2- bosqich unga moslashish bosqichi boshlanadi. Organizm stress bilan kelishishga harakat qiladi, nima qilib bo'lsa ham, undan xalos bo'lishga intiladi. Buyrak usti bezlarining faolligi oshadi, ular yallig'lanishga qarshi xususiyatlarga bo'lgan kortikosteroidlarni qongaishlab chiqaradi. Lekin zo'riqishgamoslashish jarayoni o'z nihoyasiga yetayotgan kuchalarni arang tutib turgan quvvatni so'rib oladi. Jang ham, tinchlik ham bo'lgan bu holatabadiy davom etishi mumkin emas. Uning yakuni uchinchi bosqichni yuzaga keltiradi.

3- stressning uchinchi bosqichi: inson organizmini tamoman holdan toyishini yuzaga keltiradi.

Asabiy vaziyatni, yaxshisi birinchi bosqichda, juda bo'lganda ikkinchi bosqichdabartaraf etish lozim. Buning ikki yo'li mavjud.

1. Muammoda diqqatni jamlash metodi - asbiy vaziyatning o'zini nazorat qilish va o'zgartirishdan iborat. Umuman olganda muammoda diqqatni jamlash usuli, qoidaga ko'ra, boshqarish mumkin bo'lgan asabiylashish omiliga duch kelganingizda, y'ani birorchorani qo'llamoqchi bo'lgan vaziyatda juda foydali hisoblanadi. Muammoni tahlil qilib chiqing: ba'zida o'z muammolarimizni oshirib yuboramiz Haqiqatan hammuammo bilan ish ko'ramizmi yoki bu zo'riqish holati ikki lahzada hal etiladigan arzimas narsadan yuzaga kelganmi, aniqlab olish zarur.

2. Diqqatni hissiyotlarda jamlash usuli - odamlar vaziyatga nisbatan o'zlarining ehtirosli ta'sirlarini nazorat qilishga urinishlaridan iborat. Hissiyotlarda jamlangan harakatlar nazorat ostidan chiqib ketgan zo'riqishni engish uchun mos keladi. Bu ikki usul bir vaqtning o'zida qo'llanilishi mumkin.

Biz insondagi ruhiy zo'riqishni oldidini olish uchun quyidagi tavsiyalarni beramiz:

1. Tez fursatda tanani bo'shashtirish.
2. Miyaga dam berish.
3. Zo'riqishga olib keladigan vaziyatlardan nari bo'ling.
4. Sun'iy zo'riqishni yuzaga keltiruvchi salbiy xotiralardan voz keching.
5. Ovqatlanishda foydali maxsulotlarga urg'u bering.

ТЕОРЕТИЧЕСКИЕ АСПЕКТЫ ИССЛЕДОВАНИЯ ПРОБЛЕМЫ ПСИХОЛОГИЧЕСКОЙ УСТОЙЧИВОСТИ КРЕАТИВНОЙ ЛИЧНОСТИ

Мунинова Р. Ю., , докторант кафедры психологии СамГУ

Проблема психологической устойчивости креативной личности является одной из наиболее сложных и актуальных в современной науке. Анализ психологии по данной проблеме показывает отсутствие единства во мнениях исследователей при определении содержания понятия.

Деятельность мыслителей Востока, особенно поэтов-просветителей в XVIII-XIX веках и в начале прошлого века, ученых-джадидов, ставших основоположниками национальной системы образования и воспитания являясь примером для нашей молодежи, играют важную роль в их гармоничном развитии.

Мы имеем достаточное представление о формировании теоретического и практического, продуктивного и репродуктивного мышления учащихся, существует целостная концепция проблемного обучения как средства развития творческого, проблемного мышления, стойкости, стабильности в процессе усвоения знаний. Процесс формирования психологической устойчивости длителен и не прост. Базовые установки на наличие стойкости и целенаправленности закладываются на ранних стадии социализации личности.

По мнению отечественных ученых-психологов, в частности, В.М.Каримовой, «личность – это продукт социальных и межличностных отношений, индивид в роли сознательной деятельности субъекта. Воздействие общественности на развитие личности отображается в первую очередь, в духовном восприятии, мировоззрении и отношении к жизни»[1]. В своих исследованиях особенностей личности проф. В.М.Каримова отмечает еще один важнейший фактор, влияющий на развитие

личности это – «духовное сознание и вера. Именно вера, убеждения, идеи и мысли формируются в идеологической системе, и, превращаясь в жизненные принципы, помогают личности в развитии способностей, волевого характера, стойкости»[2].

Г.Б. Шоумаров исследуя личностное развитие, установил, что «на психологическую устойчивость личности в большей степени влияет эмоциональная сфера ее жизни» [3]. Так, обследуя бывших выпускников школ для детей с задержкой психического развития, Г.Б. Шоумаров обнаружил некоторую ригидность чувств и недоразвитие их эмоциональной сферы в целом. Это проявляется в отношениях таких детей с близкими людьми. Младшие школьники с задержкой психического развития отстают от нормально развивающихся по сформированности произвольного поведения. Гораздо чаще, чем у нормально развивающихся сверстников, у них наблюдается импульсивное поведение.

Современные психологи утверждают, что креативность устойчивой личности общенаучных проблем, исследуемых в настоящее время. Что человеку приходится очень быстро меняться, постоянно расти развиваться чтобы быть востребованным в обществе. Психологическая устойчивость креативной личности позволяет человеку совершенствоваться и не бояться нового, быстро адаптироваться к изменяющимся условиям и требованиям. Оно создает благоприятные предпосылки для развития личности в целом, способствует ее самораскрытию, самореализации, самодостаточности и толерантности. Несмотря на многочисленные теоретические и экспериментальные исследования проблема психологической устойчивости креативной личности все еще требует дальнейшего изучения, так как в известных концепциях нет однозначного ответа на вопросы о природе, факторах развития креативности личности, нет единого взгляда на феноменологию, классификацию качеств креативной личности.

В результате экспериментальных исследований среди психологической устойчивости креативной личности выделены следующие:

- способность создавать необычные идеи
- отклоняться в мышлении от традиционных схем
- быстро разрешать проблемные ситуации
- такая способность и была названа креативная личность.

Таблица 1. 1.

Состояния в ситуациях преодоления трудностей

Характеристики	Мобилизация (уровень активности)		
	Недостаточная	Адекватная	Избыточная
Отношение к ситуации, доминирующий мотив	Эмоциональное неприятие цели без адекватной когнитивной оценки	Согласованность эмоциональной и когнитивной оценки; стремление найти путь к цели	Эмоциональный компонент отношения доминирует над когнитивным; часто принятие цели до адекватной когнитивной оценки; стремление достичь цели немедленно
Ведущая характеристика состояния	Вялость; пониженная активация	Деятельное состояние; адекватная текущей ситуации активация	Азарт; высокая активация и высокое напряжение
Настроение	Сниженное настроение, уныние	Ровное настроение, бодрость	Нервное настроение, беспокойство
Энергетическая характеристика физиологических процессов	Сниженное расходование энергии или трата ее на торможение	Адекватное, устойчивое расходование энергии	Избыточное расходование энергии
Преобладающая фаза стресса	Фаза истощения	Фаза резистентности	Фаза мобилизации (фаза тревоги)
Поведение	Пассивное (капитуляция)	Активное организованное	Активное дезорганизованное
Вероятные последствия	Апатия или депрессивное состояние, если жизненные обстоятельства не изменяются в лучшую сторону	Сохранение или повышение психологической устойчивости, удовлетворенность самореализацией	Переутомление или астеническое состояние, если жизненные обстоятельства не изменяются в лучшую сторону

Таким образом, психологическая устойчивость креативной личности является сложным и емким качеством личности. В данном понятии объединен целый комплекс способностей, широкий круг разноуровневых явлений.

Психологическая устойчивость креативной личности — это качество личности, отдельными аспектами которого являются стойкость, уравновешенность, сопротивляемость. Оно позволяет личности противостоять жизненным трудностям, неблагоприятному давлению обстоятельств, сохранять здоровье и работоспособность в различных испытаниях. Под психологической устойчивостью личности к негативному влиянию социальной среды мы понимаем сложное системное образование, включающее способности, навыки, умения человека удерживать эмоциональные, когнитивные, конативные процессы, а также процессы деятельности в равновесном состоянии, и адаптировано реагировать на внешние воздействия в конкретных условиях.

Составляющие психологической устойчивости креативности личности в наиболее общем виде могут быть представлены тремя аспектами – стойкостью, уравновешенностью и сопротивляемостью.

Под стойкостью подразумевается способность противостоять трудностям, сохранять веру в ситуациях фрустрации и постоянный (достаточно высокий) уровень настроения.

Уравновешенность – соразмерность силы реагирования, активности поведения силе раздражителя, значению события (величине положительных или отрицательных последствий, к которым он может привести).

Сопротивляемость – это способность к сопротивлению тому, что ограничивает свободу поведения, свободу выбора.

К факторам, влияющим на психологическую устойчивость креативной личности можно отнести факторы среды (условия, способствующие самореализации и адаптации) и личностные факторы (отношения личности, сознание личности, эмоции и чувства, поведение и деятельность). При наличии положительных полюсов этих факторов сохраняется благоприятное для успешного поведения, деятельности и личностного развития доминирующее психическое состояние и повышенное настроение. При неблагоприятном влиянии доминирующее состояние становится негативным, а настроение сниженным, неустойчивым.

Таким образом, психологическая устойчивость креативной личности помогает человеку не только противостоять появляющимся трудностям и опасностям в деятельности и в повседневной жизни, особенно при несоответствии потенций субъекта условиям, требованиям конкретной деятельности, но и сохранять стабильность и уравновешенность внутреннего мира и образа жизни.

OILADA SOG‘LOM TURMUSH TARZINI SHAKLLANTIRISHNING PSIXOLOGIK XUSUSIYATLARI

Maqsadova M.S., Qarshi DU dots. V.b., Ps.f.n.

Azimqulov Sh., Qarshi DU talabasi

Sog‘lom turmush tarzi va ruhiy salomatlik odamning tabiiy va organik ehtiyojiga aylanishi lozimki, u ushbularga ongli, ixtiyoriy tarzda butun hayoti davomida rioya etmog‘i lozim. Ta‘kidlaganimizdek, psixik salomatlik, nafaqat, tan vujudning gigienasini, balki ma‘naviy sohani, ahloqiy normalarga nisbatan sog‘lom fikrlash bilan bog‘liq psixogigienani, o‘z-o‘zni tarbiyalashni nazarda tutadi. Shu bois ham bolani ilk yoshligidan sog‘lom turmush tarziga o‘rgatish lozim. Ularda, eng avvalo, sog‘lom va uzoq yashash tarzini shakllantirish kerak.

Oilada sog‘lom turmush tarzini shakllantirish va aholini, shu jumladan, yoshlarning sog‘ligini mustahkamlash maqsadida sog‘lom turmush tarzi g‘oyalarini targ‘ib qilish, uning mohiyatini belgilovchi omillar asosida tibbiy-gigiyenik madaniyatini shakllantirish, ratsional ovqatlanishning me‘yorlarini belgilash, jismoniy faollik, o‘zini va o‘zgalor salomatligini asrash ko‘nikmalarini bolalikdanoq kundalik turmush tarziga aylanishiga erishish mamlakatimizda amalga oshirilayotgan ishlar mazmunini tashkil etadi. Zero, bozor iqtisodiyoti sharoitida har bir odam sog‘lom, baquvvat bo‘lishi kerak. Sog‘lom turmush tarzi tarafdorlarining fikricha, agar odamlar quyidagilarga amal qilishsa, deyarli kasal bo‘lishmaydi.

Ovqatlanishni to‘g‘ri tashkil qilish.

Hayot – harakatdadir.

Kun va ishni biologik rejimlar asosida tashkil qilish.

Ruhiy osoyishtalik yoki asabiy muvozanatni ta‘minlash.

Ichkilikbozlik, kashandalik va giyohvandlik kabi odatlardan o‘zini tiyish.

Ozoda-orastalikka rioya qilish, atrof-muhitga bo‘lgan munosabat masalasi.

Inson o'z faoliyati bilan tanasi va atrof-muhitga ma'lum darajada ta'sir ko'rsatadi. Sog'lom turmush tarzining yana bir muhim sharti, bu sog'lom turmush kechiruvchi odamlar bilan do'stlashidir.

Demak, inson salomatligini u yashab turgan muhitdan, uning hayot faoliyati va ijtimoiy holatidan ajralgan holda talqin qilish mumkin emas. Shuni alohida ta'kidlash joizki, avvalo aholi salomatligi atrof muhitning musaffoligiga bog'liqdir. Aholining qulay tabiiy sharoitda ekologik toza muhitda yashab faoliyat olib borishi natijasida ularning yashash tarzi ijobiylashib, salomatligi yaxshilanadi, qolaversa ishga, o'qishga va mehnatga bo'lgan ishtiyoqi oshib boraveradi. Oilada sog'lom muhitni yaratishga erishish uchun dastlab atrof muhit muhofazasini yaxshilab olish zarur shundagina insoniyat uchun sog'lom muhit yaratilib ularning sog'ligini yaxshilab olishga erisha olishimiz mumkin. Inson salomatligi har narsadan ustun turuvchi muhim masaladir. Mamlakatimiz mustaqillikka erishgan kunlardan boshlab, aholining jismonan va ma'nan sog'lom hayotini ta'minlash maqsadida sog'lom turmush tarzini yaxshilash, har tomonlama zamonaviy tibbiy jihozlar, sifatli tibbiy xizmatlarni yanada rivojlantirish, bepul tibbiy ko'rikni chuqurroq takomillashtirish kabi vazifalarni o'z oldiga maqsad qilib amaliyotda buning isboti namoyon bo'lmoqda. Yoshlar ongiga ekologik madaniyatni singdirish har bir pedagogning asosiy vazifasidir. Zero, insonning tabiat quchog'ida bo'lishi uni ruhan tetiklashtirib, uning mehnat qobiliyatini va ijodiy faoliyatini oshiradi, salomat bo'lishiga zamin yaratadi.

Xulosa qilib shuni aytish mumkinki, har bir inson oilada sog'lom turmush tarzini shakllashini ko'rishni istasa, avvalombor tashqi muhit, tabiatning sog'lom bo'lishini ta'minlashga bor ilm va malakasini bag'ishlashi dorkor.

ЁШЛАРДА ХУЛҚ ОҒИШИНING ОЛДИНИ ОЛИШГА ХОС ТАВСИЯЛАР

Ражабова Ф.П., Қариш ДУ ўқитувчиси

Болалар ва ўсмирлар ўртасида хулқ оғиши ва улар тарбиясидаги бузулишларнинг олдини олишда куйидагиларга эътибор қаратиш мақсадга мувофиқдир:

Хулқ оғишига эга бўлган болалар ва ўсмирлар шахсида асоциаллик, рухий беқарорлик, ўзгарувчанлик, гипертимлик, аффектга мойиллик, циклотомиклик хусусиятларининг яққол ифодаланганлигидан келиб чиқиб, улар шахсини соғломлаштиришга ҳаракат қилиш мақсадга мувофиқдир. Бунда улар яшаётган оила ва ижтимоий муҳитни соғломлаштириш, шахслараро соғлом муносабатни вужудга келтириш ишларини олиб бориш яхши натижа беради.

Вояга етмаганлар ўртасидаги хулқ оғишининг келиб чиқиши асосий сабаблари сифатида “болалар ва ўсмирлар фаолиятини назорат қилмаслик”, “оилада бола тарбиясига эътиборнинг сусайиши” кабилар намоён бўлганлигидан келиб чиқиб, оилада ва оиладан ташқарида болалар ва ўсмирлар фаолиятини, бўш вақтларида нима билан шуғулланаётганлигини назорат қилиш ва оилада болалар тарбиясига эътиборни кучайтириш мақсадга мувофиқдир. Крименоген хулқли оилаларни аниқлаш, уларда тарбияланаётган болалар ва ўсмирлар аҳволдан хабардор бўлиб туриш. Моддий-маъиший шароитнинг етарли эмаслиги вояга етмаганларда хулқ оғишининг келиб чиқишига таъсир этишлигини ҳисобга олиб, бундай оилаларга маҳаллий ҳокимият, ижтимоий таъминот ва хайрия жамғармалари томонидан моддий ёрдамлар бериб туришни ташкил этиш.

Болалар ва ўсмирларнинг мактабдан кейинги бўш вақтларини назорат қилиш ва улардан унумли фойдаланишни ташкил этиш.

Ота-оналар, катта ёшдаги кишилар ва ўқитувчилар томонидан болалар ва ўсмирларга нисбатан қўлланилаётган қаттиқул, қўпол ва адолатсиз муносабатларига барҳам бериш. Вояга етмаганларда хулқ оғиши кўпинча ота-оналар, ўқитувчиларнинг болалар ва ўсмирлар психологисини билмасдан туриб муносабатда бўлишликлари натижасида келиб чиқаётганлиги ота-оналар ва ўқитувчиларни психологик-педагогик билилар билан қуроллантириш зарурлигини кўрсатади. Психолог, социолог, педагог, психиатр ва ҳуқуқшуносларнинг оммавий ахборот воситаларида вояга етмаганлар қонунбузарликлари ва уларнинг олдини олиш, жиноятчилик хулқи психологияси, болалар ва ўсмирлар психологияси каби мавзуларда эшиттиришлар, кўрсатувлар ва мақолалар билан чиқишларини ташкил этиш.

Вояга етмаганлар ўртасидаги қонунбузарликларнинг олдини олиш ишларига қарияларни ва дин вакилларини жалб этиш.

Республикамиз аҳолисининг катта қисми ёшлар зиммасига тўғри келаётганлигини ҳисобга олиб, маҳаллаларга алоҳида вояга етмаганлар билан ишлаш профилактика нозири штатини ажратиш мақсадга мувофиқдир.

Вилоятлар, туманлар хокимликларида ташкил этилган вояга етмаганлар билан ишлаш комиссиялари фаолиятни кучайтириш ва улар фаолиятида психолог, педагог, психиатр мутахассисларнинг кенгрок иштирок этишини таъминлаш.

Ички ишлар бўлимлари ва маҳаллалардаги вояга етмаганлар билан ишлаш профилактика нозирларини психологик-педагогик билимларини ошириш мақсадида махсус вояга етмаганлар билан ишлаш бўйича психологик-педагогик малака ошириш курсларини ташкил этиш.

Вояга етмаганлар ўртасидаги хулқ оғиши ва қонунбузарликларни олдини олиш тадбирларининг психологик-педагогик жиҳатдан илмий асосланган бўлишини таъминлаш.

Вояга етмаганларда хулқ оғишининг олдини олишда болалар ва ўсмирларнинг ёш ва индивидуал-психологик хусусиятларини ҳисобга олиш.

Ота-оналарга маслаҳатлар:

❖ Фарзандингизни бошқа болалар билан дўстлашишга ўргатинг. Уни ёлғиз юришига йўл қўйманг.

❖ Фарзандингизнинг дўстларини баҳолашда унинг ота-онасини мавқеи, имкониятига қараб эмас, фарзандингизга бўлган муносабатига эътибор беринг.

❖ Ўртоқларини ўзининг шахсий фикри асосида баҳо бериш ва ҳурмат қилишга ўргатинг.

❖ Фарзандингизга ўртоқларини ютуқларини кўрсатишга ҳаракат қилинг, албатта таққосламаган ҳолда.

❖ Фарзандингизни дўстликдаги садоқатини рағбатлантиринг.

❖ Фарзандингиз ўртоқларини уйингизга меҳмонга таклиф қилинг, улар билан мулоқот ўрнатинг.

❖ Дўстликда ростгўй бўлиш, манфаат кўзламаслик кераклигини ўргатинг.

❖ Фарзандингизни доим дўст бўлишга ўргатинг.

❖ Фарзандингиз дўстига ишонгандай ўз сирларини сизга айтса, сизга бўлган ишончини суистеъмол қилманг.

❖ Фарзандингизни танқид қилинг, фақат уни масҳара қилиб эмас, балки қўллаб қувватлаб.

❖ Фарзандингизни ўртоқларига яхшилик қилиш истагини қўллаб-қувватланг.

❖ Ўртоқларига муносабатда чақимчилик, сотқинлик қилишига йўл қўйманг.

❖ Салбий ҳислатлар ана шундай майда-майда кўринган камчиликлар оқибатида келиб чиқади.

❖ Ёшликдаги дўстлик унинг келгуси ҳаётида пойдевор бўлиши мумкин.

ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА ТАРБИЯВИЙ ИШЛАРНИ ТАШКИЛ ЭТИШДА АМАЛИЙ ПСИХОЛОГИК ФАОЛИЯТНИНГ ЎРНИ

*Абдуқаҳҳорова Г.А., Қариш ДУ ҳузуридаги
ХТТХҚТМОҲМ катта ўқитувчиси*

Ҳозирги даврда фан қудратли яратувчанлик кучига айланди, ҳар бир мамлакатнинг бугунги ижтимоий, иқтисодий юксалишини фан-техника тараққиётининг замонавий ютуқларисиз тасаввур қилиш қийин. Шу нуқтаи назардан Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев томонидан айна пайтда қабул қилинган “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорда (2017 йил 21 апрел) “Олий таълим муассасалари илмий салоҳиятини мустаҳкамлаш, олий таълимда илм-фанни янада ривожлантириш, унинг академик илм-фан билан интеграциялашувини кучайтириш, профессор-ўқитувчиларнинг илмий-тадқиқот фаолияти самарадорлиги ва натижадорлигини ошириш, олий таълимнинг маънавий-ахлоқий мазмунини ошириш, талаба-ёшларга мустақиллик ғояларига, юксак маънавият ва инсонийликнинг миллий анъаналарига содиқлик руҳини чуқур сингдириш бўйича кенг кўламли маърифий ва тарбиявий ишларни олиб бориш” долзарб вазифалардан бўлиб қолаётганлиги алоҳида кўрсатиб ўтилди. Республкамизда туб демократик ўзгаришлар юз бераётган бир даврда табиий равишда, олдимизда психологиянинг қонуниятларини ва илмий асосларини ўрганиш ҳамда улардан ўз фаолиятимизда кенг фойдаланиш лозимлиги вазифаси қўйилмоқда. Узлуксиз таълим тизими жараёнида таълим-тарбия олувчи ва берувчи шахсларнинг психологик хусусиятларини, уларда ўзаро муносабатларнинг психологик асосларини ўрганиш жуда муҳим масаладир.

Психологик хизмат аслида баркамол инсонни шакллантириш, таълим эҳтиёжларининг кондирилиши жараёнида шахснинг қобилиятлари, имкониятларини, ўзига хос индивидуал хусусиятларини ўрганиш, йўналтириш ва ривожлантириш каби муҳим вазифаларга қаратилгандир.

Ўзбек олими Ш.Р.Баратовнинг фикрига кўра, психологик хизмат ижтимоий психологик муаммо сифатида талқин қилинар экан, барча ривожланган мамлакатлардаги каби, Ўзбекистонда ҳам мазкур психологик хизмат муаммосининг қай тарзда ва қандай илмий-ташқилий асосларда бартараф этилаётганлигини ўрганиш, таҳлил қилиш ва талқин этиш муҳим аҳамият касб этади. Чунки, мамлакатимизда психологик хизматга оид олиб борилаётган назарий – илмий ва амалий-услубий тадқиқотлар кўламига маълум тартибда баҳо бермай туриб, Ўзбекистонда психологик хизматни янада такомиллаштириш ва ривожлантириш масаласи ҳақида фикр мулоҳаза юритиб бўлмайди. Ғ.Б.Шоумаров Ўзбекистонда психологик хизматни аҳволи ҳақида тўхталиб, бугунги кунда барча соҳаларда психологик хизматга эҳтиёж сезилаётганлиги, бироқ бу борада муаммолар мавжудлигини кўрсатиб ўтади.

Ижтимоий соҳада ва таълим тизимидаги психологик хизматнинг мақсади - шахснинг ҳар томонлама мукамал психологик тараққиётини таъминловчи оқилона, зарур шарт – шароитлар, омиллар, қулай вазият ва муҳит яратишдан иборатдир. Психологик хизматда тадқиқот ва таъсир ўтказишнинг объекти шахсдир. Тадқиқот объектига кирган кишиларни яқка тартибда, алоҳида, гуруҳий ёки жамоавий шаклда ўрганиш мумкин. Психологик маслаҳат–хизмачиларга шахсий, касбий ва ҳаётий муаммоларини ҳал этишга ёрдам бериш бўлиб, у индивидуал, гуруҳий тарзда ўтказилади. Маслаҳат бериш – психологик хизматнинг асосий йўналишларидан биридир. Лекин психологик маслаҳат ўзи нималиги ҳақида ягона тушунча йўқ. Ҳар бир соҳада хизмат олиб бораётган психолог иши бошқаси билан бир-бирдан тубдан фарқ қилади. Психолог аниқ жамоадаги шахсий таркиб орасидаги муносабатнинг ижобий ва салбий томонларининг, ривожланадиган ижтимоий муҳитнинг ичида бўлади. У ҳар бир жамоанинг ўзинигина эмас, шахслараро муносабатнинг мураккаб системасини ҳам кўради, бошқа иш турлари билан биргаликда вазиятни ҳал қилади. Маслаҳат бериш ишини куйидагича амалга ошириш зарур. Чунки айнан тўғри ташкил этилган маслаҳат туфайли психолог ва шахс ўз соҳасини яхши билувчи мутахассислар сифатида намоён бўлади.

1 Шахсларнинг муаммолари бўйича уларнинг ҳамкорлиги билимларининг бирикувиға имкон беради ва муаммоларни ҳал қилиш учун кенг ижодий имкониятлар яратади. Маслаҳат беришнинг асосий аҳамияти ана шунда.

2. Психолог социумнинг психологик хусусиятлари, уларнинг қизиқиши, майли, илк иқтидори кабиларни ўрганади, мутахассис ва етук шахс сифатида шаклланишига ёрдам кўрсатади.

3. Ёшларда учрайдиган малакалар ва кўникмаларини эгаллашдаги нуқсонлар хулқ-атвордаги камчиликлар, интеллектуал тараққиёт ва шахс фазилатларидаги бузилишларни диагностика қилади.

4. Турли соҳанинг мутахассислари билан биргаликда психик ривожланишдаги нуқсонлар хилма-хиллигини ҳисобга олган ҳолда дифференциал диагностикани амалга оширади. Нуқсонларнинг тиббий ва дефектологик табиатини аниқлайди. Ассоциал хулқ-атвор сабабларини ва шаклларини белгилайди. Гиёҳвандлик ва таксикоманлик, алкоғолизм, ўғрилиқнинг ижтимоий психологик илдизларини текширади, омилларни таҳлил қилади.

5. Иқтидорли хизматчилар, мутахассисларни танлашда иштирок қилиш илмий психологик тавсиялар ишлаб чиқади.

Психологик хизматнинг ушбу йўналиши психологдан инсон шахси ва индивидуаллигини таркиб топтириш жараёнида фаол иштирок этишни тақазо қилади. Турли соҳадаги психологнинг вазифаси психологик хизматни муайян ҳолда, мезонга асосланиб ташкил қилишдан иборат бўлиб, ёш давр хусусиятларига биноан психиканинг ривожланиши, шахснинг шаклланиши қонуниятларини амалиётга татбиқ этиш, уларнинг қобиляти, майлини ўсиш даражасига қараб катталарга коррекцион ишларни амалга оширишда кўрсатмалар берилади. Психологик хизматнинг ушбу йўналишида алоҳида аҳамият касб этадиган нарса-бу ёшлар ўсишида кечикиш, уларда хулқнинг бузилиши, машғулотларни ўзлаштиришнинг ёмонлашуви кабиларни ўрганиш ҳисобланади. Вазифаларга (мутахассисликка) йўналтириш – шахсни лаёқати, қизиқиши ва қобилятларига мос мутахассисликни онгли тарзда танлашга тайёрлашдир.

Бу келтирилган йўналишларнинг узвий ва узлуксиз боғлиқлиги психологик хизмат мазмунининг яхлитлигини таъминлайди.

Психологик хизматга бўлган эҳтиёж, энг аввало, жамоада рўй бераётган, шахслар ўртасида кечадиган муносабатлардаги айрим кемтикларни тўлдириш билан боғлиқ тарзда вужудга келган. Ахборотлар оқими, турли реклама, оммавий ахборот воситалари ёш онги учун кураш олиб бораётган бир даврда уларга муассасаларда сифатли психологик хизмат кўрсатиш долзарб муаммо бўлиб келмоқда. Замонавий ижтимоий-психологик хизматнинг мақсади–шахснинг ҳар томонлама мукамал психологик тараққиётини таъминловчи оқилона, зарур шарт-шароитлар, омиллар, қулай вазият ва соғлом муҳит яратишдан иборатдир. Бугунги кунда жамиятимизда психологик хизматнинг

таркибий мазмуни шахсларнинг индивидуал психологик хусусиятларини ўрганиш билан бирга унинг ҳар томонлама камол топиши, ҳам маънавий, ҳам ақлий ривожланиши, ўзлигини англаши ва қобилиятларини намоён этиши учун тегишли таълим-тарбия ҳамда маънавий-руҳий шароитлар яратилиши назарда тулади. Шахс ва унинг фаолиятини ҳар томонлама ривожлантириш муаммосига психолог олимларимизнинг умумтаълим мактаблари, академик лицей, касб-хунар коллежлари ва оила тизимларида психологик хизматни жорий этиш борасида олиб бораётган қатор илмий, назарий-амалий, услубий ишлари психологик хизматни жорий этиш ва ривожлантириш учун маълум даражада асос бўлмоқда. Ёшларнинг камол топишида жамоа ва муассасаларда фаолият олиб бораётган етакчиларнинг жамоа билан ишлаш бўйича ўринбосарларининг ишлари муҳим аҳамиятга эга. Шунингдек, хизмат вазифаларини бажарилиш сифатини оширишда, таълим-тарбия беришда уларнинг роли каттадир.

Ижтимоий соҳалардаги психологик хизматда тадқиқот ва таъсир кўрсатиш объекти шахслар, хизматчилар ва уларнинг оила аъзолари, имконияти чекланган аҳоли қатлами ҳамда ишчи ва хизматчилардир.

Демак, психологик хизмат ўз мазмун моҳиятига кўра хизмат фаолиятининг барча тизимлари учун зарур ва керак бўлган ижтимоий-психологик ходиса экан, биз унинг омилларини билишимиз лозим бўлади.

UMUMTALIM MAKTABLARIDA PSIXOLOGIK XIZMATNI TASHKIL ETISHNING BA'ZI JIHATLARI

Salimova U., Kitob tumani 40-maktab amaliyotchi psixologi

Bugungi kunda yosh avlod kelajagini har tomonlama takomillashgan va bugungi taraqqiyot talablariga to'la - to'kis javob bera oluvchi ta'lim tizimining muvaffaqiyatli tadbigsiz tasavvur etib bo'lmaydi. Ta'limning muvaffaqiyati esa tashkil etilgan o'quv faoliyatining har bir o'quvchi shaxsiga, uning ijtimoiy taraqqiyotiga qo'shgan hissasi bilan belgilanadi. Bu ma'suliyatli vazifani esa, ayniqsa, bugungi kunda psixologik xizmat tadbigsiz tasavvur qilish qiyin. Qolaversa, bolalarni maktab ta'limiga tayyorlashda, o'quv topshiriqlarini takomillashtirishda, o'quvchilarni u yoki bu kasbga yo'naltirishdagi o'ziga xos individual - psixologik xususiyatlarini va qiziqishlarini aniqlashda, ularning o'z - o'zini anglashlarida, o'quv jarayoni, o'quvchilar jamoasi, o'qituvchi-o'quvchi faoliyati bilan bog'liq barcha muammolarni bartaraf etish yo'llarini aniqlashda va ko'rsatishda bugungi kundagi yutuqlari haqida etarli dalillar mavjud.

Bugungi kunda Respublikamiz bo'yicha barcha ta'lim muassasalarida psixologik xizmat tizimi joriy qilinmoqaki bu ta'limning o'ziga xos istiqbollarni ta'minlashda muhim ahamiyat kasb etadi. Chunki bir necha psixologik xizmat tizimi joriy etilgan umumtalim maktablardagi o'quvchilar faoliyatini o'rganganimizda biz buning guvohi bo'ldik.

Albatta barcha ta'lim muassasalaridagi rahbarlarni bugungi kunda psixologik xizmatni qanday yo'nalishlar asosida tashkil etish kerak, degan savol qiziqtiradi. Shunga muvofiq, psixologik xizmatning mazmuni va asosiy yo'nalishlari haqida to'xtalamiz.

Maktabda psixologik xizmat jarayoni bilan bog'liq barcha vazifalarning bajarilishi asosan maktab psixologi zimmasiga yuklatiladiki, bu vazifalar umumiy ilmiy faoliyat yo'nalishi sifatida quyidagi tartibda belgilanadi:

1. Ilmiy- nazariy faoliyat yo'nalishi:

-psixologik xizmatga oid nazariy tushunchalarni o'zlashtirish bilan birga o'quvchi shaxsiga psixologik yondashuv uchun samarali natijalar bera oluvchi usullar, tamoyillar va ayrim metodikalarni ajrata olish;

- psixologik xizmat kontsepsiyasi haqida etarli ma'lumotga ega bo'lish;

2. Ilmiy - tashkiliy yo'nalishlar:

- har kunlik, haftalik, oylik va yillar kalendar ish rejasini tuzish, uni hududiy psixologik xizmat markaz tomonidan tasdiqlash;

- psixologik xizmat xonasini kerakli jihozlar, ko'rgazmalar va boshqa materiallar bilan to'ldirish;

- maktabda har bir o'quvchi uchun "Shaxs psixologik varaqasi"ni tuzish va shu "varaqa"dagi ma'lumotlar asosida tegishli psixologik tadbirlarni belgilash;

- har bir sinfdagi o'quvchilar guruhi, alohida referent, rasmiy va norasmiy kichik guruhlar, sardorlar va ayrim "ajralib qolgan" o'quvchilar bilan individual-psixologik ishlar olib borish rejasini tuzish;

- o'quvchilarni maktabga qabul qilish va kasbga yo'llash bilan bog'liq psixologik ishlar ko'lamini belgilash:

3. Ilmiy - tadqiqot yo'nalishlar:

- maktab amaliyoti uchun zarur psixologik usullarni qo'llash va olingan ma'lumotlarni qayta ishlash asosida tegishli ilmiy xulosalar chiqara olish;

- o'quvchilar faolligiga, o'z-o'zini anglash va rivojlantirish orqali o'z-o'zini himoya qilishga nisbatan ijobiy yoki salbiy ta'sir etuvchi omillarni chuqur o'rganish, tadbiq qilish va ma'lum tadbirlarni belgilash;

4. Ilmiy - uslubiy yo'nalishlar:

- psixologiya fanida tan olingan va qabul qilingan usullarni qo'llay olish va ulardan ilmiy maqsadlar yo'lida unumli foydalanishni ta'minlash;

- har bir o'quvchi shaxsining o'ziga xos individual - psixologik imkoniyatlariga mos yondashuv yo'llarini to'g'ri belgilay olish;

5. Ilmiy - amaliy yo'nalishlar:

- bolalarni maktabga qabul qilishda faol ishtirok etish;

- har bir bola iqtidorini aniqlash va unga mos ta'lim-tarbiya yo'nalishlarini belgilash;

- o'quvchining kasbga layoqatini belgilash va psixologik yondashuv asosida uni rivojlantira olish;

- har bir o'quvchi shaxsida sodir etilayotgan yosh, individual-psixologik, hissiy-irodaviy xususiyatlarni aniqlash asosida tegishli tadbirlar belgilash va uni amalga oshirish;

- darsning psixologik tahlili asosida ayrim o'quvchilarga, sinf rahbarlariga va fan o'qituvchilariga tegishli maslahatlar berish;

- ota-onalarning psixologik savodxonligini oshirishda faol ishtirok etish;

- aqliy va nutqiy taraqqiyotida nuqson bo'lgan bolalar bilan individual ishlar olib borish va hokazo;

Umumiy, yuqoridagi yo'nalishlarning barchasi maktabda psixologik xizmat tizimini amalga oshiruvchi amaliyotchi psixologlar faoliyatining mazmunini tashkil etadi.

Ayni paytda ushbu yo'nalishlardagi vazifalarning bajarilish jarayoni ta'lim muassasalari uchun chiqarilgan psixologik xizmat "Nizom"da belgilangan umumiy amaliy vazifalar psixodiagnostik, psixologik maorif, psixoprofilaktik, psixokorreksion va psixologik maslahat kabi amaliy ishlar yo'nalishining yuqori saviyada olib borilishini ham taqozo etadi.

Olib borilgan tadqiqotlarimiz natijasi shuni ko'rsatadiki, maktabda tashkil etilgan psixologik xizmat jarayoni, dastavval, muvaffaqiyatli o'quv faoliyatini tashkil etilishiga xizmat qilishda, har bir o'quvchidagi ijtimoiy psixologik muhofaza imkoniyatlarni kamol toptirishda muhim ahamiyat kasb etadi. Chunki har bir o'quvchining o'z iqtidori va imkoniyatlari asosida u yoki bu o'quv topshirig'ini muvaffaqiyatli bajarish uchun ayni paytda muvaffaqiyatsizlikka uchramaslik uchun psixologik muhofaza me'yorlariga jiddiy e'tibor berilishi kerak.

Shularga asoslangan holda xulosa qilib shuni aytish mumkinki, umumta'lim maktablarida tashkil etilayotgan psixologik xizmat tizimi aksariyat hollarda ta'lim faoliyatiga jalb qilingan har bir o'quvchining o'ziga xos betakror olami individual psixologik xususiyatlari, imkoniyatlari va iqtidor kurtaklarini o'rganish, tahlil qilish va shu asosida samarali ta'lim tarbiya usullarini qo'llash uchun shaxs va faoliyat uyg'unligini ta'minlashga xizmat qiluvchi kelajagi buyuk O'zbekiston istiqboliga xos ijtimoiy qimmatli zamin hozirlab berish bilan alohida ahamiyat kasb etadi.

ЮҚОРИ СИНФ ЎҚУВЧИЛАРИДА ХУЛҚИЙ ОҒИШИШЛАР ПСИХОПРОФИЛАКТИКАСИ

*Бойкуватова Р., Чироқчи тумани
30-мактаб амалиётчи психологи*

Шахсининг оғишган хулқи турлича ижтимоий институтлар томонидан бошқарилади. Жамоатчилик таъсирихуқуқий қонунлар, тиббий аралашув, педагогик таъсир, ижтимоий кўмак ва психологик ёрдам характери олиши мумкин. Психологик ёрдам кўриб чиқиладиган тизим босқичларидан бири сифатида унда бошловчи рол ўйнайди. Бу эса психологик ишнинг махфийлик, ихтиёрийлик ва шахсий манфаатдорлик, инсон томонидан ўз ҳаёти учун масъулиятни қабул қилиш, ўзаро ишонч, кўллаб-қувватлаш, шахс ва индивидуалликни хурматлаш каби тамойилларида ифодаланади.

Психологик ёрдам иккита етакчи йўналишданиборат. Биринчиси, психологик превенция (огоҳлантириш, психопрофилактика), иккинчиси психологик интервенция (бартараф этиш, коррекция, реабилитация). Оғишган хулқ профилактикаси ижтимоий уюшганликнинг турли даражаларида умумий ва махсус тадбирлар тизимини назарда тутуди: умумдавлат, ҳуқуқий, жамоатчилик, иқтисодий, тиббий-санитар, педагогик, ижтимоий-психологик. Муваффақиятли профилактик ишнинг шартлари унинг мажмуавийлиги, кетма-кетлиги, дифференциаллиги, ўз вақтидалигидир. Охирги шарт фаол шаклланаётган шахс, масалан, ўсмирлар билан ишлашда, айниқса, муҳим. Бирламчи профилак-тика муайян кўринишни чақирувчи нохуш омилларни бартараф этишга, шунингдек, шахснинг бу омиллар таъсирига чидамлилигини кўтаришга йўналтирилган. Бирламчи профилактика ўсмирлар ўртасида кенг олиб борилиши мумкин. Иккиламчи профилактиканинг вазифаси - асаб-психик бузилишларни эрта аниқлаш вараабилитация қилиш ҳамда "хатар гуруҳидаги"лар билан, масалан, ҳозирги вақтда бу намойиш этилмаган бўлмаса-да, оғишган ахлоққа аниқ кўриниб турган мойиллиги бўлган ўсмирлар билан ишлаш. Учламчи профилактика ахлоқ бузилиши билан бирга кечадиган асаб- психик бузилишларни даволашдек махсус вазифаларни ҳал этишга йўналтирилган.

Хулқи оғишган ўсмирлар билан олиб бориладиган психопрофилактик ишларнинг турлича шакллари мавжудир.

Биринчи шакл - ижтимоий муҳитни ташкил этиш. Унинг асосида девиациянинг шаклланишида атрофдаги муҳитнинг детерминацияланувчи таъсири ҳақидаги тасаввурлар ётади. Ижтимоий омилларга таъсир кўрсатиб, шахснинг исталмаган ахлоқи олдини олиш мумкин. Бунда аддиктив ахлоқ профилактикаси ўсмирларда даставвал соғлом турмуш тарзи ва сергакликка кўникмани шакллантириш бўйича ижтимоий рекламадан иборат. Оммавий ахборот воситаларидаги махсус дастурлар, ёшларнинг севимли хонандава кино юлдузларини даъватлари, махсус танланган кинофильмларкучли психологик таъсирга эга. Ўсмирлар билан ишлаш, шунингдек, кўчада ташкил этилиши мумкин. Психопрофилактик ишнинг иккиламчи шакли - хабардор қилишдир. Бу психопрофилактик иш олиб боришнинг маъруза, суҳбат, адабиётлар ёки видео ва телефильмларни тарқатиш шаклидаги кўринишидир. Ёндошув моҳияти конструктив қарорлар қабул қилишга ўсмирни йўналтириш мақсадида когнитив жараёнларига таъсир кўрсатишдан иборат. Гиёҳванд моддаларга тобе бўлувчи ахлоқни огоҳлантириш бўйича суҳбатлар 14 ёшдан аввал олиб борилиши зарур. Улар гиёҳванд моддалар ва улар келтириб чиқарувчи кучли таъсирни батафсил ёритишдан иборат бўлмаслиги даркор.

Иккинчи шакл - ижобий алтернатив фаолиятни ташкил этиш, ишнинг бу шакли девиант ахлоқнинг ўринини тўлдирувчи ҳақидаги тасаввурлари билан боғлиқ. Фаолликнинг алтернатив шакллари сифатида қуйидагилар тан олинади: билим (саёҳат), ўзини синаш (тоққа саёҳат, хатарли спорт), аҳамиятли мулоқот, севги, ижодкорлик, фаолият (шу жумладан, профессионал, диний-маънавий, ҳомийлик).

Учинчи шакл - соғлом турмуш тарзини ташкил этиш. У саломатлик учун шахсий жавобгарлик, атрофдаги дунё ва ўз организми билан уйғунлик ҳақидаги тасаввурлардан келиб чиқади.

Тўртинчи шакл - шахсий ресурсларнинг фаоллашуви. Ўсмирларнинг спорт билан фаол шуғулланиши, гуруҳлардаги мулоқот ва шахсий ўсишдаги иштироки, арттерапия - буларнинг барчаси, ўз навбатида, шахс фаоллиги, унинг соғлиги ва ташқи салбий таъсирга бардолилигини таъминловчи шахсий ресурсларни фаоллаштиради.

Бешинчи шакл - девиант ахлоқнинг салбий оқибатларини минималлаштириш. Ишнинг ушбу шаклидан шаклланиб бўлган оғишган ахлоқ ҳолларида фойдаланилади. У рецидив ёки унинг салбий оқибатларини профилактика қилишга йўналтирилган. Масалан, гиёҳвандликка тобе бўлиб ҳолган ўсмирлар ўз вақтида тиббий ёрдам, даволаниш бўйича зарурий билимларни олишлари мумкин.

Шахс оғишган хулқининг психологик интервенцияси. Психологик интервенция - бу ижобий ўзгаришларни рағбатлантириш учун шахсий борлиққа психологик аралашув. Шахс девиант ахлоқи интервенцияси бўшашиш ёки унинг ахлоқидаги ижтимоий мослашувга тўсқинлик қилувчи шакллари бартараф этишдан иборат. Шундай қилиб, девиант ахлоқда психологик ёрдамнинг етакчи вазифаларини қуйидаги тарзда ифодалаш мумкин: ижтимоий мослашув ёки соғайишга мотивациянинг шаклланиши; шахсий ўзгаришларни рағбатлантириш; оғишган хулқ аниқ шаклининг коррекцияси; шахсий ўзгаришлар ёки соғайиш учун ёқимли ижтимоий-психологик шароитларни яратиш.

ЁШ ПЕДАГОГНИ КАСБИЙ МОСЛАШУВИНИНГ ПСИХОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ

Эшонкулова Г., Қарши ДУ ўқитувчиси

Психологик адаптация– шахснинг ижтимоий, социал – психологик, касбий– педагогик алоқа ва муносабатлар тизимига, жамоада бирор вазифани бажариш тизимига руҳий қўшила олиш жараёнидир. Психология фанида инсоннинг ҳаёти ва фаолияти билан боғлиқ психологик адаптация куйидаги асосий турларга ажратилади:

1. Ижтимоий адаптация – мазмунига кўра, шахснинг ахлоқий, сиёсий, ҳуқуқий ва бошқа жабҳалардан иборат меъёрларга мослашуви.

2. Социал – психологик адаптация – шахснинг одамлар билан психологик алоқа ва муносабатлар тизимига, унинг турли – туман социал – психологик ролларни бажаришга киришиши, яъни мослашуви.

3. Касбий – педагогик адаптация – шахснинг ўқув – билув ва педагогик фаолиятида ўзаро боғлиқлик ва ҳамкорлик муносабатларига мослашуви.

4. Экологик – психологик адаптация – шахснинг ўзи яшаб турган ва фаолият кўрсатаётган ташқи муҳит билан ўзаро боғлиқлиги ва унга мослашуви.

Шахснинг психологик мослашуви (адаптация) жараёни унинг фаоллиги ортиши билан тавсифланади. Унинг моҳияти шуки, инсоннинг турли воситалар билан борлиқ ва атроф – муҳитни ўзгартиришга қаратилган хатти – ҳаракатлари мақсадга йўналтирилганлигидадир.

Касбий мослашув (адаптация) – бу кишининг касбий иш фаолиятига киришиш жараёни ҳамда унинг касбий муҳит билан ўзаро таъсирини уйғунлаштириш демакдир.

Ёш мутахассиснинг касбий мослашувини ўзига хос хусусияти ички ва ташқи шарт–шароитларга боғлиқ. Мутахассиснинг касбий мослашув жараёнига таъсир ўтказувчи ташқи шароит ва омилларга куйидагилар киради:

– Касбий фаолиятнинг мақсади, мазмуни, воситалари ва ташкилий технологиясининг хусусиятлари.

– Касбий фаолиятни амалга оширадиган ижтимоий ва бошқа шарт–шароитларнинг хусусиятлари.

Мутахассиснинг касбий мослашув жараёнига таъсир этувчи ички шарт – шароит ва омилларга касбий мослашиш имкониятининг даражаси, шахс организмнинг мослаша олиш сифати ва касбий фаолият мотивларининг педагогик фаолият талабларига айнан мос келишидир.

Ёш педагогнинг касбий мослашуви муҳит билан касбий фаолияти ўзаро таъсир кўрсатадиган куйидаги асосий предметли соҳаларда амалга оширилади:

1. Касбий – фаолиятли: педагогик фаолиятига, унинг мақсадлари, мазмуни, воситалари, технологияси, иш тартиби ва жадаллигига мослашиш.

2. Ташкилий – меъерий: таълим муассасасида белгиланган тартиб – қоидалар, ташкилий меъёрлар, меҳнат интизоми ва бошқа талабларни бажаришга кўникма ҳосил қилиш.

3. Ижтимоий – касбий: касбий – ижтимоий вазифалар, ўқитувчи шахси ва касбига хос вазифаларни бажаришга мослашиш.

4. Ижтимоий – психологик: ижтимоий – психологик вазифалар, педагоглар жамоасида мавжуд норасмий, ахлоқий меъёрлар, хулқ қоидалари, кадрятлар ва муомала – муносабатларга кўникма ҳосил қилиш.

5. Ижтимоий ҳолатлар: педагогик фаолиятда бажариладиган мавжуд шарт – шароитларга, ижтимоий, сиёсий, ҳуқуқий, миллий – маданий ва бошқа муҳитларга мослашиш ҳосил қилиш. Ёш педагог учун касбий мослашувда касбий – фаолиятли мослашув етакчи рол ўйнайди.

Ёш педагогнинг касбий – фаолиятли мослашувининг самарали кечишида замонавий ўқитиш услубининг ўзига хос хусусиятлари ҳисобланган куйидаги жабҳаларга қатъий амал қилиш мақсадга мувофиқдир;

– таълим жараёнини илмий–ғоявий тамойилларга мослаб дастурлаштириш (режалаштириш);

– ўқув – билув материалининг мураккаблик даражаси ва ўрганиш суръатини ўқувчиларнинг ёш ва индивидуал психологик хусусиятларига мослаш;

– ўқувчиларнинг назарий ва амалий тайёргарликларини ўзаро боғлиқлиги ва бир–бирига уйғунлашувини таъминлаш;

– ўқувчиларнинг фаоллиги ва таълим жараёнининг автономлигини ошириш;

- таълим олувчиларнинг индивидуал–амалий ва жамоавий ишларини бирга қўшиб олиб бориш;
- ўқув жараёнини замонавий техник воситалар ҳамда кўплаб техмодуслар ёрдамида жадаллаштириш;
- таълимни табақалаштириш ва ўқув фанларини комплекс – компьютер дастурларини энг янги лойиҳаларида бирлаштириш.

ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯНИНГ ШАХСГА ЙЎНАЛТИРУВЧИ КОММУНИКАТИВ АСОСИ ШАХСИЙ ИНСОНПАРВАР ЁНДАШУВ

Муродова З., Қарши ДУ ўқитувчиси

Таълимнинг глобаллашуви инновацион технологияларнинг жорий этилаётгани, айти пайтда кенг кўламли ахборотлар оқими таълим мазмунини мунтазам янгилаб, такомиллаштириб боришни тақозо этади. Ҳозирги кунда ўқувчилар учун инфорацион саводхонлик таълим самарадорлигини оширишнинг муҳим шарти ҳисобланади. Ўқувчи шахсидаги мустақиллик ташаббускорлик, жавобгарликни ҳис этиш танкидий фикрлаш каби сифатларини тарбияланиши бу- шахсга юналтирилган таълим бўлади.

Шахсга йўналтирилган таълим технологияси бола шахсини бутун бир таълим тизимининг марказига қўяди ва унга табиатан берилган ўз қобилиятини рўёбга чиқариши учун ҳар томонлама қулай, хавфсиз, эркин шарт-шароит яратади.

Шахснинг ривожланиши – объектив табиий жараён. Бу жараён асосини инсон табиатининг биопсихик ривожланиши ташкил этади. Ижтимоий муҳит инсон табиати ривожланишининг психологик-педагогик механизмини шакллантиради.

Психология нуқтаи-назаридан инсон шахс сифатида қуйидагича тавсифланади:

1-фаоллик: ўз имкониятларидан ўлароқ юқори кўрсаткичларга эришиш, ўз фаолиятини кенгайтириш.

2-характери: инсоннинг мустақкам индивидуал хусусиятлари жамланмаси. Маълум бир фаолият турини муваффақиятли бажаришни таъминловчи, қобилият, хусусият ва сифат.

Таълим технологиясини ишлаб чиқишда бу хусусиятлар эътиборга олинсагина кутилган натижага эришиш ва баркамол шахснинг шаклланишиги имконият яратилиши мумкин. Бунинг учун шахсни мукамал ўрганиш, унунг шаклланиш жараёнини билиш зарур. Таълим жараёни шахсий инсонпарвар ёндашув асосида ташкил этилса ўқувчи фаоллиги янада ошади, унда баркамоллик сифатларининг шаклланиши учун имконият яратилади..

Инсонпарвар ғояларга асосланган таълим биринчи навбатда ўқувчиларнинг маънавий туйғуларини уйғониш фаоллигига эътибор қаратади. Шахсий инсонпарвар ёндашув, бу педагогик технологиянинг шахсга йўналтирувчи коммуникатив асоси.

У қуйидагиларни ўз ичига жамлайди.

- Таълим мақсадига қараш каби, шахсга янги қараш. Яъни шахс ўзининг мустақил фикри, қизиқишлари, интилишлари ва маълум мақсадларига эга. Буни таълим жараёнида албатта эътиборга олмақ лозим.

- Педагогик муносабатларнинг инсонпарварлиги ва демократлиги. Ўқитувчи ва ўқувчи муносабатларида тенглик, ўзаро ҳурмат бўлмоғи муҳим.

- Натижа бермаётган мажбурий услубдан воз кечиш. Биз кўп йиллар давомида мажбурий ўқитиш услубидан фойдаландик ва кам натижага эришдик. Бўш ўзлаштирувчи ва ўзлаштира олмайдиган ўқувчиларни ўзлаштиришга мажбур қилиш натижа бермайди. Балки ўқувчиларни таълим жараёнига қизиқтириш зарур.

Бугунги кунда шахсга қарашларни ўзгартириш зарурияти пайдо бўлмоқда.

Шахсга янги қараш позициялари қуйидагилар.

- шахс сифатида шаклланиш эрта ёшдан бошланади, мактабдан болани тўла шаклланган шахс сифатида етиштириш лозим. Баркамоллик сифатларининг шаклланишига эътибор қаратиш ҳам эрта ёшдан бошланади. Болаларга тўғри сўзлик, ўз фикрини эркин баён эта билиш қобилияти, интеллектуал фаоллик, маданият ва ахлоқий-маънавий сифатлар ана шу ёшдан бошлаб шакллана бошлайди.

- педагогик жараёнда шахс объект эмас субъект сифатида эътироф этилади. Уни субъект сифатида педагогик жараёнга қатнашишга фаоллаштириш зарур.

- шахс – таълим тизимининг мақсади. Чунки таълим – тарбиядан асосий мақсад ҳам баркамол шахсни тарбиялашдир.

- ҳар бир болада ўзига хос қобилият мавжуд, кўп болалар иқтидорли бўлишади, иқтидорли болалар тарбиясига алоҳида эътибор қаратиш лозим.

Шахснинг сифатли фазилатлари қаторига қуйидагиларни киритиш мумкин: меҳрибонлик, муҳаббат, меҳнатсеварлик, инсоф, ғурур, содиқ фуқаролик.

Таълим-тарбия жараёнида болаларга инсонпарвар, эзгу ёндашиш уларда хушмуомилалик, инсонларга муҳаббат, ватанга эътиқод, соф виждон, ғурур каби сифатларни шакллантиради.

- Шахсга йўналтирилган таълимда педагогик жараён шахсда белгиланган сифатларнинг шаклланишига қаратилади.

- Педагогик жараён – тарбия жараёнининг асосий тизим бирлиги: унинг хусусияти шундан иборатки, у ўқитувчи ва ўқувчининг педагогик муносабат тизимини белгилайди.

- Агар тарбия жараёни тушунчаси мақсадга йўналтирилган, шахсга маълум баркамоллик сифатларни шаклланиш таъсирини амалга оширишга қаратилган ҳаракат бўлса, педагогик жараён тушунчаси олдиндан ташкил этилган тарбиянинг ўзаро таъсир тизимини билдиради.

Хулоса қилиб айтганда шахсга йўналтирилган баркамоллик сифатлари таълим жараёнида билим олиш фаолиятини кучайтиради, такомиллаштиради, фикрлаш, ижодкорлик қобилиятини ривожлантиради, инсонпарвар-эстетик маданиятни шакллантиришига ёрдам беради.

МАХСУС МАКТАБ-ИНТЕРНАТЛАРДА ПСИХОЛОГИК ХИЗМАТНИНГ ЎЗИГА ХОС ЖИХАТЛАРИ

*Абдуназарова Н., Қарши ДУ ўқитувчиси
Усмонова Г., Қарши ДУ талабаси*

Бугунги кун тадқиқот ишларида ногиронлиги бўлган болаларга таълим - тарбия бериш, касбга йўналтириш ва меҳнат фаолиятига тайёргарлигини такомиллаштиришни талаб қилмоқда.

Махсус мактаб-интернатларда психологик диагностика ишининг муҳим вазифаси босқичма-босқич текширув иши бўлиб, бунда боланинг даволаниш вақтида ҳолатидаги ўзгаришларни, коррекцион (тузатиш) ва тарбиявий жиҳатларда, боладаги фақат ижобий динамик ўзгаришларни кўрсатмасликни таъкидлайди ва шу асосда бола билан олиб бориладиган педагогик-психологик коррекцион ишга ўз вақтида ўзгартириш киритиш имконини беради. Ёшидан қаътий назар таянч ҳаракат аъзолари бузилган болаларни педагогик-психологик жиҳатдан ўрганишда бир қатор ўзига хос мақсадлари бўлиб, илк болалик, мактабгача ва кичик мактаб ёшидавида асосий эътибор улардаги билиш жараёнларини шаклланишига қаратилади, бунда уларни босқичма-босқичли ривожлантирувчи коррекцион ишни ташкил қилиш орқали амалга ошириш керак бўлади.

Махсус мактаб-интернатда таълим олаётган ўқувчиларда касбий қизиқишлар шаклланишининг психологик хусусиятларини ривожлантиришга йўналтирилган тренинг машғулотининг вазифалари:

1. Шахсни ўз имкониятларини реал баҳолашга ўргатиш;
2. Ўз фикрини бошқаларга етказиб бера олиш малакасини шакллантириш.
3. Шахслараро муносабатда ўзини эркин тута олиш малакасини шакллантириш;
4. Мустақил фикрлаш, мустақил қарор қабул қилишга ўргатиш.
5. Иновацион фаолиятга доир кўникмаларни ҳосил қилиш.

Махсус мактаб педагоги дарс жараёнида қўллайдиган ўйинлар, усуллар ҳамда психолог томонидан ишлаб чиқилган психокоррекцион машғулотлардаги тренинг ўйинларни тузишда албатта махсус мактаб интернат ўқувчиларининг жисмоний ва психологик имкониятларини эътиборга олишлари ўта муҳимдир, чунки таянч ҳаракат аъзоларнинг бузилиши мия фаолияти ёки асаб системаси билан боғлиқ бўлади. Ортиқча хатти-ҳаракатлар ўқувчилардаги кўзгалиш ва тормозланиш жараёнига бевосита таъсир этиши, оқибатда эса бу уларнинг соғлиқларида ҳам жиддий хавф туғдириши мумкин. Машғулотларни шундай таркибда тузиш керак-ки, бунда ўқувчиларнинг ҳаракатларида зўриқиш бўлмаслиги, қўл-оёқлар ҳаракати билан ўтказиладиган ҳаракатли ўйинларни кўпайтирмасликка ҳаракат қилиш керак. Тренинг машғулотлари кўпроқ суҳбат шаклида, вазиятларни таҳлил қилиш ва ўринда ўтирган ҳолда ёки ўз ўрнида турган ҳолда ҳамда гуруҳнинг жисмоний имкониятларини иноватга олган равишда ўтказиш керак бўлади.

Қуйидаги машғулотлар ногирон ўқувчиларнинг психологик шахс хусусиятларини ривожлантиришга ёрдам беради.

"Барибир сен зўрсан" машқида ўқувчилар жуфтликларга бўлинадилар. Шерикларидан бири иккинчисига ҳаётида юзага келган мураккаб вазият, бирор нохушлик ёки ўзининг бирор камчилиги ҳақида гапириб беради. Сухбатдоши уни тинглаб, шундай дейди: "Барибир сен зўрсан", чунки ... (сабабини айтади).

"Менинг келажагим" машқини ўтказишда ўқувчилар айлана бўлиб ўтирадилар. Бошловчи кўрсатма беради. "Келинлар бугун келажагимизга назар ташлаймиз. Барчангиз келажакда кўлингиздан ҳамма иш келишини ҳоҳласангиз керак. Келажагингизни қандай тасаввур қиласиз. Ҳозир баланд овоз билан галма-гал ҳар бирингиз ўзингизнинг энг катта орзуингиз ҳақида гуруҳга айтасиз. Ҳар бир айтилган сўздан кейин биз ҳаммамиз бараварига қайтарамиз: "Сен буни уддалайсан, келажакда бунга эришасан..." ва сенинг орзуинг албатта амалга ошади". Ўйин ўқувчиларнинг орзулари ва тилаклари тугамагунча давом этади.

Юқорида кўрсатилган машғулотлардан ҳафтада 2-3 мартадан 30-45 дақиқадавомида ўтказиш ҳамда машғулотларнинг турларини кўпайтириб, ўзгартириб туриш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Шуни таъкидлаш лозимки, имконияти чекланган ўқувчиларнинг психологик жиҳатдан суст ривожланишларидатарбиявий жараёнда йўл қўйилган педагогик- психологик жароҳат туфайли катталар билан мулоқатга киришишда тортинчоқлик ва бошқа салбий ҳислатлар кузатилади. Махсус мактаб-интернат ва коллеж ўқитувчилари, тарбиячилари, ҳамда психологлари имконияти чекланган ўқувчиларнинг психологик ҳолатларининг ривожланишини кузатиб боришлари, шунингдек, ҳиссиётларини ўзига хослигини инобатга олган ҳолда улар билан таълим-тарбия ишларини тўғри ташкил этиш орқали, уларнинг руҳий сифатларининг ривожланиш самарадорлигини оширишда ҳамда таълим олишга, касб-ҳунар эгаллашга бўлган ижобий муносабатни шакллантиришда муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади.

UYQUNING SOG'LIK UCHUN PSIXOLOGIK AHAMIYATI

Elbekova F., Jo'rayeva N., Qarshi DU talabalari

Insonning ish qobiliyati uchun uyquning miqdori, sifati va doimiyligi muhim ahamiyatga ega. Kam uxlash yoki uxlay olmaslik xotiraning yomonlashuviga, yomon kayfiyat va boshqa psixik buzilishlarga olib keladi, diqqatni to'play olmaslikda namoyon bo'ladi. Aksincha, doimiy yaxshi uxlash psixikaning ish qobiliyatini oshiradi. "I.P.Pavlov uyquni nerv sistemasi qutqaruvchisi", Shekspir "ruh balzami", Aristotel "hayot xizmatkori" - deb bejiz aytishmagan. Uyqusizlik yoki uzoq vaqt yaxshi uxlamaslik salbiy o'zgarishlarga, masalan, yurak-qontomir kasalliklariga olib kelishi mumkin.

Uyqu bu bosh miya po'stloq hujayralarining faol tormozlanish jarayonidir. Miyaning ma'lum markazlari uyquning o'z vaqtida kelishiga javob beradi, bosh miya po'stloq hujayralari charchashning odini oladi. Lekin po'stloq ostidagi ko'p hujayralar uyqu vaqtida ham ishlashni davom ettiradi. Ularning ba'zilari po'stloqdagi tormozlanish holatini mustahkamlaydi, boshqalari esa organizmning hayoti uchun muhim jarayonlar – yurak faoliyati, nafas olish, moddalar almashinuvi kabilarning ishini ta'minlaydi. Uyqu jarayoni chuqur uyqu va tush ko'radigan uyqu bilan doimiy almashishda kechadi.

Bunday uyqu "tez to'liqlar uyqusi" deb ataladi, bu bosqichda inson qattiq uxlasa-da, tetiklik vaqtdagi to'liqlarga o'xshaydi. Tush ko'rayotgan vaqtda inson ko'zi tez-tez harakatlanadi. Parodoksal uyqu (tush ko'radigan) umumiy uyqu davomiyligining 20-30%ini tashkil etadi. Parodoksal uyquning birinchi bosqichi uxlagandan so'ng 40-90 daqiqadan so'ng boshlanadi, taxminan bir xil intervalda 4-6 marta takrorlanadi. Parodoksal uyquning davomiyligi 5-20 daqiqa. Uyquning sifatin baholashda tush ko'riladigan uyquga katta ahamiyat beriladi. Chaqaloqlarda ortodoksal (tush ko'rmaydigan) va parodoksal uyqu nisbati 8:8 ga teng. Qariyalarda uyquning umumiy davomiyligi kamayganda bu nisbat 5:1 ga teng bo'ladi.

Yaxshi uxlash uchun quyidagi qoidalarga rioya qilish kerak. Xona salqin, qorong'iroq, yaxshi shamollatilgan bo'lishi lozim. Kechki ovqat yengil va foydali bo'lishi, to'yib olib uxlamaslik lozim. Televizordan detektiv filmlarni ko'rish, vijdon azobi bilan bog'liq nizolar uyquga salbiy ta'sir ko'rsatadigan omillar qatoriga kiradi.

So'nggi vaqtlarda kun davomida 10-15 daqiqalik qisqa uyqular qiziqish uyg'otmoqda. Bunday uyqu ish unumdorligini oshiradi. Asosan ayollar ishlaydigan korxonalarda bunday qisqa uyqu bo'lsa, ish unumdorligi kechgacha pasaymagan, bunday uyqu bo'lmasa, kunning ikkinchi yarmida mehnat unumdorligi pasaygan.

XXI asr ilm fanining eng muvaffaqiyatli yechim topayotgan tibbiy- biologik muammolari orasida uyqu muammosi birinchilar qatorida tilga olinishi lozim. So'nggi o'n yillik tadqiqotlari uyqu mexanizmlari, uning yuzaga kelish sabablari, bedorlik bilan bog'liqligi, morfologik substrati, turli uyqu bosqichlari xususiyatlari, uning psixogigiyenik mohiyati to'g'risida yangi tasavvurlar berdi. Bu qonuniyatlarning ochilishi eksperimentning zamonaviy metodik imkoniyatlari – butun uyqu jarayonida ensefalografiyadan foydalanish bilan yengillashadi. Biroq uyqu – bedorlik biomaromining qismi sifatida ko'riladigan, uyqu to'g'risidagi qarashlar o'zgarishi ham yaxshigina ahamiyat kasb etadi.

Bugungi kunda onirologiya (uyqu to'g'risidagi fan)ning asosiy fazalari uyqu–bedorlik biomaromi tabiat maromlarining eng murakkab tizimlaridan biri bo'lib, faqat ularning asosida a'zolar va organizmning bir butun holda funksiyalarini uzoq vaqt saqlash va qayta tiklash mumkin bo'lgan biologik mohiyatga ega ekanligini ilgari suradi. Sutkali maromlar murakkab maromlar tizimida o'ziga xos ahamiyatga ega. U endogen, tashqi muhitga nisbatan bog'liq bo'lmagan ritmik jarayonlarni tashqi muhitning ekzogen geofizik omillari bilan bir vaqtda kechishini, shuningdek organizmning tashqi sharoitga mos ravishda moslashuvini ta'minlaydi. Sutkali marom organizmning ko'plab funksiyalari ko'rsatkichlari tebranishida namoyon bo'ladi: tana harorati, puls, nafas olish chastotasi, arterial qon bosimi, adrenalin sekretsiyasi, ishlash qobiliyati, ichki ko'z bosimi, intellektual faoliyat mahsuldorligi va h.k. Bu marom S.Richter bo'yicha uch mexanizm bilan ta'minlanadi:

“periferik soatlar” alohida hujayralarda joylashgan bo'lib, DNK bilan bog'liq, ularning faoliyati organizmning barcha funksiyalari tebranishlarining bioximik asosi hisoblanadi;

periferik “biologik soatlar” faoliyati gipotalamik sohada joylashgan gomeostatik soatlar bilan boshqariladi;

ritmik jarayonlarni boshqarishning shartli reflektor tarkibiy qismi bosh miya po'stlog'i bilan bog'liq.

Sust va g'ayritabiiy uyqu manzarasi tun davomida bir necha marta bir- biri bilan o'rmini almashadi. Shunday qilib, uyqu- bu organizmning o'ziga xos holati va faoliyati bo'lib, ularning asosi xujayralarning halqali bioximik jarayonlari hisoblanadi va ular markaziy nerv tizimining sinxronlashtiruvchi va faollashtiruvchi tuzilmalar tipologiyasi- XX asr fiziologiyasi va morfologiyasining eng muhim yutuqlaridan biridir. Hozirgi vaqtda uyqu paytida miyada konsentratsiyasi ortib ketuvchi biologik faol moddalar– atsetilxolin, gamma-aminamoyli kislota, serotonin va boshqalarning ahamiyati o'rganilmoqda. Ularning ta'siri bosh miya neyronlarining sinxronlashtiruvchi va faollashtiruvchi tizim ishidagi meditorlik ahamiyati doirasida ko'riladi.

Bugungi kunda bedorlik holatini tutib turishda analizatorlar ahamiyati shu narsa bilan izohlanadiki, periferiyadan kelayotgan impulslar oqimi miya sopi retikulyar formatsiyasining faoliyatini kuchaytiradi, uning to'xtashi esa, uyquning vujudga kelishini ta'minlaydi.

Uyqu markazlarini qidirishga qaratilgan klinik va eksperimental ishlar, XX asrning birinchi yarmidayoq, keyinchalik bosh miya sinxronlashtiruvchi tizimining murakkab tuzilmasiga birlashtirilgan alohida sohalarni ajratish imkonini berdi.

Uyqu–bedorlik biomaromini ta'minlashda asosiy rolni faollashtiruvchi va sinxronlashtiruvchi tizimlarga qaratib, zamonaviy fiziologiya, gipogen apparatlarni o'z ichiga olgan omillarga ichki vegetativmarom, informatsion zo'riqish, u tufayli yuzaga keladigan charchoq va shartli reflektor omillar (yorug'lik, shovqin, kun tartibi, uyqu) to'plami kiradi, deb hisoblaydi.

Psixogigiena uchun uyquning funksional vazifasi to'g'risidagi zamonaviy tasavvurlar juda muhimdir. I.P.Pavlov tomonidan uning saqlash funksiyasi ta'kidlangan. Lekin uyqu dezintoksikatsiya davri va miya neyronlari bilan oldinda turgan faoliyat uchun zarur bo'lgan energetik resurslar to'plash usuli sifatida ko'rilgan bo'lsa, hozirgi kunga kelib maxsus eksperiment tadqiqotchilari uyqu bilan bir qatorda uning alohida bosqichlari bilan ham bog'liq hayotiy muhim jarayonlar to'g'risida gapirish imkonini beradi. Zamonaviy tasavvurlar bo'yicha uyqu vaqtida bosh miya hujayralarida, na hujayra tuzilmasining morfologik doimiyiligi, na ularning ishlashi mumkin bo'lgan faol reparativ jarayonlar kechadi. Sust uyqu vaqtida faol jarayonlar asosan neyrologiya hujayralarida kechadi, g'ayritabiiy uyqu vaqtida esa neyronlarning o'zida kechadi, deb hisoblashadi. Ko'ngillilarni kuzatish natijalari shuni ko'rsatdiki, inson me'yorda uyqudan to'yimganda birinchi galda markaziy nerv tizimi azob chekadi: charchoq yuzaga keladi va ortadi, ixtiyoriy diqqat buziladi, emotsional beqarorlik va psixosensor siljishlar yuzaga keladi, ong buziladi, gallyutsinatsiyalar yuzaga keladi.

СПОРТЧИ ШАХСИНИ ТАРБИЯЛАШДА ПСИХОЛОГИК БИЛИМЛАРНИНГ АҲАМИЯТИ

Эргашева С., Қариш ДУ ўқитувчиси

Спортчини шуғуллантиришда умумий ва махсус жиҳатдан жисмоний, ахлоқий, иродавий ва назарий тайёргарлигини таъминлаш, спорт мусобақаларида зарур бўладиган техник ва тактик кўникмаларни эгаллашга ўргатишдан, олдин уларда шахсга хос бўлган қизиқиши, дунёқараши, спорта бўлган лаёқати ҳамда улар билан бирга қобилиятларини ҳам аниқлашимиз қолаверса темперамент ва характерларига катта эътибор бермоғимиз керак.

Чунки спорт ҳам шахс фаолиятининг энг муҳимларидан биридир. Сабаби жисмоний қобилиятсиз демократик жамият ҳам ва бу жамият ҳақида тушунчаларни ҳам тасаввур қилиб бўлмайди.

Спортда шахс жисмоний жиҳатдан камолотга етади, жисмоний ривожланиш эса шахсда психик сифатларининг ўсишига зўр таъсир кўрсатади. Бу иккаласи бир-бири билан органик равишда боғланган бўлиб, уларни ажратиб қараш мумкин эмас. Демак, бундан маълумки кишиларни демократик руҳида тарбиялашда катта аҳамиятга эгадир.

Шунингдек спортда шахсни иродавий ва бошқа психологик сифатларини такомиллашади. Спорт инсон ёшининг маълум даврида катта аҳамиятга эгадир. Анатомия, физиология ва психология фанидан равшанки, шахснинг ўсмирлик ва ёшлик даври жисмоний қобилиятни намоён қилиш учун жуда лойиқдир. Шу билан биргаликда бу ёки у даврида шахснинг психологик хусусиятларини тарбиялаш учун ҳам кенг имконият туғилади чунки, психологик хусусият ва сифатлар жисмоний ривожланиш билан боғлиқдир.

Спортчи спортнинг у ёки бу тури билан шуғулланар экан, у доимо юқори натижаларига эришишини мақсад қилиб кўяди.

Бу эса спортчидан: Узоқ давомида тренировка қилиш натижасида умумий жисмоний тараққиётни, организмнинг физиологик функцияларни юксак даражада ривожланганлигини талаб қилади. Спорт фаолияти доимий равишда ҳар бир ҳаракатга ижобий қарашни талаб қилади. Бу ҳол айниқса бадиий гимнастикада, боксёр, фектовальщик, футболлист, курашчиларда, сакровчи ва бошқаларда яққол кўринади.

Бу эса спортчида тафакурнинг юритиш операциясининг юксак ўсишини талаб қилади. Чунки спортда дархол ечилишни талаб қиладиган приёмга, тактика оид масалалар тез-тез учраб туради. Бу зарурият спортида тафаккур қилиш қобилиятини ўстиради. Бундан ташқари спортда эмоция. Идрок ва бошқа психик жараёнлар ҳам камолга етади.

Илмий текширишлар шуни кўрсатадики, кун йиллик тажрибага эга бўлган тренер ва спортчиларни текширилганда улар орасида бўш асаб тизими эга бўлганлари кам учрайди. Вахоланки спорт билан шуғулланмаган кишилар ўртасида бўш асаб тизимли кишилар тез-тез учраб туради.

Флегматик – темпераментли киши яқин дистанцияга тез югираолмайди, боксда эса тез ҳаракат қила олмайди, аммо асаб тизими тренировка қилиш натижасида бундай типни ўзгариши спортнинг айрим турларини эгаллай олганлиги исботланган. Холерик темпераментли кишилар яқин дистанцияга югуришга, боксга жуда мос келадилар, лекин мусобақа пайтида ошиқча хаяжонландилар, учраган тўсиқларни енгишда аччиқландилар.

Спорт мақсадга интилиш, интизомлилик ўз кучига ишонч, ташаббускорлик, мустақиллик, мардлик, қатъият, дадиллик, ўзини тута билиш, чидамлилик каби иродавий сифатларни шакллантиришига таъсир кўрсатади. Спортчида бундай ижобий сифатлар режали ва тизимли тренировканинг, тренер меҳнатининг оқибатидир.

Спортчида иродавий ғоявий сифатларнинг яққол кўринадиган шароит-спорт мусобақасидир. Чунки мусобақада спортчининг барча қобилияти ва сифатлари намоён бўлади. Бу эса спортчини иродавий ғоявий жиҳатдан тарбиялаш учун бутун бир реал имкондир. Шу асосида тренер ҳамда спортсмен шахсан ўзи иродасидаги етишмовчиликларни тузатиш чораларини белгилай олади.

Спортчининг иродавий-ғоявий етуқлиги қатор мусобақаларда ютуқлари ва кўпчилик тасдиғи билан характерланади. Маълумки спортчи спорт жараёнида ўз олдига мақсад ва вазифалар кўяди. Бу мақсад ва вазифалар иродавий сифатларни тарбиялашнинг шароитидир.

Баъзи спортчилар ўз шахсий устунлигини назарда тутиб мусобақада иштирок этадилар. Бу эса кўпинча индивидуализм, мақтончоклик, ўз шахсини ошиқча кўтариб юбориш каби салбий сифатларни шаклланишига олиб келади.

Демак бундан шундай хулоса келиб чиқади. Спорт жараёнида ижобий сифатлар билан биргаликда салбий сифатлар кам намоён бўлиб туради. Салбий сифатларнинг пайдо бўлиб туришининг асосий сабаби спортчини биринчидан жисмоний, техникавий ва тактикавий етук эмаслигида бўлса, иккинчи томондан унинг иродавий ва ғоявий томондан етарли тайёрланмаганлигидадир. Шу сабабали тренер спорчининг бу икки муҳим томонига алоҳида эътибор билан қарамоғи лозим.

TA'LIM JARAYONDA ISHONTIRISH VA UNING AHAMIYATI

Rajabova L., Qarshi DU o'qituvchisi

Kishilarning o'zaro ta'sir etishdagi barcha vaziyatlar, asosan to'rtta o'zaro bog'liq munosabatlar orqali amalga oshiriladi: ishontirish, o'ziga rom qila olish, taqlid qilish, uqtirish. Pedagogik ta'siretishning muhim metodlaridan biri bu - ishontirishdir

Ishontirish - bu biror fikr yoki xulosani mantiqiy asoslashdir. Ishontirish suhbatdosh yoki guruh ongini o'zgartirib, ma'lum fikr qo'llab-quvvatlaydigan va uning asosida faoliyat ko'rsatishni nazarda tutadi.

So'z bilan ishontirish eng qiyin tarbiyaviy vositalardir. Bunda tinglovchilar fikrini o'zgartira oladigan mantiq yoki suhbat ohangini tanlash juda muhimdir.

Ishontirish - ishontiruvchi axborotning mazmunli bo'lishi, tinglovchi esa unga ongli munosabatda bo'lishini nazarda tutadi.

Ishonuvchanlik - bukishining o'z xulqini boshqa kishi yoki kishilar guruhi talabi bilan o'zgarishi.

Ishonuvchanlik - nerv sistemasining normal holati. Lekin uning aks etishi turli hollarda turlicha. U yoshga (yoshroqlarda yuqoriroq), jinsga (ayollarda ishonuvchanlik yuqoriroq), intellektga (ma'lumot oshishi bilan inonuvchanlik pasayadi), sog'liq holatiga (charchaganda, kasallikdan so'ng ishonuvchanlik yuqori bo'ladi) va boshqa omillarga bog'liq. Bundan tashqari ishontiruvchi shaxsning roli ham muhim.

Ishontirish faqat o'qituvchi bilan muloqotga emas balki boshqa hollarda ham o'quvchiga ta'sir qiladi. (O'rtacha qobiliyatli, sekinlik bilan ish qiluvchi o'quvchi borgan sari yomon o'zlashtiradigan bo'la boradi. O'qituvchining "Nima uchun o'zlashtirmayapsan?" degan savoliga "Mening kalam ishlamaydi", deb javob beradi. Suhbatdan aniq bo'ladi-ki, uyda vazifa bajarganda buvisi yonida o'tirgan va uning sekin harakatlanishi va sekin fikrlashidan zerikib "uning kallang ishlamaydi", degan ekan. Bola bu fikrga o'zini ishontirib yomon o'zlashtira boshlagan).

Ishontirish ijobiy va salbiy bo'lishi mumkin. O'qituvchi o'quvchida ijobiy holat - uy vazifasini tayyorlash ko'nikmasi shakllanishini xohlaydi. Uning ko'ziga ifodali qarab, hukmron tovushda deydi: ya'ni yaxshi o'qishni xoxlaysan va o'qiy olasan. Bugun soat 3 da dars tayyorlashga o'tirasan".

Shaxs rivojlanishiga o'z - o'zini ishontirishning o'rni muhimdir. O'z - o'zini ishontirishning yuksak darajasini biz yoglar faoliyatida ko'rishimiz mumkin.

O'quvchi o'z kamchiligini bilib, uni to'g'rilashga kirishishini ko'rsak o'z - o'zini ishontirdi deb bilamiz. Ba'zan esa salbiy holatlar, sifatlarga o'z - o'zini ishontirish ham bo'ladi.

O'z - o'zini ishontirish tarbiyaviy maqsadlarda qo'llash faqat etarli darajada rivojlangan shaxsda qo'llash mumkin.

Ishontirish haqiqiy va soxta bo'lishi mumkin. Haqiqiy ishonch haqiqiy voqelikka mos keladi va shaxsning jamiyat oldidagi qadr-qimmatini oshiradi. O'zining haqiqiy ishonchigasodiq bo'lishi hatto o'limga ham rozi bo'ladi. Masalan, Vatanga sodiqlik ruhida tarbiyalangan askarlarimizni jang maydonida ko'rsatgan matonatlari. Soxta ishonch esa, avvalo sinf jamoasi, qolaversa, jamiyat uchun ham zararli bo'lgan odatlarni shakllanishiga olib keladi. Soxta ishonch o'quvchilarning o'zi va atrofdagilar ta'sirining umumlashuvi natijasida vujudga keladi.

Ayrim o'quvchilarda soxta ishonch hosil bo'lishining sabablari quyidagilardan iborat bo'lishi mumkin:

- faqat a'lo bahoga o'qish - bu bilim olishda ko'r-ko'ronalik, quruq yodlashga olib borish;
- o'zini o'ta itoatkorona tutish - bu o'quvchi faoliyatini nihoyatda sust bo'lishiga olib keladi;
- o'qituvchini aldash - bu o'quvchi o'ta aqlli va topqirligidan dalolat beradi;
- maktab ichki tartib-qoidasini buzish - faqat kuchli xarakterga ega bo'lgan o'quvchigina doimo o'qituvchi tomonidan tanqid qilib turiladi;
- haddan tashqari ko'p mehnat qilish - bu kerak bo'lmagan tirishqoqlikdir.

Yuqoridagi bunday ishonchlar o'quvchida shakllanib, asta-sekin boqimandalik, o'qish va mehnat faoliyatida sustkashlik kayfiyatini sodir qiladi.

Soxta ishonchni bartaraf qilish o'qituvchidan astoydil mehnat qilishni talab qiladi. Buni uch yo'nalishda olib borish lozim: sinf jamoasida sog'lom ijtimoiy fikrni shakllantirish, muhim ahamiyat kasb etuvchi hayotiy tajriba yaratish, soxta ishonchlarni asosli ravishda inkor qilish. Birinchi navbatda jamoani shakllantirishga, uni yaqin kelajakda va istiqboliy rivojlanish yo'nalishlarini yaratishga alohida e'tibor berish zarur. O'qituvchi har bir o'quvchidagi ijobiy xislatlarga asoslangan holda, ahil sinf jamoasi yordamida soxta ishonchlarni bartaraf qilishda qiyinchiliklarga duchor bo'lmaydi. Soxta ishonchlarni o'zgartirishning quyidagi usullari mavjud:

- o'quvchiga o'zini boshqalar bilan taqqoslashga undash, uning fikriga qarama-qarshi fikrda bo'lgan kishi bilan yaqindan tanishish (masalan, bola o'qishni hohlamaydi, Lekin uning tanish o'rtog'i ko'p o'qiydi va biladi, ammo o'zining «quruq yodlovchi» yoki «o'ta bilimdon» qilib ko'rsatmaydi);

- noto'g'ri qarashlar va ishonch oqibatda nimalarga olib borishini ko'rsatish (maslan, ana shunday xislatlarga ega bo'lib o'z hayotini barbod qilgan, o'z erki, g'ururi va vijdonini yo'qotgan kishilar haqida so'zlab borish. Buning uchun hayotiy misollar, badiiy asar, kinofilmlar va boshqalardan foydalanish mumkin);

- soxta ishonchni yoqlab himoya qiluvchi o'quvchi fikrini mantiqiy rivojlantirib, uni hayratga soluvchi holatga etkazish (masalan, barcha o'quvchilar o'qituvchilarni aldash, ichki tartib-qoidalarga rioya qilmaslik nimalarga olib borishi mumkinligini uqtirish);

- o'quvchiga o'z qarashlarini asoslab, isbotlashga imkon berish va ularni alohida birma-bir inkor qilish. Soxta ishonchlar haqiqiy ishonch, ahloqiy tasavvurlar, qadriyatlar va odatlar bilan almashinishi lozim.

Noto'g'ri ishonchlarni bartaraf qilish uchun quyidagi usullardan foydalaniladi:

- o'smir ma'naviy dunyosida qadriyatlar to'qnashuvini vujudga keltirish kuchli bo'lish istagi, sportning ixtiyoriy turi bilan shug'ullanishi mumkin, buning uchun esa kun tartibiga rioya qilish va astoydil o'qish zarur. Radio (foto) to'garakka a'zo bo'lishi mumkin, Lekin buning uchun ikki bahosiz o'qish kerak va hokazo;

- o'qituvchi ahloqiy sifatlarini o'quvchining noto'g'ri xulqi bilan to'qnashuvi: o'quvchining qo'pol muomalasiga o'qituvchi o'zini tutib, muloyimlik bilan javob beradi. O'quvchi shaxsi va g'ururini poymol qilmaydi;

- o'quvchi notog'ri hatti-harakat qilganda ham ishonch bildirib, uning qarashlarini o'zgartirish («Men senga qanday yordam beray? Seni qiynalayotganingni ko'rib turibman-ku!»);

- o'quvchidagi noto'g'ri ishonch bilan, sinf o'quvchilari amaliy tajribasiga asoslangan sog'lom fikr o'rtasida kurash paydo qilish, uning har bir noto'g'ri fikrini alohida-alohida inkor qilish.

O'quvchi bilan muloqotda bo'lganda, avvalo uning o'zini ham ikkilantirib turgan soxta ishonchlarni «asta-sekin», «paypaslab» topish, asosli tarzda ularni bartaraf qilishi kerak. Agar o'quvchi ishonchlarini jarayonini erkin, o'z hohishi bilan qabul qilsa, maqsadga erishish oson bo'ladi.

Ishontirish natijasi o'qituvchi so'zi va xulqiga ham bog'liqdir. Tarbiyachining so'zi va ishi bir bo'lishi kerak. Masalan, jahl ustida o'quvchini jazolash bilan qo'rqitib, s o'ng esdan chiqarib qo'yishi, o'quvchilarga va'da berib uni bajarmaslik va hokazolar, ishonchirish metodi samarasini pasaytiradi. Eng yomoni-o'qituvchi o'quvchilarga haqiqat haqida balandparvoz so'zlarni aytganda, o'zi kundalik ish faoliyatida unga amal qilmasligidir. Bunday o'qituvchi jamiyatga katta zarar keltiradi.

Ishontirishning yuqori samaradorligi o'quvchilar bilimlarini (irodaviy xislatlar, to'g'ri xulq me'yorlarini tarkib toptirish) mustahkamlovchi mashqlarga ham bog'liq bo'ladi. O'quvchi xarakterini shakllantirishda mashqlar alohida o'rin tutishini o'z davrida A.S.Makarenko ham ta'kidlab, kimningdir jasorati haqidagi hikoyalarni o'qib berish bilangina o'quvchilarda jasurlikni tarbiyalab bo'lmasligini uqtirgan. Bu holda boshqalar jasoratini ko'z-ko'z qiluvchi, undan faqat zavqlanuvchi sub^kt- tomoshabinni tarbiyalab etkazish mumkin. Insonni shunday holatga tushirish kerakki, u chidamlilik, shiddatkorlik va jasurlik xislatlarini namoyon qila olsin. Mehnatsevarlikni mehnat haqidagi hikoyalar bilan emas, balki mehnat jarayonini o'zida tarbiyalash, xuddi shuningdek, shiddatkorlik esa qo'rqoqlikni va jur'atsizlikni engishda tarbiyalanadi.

Ba'zan maktablarda faqat og'zaki tadbirlar o'tkazishga nihoyatda ko'p e'tibor beriladi. Birinchidan, bunday tadbirlar bolalarni zeriktiradi, ikkinchidan, ular hayotdagi aniq vaziyatlarda o'zini qanday tutishga oid tajribani egallay olmaydilar.

Natijada, ijtimoiy hayotda sustkash bo'lib etishadilar. Lekin, bunday og'zaki tadbirlarni ham yuqori darajada ishonchirish salohiyatiga ega bo'ladigan qilib o'tkazish mumkin.

БЎСМДА СУЗИШ БЎЙИЧА БОЛАЛАРНИНГ БОШЛАНҒИЧ ТАНЛОВИДА СПОРТ ПСИХОЛОГИК ХИЗМАТИНИНГ ЎРНИ

Акбарова М. А., Қариш ДУ магистранти

Мустақилликнинг илк йиллариданок ёш авлодни ҳар жихатдан соғлом, миллий ва умуминсоний кадриятларга садоқат руҳида вояга етказишга қаратилган улкан эътибор таълим-тарбиянинг муҳим буғини ҳисобланган болалар спорти ривожига ҳам ўзининг ёрқин ифодасини топмоқда.

Спортни ривожлантириш бўйича Ўзбекистон Республикаси Президентининг ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари чиқарилишининг ўзи ҳам бу соҳасини ривожлантириш долзарб масала эканлигини билдирадию

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикаси ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб қувватлаш йили»да амалга оширишга оид Давлат дастури тўғрисидаги» 2018 йил 22 январдаги ПФ-5308-сон Фармонида мувофиқ ҳамда сув спорти турлари бўйича спорт захираси ва юксак маҳоратли спортчиларни тайёрлаш, сув спорти турлари бўйича болалар тренерларини тайёрлаш ва селекция ишларини йўлга қўйиш, спорт муассалари тренерлари ва ходимларини моддий рағбатлантириш такомиллаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси Қарор қилади; «Сузиш спорт турларини ривожлантириш чора – тадбирлари» 2018 йил 3 май, 333-сонли қарорида қўйдагилар таъкидланган;

- 2018-2021 йилларда сузиш спорт турларини ривожлантириш;

- сузиш спорт турларини оммалаштириш, иқтидорли спортчиларни саралаш (селекция) ишлари самарадорлигини ошириш;

-сузиш спорт тури бўйича ўқувчи –спортчиларни гуруҳдан гуруҳга ўтказиш назорат норматив меъёрлари талабларини ишлаб чиқиш;

- ўқув – тайёрлов гуруҳларига 9-12 ёшли уғил ва қиз болаларни қабул қилиш ва гуруҳдан гуруҳга ўтказиш меъёрлари назорат–норматив талаблари ишлаб чиқиш ва хусусан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси 2019 йил 13 феврал- 118-сонли «2019-2023 йиллар даврида Ўзбекистон Республикасида жисмоний тарбия ва оммавий спортни ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида» қарорида қўйдагилар таъкидланган ;

- Жисмоний тарбия ва оммавий спорт соҳасига маъмурий кадрлар тайёрлаш жараёнига спортни бошқаришнинг махсус дастурларини жорий этиш, профессионаallar, менежерлар, спорт тиббиёт ходимлари ва психологлар учун семинарлар ўтказиш;

- Селекция, селекционер тренерлар фаолиятини қўллаб-қувватлаш чора-тадбирларини кучайтириш йўли билан истеъдодли спортчиларни танлаш;

2019-2023 йиллар даврида Ўзбекистон Республикасида жисмоний тарбия ва оммавий спортни ривожлантириш концепциясини амалга оширишда қўллаб-қувватлаган натижалар.

-Жисмоний тарбия ва оммавий спорт соҳасини модернизация қилишнинг олдинга қўйилган вазибаларини ҳал этиш иқтисодиётни инновацион ривожлантиришни таъминлашнинг устувор йўналишларидан ва Ўзбекистон Республикасининг геосиёсий рақобатбардошлигидан келиб чиқиб мамлакат инсон капиталини аниқ мақсадни кўзлаб шакллантиришнинг кенг имкониятларини таъминлайди.

- спортнинг оммавий турларини, шунингдек, бошқа қўшимча омилар ва йўналишларни (тиббий, психологик ва шу кабилар) ривожлантиришга олиб келади.

Спорт психологияси психология фанининг нисбатан ёш бўлишига қарамадан, кўплаб долзарб масалалар, кўплаб тадқиқотларда кенг тарқалган улар асосан энгил атлетика, оғир атлетика, гимнастика, жамоавий ўйинлар турлари, кишки спорт турлари орасида кенг тарқалган. Бизнинг фикримизча бу масала болалар спорт сузиши бўйича ҳам тааллуқлидир. Чунки бошқа спорт турлари энгил атлетика, футбол, кураш, жамоавий ўйин турлари, болалар учун табиий ҳаракатлар турларига қаради. Сув спорти турлари; сузиш, трамплиндан сакраш, психологик жихатдан экстремал ҳаракатлар турларига қаради. Сувда ҳаракатлар нотабиий, вазн оғирсизлиги, гавдани ушлаб турадиган таянч (опора) нуқталар йўқлиги, болаларда кўрқув хиссиётини келиб чиқаради (муқулларда нейротризм – турлари; қалтираш, титраш (судороги, поддегивание) ҳолатлари юзага келиши, сувда чўкиб қолишдан кўрқиб). Бу психологик ҳолатлар болалар сув спорти турларидан сузишда тўлиқ ўрганилган эмас. Психогарма методлари тадқиқ этилмаган, умуман болалар сузиш спортида танлов усули, тиббий–биологик ва тренер танловига асосланган.

Сузишнинг қисқа масофаларида бу усул ёрдам бериши мумкин. Сузишнинг ўрта ва узок масофаларида тренерларга спорт психологининг ёрдами беқиёс. Сузиш спортнинг олимпия турлари бўлганлиги ҳамда, эрақлар ва аёллар ўртасида алоҳида-алоҳида сузишнинг 16 та масофа (дистанция) учун олимпиада медалларини тақдим этилишини ҳам унутмаслигимиз керак. Германия давлатининг сузиш бўйича мутахассисларининг хулосалари бўйича 100 та 9 ёшли болалар орасидан 80% яъни 80 таси сузиш танловига тўғри келади.

Оралик танловдан сўнг махсус олимпия резервларига 20% ёш сузучилар (16 та) тақдим этилади. 10000 та ёш сузувчилардан танлаб олинган болалардан 800 таси (8 %) сузувчи спортчи бўлади. Улар орасидан 10 таси (12%) халқаро тойифадаги сузувчи спортчи бўлади ва 2 таси олимпиадага йўлланмаларини олишади.

Сузиш бўйича Олимпиадага катнашиш учун 1000 000 та сузиш спортчисидан 1таси олимпиада совдиндори ёки чемпион бўлиши мумкин.

Хеч кимга сир эмаски, ёш авлод бирламчи спорт кўникмалари ўргангандан сўнг уларнинг тақдирини ота-онаси, шифокор ва мураббийга боғлиқ, уларни тиббий антропологик хусусиятлари ўрганилиб, спортга ярайди ёки ярамайди деган хулоса берилиб, боланинг психологияси ва темпераменти ўрганилмасдан туриб, мажбуран спортга жалб этилади. Натижада кўп бола лар ,гарчи тренерларининг улардан буюк спортчи чиқади деган башоратига зид, спортни барвақт тарк этишади.

Шуларни эътиборга олиб Карши шаҳридаги БЎМС ва ОЗСМ болаларининг 9-12 ёшдаги ёш сузувчиларнинг тиббиёт ходимлари ва тренерларнинг тиббий – биологик кўрсатларига асосланиб сузиш мактабига қабул қилинган, лекин психологик тест ўтказилмаган 40 та болалар ва 4та тренернинг темперментига асосланиб ва психологик хизматнинг болалар спортидаги ўрнини ўрганиш мақсадида улар орасида 3 хил йўналишдаги психологик ҳолати ўрганилди

1.Биринчи йўналишда тренернинг психологик ҳолати ўрганишда темперменти 4 хил булган тренерлар (мураббий танлаб олинди.1 та-холерик, 2 та-сангвиник, 1та-флегматик ва 1та меланхолик.

2. Иккинчи йўналиш 9-12 ёшдаги 40 та болалар (20 та уғил бола ва 20та қиз бола) орасида темпермент тестларда; 30 % холерик (12 киши), 30% (12киши) сангвиник, 20% флегматик (8киши) ва 20% меланхолик (8 киши) ташкил этди.

3. Учинчи йўналиш тренер ва спортга жалб этиладиган ёш сузувчиларнинг темперантининг бир – бирига тўғри келиши ва келмаслиги, спортдаги тренер ва ёш сузувчиларнинг ўзаро биполяр системасининг (ўзаро ҳаракат ва ўзаро боғлиқлигининг -интеринертлиги) ўрганилиши натижасида интеринертлик (ўзаро боғлиқлик) психолог тестларда 1-чи ўринда сангвиник тренер ва сангвиник ёш сузувчилар, 2- чи ўринда флегматик тренер ва флегматик ёш сузувчилар, 3- ўринда меланхолик тренер ва ёш сузувчи меланхолик темперamenti бир бирига тўғри келди, 4-ўринда холерик темперamentiли тренер ва холерик темперament ёш сузувчиларининг 12 киши -30%- текширувчиларнинг бир бирига тўғри келмади . Келажакда улар орасида келиша олмаслик даражаси баланд бўлиши кутилади

1. БЎСМда сузиш бўйича болаларнинг бошланғич спорт танловида, шифокор, тренер (мураббий) билан биргаликда педагог ва спорт психологи қатнашиши шарт.

2. Болалар билан биргаликда БЎСМдаги тренерларнинг ўзларига ҳам биполяр ёки антиполяр (тренер ва спортчининг характериға тўғри келиши ва келмаслиги) психологик тест ўтказилиши керак.

3.Сузиш спортида болаларни танлашда, психологнинг ўзи ҳам шу спорт турини тўлиқ ўрганган ва сузишни биладиган шахс бўлиши шарт.

4. Бошланғич спорт танловида, танланиб олинган холерик темперamentiли ёш сузувчиларинг 30% тренерларнинг (мураббий) темперamentiға мос келмаслиги натижасида, спортни барвақт тарк этишади. Бу эса келажакда жохон ва олимпиада даражасидаги спортчиларни йуқотиш ва ўрта даражадаги спортчиларни етиштириш демақдир.

PSIHIK RIVOJLANISHIDA NUQSONI BO‘LGAN BOLANI O‘RGANISHDA ILMIY TADQIQOT USULLARIDAN FOYDALANISH

Baxramova A.A., SamDU o‘qituvchisi

Bizga ma’lumki bola xulqidagi uning psixik rivojlanishidagi nuqsonlar xilma-xildir. Bolani psixologik tadqiq qilish, uning xulqidagi ayrim nuqsonlarni o‘rganish asosan suhbat, kuzatish usullaridan foydalanishni talab etadi. Suhbat bola bilan hissiy aloqa o‘rgatishga, unda taklif qilinayotgan ishga to‘g‘ri munosabat o‘rnatishga qaratiladi. Bo‘shang, qat’iyatsiz, qo‘rqoq bolalarni tetiklashtirish, maqtash, qo‘zg‘aluvchan

bolalarga nisbatan qattiqqo‘l, talabchan bo‘lish lozim. Suhbat mazmuni bolaning atrof haqidagi tasavvurlarining xususiyatlarini aniqlashga qaratilishi kerak. Suhbat bolaning qiziqishlari, uning sevimli mashg‘ulotlari va o‘yinlariga qaratilgan bo‘lishi zarur. Suhbat jonli va erkin kechishi lozim. Suhbatni oddiy savollardan boshlash maqsadga muvofiq.

Agarda bola savollarga javob berishdan bosh tortsa, unga birorta rasmni yoki o‘yinchoqni ko‘rib chiqishni taklif etish mumkin va asta-sekin bola bilan kontakt o‘rnatib suhbatni kerakli tomonga yo‘naltiriladi. Suhbat bola xulqining kuzatish ma‘lumotlari bilan birgalikda u haqida dastlabki ma‘lumotlarni beradi. Bular asosida tekshiruvchi bolaga tekshirishni qanday darajada murakkablikdagi topshiriqlardan boshlash lozimligini aniqlab olishga yordam beradi. Suhbat bola bilan bevosita aloqa qilish xarakterida bo‘lishi lozim. Savollarning mazmuni, tartibi va tuzilishi bolaning javoblari, uning reaksiyasiga (masalan, xafa bo‘lish, ranjish, diqqati, sergakligi) hamda umumiy holatiga (bo‘shaganlik, qo‘zg‘aluvchanlik, diqqatning tarqoqligi va hokazo) bog‘liq. Bola bilan suhbatni bola xulqidagi nuqsonni aniqlash komissiya a‘zolaridan faqat bittasi o‘tkazadi, bolaga komissiya a‘zolarining bir nechtasini ketma-ket savol berishi mumkin emas.

Suhbat vaqtida bolaning xulqini va reaksiyasini sinchiklab kuzatish lozim. Bunday kuzatishlarisiz suhbat o‘rganish metodi sifatida o‘z ahamiyatini yo‘qotadi. Bolaning javoblarini baholash va ular asosida qandaydir bir xulosalar chiqarish katta xatoga yo‘l qo‘yishdir. Masalan, bola javob berishdan bosh tortsa yoki noto‘g‘ri javob bersa har vaqt ham bu undan so‘ralayotganlarni bilmasligi haqida ishonch hosil qilmasligi kerak. Ko‘pincha bola berilgan savolda diqqat e‘tiborini yetarlicha jamlamasligi, uning tuzilishini tushunmasligini kuzatish mumkin. Shu savol boshqacha qilib (boshqa formulirovkada) berilsa u qiyinchilik tug‘dirmaydi. Ba‘zan bola avval o‘tkazilgan suhbat ta‘sirida berilgan savolga yetarlicha tayyor bo‘lmasligi va uni pedagog ta‘sirida boshqa doirada idrok etishi mumkin. Suhbat jarayonidagi bola bilan pedagogning aloqa qilish xarakteri uning shaxsi xususiyatlarni aniqlash uchun muhim ahamiyatga ega. Shunday bolalar borki, ular aloqaga qiyinchilik bilan kirishadilar, suhbat jarayonida keskin, qovog‘i soliq, qiyinchilik bilan kirishadilar, savollarga istar-istamaslik bilan javob beradilar, negativlik reaksiyalariga moyil bo‘ladilar, boshqalari sharoitga ancha tez moslashadilar tez jonlanadilar, ishonuvchanlik, ochiq ko‘ngillik bilan savollarga bajonidil javob beradilar. Ba‘zi bolalar suhbat jarayonida o‘zlarini mustaqil tutadilar, vaziyatga qaramaydilar, savollarga o‘ylamasdan tez, oxirigacha eshitmasdan javob beradilar, boshqalari o‘zlarini vazmin, jiddiy tutadilar, berilgan savollarga shoshilmasdan javob beradilar. Suhbat jarayonidagi bunday kuzatishlar bolani konkret faoliyat jarayonida o‘rganishga va turli ma‘lumotlarni tahlil qilish, taqqoslashga yordam beradi.

To‘g‘ri o‘tkazilgan suhbat bolaning rivojlanishi va uning shaxsini xususiyatlari haqida ba‘zi tasavvurlarni beradi. Suhbatda bolaning ongida o‘quv faoliyati qanday o‘rin egallashini, o‘qishdagi qiyinchiliklarni anglay olishi, o‘z ishiga, xulqiga tanqidiy munosabatda bo‘la olishi bilan aniqlanadi. Suhbat natijasida boladagi neyrodinamik xususiyatlar haqida ba‘zi ma‘lumotlarni olish mumkin. Bo‘shanglik, tormoqlanganlik yoki aksincha, qo‘zg‘aluvchanlik, diqqatning tarqoqligi savol doirasida qola olmaslik bularning barchasi bolada qo‘zg‘alish va yoki tormozlanishning sekinlashgan va tezlashgan reaksiyalarning ustunligini taxmin qilishga imkon beradi. Suhbat bilish faoliyatining darajasi haqida ham ba‘zi tasavvurlarni beradi. Suhbat jarayonida biz bu bosqichda bola uchun xos bo‘lgan atrof olamni aks etish darajasini aniqlaymiz. Suhbat bolaning atrofda predmetlar va hodisalar haqidagi tasavvurlarining to‘g‘riligini, sabab bog‘lanishlarini o‘rnatish va ahamiyatlarini ahamiyatsizdan ajratishni bilishni aniqlashga imkon yaratadi. Suhbat jarayonida bilish faoliyatining qaysi tomonlarini chuqurroq o‘rganish lozimligini aniqlashadi. Shuning uchun suhbat bolaning psixik hayotining alohida tomonlarini ancha chuqur va maxsus o‘rganishdagi dastlabki qadamdir. Suhbatdan alohida faoliyat turlarini tekshirishga o‘tish rejali va yetarlicha asoslangan bo‘lishi kerak. Suhbatni tugatib, eksperimental-psixologik tekshirishga asta-sekin o‘tish lozim. Bolaga "Endi mening ba‘zi topshiriqlarimni bajarasan" yoki yanada soddaroq tarzda: "Qara, menda qanday rasmlar bor (o‘yin shaklida)" deyiladi. Eksperimental-psixologik tekshirishni o‘tkazishda bolaning ishga bo‘lgan munosabati, qiziqishi borligi yoki yo‘qligi, maqtov yoki tanbehga reaksiyasi va hokazolarga e‘tibor beriladi. Bu kuzatishlar bola faoliyatini tuzilishini tahlil qilish, patologik xususiyatlarni ochishga imkon yaratadi. Bolaning intellektual rivojlanishi haqida asoslangan xulosa chiqarish uchun alohida topshiriqlarni bajarish xarakteri bilan birgalikda uning faoliyatini ham tahlil qilish lozim. Birorta topshiriqning bajarishning yaxshi yoki yomon natijalari intellektual rivojlanish darajasi haqida fikr yuritishga asos bermaydi. Bola faoliyatining xususiyatlarini ko‘p miqdordagi turli topshiriqlarni bajarishda e‘tiborga olish va bola uchun xarakterli bo‘lgan psixologik ma‘lumotlarni (yosh, shaxs) va agarda mavjud bo‘lsa intellektual faoliyati va hissiy darajasidagi patologik tomonlarni ajratib ko‘rsatish kerak. Bunda bolaning tekshirishga bo‘lgan munosabatini, uning xulqi, ishlash qobiliyati, toliqish darajasini ham e‘tiborga olish zarur. Xotira, diqqat jarayonlarini, shuningdek, eshitish, ko‘rish, nutqini rivojlanishi haqidagi ma‘lumotlarni sinchiklab tahlil

qilish muhimdir. Bolaning intellektual rivojlanishi haqida xulosani yuqorida ko'rsatilgan barcha xarakteristikalar asosida chiqarish mumkin. Tekshirish vaqtida intellektual jihatdan me'yorida bo'lgan bolalar xulqi normada, jiddiy, harakatchan bo'ladilar. Ular topshiriqlarni bajarish jarayoni, ishning natijasi va uning bahosi bilan qiziqadilar. Intellektual jihatdan normada bo'lgan bolalar uchun yuqorida ko'rsatilgan topshiriqlarning barchasi qiyinchilik tug'dirmaydi. Tabiiyki, 7 yoshdagi bolalar 8-9 yoshdagi qaraganda qiyinchilikda ko'proq tashkiliy yordamga muhtoj bo'ladilar. Agarda tekshirishga xulqi buzilgan bolalar yuborilgan bo'lsa, uning intellektual rivojlanishni optimal sharoitdagina to'g'ri baholash mumkin; masalan, yaxshi aloqa o'rnatishda va ahamiyatli motivatsiyada. Bolaning javoblarini sifati uning xulqidagi buzilishlar bilan kamchilik bog'langanligini tushunish uchun uning kontaktga kirishgunga qadar va kontaktdan keyingi erishgan natijalarini solishtirish maqsadga muvofiqdir. Agarda bolaning javoblarining sifati va sur'ati yaxshilansa yoki yomonlashsa, tekshirishning oxiri yoki o'rtasida o'zgarsa, bu bolaning ishlash qobiliyatining buzilishi bilan bog'langan bo'lishi mumkin, bunday hollarda ko'rsatkichlarni bolaning toliqishi yoki ishga kirishib ketishi bilan bog'lab tahlil qilish lozim. Ishlash qobiliyatining pasayishini intellekti turli darajadagi bolalarda kuzatish mumkin. Shuning uchun tekshirishning boshidagi, oxiridagi dam olishdan keyin topshiriqlarning bajarilishi sifatini taqqoslash muhimdir. Psixik rivojlanishi sustlashgan bolalarning ko'pchiligi uchun tekshirish jarayonida ish qobiliyatining va diqqatining pasayishi xarakterlidir. Ba'zi bolalarda yangi materialda orientirlashning ishlab ketishning faoliyatining umumiy sur'atini sekinlashgani kuzatiladi. Boshqalarida tez toliqishlari sababli diqqatining pasayishi, faoliyat jarayonida diqqatning tarqalishi aniqlanadi. Psixik rivojlanishi sustlashgan bolalarning faoliyati normal rivojlanayotgan bolalar faoliyatiga nisbatan yetarlicha maqsadga yo'naltirilmagan bo'ladi. Ko'pincha ular o'z maqsadini tushuntira oladilar, topshiriq noto'g'ri bajarilganda ham javoblarini asoslab bera oladilar. Faol lug'atlari ko'p bo'lmaydi. Psixik rivojlanishi sustlashgan bolaga tashkiliy va o'rgatuvchi yordam berilsa, ular tomonidan bajarilgan topshiriqlarning sifati normal bolalarnikiga yaqinlashadi. Umuman psixik rivojlanishi sustlashgan yoki xulqida ma'lum bir anomalialari bo'lgan bolalarni vaqtida psixologik-pedagogik tekshirishlar o'tkazib ularga tashxis qo'yilib, korreksion ishlar o'z vaqtida boshlansa, boladagi nuqsonlarni tuzatish va ularni kompensatsiya qilish orqali bolaga yordam ko'rsatish mumkin bo'ladi.

ЭМОЦИОНАЛ БАРҚАРОРЛИК – ПЕДАГОГНИНГ МУҲИМ КАСБИЙ ПСИХОЛОГИК СИФАТЛАРИДАН БИРИ

Бойматова М. Р., Қарши ДУ магистранти

Эмоцияда шахс психикасининг ўзига хос жабҳалари, инсон фаолиятининг айрим жиҳатлари сифатида ҳаракатдаги, теварак-атрофдаги воқеликни одам бош миёсида турли-туман шаклда ичдан акс эттирилади. Шунинг учун эмоция борлиқда содир бўлаётган нарса ва ҳодисалар юзасидан шахс учун аҳамиятли, кадр-қийматли аломатлар туйғусидан дарак берувчи сигналлар системаси тарзида талқин қилинади. **Эмоция** сўзи латин тилидан олинган бўлиб, *emoveo* – “ҳайратланиш”, “ҳаяжонланиш” маъноларини англатиб, психик жараёнлар ёки ҳолатларнинг муҳим жиҳати ҳисобланади.

Шахс индивидуал эҳтиёжларидан ташқари, ижтимоий эҳтиёжни қондириш билан боғлиқ мотивлар таъсири туфайли ҳам ижобий ёки салбий ҳиссиёт сифатларини акс эттириши кузатилади. Масалан, талабанинг танловда қатнашиши қувонч ҳисларини юзага келтирса, иккинчи турдаги муваффақиятсизлик хафагарчилик туйғусини намоён этади. Шахснинг мақоласи (газета, журналда) босилиб чиқса фахрланади, кимнингдир томонидан у танқид қилинса руҳан эзилади. Ота-она фарзандини мақтаса қувонади, қойиса эса хафа бўлади ва ҳоказо.

Шахснинг эмоционал дунёси узлуксиз тарздаги зиддиятлар, низолар ва уларнинг ҳал қилиниши, олдининг олиншини акс эттиришдан иборат жараёнлар мажмуасидир. Асосан ижобий, салбий ва иккиёклама ҳиссиётни келтириб чиқарадиган омиллар қуйидагилардан иборатдир:

1) шахс билан муҳит ўртасидаги (табiiй муҳит, ижтимо-ий муҳит орасидаги) ҳар хил мазмун ҳамда шаклдаги муносабатлар;

2) тана аъзолари, ички организм таркиблари муҳитидаги муносабатларнинг нисбий мувозанати ўзгариб туриши;

3) фавқуллоддаги вазиятлар туфайли юзага келадиган ҳар хил кечинмалар ва бошқалар.

Хис-туйғуларнинг яна битта (тўртинчи) сифати шахснинг ҳиссиёт объектларига нисбатан эмоционал муносабатларининг қисқа муддатли акс этишини таъминловчи ташқи таъсирининг ноаниқлиги ифодаланишидир.

Ҳиссиётнинг мазмуни тўғрисида мулоҳаза юритилганда шу нарсани эслатиб ўтиш жоизки, **эмоционал барқарорлик**: *биринчидан*, шахсга ҳеч қандай хавф-хатар, таҳдид солмаётганлигини, *иккинчидан*, инсоннинг ҳаёти ва фаолиятида уни бахт-омад кутаётганлигини, *учинчидан*, шахслараро муносабати, жамиятда тутган мавқеини, *тўртинчидан*, тана аъзоларининг саломатлигини рўй рост акс эттиради. Бу кўринишларнинг барчаси ижобий сифатлар устуворлик қилаётганлигидан дарак беради, бинобарин, ютуқларга эришиш эҳтимоли даражаси юксаклиги, ижтимоий ёки шахсий кутилма эса қафолатланганлигини англатади. Шахс шахслараро муносабатнинг маҳсули бўлганлиги туфайли ундаги ҳиссиётларнинг мазмуни, инсон камол топиши билан узвий боғлиқ тарзда, кўлами кенгайиб боради, бунинг натижасида эмоционал ҳолатлар шахсий тор доирадан ташқари чиқиб, табиат ҳодисалари, жамият муаммоларига тааллуқли муносабатларни ўзида маънавий, мазмуний, шаклий жиҳатдан мужассамлаштиради. Худди шу боис масъулият ва лоқайдлик, мулоқотмандлик ва одамовилик, ғазаб ва шавқ, симпатия ва антипатия, оптимизм ва пессимизм, хурсандлик ва хафалик, қаҳрамонлик ва кўрқоқлик, қувонч ва қаҳр, иштиёқ ва зерикаш, эгоистлик ва алтруистлик, софдиллик ва ғаразгўйлик, меҳнатсеварлик ва дангасалик, самимийлик ва лаганбардорлик кабиларнинг барчаси келиб чиқиши (генезиси) жиҳатидан ижтимоий хусусиятга эга бўлиб, қуйидаги жабҳалари билан ажралиб турувчи:

- а) шахснинг шахсий нуқтаи назари;
- б) ижтимоий ҳаётда эгаллаган мавқеи;
- в) ҳаёт ва фаолиятда фаоллиги;
- г) жамиятдаги ҳамкорлик фаолиятда қатнашиши;
- д) гуруҳ ёки жамоада шаклланган шахслараро муносабатлари билан боғлиқ ҳиссиётлардир.

Шуни таъкидлаб ўтиш ўринлики, шахснинг баъзи ҳис-туйғулари уларни рўёбга чиқарувчи омилларнинг тақдоран таъсири натижасида мустақамланиб, унинг (инсоннинг) ҳукмрон, устувор, барқарор эмоционал хусусиятига айланади. Шу сабабдан шахсларнинг хушфёъл ёки жаҳолатли, кизиқувчан ёки совуққон, кўрқоқ ёки жасур, меҳрибон ёки бағритош, хушмуомала ёки кўпол, камгап ёки маҳмадона деган йўсинда инсон (шахс) сифатида тавсифлаш, баҳолаш мумкин.

Шуни эслаб ўтиш лозимки, ҳиссиёт ўзгарувчанлик хусусиятига эга бўлиб, унинг кучайиши ёки сусайишига қараб қандай оқибатларга олиб келишини олдиндан башорат қилиш ёки пайқаш мумкин. Шахс-нинг ҳис-туйғуларида ҳам барқарор, ҳам ўзгарувчан жабҳалари биргаликда ҳукм суради.

Илмий педагогик ва психологик адабиётлар таҳлили ҳамда ўқитувчи фаолиятидаги конфликтли ҳолатларни кузатиш асосида эмоционал барқарорлик **мезонлари** сифатида қуйидагиларни аниқладик:

- **ҳис-туйғулари ва кайфиятини бошқара олади;**
- **фаолият жараёнини бошқара олади;**
- **коммуникативлик компетенциясига эга;**
- **суҳбатдошига нисбатан эмпатиясини кўрсата олади.**

Олий таълим муассасаси битирувчиси педагогик фаолиятини бошлар экан, унинг учун янги марра сифатида қўлга киритилган диплом ва олий таълим муассасида таҳсил давомида олинган маълумотлар ҳар доим ҳам ҳаётий вазиятда юзага келадиган кўпгина муаммоларнинг ечими бўла олмайди. Зеро, жамиятда айнан бир хил инсон ва айнан бир хил вазият бўлмаганлиги сингари, бир хил педагогик вазият ва унинг стандарт ечими ҳам мавжуд эмас. Педагогик тажрибага эга бўлган ва муаммоли ҳолатларнинг оригинал ечимларини топа оладиган кенг дунёқарашли ўқитувчи фаолияти давомида юзага келадиган конфликтли ҳолатларни тезда бартараф этади. Бундай ўқитувчилар муносабатларида конфликтлар эскалацияси содир бўлмайди.

ЎСМИР ЁШДАГИ БОЛАЛАРНИНГ МУАММОЛАРНИ ЕЧИШДА ПСИХОЛОГИК ЁНДАШУВ

Бекмурадова Д., Раҳматова Н.,
Қарши ДУ ҳузуридаги ХТХҚТМОҲМ ўқитувчилар

Ёшларимизни мустақил фикрловчи фаол, шижоатли, ўзига ишонувчан, билимдон, демократик муносабатларнинг субъекти қилиб тарбиялашни амалга ошириш учун сўзсиз ижтимоий психология ва унинг метотлари муҳим рол ўйнайди. У тарбия жараёнини соф ижтимоий муносабатларнинг маҳсули деб қарайди. Янгича фикрлаш ва тафаккурнинг муҳим шарти сифатида демократик муносабатларга асосланган муоммала жараёнини таҳлил қилади. Унинг асосида таълим берувчи

билан таълим олувчи ўртасидаги янги "субъект - субъект" шаклидаги муомала устувор бўлиши керак.

Ёшлар билан ишлашдан аввал уларнинг ўсмирлик хусусиятларини ўрганиш лозим. Ўсмирлик – болаликдан катталikka ўтиш даври бўлиб, физиологик ва психологик жиҳатдан узига хос хусусиятлари билан характерланади. Бу боскичда болаларнинг жисмоний ва психик тараққиёти жуда тезлашади, ҳаётдаги турли нарсаларга қизиқиши, янгиликка интилиш ортади, характери шаклланади, маънавий дунёси бойийди, зиддиятлар авж олади. Ўсмирлик балоғатга етиш даври бўлиб, янги ҳислар, сезгилар ва жинсий ҳаётга тааллуқли чигал масалаларнинг пайдо булиши билан ҳам характерланади. Булар таъсирида ўсмирнинг характери, атрофдаги кишилар билан муомаласи, жамиятда содир бўлаётган воқеаларга муносабати тез ўзгариб боради. Баъзан ижтимоий масалалар тўғрисида нотўғри тасаввур ва янглиш фикрлар ҳосил бўлиши туфайли у муайян тартиб-қоидаларга танқидий кўз билан қарайди.

Ўсмирда психик жараёнларнинг кескин ўзгариши билан ақлий фаолиятида ҳам бурилишлар сезилади. Шунинг учун шахслараро муносабатда, ўқувчи билан ўқитувчи мулоқотида, катталар билан ўсмирларнинг муомаласида қатъий ўзгаришлар жараёнида қийинчиликлар пайдо бўлади. Булар аввало таълим жараёнида рўй беради: янги ахборот, маълумотларни баён қилиш шакли, услуби ва усуллари ўсмирни қониқтирмай қўяди. Одобли, дилкаш ўсмир кутилмаганда қайсар, интизомсиз, кўпол, серзарда бўлиб қолади. Ўсмир ҳулқидаги бундай ўзгаришлар тажрибасиз ўқитувчи ва ота-онасини қаттиқ ташвишга солади.

Ўсмирнинг психик ўсишини ҳаракатга келтирувчи куч - унинг фаолиятини вужудга келтирган янги эҳтиёжлар билан уларни қондириш имкониятлари ўртасидаги қарама-қаршиликлар тизимининг намоён бўлишидир. Вужудга келган зиддиятларни психологик камолотни таҳминлаш, фаолият турларини мураккаблаштириш орқали ўсмир шахсида янги психологик фазилатларни таркиб топтириш билан аста-секин йўқотиш мумкин.

Ўсмирда руй берадиган биологик-жисмоний ўзгариш натижасида унинг психик дунёсида туб бурилиш нуқтаси вужудга келади.

Ўсмир ўзининг қобиляти ва кучини тўғри баҳоламай туриб, мураккаб ҳаётий масалаларни ҳал қилишга уринади, аммо фикр юритиш қобиляти юзаки бўлганлиги сабабли кундалик ҳаётида қатор камчиликларга йўл қўяди. Лекин у ўз хатосини тан олишдан кўра катталар билан баҳслашишни афзал кўради. Танқид қилган кишиларни ил, ўзбошимчалик билан иш тутишга уринади, катталарнинг маслаҳатига эҳтибор бермайди. Айрим ўсмирлар ўзининг катталар сафига қўшилганлигини намоиш қилиш учун турли хил одатларга ўргана бошлайдилар. Ота-оналар ва педагоглар ўсмирлар билан алоҳида ишлаб, уларнинг кўнглини топиши ва хатти –ҳаракатларини ўз вақтида тўғри йўлга солишлари лозим.

Ўсмирлик ёши дунёқараш, эътиқод, ўзлигини англаш, баҳолаш кабилар шаклландиган давр ҳисобланади. Ўсмир ўз фаолиятини муайян принцип, эътиқод ва шахсий нуқтаи назари асосида ташкил қила бошлайди. Ўсмир ўғил-қизлар шахсининг камол топишида ўзини англаш жараёнида ўзига баҳо бериш майли ва истаги ўзини бошқа шахслар билан таққослаш, ўзига бино қўйиш эҳтиёжи пайдо бўлади. Булар эса ўсмирнинг психик дунёсига ақлий фаолиятига, теварак-атрофга муносабатнинг шаклланишига таъсир қилади.

Катталарга нисбатан агрессив муносабатнинг пайдо бўлиши, негативизм сингари ноҳуш ҳулқ-атвор аломатлари ўз-ўзидан келиб чиқадиган бевосита жинсий етилиш туфайли пайдо бўладиган белгилар бўлмай, балки улар билвосита таъсир кўрсатадиган ўсмир яшайдиган ижтимоий шарт-шароитлар воситаси орқали: унинг тенгдошлари, турли жамоалардаги мавқеи туфайли, катталар билан муносабати, мактаб ва оиласидаги ўрни муносабатлари сабабли юзага келадиган характер белгиларидир. Мана шу ижтимоий шароитларни ўзгартириш йўли билан ўсмирларнинг ҳулқ-атворига тўғридан-тўғри таъсир кўрсатиш мумкин. Ўсмирлар ниҳоятда тақлидчан бўлиб, уларда ҳали аниқ бир фикр, дунё қараш шаклланмаган бўлади. Улар ташқи таъсирларга ва ҳиссиётларга жуда берилувчан бўладилар. Шунингдек уларга мардлик, жасурлик, тантқиқлик ҳам хосдир. Ташқи таъсирларга берилувчанлик ўсмирда шахсий фикрни юзага келишига сабаб бўлади, лекин бу шахсий фикр аксарият ҳолларда асосланмаган бўлади. Шунинг учун ҳам улар ота-оналарнинг, атрофдаги катталарнинг, шунингдек, устозларнинг тўғри йўлни кўрсатишларига қарамай ўз фикрларини ўтказишга ҳаракат қиладилар.

Ўсмирлик даврида етакчи фаолият–бу ўқиш, мулоқат ҳамда меҳнат фаолиятидир. Ўсмирлик даври мулоқотининг асосий вазифаси бу дўстлик, ўртоқликдаги элементар нормаларини аниқлаш ва эгаллашдир. Ўсмирлар мулоқотининг асосий хусусияти шундан иборатки, у тўла ўртоқлик кодексига бўйсинади.

Ўсмирларнинг ота-онаси, катталар билан қиладиган мулоқоти асосан уларнинг катта бўлганлик ҳисси асосида тузилган бўлади. Улар катталар томонидан қилинадиган ҳақ-ҳуқуқларини чеклашларига, қаршилиқ ва эътирозларига қаттиқ қайғурадилар. Лекин шунга қарамадан у мулоқотда катталарнинг қўллаб-қувватлашларига эҳтиёж сезадилар. Биргаликдаги фаолият ўсмирга катталарни яхшироқ тушинишлари учун ёрдам беради.

Тарбиянинг умумий ижтимоий вазифаси – ёш авлодда билим, кўникма, ижтимоий тажриба ва ахлоқ нормаларини шакллантиришдан иборат. Шу мақсадда ёш авлодга тарбия бериш мақсадга йўналтирилган тарбиявий таъсир, ижтимоий ҳаётда муносабатга киришиш меъёрларини ва шу асосда зарурий шарт-шароит яратишни назарда тутати.

КАСБ ТАНЛАШДА ТАЪЛИМ - ТАРБИЯНИНГ АҲАМИЯТИ

Баширов Б.А., ЎзМУ психология кафедраси тадқиқотчиси

Республикамизда амалга оширилаётган иқтисодий, ижтимоий ўзгаришларнинг туб замирида тараққиётнинг янги босқичида амалга оширилаётган ишлар турубди. Халқ фаровонлигини янада яхшилаш, давлат ва жамият ҳаётида туб ўзгаришларни амалга ошириш борасидаги вазифалар 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасининг ривожлантиришнинг 5 усувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида мужассам қилинган. Президентимизнинг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги фармонида ижтимоий соҳа, хусусан, таълим ва илм-фан соҳаларини такомиллаштириш борасида қатор вазифалар белгиланган. Ушбу дастурнинг бу соҳасида таълим муассасаларининг моддий – техник базасини мустаҳкамлаш, уларни юқори малакали педагог ва мутахассислар билан таъминлаш, таълим – тарбия жараёнларига замонавий усул ва дастурларни жорий этиш, фарзандларимизнинг маънавий ва жисмоний жиҳатдан баркамол инсонлар бўлиб вояга етиши учун қўшимча шароитлар яратиш бўйича чора-тадбирлар кўзда тутилган. Қолаверса Республикамизда ўқувчиларнинг касб-хунарга йўналтириш ташхис маркази фаолиятининг ташкил этилганлиги, “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”нинг қабул қилинганлиги (1997), Ўрта махсус, касб-хунарга таълими тизимининг узлуксиз таълим тизимининг муҳим бўғини сифатида жорий этилганлиги шулар жумласидандир.

Юртимизнинг бугунги кун ва келажак авлод фарзандлари учун яратилган бунча имкониятлардан, фақатгина эзгу ниятларда, юрт келажак ва истиқбол учун саъй – ҳаракат қилишлари зарур. Бунинг учун албатта оиладаги соғлом турмуш тарзи муҳим аҳамиятга эга. Ота-оналарнинг фақатгина рўзғор ташвиши билан овора бўлиб қолишлари, бола тарбиясидан қисман узулиб қолишларига сабаб бўлмоқда. Оқибатда болалар ўз йўлларини топа олишлари бир мунча қийин кечмоқда. Ҳаттоки миграция таъсирида қолган болалардан келажакда ким бўлмоқчисан? – деган саволга чет элга бориб ишлайман деган жавобларни эшитишга мажбур бўлиб қолмоқдамиз. Бунга мисол қилиб инсоният ҳаёти давомида ортилган тажрибалардан келиб чиқиб, айтилган мақолларни келтиришимиз мумкин. “Қуш уясида кўрганини қилади”.

Ёшларнинг келажакда касбга эга бўлишларига тўсқинлик қилиб келаётган омилларнинг сабаби, уларга ота-оналари томонидан эътиборнинг камлиги, меҳнат тугаракларидан четда қолаётганликлари, яқин катталари томонидан касбга бўлган тўғри йўналишни олдиндан кўрсатиб берилмаётганлигидир.

Агар биздан ёшлигингизда сеvimли машғулотингиз нима? – деб сураганларида, шубҳасиз китоб ўқиш, расм чизиш, дўстлар билан суҳбатлашиш, деб айтган бўлар эдик. Кузатувларимизга караганда, ҳозирги кунда вояга етмаган болалар худди шу саволга компьютер ўйинларини ўйнаш, Интернетдан фойдаланиш, ижтимоий тармоқларда мулоқот қилиш деб жавоб бермоқдалар. Ҳозирда Интернет ва компьютер воситалари ёшларимизнинг яқин дўстларига айланиб ўлгурди. Бу эса айни вақтда оиладаги бефарқлик ва безътиборлик асосий сабаб бўлмоқда. Бу борада ота-оналар тарбиячи сифатида фарзандлари нима билан шуғулланаётгани, кимлар билан мулоқотга киришаётгани, бўш вақтини қандай ўтказаётгани, қандай қизиқишлари борлигини аниқлаб, ҳар хил тўғаракларга йўналтириши ва назорат қилиб боришлари муҳим саналади.

Касб танлаш шахс фаолиятининг муҳим бўғини ва касбий ўзини ўзи аниқлашининг босқичи саналади. Шахснинг касб танлаши турли хил жабҳаларда ўрганилган психологик-педагогик тадқиқотлардан саналади. Ҳар бир жамият ўз фуқароларнинг касбий камолотнинг барча босқичларини муваффақиятли босиб ўтишини таъминлаш орқали уларнинг бу борадаги муаммоларини ҳал этишга эътибор қаратади. Республикамизда ўлғайиб келаётган ёш авлоднинг касб-хунарни эгаллашни

ижтимоий-иқтисодий, сиёсий, ҳукуки жиҳатлари юзасидан анчагина устувор ишлар амалга оширилмоқда.

Болаларнинг қизиқишларини инобатга олиб эмас, балки ўзларнинг хоҳишлари билан болаларнинг касб-хунарга йўналтириш, кўп ота-оналарнинг ҳаёт тажрибасида кузатилади. Бу эса ҳаммиша ҳам ўз ижобий натижасини бермайди, эгаллаган касбининг меҳнат самарадорлигини тушириб юбориш ҳолатлари кузатилиши мумкин. Болаларни касб – хунарга йўналтирганда имкон қадар ўзларининг қизиқишларини инобатга олиш зарур. Инсон ҳаммиша ўзи севган машғулотини меҳр билан бажаради ва унинг ижобий натижасига эришади.

Хулоса қилиб айтганда бугунги кун ота-оналари ўз фарзандлари билан ҳар доим тушунтириш ишларини олиб боришлари ва уларнинг руҳияти, жисмоний ҳолати ва маънавиятидаги оддий ўзгаришларга ҳам эътиборли бўлишлари ҳамда келажаги учун тўғри касб-хунарга йўналтириш керак.

Абдулла Авлоний айтганидек "Тарбия биз учун ё ҳаёт – ё мамот, ё нажот – ё ҳалокат, ё саодат – ё фалокат масаласидир" деб айтганлар. Буюк мутафаккирнинг бу сўзлари асримиз бошида миллатимиз учун қанчалик муҳим бўлган бўлса, ҳозирги кунда ҳам биз учун ҳам шунчалик, долзарбдир.

ШАХСЛАРАРО МУНОСАБАТЛАРНИ ТАШҲИС ҚИЛИШ УСУЛЛАРИ ТАВСИФИ

Курбанова З.Б., НамДУ

Шахслараро муносабатлар соҳаси ниҳотда кенг бўлиб, у ўз ичига инсон ҳаётининг барча соҳаларини- катта ижтимоий гуруҳлардан тортиб диада шаклидаги эр-хотин, ота-она ва фарзанд ўртасидаги муносабатларгача қамраб олади. Ҳатто инсон мутлоқ ёлғиз қолганда ҳам ўзи учун аҳамиятли кишиларнинг унга берган баҳоси ва муносабатлари ҳақидаги тасаввурларга асосланишда давом этади. Шунинг учун ҳам шахс ва шахслараро муносабатларга энг юқори мақом берилган назариялар (Мясишев В. Н., 1960; Sullivan Н., 1953) доимо ҳам назарий, ҳам амалий қийматга эга бўлишда давом этаверади.

Замонавий психологияда шахслараро муносабатларни тадқиқ этишнинг кўплаб усуллари мавжуд. Шахслараро муносабатлар психодиагностикаси методикаларини бир неча асосга кўра тизимлаштириш мумкин:

а) объектига кўра (гуруҳлар ўртасидаги, гуруҳ ичидаги, диада шаклидаги ва бошқа муносабатларни ташҳис қилиш);

б) тадқиқотда ҳал этиладиган вазифанинг табиатига кўра (гуруҳий жипсликни, гуруҳий мосликни ва бошқаларни ташҳис қилиш);

в) қўлланиладиган методикаларнинг тузилишига хос хусусиятларига кўра (сўровномалар, проектив методикалар, социометрия ва бошқалар);

г) шахслараро муносабатларни ташҳис қилишнинг дастлабки асосига кўра (субъектив ёқтиришлар (афзал кўришлар) методикаси, мулоқот иштирокчиларининг шахсий хусусиятларини аниқлаш методикалари, шахслараро муносабатларни субъектив акс эттириш методикалари ва бошқалар). Мазкур методикалар гуруҳини яна бошқа мезонларга кўра ҳам тизимлаштиришда давом этиш мумкин.

Субъектив ёқтиришлар (афзал кўришлар) асосида шахслараро муносабатларни ташҳис қилиш методикасининг анъанавий кўриниши - Ж. Морено (Moreno J., 1934) томонидан таклиф этилган социометрик тестдир. Мазкур тест гуруҳ аъзолари томонидан ифодаланган субъектив танлашлар асосида индивиднинг индивидуал социометрик статуси (лидер (етакчи), рад этилган, ажралиб қолганлар), шахслараро муносабатлар тузилиши, гуруҳнинг жипслигини аниқлаш имконини беради. Социометриянинг кўплаб мослаштирилган вариантлари психодиагностикада кенг қўлланилади.

Р.Бейлс томонидан таклиф этилган машҳур методика гуруҳдаги ўзаро ҳамкорликнинг турли-туман шакллариини ўрганишга асосланади (Bales R., 1970). Ҳар қандай кичик гуруҳдаги ўзаро таъсирни 12 та кўрсаткич бўйича тўртта умумий тоифага- ижобий эмоциялар соҳаси, муаммони ҳал этиш соҳаси, муаммони қўйиш соҳаси ва салбий эмоциялар соҳасига ажратиб ўрганиш мумкин. Формаллашган кузатиш асосида гуруҳий динамика даражаси, иштирокчиларни гуруҳий ўзаро таъсирдаги мақоми ва роли аниқланади. Масалан, муаммони ечиш соҳаси бўйича юқори балл тўплаган гуруҳ аъзоси – ишбилармон лидер, ижобий муносабатлар соҳасида юқори балл тўплаган бўлса гуруҳнинг эмоционал лидери ҳисобланади.

Шахслараро муносабатларга таъсир этувчи индивидуал-психологик хусусиятларни ўрганиш мақсадида Калифорния шахсни ўрганишнинг психологиксўровномаси ва Т. Лири методикаларидан фойдаланиш мумкин.

Калифорния шахсни ўрганишнинг психологик сўровномаси (CPI) MMPI тамойилига асосланган ҳолда XX асрнинг 60-йилларида америкалик психолог Дж.Гоух (Gough H., 1960) томонидан ишлаб чиқилган. Муаллифнинг фикрича, мазкур сўровноманинг мақсади "муайян вазиятларда инсон нима дейиши ва нима қилиши, у ҳақида бошқаларни қандай фикрда эканлигини башорат қилишдан иборат". Т.Лири сўровномаси эса 8 та октант бўйича шахслараро муносабатга таъсир этувчи шахс хусусиятларини ўрганиш дискограмма шаклида хусусиятлар даражасини ифодалаш имконини беради. Амалий психолог ёки тадқиқотчи муайян мақсадларга мос ҳолда шахслараро муносабатларни таҳқиқ қилишнинг юқори валидликка эга методикани танлаши ва унинг ёрдамида ишончли маълумот олиши мумкин.

MUSIQANING INSON PSIXIKASIGA TA'SIR ETISH OMILLARI

Rajabova L., Qarshi DU o'qituvchisi
Xoliqova Sh., Qarshi DU talabasi

Insonning ruhiy komoloti haqida gapirar ekanmiz, albatta bu maqsadga musiqa san'atisiz erishib bo'lmaydi. Xalqimiz hayotida musiqa azaldan beqiyos o'rin tutib keladi. Samarqandyaqinidagi Mo'minobod qishlog'idan 3300 yil muqaddam suyakdan yasalgan "Nay" cholg'usi topilgani ham shundan dalolat beradi.

Musiqa sadolari qaysi xalq yoki millat vakili tomonidan ijro etilmasin, eng ezgu, yuksak va nozik insonniy kechinmalarni ifoda etadi. Bugungi kunda musiqa san'ati navqiron avlodimizning yuksak ma'naviyat ruhida kamol topishida boshqa san'at turlariga qaraganda ko'proq va kuchliroq ta'sir ko'rsatadi. Musiqani yaratilish tarixini hech kim bilmaydi. Balkim, qachonlardir ajdodlarimizdan biri hayotidagi qiyinchiliklarini yenga olmay dod - faryod chekib to'g'u - tosh, sahrolarni kezib yurganda, tasodifan qamishdan nay yasab dardini kuy qilib chalgandir.

Qadimgi Gretsiyada musiqaga tarbiyaviy nuqtai nazar bilan qaralgan. Aristotel va boshqalarning fikricha axloqiy, estetik intellektual tarbiya musiqaviy tarbiyaga asoslangan bo'lishi kerak. O'rta asrlarga kelib G'arbda musiqaga temologik pozitsiyada yondashiladi, ya'ni cherkov xodimlari musiqaning sehrli ta'sirini tamoman ilohiylashtiradi.

Musiqaning inson organizmga ta'siri XIX asr oxiri XX asr boshlariga kelibgina ilmiy asosda o'rganila boshlandi. Fiziologlarning ko'rsatishichamusiqa ta'sirida nafas olish maromi o'zgarib yurakning urushi tezlashadi. Tomirlar kengayib qon bosimi pasayadi. I.P.Pavlovning nazariyasiga ko'ra, kuy bosh miya po'stloq osti markazlariga birinchi navbatda ta'sir etib, undagi o'zgarishlar po'stloqdagi ayrim markazlar qo'zg'alishini ta'minlaydi. Bu fiziologik jarayonlarni biokimyoviy nuqtai nazardan juda oson tushuntirish mumkin.

Chet el olimlaridan Andervudning ko'rsatishicha musiqa ta'sirida xolesterin (odamda ateroskleroz hosil qiluvchi modda) almashinuvi yaxshilanar ekan. Ya'ni u hudi vitaminlardek xolesterinni qon tomirlarida to'planib qolishiga yo'l qo'ymaydi. Agar xolesterinni almashinuvi organizmda normal kechsa buyrak usti bezi va jinsiy garmonlar, shuningdek, D guruh vitaminlar yaxshilanadi. Haqiqiy musiqachilarning navqiron bo'lib yurushining boisi ana shunda. Albatta, musiqa ixlosmandlari ham kuydan bahramand bo'ladi.

Keyingi paytda tekshirishlar yoqimli kuylar o'simliklarda kechadigan moddalar almashinuvida ham ijobiy o'zgarishlar keltirib chiqarishini ko'rsatdi. Shovqinli musiqa xatto ularning ham o'sishi rivojlanishini susaytirar ekan. Shved shifokorlari va psixologlarining ko'rsatishicha musiqa barcha davolovchi vositalar o'rtasida markaziy o'rinni egallashi kerak. Shu boisdan bo'lsa kerak, ayrim G'arb klinikalarida musiqa terapiya bo'yicha "Maxsus kassetalar katalogi" tuzilgan. Ularda operatsiyalar yoqimli musiqa ostida olib borilmoqda.

Bunday holatda kuy og'riqni susaytirib tez qoldiradi, jarroh qalbini yumshatadi. Ayrim mulohazalar bildiramiz. Katta yoshdagilar klassik kuylarni, masalan, Betxovenning "11 - sonatasi" ni, Shopenning "Vals" larini, Chaykovskiyning 1 - konsertini yoki xalq kuylaridan "Cho'li iroq" "Qaro ko'zim" va boshqalarni ko'proq tinglaydilar. Lekin bu shunchaki umumiy gap. Aslida har kimning musiqaga e'tibori tamoman boshqacha. Ko'pchilik doim biror mashg'ulot bilan band. Ularning o'z tashvishi, har kungi oilaviy va kasbiy muammosi bor. Kimdir ularni o'z vaqtida bartaraf etadi - da bo'sh vaqt topib yoqtirgan musiqasini tinglaydilar. Kimdir esa tashvishini bartaraf etmay, boshqasiga duch keladilar. Kimdir turli xil tasodiflardan, ig'volalardan xoli bo'la olmaydi. Shunday qilib ularning yuragiga musiqa "sig'maydi".

Shuni unutmaslik kerakki, inson organizmiga beriladigan har qanday ichki va tashqi taasurot, his - tuyg'u, u yoqimli, yoqimsizmi baribir moddalar almashinuvida o'zgarishlar keltirib chiqaradi. Bu o'zgarishlar taasurotning ma'lum vaqt davom etadi. Bunday o'zgarishlar tez - tez takrorlanib, uzoq vaqt davom etib turaversa, organizm oxir oqibatda holdan toyib, kasallikka yo'liqadi. U hozirgi zamon fan tilida stress xolati deb ataladi. Bunday holatdan qutulishning yo'llari juda ko'p. Eng qulay, amalga oshirish oson bo'lgan vositasi esa musiqa tinglashdir.

Har bir odamning sevimli kuylari bo'ladi. Bu kuylar odamning hayotida yuz bergan muayyan yoqimli xotirlar bilan ulanib ketgan bo'ladi. Musiqa asarining yaratilishiga sabab bo'lgan shart - sharoitlarni va kompozitorning o'zi asarni qanday ma'noda tushinganini bilishi musiqa asarini chuqurroq hamda zo'r qiziqish bilan idrok qilishimizga yordam beradi. Boshqacha qilib aytganda musiqali tarbiya jarayonida biz musiqani idrok qilishga o'rganamiz.

TA'LIM SAMARADORLIGINI OSHIRISHDA O'QITUVCHI FAOLIYATINING O'ZIGA XOS JIHALARI

Amonova S., Qarshi DU o'qituvchisi

Jamiyat taraqqiyotining hozirgi bosqichida fan qudratli yaratuvchanlik kuchiga aylandi, har bir mamlakatning bugungi ijtimoiy, iqtisodiy yuksalishini fan-texnika taraqqiyotining zamonaviy yutuqlarisiz tasavvur qilish qiyin. Shu nuqtai nazardan O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Sh.M.Mirziyoyev tomonidan ayni paytda qabul qilingan "Oliy ta'lim tizimini yanada rivojlantirish chora-tadbirlari to'g'risida"gi qarorda (2017 yil 21 aprel) "Oliy ta'lim muassasalari ilmiy salohiyatini mustahkamlash, oliy ta'limda ilm-fanni yanada rivojlantirish, uning akademik ilm-fan bilan integratsiyalashuvini kuchaytirish, professor-o'qituvchilarning ilmiy-tadqiqot faoliyati samaradorligi va natijadorligini oshirish, oliy ta'limning ma'naviy-ahloqiy mazmunini oshirish, talaba-yoshlarga mustaqillik g'oyalariga, yuksak ma'naviyat va insoniylikning milliy an'alariga sodiqlik ruhini chuqur singdirish bo'yicha keng ko'lamli ma'rifiy va tarbiyaviy ishlarni olib borish" dolzarb vazifalardan bo'lib qolayotganligi alohida ko'rsatib o'tildi.

Ta'lim-tarbiyada milliylik va umuminsoniylik birligiga erishish avvalo psixologiyaning milliy asosga ega bo'lishiga bog'liq.

Milliy madaniyatni, urf-odatlarini, qadriyatlarini tiklash jarayonida xalq ta'limi tizimining tutgan o'rni beqiyosdir. Modomiki shunday ekan, avlodlar zanjirida bevosita bog'lovchi bo'g'in hisoblanmish o'qituvchining milliy psixologik qiyofasi ta'lim samaradorligini oshirishda muhim ahamiyat kasb etadi.

O'zbek xalqining tarixiy rivojlanishidagi har qanday qiyinchilik va inqirozlar uning ijtimoiy-genetik rivojlanishida paydo bo'lgan ma'naviy meyorlar hamda etnik stereotiplarni buzmasdi. Aksincha, etnik ong va milliy psixologiyaning eng ijobiy ko'rinishlari avaylab saqlandi va avloddan avlodga o'tib, o'zbek xalqining o'ziga xosligi va milliy xarakterini shakllantirdi. Bu ish asosan o'qitish va tarbiyalashning yaxshi an'analari orqali o'qituvchi tomonidan amalga oshirildi.

O'qituvchilarning kasbiy tayyorgarligi darajasi ular oldida turgan pedagogik masalalarni hal qilish sifatigina emas, balki o'qituvchi shaxsining shakllanishiga ham ta'sir ko'rsatadi.

Bizning fikrimizcha, xalqning madaniyati namunalari va etnik stereotiplari o'qituvchining fe'l-atvori, xatti-harakatlari va faoliyatining boshqaruv mezonini tashkil etadi. O'qituvchi esa o'z navbatida milliy tipik fe'l-atvorning mazkur namunalari yosh avlod ongiga singdirib borish orqali o'zining muqaddas funksiyasini bajaradi.

Bunda o'qituvchi quyidagi pedagogik jihatlarga diqqat e'tiborini qaratishi lozim:

1. O'qituvchi bolalarni yoqtirishi va ularga o'zining farzandlaridek munosabatda bo'lishi kerak. Shuningdek, bolalarning zaif jihatlari doimo tushunishi va ularni shu zaifligi uchun yanada yaxshi ko'rishi lozim.

2. O'qituvchi o'zining ishi uchun haq ta'ma qilmasligi, in'om olmasligi yoki minnatdorchilik kutmasligi kerak. U o'qituvchidan uning o'qishni hohlashi uchun minnatdor bo'lishi zarur.

3. O'qituvchi hech qachon o'qituvchiga maslahat berishdan bosh tortmasligi kerak. Olg'a siljishni o'qituvchi emas, o'qituvchi baholaydi.

4. O'qituvchi o'qituvchini yomon yo'ldan qaytarish uchun unga to'g'ridan-to'g'ri emas, balki nimalargadir shama qilib gapirishi lozim.

5. Ma'lum fanni o'rgatadigan o'qituvchi o'qituvchilar oldida boshqa fanlar haqida nojo'ya gap aytmasligi kerak.

6. O'qituvchi nimani o'rgatsa, o'zi ham shunga amal qilishi shart.

O'qituvchining mana shu jihatlari shu xalqning ta'limdagi qadriyatlarini, uning madaniyatini, bosh qadriyat sifatidagi insonning yuksalishini namoyish etadi.

Dunyo sivilizatsiyasini Sharq mamlakatlarisiz tasavvur qila olmaymiz Dunyoga o'zining buyuk farzandlarini bergan Sharq hozirda ham fan sohasida o'z ta'sirini saqlab turibdi. Fan taraqqiyotini buyuk allomalar Al-Xorazmiy, Abu Ali ibn Sino, Abu Nasr Forobiy, Abu Rayhon Beruniy, Ahmad Farg'oni, Alisher Navoiy, Mirzo Ulug'bek kabi insonlarsiz tasavvur qilib bo'lmaydi. Ayniqsa, ularning ta'lim-tarbiya haqida yozilgan asarlari ahamiyati hozirgi kunda ham o'z qadr-qimmatini yo'qotgan emas.

Biz ijtimoiy-madaniy muhitning inson psixikasi shakllanishidagi yetakchi rolini tan olgan holda o'sha paytdagi tarixda mavjud bo'lgan barcha qimmatli narsalarni o'zida mujassamlashtirgan madaniy texnologiyaga albatta murojaat qilishimiz kerak. Bunda hozirgi O'zbekiston territoriyasida yashagan va o'zbek millati asosida tarkib topgan xalqlar to'g'risida fikr va so'z yuritish to'g'riroqdir.

O'zbek xalqi doimo ezgulikka va bilimlarga intilgan, binobarin, uning madaniyatini davom ettirishga va rivojlantirishga da'vat etuvchi o'qituvchining yuksak darajada qadrlanishi bejiz emas. Biz fikr yuritayotgan davr o'qituvchisining qiyofasi haqida ba'zi misollarni keltirish o'rindir.

A.Navoiy yashagan paytda o'qituvchiga hurmat bilan munosabatda bo'lish va qanday qilib bo'lsa-da, uning obro'sini oshirish kerak deb hisoblangan. O'qituvchining mehnatiga haq to'lashda ham unga g'amho'rlik qilingan. Xususan, A.Navoiy o'zining madrasasidagi o'qituvchilarga har yili 200 oltin tangadan haq to'lagan va ularni bug'doy bilan ta'minlagan. Bundan tashqari, maktabga kishilar ham turli in'omlar bilan yordam bergan. A.Navoiyga qadar o'qituvchilarning moddiy ahvoli asosan o'quvchilarning in'om va sovg'alariga bog'liq bo'lgan.

O'sha davrdayoq o'qituvchining mehnati eng murakkab va qiyin faoliyatlarning biri deb hisoblangan. Shuning uchun o'qituvchiga ma'lum talablar qo'yilgan.

Mudarris (o'qituvchi) yuksak darajada bilimli, mantiqli, dono, kishilar bilan yaxshi muomala qila oladigan vazmin, o'zining xulqi bilan ibratli odam bo'lishi kerak, deb hisoblangan. Bu o'sha davrdagi o'qituvchining o'ziga xos ideali bo'lgan.

Sharq ma'rifatchilari o'z xalqi uchun chinakam e'tiqod, katta ishonch va haqgo'ylik bilan xizmat qilishga tirishganlar hamda o'zlari ham olijanoblik va axloqiy poklikning ajoyib namunasi bo'lganlar. Ular xalqning ma'naviy va madaniy merosini saqlash hamda boyitish uchun kurashganlar. Shu bilan o'zbek xalqining madaniyati va ta'limiga kirib kela boshlagan riyokorlik hamda munofiqliklarga o'ziga xos yo'sinda qarshilik ko'rsatganlar.

Respublikamiz mustaqillikka erishgach, o'zbek millatining yanada yuksalishi uchun keng imkoniyatlar ochildi Bizningcha, ta'lim, masalan, o'zining funksiyalarini muvaffaqiyatli bajarishi, o'qituvchi esa kishilik madaniyatini qayta tiklashdan iborat asosiy vazifasini samarali ado etishi uchun quyidagi masalalar hal qilinishi zarur:

a) o'zbek xalqining milliy o'zini-o'zi anglash xususiyatlarini to'laroq aniqlash hamda millatning o'ziga xosligini ta'minlaydigan ana'analari qadriyatlari va urf-odatlarini qayta tiklash;

b) yosh avlodning shakllanishiga va umuman respublikadagi ta'limga tasir ko'rsatadigan milliy (etnik)-psixologik hamda ijtimoiy-madaniy omillarni aniqlash;

d) o'qituvchining shaxsi va faoliyatidagi milliy-tipik hamda ijtimoiy tipik omillarni tadqiq qilish va hokazo.

MAKTABDA SINF JAMOASINI PSIXOLOGIK O'RGANISH MASALALARI

Baxramova A. A., SamDU, katta o'qituvchisi

Maktab yoshidagi o'quvchilarni har tomonlama yetuk, go'zal axloqli, xush odobli inson qilib kamol toptirish hozirgi kunning muhim vazifalaridan biridir. Chunki bu narsa milly qadriyat va ruhiyatni tiklash jarayonida ta'lim va tarbiya samaradorligini oshirish masalasidan kelib chiqadi. Mazkur muammoni o'rganishda psixologlar oldida turgan vazifani muvaffaqiyatli amalga oshirishda maktab ta'limini ilmiy asosda to'g'ri yo'lga qo'yish uchun o'quvchilar jamoasini tarkib toptirishda har bir o'quvchining individual xususiyatlarini hisobga olish masalalariga e'tibor qaratish zarur bo'ladi. Ma'lumki, o'quvchi shaxsini jamoada shakllantirish faoliyatini na'munali yo'lga qo'yish uchun dastavval ularning xarakter sifatlarini va shaxsiy fazilatlarini maqsadga muvofiq tarkib topganligi darajasini aniqlash ayni zarurat hisoblanadi. Chunki o'quvchi shaxsi axloqiy jihatdan aniqlangandan keyin alohida olingan subyektlar bilan individual munosabatda bo'lish imkoni vujudga keladi.

Maktab o'quvchilari faoliyatining asosi turi o'qishdir. Shuning uchun ham unga sinf jamoasining munosabatini; jamoa o'zining o'quv vazifalariga qanchalik vijdonan munosabatda bo'layotganligini, qanday o'quv fanlariga qiziqishi va nima uchun qiziqishini aniqlash zarur. O'qishga bo'lgan chuqur qiziqish faqat sinfning o'zlashtirishida emas, balki fan to'garaklarining ishida, konferensiyalar, olimpiadalar va hokazolarda ishtirok etishda ham namoyon bo'ladi. Sinf jamoasining psixologik tavsifnomasini tuzib chiqish vaqtida uning tarbiyaviy imkoniyatlari jihatidan qarab chiqish ham maqsadga muvofiqdir. A.S. Makarenko ta'kidlab o'tganidek, jamoada odamlarni jamiyatga foydali bo'lgan faoliyat birlashtiradi. Bu esa avvalo jamoa hayoti va faoliyatining xususiyatiga va mazmuniga bog'liqdir. Shuning uchun ham sinf nima bilan yashayotganligini, uning hayoti to'laqonli mazmun bilan boyitilganmi yoki boyitilmaganligini aniqlab olish muhimdir. Bu faoliyat bolalarni qanchalik birlashtirayotganiga, ular bir-birlariga yordam ko'rsatishlariga, o'z o'rtoqlarining muvaffaqiyatlari va mag'lubiyatlariga qanday munosabatda bo'lishlariga, butun sinfning yuqori o'zlashtirishi uchun kurash olib borishlari yoki olib bormasliklariga diqqatni qaratish muhimdir. Jamoaning mashg'ulotlaridan tashqari vaqtdagi hayotini ham bilib olish, o'quvchilarning ijtimoiy mehnatda ishtiyoq bilan qatnashishlari yoki faqat birgalikdagi ishlar, sayrlarga intilishlarini ham aniqlash zarur. Agar jamoa ahamiyatli va muhim ishlar bilan birlashgan bo'lsa, mehnat hamkorligi, o'zaro yordam namoyon bo'ladi. Har kim umumiy ishga qo'shilar ekan, o'zining unga dahldor ekanligini his qiladi, ijtimoiy xulq-atvorning zarur normalarini o'zlashtiradi. Har qanday kuchli va zaif jamoa rahbarlikka muhtojdir. Bu rahbarlik, birinchidan, sinf rahbari tomonidan va, ikkinchidan, bolalarning o'z-o'zini boshqarish tashkilotlari (kamalak, kamolot) tomonidan amalga oshiriladi. Shuning uchun ham jamoa tavsifiomasida sinf rahbarining shaxsi ochib berilishi, uning bolalar jamoasini jipslashtirishdagi o'rni ko'rsatib berilishi, shu munosabat bilan uning tashkilotchilik qobiliyatlari tahlil qilinishi kerak. Bu qobiliyatlar, vazifalar va ishlarni har bir o'quvchining o'ziga xos xususiyatlariga muvofiq ravishda taqsimlay bilishda, hammaga yaqin va qiziqarli bo'lgan ishni topa olishda, topshiriq berishda, ijroni talab qilishda namoyon bo'ladi. Psixologik-pedagogik tavsifnomada sinf o'quvchilar jamoasi, bolalarning o'z-o'zini boshqarish organlarining xususiyati tahlil qilib berilishi kerak. Faollar mavjud bo'lganligi tufayli jamoada bolalar o'rtasida muayyan munosabatlar qaror topadi, ular talabchanlik va mas'uliyat, tanqid va o'z-o'zini tanqid bilan, buyruq berish va bo'ysunish mahorati bilan ajralib turadi. Aynan xuddi shu fazilatlariga birinchi navbatda e'tibor berish zarur. Bundan tashqari, sinf faollari jamoaga qanchalik ijobiy ta'sir ko'rsatishini, o'ziga yuklangan vazifalarni bajara oladimi-yo'qmi, obro'-e'tiborga sazovormi-yo'qmi – ana shularni aniqlash ham muhimdir. Jamoani psixologik-pedagogik tahlil qilganda sinf jamoasining rivojlanish darajasini, shakllanganlik darajasini aniqlab chiqish zarur. Jamoa, pedagog-psixolog olimlarning fikriga ko'ra, jonli ijtimoiy organizm bo'lib, o'zining yoshiga egadir. U rivojlanishning muayyan darajasida turadi. U rivojlanish jarayonida muayyan sifat o'zgarishlariga duchor bo'ladi. Jamoa rivojlanish darajasining asosiy ko'rsatgichi jamoaning ayrim shaxsga nisbatan va shaxsning o'z-o'ziga nisbatan qo'yadigan talablarining xususiyati va darajasi hisoblanadi. Jamoa o'z rivojlanishida bir qator bosqichlardan o'tadi.

Birinchi bosqichda ichki munosabatlar faqat qaror topadi. Ular o'quvchilarning bir-biriga bo'lgan va anglab yetilgan tarbiyaviy talablar shaklida ifodalalanmaydi, bu talablarni faqat pedagog-psixolog qo'yadi. Bu yerda shaxsning o'ziga nisbatan qo'yadigan talabi umuman bo'lmaydi. Mana shu davrda jamoaning o'z qiziqishlariga sezgir bo'lgan va ularni ifodalay oladigan faol a'zolarini aniqlash muhimdir.

Rivojlanishning ikkinchi bosqichida jamoa a'zolariga sinf faollarining o'zlari (ya'ni liderlar) tarbiyalovchi talablar qo'ya boshlaydilar. Shaxsning o'ziga qo'yadigan talablari boshqalarga qo'yadigan talablardan kamroq bo'ladi.

Uchinchi bosqichda bolalarning hammasi jamoaning umumiy manfaatlarini obro'si va sha'nini qadrlaydilar, har bir kishiga tarbiyaviy talab qo'ya boshlaydilar, yaxshi ishlarni qo'llab-quvvatlab, ular bilan faxrlanadilar. Jamoatchilik fikri juda katta rol o'ynay boshlaydi, o'ziga bo'lgan talablar boshqalarga nisbatan bo'lgan talablarga muvofiq keladi. Keyinchalik agar jamoa to'g'ri rivojlanib borsa, o'ziga bo'lgan talablar shaxsning ehtiyojiga aylanadi.

Rivojlanish darajasini aniqlash tarbiyaviy ish shakllari va metodlarini tanlash uchun katta ahamiyatga ega bo'ladi. Bu ish har bir rivojlanish bosqichining xususiyatlarini hisobga olgan holda qurilishi kerak. Masalan, jamoa rivojlanishning yuqori darajasiga erishgan holda o'quvchilarga o'z o'rtoqlaridan birortasining xulq-atvorini sinf yig'ilishida, mustaqil ravishda, o'qituvchining ishtirokisiz muhokama qilish va bu masala xususida bir qarorga kelishni ishonib topshirish mumkin. O'qituvchining ishtirokisiz vijdonlilik xususida mustaqil ish olib borish tarbiyaviy ish usuli sifatida rivojlanishning uchinchi bosqichida amalga oshirilishi mumkin. Tavsifnomada jamoa bilan bundan keyingi olib boriladigan ish xususidagi pedagogik xulosaga uning rivojlanish darajasini aniqlash asosida kelish kerak. Tahlil qilish jarayonida jamoaning an'alarini aniqlash va o'rganish zarur. Ularda vujudga kelgan jamoatchilik fikri, didlari, qiziqishlari. Maktabga munosabat, bir-biriga va o'qituvchilarga bo'lgan munosabatda o'z ifodasini topadi. Shuning uchun

ham sinfnning psixologik-pedagogik tavsifhomasida uning hayotiga xos ana shu tomonini ham qayd qilib o'tish zarur. Intizomlilik jamoaning rivojlanish darajasini ko'rsatadigan xususiyatlardan biridir. Agar jamoa yuqori darajada uyushgan bo'lsa, u holda intizom bu faqat eng oddiy tartib emas, balki burchini bajarishga bo'lgan hozirlikdir. Shuning uchun ham yaxshi intizomning sabablarini aniqlab chiqish muhimdir. Bu sabablar jumlasiga jazolanishdan qo'rqish, yoki o'zining burchini chuqur anglab yetish kiradi. Bunda faqat bolalarning darsda o'zlarini qanday tutishlariga qarab emas, balki sinfga, maktabga, jamiyat uchun lozim bo'lgan narsani qanday bajarishlariga qarab ham xulosa chiqarish kerak. Nihoyat sinfda qaror topgan shaxslararo munosabatlarga ham e'tibor berish kerak. Chunki bu munosabatlar tizimi ko'p jihatdan jamoaning shaxsga ko'rsatadigan tarbiyalovchi ta'sirini ham, uning hissiy muhitini ham belgilab beradi. Jamoada o'quvchilar o'rtasidagi munosabatlar ishchanlik va shaxsiy yo'nalishlar bo'yicha rivojlanadi. Ishchanlik munosabatlari har bir o'quvchining ijtimoiy vazifasi bilan belgilanadi, shu sababli ular talab qilishlari, nazorat qilishlari mumkin, biri boshqasiga bo'ysunishi, topshirilgan ishni bajarilishi kerak bo'ladi. Lekin shu bilan birga bolalar shaxs sifatida bir-birlariga befarq munosabatda bo'ladilar, birovlariga xayrixoxlik bilan qarasarlar, boshqalarga befarqlik bilan yoki umuman e'tiborsiz qaraydilar: kimlargadir intiladilar, ular bilan do'stlashishga, yaqinlashishga harakat qiladilar, boshqalarni esa ishdan rad qiladilar. Bu ichki shaxslararo munosabatlar har bir o'quvchining hayotiga va umuman jamoaning faoliyatiga kuchli ta'sir ko'rsatadi. Maxsus tadqiqotlarning ko'rsatishiga qaraganda, sinfdagi har bir o'quvchida o'zining kichik muhiti mavjud bo'lib, u ana shu muhitga qabul qilingan bo'ladi va unda o'z o'rnini egallaydi, o'z vazifasini bajaradi. Bu yerda o'ziga xos munosabatlar, axloq, o'zining yozilmagan qonunlari qaror topadi. Pedagogning bolalar o'rtasidagi shaxslararo munosabatlarni bilishi va ularni boshqara olishi muhimdir, toki u har bir alohida shaxsning shakllanishiga ta'sir qilish imkoniga ega bo'lsin. Sinf jamoasining rasmiy tuzilishi hamisha ham shaxslararo real munosabatlarga mos kelavermasligi mumkin. Ko'pincha sinfda hech qanday mas'uliyatli vazifalarni bajarmaydigan o'quvchilar mashhur va obro'li bo'ladilar. Sbu bilan birga ular ko'p hollarda bolalarga kuchli ta'sir ko'rsatadilar. o'qituvchi tarbiyaviy ishda alohida etibor berishni talab qiladigan o'quvchilarni aniqlash uchun norasmiy yetakchilarning yomon ta'siriga barham berish uchun tegishli mas'uliyatli vazifalarga to'g'ri odam tanlashda shaxsiy munosabatlar tizimida har o'quvchining tutgan o'rnini bilishi zarur bo'ladi.

Xulosa qilganda, jamoaning tashkiliy tuzilishi shaxslararo munosabatlar tuzilishiga qanchalik yaqinroq bo'lsa, sinf shu qadar jipslashganroq bo'ladi, uning tarbiyaviy imkoniyatlari ham shunchalik ko'proq ro'yobga chiqadi.

МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ МУАССАСАСИ ВА ОИЛАДА БОЛА ШАХСИГА ЙЎНАЛТИРИЛГАН ТАЪЛИМ

Буранова Ш., ЖДПИ магистри

Болаларга доимий ғамхўрлик кўрсатиш, уларга меҳр-муҳаббат ва қувонч бағишлаш, маънавий соғлом оила муҳитида камол топиши ва келажакда комил инсон бўлиб вояга етишини таъминлаш Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати томонидан давлат сиёсати даражасига кўтарилган вазифалар каторидан ўрин олган бўлиб, айтилган вақтда айнан ушбу вазифалар Мактабгача таълим Вазирлигининг фаолиятини долзарб вазифаларидан бири ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 30 сентябрдаги ПФ-5198-сон “Мактабгача таълим тизими бошқарувини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонида узлуксиз таълим тизимининг муҳим бўғини бўлган мактабгача таълим тизимини янада такомиллаштириш, самарали давлат бошқаруви тизимини яратиш, мактабгача таълим муассасалари давлат ва нодавлат тармоғини кенгайтириш, моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, мактабгача таълим муассасаларга болаларни қамраб олишни кескин ошириш, таълим-тарбия жараёнларига замонавий таълим дастурлари ва технологияларини тадбиқ этиш орқали болаларни ҳар томонлама интеллектуал, маънавий-эстетик, жисмоний ривожлантириш ҳамда уларни мактабга тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш мақсад қилиб белгиланган. Ушбу Фармонда Мактабгача таълим вазирлигини ва вазирликнинг вилоятлардаги бошқармалари, туман ва шаҳардаги бўлинмаларини ташкил этиш белгиланган. Яна ушбу фармонда Мактабгача таълим вазирлигининг тўққизта асосий вазифалари ва йўналишлари белгиланган, шундан, иккинчи вазифаси этиб илғор хорижий тажрибани ҳисобга олган ҳолда мактабгача ёшдаги болаларни ҳар томонлама интеллектуал, ахлоқий, эстетик ва жисмоний ривожлантириш учун шарт-шароитлар яратишдан иборат. Шундай экан Фармондаги мақсад ва вазифалардан келиб чиққан ҳолда, ҳозирги кунда мактабгача таълим тизимида кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда.

Сифатли мактабгача таълим бола келажагининг ривожланиш даврига пойдевор қўйувчи даври десак муболаға бўлмайди, инсонга хос сифатлар шаклланади. Ушбу даврда маълум мақсадга қаратилган таълим-тарбия таъсирида шахснинг сифатлари шакллана бошлайди. Боланинг мактабда аъло баҳоларга ўқиши, ақлий қобилиятини намоён эта олиши, юқори кўрсаткич ва яхши натижаларга эришуви, унинг ақлан етук инсон бўлиб шаклланиши мактабгача ёшида олган билим ва кўникмаларига боғлиқ. Мактабгача таълим муассасаларида болага йўналтирилган таълим асосида таълимни ташкил этиш боланинг мустақил, соғлом фикрли, умуминсоний кадриятларни кадрловчи, юксак маданиятли бўлиб вояга етишига асос бўлади. “Бола шахсига йўналтирилган таълим” нинг асосий мақсади демократик жамиятнинг чинакам аъзосини тарбиялаб, вояга етказишдир. Ҳатто жуда кичик ёшли болалар ҳам танлаш, ўз ҳаракатларининг оқибати ҳақида ўйлаш, ўз тенгдошлари орасидаги турличаликни ҳурмат қилиш қобилиятига эга. Таълим асосини болани мақсадли йўналтириш, шахсий ҳис туйғуларни ҳисобга олиш ва ҳар бир боланинг ривожланиш босқичларига эътибор берган ҳолда ўқитиш ташкил этилади. Болага йўналтирилган таълим қуйидагиларни ўз ичига олади: таълимга ёндашувни индивидуаллаштириш, тегишли режали машғулотлар ва мавзули ўйин машғулотлари олиб боровчи мактабгача таълим муассасасида болага танлаш имконини бериш, таълимда оила иштирокини таъминлашдан иборат. Оилада илк болалик даврини сармоёлаш стратегиясини қўллаш боланинг келажақда олий маълумотли бўлиб, оиласи ва ватани равнақиға максимал даражада иқтисодий даромад келтирадиган муваффақиятли шахс бўлиб шаклланишини таъминлайди.

Индивидуаллаштириш-бу ҳар бир боланинг ривожланишидан ривожланишидаги ҳозирги босқичини англаб олиш ва ҳар бир боланинг муваффақиятга олиб келадиган топшириқ ҳамда машғулотларни режалаштиришдир. Машғулотларда педагогик методлар, материалларни қўллашда, бевосита бола тарбияси билан шуғулланишда тарбиячиларнинг – барчага индивидуал ёндашишга асосланган бўлиши кераклигидан иборат.

Болага мўлжалланган шароит таълимни индивидуаллаштиришни такозо этади. Бола ўз қизиқиши ва имкониятига қараб фаолият турини танлаши билан индивидуалликга эга. Тарбиячи бола фаолияти ва ҳаракатини чуқур кузатиш билан материал ва топшириқларни ўзгартириши уларни болаларни яна ҳам қизиқтирадиган шароитга мослаштириши мумкин. Гуруҳ ишларини ҳар бир боланинг индивидуал шуғулланиши учун қулай бўлган кичик гуруҳларда ўтказган маъкул.

Мактабгача таълим муассасаси тарбиячиси болани янада сифатли таълим- тарбия бериши учун оила билан ҳамкорликни йўлга қўйиши лозим. Оила болага зўр таъсир кўрсатади. Боланинг илк мурабийи ота-онадир. Шу сабабли болага йўналтирилган таълимда ота-оналар уйда болага таълим бериш ишида фаол бўлишлари кўрсатилган. Тарбиячилар эса боланинг уйда ўрганган нарсаларини мустаҳкамлашни таълим учун асос қилиб оладилар.

Тарбиячининг иши қўйидагилардан иборат: Тарбиячи болаларга материални тарқатади ва болалар атрофмуҳит билан чекланмаган миқдорда алоқага киришиши учун шароит яратади. Бола қачонки бирор нарсани мустақил бажарса, у яхши ўқийди. Улар олам қандай тузилганлигини ўз хатолари ва тажрибалари орқали англагани маъкул. Ҳосил қилинган тушунчаларни мустаҳкамлашда турли машқлардан фойдаланилади. Масалан, тартиблик ва бетартиблик масаласини олайлик. Мунчоқларни тизишда болага светофор тартибида тузишни айтсак, бола мунчоқдаги рангларни навбат билан тизиш орқали ҳам тартиблилик ва тартибсизлик ҳақида тушунча ҳосил қилиш мумкин. Энг асосийси тарбиячи тарбиясидаги боланинг ёшига нисбатан ривожланиши қандай бўлиши лозимлигини яхши билиши лозим. У ҳар бир боланинг ривожланиш босқичида қандай материал зарурлигини яхши билиши керак.

Хулоса қилиб айтганда, ота-оналар ва тарбиячи ўртасидаги самарали ҳамкорлик орқали ота – она ва тарбиячи ўртасида ўзаро ҳурмат, оила ва мактабгача таълим муассасаси ўртасида яқин алоқалар пайдо бўлади, яқин алоқаларни сақлаб қолиш учун ўзаро келишилган ҳолда давомли учрашувлар ташкил қилинади, ота-оналар МТМ тадбирлари ва машғулотларга жалб этилиши таъминланади, оила ва боланинг кучли томонларига диққат қаратилади ва ўзаро ҳамкорликда ривожлантирилади, ота-оналар ва тарбиячи ўртасида бола ва оилага тегишли ахборот алмашилганда, катъий ишончга амал қилинади. Ҳамкорлик қилишда ишонч жуда муҳим ҳисобланади.

ТАВСИЯЛАР

Бола шахсига йўналтирилган таълим болаларда ўрганишни индивидуаллаштириш, болага танлаш ихтиёрини бериш, ота-оналарни таълим жараёнига жалб қилиш ва болани эркин фикрли қилиб тарбиялаш тамойилларига асосланган. Педагогнинг асосий вазифаси эса, боланинг ривожланишига кўмаклашишдир. Мактабгача таълимнинг ўзига хос хусусияти боланинг кадрини

тушуниш ва вақтидан олдин улғайишига ундамасликдир. Болага йўналтирилган таълим ёндашуви бу боланинг ёш хусусиятлари, қобилятлари, қизиқишлари, талаб эҳтиёжлари, унинг таълим мақсадларига эришиш учун ёрдам берадиган мактабгача таълим муассасасига келгунга қадар тўплаган тажрибасини эътиборга оладиган таълим шаклидир. Орзу умидларимиз ва ғояларимиз муштарак бўлган биз тарбиячиларнинг асосий мақсади барча фарзандларимизнинг сифатли таълим олишини таъминлашдир, бу эса биз учун улкан шарафдир.

ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА СПОРТ СОҲАСИДА КАДРЛАРНИ ТАЙЁРЛАШДА ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ МЕХАНИЗМЛАРИ

*Ҳайдаров Ф. И., ЎзДЖТСУ катта ўқитувчиси
Дусанов Н. Э., ЎзДЖТСУ ўқитувчиси*

Таълим мазмунининг ривожланишида кўзга ташланаётган замонавий тенденцияларидан бири уни стандартлаштириш (давлат миқёсида ягона қоидалар ва талаблар ўрнатилиши) ҳисобланади. «Давлат таълим стандартлари умумий ўрта таълим, ўрта махсус, касб-ҳунар ва олий таълим мазмунига ҳамда сифатига қўйиладиган талабларни белгилайди»¹.

Маълумки бугунги кунда таълим тизимидаги фанларни ўқитишда узвийлик ва узлуксизлигини таъминлаш мақсадида, ҳар бир фаннинг мазмунини қайта таҳлилдан ўтказиш, Давлат таълим стандартлари ва ўқув дастурларини такомиллаштириш, таълим босқичлари бўйича унинг узвийлиги ва узлуксизлигини таъминлаш асосида тубдан ислоҳ қилиш зарур бўлади. Олий таълим ўқув режасида предмети сифатида киритилган «Таълим технологиялари» ўқув предмети ҳам бундан мустасно эмас.

– жисмоний тарбия йўналишида тайёрланаётган мутахассисларни таълим технологияларидан маълумотли қилиб тайёрлаш, яъни уларни замонавий таълим технологияларининг усул ва воситалари ҳақидаги билимларини чуқурлаштириш, шунингдек, улардан ўз касбий фаолиятларида фойдалана олиш кўникма ва малакаларини шакллантиришдан иборат.

– шу соҳа мутахассисларига таълим технологиялари усул ва воситаларидан ўқиш давомида ва келажакдаги касбий фаолиятида фойдалана олиш кўникмаларини шакллантириш;

– жисмоний тарбия дарсларида таълим технологияларини қўллаш ва излаб топиш;

– замонавий таълим технологиялари ёрдамида ахборот ва билимларни алмаша олишларига имконият яратади.

Таълим технологияларини янада чуқурроқ ўзлаштириш ва улардан фойдаланиш малака ва кўникмаларини ҳосил қилиш «Таълим технологиялари» фанини ўрганиш орқали амалга оширилади. Натижада талабалар таълим технологияларидан тўғри фойдаланиш маданиятини эгаллайдилар.

Таълим технологияларидан фойдаланиш маданиятини – бу инсонни таълим технологияларининг имкониятларидан ўз фаолиятида самарали фойдалана олишини билдиради. Замонавий билимга эришган одам ахборотлашган жамиятнинг фаол аъзосига айланади.

«Таълим технологиялари» фанини ўрганиш ўқувчиларнинг «Педагогика», «Касбий педагогика», «Жисмоний тарбия ўқитиш назарияси ва услибиёти» ва бошқа ижтимоий гуманитар ва умумкасбий фанларидан олган билим кўникмаларига асосланади. Шунингдек, таълим технологияларининг усул ва воситаларидан ушбу фанларни ўрганишда кенг фойдаланиш кўзда тутилиши керак.

- таълим технологиялари воситаларидан фанларни ўқитиш давомида ва ўзининг касбий фаолиятида фойдаланишни билиши;

- таълим технологияси тушунчаси ва усуллари ҳақида маълумотга эга бўлиши;

- ўқитиш жараёнида таълимнинг интерфаол ва бошқа усулларини излаб топиш, танлаб олинган усулни тизимлаштириш, таркиблантириш, умумлаштириш ва тушунарли шаклга келтиришни билиши;

- таълим жараёнида мультимедия технологияси ва телекоммуникациядан фойдалана олиш кўникмаларига эга бўлиши;

Юқорида айтилганларни ҳисобга олиб, янги тизим спортчиларини тайёрлаш учун фикр муҳим вазифаларни ҳал этишга ёрдам бера оладиган янги самарали, ҳаммабоп педагогик услубни жорий этиш зарурияти туғилди, деб айта оламиз. Янги тизим спортчиларини тайёрлаш учун фикр муҳим

¹ Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонуни / «Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори» асаарида. – Т.: Шарқ, 22-бет.

вазифаларни ҳал этишга ёрдам бера оладиган янги самарали, ҳаммабоп педагогик услубни жорий этиш зарурияти туғилди, деб айта оламиз. Бунинг учун лаборатория стендлари ва ўқув устахоналаридаги машғулотлар барча талабалар учун нафақат қизиқарли, балки қулай ва осон бўлишига эришмоқ лозим. Машғулотлар ўзига жалб эта олиши, барча руҳий ва дидактик омилларни ҳисобга олиши, жараёнларни жўшқин тарзда намоён этиши, машғулотлар ўтказиш ва ўқитилаётган фанни ўзлаштиришни, умуман бутун ўқитиш самарасини ошириши, эгалланган билимлар хусусида ўзига ўзи баҳо бериш имконини таъминламоғи зарур. Айнан шу нуқтаи назардан замонавий таълим технологияларининг татбиқ этилиши юқорида кўрсатилган вазифаларни мақбул тарзда ҳал қилиш ва анъанавий ўқитиш усулининг бир қатор камчиликларини бартараф этишга кўмак беради.

ДИФФЕРЕНЦИАЛ ТАЪЛИМ – ПЕДАГОГИК-ПСИХОЛОГИК МУАММО СИФАТИДА

Зиёдуллаева С., Қариш ДУ магистранти

Дифференциал таълим технологияси бу таълимни инсонпарварлаштириш ва шахсга йўналтирилган ёндашувни амалга ошириш имконини бериб, унга қатор педагог олимлар алоҳида эътибор қаратиб келганлар ва уни амалиётга татбиқ этиш учун дастурий таъминот устида қатор ўзгаришларни амалга ошириш талаб этилади.

Дифференциал таълимга педагогик лугатларда шундай таъриф берилади:

Дифференциаллашган таълим ва тарбия - (лот. differentia - фарқ) бу ўқувчиларнинг қизиқишлари, мотивацияси, шахсий имкониятлари ҳамда ёш хусусиятларини ҳисобга олиш асосида ташкил этиладиган ўқув фаолияти шаклидир. Ушбу таълим шаклининг туб моҳияти ўқувчилар гуруҳини муҳим белгилари (хусусиятлари)га кўра кичик гуруҳларга ажратиш ва ҳар бир гуруҳга бир хил ўқув материални ўзига хос мазмун ва даражада тайёрланган ўқув топшириқларидан фойдаланган ҳолда етказиш билан ифодаланади. Таълим муассасалари ўқувчилар қизиқишлари ҳамда қобилиятларини инobatга олган ҳолда кўп даражали таълим-тарбия тизимини мустақил ҳолда ишлаб чиқиш ҳуқуқига эга. Педагогикада дифференциаллаштириш таълим мақсади ва вазифалари, принциплари, мазмуни, метод ва шаклларига нисбатан ишлатилиши мумкин. Дифференциаллашган таълим таркибига кўра турли вазиятларга мослашувчан, вақтинчалик ўқув гуруҳларини ташкил этиш имконини беради. (1;14).

Н.В.Новоторцева эса коррекцион педагогик жараёнда ушбу таълим туридан ўқувчилардаги психо-физиологик нуқсонларни бартараф этиш мақсадида қўллаш йўлларига тўхталиб ўтади:

Психофизиологик ривожланишида нуқсонли бўлган болаларни ўқитишда дифференциаллашган таълим — бу махсус (коррекцион) таълим муассасаларида болаларни улар ривожланишидаги нуқсонларнинг даражаларига кўра гуруҳларга ажратиш ва ҳар бир гуруҳга мос бўлган таълим-тарбия методлари ва мазмунини белгилаш ҳамда ташкил этиш шаклидир. Гуруҳларга ажратиш учун болаларни турли текширувлардан ўтказувчи психологик, тиббий ва педагогик хулоса берувчи махсус комиссия хулосасидан фойдаланилади. (2; 28).

Дифференциал таълим – таълим жараёнига шундай ёндашувки, бунда ўқувчиларнинг имкониятлари ва эҳтиёжлари максимал даражада инobatга олинади. Дифференциаллаштирилган таълим дарс жараёнида ўқув материали мазмунини мослаштириш, айрим топшириқлар бажариш жараёнини ўқувчиларнинг имкониятлари ва қизиқишларига таянган ҳолда мослаштириш, қийинчиликларни бартараф этишга ўргатиш, ўқувчиларга методик ёрдам кўрсатиш асосида ташкил этилади.

Дифференциаллаштириб ўқитишнинг ўзига хос жиҳатлари қуйидагилардан иборат:

- ўқувчиларнинг дастур материалларини ўзлаштиришига эришилади;
- уларнинг билим ва малакаларида, ижодий ишларида ўсиш кузатилади, уларнинг фанга қизиқишлари орта боради;
- ўқувчиларнинг фаоллиги ошади;
- ўқувчиларнинг қобилияти ва имкониятларига қараб билим берилаётганлиги сабабли, уларда ўқув юкламаларини ўзлаштиришда зўриқиш ҳоллари бўлмайди;
- иқтидорли ўқувчиларнинг чуқур билимлар олишга бўлган эҳтиёжлари кондирилади;
- дифференциаллаштириб ўқитиш уни демократлаштиришга ва инсонпарварлаштиришга ёрдам беради.

Дифференциал таълимнинг ушбу жиҳатлари ўқувчиларнинг билим, кўникма ва малакаларини шакллантиришда муҳим ҳисобланади. Уларни мустақил фикрлашга, ўз устида мунтазам ишлашга ундайди.

Бугунги кунда педагогика фани олдида дифференциал таълимнинг илмий асосларини яратиш, ўқувчиларни дифференциаллаштириб ўқитиш жараёнини назарий методик жиҳатдан таъминлаш, табақалаштириб ўқитишни ташкил этиш шакл, метод, восита ва технологияларини ишлаб чиқиш ва амалий фаолиятга жорий этиш каби муҳим масалалар турибди.

Бунинг учун таълим жараёнида қуйидаги ишлар амалга оширилиши зарур:

- ўқитувчилар шахсига индивидуал ёндашув асосида табақалаштириб ўқитиш соҳасидаги илғор тажрибаларни ўрганиш, умумлаштириш ва амалиётга жорий этиш механизмини ишлаб чиқиш;
- дифференциаллаштириб ўқитишнинг ижтимоий-иқтисодий, умумдавлат миқёсидаги аҳамиятини аниқлаш;
- дифференциаллаштириб ўқитиш жараёнининг педагогик жиҳатдан яхлитлигини таъминлашга йўналтирилган илмий-методик тавсиялар ишлаб чиқиш;
- дифференциаллаштириб ўқитишнинг йўналишлари, мазмуни, шакли, восита ва методларини англаш;
- индивидуал ёндашув асосида гуруҳланган жамоаларга таълим бериш жараёнида таълим-тарбия ишларини ташкил этиш йўллари ишлаб чиқиш;
- дифференциаллаштириб ўқитиш жараёнида ўқитувчилар иш фаолиятини ташкил этишнинг ўзига хос назарий-методик кейсларини яратиш;
- индивидуал ёндашув асосида дифференциаллаштириб ўқитишнинг ташкилий шакллари давлат илм-фани, ишлаб чиқаришини ривожлантиришга йўналтирилган таълим назарияси ва стратегиясини ишлаб чиқиш;
- ўқитувчи шахсий қобилияти, иқтидори, қизиқишларини ривожлантиришга ва муайян мақсадга йўналтиришга хизмат қиладиган таълим-тарбия назариясини яратиш кабилар. (3; 124)

Дифференциаллаштириб ўқитишда ўқувчилар учун ўқув режаси эркин бўлади. Шунга кўра, ҳар бир ўқувчи ўзининг индивидуал таълим йўналишини танлаш ҳуқуқига эга бўлади. Бу таълим сифатини ошириш учун қулай имкониятлар яратади. Бунда таълим жараёни фақатгина ўқувчига маълум миқдордаги билимни ўргатишга йўналтирилиб қолмасдан, шахснинг ривожланиши, ўзлигини намоён қила олиши, қобилиятининг ўсишига ҳам қаратилиши талаб этилади.

ПЕДАГОГИК ЖАРАЁНДА ПСИХОЛОГИК ХИЗМАТНИНГ АҲАМИЯТИ

*Исоқова Ш., Абдуганиев С., Эшмуратов Ў.,
ЖДПИ талабалари*

Бугунги кунда давлатимиз таълим соҳасидаги ислохатлар янги кишини шакллантириш вазибаларининг хилма-хиллиги ва мураккаблиги бўлажак педагоглар тайёрлаш масаласини халқ таълими ва олий таълим вазирлиги ходимларининг олдида, педагогика институтлари ҳамда педагогика университетлари раҳбарлари, профессор-ўқитувчиларининг олдида долзарб қилиб қўймоқда. Мактабга моҳир педагоглар керак. Педагогик маҳорати эса ўқув-тарбиявий фаолиятнинг барча турларини қулайлаштиришни моҳирлик билан удалашдан иборат. Психология фанида жуда катта билим хазинаси, тавсиялар жамланган. Бўлажак ўқитувчилар уларни эгаллаб олишлари лозим бўлади. Лекин, афсуски, олий ўқув юртининг психология дастури умумий, ёш психологияси ва педагогик психология (болалар психологияси) бўйича оз миқдордаги курслардан ташқари, муомала психогигиенаси, шахс психологияси, мактаб психологиясининг иши юзасидан билим бермайди. Педагогика олий ўқув юртининг дастурида психологик диагностика ва психологик тузатишлар киритиш, муомала психологияси юзасидан махсус амалий машғулотлар ўтказиш кўзда тутилмаган, холбуки бундай билим асослари педагогик маҳоратига эришиш учун ниҳоятда зарурдир.

Психологиядан топшириқлар системасини ўз ичига олган бўлиб, улар мактабга психологик хизмат кўрсатиш мақсадида тузилган ва ўқувчилар шахсини, ўқувчилар жамоасини амалий жиҳатдан билишга, дарсни психологик жиҳатдан таҳлил қилишни билиб олишга, мактабда психологик-педагогик консилиум, касб танлашга йўллаш ишлари таркибий қисмларини ташкил этиш ва ўтказишга, психодиагностика ишларини ва психик тузатиш таркибий қисмларини бажаришга, ўқувчилар билан психологиядан суҳбатлар ўтказишга қаратилган.

Мактабнинг психология хизматини ташкил этиш, йўлга қўйиш жараёнида вужудга келадиган асосий муаммоларидан бири ўқитувчилар ва психологларнинг ўзаро ўхшаш муносабатларини ташкил этиш муаммосидир. Ҳозирги вақтда мактабларимиз педагоглар ва ота-оналарнинг психологик саводсизлиги туфайли пайдо бўлаётган муаммолардан азият чекмоқда. Бу муаммоларни ҳал қилмасдан туриб, мактаб ҳаётини инсонпарварлаштириш ва демократиялаш ишини амалга ошириб бўлмайди. Мамлакатимизда ҳар минг кишига АҚШга нисбатан 375 марта оз психолог тўғри келади. Мутахассисларнинг камлиги мактабда ва мактабгача тарбия муассасаларида, академик лицейлар ва касб-хунар коллежларида психология хизматининг ривожланишига тўсқинлик қилаётган сабаблардандир. Мамлакатимиз ўқитувчилар ижодий уюшмасининг дастурида шахснинг устун мавқеда туриши зарурлиги айтиб ўтилган. Дастлабки лицей ва гимназиялар ишлаб босладилар, уларнинг вазифаси иқтидорли болаларни аниқлаш ва ўқитишдир. «Ақл идрок» хайрия фонди, Ўзбекистонда эса худди шундай «Улуғбек» фонди ташкил қилинди. Миллий бойлик ақл-идрок ва истеъдод – асраб-авайланади ва қулай шароитларда ривожланади.

Ушбу илмий мақолада ёритилаётган психология фанидан педагогик амалиётни ташкил этиш тўғрисида услубий кўрсатмалар ва талабларнинг берилиши ақлий заиф ва жисмоний камчиликлари бўлган болаларга ижтимоий-психологик ёрдам кўрсатиш бўйича Россияда Л.С.Виготский номидаги фонд ташкил этилган. Тарбияси қийин болаларнинг ота-оналарига, бевосита тарбияси оғир болаларнинг ўзига ижтимоий-психологик ёрдам кўрсатиш лойиҳалари ишлаб чиқилган ва ҳаётга тадбиқ этилмоқда.

Психология хизмати – бу инсонга қийин вазиятларда ёрдам кўрсатиш, бу одатдан ташқари шароитга кўникашда ёрдам беришдир. Психология хизмати – бу шахснинг муваффақиятли ўқиши, касб танлаши, ривожланиши, ҳаёт йўлини танлаши учун ўз билимини англаб етиш ва қўлланилишида ёрдам кўрсатишдир. Бу хилдаги ёрдам деярли ҳаммага: болаларга ҳам, ўсмирларга ҳам, йигит-қизларга ҳам зарур. Кўпинча шундай бўлади: киши қийин вазиятдан қандай қилиб чиқишини билмайди, шундай пайтда четдан хайрихоҳлик билан кўрсатилган ёрдам унга муаммони ҳал қилишининг янги йўллари топишига, янги вазиятни билиб олишига кўмаклашади.

Психологик хизмат қалтис ёш даврида бўлган кишиларга айниқса зарурдир. Булар – мактабга кириш, бошланғич мактабни тамомлаш, ўсмирлик даври, мактабни тамомлаш ва ҳаёт йўлини танлаш давридир.

Психологга ёрдам бериш ва у билан ўзаро ёрдамни амалга ошириш учун бўлажак ўқитувчи психодиагностика асосларини ва психологик тузатиш киритиш элементларини ўзлаштириши зарур бўлади. Педагогик амалиёт жараёнида ўқувчиларни ва ўқувчилар жамоаларини ўрганиш кўникмаларини ривожлантириш, ўзини «психолог» сифатида синаб кўриш керак, чунки ўқувчи ва синфни ўрганишнинггина ўзи кифоя қилмайди, шу билан бирга психологик жиҳатдан ёрдам кўрсатишга интилиш ҳам зарур.

Мактаб психологи педагоглар жамоасининг қизиқарли иш шаклларида бири психологик-педагогик консилиумни психология фани билан педагогик амалиётнинг манфаатлари учрашадиган ўзига хос бир «майдон» сифатида қиёслаш мумкин.

Шундай қилиб, психологияга доир топшириқларни бажариш қуйидаги вазифаларни ҳал қилишни назарда тутади:

- психологик-педагогик билимларни чуқурлаштириш, мустаҳкамлаш ва бойитиш, педагогик вазифаларни ҳал қилишда улардан фойдаланиш;

- бўлажак ўқитувчиларда илмий-тадқиқот фаолияти кўникмалари ва малакаларини шакллантириш ва ривожлантириш; бу фаолият психологик диагностикани амалга ошириш малакасидан иборатдир.

- Талабаларда психологиядан мустақил билим олиш эҳтиёжини шакллантириш;

- таълим-тарбия жараёнида шахсга ва синф жамоасига ижодий, тадқиқотчилик тарзидаги ёндашувни шакллантириш;

Педагогик амалиётда талабалар қуйидаги психологик-педагогик малакаларни;

- мактаб ўқувчисини, синф жамоасини психологик-педагогик жиҳатдан ўрганиш методикасини;

- ўрганиш жараёнида аниқ психологик методикалардан фойдаланишни, тадқиқот жараёнида олинган маълумотларни ишлашни, педагогик хулосалар чиқаришни;

- ўқувчилар билан алоқа ўрнатишни;

- муомала ва ўқув фаолияти қийинлашганда ўқувчиларга психологик ёрдам кўрсатишни;

- дарсларни психологик таҳлил қилишни;

▪ педагоглар билан амалий алоқалар ўрнатиш, педагогик мунозарада иштирок этишни эгаллаб олишлари лозим.

Педагогик амалиёт асосида ўқувчиларни психологик-педагогик жиҳатдан ўрганишнинг умумий принциплари ва ташкил этилишида.

Психологик-педагогик ўрганишнинг куйидаги принципларини билиши, тушуниши керак.

▪ Психик (руҳий) ходисаларни бир-бири билан боғлиқ равишда ва ўзаро муносабатларда олиб қараш зарур. Бундай ёндашиш фақат ходисаларни тасвирлашни эмас, шу билан бирга сабаб-оқибат алоқаларини ҳам очиб бериш имконини яратади, бу эса ўқувчиларни психологик-педагогик жиҳатдан ўрганиш учун асос хизматини ўтайди. Айни бир сифатнинг ўзи турли сабабларнинг оқибати бўлиши мумкин. Масалан, ўқувчининг тортинчоқлиги, уятчанлиги, кўрқоқлиги унинг оиладаги эзилганлик, камситилганлик ҳолатининг натижаси, унинг жисмоний заифлиги, хасталиги ва ўз кучига ишонмаслиги натижаси бўлиши мумкин. Чунончи, хотира, тафаккур ва билишнинг бошқа жараёнларини уларни ташкил этишнинг алоҳида шакли бўлган диққат билан боғламасдан туриб ўрганиш мумкин эмас. Баъзи ҳолларда ўқувчининг ўқув материални яхши эсда сақлаб қолмаслиги ёки фикрлаш жараёнларининг кечишидаги қийинчиликлар фикрни бир жойга тўплаб олмасликнинг, диққатнинг барқарорлиги билан, хотиранинг бутунлай тарқоқлиги билан боғлиқдир.

▪ Ривожланиш принципи шахсни ва унинг хусусиятларини айрим жараёнлар ва хусусиятларнинг сифат ўзгаришларини ҳисобга олиш чоғида, доимий ўсиш жараёнида олиб қарашни талаб этади. Ўқувчини психологик-педагогик жиҳатдан ўрганишда мавжуд ўзгаришларнинг тамойиллари, йўналишларини аниқлаш керак. Бу ҳол талабага боланинг фақат бугунги кунини эмас, балки ўтмишини (соғлиги, ўқишдаги муваффақиятлари, қизиқишлар ва ҳоказоларни) ҳам ўрганиш вазифасини юклайди. Шу боис ўқитувчи ва тарбиячилар билан суҳбатлашиш, аввалги йиллардаги синф йўқламалари билан, шунингдек, ўқувчи ва синф жамоаларининг аввал тузиб чиққан тавсифномалари билан танишиб чиқиш муҳимдир. Буларнинг ҳаммаси ўқувчининг ривожланишига оид ўз хулосалари учун материал бўлиб қолиши зарур. Масалан, қуйи синфларда бўш, ялқов, ташаббуссиз бўлган ўқувчи ўсмирлик ёшида ташаббускор, ғайратли бўла бориб, журъатсизлик ва ўзига ишонмасликдан холи бўлганлигини шу тариқа билиб олиш мумкин. Ўқувчидаги ана шу фазилятларни қўллаб-қувватлаб, уни жамоат ишига, синфнинг фаол ҳаётига жалб этиш лозим.

Педагогик амалиётнинг бориши мобайнида таълимнинг такомиллашган усулларини, янги дастурларни ёки махсус руҳий тузатиш таъсирлари ўтказиш оқибати бўлган руҳий жараёнларнинг ўзгаришини, ижобий натижаларини кўра билишни ўрганиш керак.

PEDAGOGIK FAOLIYATNING TEXNOLOGIYALASHUVI

Murodova Z. Qarshi DU o'qituvchisi

Salimov M., Qarshi DU talabasi

Mamlakatimizda ta'lim sohasida roy berayotgan tub yangilanishlar har bir ta'lim muassasasida o'quv jarayoni metodik ta'minotini rivojlantirishini talab etadi. Zamonaviy axborot-kommunikasiya texnologiyalari yaqin yillar ichida pedagogik innovatsiyalarning asosiy manbai bo'lib qoladi. Ayni vaqtda o'quv jarayoniga zamonaviy axborot-kommunikasiya va pedagogik texnologiyalarni, elektron darsliklar hamda multimediya vositalarini keng joriy etish hisobiga mamlakat maktabgacha talim muassasalari, maktablar, kasb-hunar kollejlari, akademik litseylar, oliy ta'lim muassasalarida, qolaversa malaka oshirish jarayonida ta'lim berish sifatini tubdan yaxshilashga e'tibor qaratilmoqda. Shunday ekan, bugungi kunda o'quv jarayoniga zamonaviy axborot texnologiyalarini qo'llash ta'lim metodlarining samaradorligini oshirishga, o'qituvchilar mehnat faoliyatining o'zgarishiga, ularning pedagogik mahoratini takomillashtirishga, pedagogik tizimlarning tarkibiy o'zgarishiga samarali ta'sir etadi. Bu esa pedagogik jarayonlarni axborotlashtirishni tashkil etish va boshqarishda o'ziga xos vazifalarni qoyadi. Jamiyat taraqqiyoti hozirgi davrida ijtimoiy hayotning barcha sohalarini texnologiyalashtirishini taqoza qilmoqda. Ayniqsa, pedagogik faoliyatning texnologiyalashtirish har qachongidan ham zaruriyatga ayilonmoqda.

Bu zaruriyat quyidagilar bilan izohlanadi:

- birinchidan, jamiyatimizning taraqqiy etgan mamlakatlar qatoridan o'rin olishi hamda aholi ta'limini jadallashtirish va samaradorligini oshirish maqsadida;

- ikkinchidan, o'qituvchi faoliyatiga faqatgina o'quv jarayonining tashkilotchisi emas, balki nufuzli bilimlar manbayi sifatida qaralayotganligi;

- uchinchidan, fan texnika taraqqiyotining o'ta rivojlangan ligi natijasida axborotning keskin ko'payib borganligi va ularni yoshlarga yetkazish uchun vaqtning chegaralanganligi;

- to'rtinchidan, kishilik jamiyati va taraqqiyotining shu kundagi bosqichida nazariy va empirik bilimlarga asoslangan tafakkurdan tobora foydali natijaga ega bo'lgan, aniq yakunga asoslangan texnik tafakkurga o'tib borayotganligi;

- beshinchidan, yoshlarni hayotga mukammal tayyorlash talabi ularga eng ilg'or bilim berish usuli hisoblangan obektiv borliqqa yondashuv tamoyillaridan foydalanishni talab qilnayotganligi.

Pedagogik faoliyatni texnologiyalashtirish pedagogik tizim davrasida bajariladigan amallardan iborat.

Har qanday jamiyatda pedagogik tizimning maqsadi jamiyatning shaxsini shakllantirishga qoygan talablari asosida tizim ham o'zgarishi mumkin. Juda ko'p taraqqiyotlarga asoslangan holda V.P.Bespalko pedagogik tizimining o'zaro bog'liq oltita elementni ko'rsatadi.

Bular: 1.O'quvchi.

2. Ta'lim - tarbiyaning maqsadi.

3. Mazmuni.

4. Didaktik jarayoni.

5. O'qituvchi yoki texnik vositalar.

6. Ta'lim - tarbiyaning tashkiliy shakllari.

Bu tizimidagi dastlabki 3 element didaktik vazifa qolgan 3 tasi ta'lim texnologiyasi sifatida ko'rsatiladi. Shaxsda ma'lum sifatlarni shakllantirish uchun o'qituvchilar va o'quvchilar o'rtasidagi bir-biriga bog'liq aloqa ko'rsatiladi.

Pedagogika tizimning bu tarkibida har qanday ilmiy nazariyada uchraydigan dastlabki tushunchalar: vazifa va uning yechish texnologiyasi ko'rsatilgan.

Ilg'or pedagogik texnologiyalar ta'lim jarayoni umumdorligini oshiradi, o'quvchilarning mustaqil fikrlash jarayonini shakllantiradi, o'qituvchilarda bilimga ishtiyoq va qiziqishni oshiradi, bilimlarni mustahkam o'zlashtirish ulardan amaliyotda erkin foydalanish ko'nikma va malakalarni shakllantiradi.

Pedagogika texnologiyaga asoslangan ta'lim jarayonida o'qituvchi faolligi va o'quvchi faolligi doirasi aniq belgilanadi.

Aniqroq qilib aytganda pedagogika texnologiyaga asoslangan faoliyat deganda, ta'lim funksiyasini amalga oshirishdagi mahorat va san'at tushunilib u juda qulay usullar asosida o'quvchilarning bilim, ko'nikma va malakalarini rivojlantirishga asoslanadi.

Pedagogik texnologiyada ta'lim jarayonini maqsadini belgilash muhim bo'lib u rejalashtirilgan natijalarni kafolatlashi lozim.

Shuning uchun ham o'qituvchilar maqsadini aniq belgilashga alohida e'tibor qaratishlari zarur. Har bir o'qituvchi avvalo o'zi o'qitadigan o'quv predmeti maqsadini va har bir o'qitadigan darsi maqsadini aniq belgilashi kerak.

Belgilangan maqsad asosida o'tkaziladigan didaktik jarayonning aniq loyihasi ishlab chiqilsa, uni amalga oshirish osonlashadi.

Didaktik jarayon uchta bir-biri bilan bog'liq komponentlardan iborat. Bular:

1) Motivlar.

2) O'quvchining o'quv-bilish jarayoni.

3) Boshqarish.

Didaktik jarayonning samarali o'tishida motivlar muhim o'rin tutadi. Chunki qiziqib, aniq maqsad asosida egallangan bilimlarga samarali bo'ladi.

ТАЛАБАЛИК ДАВРИДА ИЖТИМОЙ КОМПЕТЕНТЛИКНИ НАМОЁН БЎЛИШИ

Ориббоева Д., НамДУ ўқитувчиси

Замонавий таълимни асосий талабларидан бири шахс ижтимоий компетентлигини шакллантириш орқали тарбия жараёнидаги ижтимоий компетентлик ва субъектни ўзини ўзи ривожлантиришдир. Бундан вазифани ҳал этишда таълим жараёнида ижтимоий компетентликни шакллантириш таълим муассасалари ва шахс ривожланиши талаблари билан уйғун ҳолда амалга оширилади.

Агар ижтимоий компетентликни шахснинг ижтимоий соҳада яхлит ривожланиши нуқтаи назаридан қарайдиган бўлсак, таълим муассасаларидаги тарбия жараёнида шахснинг ўз имкониятларидан фойдаланиш орқали ижтимоий ҳуқ-атвор шаклланишига эътибор қаратади. Айнан шу

конунят тарбия соҳасида ижтимоий компетентликни шакллантириш жараёнида катта аҳамиятга эга. Шахс ижтимоийлашуви, таълим муассасасининг таъсири талаба шахсида ижтимоий компетентлигининг янги даражасини белгилайди. Бунда ижтимоий компетентликни шакллантириш ҳозирги кун таълим муассасалари олдида турган муҳим вазифалардан бири ҳисобланади.

Маълумки, талабага таъсир этувчи кичик омилларга оила, тенгдошлар, жамият, турли таълим ва тарбия муассасалари киради. Шунингдек, талаба шахсида ижтимоий компетентликни шаклланишида ижтимоийлашув жараёнини жадаллаштириш керак. Чунончи, ҳозирги кун таълим муассасалари олдидаги асосий вазифалардан бири бу ҳар бир шахсни ижтимоий фаоллигини ошириш орқали ижтимоийлашув жараёнини тезлаштириш, жамият талабларига мувофиқ хулқ-атвор нормаларини шакллантириш, инсоний муносабатлар учун мулоқот маданиятини ривожлантиришдан иборат.

Таъкидлаш жоизки, ижтимоий компетентлик тушунчасининг моҳияти ва унинг инсон ҳаётидаги ўрнини баҳолаш муҳим ҳисобланади. Шу нуқтаи назардан олганда, адабиётлар келтирилган ижтимоий компетентлик тушунчасининг моҳиятини асослаш муҳим ҳисобланади.

Хусусан, педагогика ва ижтимоий психологияда “ижтимоий компетентлик” таърифи коммуникатив нуқтаи назардан ўзгарган. А.Кидрон ижтимоий компетентликни зарурий муомала сифатида илгари сурган. Бундай ижтимоий компетентлик хусусиятлари сифатида инсонлар билан фаол алоқага киришувчан, киришимли, сўзамон, ўзининг фикрига бошқаларни ишонтира олувчи, ҳар қандай масалада муҳокамага тайёрлик, мунозарали жараёнда ўзини ушлай олиши ва бошқалар кўриб чиқилган.

XX асрнинг 90-йилларида ижтимоий компетентлик шахсининг шахсий сифати каби барча ижтимоий тармоқларда машҳур бўлиб, фанлараро бир мавзу сифатида қабул қилинади ва мураккаб, кўп компонентли ва ўлчовли ҳодиса сифатида таҳлил қилинади. Бу анъана ҳозирги замон олимларининг тадқиқот ишларида давом этмоқда.

В.Н.Кунисына ижтимоий компетентликнинг қуйидаги турларини ажратиб кўрсатади: компетентлик; коммуникатив компетентлик; ижтимоий-касбий компетентлик; ўз-ўзини аниқлаш. И.А.Зимняя компетентликларни инсонга ижтимоий таъсирга кўра, ижтимоий ҳамкорлик (жамият, жамоа, оила, дўстлар, ҳамкорлар билан зиддиятлар ва улардан қайтариш, ҳамкорлик, бағрикенглик, ижтимоий сафарбарлик) ва муомала компетентлиги (оғзаки, ёзма, суҳбат, монолог; билим ва анъаналарга риоя қилиш, этикет; маданий ва хорижий алоқалар; бизнес; коммуникатив вазифалар)га ажратади.

Е.В.Коблянскаянинг тадқиқот ишида ижтимоий компетентлик “Мен” муносабатини тушуниш - жамият, тўғри ижтимоий йўналишни танлай олиш, ушбу йўналиш бўйича ўз фаолиятини ташкил этиш” сифатида кўриб чиқади. Ижтимоий компетентлик – “... бу шахсий сифат бўлиб - кишининг ижтимоий нормалар билан боғлиқ ушбу жамият аъзоси сифатидаги меҳнат фаолиятидир, бунда жамият ҳаёти унинг аъзолари ўртасидаги ўзаро алоқани тартибга солади”.

О.К.Крокинская ўзининг илмий тадқиқот ишида ижтимоий компетентликка етарлича урғу бермайди, унда авторитар типдаги шахс фақат соддалаштирилган тушунтиришларни қабул қилади, бир қолипда фикрлайди, иррационал ва қарама-қарши қоидаларни ўзи учун тўғри деб билади.

Шундай қилиб, мавжуд ёндашувларни таҳлил қилиш натижасида биз “ижтимоий компетентлик” тушунчаси шахс интегратив сифатлари сифатида таърифлашимиз учун асос бўлди, улар ижтимоийлашув натижасида шаклланган зарур билим, тажриба, қобилиятни ўз ичига олади. Ижтимоий компетентлик ижтимоий соҳада муаммоларни самарали ҳал қилиш имконини беради.

Н.В.Калининанинг фикрича, кишининг ижтимоий компетентлиги – зарур психологик янгилик бўлиб, ёшга доир инкироз вақтидаги муаммоларни конструктив ҳал қилиш имконини беради. Шунингдек, олим ижтимоий компетентликни таълим муассасалари томонидан жамият, давлат талабларини бажарилиши билан боғлайди, уни фаолият кўрсаткичи самарадорлиги сифатида ҳисоблайди. Хусусан, муаллиф шундай ёзади: "Ижтимоий компетентликни ижтимоий фаолиятни амалга оширишни таъминловчи билим ва кўникмалар, масъулиятни ўзига олиш билан боғлиқ шахсий сифатлар севги, ишонч бирлиги сифатида таърифлайди ва талаба шахсининг ижтимоий компетентлиги модели сифатида қуйидагиларни кўрсатади:

- ўқув фаолиятида мақсадга эришиш мотивациясининг шаклланганлиги;
- ўқув фаолияти самарали усуллари ва тажрибаларнинг ривожланганлиги;
- ўзини ўзи назорат қилиш;
- ўзини ўзи тарбиялашнинг шаклланганлиги;
- онгли ижтимоий норматив мақсадлар ва қоидаларга раҳбарлик;
- ижтимоий хулқ-атвор нормаларини ўзлаштириш;
- ўз ишидан қониқиш ҳосил қилиш;
- ўзига нисбатан юқори баҳо бериш;

- ўзи ва атрофдагиларга танқидий муносабатда бўлиш;
- тенгдошлари ва катталар билан ўзаро конструктив ҳамкорлик кўникмаларини ўзлаштириш, дўстона алоқалар ўрнатиш;
- қийин ҳаётий вазиятларда конструктив хулқ-атвор кўникмаларини шаклланиши.

Маълумки, ижтимоий компетентлик – бу одатий билимлар йиғиндиси эмас, бу инсоннинг ҳаётий муаммолар ва вазифаларни ҳал қилиш имконияти, кундалик вазиятларда тўғри йўл топа олиш, ижтимоий қадриятлар ва шахсий мақсадлардир.

Келтирилган назарий манбалар ва ўтказилган тадқиқот натижаларга асосланиб, қуйидаги хулосаларни бериш мақсадга мувофиқ:

- шахс камолотида ижтимоий муносабатлар муҳим ўрни эгаллайди;
- талаба шахсида муомала, мулоқотнинг ривожланганлиги ижтимоий компетентликни шакллантирувчи омил бўлиши мумкин;
- ижтимоий компетентликни талабалик даврида шаклланиши улардаги ижтимоий ҳаётга кизиқишнинг ортиши, ташаббускорлик каби сифатларни ривожланганлиги билан белгиланади;
- ўқув фаолиятидаги муваффақиятга эришиш мотивацияси, таълимни ташкил этишнинг самарали усул ва воситалари талаба шахсида ижтимоий компетентликни таркиб топтирувчи механизмларидан ҳисобланади;
- тенгдошлари ва катталар билан ўзаро дўстона муносабатларни ўрнатиш ҳамда қийин ҳаётий вазиятларда хулқ-атвор кўникмаларини шаклланиши ижтимоий компетентликни муҳим жиҳати саналади.

ЎҚУВЧИЛАРДА ИҚТИДОРЛИЛИКНИ АНИҚЛАШ – ТАЪЛИМ СИФАТИНИ ОШИРИШ ОМИЛИ СИФАТИДА

Раимбердиев А., Қариш ДУ магистранти

Қобилиятлар муаммоси энг аввало инсон ақлу-заковатининг сифати, ундаги малака, кўникма ва билимларнинг борлиги масаласи билан боғлиқ. Айниқса, бирор касбнинг эгаси бўлиш истагидаги ҳар бир ёшнинг ақли ва интеллектуал салоҳияти унинг малакали мутахассис бўлиб етишишини кафолатлагани учун ҳам психологияда кўпроқ қобилият тушунчаси ақл заковат тушунчаси билан боғлаб ўрганилади. Илм-фандаги анъаналар шундайки, ақл ва идрок масаласи, одамнинг интеллектига боғлиқ сифатлар жуда кўплаб тадқиқотлар объекти бўлган.

Қобилиятлар шахснинг маълум фаолиятидаги муваффақиятларини ва осонлик билан фаолиятни эгаллай олишини таъминлайдиган индивидуал-психологик хусусиятлардир. Қобилият тушунчасида асосан учта ғоя мужассам, «*биринчидан*, қобилият деганда бир кишининг бошқа кишидан фарқ этиб турадиган индивидуал-психологик хусусиятлар тушунилади, *иккинчидан*, қобилиятлар деб ҳар қандай индивидуал хусусиятлар эмас, балки бирор фаолиятни ёки куп фаолиятларни муваффақиятли амалга оширишга имкон берадиганлари тушунилади. *Учинчидан*, қобилият тушунчаси шахсда мавжуд булган билим, кўникма ва малакаларни билдирмайди».

Б.М.Теплов фикрига кўра, қобилиятлар доимо ривожланмай туролмайди. Ривожланмаган, киши фаолиятида қўлланилмай қолган қобилият вақт ўтиши билан йўқолади. Кўп ва мунтазам равишда шуғулланиш орқали шахсда мураккаб фаолият сохаларига нисбатан қобилиятлар ривожланади. Масалан, мусика, техника, бадий ижод, математика, спорт ва хоказолар.

Психологияда туғмалик аломатлари бор индивидуал сифатлар **лаёқатлар** деб юритилади ва унинг икки хили фарқланади: табиий лаёқат ва ижтимоий лаёқат. Биринчиси одамдаги туғма хусусиятлардан келиб чиқса (булар наслий ота-онадан генетик тарзда ўтади), ижтимоий лаёқат - бола туғилиши билан уни ўраган муҳит, мулоқот услублари, сўзлашиш маданияти, қобилиятни ривожлантириш учун зарур шарт-шароитлар (улар ота-она томонидан яратилади)дир. Лаёқатлилик белгиси - бу ўша индивидга алоқадор бўлиб, у бу иккала лаёқат муҳитини тайёрича қабул қилади.

Ҳар бир онгли инсон ўзидаги қобилият ва зеҳни илк ёшлиқдан билиб, ўша ўзи яхши кўрган, «юраги чопган» иш билан шуғулланса, ва ундан қониқиш олиб, қобилиятини ўстиришга имконият топиб, ютуқларга эришса, биз уни **иктидорли** деймиз. Иктидор - инсоннинг ўз хатти - ҳаракатлари, билимлари, имкониятлари, малакаларига нисбатан субъектив муносабатидир. Иктидорли одам гениал ёки талантли бўлмаслиги мумкин, лекин у ҳар қандай ишда мардлик, чидамлилик, ўз-ўзини бошқара олиш, ташаббускорлик каби фазилатларга эга бўлиб, ўзлари шуғулланаётган ишни бажонидил, ситқидилдан бажаради. Улар ана шундай ҳаракатлари билан баъзи ўта истеъдодли, лекин камҳаракат

кишилардан кўра жамиятга кўпроқ фойда келтиради. Иқтидорли инсонда истеъдод соҳиби бўлиш имконияти бор, зеро истеъдод - ҳар томонлама ривожланган, ниҳоятда кучли ва такрорланмас қобилиятдир. У тинимсиз меҳнат, ўз қобилиятини такомиллаштириб бориш йўлида барча қийинчиликларни енгиш ва иродаси, бутун имкониятларини сафарбар қилиш натижасида қўлга киритилади.

Талант (юнонча қимматбаҳо, ноёб нарса, ирсий, табиий хислат деган маънони англатади) муайян фаолиятнинг муваффақиятли бажарилишини таъминлайдиган қобилият ҳамда истеъдодлар йиғиндисидан иборат индивидуал хусусиятдир. Талантнинг асосий белгилари:

- Муваффақиятни таъминлаш;
- Фаолиятни мустақил бажариш;
- Оригиналликнинг мавжудлиги;
- Қобилият ва истеъдодлар йиғиндисидан иборат эканлиги;
- Индивидуал-психологик хислат эканлиги;
- Ижтимоий турмушни ўзгартирувчи яратувчи имкониятлиги.

Талант қобилиятлар йиғиндиси ёки уларнинг йиғиндисидан иборат бўлишига қарамай, алоҳида олинган яққа қобилиятни, ҳатто у тараққиётнинг юксак босқичига эришган, ёрқин ифодаланган бўлса ҳам, у билан тенглаштириш мумкин эмас.

Қобилиятлар авваламбор *умумий* ва *маҳсус* турларга бўлинади ва ҳар бирининг ўз психологик тизими ва тузилиши бўлади. Шахснинг умумий қобилиятлари ундаги шундай индивидуал сифатлар мажмуи, улар одамга бир қанча фаолият соҳасида ҳам муваффақиятли фаолият кўрсатиш ва натижаларга эришишга имкон беради. Масалан, техника олий ўқув юртининг талабаси ҳам ижтимоий-гуманитар, ҳам аниқ фанлар, ҳам техника фанлари соҳасидаги билимларни ўзлаштира олади. Бунда унга умумий билимдонлик, нутқ қобилиятлари, тиришқоқлик, чидам, кизиқувчанлик каби қатор сифатлар ёрдам беради.

Ҳар бир қобилият ўзининг тизимига эга. Масалан, математик қобилиятни оладиган бўлсак, унинг таркибига умумлаштириш малакалари, ақлий жараёнларнинг эгилувчанлиги, мавҳум тафаккур қила олиш каби қатор хусусиятлар киради. Худди шунга ўхшаш қолган барча қобилиятларни ҳам зарур сифатлар тизимида таҳлил қилиш мумкин ва бу катта тарбиявий аҳамиятга эга бўлади.

Қобилиятлар индивидуал-психологик хусусиятлар сифатида, бир одамнинг бошқа одамдан фарқ қиладиган белгилари каби таърифланади. Қобилиятлар шахснинг мазкур фаолиятини муваффақиятли амалга ошириш шарти ҳисобланган ва бунинг учун зарур билим, куникма ва малакаларни эгаллаш динамикасида юзага чиқадиган фарқларда намоён буладиган индивидуал-психологик хусусиятлардир.

ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИДА БОЛАЛАРНИ СПОРТГА БЎЛГАН ҚИЗИҚИШЛАРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ

Мақсадова М.С., Қарши ДУ пс.ф.н. доц.в/б.

Акбарова М.А., Қарши ДУ магистранти

Аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш, айниқса, ёш авлодни соғлом ва баркамол инсонлар этиб тарбиялаш ҳақида сўз борганида шубҳасиз, энг аввало, мамлакатимизда болалар спортини ривожлантиришга қаратилган юксак эътибор ва бу борада қўлга киритилаётган натижалар кўз олдимизга келади.

Жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланиш республикаимизда етишиб келаётган ёш авлоднинг ҳар томонлама ривожлантиришни, соғлиқни сақлаш ва мустаҳкамлашнинг ажралмас қисми ҳисобланади. Жисмоний тарбия ва спорт болага жуда кўп фазилатлар бахш этади, улар жисмонан бақувват бўладилар, ҳаракат кўникмалари ва жисмоний хусусиятлари шаклланиб боради, организмнинг заҳира кучлари, иш қобилияти, кўпгина касалликларга қаршилик кучини оширади. Бироқ чидамлик, умумий соғлиқ ҳолати ҳаммада бир хил эмас, шунинг учун юклама бир хил бўлиши мумкин эмас.

Болаларда 6–7 ёшда бош миянинг асосий функциялари ҳали шаклланиш босқичида бўлади. Бу ёшдаги болалар руҳий жараёнларнинг ўзига хослиги шу билан боғлиқ. Марказий асаб тизимида кўзғалиш тормозланишдан устунлик қилади, шунинг учун болаларга ўта юксак даражадаги фаоллик, жонсараклик хос бўлади.

Агар бола узоқ вақтгача ҳаракатсизлик шароитларида бўлса, унда мушак таранглиги орта боради, диққат заифлашади, тез чарчайдиган бўлиб қолади. Болалар дарсларда ёки уй вазибаларини

бажаришда бошқа нарсаларга кўп чалғийди, кўп ҳаракатчан ва нотинч бўлади. Шу сабабли болалар дарслар орасидаги танаффусларда югурадилар, тўпалон қиладилар. 2-3 соат дарслардан кейин 45 минут – 1 соат мобайнида очик ҳавода ҳаракатли ўйинлар ва спорт машғулотларини ўтказиш тавсия этилади. Дарслар бошланиши олдидан эрталабки гимнастика, дарс ўртасида Жисмоний тарбия дақиқаси ўтказилиши зарур.

Марказий асаб тизимида рўй берадиган ўзгаришлар миқдорий эмас, балки сифатий табиатга эга. Мия фаолиятининг, мукаммаллашуви негизида ва мактабдаги мунтазам машғулотлар туфайли руҳий ривожланиш давом қилади. Кўзғалиш ва тормозланиш жараёнлари аста-секин мувозанатлашади, нерв жараёнларининг ҳаракатчанлиги яхшиланади, бу боланинг хулқиға таъсир кўрсатади. Бола уни ҳаяжонга соладиган, қувонтирадиган, хафа қиладиган нарсаларға унчалик аҳамият бермайдиган бўлади, ўйинлар ўйнаш ва томоша қилишдан осонликча ақлий ишға киришиб кетади.

Бу босқичда руҳий ривожланишдаги энг катта ютуқ, ўз – ўзини англашнинг янги даражаси ҳисобланади, болада ўз – ўзига баҳо бериш туйғуси шаклланади, бу унинг дунёқарашини ва ўз шахсиятини намоён қилишни, кейинчалик эса ўз мавқеини белгилаб олишни таъминлайди.

Бу ёшда ривожланишнинг асосий жараёни бу ёшнинг ўзига хослиги, физиологик ва психологик хусусиятларини белгилаб берадиган жинсий жиҳатдан етуқлик бўлиб қолади. Бу даврга инсон ҳаётидаги энг мураккаб даврлардан бири сифатида баҳо берилади. Қисқа фурсат ичида организмни етуқликка олиб борадиган биологик ва психологик қайта қурилиши амалға оширилади.

Юқорида айтиб ўтилганидек, бу ёшда конституция типи аниқланади. Гавда тузилишининг хусусиятларига кўра учта асосий конституционал тип – гиперстеник – мазкур конституциядаги болалар учун спортнинг куч талаб қиладиган турлари билан шуғулланиш тавсия этилади. Нормостеник – гавда тузилишининг ушбу таркибига мансуб болалар спортнинг барча турлари билан бир хилда шуғулланишлари мумкин. Учинчи астеник турига мансуб гавда тузилишига эга бўлган болаларға спортнинг тезкор турлари билан шуғулланишлари тавсия этилади.

Яхши лидер – мувоффақиятининг гаровидир, бундан келиб чиқиб айтишимиз мумкинки ўқитувчи болаларнинг имкониятларини обектив баҳолаши, барча болалар учун тенг имкониятлар яратиши, ҳар бирининг қобилиятини очишға ҳаракат қилиши керак. Мураббийнинг асосий вазифаларидан бири боланинг мотивациясига эътибор қаратиши ва уларнинг ота – оналари спорт билан шуғулланишиға қулай муҳит яратиши, психологик ёрдам кўрсатишға эътибор қаратилиши керак.

Болалар спорт билан шуғулланганда хурсандчилик ҳиссини ҳам туя олишлари керак. Бу жуда муҳим келажакда уларнинг қайси спорт турини танлашиға ҳам таъсир этади.

Албатта, спортда жисмоний тарбия ўқитувчилари ва мактаб психологлари болаларни бу спорт туридан завқланишлари учун ўйин фаолияти билан боғлашлари керак. Бундан кўринадики болалар билан ўқитувчи ва психолог ҳамкорликда иш олиб бориши керак. Ўқитувчи уни физиологик ҳолати билан иш олиб борса психологлар эса унинг руҳий ҳолатидан келиб чиқиб қайси спорт туриға мос келишини аниқлайди (темпераменти, характеридан келиб чиқиб ва б.к). Болаларға мусобақадан мақсад рақобат ва ғалаба эмас, балки завқ, жамоа билан бирлашиш, муваффақият завқини ҳис қилиш эканлигини тушинтиришдир. Шу билан бир қаторда болаларнинг қизиқиши ва ўзига ишончини йўқотмаслиги учун дарс жараёнида эришган ютуқларини мақташни унутмаслигимиз керак. Болалар кўпчилиги доимо танқид ва қаттиқ босимға эмас, балки далда берилганда яхшироқ жавоб қайтарадилар шу сабабдан болаларнинг ҳаракатларини қўллаб – қувватлашимиз ва уларни рағбатлантириб туришимиз керак. Бу фақат таълим жараёнида эмас болаларнинг ота – оналари ҳам уларни мақташлари ва янада яхши ютуқларға эришишиға ишонтиришлари керак.

Ўқитувчилар болалар билан мусобақаларни муҳокама қилиши, спортға оид китобларни ўқитиши, спорт назариясини ўргатиши ва машҳур спортчиларнинг ҳаёти билан таништириб бориши лозим. Буларнинг барчаси болаларнинг спортға бўлган қизиқиши оширади ва спорт билан доим шуғулланиш истагини пайдо қилади.

Ўқитувчилар болалар қарорларини қўллаб – қувватлаши ва уни бир спорт туриға йўналтира олиши керак. Бошқа дарслар билан ҳам шуғулланиш имкониятини ярата олиш керак ва уша дарсларни спорт билан бирға ўзи мустақил олиб боришиға имкон яратиб бериш лозим. Болалар дарс қиладиган вақтида кичик танаффус қилиб қўлларини, бармоқларини машқ қилиши мумкин. Бунда бошқа фан ва спорт ўқитувчиси биргаликда ишлаши мумкин. Агар болаларнинг қизиқишини ҳисобға олмай уларға доим босим ўтказилса уларда спортға қизиқиши йўқолишиға ва дарсға лаёқатсиз бўлиб қолишиға сабаб бўлади.

Хулоса қилиб айтишимиз мумкинки таълим жараёнида болаларнинг руҳий ва жисмоний ҳолатидан келиб чиқиб, уларнинг қизиқишларини ҳисобға олиб спорт туриға қизиқтиришимиз керак бўлади. Шу билан бир қаторда болаларнинг ота – оналари билан ҳам ҳамкорликда фаолият олиб

боришимиз керак бўлади. Агар болаларни доим босим остига олсак уларда спортдан зерикаш лоқайдлик ва шу билан бирга тушқинлик (депрессия) ҳолати пайдо бўлади. Бу эса уларнинг бошқа фанларга ҳам бўлган қизиқиши сусайишига олиб келади ва болалар физиологик ҳам тез чарчашни ҳис қиладилар. Болаларга кун тартибини тўғри тақсимлаб берилса уларда кўтаринки кайфият бўлади ва улар доим ўқишдан роҳатланадилар, дарс жараёнида юқорида айтиб ўтилганидек қулоқ солмаслик ва шовқин қилиш ҳолатлари кузатилмайди.

МЕТОДИК ИШЛАРДА СЕМИНАРЛАРНИНГ АҲАМИЯТИ

Явкочдиева Д., Қарши ДУ ҳузуридаги ХТХҚТМОҲМ ўқитувчиси

Таълим муассасаларида семинарлар методик ишларни ташкил этишнинг самарали воситаси ҳисобланади. Агар семинар яхши тайёрланган бўлса (мавзуси ўқитувчилар эҳтиёжлари асосида танланган, батафсил режа ишлаб чиқилган, иш вақти оптимал белгиланган, ўқитувчиларнинг семинар жараёнидаги вазифалари, иштироки аниқлаштирилган бўлса ва ҳ.к.), унинг натижалари, албатта, юқори бўлади.

Семинарлар ўқитувчиларнинг профессионал маҳоратини такомиллаштиришга хизмат қилади. Шунинг учун ҳам, улар амалиётда кенг қўлланилади. Таълим муассасасининг иш режасида семинар мавзулари белгиланади, август кенгашларида кенг муҳокама қилиниб, батафсил режа ишлаб чиқилиб, тасдиқланади. Биринчи машғулотаёқ, мазкур режани ўқитувчилар жавобини олишни кутаётган конкрет саволлар билан тўлдиришни таклиф этиш мумкин. Семинар 2-3 ва ундан ҳам кўп машғулотлардан ташкил топиши мумкин. Мазкур семинарларда интерфаол методлардан кенг фойдаланиб, мавжуд муаммолар ечими амалга оширилади, янги адабиётлар билан таништирилади, илғор тажрибалар билан алмашилади, амалий машғулотлар бажарилади, ҳамкасб иши кузатилади ва ҳ.к.

Семинарларда педагогларнинг фаоллигини ошириш учун қуйидагиларга эътибор бериш лозим:

Мазкур масала, айниқса, бугунги, технологиялар жадал ривожланаётган даврда алоҳида аҳамият касб этади. Қуйида биз таълим муассасасида методик тадбирларни тайёрлаш ва ўтказиш жараёнида педагоглар фаоллигини оширишнинг айрим методларини келтириб ўтамыз.

Энг яхши педагогларга ўқувчилар билан ишлаш амалиётидан конкрет ҳолатни тавсия қилиш мақсадга мувофиқдир. Педагог хоҳлаган шароитда тўғри қарор қабул қилишни билиши лозим. Мазкур метод таклиф этилган қатор ҳолатларни чуқур таҳлил этиб, асосланган қарор қабул қилиш имконини беради. Бу эса, ўз ўрнида, таклиф этилган ҳолатни ҳар томонлама ва чуқур таҳлил қилишни, таққослашни ҳамда қабул қилинган қарорни асослашни талаб этади. Конкрет ҳолатларнинг тўртта тури мавжудлиги маълум.

1. Иллюстрация – ҳолатларда амалиётдаги оддий ҳолатлар таърифланиб, шу ернинг ўзида ечими берилади.

2. Машқлар ҳолатларда айрим машқларнинг (конспект режасини ишлаб чиқиш, ўқувчилар билим, кўникма, малакалари билан боғлиқ жадвалларни тўлдириш ва бошқалар) ечими таклиф этилади.

3. Баҳолаш ҳолатларда муаммо ҳал этилган бўлиб, педагогдан қабул қилинган қарорнинг таҳлилинини бериб, уни асослаш ва баҳолаш талаб этилади.

4. Ҳолатларнинг энг мураккаби – бу муаммо ҳолатидир. Бундай ҳолатда, амалиётда мавжуд бўлган конкрет муаммо келтирилиб, унинг ечимини бериш сўралади.

Диалог, мунозара бизнинг давримизнинг ҳақиқий аломати бўлиб қолди. Аммо мавжуд масалаларни жамоа бўлиб муҳокама этиш санъатини ҳар ким ҳам эгаллай олмайди.

Диалог – бу икки ва ундан ортиқ инсонларнинг маълум бир мавзу бўйича бир-бирини тўлдирадиган суҳбати, очиқ мулоқоти. Мазкур жараёнда суҳбатнинг ҳар бир иштирокчиси ўзининг фикрини баён қилади.

Мунозара – муайян муаммо, баҳсли масалани очиқ муҳокама этиш жараёнидир. Бу баҳснинг юмшоқ кўриниши бўлиб, турли қарашлардан ҳаммани қаноатлантира оладиган ягона позицияга келишни назарда тутаяди. Мунозарада фақат танқид эмас, балки ўз фикрини ифода этиш, мавжуд муаммолар ечими йўлларини кўрсатиш муҳим ҳисобланади.

Икки қарама-қарши фикрнинг муҳокамаси. Раҳбар муҳокама учун битта муаммога оид икки хил қарашни таклиф этади. Бунда педагог ўз фикрини баён этиши ва асослаши лозим.

Амалий кўникмаларга ўқитиш. Мазкур метод жуда самарали ҳисобланади. Аммо уни олдиндан чуқур ўйлаб, қайси педагогга топширишни ҳис қилиш лозим бўлади. Давомийлиги бўйича у кўп

вақтни (5 дақиқача) эгалламаслиги даркор. Энг яхшиси, амалий иш тажрибадан ўргатувчи элементни бериш мақсадга мувофиқдир.

«Ўқитувчи иш кунини» имитация методи. Педагог олдида турган мақсад ва вазифалар шакллантирилиб, унга маълум вақт давомида ўзининг иш кунини моделлаштириш тавсия этилади. Охирида раҳбар таклиф этилган ҳар бир моделнинг муҳокамасини ташкил этади, ижобий жиҳатларини таҳлил этади ҳамда камчиликларини кўрсатиб ўтади.

Педагогик кроссвордларни ечиши ўқитувчиларнинг маълум мавзу бўйича билимларини аниқлашга ёрдам беради, уларнинг дунёқарашини ривожлантиради, натижада, иш сифатига ижобий таъсир қилади. Уларни жамоа билан ишлаганда ҳамда индивидуал методик тадбирларда қўллаш тавсия этилади.

TALABA SHAXSINING KASBGA YO'NALGANLIGINI SHAKLLANTIRISH

Xolmurodov D.S., Qarshi DU o'qituvchisi

Talaba oliy o'quv yurtida turli fanlarni o'rganish natijasida unda kasbiy yo'nalganlik shakllanadi, ya'ni o'z bilim, tajriba va qobiliyatini tanlagan kasbi sohasida qo'llash uchun shaxsiy intilish paydo bo'ladi. Shaxsning kasbiy yo'nalganligini takomillashtirish istagi, o'z kasbi sohasida mehnat qilib, moddiy va ma'naviy ehtiyojlarni qondirish istagini o'z ichiga oladi. Kasbiy yo'nalganlik - kasbiy faoliyat maqsad va vazifalarini tushunishni va qabul qilishni o'z ichiga oladi.

Kasbiy yo'nalganlik mazmunidagi ijobiy o'zgarishlar bo'lg'usi kasb bilan bog'liq bo'lib, motivlar mustahkamlanishida ko'rinadi: ish bo'yicha o'z majburiyatlarini yaxshi bajarishga intilish, bilimdon mutaxassis sifatida o'zini ko'rsatish, murakkab o'quv vazifalarini muvaffaqiyatli bajarishga intilish kuchayadi, ishda muvaffaqiyatga erishish istagi kuchayadi.

Talabalarda kasbiy yo'nalganlikni shakllantirish uchun kasbni egallash imkoniyatlariga ishonirish, bo'lg'usi ishning kelajagiga ishonch hosil qilish, mehnat an'analarni targ'ib qilish, kasbning ishlab chiqarish va estetik tomonlarini, uning ijodiy xarakterini ko'rsatish zarur.

O'quv-tarbiya ishlari jarayonida talabalarni ijodiy fikrlashga, o'zgaruvchan vaziyatlarga o'rgatish, erkin raqobat asosida faoliyatni tashkil etish hamda ularning amaliy mashg'ulotlarda axborot texnologiyalari, elektron darsliklar, versiyalar va multimedialardan foydalana olishi muhimdir. Bu esa talabalarda mustaqillik, erkin fikrlashni tarbiyalash, o'quv faoliyatini tahlil qilish, istiqbolda kasbiy mahorat va kompyuter savodxonligini orttirish ularning ichki ehtiyojiga aylantirilishini talab etadi.

Bu muammoning amaliy ahamiyati uni turli fan doiralar qatorida psixologiya doirasida ham o'rganishning muhimligini ko'rsatib berdi. Talabalarining kasbiy shakllanish jarayonini o'rganishdagi qiyinchiliklar qobiliyatlar va kasbiy qobiliyatlarning ishni bajarishning muayyan bir usuliga asoslangan normativ faoliyatga yo'naltirilganligidadir. Shuning uchun ham kasbiy yetuklik darajasi ajratib ko'rsatilmaydi, balki faqatgina yosh xususiyati va mutaxassis sifatida yuritilayotgan vaqt inobatga olinadi.

Zamonaviy tadqiqotlarda talabalardagi kasbiy sifatlar shaxs kasbiy taraqqiyotining asosiy mezonini va mehnat subyektining yetakchi xarakteri sifatida ajratib ko'rsatilmoqda. U faoliyatni to'liq boshqaradi, turli amaliy vaziyatlardan chiqish yo'llarini biladi, faoliyatni tashkil qilish, uning o'zgarishi va taraqqiyotini oldindan ko'ra bilish qobiliyatiga egadir.

Talabalarining kasbiy shakllanishida kasbiy sifatlar va taraqqiyot bir-biri bilan chambarchas bog'likdir: kasbiy sifatlar bir tomondan kasbiy taraqqiyot jarayonida shakllansa, boshqa tomondan shaxsning mutaxassis sifatida namoyon bo'lishining muhim ko'rsatkichi hisoblanadi. Shuning uchun kasbiy sifatlarini tadqiq qilishning zamonaviy yo'nalishi shaxsning ijtimoiy va kasbiy taraqqiyoti jarayoni bilan bog'liq jihatlarni o'rganish hisoblanadi.

Kasbiy shakllanish talabaning mutaxassisga aylanishi sifatida insonning o'zi haqidagi, kasbiy va ijtimoiy muhitdagi mavqei haqidagi tasavvurlarining o'zgarishi, qolaversa, yangi kasbiy sifatlarini o'zida tarkib toptirishi, keng ma'noda aytadigan bo'lsak - shaxsning kasbiy o'z-o'zini anglashi bilan hamohanglikda kechadigan jarayondir. Kasbiy shakllanish inqirozlari davrida kasbiy sifatlar yaqqol namoyon bo'ladi.

Yuqoridagilarni hisobga olib, talabalardagi kasbiy identifikatsiyani o'zida kasblar dunyosiga yo'nalganlik va o'zaro ta'sirni ta'minlovchi, kasbiy faoliyatda shaxsning salohiyat to'liq amalga oshiruvchi, qolaversa, tanlangan kasbning natijasini hamda taraqqiyot yo'nalishini oldindan ko'ra biluvchi shaxsning kognitiv, motivatsion va axloqiy xarakteristikalarini mujassamlashtirgan integrativ tushuncha deb hisoblasak bo'ladi. Muayyan bir axloqiy va motivatsion tizimdagi, qolaversa, shaxsiy kasbiga nisbatan subyektiv munosabatlar bilan hamohang tarzda kechuvchi shaxsning mehnat jamoasida tutgan o'rnini haqidagi

tasavvurlari kasbiy identifikatsiyaning asosini tashkil qiladi. Bu g'oyalar talabalardagi kasbiy identifikatsiya kognitiv-motivatsion va axloqiy komponentlar bilan yaxlitlikni tashkil qilishi ko'rsatib berilgan va empirik tadqiqotlarda o'z isbotini topgan.

Talabaning kasbiy shakllanish jarayonida uning imkoniyatlarini bosqichma-bosqich kashf qilinishi va uning alohida tarkibiy qismlari hamda tuzilishi o'zgarishining muhim manbasi bo'lib aniq faoliyatning mohiyatini ochish dinamikasidagi maqsadga yo'nalganlik hisoblanadi. Talabaning kasbiy shakllanishi, shaxsning mutaxassisga aylanish jarayoni faoliyatning operatsional tomonini egallash qobiliyatini qidirish va yaratish, faoliyatning psixologik tizimi komponentlarining o'zaro aloqasi va mazmunini o'zlashtirishni o'z ichiga qamrab oladi.

Talabaning kasbiy shakllanishi, o'zining hayotiy pozitsiyasiga, maqsadi va harakatlar dasturiga, faoliyat jarayoni va natijalariga nisbatan munosabatga hamda shu kabi qator maxsus xususiyatlarga ega bo'lgan mutaxassis shaxsining shakllanishi subyektning shaxs taraqqiyoti qonuniyatlarini yengib o'tishi, faoliyat determinantlari ta'sirida uning hayotga psixologik qarashlarining o'zgarishi natijasi hisoblanadi. Mutaxassis shaxsining shakllanishini o'ziga xos xususiyatlari talabaning kasbiy shakllanishiga nisbatan professiogenetik yondashuvning asosiy xususiyatlarini aniqlab beradi. Kasbiy shakllanish shaxs faolligi shaklida namoyon bo'ladi va xarakterlanadi - bunda shaxs shakllanishining dinamik sharoitlari va uni shaxsiy harakatlarining faoliyat bilan muvofiqligi ko'rib chiqiladi.

Bo'lajak pedagoglarni kasbiy tayyorlashni kuchaytirish, ixtisoslikka doir fanlarni chuqur o'rganish va pedagogik mahoratni egallash nazariy bilimlarni amaliyot bilan olib borishga o'rganish, tashkilotchilik qobiliyatlarini oshirishga e'tibor kuchaydi. Shuningdek, zamonaviy pedagoglarga pedagogika psixologiyaga doir fanlarni o'rgatish yanada kuchaydi.

ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ БЕРИШ ЖАРАЁНИДА ИЛҒОР ПЕДАГОГИК-ПСИХОЛОГИК ТЕХНОЛОГИЯЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ ХУСУСИЯТЛАРИ

Рахмонова М., Қариш ДУ магистри

Республикамиз мустақилликка эришиб миллий истиқлолни мустақкамлаш жараёнини бошдан кечираётган бу даврда озод давлатимиз келажagini таъминлаш ва ёш авлод тарбияси олдида турган вазибалардан бири бўлиб ҳар томонлама баркамол шахсни тарбиялаш, ижтимоий сиёсий соҳада юз бераётган туб ўзгаришлар, таълим тизимини қайта куриш, уни замон талаблари асосида стандартлаштириш вазибаларини ҳал қилиш долзарб муаммолардан биридир.

Талаба ёшларга таълим-тарбия бериш, уларни ақлий, ахлоқий, жисмоний, психологик жиҳатдан ривожлантириш тизимини ҳал қилишни тақозо этмоқда. Талаба ёшларда хурфикрлик, ўз-ўзини англаш, ўз-ўзини бошқариш, ўз-ўзини тўғри баҳолаш, ижобий ва салбий ҳолатларга тўғри баҳо бериш бугунги кунда педагогика ва психология фанининг муҳим вазибасидир. Шу ўринда халқ таълими ва олий таълим соҳасида олиб борилаётган бир қатор ишлар ва жорий қилинаётган янги йўналишларни таъкидлаб ўтиш жоиздир. Таълим тизими соҳасида бугунги кун талабларига жавоб бера оладиган дарсларни ташкил этиш, ҳамда шу ўринда қандай ишлар қилинганлиги ёки қилиниши лозимлиги ҳақида тўхталиб ўтишни лозим деб топдик.

Бунинг учун албатта бугунги кунда дарс сифатини яхшилаш мақсадида турли хил усуллари пайдо бўлиши ёки педагогик-психологик технологияларни ҳаётимизга кириб келишини муносиб баҳолашимиз ва улардан ҳар бир педагог ва психологлар унумли фойдаланиши мақсадга мувофиқ бўлади.

«Педагогик-психологик технология» ўқув машғулотларини аниқ ва самарали ташкил этишга йўналтирилган усул ва воситалар йиғиндиси сифатида ўқув ва лаборатория жиҳозлари билан муомала қилишни удалаш, кўрамали куруллардан тўғри фойдаланиш, аудио, видео, тасмалар, назорат воситалари, дастурли таълимнинг электрон вариантлари ҳамда Ақлий ҳужум, Фикрлар жанги, Бумеранг, Муомали ўқитиш дастурлари, Семинар-тренинглари ўз ичига олади.

Таълим-тарбия жараёнида талаба ёшларимизда фаоллик, ташаббускорлик, мустақиллик, ўз-ўзини англаш хислатларини шакллантиришда семинар-тренинглари, иш ўйинлари, турли хил интерфаол усуллари муҳим ўрин эгаллайди. Интерфаол ўйинлар ва семинар тренинглари асосий моҳияти шундаки, бунда иштирокчилар пассив тингловчилар бўлиб қолмасдан, балки мазкур фаолиятда ва тренингларида фаол иштирок этади, тақдим этилаётган муаммоларни англайди ва уларнинг реал ҳаётий вазиятларда ўзларида оммавий тарзда эмоционал хис қилади.

Мазкур усуллар асосида ўтказилган семинар-тренинг иштирокчиларида бир-бирини қўллаб-қувватлаш хислатлари шаклланади. Иштирокчилар ўзларининг фаолиятларига мустақил тарзда баҳо беради ва эришилган ютуқлар ҳамда камчиликларни англаб етадилар. Энг асосийси, улар интерфаол усулларда олиб борилган семинар-тренинглардан сўнг ўзларида ижобий қониқиш ҳиссини туяди. Улар машғулотдан-машғулотга ўтган сари кишининг кўз ўнгида уларда ташаббускорлик, мустақил фикрлаш, объектив баҳо бериш каби хислатлар ортиб боради.

Юқорида келтирилган технологик таълим усуллариининг барчаси ўқитувчи педагогларнинг бугунги кун талаби даражасида дарсларни ташкил этиш, унумдорликка эришиш, дарс сифатини янада ошириш, ўз билимларини ҳар хил усуллар билан ўқитувчи ёки талабаларга етказиш имкониятини туғдиради. Шу ўринда дарс жараёнида айниқса, илғор педагогик ва психологик технологияларни қўллаш жараёнида ҳеч қачон сусткашликка, ҳаракатсизликка йўл қўйиш мумкин эмас, акс ҳолда таълим инқирозга учрайди. Шу жиҳатдан олганда ҳар бир таълим мазмунини узлуксиз яхшилаб бориш янги педагогик-психологик технологияни жиддий шартларидан биридир. Бу йўналишларда олиб борилаётган ишлар, биринчи навбатда ўқув дастурларидан таълим тарбиявий аҳамияти кам бўлган материалларни чиқариб ташлаш мақсадини белгилайди. Бу ҳаракатлар ўқув предметини шундай тасаввур этиш имконини берсинки, натижада талаба ва ўқувчиларда у ёки бу фан тўғрисидаги мантикий хулосалар шаклланиши, ўқув материалларини ўзлаштириш жараёнини янгилаш, эгалланган билимларни амалиётда қўллаш имкониятини вужудга келтирсин.

Юқоридагилардан фикрлардан маълумки, замон талабларига жавоб берадиган баркамол мутахассисларни амалий фаолиятга тайёрлашимиз учун таълим-тарбия жараёнида илғор педагогик-психологик технологиялардан фойдаланишни чуқур ўзлаштирилишига эришмоғимиз зарур.

TARBIYA – KASBIY FAOLIYATNI TASHKIL ETISH VOSITASI

Otamuratova R., G'uzor tumani 2-DIMTM psixologi

Otamuradova D., G'uzor tumani 2-DIMTM logopedi

«Tarbiya san'ati – deyarli hammaga tanish va tushunarli, ba'zilarga esa, hatto oson tuyulish xususiyatiga ega, u qanchalar tushunarli va oson tuyulsa, o'sha inson u bilan nazariy va amaliy jihatdan shunchalar kam tanish», degan edi K.D.Ushinskiy.

Tarbiya asosan, quyidagi vositalar yordamida amalga oshiriladi: ko'rsatish va tushuntirish, rag'batlantirish va jazolash, vazifa berish va talab qilish, tekshirish, tuzatish, ishontirish va tahlil qilish. Ana shunday ta'sir ko'rsatish yo'li bilan kattalar bolalarning bilish va amaliy faoliyatlarini yuzaga keltirib, ma'lum tomonga yo'naltiradilar va bu faoliyatlar nazorat qilinib, to'g'rilab hamda shuning bilan birga faoliyatlarni rivojlantirish amalga oshiriladi.

Forobiy tarbiyaning usuli deganda axloqiy fazilatlarini tushunadi. Uning tasavvurida axloqiy fazilatlar bilimdonlik, donolik va mulohazali bo'lish, vijdonlilik, kamtarlik, ko'pchilik manfaatini yuqori qo'yish, haqiqat, ma'naviy yuksaklikka intilish, adolatlilik kabi xislatlardir. Ammo bu xislatlarning eng muhimi har bir insonning bilimli, ma'rifatli bo'lishidir. Shuning uchun ham, Farobiy axloq tushunchasiga aql bilan uzviy bog'liq holda tafakkurga asoslangan axloq sifatida qaraydi. Bundan biz Forobiyning axloqni xulq me'yorlari ifodasi sifatidagina emas, balki kishilarning aqliy faoliyatning natijasi sifatida ham talqin etilganligini ko'ramiz. Forobiy ta'lim-tarbiya yo'llari, usullari, vositalari haqida... insonda go'zal fazilatlar ikki yo'l, – ya'ni ta'lim va tarbiya yo'li bilan hosil qilinadi. Ta'lim nazariy fazilatlarini birlashtirsa, tarbiya esa tug'ma fazilat, nazariy bilimlar va omiliy kasb-hunar, xulq - odob fazilatlarini birlashtiradi. Ta'lim so'z va o'rganish bilan, tarbiya esa amaliy ish va tajriba bilan amalga oshiriladi» deb ta'lim beradi.

Xo'ja Bahouddin Naqshbandning bu ta'limotini o'rganuvchilarga piru ustoz bo'lib ta'lim berganlar. Piru ustoz Naqshband muridlar (shogirdlar)ning dunyoqarashini kengaytirib Valiy avliyo darajasigacha aqlini rivojlantirganlar, ularga ta'lim berish uslubiyotini ishlab chiqqanlar (Bu toifa uch qismga bo'linadi: muqallid, orif va mukammal). Bu pedagogika buyuk sohibqironning davlatni boshqarish va uni idora qilishida g'olibona harbiy yurishlarida, mamlakatda asosiy tartib o'rnatish, fan va madaniyatni rivojlantirish, xalqlar o'rtasida buzilmas do'stlik mehr-shavqat, odamiylik va axloq-odobni tarbiyalash kabi muammolarni hal qilishga katta yordam bergan. Ustozning axloq va odob haqidagi ta'limotiga quyidagilar kiradi: adolat va adolatsizlik; so'z va ishning birligi; do'st va dushmanlik; botirlik va qo'rqqoqlik; so'z va shirinsuxanlik.

Ta'lim-tarbiya ishlari ham Naqshband g'oyalarini ifoda etuvchi mafkura sifatida amalga oshiriladi. Farzandlarga islom diniga e'tiqod qilishni o'rgatish bilan birga alloma mehnatni sevishni, axloqli bo'lishni,

odamlarga yordam ko'rsatishni, bilim olish, hunar o'rganish va boshqa olijanobliklarni uqtiradilar. Masjid va madrasalarda talabalar ongida ollohga yaqin bo'lishning to'g'ri va samarali yo'li tarkidunyochilik emas, balki jamiyat saodati uchun yashash, bunyodkorlik, savob ishlar va mehnatni qadrlash, ilm va bilim olishdir. Mukammal axloqqa erishish, xullas jamiyat hayotida faol ishtirok etishni taqozo etadigan xulq-atvorni, sa'y-harakatni o'zida mujassam etadigan mafkura izchil ravishda singdirildi.

Agar bolalarga jazo berish sabablarini chuqur tahlil qiladigan bo'lsak, burchakda tik qo'yish yoki shirinlikdan mahrum qilish jazosini atroflarida shu «sho'r suv» ni «shimish»ga olib keladigan shunday muhitni yaratib qo'rganlarini sezmaydigan kattalarga berish kerak bo'ladi. Lekin ularning shularsiz ham muammolari ko'p, shuning uchun ular o'zlariga tinmay: «Men o'z ehtiyojlarimni boshqarayapmanmi? Nimani afzal ko'rib, nimani ko'proq qadrlayapman? Va bu xatti-harakatim boshqalarga bo'lgan munosabatlarimda qanday aks etayapti?» degan savollarni beraverishdan tortinadilar. O'z hissiyotlarini boshqarish, ularni (o'z erkinligini) cheklash, boshqasini (va uning erkinligini) hisobga olish – tarbiyaning asosi. Shu ma'noda, o'quv dargohini (o'qituvchilar) mutaxassislar rahbarligi ostida mashq qilib ko'rish mumkin bo'lgan mashq maydonchasiga o'xshasa bo'ladi. Tajribali tarbiyachi, eng avvalo, har bir talabaning o'z hissiyotlarini hisobga olib, uni maqsadga yo'naltiradi, ularni boshqarish uchun sharoit yaratib beradi.

Hissiyotlar boshqarilishi – bu dolzarblikni tushunish, qiziqish harakatga undovchi sabab – faollik, qaror qabul qilish demak. Agar har birimiz o'z dunyoqarashimizni kengaytirish orqali o'z hissiyotlarimizni boshqarish, muvofiqlashtirish, me'yorga intilishni o'rgansak, hayotimizdan jahldorlik, ochko'zlik, munofiklik ketib, aqlimiz kiradi. Ongimizning aynan shu qismi o'z hayotimiz ma'naviyati darajasini boshqaradi, ya'ni yaxshilik yoki yomonlik; ijodiy yaratuvchanlik yoki bema'ni vayrongarchilik; boshqalarga nisbatan sevgi yoki nafratga o'z munosabatimizni belgilaydi.

Xulosa qilib aytsak, tarbiyani o'z hissiyotlarini, xohish va istaklarini boshqarish jarayoni, deb aytsak xato bo'lmaydi.

КИЧИК МАКТАБ ЁШИДАГИ ЎҚУВЧИЛАРНИНГ ҲУҚУҚИЙ ТАРБИЯСИНИ ПСИХОЛОГИК – ПЕДАГОГИК АСОСЛАРИ

Узоқов Б., Қарши ДУ талабаси

Халқимиз тарихий тараққиёт мобайнида жуда кўп воқеалар, ҳодисалар жамият ўзгаришларини гувоҳи бўлган. Ота-боболаримиз ўтган даврлар ичида эркин турмуш кечиришнинг тарафдори бўлиб, бу йўлда турли қарама-қаршилиқларни енгиб яшаб келганлар. Халқимизда қадимда юртга мухаббат, инсонларга ғамхўрлик, ғояларни доимо эъзозлаб яшаб келишган. Бу ғоялар замирида инсон тақдири туриб, уларни бир-бирига яқинлаштиришни, кадр-қимматини тенг асосда кўрувчанлик инсонпарварлик тарбияси ўз ифодасини топган. Бу ғояларни асосий манбаси ва фалсафий асоси муқаддас китобларимиз “Авесто” ва “Қуръони карим” да ўз ифодасини топган. Бу китобларда инсон ҳуқуқлари ва уларни негизги асослари ва қоидалари ўрин олган.

Қадимда авлод-аждодаларимизда инсон ва уни ҳуқуқларини ҳурмат қилиш, кадрлаш каби хислатлар халқимизни табиатга монанд бўлган. Инсон ҳуқуқларини илк бор манбалари зардуштий динига мансуб “Авесто” китобида акс эттирилган. “Авесто” бизнинг ота-боболаримиз томонидан яратилган дастлабки турмуш – тарзлари амал қилинган одоб-ахлоқ меъёрлари тизимини яратилган. Бунинг натижасида ҳуқуқий меъёрлар шаклланган ривож топган. Инсонларда яхшилик, меҳрибонлик яхши амаллар инсонлар ҳаёт мазмунига айланиб умуминсоний қадриятлар таркиб топди ва уларнинг тафаккури маҳсулига айланди. Бу таълимотлар эса бугунга келиб ўзининг илмий – назарий ва фалсафий кадр-қиммати билан ахлоқ нормалари ва уларнинг ҳуқуқий асосларини раванқ топишига ҳамда умуминсоний қадриятларни тарбиялашда кўмак бермоқда. Юқоридаги келтирилган фикрлар ўз навбатида ҳуқуқий тарбияни дастлабки манбаларини давоми, негизини такомиллашганлиги, инсон ҳақ-ҳуқуқлари, одоб нормаларини ҳуқуқий асосларини ривожлантирилганлигидан далолат бериб, ўз навбатида ота-она, фарзанд, оила тарбияси ва унга ёндош қариндош-уруғ, қўшни, маҳалла, жамият, давлат ҳамкорлигининг ҳуқуқий асосларини илмий-назарий ва фалсафий негизини асослашга манбаа бўлиб, бугунги кунда инсон ҳуқуқларини ҳурмат қилиш, кадр-қимматини улуғлаш, инсонни ҳуқуқий манфаатларини ҳимоя қилишни таъмин этишга кўмак беради. Бу манбалар болаларни ёшлигидан бошлаб оила, мактабгача тарбия муассасаси ҳамда бошланғич синфларда ҳуқуқий билим, ҳуқуқий тарбияни амалга оширишда ҳам муҳим манба бўлиб кўмак беради. Шу билан бирга ҳуқуқий тарбияни назарий-илмий психологик-педагогик асосини яратиш имконини беради.

Республикамиз мустақилликка эришган кунлардан бошлаб бозор иқтисодиётига асосланган эркин демократик жамият қуришни ўз олдига мақсад қилиб қўйди. Айтиш мумкин мамлакатимиз миллий ва маданий анъаналаримизга мос тушадиган ҳуқуқий демократик жамият пойдеворига асос солиб, ривожлантириб борган ҳолда янги демократик мезонлар ҳаётимизга тобора чуқурроқ кириб келмоқда. Инсон ҳақ-ҳуқуқлари ва эркинлигини муҳофаза қилиш, фуқаролар ҳуқуқий маданиятини ва ҳуқуқий онгини юксалтириш, мамлакатда амалга оширилаётган ислоҳатларнинг муҳим йўналишларидан бирига айланган.

Мамлакатимизда ёшлар ва болалар ҳамда аҳолини ҳуқуқий онги, ҳуқуқий билими, ҳамда ҳуқуқий маданиятини оширишга қаратилган вазифалар долзарб вазифаларга айланган. Болаларни оилада, мактабгача тарбия муассасаларида ва бошланғич мактабларда ахлоқий-ҳуқуқий нормалар тўғрисида бошланғич маълумотларни бериб, унга амал қилишни ўргатиб бориш болаларнинг дунёқараши, ўз-ўзини англаши ва қадриятларни тушуниш, ахлоқий-сиёсий ва бошқа идеалларга мустақил ёндашиш қобилияти тез шаклланади.

Бошланғич синф ўқувчиларини ҳуқуқий билимларини ошириш ва тарбиялаш жараёнида қуйидаги хусусиятларни шакллантириш имконини беради.

1. Болаларнинг ҳуқуқий онги, ҳуқуқий билимлар даражасини кенгайтириш, уларда ахлоқ нормаларига ҳурмат руҳида қарашни тарбиялайди.

2. Ўқувчиларда ахлоқий нормалар вазифаларини бажариш малакаларини ҳосил қилиш ҳуқуқий маданиятга асосланган ишларни планлаштириш ва ташкил этишни такомиллаштиради.

3. Таълим жараёнида ўқувчиларда ақлий, ахлоқий, эстетик, жисмоний тарбия билан бирга ҳуқуқий тарбияни амалга ошириш ва унда халқ оғзаки ижоди асарларидан фойдаланиш орқали уларни ижтимоий-психологик билимлари ошади.

4. Ўқувчиларда давлат, оила, Конституция, фуқаролик бурчи туйғуси, ватанпарварлик туйғулари шаклланади.

Мактабларимиздаги таълим-тарбиянинг психологик-педагогик шароитларини ўрганиш жараёнида психологлар бошланғич синф ўқувчиларининг дарсда ва дарсдан ташқари вақтдаги ҳамда оилада ҳуқуқий тарбияга оид халқ оғзаки ижоди материалларини ўрганишга бўлган қизиқишлари ва дарсда берилиб борилаётган материалларни ўрганишга бўлган қизиқиш ва эҳтиёжларини қониқтириши ёки қониқтирмаслиги хусусиятларини аниқлаш асосида ўқувчиларнинг ҳуқуқий билим ва тарбияси уларнинг руҳий ривожланиши жараёнида алоҳида аҳамиятга эга эканлигини асослаб берадилар.

Шахснинг бир бутунлиги, педагогик жараённинг яхлитлигини ҳисобга олган ҳолда, аммо ҳуқуқий тарбия сифатларини таълим, синфдан ва мактабдан ташқари, ижтимоий фойдали фаолиятда шаклланиши ўз хусусиятларига эга эканлигини ҳисобга олиб, ушбу фаолият турларидан ҳуқуқий тарбия сифатларининг намоён бўлиши бевосита фаолият мазмунидан келиб чиқишини назарда тутиб, таълим, синфдан ва мактабдан ташқари ижтимоий фойдали фаолият жараёнларида намоён бўладиган ахлоқий сифатлар-меъёрлар қилиб, ўқувчиларнинг тарбияланганлик даражасини ўлчаш учун мезонлар тартиқасида белгиланади.

Халқимизда “бола бошидан” деган мақол кўп қўлланилади. Унинг замирида 2 хил маъно ётади. Биринчидан, боланинг иқтидорли, истеъдодли бўлиши ёшлигидан маълум бўлади, деган маъно тушунилса, иккинчидан, таълим-тарбия иши бошланишидан қанча мукамал берилса, шунча ҳар томонлама етук шахс шаклланади, деган маънони англатади. Ёшлар тарбияси билан шуғулланган ҳар бир инсон, уларнинг соф ва беғубор қалбида олийжаноблик туйғусини сингдиришимиш лозим.

Демак, болани ҳар томонлама баркамол, соғлом етук шахс бўлиб шаклланиши учун барча бирдек масъул эканлигини эътироф этиш керак. Бунда оила, мактаб, маҳалла ва барча жамоаларнинг ўрни, таъсири алоҳида аҳамиятга эгадир.

Ҳар бир фуқаро қонунларга ҳурмат билан қараб, уларнинг аҳамиятини ўз тақдирида кўрар экан ҳаётга, эртанги кунга ишонч билан қарайди, ҳуқуқ ва эркинликларини тўғри тушунади, бурч ҳисси уйғонади, натижада жамиятга ўтказилаётган ўзгаришларга ишонч билан қарайди. Мана шунинг ўзи ҳуқуқий билимдонлик эмасми? Дарҳақиқат, ҳуқуқий билим орқали ёшларимиз ҳуқуқий маданиятли бўлиб, қонун ва бошқа ҳуқуқий жараёнларига амал қилибгина қолмай, у ҳар бир фуқаронинг маънавий бурчига айланади.

AMALIY METODLARDAN FOYDALANISHNING PSIXOLOGIK JIHATLARI

Nurmaxmatov L. A., Qarshi DU magistranti

Ta'lim jarayonida amaliy metodlardan foydalanish - bu o'quvchilarning o'quv muhiti bilan o'zaro hamkorligi asosida o'qitishdir. Bunda o'quvchilar o'zlarining intellektual salohiyatini yuzaga chiqarishga yordam beradi. Shuning o'ziyiq ta'lim jarayonining samaradorligini oshiradi. Amaliy metodlarning mohiyati shundan iboratki, o'quv jarayonida barcha o'quvchilar bilish faoliyatiga jalb etilgan bo'ladi. Ular o'zlari bilgan va o'ylagan narsalarni tushunish va amalda qo'llash imkoniga ega bo'ladilar. O'qitishning amaliy metodlaridan foydalanishning muhimligi yana shundaki, u mehnatsevarlik, ishchanlik sifatlarini tarbiyalaydi, inson rivojlanishi uchun zarur bo'lgan ijtimoiy malakalarni shakllantiradi. Bu sifatlarning shakllanganligi yosh avlodga o'z faoliyatining boshlanishidagi jiddiy qiyinchiliklarni bartaraf etish, yangi sharoitga tezgina moslashish uchun yordam beradi.

Amaliy metodlar o'quvchilarni faollashtirish va ularning keng ta'limiy potentsialidan foydalanish imkonini beradi. Shuningdek, amaliy metodlar muvaffaqiyatli o'qitishga emas, balki o'qituvchining ham ilmiy o'sishiga, ham mahoratining oshishiga xizmat qiladi. Bunga yetarli darajada axborotga ega bo'lish, uzluksiz o'qib, o'rganib borish, tadqiqotlar olib borish, psixologik muhitni tushunish, axborot kommunikatsiya texnologiyalarini faol qo'llash orqaligina erishish mumkin.

Amaliy metodlardan foydalanish ta'limning tadqiqotchilik xususiyatini oshiradi. Bu esa kasbiy munosiblik va pedagogik mahoratni takomillashtirishga yordam beradi.

Amaliy metodlarni qo'llaganda o'qituvchilar quyidagilarga amal qilishlari talab etiladi:

1. O'quv sinfida ijobiy psixologik mikroiklimni vujudga keltirish.
2. Barcha o'quvchilarni faol o'quv-biluv faoliyatiga jalb etish.
3. O'quvchilarning dars mavzusiga qiziqishini muammoning muayyan holati va istiqboliga bog'lagan holda oshirish.
4. O'z nuqtai nazarini bildirishga undash orqali o'quvchilarning kommunikativ qobiliyatlarini o'stirish.
5. O'quv materialini turli variant, kontekst, aloqalarda tasavvur etish maqsadida aqliy faoliyatni rivojlantirishning turli strategiyalarini qo'llash.
6. O'quvchilarning turli g'oya va tajribalarini tushunish va qadrlash.
7. Turli resurslardan foydalangan holda o'quv faoliyatini davom ettirish maqsadida o'quvchilar uchun izlanuvchanlik muhitini yaratish.
8. O'z ishi samaradorligini kuzatish, o'z faoliyati, bilimi va munosabatlariga baho berish.

Amaliy metodlar o'quvchilar tomonidan muayyan bilim, ko'nikma va malakalarini egallashga qaratiladi. Bunda ta'limning maqsadi, mazmuni va tashkiliy shakllari harakatchan va muayyan o'quv muassasasi doirasiga o'zgartirish uchun qulay bo'ladi.

Ta'lim jarayonida amaliy metodlardan foydalanganda o'quvchi o'quv predmeti va tevarak-atrofdagi voqea-hodisalarni faol anglab boradi, shuningdek, o'quvchida unga nisbatan muayyan munosabat ham shakllanadi. Ba'zi voqealar uni tashvishlantirsa, ba'zilariga nisbatan u loqayd bo'ladi, nimadir unga yoqsa, nimadirga nisbatan befarq bo'ladi, ba'zi o'qituvchilarni yaxshi ko'rsa, ba'zilariga chidashga majbur. Psixologlar ijobiy his-tuyg'ularni faoliyatga yo'llovchi va ruhlantiruvchi buyuk kuch deb hisoblaydilar.

Ta'lim jarayonida darsning hissiy-aqliy muhitini turli usullar bilan saqlab turish mumkin.

Birinchiidan, o'rganilayotgan o'quv materialining yoki qo'shimcha materialning mazmunidagi qiziq ma'lumotni berish orqali.

Ikkinchiidan, darsda u yoki bu kashfiyotlar haqida gapirib berish; inson aql-zakovatining cheksiz imkoniyatlari haqidagi hikoyalar; mashhur kishilarning hayotiga oid qiziqarli ma'lumotlarni keltirish orqali.

Darsda hissiy-aqliy muhitni saqlab turishning uchinchi yo'nalishi bu o'quvchilarni ular uchun qiziqarli bo'lgan ijodiy faoliyatga yo'llashdir. Buning uchun darsda amaliy harakatga undovchi metodlarni oqilona qo'llash muhim ahamiyatga egadir. Va nihoyat, o'quvchilarning ijobiy his-tuyg'ularini nazarda tutadigan to'rtinchi yo'nalish o'qituvchining o'quv materialiga nisbatan hissiy munosabatini ifodalash shakli bilan bog'liqdir. Shunday bo'ladiki, o'qituvchi butun darsni juda yaxshi rejalashtirib chiqsa ham, dars yaxshi o'tmaydi. Bu borada ta'lim jarayonida amaliy metodlardan samarali foydalanish maqsadga muvofiq.

ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИДА ТАЛАБАНИНГ МУСТАҚИЛ ФИКРЛАШИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ

Товбаева М. С., Исхакова Г.И., СамДУ ўқитувчилари

Ёшларимизнинг аксарият қисми давр руҳини тўғри ҳис этмоқда. Ҳозирги замон интеллектуал ёшлар асридир. Йигит қизлардаги янги ғоялар, техника, технологияни эгаллашга бўлган интилиш, уларни яратиш йўлидаги ҳаракатлар кўнглимизни тўлдирмоқда. Айни пайтда, ёшларда ақл ва фаросатнинг мутаносиблигини таъминлашга бўлган эҳтиёж жамият барқарорлигини таъминловчи омил сифатида баҳоланиши мумкин. Шунингдек, ёшларда ижтимоий – сиёсий фаолликнинг ортиб бораётгани, ижтимоий мўлжал феноменига бўлган интилишнинг кучайиши, жамиятдаги айрим салбий нуқсонларни бартараф этиш йўлидаги саъй – ҳаракатлар мамлакат ва миллат тараққиётининг омил сифатида тан олинмоқда.

Айниқса, ҳозирда турли хил ғоялар, уларнинг ҳар хил кўринишлари ахборот воситаларидан фойдаланиб кенг тарқалаётган бир пайтда, мустақил фикрлаш зарурий ҳодисадир. Айнан мустақил фикрлашга эга бўлмаган одам етиб келаётган ҳар қандай ахборот ва ундаги ғояни тўлалигича қабул қилади. Бундай киши ахборотнинг мақсади нима, асл моҳиятида нима ётибди, айнан нима учун бу ахборот худди шу тарзда етиб келмоқда, бу ахборотда илгари сурилаётган ғоя нима, қандай фойдали ва зарарли томонлари бор деган саволларни ахборотни ўрганиш жараёнида ўз олдига кўя олмайди.

Юқоридаги муаммоларни назарда тутган ҳолда, мустақил фикрлаш ҳақида фикр юритамиз. Фикрлаш ёки фикр юритиш инсон ақлий фаолиятининг, ақл-заковатининг, муомала маромининг, онгли хулқ-атворининг юксак шакли бўлиб ҳисобланади. Мустақил фикрлаш теварак-атрофни, ижтимоий муҳитни ҳамда воқеликни билиш курали, шунингдек, шахснинг кенг кўламли ақлий фаолиятини оқилона, омилкорлик билан амалга оширишнинг асосий шарт саналади. Мустақил фикр юритишнинг рўёбга чиқишида одамда фикр, мулоҳаза, ғоя, фараз, мақсад қабилар вужудга келади ва улар шахс онгида тушунчалар, ҳукмлар, хулосалар сифатида ифодаланади. Мустақил фикр юритиш тил ва нутқ билан чамбарчас боғлиқ равишда намоён бўлади ҳамда улар узлуксиз тарзда бир-бирини тақозо этади. Худди шу боис талаба ўзининг мустақил фикрлаши (мулоқоти), нутқи, онгли хулқ-атвори туфайли борлиқдаги мавжудотлардан тубдан ажралиб туради.

Фикрлаш жараёни идрокдан фарқ қилиб, нарсалар ва уларнинг хоссаларини улар йўқ пайтда ҳам акс еттиришга имкон беради. Фикр юритиш жараёни маълум бир масала, муаммо, жумбоқни ҳал қилиш керак бўлганда юзага келади.

Ф и к р л а ш - бу инсон сезги органлари ва ақлий фаолиятининг бирлиги натижаси ўлароқ, мустақил равишда таҳлил қилиш, умумлаштириш, индуктив ва дедуктив хулосалар чиқариш, таққослаш, аниқлаштириш, мавжумлаштириш каби фикрий операциялардан фойдаланган ҳолда амалга ошириладиган ақлий фаолиятдир.

Инсон мустақил фикрлаши туфайли воқеликни умумлаштирган ҳолда билвосита ёки бевосита акс эттиради, нарса ва ҳодисалар ўртасидаги ички, мураккаб боғланишлар, муносабатлар, хоссалар, хусусиятлар ҳамда механизмларни тушунади, англаб этади. Бинобарин, одам муайян қонун, қонуният ва қоидаларга асосланган ҳолда табиий, ижтимоий ҳодиса ва воқеаларнинг вужудга келиши, кечиши, ривожланиши ҳамда уларнинг оқибатини олдиндан пайқаш, башорат қилиш имкониятига эга. Ҳозирги замон кишисининг билиш ва амалий фаолиятини оқилона, омилкорлик билан ташкил қилишда мустақил фикр юритиш алоҳида аҳамият касб этмоқда.

Талабанинг ўқув фаолияти фикр юритишнинг ўзаро мустаҳкам боғланган берк занжири вужудга келади: мустақил фикрлаш, муаммо, масала (топшириқ). Мустақил фикр юритиш фаолиятида, энгаввало, ҳал қилиниши зарур бўлган масала (топшириқ) талаба томонидан аниқлаб олиниши керак. Агарда унинг олдида ҳеч қандай масала ёки муаммо вужудга келтирмаган бўлса, у ҳолда бирон-бир нарса тўғрисида фикр ҳам юритмайди. Демакки, талаба қаршисида ҳеч қандай муаммо пайдо бўлмаган, мабодо у ечиш шарт бўлган масала юзасидан қанчалик аниқ ва тўлароқ маълумотларга эга бўлса, унинг оқилона бажариши юзасидан йўл ва воситаларни шунчалик енгиллик билан топади. Бунинг учун талабалар қўйилган масала мазмунини аввало маълум даражада тушуниб олишлари, унинг шартини текшириб чиқишлари, нима маълум ва нима номаълум эканлигини аниқлашлари мутлақо зарур. Фақат ана шундагина, улар сира шошиб қолмайдилар ва сира иккиланмасдан топшириқ шартини қидириб, зеҳн билан уни таҳлил қилиши, татбиқ этиш натижасида тўғри ечишга эришадилар.

Талабанинг мустақил фикр юритиши қуйидаги босқичлардан ташкил топган бўлиши мумкин:
Муаммонинг шахс идрок майдонида пайдо бўлиши.

Киши томонидан масала, муаммо, топшириқ моҳиятини англаш
Уларга ўхшаш маълумотлар ёки образларнинг вужудга келиши

Тасаввур ва хотира материалларининг камайиши, тахминлар (фаразлар)нинг узлуксиз туғилиши.

Тахминларни босқичма-босқич текшириш ёки уларнинг ҳаққонийлигини тасдиқлаш.

Янги тахмин(фараз)нинг юзага келиши ва такомиллашуви.

Фаразларни иккиламчи текшириш (иккинчи марта тасдиқдаш).

Масала, топшириқ, муаммо ечимини топиши (ҳал қилиши).

Ихтиёрсиз ақлий хатти-ҳаракатларнинг давом этиши фикрларнинг нисбий давомийлиги ва ҳоказо.

Фикр юритишнинг мустақиллиги деганда талабанинг шахсий ташаббуси билан унинг ўз олдига яққол мақсад, янги вазифалар қўя билиши, улар юзасидан амалий ва назарий, хусусиятли фараз (тахминан, гипотеза) қилиши, кутилаётган натижани қўз олдига келтира олиши, қўйилган муаммони ҳеч кимнинг кўмагисиз, кўрсатмасиз, ўзининг ақлий изланиши туфайли, турли йўл, усул, восита топиб мустақил равишда ҳал қилишдан иборат ақлий қобилиятни тушуниш жоиз.

Ўзининг ва ўзгаларнинг мулоҳазаларини, бу мулоҳазаларнинг чин ёки чин эмаслигини текшира билишда ва намоён бўлган мулоҳазаларга, муҳокамаларга, муаммоли вазиятга баҳо бера олишда ақлнинг танқидийлиги муҳим аҳамият касб этади. Агар танқидийлик оқилона, муҳим белгиларга, муаммо моҳиятининг тўғри очилишига, муайян мезонга асосланиб амалга оширилса, ундай танқидийлик объектив танқидийлик дейилади. Мабодо, талабанинг тафаккури танқидийлиги субъектив (шахсий) хатоларга умуман субъективизмга оғиб кетса, бундай ҳолда субъектив танқидийлик деб аталади. Талаба фикрлашидаги танқидийлик оқилона, одилона, омилкорлик билан амалга оширилса, намоён бўлса, унда шахс учун муҳим ҳам ақлий, ҳам ахлоқий сифат (хислат) вужудга келади, деб комил ишонч билан айтиш мумкин.

Мустақил фикрлаш жараёни талабаларга дарс давомида ўзига хос янги педагогик технология асосида сингдириб борилади. Бунинг турли хил усуллари мавжуд. “Ақлий ҳужум”, “Англаш ва муҳокама”, “Мустақил билим ва хулоса чиқариш”.

Маъруза давомида «Англаш ва муҳокама қилиш» жараёнига ўтиш учун қулай йўл - “Инсерт” дан фойдаланиш мумкин. Бу усулда талабалар пассив тингловчидан иборат бўлиб қолмай, мавзунинг фаол англаб ва унда илгари сурилган масалаларни таҳлил қилиш имкониятлари яратилади. Ушбу усулда талаба маъруза жараёнида тўлиқ биладиган маълумотлар ёнига “Б” - биламан, “—“ мен бошқача тушунар эдим, «+» мен учун янги билим, «?» тушунмадим каби белгиларни қўйиб бориши мумкин.

Инсертда талаба эшитаётган ахборотларни бир йўла англаб, ўз тушунчалари билан таққослаб, ўзи учун номаълум жиҳатларни аниқлаб боради. Бу эса талабаларнинг фаоллиги ва, айтиш пайтда, фанни мустақил ўзлаштириши учун хизмат қилади.

“Мустақил билим ва хулоса чиқариш” босқичи ниҳояловчи босқич бўлиб, унда талаба олинган маълумот асосида ўз фикрларини тушунтира бошлайди. Бу жараёнда янги олинган билим талабадаги мавжуд фикрларни тўғри йўналишга солади.

Мустақил фикрлаш жараёнини ташкил қилишда ўқитувчи талабаларнинг аввалги билимларини ишга солиши, олинган билим билан боғлаши ва янги хулосалар чиқариши учун имкон яратиши лозим. Бу жараённинг мақсади фақат билим беришдангина иборат эмас, балки талабанинг янги олган билими, уни қандай қўллай олиши, ҳаётда буни амалга ошириб бўладими ёки йўқми деган саволларни ўз олдига қўя олиши билан самаралидир. Айнан шундай саволлар билан талаба учун янги ахборотни қабул қилиш, эскиси билан таққослаш ва ундан зарур вақтда фойдаланиш имкони яратилади.

Талаба фикр юритишининг мустақиллиги унинг маҳсулдорлиги билан узвий боғлиқ тарзда кечади. Агар талаба томонидан муайян вақт ичида маълум соҳа учун қимматли ва янги фикрлар, ғоялар, тавсияномалар билдирилган ҳамда назарий ва амалий вазифалар ҳал қилинган бўлса, бундай инсоннинг фикр юритиши сермаҳсул дейилади.

Хулоса сифатида шуни айтишимиз мумкинки, талаба камолоти жисмоний, ахлоқий ва ақлий босқичлардан иборат бўлиб, бу борада унинг мустақил фикрлаши етакчи, устувор ўрин эгаллайди. Ҳозирги давр талабалари жисмоний, ахлоқий жиҳатдан комиллик даражасига енгиллик билан эришсада, лекин ақлий камолотга етишиш асаб тизимининг таранглашуви, ақлий зўриқиш, ҳиссий жиддийлашув, барқарор иродавий акт, узлуксиз фаоллик, фидоийлик намуналари эвазига босқичма-босқич, аста секинлик билан амалга ошиши мумкин. Комил инсон бўлиб камол топишни эзгу ният қилган бўлғуси мутахассис аждодларимиз томонидан яратилган маънавият ва қадриятларни эгаллаш учун ҳамда келажак ривожини таъминлаш учун талабаларда мустақил фикрлашни, ижодий изланишни, ақлий фаолият усулларини шакллантириш мақсадга мувофиқ.

MAKTABGACHA TARBIYA MUASSASALARIDA BOLALARDA TABIATSHUNOSLIK TASSAVURLARINI SHAKLLANTIRISH

Otamuratova R. G'uzor tumani 2-DIMTM psixologi

Otamuradova D. G'uzor tumani 2-DIMTM logopedi

Fan – texnika nihoyatda jadal rivojlanayotgan davrda fanlarning turli sohalaridagi tajribalarini sodda holda o'rganishi va ulardan amaliyotda foydalana olishlari uchun maktabgacha yoshdan kerakli va zarur bilimlarni egallashlariga jiddiy e'tibor berishimiz lozim. Ayniqsa, tabiatshunoslik bilimlar inson hayotida har tomonlama ahamiyatga ega. Ilk tabiatshunoslik tushunchalarning qanchalik aniq va mustahkam bo'lishi, bolalar tafakkurining – analiz va sintez, mantiqiy fikrlash, xulosa chiqarish jarayonlarining kuchli bo'lishini ta'minlaydi.

Bizga ma'lumki, oddiy tabiiy, ekologik, geografik tushunchalar orqali maktabgacha yoshdagi bolalar atrof muhit haqidagi, Quyosh, Yer, yil fasllari, vaqt va fazo to'g'risidagi, kun va tunlar haqidagi boshlangich bilimlarni oladilar. Bu bilimlar kelgusida boshlang'ich sinflar uchun zamin bo'lib xizmat qiladi. obyektning xususiyatlarini o'rganish analiz va sintez qilish, taqqoslash va umumlashtirishning eng sodda tuzulishlarini va ular orasidagi munosabatlarni tushunib oladilar.

Ilk sodda tabiat tasavvurlarini shakllantirish natijasida **bolalarda:**

Kecha va kundiz, yil fasllari, hafta kunlari, vaqt birliklari, predmetlarning shakli haqidagi tushunchalar shakllantiriladi;

Ilk kuzatish ishlari olib boriladi, tabiiy tasavvurlarni hosil bo'lishi, munosabatlarni tushunish, geografik tushunchalar shakllantirilib va fazoda mo'ljal olish ko'nikmasi hosil qilinadi;

Ekologiya haqida tasavvurlar shakllantiriladi; muhit, iqlim, atrof narsalarning bir-biriga bog'liqligi, yil fasllari haqida tasavvurlar hosil qilinadi; – Ilk tushunchalar o'simliklar va hayvonlarning tuzilishi ularni himoya qilish, o'troq va kelib ketuvchi qushlar haqida bilimlar berilib tabiat haqida tusiuncha hosil qilinadi.

Ilk tabiatshunoslik tushunchalar bolalarning yoshiga mos tarzda qiziqarli qilib o'zgartirilsa, samarali natijalarga erishiladi. Jamoa bilan kelishishni, birgalikda ishlashni, o'zaro bir-birini qo'llab-quvvatlashni, yordamlashishni, jamoada o'zini tuta olishni o'rganadilar va bolalarda o'ziga bo'lgan ishonch, mustaqil fikrlash, o'z fikrini aniq ifoda eta olish kabi fazilatlar shakllanadi.

Shu sababli ushbu maqola tarbiyachi va ota-onalarga bolalarni maktab ta'limiga tayyorlashda juda katta qulayliklar yaratadi. Bu esa bolalarni maktabda muvaffaqiyatli o'qishlariga zamin tayyorlaydi.

Mashg'ulotlarda bolalar bilimlarini kengaytirishga yo'naltirilgan, ishtirok etishga mo'ljallangan quyidagi interfaol usullardan foydalanilishi mumkin.

- Kuzatish
- Tushuntirish
- Ko'rsatish
- Kichik guruhlarda ishlash (guruhli ish)
- Juftlikda ishlash
- Tabiatga sayr
- Muammoli vaziyat
- Savol — javob
- Ragbatlantirish
- Amaliy ish
- Ijodkorlik
- Bilimlarni mustahkamlash uchun o'yin
- Masala tuzish, yechimni topish
- Grafik diktant

Bu usullar mashg'ulotlarda almashinib kelgan holda qullaniladi.

Xulosa qilib aytadigan bo'lsak, ushbu maqola maktabgacha yoshdagi bolalar yil fasllari haqidagi, tushunchalarni shakllantirish, Quyosh, oy, yulduzlar, kun va tun geografik tushunchalar, shakllar, vaqt va fazo haqida, ekologik atamalar haqida boshlangich bilimlarni egallashlari uchun materiallar yetarli darajada va qiziqarli qilib berilgan.

ПСИХОЛОГИЧЕСКАЯ КОРРЕКЦИИ КАК РЕАЛИЗАЦИЯ ИНДИВИДУАЛЬНОГО ПОДХОДА

*Рахматуллаева З.Р., магистр КапГУ
Отамуродова Х.Р., учительница 53-школы Гузарского района*

Проблема целенаправленного формирования мышления и приемов учебной деятельности, несмотря на то что она соотносится с целями обучения, отодвинута в школе на второй план. Процесс становления мышления носит в значительной степени стихийный, неуправляемый характер, что приводит не только к замедленному темпу и остановкам в умственном развитии, но и к появлению дефектов, ошибочных способов и приемов мышления, а также признаков отставания в развитии от возрастных норм. Все это позволяет говорить не только о необходимости опережающего развития, но в ряде случаев и о коррекции мышления.

Поскольку чаще всего психологи пишут о развитии в широком смысле слова, полезно рассмотреть, как соотносятся между собой коррекция и развитие. Развитие - это глобальная идея современных психологических исследований. Развитие понимается как «закономерное изменение психической функции во времени, выражающееся в количественных, качественных и структурных преобразованиях» [2]. Процесс развития часто имеет периодизацию, причем периоды отличаются возрастными нормативными характеристиками. Применяя термин «развитие», например, к мышлению конкретного ребенка, имеют в виду изменение мышления в сторону использования более совершенных форм и способов, чем это свойственно предшествующему возрастному периоду.

Коррекция – это исправление тех или иных расстройств, дефектов, нарушений. Применительно к умственному развитию можно говорить о психологической коррекции дефектов мышления, проявляющихся как в несовершенстве отдельных мыслительных операций и умений, так и в невладеии содержательной стороной мышления. Коррекционные меры воздействия можно планировать, ориентируясь на актуальный уровень развития функции и выявляя ее дефекты, понимаемые как отклонение от возрастной нормы.

Часто эти дефекты не осознаются субъектом. О них иногда не знает и тот, кто осуществляет обучение и воспитание. Учитель не выделяет действительные помехи, затрудняющие усвоение учебного предмета. Поэтому его требования к ученику, выраженные в общей форме («занимайся больше», «старайся», «не ленись»), приносят мало пользы последнему. Ученик не понимает, как ему стараться и как заниматься, чтобы справиться с учебными заданиями. В таком случае нарушения мыслительной деятельности переживаются субъектом как ощущение трудности выполнения тех или иных заданий, форм деятельности, требований учителя.

Субъективное переживание трудности не позволяет спланировать коррекционные меры. Школьник не может понять причины неудач; возникает ощущение бессилия, резко падает самооценка. Необходима диагностика, которая выявила бы причины трудностей и указала пути их устранения. Следовательно, психодиагностика актуального состояния психической функции является основой коррекции. В отличие от последней развивающие меры можно планировать, опираясь на знание возрастной специфики психической особенности, не проводя специального диагностического обследования.

Таким образом, характерной чертой психологической коррекции является реализация индивидуального подхода на уровне как диагноза, так и планирования конкретных мер по формированию психологической характеристики. Реализация индивидуального подхода связана с понятием «личного достижения», сравнения своих успехов с прежними результатами, а не с результатами других людей.

КИЧИК МАКТАБ ЁШДАГИ ЎҚУВЧИЛАРДА ИНСОНПАРВАРЛИК ҒОЯСИНИ ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ ПСИХОЛОГИК АСОСЛАРИ

Исмоилова Ю., Қариш ДУ ўқитувчиси

Ўзбекистон Республикасининг Давлат Мустақиллиги тўғрисида Олий кенгаш баённомасида инсонпарварлик масаласига алоҳида эътибор берилган бўлиб, унда «миллати, диний эътиқоди ва ижтимоий мансублигидан қатъи назар, республика худудида яшовчи ҳар бир кишининг муносиб ҳаёт кечиришини, шаъни ва кадр - қимматини таъминлайдиган инсонпарвар демократик хусусий давлат барпо этишга интилиб» яшаш зарурлиги кўрсатилган.

«Таълим тўғрисида»ги Қонун ва «Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури»да ҳам халқ таълимини тубдан ислоҳ қилиш, демократиялаштириш, инсонпарварлаштириш, мактабларда таълим мазмунини ўз халқининг урф - одатлари, анъаналари, халқ педагогикасининг ютуқлари, маданияти, тарихи ва бошқа ўзига хос хусусиятлари асосида бойитишнинг йўналишлари ўқувчиларга тавсия этилган.

Маълумки, Ўзбекистоннинг Давлат мустақиллиги туфайли жамиятимизнинг турли жабхаларида руй бераётган беқиёс ўзгаришлар сирасида узлуксиз таълимнинг асосий негизи бўлган. Бошланғич таълим концепцияси, бошланғич таълим давлат таълим стандартлари қабул қилинган. Унда болаларнинг билимларини ўзлаштиришлари учун лозим бўлган талаблар қўйилган. Бошланғич таълим концепциясининг бош йўналиши педагогика фани билан бошланғич таълимнинг алоқадорлигини мустаҳкамлаш ва унинг самарадорлигини оширишга қаратилган.

Бошланғич таълим концепциясида «... таълим жараёнини ташкил этиш, унинг самарадорлигини ошириш ва бу жараённи ҳар томонлама ривожлантиришга» алоҳида эътибор берилган.

Шуниси диққатга сазоворки, мазкур ҳужжатда бошланғич таълимни ташкил этиш принципларидан бири бўлган «Бошланғич таълимнинг инсонпарварлигига ва умумбашарийлигига» таянган ҳолда иш олиб бориш боланинг онги ва тафаккурини ривожлантиришда муҳим омиллардан эканлиги таъкидланган. Демак, билим, малака, одатлар, айрим психик хусусиятлар бола шахсининг тараққиёт даражаси билан белгиланиб, унда ўз синфдошларига бўлган дўстлик, садоқат каби фазилатлар шаклланиб боради.

Албатта, бундай босқичга эришиш таълим-тарбия жараёнида амалга оширилади. Шунинг учун ҳам ҳар бир даврнинг ўзига хос шароити яратилиб, маълум вазифалар амалга оширилади. Бу жараён бола камолатида катта роль ўйнайди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиснинг IX сессиясида қабул қилинган «Таълим тўғрисида»ги Қонун ва «Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури» ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Умумий ўрта таълимнинг давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида»ги 1999 йил 16 августдаги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Умумий ўрта таълимнинг давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида»ги Қарори 16 август 1999 йил, Таълим тараққиёти журнали №1. 1999, Қарорига асосланган ҳолда яратилган бошланғич таълим стандартида ўқувчиларнинг тайёргарлик даражасига қўйиладиган мажбурий минимал талаблар ўз ифодасини топган. Унда 1-4 синфлар учун «Она тили ва ўқиш», «Ўзбек тили», «Математика», «Табиат», «Инсон ва жамият» таълим соҳалари бўйича эгаллаши лозим бўлган билим, кўникма ва малакаларнинг талаблари кўрсатилган.

Шундай экан халқимизнинг урф - одатларидан чуқур ўрин олган кичик ёшдаги ўқувчиларни инсонпарварлик руҳида тарбиялаш миллий истиқлол ғоясининг асосий негизини ташкил этади. Чунки, халқимизнинг қадим - қадимдан авлоддан - авлодга ўтиб келаётган инсонпарварлик ғояси бугунги кунда жамиятимиз маънавиятини юксалтиришда, мустақил Ўзбекистонда демократик, инсонпарвар давлатни барпо этишда муҳим ўрин тутади. Шунинг учун ҳам болалар адабиётини ўрганиш асосида кичик ёшдаги ўқувчиларни инсонпарварлик ғоясини шакллантириш уларни ўқиш техникаси, ўзгалар фикрини ва матн мазмунини англаш ҳамда фикрни ёзма шаклда баён этиш малакасини ошириш билан бирга жамиятнинг эҳтиёжи ва талаблари ҳақида тасаввурга эга бўлиши, инсоннинг бир - бирига яқинлик, ўз халқи ва унинг урф - одатлари, мардлик, адолатпарварлик, тўғрилиқ, одабийлик ҳақидаги тушунчаларини ривожлантиради.

Бошланғич таълимда ўқитувчи болани кенг билимлар дунёсига етаклайди. Бола билим олишга қадам қўйган кундан бошлаб ўқиш унинг асосий машғулоти бўлиб қолади. Энди бола ўқувчи бўлганидан кейин эса мактабнинг маълум қоидаларига бўйсунган ҳолда ўқув топшириқларини бажаришга, фақат ўзига ёққан нарсаларнигина қилиб қолмасдан, балки зарур бўлган пайтда ўзини қизиқтирмаётган нарсаларни ҳам бажаришга тўғри келади. Ана шундай вақтда болалар ўртасида дўстлик ўрнатиш, бир - бирларига ёрдам берадиган даражада тарбиялаш муҳим аҳамиятга эга. Чунки бундай хусусиятлар болани ҳар қандай қийинчиликларни енгишга, уларда мустаҳкам иродани таркиб топиб боришига, қизиқишлар доирасининг кенгайишига асос бўлади. Буларнинг ҳаммаси инсонпарварлик тизимини яратишга замин бўлади.

TA'LIM JARAYONIDA O'QUVCHILARNING TANQIDIY FIKRLASHINI RIVOJLANTIRISH YO'LLARI

Xolboyeva G., Ishonqulova N., SamDU o'qituvchilari

O'zbekistonda "Ta'lim to'g'risida"gi Qonun, "Kadrlar tayyorlash Milliy dasturi", "Maktab ta'limini rivojlantirish Davlat umummilliy Dasturi"ni ta'lim jarayoniga tatbiq etish bilan ta'limda sifat va samaradorlikka erishish va shu orqali modernizatsiya qilingan ta'lim standartlarini to'liq bajarilishini ta'minlash dolzarb muammolardan biridir. Bugungi kunda ta'lim-tarbiya jarayonining samaradorligini kafolotlovchi pedagogik texnologiyalar va interfaol metodlardan foydalanib o'quvchilarni tanqidiy fikrlash qobiliyatlarini rivojlantirish orqali ularni o'z Vatani va xalqiga sadoqatli, mustaqil va ijodiy fikrlovchi, vijdonli va irodali inson bo'lib yetishishlari uchun pedagogik jarayonni rivojlantirish lozim.

Tanqidiy fikrlash bu – XXI asr talablarini muvaffaqiyatli ro'yobga chiqarishimizga imkoniyat yaratuvchi, o'rganayotgan va bajarayotgan ishimizni yanada chuqurroq anglashimizga yordam beruvchi ijobiy ko'nikmadir. Tanqidiy fikrlashga o'rgatish Kadrlar tayyorlash milliy dasturida bayon etilgan yuqori kasbiy madaniyatli, ijodiy va ijtimoiy faol xayotda o'z o'rnini topa oladigan malakali kadrlarni shakllantirish vazifasinihal qilishga ham mos keladi. Xo'sh, shunday bo'lsa tanqidiy fikrlashning o'zi nima? Adabiyotlarda bu tushunchaga berilgan turli xil ta'riflarni uchratish mumkin.

Bu tushuncha haqida gapirishdan oldin, ayrim aqliy faoliyat ko'nikmalarini ko'rib chiqaylik, lekin ularni tanqidiy fikrlash deb bo'lmaydi. **Esda saqlash** – eng muhim fikrlash jarayoni bo'lib, busiz o'quv jarayonini amalga oshirib bo'lmaydi, lekin u tanqidiy fikrlashdan tubdan farq qiladi. Kompyuterning xotirasi har birimiznikidan anchagina yaxshiroq, lekin esda saqlash tanqidiy fikrlashni bildirmaydi. Ko'pchilik o'qituvchilar har qanday fikrlashdan ko'raxotirani rivojlantirishni yuqoriroq qadrlaydilar, nazorat ishlari va imtihonlardaasosan talabalar xotirasi ko'lamini tekshiradilar. Lekin tanqidiy fikrlash tarafdorlari esa aqliy faoliyatning murakkabroq turlarini nazarda tutadi.

«Tanqidiy fikrlash» atamasidan pedagogik muhitda anchadan beri foydalanib kelinadi va turli pedagoglar buni xilma-xil tarzda tushunadilar. Ko'pchilik o'qituvchilar va metodistlar uchun tanqidiy fikrlash «yuqori tartibdagi» fikrlashni bildiradi – yuqori degani shu ma'nodaki, U Benjamin Blum tizimiga ko'ra o'rganish qobiliyatlarining so'nggi oliy pog'onasida turadi. Faylasuflar tanqidiy fikrlash deganda, odatda mantiqiy fikrlash va isbotlash ko'nikmalarini tushunadilar, uning yordamida talabalar diqqat bilan o'qish, chuqur munozaralar yuritish va yozuvda o'z fikrlarini aniq va o'ylab ifoda etish imkonini oladilar.

Djeni Stil, Kert Meredis, Charlz Templarning «Tanqidiy fikrlashni rivojlantirish uchun o'qish va yozish» loyahasida quyidagicha ta'kidlanadi: «Odam tanqidiy fikrlar ekan, u yoki bu g'oyalar bilan tanishadi, ularni amalga oshirishdagi mumkin bo'lgan oqibatlarini ham e'tiborga oladi. Bunda odam bu g'oyalarni dastlab ma'lum darajadagi ishonchsizlik bilan idrok qiladi va qarama-qarshi nuqtayi nazarlar bilan taqqoslaydi. Ularni asoslash uchun qo'shimcha mulohazalar tizimidan foydalanadi va bular asosida o'z nuqtai nazarini ishlab chiqadi». Tanqidiy fikrlash – g'oya va imkoniyatlarni ijodkorlik bilan uyg'unlashuvi, konsepsiya va axborotlarni qaytafikrlash va qayta qurishdek murakkab jarayondir. Bu faol vainteraktiv bilishning bir necha darajalarida bir vaqtda ro'y beradigan jarayon ham bo'lib hisoblanadi. Tanqidiy fikr egasiga hiyla-nayranglar kamroq ta'sir qiladi, o'zining shaxsiy qarashlar tizimi bo'lgani uchun ular turli xavf-xatardan holi bo'ladilar.

Tanqidiy fikrlashda g'oyalar va ularning ahamiyati ko'p fikrlilik nuqtai nazaridan ko'rib chiqiladi hamda ular boshqa g'oyalar bilan taqqoslanadi. Bu fikrlashning eng yuqori darajasi aqliy faoliyat bo'lib, unda tahlil, taqqoslash, izohlash, qo'llash, tortishuv, yangilik, muammolarni hal qilish yoki fikrlash jarayonini baholashga alohida e'tibor beriladi.

Tanqidiy fikrlash muloqot va guruh bilan ishlash malakalarini rivojlantiradi.

Tanqidiy fikrlash ta'lim jarayoniga jo'shqinlik baxsh etadi, mashg'ulotlarni o'qituvchi va o'quvchi uchun quvonchga aylantiradi.

Tanqidiy fikrlashni paydo qilish uchun quyidagilar bo'lishi kerak:

- o'quvchida o'ziga xos nuqtayi nazarni paydo qilish;
- bir fikrdan boshqasining afzalligini asoslash mahorati;
- murakkab muammolarni yechish mahorati;
- bahsni dalillab olib borish;
- yagonafikrni ishlab chiqish uchun birgalikda ishlash mahorati;
- qarashlar va tasavvurlarga hayotiy tajriba qanday ta'sir qilishini tushunish.

Tanqidiy fikrlashni rivojlantirish oson ish emas. Bu ma'lum yosh davrida o'rgatish tugallanishi va unutilishi mumkin bo'lgan masala ham emas. Tanqidiy fikrlashga olib boradigan aniq-ravshan yo'llar yo'q.

Бироқ о'қитиш шартларининг муайян то'плами борки, унинг yordamida tanqidiy fikrlashni tarbiyalash mumkin. Jumladan, quyidagi shartlar zarur:

1. Tanqidiy fikrlash tajribasini orttirishga vaqt va imkoniyat berish.
2. O'quvchilarga fikrlash imkoniyatini berish.
3. Turli g'oya va fikrlarni qabul qilish.
4. O'quv jarayonida o'quvchilarning faol qatnashishlariga imkon berish.
5. O'quvchilarni ularning ustidan hech kim kulmasligiga ishonirish.
6. Har bir o'quvchini u tanqidiy mulohaza yuritishga qodir ekanligiga ishonirish.
7. Tanqidiy fikrlash paydo bo'lishiniqadrlash.

Shu bilan birga, o'quvchilar:

1. O'z-o'ziga ishonchni rivojlantirib, o'z g'oya va fikrlarining qimmatini tushunishlari kerak.
2. Ta'lim jarayonida faol qatnashishlari lozim.
3. Turli fikrlarni hurmat bilan eshitishlari kerak.
4. O'z mulohazalarini shakllantirishga tayyor bo'lishlari yokiundan o'zlarini tiyishlari lozim.

Tanqidiy fikrlashning elementlari quyidagilardan iborat:

- tanqidiy fikrlash – bu mustaqil fikrlashdir;
- axborot – tanqidiy fikrlashning boshlanishidir;
- tanqidiy fikrlash savolning qo'yilishi va hal qilinishi zarur bo'lgan muammoni aniqlashdan boshladi;
- tanqidiy fikrlash ishonchli dalillarga intiladi;
- tanqidiy fikrlash–ijtimoiy fikrlashdir.

Amerikalik faylasuf va pedagog J.Dyuining aytishicha, «agar o'quvchilar muayyan muammo bilan shug'ullana boshlasalargina, ularda tanqidiy fikrlash paydo bo'ladi». «O'quv jarayonining boshlang'ich nuqtasi hisoblangan, biror vaziyat yoki hodisaga tegishli bo'lgan eng muhim savol bu hodisa qanday muammoni vujudga keltirishini anglatadigan savoldir». «Faqatgina muayyan muammo bilan kurashib, murakkab vaziyatdan chiqish uchun o'zining shaxsiy yo'lini izlagandagina, o'quvchi haqiqatan ham fikrlaydi».

Bundan xulosa qilish mumkinki, o'qituvchi darsga tayyorgarlik ko'rar ekan, o'quvchilar to'qnashishi mumkin bo'lgan muammolar doirasini aniqlashi, so'ngra esa, o'quvchilarni bu muammolarni o'zleri mustaqil ravishda shakllantirishlariga tayyorlashi zarur. Tanqidiy fikrlash tufayli o'qish ana'naviy ishidan aniq maqsadga yo'nalgan, mazmunli faoliyatga aylanadi hamda bu faoliyat davomida o'quvchilar haqiqiy aqliy ish bajarib, haqiqiy hayotiy muammolarni hal qiladilar. Ular dalillar to'plab, matnlarni tahlil qilib, teng kuchli nuqtayi nazarlarni taqqoslab hamda jamoaimkoniyatlaridan foydalanib, o'zlarini qiziqtirgan savollarga javob izlaydilar va uni topadilar.

ЎҚИТУВЧИ ФАОЛИЯТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИНГ МУҲИМ ЖИҲАТЛАРИ

*Худойназаров К., Қарши ДУ ўқитувчиси
Бекмуродова Х., Қарши ДУ магистри*

Ўқитувчилар фаолияти ва касбий тайёргарлиги даражаси улар олдида турган педагогик масалаларни хал қилиш сифатигагина эмас, балки ўқитувчи шахсининг шаклланишига ҳам таъсир кўрсатади.

Ўқитувчи фаолияти мураккаб, кўп қиррали ва шу билан бирга яхлит жараён эканлигини ҳисобга олиб, қуйидагиларни алоҳида эътироф этиш лозим:

а) ахборот беришни, сафарбар этишни, йўналтиришни, камол топтириш ва коммуникатив функцияларни ўз ичига олган шахсий педагогик фаолият;

б) ташкилотчилик, конструктив ва тадқиқотчилик функцияларидан иборат методик фаолият.

Ушбу мақолада ўқитувчи педагогик фаолиятининг сифатлари ва компонентлари шаклланган-лигининг даражасини аниқлаш имконини берадиган саволлар қуйидаги асосий кўрсаткичларга гуруҳланган ҳолда ифодаланди:

1. Ахборот саволлари – ахборотларнинг ҳиссий бериш воситаси бўлмиш оғзаки нутқни ўзлаштириш; ўқув материални чуқур ва бемалол эгаллаш; аудиовизуал воситаларни (янги педагогик технологияларни) қўллаш ва улардан фойдаланиш; асосий тушунчалар, қонунлар, кўникмалар, малакалар ва ҳоказоларни ажратиш ҳамда таълим жараёнида уларни шакллантириш; ахборотнинг зарур манбаларини билиш ва улардан фойдаланиш кўникмаси; таълим жараёнида тескари алоқаларни

(назорат, баҳолаш, тўғрилаш, билим ва кўникмаларнинг мустаҳкамланишини) таъминлаш.

2.Ташкилий-конструктив саволлар – мавзунини ўзига хос ҳар бир қисмини ҳисобга олиб машғулотлар структурасини ташкил қилиш; машғулотларда жорий ўзлаштиришнинг назорат қилинишини ташкил этиш; тарбияланувчиларнинг жамоавий, гуруҳий ва якка тартибдаги ишларини уюштириш, ишнинг мана шу шакллари бирлаштириш; умумий педагогик мақсадларга мувофиқ предмет бўйича ўқитиш ва тарбиялашнинг мақсадларини белгилаш; билимлар тизимини кенгайтириш ва шакллантириш назарда тутилган ўқув материални танлаш; фаннинг талабларини ва илғор педагогик тажрибани ҳисобга олиб тахминий перспектив мавзу режалари ва машғулотлар режаларини тўғрилаш.

3.Тадқиқотчилик саволлари – ўқитиш ва тарбиялашнинг мақсадларини белгилайдиган ўқув-дастурий ҳужжатларни ўрганиш; таълимнинг умумдидактик методлари, шакллари ва воситаларини ўрганиш, ўқув жараёнида уларни қўллашнинг имкониятларини белгилаш; фаннинг ривожланиши ҳақидаги ахборотларни тадқиқ қилиш ва ўқув-тарбия жараёнида маълумотлардан фойдаланиш; синфнинг ва ҳар бир ўқувчининг машғулотларга дастлабки тайёргарлик даражасини (билимлари, кўникмалари, малакалари, савиясини) аниқлаш; хусусий педагогик ва методик ишларни баҳолаш, таҳлил қилиш ва олдиндан билиш, уларни такомиллаштиришнинг йўллари ва воситаларини аниқлаш;

4. Йўналтирувчи - ривожлантирувчи саволлар – ўқувчиларда ўқишга ижобий муносабатни шакллантириш; ўқувчиларда фаолиятнинг ижтимоий-аҳамиятли мотивларини уйғотиш; жамоатчилик, ватанпарварлик, шахсий масъулият, ижтимоий бурчни тарбиялаш; ўқувчиларда таълимий меҳнатга қизиқиш ҳосил қилиш ва уни ривожлантириш; ўқувчиларга таълим бериш назарияси ва амалиётида предметлараро алоқалардан фойдаланиш; ўқувчиларнинг билиш – ижодий фаоллигини тараққий эттириш.

5.Коммуникатив саволлар – ўқувчиларнинг қобилиятларини ҳисобга олиш; таълимда ҳар хил методларни қўллаш билиш; машғулотларда вужудга келадиган вазиятларда тез ва тўғри йўл топиш; ўзини ўқувчининг ўрнига қўя олиш ва унинг аҳволини, фикрлари ҳамда ҳиссиётини (эмпатияни) тушуниш; ўзини таҳлил қилиш (рефлексия) қобилияти; ўзининг ҳиссиётлари, сезилари ва аҳволини назорат қилиш (ҳиссий барқарорлик); ўқувчилар билан уларнинг ёш психологик хусусиятларини ҳисобга олиб, ўзаро алоқа ўрната билиш.

Биз ўқитувчилар фаолиятини такомиллаштиришнинг муҳим жиҳатларини аниқлаш мақсадида изланишлар олиб бордик (қуйида ифодаланган).

Тадқиқотларимиздан кўринадик, ўқитувчиларнинг 23,5 фоизи педагогик фаолиятни расман, нўноқлик билан, қуйи самарали йўсинда бажарадилар. Ана шундай ўқитувчилар педагогик фаолиятнинг тадқиқий ва йўналтирувчи – шакллантирувчи компонентлари ҳамда сифатларини яхши амалга ошира олмайдилар. Ўқитувчиларнинг педагогик фаолиятида педагогик фаолиятнинг ахборот, коммуникатив ва ташкилий-конструктив сифатлари ҳамда компонентлари етарли даражада кўринмайди.

Шундай қилиб, биз ўзбек мактаби ўқитувчиларининг 23,5 фоизи қуйи даражадаги касбий маҳоратга эга эканлиги ва улар ўз маҳоратини такомиллаштиришга интилмаслиги ҳақидаги маълумотларга эгамиз. Ўқитувчиларнинг 51,5 фоизи педагогик фаолиятни онгли, етарлича маҳоратли, аммо ноижодий йўсинда бажарадилар. Улар ўқитувчиларнинг асосий кўпчилигини ташкил қиладилар ва энг консервативдир (эски тартиб қодаларга ёпишиб олиш). Бундай ўқитувчилар одатда ишни виждонан бажарадилар, барча кўрсатмаларга, қодалар ва меъёрларга жиддий риоя қиладилар. Шу билан бирга улар экспериментлар ўтказишга мойил бўлмайдилар, аммо миллий ўзбек мактаби қурилишининг белгиланган тамойиллари уларнинг ижодий имкониятларини очишга ёрдам бериши мумкин. Ўзбек халқи анъаналари ва урф-одатларининг уйғониши билан боғлиқ муаммолар ҳам шунга даъват этади.

Ўқитувчиларнинг 14,5 фоизи педагогик фаолиятни маҳоратли, самарали, ижодкорлик элементлари билан бажарадилар. Бундай ўқитувчилар ўз фаолиятларида индивидуалликни кўзлаб иш тутадилар, бу эса уларни ижодий ишлайдиган ўқитувчиларнинг тажрибасига таянишга мажбур қилади. Хусусан Ўзбекистонда кейинги пайтларда ўқитувчилар машғулотларни ўтказишда Шарқ алломалари яратган маънавий меросдан ва маҳаллий материаллардан фойдаланиши кенг тус олди. Мана шуларнинг ҳаммаси ўқувчиларга таълим ва тарбия беришнинг сифатини оширади, уларда инсоний ўзини-ўзи англашни шакллантиради.

Ўқитувчиларнинг 10,55 фоизи педагогик фаолиятни илғор тажрибалар ва фаннинг ютуқларини ҳисобга олган ҳолда юқори даражада самарали амалга оширадилар. Агар педагогик фаолиятнинг сифатлари ва компонентларини учинчи ҳамда тўртинчи даражада амалга оширадиган ўқитувчиларни бирга қўшсак, ҳозирги пайтда ўқитувчиларнинг ана шу 25 фоизи Ўзбекистон Республикасида

замонавий миллий мактаб куришнинг таянчи ҳисобланади. Улар биз текширган ўқитувчиларнинг 1/4 қисмини ташкил этадилар ва ўқитувчиларнинг умумий ижтимоий-психологик "қиёфаси"га муҳим ҳисса қўшадилар ҳамда яхши англайдиларки, бутунги кунда ҳур ва озод халқимиз барча халқлар ва давлатлар томонидан яратилган маърифатда, фан ва техникада, маданият ва санъатда нимаики янги ва илғор жиҳатлар бўлса, шунга дадиллик билан интилмоқдалар. Ўқитувчиларнинг 23,5 фоизи педагогик фаолиятнинг сифатлари ва компонентларини уқувсизлик ва паст самарадорлик билан амалга оширадилар; 51,5 фоизи эса, етарлича мохирлик билан, бироқ ижодкорлик етишмаган ҳолда бажарадилар. Бундай ўқитувчилар текширилган ўқитувчиларнинг 75 фоизини ташкил этади. Ўзбекистондаги ўқитувчиларнинг ҳам кўпчилигини ана шундай ўқитувчилар ташкил қилиши ҳақида тасаввур ҳосил қиламиз. Улар тадқиқотимизда асосий респондентлар бўлиб, ўқитувчилар ўзбек халқининг этник-маданий анъаналарини билиши ва уларни амалда қўллаш бўйича умумий баҳога таъсир кўрсатадилар.

Текширилган ўқитувчиларнинг 14,5 фоизи ўз фаолиятларида ижодга интиладилар, 10,5 фоизи эса ижодий ишлайдилар. Шу тариқа 25 фоиз ўқитувчилар ўз шахслари ва касб маҳоратларини такомиллаштиришда ҳамкасбларига ибрат бўлмоқдалар.

МАКТАБГАЧА ЁШДАГИ БОЛАЛАРГА ПСИХОЛОГИК ХИЗМАТ КўРСАТИШНИ ШАКЛЛАНТИРИШ МАСАЛАЛАРИ

Бекова Ш.Ж., Қарши ДУ докторанти

Бола шахсининг ижобий шахсий сифатларнинг ривожланиши ва шаклланиши асосан таълим-тарбиянинг замон талаблари асосида олиб борилишига боғлиқ. Болалар билан ишлаш ва унга таълим-тарбия беришда аввало уларнинг индивидуал психологик хусусиятлари, психик ҳолатлари, билиш жараёнлари, ёш ва жинсга хос ўзгарувчанлик сифатларига эътибор қаратишда педагогик-психологик билимларга таяниш зарур.

Психик ҳаёт ва уни белгиловчи сабаблар жуда мураккаб ва хилма-хилдир. Инсон психик хусусияти ва фаолиятини ўрганиш ва тушунишда ижтимоий келиб чиқиши, тарбия жараёни, ўқиш фаолияти, орзу-ҳаваслари, дўстлари, атроф-муҳити ва шунга ўхшаш томонлар инобатга олинади. Шахснинг психик хусусиятлари бир шаклда қотиб қолмайди, балки таълим-тарбия жараёнида ўсиб, ўзгариб туради ва бу фақат организмнинг табиий ҳолати билангина эмас, ижтимоий ҳаёт кечириш тарзи, маънавий - ахлоқий ривожланиши, дунёқараши, кадриятлари, шахслараро муносабати, мақсадлари билан белгиланади.

Баркамол шахсни таркиб топтиришда психологик хизмат кўрсатиш ҳар бир инсон ҳаёти ва фаолиятида муҳим ўрин эгаллайди. Бола ёшлигиданоқ тушуниш, фаҳмлаш, муҳокама қилиш, ўйлаб топиш, фикрлаш қобилиятига эга бўлади. Бундай хусусиятлар боланинг ўсиб камолга ета бориши билан ривожланади. Аммо бу ҳолатни болаларнинг индивидуал психологик хусусиятлари ва коммуникатив қобилиятларини шаклланиб боришининг ўзига хос ижтимоий муҳит таъсирида психик тараққиёт даражаларига қараб турлича ривожланишини амалий фаолиятда кузатиш мумкин. Ана шундай вазиятларни ҳисобга олиб таҳлил қилинганда болада муаммоли психологик ҳолатлар келиб чиқиши кузатилади ва психологик хизматга муҳтожлик сезилади. Психологга мурожаат этишни ота-оналар, тарбиячилар томонидан англаган ҳолда ўз вақтида йўналтирилса, имкон қадар бола ривожланишига тўсқинлик қилувчи муаммоли ҳолатларнинг олди олинади. Бунинг учун болаликда юзага келган муаммоли психик ҳолатларнинг келиб чиқиш сабабларини аниқлаш ва унинг фаолият турларига нисбатан муносабатларига эътибор қаратиш муҳим аҳамият касб этади.

Мактабгача ёшдаги болалар таълим-тарбия самарадорлигини оширишда оилавий ҳамкорлик, маҳалла, жамоат ташкилотлари билан узвий боғлиқлик ва психологик хизмат ходимларининг амалий ёндашуви ҳозирги даврнинг асосий талабларидан бири бўлиб, боланинг маънавий, ақлий-ахлоқий ривожланиши ва коммуникатив қобилиятларини шакллантириш имконини оширади.

Ўзбекистон республикасининг биринчи Президенти И.А.Каримов таъкидлаганидек, «Одамзот учун бир умр зарур бўладиган табиий кўникма ва хусусиятлар, масалан, ҳар қайси боланинг ўзига хос ва ўзига мос қобилияти, атрофидаги одамлар билан муомаласи, тенгдошлари орасида ўзини қандай ҳис қилиши, етакчилик ҳислатларга эга бўлиши ёки эга бўлмаслиги, керак бўлса, дунёқараши-буларнинг барчаси аввало унинг туғма табиати билан бирга, оилада оладиган тарбиясига узвий боғлиқ эканини ҳаёт тажрибаси кўп мисолларда тасдиқлаб беради»-деган фикрни билдириб ўтган.

Демак, киши характери асослари 5-6 ёшгача шаклланади, ундан кейинги тарбия – қайта тарбиялашдир, деган илмий хулосалар ҳам бунинг исботидир.

Айнан шу даврда бола тилида ишлатиладиган “нега”, “нима учун”, “қандай”, каби саволлар ва уларга катталардан олинган асосли ва тушунарли жавоблари боланинг билиш жараёнларини такомиллаштириш, билишга имкон берувчи психик жараёнлари-идрок, хотира, тафаккур, диққат, нутқ кабиларни ривожлантиради, билимлари диапозонини кенгайтириб, мулоқотчанлигини оширади. Мутахассисларнинг таъкидлашича, мактабгача тараққиёт ёшидаги бола ҳаёти давомида мияда ҳосил бўладиган маълумотларни деярли ярмини қабул қилиб олади. Кейинги ақлий тараққиёти даврида ана шу қабул қилинган маълумотларнинг неча фоизини самарали кўллаш ва бойита олишига боғлиқдир.

Бу даврда бола психик ривожланиш билан бирга ижтимоий эҳтиёжларни қондира бошлайди. Яъни жамоада яшаш, ўз ўрнига эга бўлиш ва унда ўзининг “Мен”ини таъкидлай олиш каби хусусиятларини шакллантира боради. Шунинг учун ҳам мактабгача даврдаги болаларнинг ёш хусусиятларига қараб эътибор бериш, ўзгалар билан бевосита мулоқотда бўлиш тенгдошлари, шериклари даврасида ўзини яхши ҳис қилиши учун шароитлар яратиш руҳий инқирозни тезроқ енгилшга ва ижтимоий эҳтиёжни қондиришга амалий психологик ёндашувни таъминлаб бориш зарур.

Мактабгача ёшдаги болаларнинг мавжуд муаммоларини ечиш учун уларни мактабгача тарбия тизимига тўла қамраб олиш имконияти, унинг оммавийлиги ҳам баркамол авлодни шакллантиришнинг муҳим омили сифатида таълим-тарбия ва амалий психологик хизмат кўрсатиш ишларини мақсадли равишда амалга оширишни талаб этади.

Ҳозирги вақтда мактабгача тарбия муассасаларида психологик хизмат масалаларига эътибор қаратилганда айрим муассасаларда психологик хизмат кўрсатиш ишлари йўлга қўйилганлиги ва психолог ўз вазифасини давлат талаблари, қонун-қоидалар орқали асосида олиб бораётганликлари гувоҳи бўламиз. Шу сабабли, юқорида таъкидлаб ўтилгандек, мактабгача таълим муассасаларига эҳтиёжнинг ортиб бориши ишнинг самарадорлигидан дарак берса, аксинча, айрим мактабгача таълим муассасаларида психологик хизматнинг яхши ташкил этилмаганлиги сабабли, муассаса бошқарувчилари, болалар ва уларнинг ота-оналари билан тарбиячилар ўртасида муаммоли психологик ҳолатларни келиб чиқишига сабаб бўлмоқда.

Юқорида келтирилган мулоҳазалардан келиб чиқиб, баркамол авлодни шакллантиришда мактабгача таълим-тарбия самарадорлигини ошириш учун амалий психологик билимга эга бўлган мутахассис психологларни ишга жалб этиш, психологик хизматга оид илмий методик ишланмалар ва тавсияларни ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш мақсадга мувофиқ.

Демак, мактабгача таълим тизимини такомиллаштиришда қуйидаги илмий-амалий психологик масалаларга эътибор қаратиш лозим:

- мактабгача тарбия муассаса психологининг бола психик тараққиётига ҳос психодиагностик методикалардан ўринли фойдаланишини таҳлил қилиш;

- психологик маслаҳат, психокоррекцион ишларни самарали йўлга қўйиш;

- мактабгача ёшдаги болаларга ахборот узатиш ва қабул қилишда коммуникативлик қобилиятларига эътибор қаратиш;

- мактабга тарбия ёшига ҳос психотренинг машғулотларини ташкил этиш ва мунтазам равишда ўтказиб бориш;

- мактабгача таълим йўналиши бўйича илмий-тадқиқот ишларини ривожлантириш, илғор тажрибаларни ўрганиш ва оммалаштириш каби ишларни кенг кўламда тизимли олиб боришни таъминлаш лозим.

Мактабгача тарбия муассасаларида болани соғлом муҳит ва соғлом руҳда тарбиялаш ва уларнинг коммуникатив қобилиятларини шакллантириш билан бирга баъзи бир муаммоли психологик ҳолатларни бартараф этувчи психологик хизматни янада такомиллаштириш мақсадга мувофиқ.

ВЛИЯНИЕ МУЗЫКИ НА ПСИХОЛОГИЮ ЧЕЛОВЕКА

Еркинов Ф. Ф., студент Бухоро ГУ

Восприятие музыки вызывает в сознании человека моторную активность. В древнейших культурах с музыкой тесно связан двигательный опыт человека в виде трудовых, танцевальных, ритуальных движений. Таким образом, в результате слухового и вибро-тактильного восприятия музыки, а также биорезонансного музыкального эффекта, в организме человека возникают много-

численные ответные реакции. Взаимодействие в музыкальном произведении мелодии, ритма, динамики, темпа осуществляется органично и изменение лишь одного из этих параметров вызывает изменение звучания не только самого произведения, но и изменяет воздействие произведения на человека.

Теории древних философов, также как и достижения современной науки, убедительно доказывают, что отрасль музыкальной терапии должна обратиться к глубинным знаниям о человеке, как энергетической сущности во Вселенной. На таком сочетании древних знаний и современных научных исследований построены современные модели музыкальной терапии. Обратимся к наиболее известным из них. Метод «голотропного (холотропного) дыхания» Станислава и Кристины Гроф (США), трансперсональных психологов, является плодом многолетних исследований. Метод основан на том, что сознание человека причастно к широкому вселенскому полю космического сознания, пронизывает все существующее и является его частью. Термин «голотропный» означает «стремящийся к целостности». Метод заключается в перенасыщении мозга кислородом благодаря интенсивному дыханию со специальным звуковым сопровождением, в результате чего происходит погружение в трансперсональные слои психики – в «личное бессознательное», куда вытесняются тревоги и переживания человека, и «коллективное бессознательное», что называют «памятью рода». При этом музыка может управлять дыханием во время пребывания в измененных состояниях сознания.

Аудио–технология Билла Харриса (США), психотерапевта, – одна из современных моделей работы со звуком, изобретена около 20 лет назад и практикуется в центрах во Флориде и Нью–Джерси (США). Б. Харрис исходил из того, что человеческий мозг является электрохимическим органом (в активном состоянии он производит до 10 ватт электроэнергии). Эта электрическая активность проявляется в виде мозговых волн, которых четыре типа:

- Бета-волны, генерируемые активным мозгом, они характеризуются быстрыми колебаниями с небольшой амплитудой, частота – 15 – 40 Гц;
- Альфа-волны; амплитуда их больше, частота – 9 – 14 Гц, в этом состоянии человек отдыхает после проделанной работы или медитирует;
- Тета-волны; амплитуда еще больше, частота – 5 – 8 Гц, в состоянии тета–волн человек отдыхает и почти засыпает, в этом состоянии не замечаешь, как пролетело время, действия приближаются к автоматизации, происходит формирование новых идей;
- Дельта-волны, с максимальной амплитудой колебаний и частотой 0,5 – 4 Гц, глубокий сон без сновидений – 2 – 3 Гц.150.

Музыкально-вокальное воздействие может являться как самостоятельным психокоррекционным инструментом для лечения и профилактики негативных психических состояний, так и использоваться в комплексном сочетании с психотерапевтическим лечением. Воздействие музыки и пения может способствовать нормализации психического состояния и повышению адаптационных возможностей личности на фоне длительной стабилизации в эмоциональной сфере, оно может вызывать позитивные и стойкие изменения в психике: уменьшение выраженности астении, формирование навыков саморегуляции, повышение настроения, самооценки и уверенности в себе и др. Здесь разработана модель музыкально-вокального воздействия на психические состояния человека. Цель экспериментального исследования - оценка эффективности музыкально-вокального воздействия по комплексу проявлений, свидетельствующих о его успешности. В соответствии с этим, задачами экспериментального исследования были:

- определение характера и качества музыкально-вокального воздействия на психическое и соматическое состояние испытуемых;
- характеристика условий и факторов, влияющих на степень эффективности музыкально-вокального воздействия;
- выделение личностных свойств испытуемых, в наибольшей степени подверженных изменениям под вокальным воздействием.

В исследовании использовались методы:

- анализ литературы по теме исследования в области психологии, педагогики, психотерапии, психиатрии и др.;
- экспериментальное исследование;
- беседа;
- опрос;
- наблюдение;
- тестирование.

В исследовании также применялись следующие психодиагностические методики:

1. тест «СМОЛ в адаптации Ф.Б. Березина и М.П. Мирошникова»;
2. тест «Шкала астенического состояния» Л.Д. Малковой в адаптации Т.Г. Чертовой, отражающая характеристики астенического состояния;
3. цветовой тест А.Н. Лутошкина для определения эмоционального состояния;
4. тест «Шкала дисфункциональных отношений» (ШДО) А.А. Beck и А. Weissman для определения динамики дисфункциональных отношений;
5. Гиссенский личностный опросник;
6. тест «Шкала состояний» Э. Гроля и М. Хайдера (в адаптации А.Б. Леоновой) для определения степени благополучия субъективного комфорта состояния, переживаемого человеком в конкретный момент времени.

Результаты проведённого экспериментального исследования показали, что система музыкально - вокального воздействия представляет собой «открытую систему». Допускается варьирование расписания занятий, общего времени творческой работы, формы организации занятий.

Реализация музыкально-вокального воздействия в процессе эксперимента определила его следующие особенности. Музыка и пение не содержит прямого информационного воздействия и адресовано структурам личности, остающимся интактными при «информационных» видах психотерапии. В основном, психотерапия опирается на вербальные формы воздействия. Музыкальное и певческое воздействие пробуждает фантазию у людей и затрагивает эмоционально-образные слои личности, именно таким путём оно помогает выходу из круга неблагоприятных психоэмоциональных состояний.

Заключение. Воздействие на человека музыкой и пением создает новую, непривычную и необычную среду для функционирования психики. Музыка и пение может способствовать нормализации психического состояния и повышению адаптационных возможностей личности человека на фоне длительной стабилизации в эмоциональной сфере. Реализация музыкально-вокального воздействия вызывает позитивные и стойкие изменения в психике людей, уменьшение выраженности астении, формирование навыков саморегуляции, повышение настроения, самооценки и уверенности в себе, воспитание навыков общения и др.

КИЧИК МАКТАБ ЁШ ЎҚУВЧИЛАРИДА КЎРГАЗМАЛИ-ОБРАЗЛИ ТАФАККУР ШАКЛЛАНИШИНИНГ ПСИХОЛОГИК ШАРТЛАРИ

Келдиярова В.Б., Қариш ДУ магистри

Образли тафаккурни шакллантириш механизмларини ўрганиш Онтогенез психологияси ва педагогик психология учун катта аҳамиятга эга бўлиб, унда тафаккур турли ёш давр босқичида ўзига хос форма ва хусусиятлари ўзгариб, такомиллашиб боргани холда тараққий этиши борасидаги илмий мулоҳазалар акс этган. Шахс шаклланишида унинг тафаккури энг содда (кўргазмали-ҳаракатли) туридан тортиб то янада мукамалроқ (мавхум-абстракт ва ижодий фикрлаш) босқичини босиб ўтади. Узоқ вақт давомида психологияда сақланиб қолган бундай нуқтаи назар муайян даражада образли тафаккур муаммоларини ривожлантиришга бўлган муносабатни аниқ белгилаб берди.

Ҳозирги кунда, маълум бир илмий доираларда ўқувчиларнинг кўргазмали-образли тафаккурни кизиқиш билан ўрганиш давом этмоқда. Бироқ, унинг ривожланиш хусусиятлари, кўрсаткичлари, шаклланиш шартлари ҳар бир илмий мавзу (фаолият) мазмуни асосида белгиланади. Кичик мактаб ёш ва ундан юқори синф ўқувчиларининг кўргазмали-образли тафаккур тараққиётининг умумий мантиқий асосларини яратиш, ўқувчиларнинг таълим стандартлари ва уларнинг функционал хусусиятларининг тавсифлари бўйича илмий асосланган тавсиялар мавжуд эмас. Бу эса табиийки, ўқувчи шахсини уйғун ривожланишига тўсқинлик қилади.

Л.Б.Ителсон кўргазмали-образли тафаккур механизмлари уч элементли характерга эга эканлигини таъкидлайди:

- 1) муайян рағбат (ташки, ички, рамзий);
- 2) рединтеграция (ўтмишда унга боғлиқ бўлган барча ҳаяжон тизимининг фаоллашуви);
- 3) изоляция, парчаланиш. Ривожланаётган бирлашган тасвирларнинг бутун занжири маълум бир принципга бўйсунди.

Л.С. Выготскийнинг фикрича, тафаккур соҳасида энг муҳим ўзгаришлар рўй бермоқда. Тафаккурнинг ривожланиши кичик мактаб ёш ўқувчиларининг шахсиятини ривожлантиришда, бошқа барча онгли функцияларнинг ишини белгилловчи асосий вазифага айланади.

Образли тафаккур инсонда туғма бўлмайди. Ҳар қандай руҳий жараён каби, уни ҳам шакллантириш ва ривожлантириш керак. Психологик тадқиқотлар натижаларига кўра, кўргазмали-образли тафаккурнинг тузилиши бешта асосий тузилма: топологик, проэктив, тартибли, метрик (ўлчамли) ҳамда композицияни ташкил этади. Тафаккурнинг бу остки тузилмалари мустақил бўлмаган ҳолда мавжуд, бироқ улар бир-бирига ўхшашдир. Шунинг учун, қандай қилиб бу структура ни бузмасдан, болаларнинг кўргазмали-образли тафаккур тарзини шакллантириш, балки, ундан таълим жараёнида ҳам ўринли фойдаланиш усуллари ишлаб чиқиш зарурати мавжуддир.

Жамият тараққиёти билан, тафаккур ривожланади ва тобора кўпроқ умумий ва назарий даражага тушади. Инсоният тарихидаги бундай фикрлаш (филогенез) бир-бирининг негизида ривожланаётган идрок шакллари сифатида таҳлил қилиниши мумкин. Ҳар бир инсоннинг онтогенетик ривожланишида бу ёндашув фақат умумий маънода қўлланилади. Масалан, муайян шахснинг кўргазмали-образли тафаккури сўз-манتيкий фикрлаш тарзига боғлиқ эмас, балки кейинчалик, техник, график, тасвирий санъат, амалий рассомчилик, бадиий ижодкорлик каби профессионал фаолиятни жадал ривожланиб муваффақиятли амалга ошириш имконини беради.

Бошланғич синф ўқувчиларида образли тафаккурни шакллантиришнинг асосий шarti – таълим жараёнида тасвирлар ва кўргазмали воситалар билан ишлашдир. Тасвирлар идрок этиш боладаги сўзлаш ва ешитиш ҳиссий муносабати билан боғлиқ бўлган фаолиятга нисбатан, унинг тажрибасига анча яқиндир. Тасвир нафақат объектнинг ҳис-туйғу белгиларини ва хусусиятларини англатади, балки улар билан ҳам ҳиссий-шахсий алоқани ўрнатади. Бола ўзини ўраб турган оламни англаши ва тушуниши давомида кўплаб образлар воситасида ўрганади. Оўзувчилар билан турли образлар билан ишлашда қуйидаги шартларга амал қилиш лозим:

– Образнинг (тасвир, расм, объект дизайни, схематик шакллар, оғзаки материал ва ҳоказо) маҳсулдорлиги ва кенг имкониятлилигини таъминлаш ;

– Образларнинг микдор жиҳатдан кўплиги ва бир-бири билан уйғунлиги(сюжетли расмлардан фойдаланиш);

– Тақдим этилган образни тушунтиришда, ўқитувчи тегишли тасвирларини тўлдирishi ва ахборотни қабул қилувчи ўқувчида шахсий тушунчалар шаклланишига еришиши;

– Ўқувчиларда образларни яратиш ва ундан фойдаланиш қобилиятини шакллантириш;

– Ўқувчиларга мунтазам равишда топшириқ берилиши керакки, улар ўз фикрларини бошқаришни, керак бўлганда ўз фикрларини ҳимоя қилишни ўрганишади. Буни амалда ўйлаб топиш қийин бўлган расм ва ақл билан ишлайдиган мантикий торшириқлар, ребуслар бериш мақсадга мувофиқдир.

Хулоса ўрнида шунини таъкидлаш жоизки, кўргазмали-образли тафаккурнинг асосий вазифаси тасвирларни яратиш ва уларни муаммоларни ҳал қилиш жараёнида қўллашдир. Ушбу функцияни амалга оширишда мавжуд тасвирларни ўзгартириш, оригинал тасвирлардан фарқли янги тасвирларни яратишга қаратилган махсус механизм зарур. Бу механизмни ишлаб чиқиш ва қўллаш эса педагогик жараёнда амалга ошади.

ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИДА ИННОВАЦИОН ФАОЛИЯТНИ ТАШКИЛ ЭТИШ

Исмоилова Ю., Қарши ДУ ўқитувчиси

Юнусова С., Ўз. Рес. Жиззах вилояти ИИВ академик лицей ўқитувчиси

Мамлакатимизда мустақиллик йилларида амалга оширилган кенг қўламли ислохотлар миллий давлатчилик ва суверенитетни мустаҳкамлаш, хавфсизлик ва ҳуқуқ-тартиботни, жамиятда қонун устуворлигини, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенглик муҳитини таъминлаш учун муҳим пойдевор бўлди, халқимизнинг муносиб ҳаёт кечириши, жаҳон талаблари даражасида таълим олиши ва касб эгаллаши, фуқароларимизнинг бунёдкорлик салоҳиятини рўёбга чиқариш учун зарур шарт-шароитлар яратди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг “Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак” асарида қуйидагиларни алоҳида таъкидлаб: “Педагоглар ва профессор-ўқитувчилар таркибининг профессионал даражаси,

уларнинг махсус билимларидир. Бу борада таълим олиш, маънавий-маърифий камолот масалалари ва ҳақиқий кадриятларни шакллантириш жараёнларига фаол кўмак берадиган муҳитни яратиш зарур”. Дарҳақиқат, илмий меросимиз мазмунини миллий ва умуминсоний кадриятлар билан бойитилган педагогик ғоялар ташкил этади. Чунки, умуминсоний тафаккур маҳсули бўлган билимларгина инсониятни янги тараққиёт босқичига етаклайди.

Жамият ўз олдига қўйган улкан мақсадларга эришиш учун, энг аввало, баркамол шахсни тарбиялашга оид мукамал ғояларга мурожаат қилади.

Маълумки ҳар бир давр, ҳар қандай жамият муайян педагогик қарашларга эга бўлиб, жамият тараққиёти ва унда яшовчи инсонларнинг онги, маънавияти, педагогика фанининг тараққиёт даражасига мос тарзда таркиб топади. Шу нуқтаи назардан қарайдиган бўлинса, шахс таълим-тарбиясининг назарий-амалий асосларини ўзида мужассамлаштирган педагогиканинг ривожланиш қонуниятларини аниқлаш орқали муайян даврда яшаган жамият аъзоларининг маънавияти ва интеллектуал савияси ҳақида фикр юритиш мумкин. Шунинг учун ҳам педагогиканинг тараққиёти жамият ва унда яшайдиган кишилар тараққиётини таъминлайди. Айни вақтда, “Педагогика” фанининг тараққиёти жамиятдаги ижтимоий, иқтисодий, маънавий ривожланишни кафолатлайди. Чунки, жамият ҳаётидаги ривожланиш инсоннинг онгли фаолияти натижасидир. Айни вақтда бўлажак мутахассислар таълим тизимини самарали ривожлантиришлари учун замонавий педагогик ғоялар ва ёндашувларни ўзлаштиришлари, тадбиқ эта олишлари лозим.

Таълим тизимида бугунги кундаги тезкор ўзгаришлар янги педагогик ишланмалар билан бевосита боғлиқ. Бу ишланмалар ўз моҳияти, мазмуни ва ўзига хос методикаси асосан билиш жараёнининг кечишини таъминлашга қаратилгани билан характерланади. Ушбу жараён ўз мақсади ва вазифасига кўра келажак авлод фаолиятининг мустақил, ижодий, тезкор, сифат ва самарадорлик даражасида амалга оширилишини таъминлашга йўналтирилган бўлиши керак. Шу нуқтаи назардан олиб қаралганда, янги, замон талабига жавоб бера оладиган педагогик янгиликларни ишлаб чиқиш, уларни билиш жараёнига олиб кириш, қўллаш каби бир қатор масалаларни ҳар бир минтақа, таълим муассасаси, фан мавзуси ечимида ижодий ҳал этиш бугунги кундаги долзарб масала ҳисобланади. Бу ўринда олиб кирилаётган педагогик янгиликлар қанчалик таъсирчан ва пухта ишланган бўлмасин, уларни инновацион жараёнларнинг бошқарувисиз ва тўғри ташкил этмасдан ўзлаштириб бўлмаслигини ҳисобга олиш зарур.

Шунинг учун янгиликларни олиб кирувчи ташаббускорлар янгилик яратиш ва уни амалга ошириш йўлида маълум тўсиқларга учрайди. Янги шакл, методика ва педагогик технологияларни қўллаш ўша янгиликларни татбиқ этиш, ўзлаштириш ва бошқариш тўғрисида пухта ўйлашни тақозо этади.

Таълимда инновацион фаолиятни илмий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш педагогик инноватика соҳасига тааллуқлидир.

Педагогик инноватика Ўзбекистонда ҳали жуда ёш фан бўлиб, у ҳақда сўнгги 20 йил атрофида гапира бошланди. Бугунги кунда педагогик инноватиканинг назарияси ва методологияси тўғрисида ишланмалар етарлича яратилгани йўқ. Шу нуқтаи назардан янгиликлар яратиш, татбиқ этиш, ўзлаштириш ва ушбу жараённи бошқаришнинг ижодий ғоялари, принциплари, технологиялари, айрим ҳолларда уларни намунавий лойиҳа даражасига олиб чиқиш масаласини ҳал этишга бугунги кунда соҳа мутахассислари олдидаги асосий муаммо сифатида қаралмоқда.

Инноватикадаги таянч тушунча **инновацион жараён**дир. Инновацион жараёнлар таълимда **учта асосий: ижтимоий-иқтисодий, педагогик-психологик, ташкилий бошқарув** жиҳатдан қараб чиқилади. Ушбу жиҳатлардан инновацион жараёнлар кечадиган умумий муҳит ва шарт-шароитлар маълум аҳамият касб этади. Чунки мавжуд шарт-шароитлар инновацион жараёнларга ёрдам бериши ёки тўсиқ бўлиши мумкин. Инновацион жараён стихияли ёки онгли бошқарув характерида намоён бўлади. Янгиликни киритиш – энг аввал, ўзгаришларни, сунъий ёки табиий жараёнлардаги ўзгаришларни бошқариш вазифасидир.

CHET TILI DARSLARIDA YANGI SO‘ZLARNI TAQDIM ETISHNING O‘ZIGA XOS PSIXOLOGIK XUSUSIYATLARI

Ochilova Z., Qarshi DU o‘qituvchisi

Har bir inson biror bir chet tilini o‘rganishi va ushbu tilni nutqda qo‘llay bilishi hozirgi taraqqiy etayotgan zamonning talabidir. Chet tillarini o‘rganish orqali har bir inson dunyoni taniydi va yurtining

gullab yashnashi uchun o'z hissasini qo'shish imkoni tug'iladi. Hozirda chet tillari maktablar, akademik litseylar, kollejlari va oliy o'quv yurtlari, hattoki maktabgacha ta'lim muassasalarida ham o'qitilmoqda.

O'rganilayotgan tilning grammatikasi, talaffuzi va unda ishlatiladigan so'z va so'z birikmalarini bilish muhimdir. So'z va so'z birikmalarini o'rganmasdan turib nutqni shakllantirish imkoni yo'q. Maktab sharoitida dars davomida o'quvchilarga yangi so'zlarni o'rgatishda bir qancha usullardan foydalanish mumkin:

1. Yangi so'zlarni ifodalaydigan narsa yoki predmetni rasmini rangli qalamlar bilan chizib ko'rsatish orqali o'rgatish yoki tushuntirish. Bunda o'quvchilarning mustaqil fikrlashi va izlanishiga imkon tug'iladi. Masalan, an apple – olma, a pear – nok, a banana – banan, a cherry – olcha.

2. Imo-ishora yoki harakat orqali. Bu usuldan grammatika mavzulari, asosan fe'l zamonlarini o'rgatilayotganda foydalanish mumkin. Masalan, to run – running She is running. – U yuguryapti. Ushbu holatni o'qituvchi o'z harakati orqali tushuntirishi mumkin. Bunda o'quvchilarni darsda aktiv qatnashishi imkoni bo'ladi.

3. Darsda taqdim etilayotgan yangi so'zning sinonim yoki antonym juftini aytish orqali. Bunda o'qituvchi rasmiy kartochkalardan foydalanishi mumkin. Masalan: Sifat mavzusini tushuntirayotganda kartochkaning bir tomonini qora rangga, ikkinchi tomonini oq rangga bo'yab black – white; yoki fe'l mavzusini tushuntirayotganda close – open so'zlarini kartochkalarda ifodalash orqali tushuntirish mumkin.

4. Mavjud bo'lgan (real) narsa yoki predmetni ko'rsatish orqali. Masalan: "Maktab jihozlari" mavzusini tushuntirayotganda o'quvchilarko'rib turgan doska –

blackboard, parta – desk, stol – table, stul – chair kabi predmetlarni ko'rsatish mumkin.

5. Ingliz tilida biror bir so'zning ma'nosini tushuntirish orqali. Masalan: "driver – a man who drives cars, buses" (haydovchi – mashinalar, avtobuslarni haydovchi shaxs); "teacher – a man or a woman who teaches us" (o'qituvchi – bizga ta'lim beruvchi shaxs).

Yangi so'zlarni o'quvchilarga bunday usullarda o'rgatilsa, darsni aktiv va qiziqarli o'tish imkoni tug'iladi. Shuningdek tashkil etilayotgan darsni yanada samarali chiqishiga, o'quvchilarni esa topqirlikka, zukkolikka, savol tashlash orqali esa ularni hushyorlikka chaqiradi.

MAKTABGACHA YOSHDAGI BOLALARGA CHET TILNI O'RGATISHNING PSIXOLOGIK AHAMIYATI

Berdiyeva M.X., Qarshi DU magistranti

Maktabgacha yoshdagi bolalarga o'zga tilni o'qitish modeli motiv, maqsad, fikr va uning xususiyatlari – avtomatizm, barqarorlik, moslashuvchanlik, mustaqillik kabi nutqiy harakat tamoyillarini hisobga olgan holda jiddiy psixologiyaviy poydevor asosida qurilishi lozim.

Bola o'z ehtiyojlarini, intilishlarini ifoda qilish uchun so'zlashishni boshlashi zarur. Zero, bu ehtiyojlarning qondirilishi bola organizmi, uning rivojlanishi uchun hayotiy muhimdir, lekin u bu ehtiyojlarni uning o'zi, kattalarning yordamisiz, qondira olmaydi. Muayyan til muhiti ushbu muhitga mos bo'lgan nutq mexanizmlari faoliyatini rag'batlantiradi.

Chet tilda so'zlashni boshlash, ya'ni unda mustaqil fikrlarni tuzish uchun tildan foydalanishning muayyan qoidalarini o'zlashtirib olish lozim.

Hozirgi zamon sharoitida inson faoliyati uchun zarur bo'lgan axborot hajmining beqiyos darajada ortib borayotganligi ta'lim oldiga yangi talablarni qo'yadi. Gap qandaydir dalillar, bilimlar va hattoki ko'nikmalar to'plami haqida emas, balki ta'lim natijasida bilimni, malaka, ko'nikmalarni mustaqil egallash va ularni ijodiy ravishda qo'llay olish qobiliyatlarini hosil qilish to'g'risida bormoqda. O'qishni o'rgatish – bugungi kunda ta'lim oldida turgan eng dolzarb vazifadir.

Tilni o'rganish ushbu til vositalari yordamida o'zi xohlagan mazmunni uzata olishni anglatadi. Tilni o'rganishni o'rgatish ushbu til borliqini aks ettiradigan usullarni izlashni o'rgatishni anglatadi, ya'ni o'qishda til materialini bilan tahliliy ishlarga alohida o'rin ajratilishi va bu ish boshqariladigan bo'lishi darkor.

O'zga tilda so'zlashni boshlash uchun ushbu tilga mos keladigan qobiliyatni shakllantirish, tegishli qoidalar tizimini o'zlashtirish lozim.

Til o'rganish qobiliyati faqat nisbatan keng faoliyat doirasidagina, ya'ni predmetli faoliyatda, muloqotdagina rivojlanadi. Bola so'zlarni o'zi hojlagani yoki unga buni majbur qilishayotgani uchunгина emas, balki unda bunga keskin hayotiy ehtiyoj mavjud bo'lgani uchun ham tahlil qilib, esda saqlab qoladi. So'zni esda saqlab qolmadimi – demak, xohlagan narsaning nomini ayta olmaydi, so'rashni o'rganmadimi –

demak, unga hech narsa berishmaydi, ko'plik sonlarni aytishni o'rganmadimi – demak, unga bir nechta o'yinchoq o'rniga faqat bittagina o'yinchoq berishadi.

Begona tilni o'rganib olishning psixologik qonuniy yo'li – bu «nutqning anglab etish va maqsad bilan bog'liq oliy, murakkab xususiyatlari rivojlanadigan, va faqat keyingina begona nutqdan ixtiyoriy ravishda, erkin foydalanish bilan bog'liq eng oddiy xususiyatlar paydo bo'ladigan» yo'ldir.

Chet tilini o'zlashtirish qonuniyati o'zga tilni egallashning umumpsixologik vaziyati – ixtiyoriylik, anglab etganlik va maqsad bilan bog'liqdir. Bu psixologik vaziyatni inkor etmagan holda, bolani u ona tilini o'zlashtirish uchun borgan yo'ldan olib borish zarur.

Yangi bilimlar va harakatlarni o'zlashtirishni boshqarish konsepsiyasi asosida ta'lim berilayotgan bolani harakatlarning alohida namunalarini namoyish qilish emas, balki umumlashtirilgan usullari bilan tanishtirish samarali metod hisoblanadi. Bu eng avvalo, shuni anglatadiki, o'quvchiga u yoki bu til hodisasini shunchaki majburlash, shunchaki qandaydir til mashqlarini bajarishni buyurish, shunchaki «berilgan mavzu asosida suhbatlashish»ni taklif qilish emas, balki bolani tegishli faoliyatga jalb qilgan holda, ushbu faoliyatning motivini kafolatlash lozim.

Nutqiy harakat alohida operatsiyalardan, eng avvalo biz istayotgan fikrni bera oladigan so'zlarni tanlashdan iboratdir. Har qanday til so'zlari minglab kombinatsiyalarga birlashishi mumkin va so'zlovchi bu so'zlarni mazkur fikrni, ya'ni fikr konstruksiyasini berish uchun bir-biri bilan bog'lash, gap tuzish uchun zarur bo'lgan grammatik elementlarni tanlash imkonini beradigan usulni topishi zarur. Fikr bildirish jarayoni kerakli tovushlarni va ularning birikmalarini talaffuz qilish, fikrlarni kerakli ohangda aytish bilan nihoyasiga etadi.

Fikrni hosil qilish jarayonida ushbu operatsiyalar bir zumda amalga oshiriladi. Ammo ularni ham tahlil qilish, ham o'qitish maqsadlarida ajratish zarur, chunki ulardan birini amalga oshirishni bilmaslik noto'g'ri fikr hosil qilishga yoki uni umuman hosil qila olmaslikka olib keladi. Nutqiy faoliyat motivlari va maqsadlari doimo nutqdan tashqarida yotadi; biron narsani aytish istagi, bundan ko'zlangan maqsad odatda, biron-bir nutqiy faoliyat – o'yinlar, ta'lim, mehnat va hokazolar doirasidagi muloqotlarda vujudga keladi.

So'zlar tartibini, ularning fikrdagi bog'lanishini tanlashdan tashqari «grammatik mashqlar»ni ham bajarish lozim. Chet tilida iltimosni (buyruqni) ifodalash, harakatga undash uchun buyruq mayli f'elining maxsus shakli bo'lmish – *day* foydalanidadi. Xushmuomalalik talablari mazkur fe'lni ko'plik son shaklida qo'llashni talab qiladi, buning uchun alohida grammatik element zarur – *day – te*.

Hattoki, eng oddiy fikrni hosil qilish jarayoni ham murakkab va ko'p bosqichlidir. Boshqa kishi bildirgan fikrni qabul qilish va tushunish jarayoni ham shu tarzda kechadi. Tinglash, tushunish va so'zlash – aynan bir nutqiy faoliyatning uch turi bo'lib, ular o'xshash ichki psixologik tabiatga ega va aynan bir xil sharoitlarni talab qiladi. Fikrni hosil qilish ham va uni qabul qilish ham ichki nutq ishtirokida ro'y beradi. So'zlash va nutqni tushunish til tizimini, ya'ni mazkur til muayyan til hodisalarini va borliq munosabatlarini beradigan usullar tizimini o'zlashtirishni talab qiladi.

Nutqiy faoliyatning yuqorida aytib o'tilgan xususiyatlari yoshdan qat'iy nazar, chet tiliga o'qitishning asosiy psixologik, pedagogik shart-sharoitlarini tashkil qiladi. Bu – so'z va harakat birligi, nutqni tushunish va uni hosil qilishdagi nutqiy malaka va ko'nikmalarning tabaqalashuvi; operatsiyalar va harakatlarni bosqichma-bosqich shakllantirish; yakka va jamoaviy topshiriqlarni navbatma-navbat berish, vaziyatlilik va ko'rgazmaviylikka tayanish; motivlilik; maktabgacha yoshdagi bolalarga o'zga tilni o'qitish jarayonida hisobga olish zarur bo'lgan o'rganuvchining katta yoshli odamga – o'rgatayotgan til egasiga bo'lgan ijobiy munosabatidir.

Adabiyotlar

1. F.R.Qodirova. R.M Qodirova. «Maktabgacha yoshdagi bolalarga ikkinchi tilni o'rgatish metodikasi». T., «Sano-Standart», 2004.
2. R.M.Qodirova. Maktabgacha yoshdagi bolalarda dialogik nutqni rivojlantirishning ruhiy omillari. Qoz., Sario'g'och, 1998.

II ШУЪБА

ГЛОБАЛ АХБОРОТ МАКОНИДА ПСИХОЛОГИК МАОРИФ ВА МАЪРИФАТНИНГ ЎРНИ

ГЛОБАЛ АХБОРОТ МАКОНИДА ЎЗБЕК ПСИХОЛОГИК МОДЕЛИ

Созинов Н.А. Т.Н.Қори Ниёзий номидаги ЎзПФТИ доценти

Асрларни маълумбир ном билан аташ анъанаси мавжуд. Масалан: “физика асри”, “техника асри”, “атом асри” ва ҳоказо. Бошланган асримиз “Ахборот асри”, “Информатика асри” деб аталади. Баъзи бир манбаларда ҳатто “Психология асри” деб ҳам юритилади. Албатта бу бежиз эмас!

Дарҳақиқат, XXI аср аввалги асрлардан, ахборот оқими, ахборот алмашинуви кўламининг кенглиги билан фарқланиб туради. Глобал ахборот маконида психологик маориф ва маърифат масалаларини муҳокама қилиш ҳам тасодиф эмас. Албатта таълим-тарбия муассасаларида амалга оширилаётган ишларнинг энг асосийси, бу ёш авлодни тарбиялаш, унга муносиб таълим беришдир.

Навбатдаги авлодни тарбиялаш - бу инсоният жамиятининг энг кўҳна ва узлуксиз доимийликни тақозо қиладиган муаммолардан ҳисобланади. Бугунги кун устозларининг ёш авлодни тарбиялаш, уларнинг психологик саводхонлигини ошириш, психологик маориф ва маърифатни ёйиш ишлари “глобал ахборот маконида” рўй берар экан, демак бу иш ҳам замона зайлига яраша бўлиши лозим. Сўнгги чорак асрдан ортиқ вақт давомида одат тусига кирган ҳолатлардан бири – бу ўрганилаётган соҳа, тизимда турли моделларни яратиш ва улардан фойдаланиш бўлиб қолди. Шунинг учун ҳам уларнинг турлари кўп.

“Модель” тушунчаси кўп маъноли бўлганлиги туфайли моделлаштириш турларининг ягона классификацияси мавжуд эмас. Ҳозирги вақтда одам фаолиятининг бирон бир соҳасида моделлаштиришдан фойдаланилмаётганлигини кўрсатиш қийин. Истиқболда ҳар бир тизим ўзи учун ўзининг моделини тузиши мумкин. Шунинг учун ҳам, улар нима учун тузилганлигига кўра шартли равишда классификацияланади. Шундай классификациялардан бири – моделни тақдим этиш усулига кўра фарқланувчи - ахборот моделидир. Ахборот моделлари – объект, ҳодиса, жараёнларнинг ҳолати ва хусусиятларини тавсифловчи маълумотлар мажмуидан иборат.

Ахборот моделларини ушлаб, тегиниб ёки уларни кўриб бўлмайди, улар моддий тимсолга эга эмас. Чунки улар фақат ахборот асосидагина қурилган бўлади. Моделлаштиришнинг бу методи асосида атроф оламни ўрганишнинг ахборотли ёндошуви ётади. Объект ёки жараённи тавсифловчи ахборот, ифода этилишига кўра турлича ҳажм ва шаклда бўлиши, турли усулларда баён этилиши мумкин. Бу хилма-хиллик шу қадар чексизки, ҳар бир одамнинг (модель яратувчининг) билимлари доираси, дунёқараши қанчалик кенг бўлса – моделларни яратиш имконияти ҳам шунчалик улкан бўлади.

Гап психологик маориф ва маърифат ҳақида кетганда, айниқса, психологияни ўқитишда, ахборот моделларининг ўрни бекиёс. Бунинг психология фанлари ўқитувчилари учун яна бир афзаллик жиҳати шундаки, бизнинг мутахассисларимиз, фан ўқитувчилари, психология фанлари бўйича китоблар ёзишлари мумкин бўлган муаллифларимиз ҳам ғарб мутафаккирларининг психологик таълимотларидан, ҳам шарқ алломаларининг қарашларидан боха-бардирлар. Бу эса уларнинг билимлари доираси, дунёқарашлари ғарб ёки шарқдаги ҳамкасблариникига қараганда кенгроқ, имкониятларининг каттароқ эканлигидан далолат беради. Бу имкониятлардан ўринли фойдаланиш, психология фанлари бўйича ғарб олимлари илгари сурган таълимотларни шарқ мутафаккирларининг ғоялари билан уйғунлаштириб, уларнинг ҳар иккисидан ҳам афзал, янгича моделни шакллантиришлари, психологияда ўзбек моделини яратишлари мумкин. Бу модель асосида амалга оширилган психологик маориф ва маърифат ишлари, “глобал ахборот маконида ёшларда миллий онгни таркиб топтириш” да муҳим аҳамиятга эга.

Бироқ, Республикаимизнинг айрим олий ўқув юртларида талабаларга психологик билимларни беришга мўлжаллаб тузилган ўқув дастурларида, улар учун яратилган адабиётларда, аксарият ҳолларда психологик таълимотлар асосан ғарб муаллифлари ғоялари асосидагина берилиб қолмоқда. Бу эса ўз навбатида ёшларимизда миллий онгнинг таркиб топишида ҳам, ўзбек психологик моделини

яратилишида ҳам жиддий муаммолар туғдириши мумкин. Бунга асло йўл қўйиб бўлмайди. Президентимиз, Шавкат Мирзиёев: “Илм-фанда халқимиз манфаатларига хизмат қиладиган ўз йўлимизни топмасак, эртага ёшларимиз бизникечирмайди”[1,1]- деб таъкидлаганларидек, халқимиз, ёшларимиз манфаатларига хизмат қиладиган ўз моделimizни, ўзбек ахборот-психологик моделини яратиш ва ҳар бир машғулоти шу модель асосида ташкил қилишмақсадга мувофиқ.

Моделлаштириш классификациясида, ахборот моделларига белгили ва вербал (баён этиладиган) лар киритилади. Вербал (лот. *“verbalis”* – оғзаки) моделлар – фикр ёки гап шаклидаги ахборот модели. Бу фикр мулоҳазалар, хулоса чиқаришлар натижасида олинган (эришилган) моделлардир. Улар фикрлигича қолиб кетиши ҳам ёки сўз орқали ифодаланиши ҳам мумкин.

Вербаль моделга мисол қилиб Н.Коперникка тегишли, у томонидан тасдиқланган “Оламнинг гелиоцентрик модели” кабиларни кўрсатиш мумкин. Чет эл мутахассислари бирон-бир ғояни илгари сураб ва шу асосда ўз моделларини яратар эканлар, уни ўз миллати, халқи манфаатларига хизмат қиладиган, улар тушунадиган, қабул қиладиган тарзда ишлаб чиқадилар. Бу табиий! Шундай экан, ёшларни психология фанлари назариялари билан таништиришда, у ёки бу ғарб муаллифининг сўнгги 50-100 йил ичида илгари сурган таълимотлари, концепцияларини ёритиб ўтиш билан бирга, айнан шу борада, ўзимизнинг ўтмиш мутафаккирларимиз қандай фикр мулоҳазаларни илгари сурганлиги, бу масалалар миллий кадриятларимизда қандай ифодаланганлиги каби маълумотларни ҳам бериб ўтиш фойдадан холи бўлмайди. Чунки, бу фикрлар қайсидир қадимги юнон ёки рим мутафаккирининг фикри эмас, балки ўзимизнинг, шу заминда яшаб, ижод қилган алломанинг фикрларидир. Буни эса ёшларимиз, халқимизнинг тушуниши ва қабул қилиши осон кечади. Фанни ўқитиш доирасида ёшларимизга берилаётган ахборотларнинг ўзлаштириш самардорлиги юқори бўлади. Ислом Каримов таъкидлаганларидек: “Агар биз шунча вақт, куч қувват сарфлаб амалга ошираётган ислохотларимизнинг мақсади ва мазмунини халқимиз тушунмаса, жамоатчилигимиз қўллаб қувватламаса, бундай ислохотлар қуруқ гапга айланиб қолиши ҳеч гап эмас”[2,127]. Психология фанлари доирасида ёшларимизга берилаётган илмлар мазмуни ҳам аввало уларга тушунарли, улар қўллаб-қувватлайдиган бўлиши лозим.

Қуйида, мисол тариқасида, ўтмиш алломаларимиз бизга қолдирган маънавий меросларидан фанни ўқитишда, ўзбекона психологик модель бўлиб хизмат қилиши мумкин бўлган айрим қарашлар устида қисқача тўхталиб ўтамиз. Бўлажак мутахассисларни тайёрлашда, уларда миллий онгни ривожлантириш, уларнинг психологик саводхонликлари даражасини оширишда миллий-маънавий меросимиздан оқилона фойдаланиш орқали ҳақиқий миллий кадрларни тайёрлашга эришилади.

Масалан, Турон заминда яратилган, ёзилганига қарийиб 3000 йил бўлган “Авесто”да, ўша даврларда, психодиагностика амаллари қандай бажарилганлигига далиллар мавжуд. Унда, ҳозирги Мовароуннаҳр ва Хуросон халқлари яшаган минтақаларда истиқомат қилган барча қавм ва қабила аҳллари орасида “лагомзадан”¹, “зин задан”², “камарбастан”³ каби синаш усуллари мавжуд бўлганлиги баён этилади [7,64]. Уларда асосан, ёшларни кундалик ҳаётга, оилага, у ёки бу касбни бажаришга тайёрлик даражалари аниқланган. Йигитлар молларни боқиш, туя, отларни парваришлаб уларни бошқариш, узоқ яйловларга сурув ҳайдаш, чорвани дарранда ҳайвонлар, қароқчилардан муҳофаза қилиш, ўттиз икки ҳарбий ҳунарни билишлари мажбурий бўлган. Ана шу малакалар ҳосил бўлгач, қизлар 15, ўғил болалар 17 ёшида “лагомзадан” ва “зин задан” имтиҳонларидан (тестларидан) ўтган. Натижада улар балоғат ёшига етган, рўзғор юритишни ўрганиб, “қадбону” (уй бекаси), “қад худо” (уй хожаси, оила бошлиғи) бўлганлар, чўпон чўлиғини олиб, от суриб, туя миниб юриш ҳуқуқини қўлга киритишган. Алоҳида иқтидорли йигитлар эса, чавандозликка махсус тайёрланган, ҳарбий машқларда иштирок этган.

Бу каби маълумотлардан “психодиагностика”, “профотбор”, “профорентация”, “ёшларни катта ҳаётга тайёрлаш” мавзуларида машғулотларни ташкил қилишда ахборот моделлари сифатида фойдаланиш ўринлидир.

Мамлакатнинг равнақи, илм-фан, сиёсатнинг ривожланиши, элу-юрт фаровонлигининг ошишида бундай оламшумул ютуқларга эришишнинг асосий омили, ўша даврларда инсон омилга алоҳида эътибор берилганлиги, халқ ҳўжалигининг барча йўналишларида ходимларни, раҳбарларни танлаб олишда, шахснинг индивидуал психологик имкониятларини ҳисобга олувчи, ҳозирги замон тили билан айтганда психологик хизмат, психодиагностик тадбирларнинг амалга оширилганлиги сабабдир.

¹ “лагомзадан” – отга сувлиқ сола билиши орқали синаш.

² “зин задан” – отни эгарлай билишига қараб синаш.

³ “камарбастан” – йигитларнинг ота касбидан ташқари, чавандозлик, кураш тутиш малакаларини аниқлаш. Бу синондан ўтганларга чўпон чўлиғини олиб, от суриб, туя миниб юриш ҳуқуқи берилган.

Юқорида келтириб ўтилганлар бизнинг худудимизда амалий психологиянинг юзага келиши ва ривожланиши узок тарихга эгаллиги, бу борада ўтмиш мутафаккирларимиз улкан маънавий мерос қолдирганлиги, улар тажрибаларини ўрганиш, ўз фаолиятимизда улардан фойдаланиш бугунги кунда ҳам катта аҳамиятга эгаллигини кўрсатади. Бундай манбаларга таянган ҳолда ўзимизнинг ўзбек психологик моделини яратиш лозим.

Айниқса, мамлакатимиз халқ хўжалиги учун бўлажак ходимларни тайёрлашда бош бўғин бўлмиш халқ таълими тизимида психологик амалиётнинг йўлга қўйилганлиги, Халқ таълими вазирлиги тасарруфида “Ўқувчиларни касб – ҳунарга йўналтириш ва психологик–педагогик Республика Ташҳис маркази”нинг ташкил этилганлиги ва барча вилоятларда унинг вилоят, туман бўлимларининг ишлаши, жойларда “Психологик хизмат” марказларининг фаолият кўрсатиши, бу муассасаларда хизмат қилиш учун республикамизнинг етакчи илмий даргоҳларида: М. Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети, Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика университети, жумладан Қарши Давлат Университети ва вилоятлардаги қатор олий ўқув юртларида амалиётчи психолог мутахассисларнинг тайёрланаётганлиги бунга яққол мисол. Шунингдек, республикамизда ўзининг илмий психологик салоҳиятига кўра чет эл амалиётчи психологлари билан баҳслаша оладиган, илғор чет эл психологик марказларида амалиётларини ўтаган психолог мутахассис, олимларимизнинг мавжудлиги бу борада имкониятларимиз катта эканлигини англатади. Агар бу мутахассислар ўз фаолиятларини мақсадга мувофиқ тарзда амалга оширишлари учун зарур илмий-услубий воситалар билан қуроллантирилсалар, халқимиз яхши тушунадиган, уларнинг миллий, худудий менталитетлари инобатга олинган ҳолда тайёрланган психодиагностик воситалар, зарур ахборот-психологик моделлар билан таъминлансалар, глобал ахборот маконида психологик маориф ва маърифат, психологик хизмат ишлари самарадорлигининг нақадар юксак бўлишини тасаввур қилиш қийин эмас.

Адабиётлар

1. МирзиёевШ. О. Илм-фан ривожига тараққиётга, бунёдкорлик фаровонликка хизмат қилади. //Халқ сўзи. 2018. 21.07. – Б.1.
2. Каримов И.А. Она юртимиз бахту иқболи ва буюк келажига йўлида хизмат қилиш – энг олий саодатдир /И.А.Каримов; – Тошкент: “O‘zbekiston” НМИУ, 2015. – 304 б.
3. Марғинович Бурҳониддин Ҳидоя. 1-жилд. -Тошкент.:Адолат, -2000. – 848 б.
4. Низомулмулк. Сиёсатнома (Сияр ул-мулк) / Низомулмулк.– Тошкент: Янги аср авлоди, 2015. – 312 б.
- 5.Темур тузуклари /Форсчадан А.Соғуний ва Ҳ.Караматов тарж.; Б.Аҳмедов таҳр.остида. –Т., 2011.–184б.
6. Ҳомидий Ҳомиджон. Кўҳна шарқ дарғалари. / Бадиий – илмий лавҳалар. –Тошкент.: Шарқ, 1999. –352 б.
7. Ҳомидий Ҳ. “Авесто”дан “Шоҳнома”га. /Ҳомиджон Ҳомидий; масъул муҳаррир Н.Комилов. – Т.:Шарқ, 2007. – 320 б.
8. Psixologik atamalar ruscha-o‘zbekcha izohli lug‘ati. /Проф. Ғ.Б.Шоумаров таҳрири остида. Тузувчилар: Н.А.Соғинов, З.Т.Нишонова, Ҳ.К.Каримов, Б.М.Умаров, Э.Ш.Усмонов. - Т.: “Fan va texnologiya”, 2019, - 400 б.

ГЛОБАЛЛАШУВ ЖАРАЁНИДА ЁШЛАРНИ АХБОРОТ ХУРУЖИДАН ҲИМОЯЛАШ

Шайманова А., Қарши ДУ ф.ф.н.

Мамлакатимизда мустақил фикрлайдиган, ўзининг қатъий ҳаётий эътиқод ва қарашларига эга бўлган ватанпарвар ёшларни тарбиялаш, уларни турли мафкуравий хуружлар таъсиридан ҳимоя қилиш тобора долзарб аҳамият касб этиб бормоқда. Зеро, глобаллашув жараёни жаҳон аҳамиятига эга бўлган барча воқеалар мафкура полигонларида бўладиган курашлар ядро полигонларидагиданда даҳшатлироқ эканини намоён қилмоқда. Мафкура инсон маънавий ҳаётига таъсир этувчи тарғиботнинг ғоят катта ахборот ва тажрибага эга бўлган машинаси сифатида гавдаланмоқда. Жаҳоннинг барча минтақаларини иқтисодий ахборот ва хавфсизлик жихатидан бирлаштирган глобаллашув жараёни миллат ва давлатлар олдида ўзлигини сақлаб қолиш, манфаатлар тўқнашувида ўз ўрнини топиш масаласини кўндаланг қўймоқда. Ҳар бир халқ глобал ахборот майдонида ўз манфаатларини ҳимоя қилишга, турли ахборот хуружларидан ҳимояланишга, ўзининг ахборот хавфсизлигини тўла таъминлашга мажбурдир.

Глобаллашаётган дунёда ахборот-коммуникация технологиялари ва айниқса, интернет кишилар кундалик ҳаётининг ажралмас қисмига айланиб бормоқда. Глобал тармоқ, шиддат билан ривожланиб,

имкониятлари тобора кенгаймоқда. Ҳар куни вертуал маконда бир неча миллиондан зиёд ахборот ресурсларининг пайдо бўлиши унинг хажми ҳар дақиқа сайин ўсиб бораётганидан далолат беради. Интернетнинг жамият иқтисодий-ижтимоий, маданий, техникавий ва бошқа тараққиётдаги ўрни беқиёс бўлиб бормоқда. Унинг улкан қудратини тан олиш ёки олмаслик тўғрисида гап бўлиши мумкин эмас. Интернет – инсон тафаккури, ақл ва билими қудратининг маҳсули ва инъикосидир. Бугун бу глобал тармоқ афзалликларини инкор этмаган ҳолда, унинг инсон маънавиятига туғдирадиган хавф-хатарлари тўғрисида сўз юритишга тўғри келади. Замонавий ёшлар интернетга маълумот олишнинг асосий манбаи ва коммуникациянинг бош воситаси, деб қарайдилар. Улар онлайн тизимига асосан янгиликларни излаш, дўстлар билан мулоқот қилиш, муסיқа ёзиб олиш учун кирадилар. Интернет ва компьютер технологиялари соҳасида ёшларимизнинг бугунги эришаётган ютуқлари оз эмас. Аҳолига хизмат кўрсатишда энгилликлар яратиш, турли соҳалар фаолиятини ихчамлаштиришда информацион технологиялардан фойдаланиш каби йўналишларда ёшларимиз ақлий меҳнатлари мамлакатимиз ижтимоий ҳаётига ижобий ўзгаришлар олиб кирмоқда. Бундай натижаларга эришиш учун куч, қурб, вақт асосийси имконият бугун кўпчилигимизда мавжуд. Фақат ёшлардан бу шароитлар қадрига етиш, уни тўғри англаш ҳамда шижоат ила мақсад сари олға интилишни талаб этади. Интернетни бугунги кунда «билмайман», деган ёшни топиш амримаҳол бўлиб қолди. Интернет – унинг сарҳади йўқ. У бугун ҳаётимизнинг ажралмас қисмига айланди. Дунёнинг исталган нуқтасидан ахборот ва маълумотларни олишда интернетни ўрни беқиёсдир. Буни инкор этиб бўлмайди. Аммо, афсуски, интернетнинг келтириб чиқараётган айрим салбий жиҳатлари борки, улардан кўз юмиб бўлмайди. Хусусан, бугунги кунда ўз жонига қасд қилишнинг осон йўллари тарғиб қилувчи 9 минг сайт, эротик мазмунга эга 4 мингдан зиёд сайтлар мавжуддир. Шунингдек, 12% порнографик характерга эга бўлган сайтлар мавжуд бўлиб, 42% болалар ва ўсмирлар онлайн порнография таъсирига тушиб қолмоқдалар. 49% компьютер ўйинлари эса зўравонлик ва ёвузлик руҳида, 41% и ўта жангари (бешавқат урушлар, ўлдиришлар, отишмалар, портлашлар ва ҳоказо) ҳолатларни тарғиб қилмоқда. Ўтказилган тадқиқотлар натижасига кўра, Ўзбекистон бўйича интернетдан фойдаланувчилар қуйидаги сайтларга мурожаат қилишаркан: Одноклассники.ru — 20.000 нафардан ортиқ; Facebook – 90.000 нафарга; Мой мир – 40.000 нафардан ортиқ; Вконтакте – 15.000 дан ошиқ. Ўзбекистондаги Doira.uz, vsetut.uz, odnoklassniki.uz, sinfdosh.uz, muloqot.uz, olam.uz каби жами сайтларда рўйхатдан ўтганлар жамланса ҳам юқоридаги миқдорга етмайди. Бу эса, глобал тармоқдаги ахборот ресурсларининг ўсиб келаётган ёш авлод ҳаёт тарзининг шаклланишига ўз таъсирини кўрсатмасдан қолмайди. Интернет ҳозирги кунда ижтимоий муносабатларнинг ўзига хос муҳитига айланиб қолмоқда. Шундай экан, фикримизча, миллий тармоқда ёшларнинг психологик хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда, уларнинг дунёқароши, қизиқишларидан келиб чиқиб, бевосита ёш авлод манфаатлари ва муаммоларини қамраб олувчи маънан мазмунли, шу билан бирга, замонавий мавзулардан иборат интернет сайтлари яратиш ниҳоятда муҳимдир.

Ўзбекистон Республикасининг биринчи Президенти И.А.Каримов мафкуравий таъсирлар салбий оқибатларга олиб келмаслиги учун нималар қилиш кераклигини кўрсатиб: «Бунинг йўли – одамларимиз, авваламбор, ёшларимизнинг иймон-этиқодини мустаҳкамлаш, иродасини баққуват қилиш, уларни ўз мустақил фикрига эга бўлган баркамол инсонлар этиб тарбиялаш, уларнинг тафаккурида ўзлигини унутмаслик, ота-боболарнинг муқаддас қадриятларини асраб-авайлаш ва ҳурмат қилиш фазилатларини қарор топтириш. Уларнинг, мен ўзбек фарзандиман, деб, ғурур ва ифтихор билан яшашига эришишдир», -деб таъкидлаган эдилар.

Бугунги глобаллашув жараёнида ёшларни ахборот хуружидан ҳимоялаш учун қуйидаги вазифаларни амалга ошириш лозимдир:

1.Замонавий ахборот технологиялари, хусусан, ёшлар онгига глобаллашувнинг ўзига хос жиҳатлари, ахборот хуружи, ахборот хавфсизлиги, мафкуравий иммунитет каби тушунчаларни сингдириш орқали улардан мақсадли фойдаланиш кўникмаларини ошириш зарурдир.

2.Ёшларда мамлакатда амалга оширилаётган сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар, мамлакат хавфсизлигини таъминлашга доир фаол муносабатни шакллантириш учун таълим муассасалари, ёшлар ташкилотлари ва бирлашмаларида, ҳарбий чақириққача бўлган ёшлар ўртасида турли тадбирларни кўпроқ уюштириш мақсадга мувофиқдир.

3.Ёшлар кун тартибини тўғри тақсимлаш ва назорат қилиш билан бирга, уларда мафкуравий профилактика чора-тадбирларини қўллаш, Ватан, ота-она олдидаги бурч ва маъсулиятларини ошириш, миллий қадриятлар асосида инсонпарварлик, меҳнатсеварлик, бунёдкорлик ва илм эгаллашга ҳавас уйғотиш каби вазифаларни кучайтириш лозим.

БОЛА ТАРБИЯСИДА ОИЛА, МАКТАБ ВА ЖАМОАТЧИЛИК ҲАМКОРЛИГИ

Файзиева М., Қарши ДУ доценти

Ҳозирги кунда оилада болаларни тарбиялаш масаласига ҳар қачонгидан кўра катта аҳамият берилмоқда. Бу мавзу доимо барча ота-оналарни ҳам, катта кишиларни ҳам қизиқтириб, шунинг билан биргаликда ташвишлантириб келган. Тарбия жараёнида, у хоҳ оилада бўлсин, хоҳ мактабда бўлсин боланинг психология хусусиятини ҳисобга олмаслик келажакда энг катта, тузатиб бўлмас хатоликларга йўл қўйиш демакдир.

Ўйлаб қарайдиган бўлсак, боланинг табиатини, қизиқишини, энг муҳим ички дунёсини билмай, ўрганмай туриб улар билан тарбивий иш олиб барадиган бўлсак, амнмизки, тарбияда кўзланган мақсадга эришиш анча қийин. Инсон болалик пайтидан ота-онаси, акалари, опалари, ўртоқлари, умуман атрофдаги кишилар у ёки бу ҳуқлни тақлидан ўзига сингдириб боради. Шунинг учун ҳам халқимиз “катталар одоби болалар камоли”, деб бежиз айтишмаган. Модомики, маънавий гўзал қилаётган одамийлик ва шунга ўхшаш сифатлар замирида ахлоқ муҳим ўринни эгаллар экан. Демак, биз аввало фарзандларимизнинг руҳиятини барча салбий таъсирларидан поклашимиз ва уларни соғлом фикрлашга, яъни ҳадисда айтилганидек. “Кимки ўзининг яхши ишидан қувонса, ёмон ишидан хафа бўлса. Демак, у ҳақиқий мумкиндир”, деган ривоятга амал қилишга ўрганиб боришимиз лозим экан.

Оналарнинг тарбиячилик хусусиятларини аниқлаш учун турли касб, ёшдаги 52 нафар хотин кизлар жалб этилди. Шулардан 26 таси қишлоқ оналаридир.

13 та саволдан иборат бўлган методикалар. Шунингдек, ўз тадқиқотимизни кўпроқ фактлар билан тўлдириш мақсадида оилада ота-она ва бола муносабатини қандай эканлигини яна бир қарра тасдиқлаш мақсадида, яна бир методикадан фойдаландик. Методикага асосан. Тузилган 13 саволдан ҳар бирига маълум бир белгиланган баллар билан ифодаланувчи жавоблар берилди. Бу текширишимизга асосан, юқори синф ўқувчилари ота-оналарида утказилди. Ва ушбу натижаларга эришилди. Ўтказилган тажриба жадвали қуйидагича: А 3, Б 2, В 1.

№	Уддалай оласизми	Уддалайман	Уддалаш мумкин, бирок доимо шундай қилолмайман	Уддасидан чиколмайман
1	Қилаётган ишингизни қолдириб бола билан шуғулланасизми	А	Б	В
2	Бола билан бирор жиддий соҳада маслаҳатлаша оласизми	А	Б	В
3	Болангизга нисбатан ноҳақлик қилдингиз уни оқлай оласизми	А	Б	В
4	Янглишсангиз боладан узр сўрайсизми	А	Б	В
5	Бола қилмишидан жахлингиз чикса ўзингизни тута оласизми	А	Б	В
6	Ўзингизни бола ўрнига қўйиб кўринг	А	Б	В
7	Ўзингизни бир лаҳза мард, ажойиб сеҳиргар деб ҳис этинг	А	Б	В
8	Болалик даврингизда сизни ноқулай аҳволга солган ва энди болага ўрناق бўладиган воқеани сўзлаб берасизми	А	Б	В
9	Боланинг дилини оғритадиган сўзларни ишлатишдан ўзингизни тийинг	А	Б	В
10	Яхши хулқи учун боланинг бирор истагини бажаришга сўз берасизми	А	Б	В
11	Болангизга у хоҳлаган ишни қиладиган, ўзини хоҳлаганча тутадиган бирор кун ажратиб бера оласизми	А	Б	В
12	Фарзандингиз бирор болани урди, асоссиз хафа қилди. Сиз индамайсиз	А	Б	В
13	Боланинг кўз ёшига, агар бу дарров ўтиб кетадиган инжиқлик деб ишонсангиз тақат қила оласизми	А	Б	В

Олинган натижага биноан: энг юкори балл 70 % текширувчиларда аниқланди. Уларнинг қўлга киритган натижаларига асосан, мазкур тадқиқотда иштирок қилган ва юкори баллни қўлга киритган ота-оналар ўз болаларини билга интилишлари жуда кучли экан. болага нисбатан хурмат сақлаш, тарбияда ибратли тадбирларни қўллай олиш хусусиятга хосдир. Шунингдек болага нисбатан оқилона муносабатда бўла олиш хосдир. Олинган натижаларга асосан тажрибаларда қатнашган ота-оналар ичида паст балл олганлари йўқ. Тажрибачиларимизни қолган фоизи яъни 30 % текширувчиларда ҳам ўрта балл олинди. Уларнинг натижаларига асосан, бу ота-оналар ҳам бола тарбиясига ғамхўрлик қилишлари улар учун муҳим масалалиги аниқланди. Шунинг билан бирга бу ота-оналарда тарбиячилик истеъдоди борлигининг гувоҳи бўлди. Лекин, шунингдек, мазкур тажрибалар натижаларига асосан, бу ота-оналар болаларига нисбатан айрим ҳолларда ўз муносабатларини жиддийроқ, ўйлаб кўриш кераклигини ўқтирилган. Чунки мазкур балл олган ота-оналар 30 % ни ташкил қилди. Ўз тарбиясида бу ота-оналарда турғун бўла олмаслик хусусияти хосдир, улар гоҳо болаларга юмшоқлик муносабатда бўладилар, гоҳо хаддан зиёд талабчанликни қўллайдилар.

Тадқиқотимизда иштирок қилган ота-оналар ўз фарзандлари тарбиясида жиддий муносабатда бўладилар.

Оиладаги одамлар бир-бирларини қанчалик чуқур тушунсалар, бир-бирларининг яхши ва ёмон томонларини англаган ҳолда муомула муносабатда бўлиб, иноқ турмуш курслар, бундай оиладан ажойиб шахслар етишиб чиқади: бу ўз навбатида жамият ривожига, инсоният истиқболига ижобий таъсир кўрсатади.

Оиладаги шароит, озиқ-овқат ва жихозлар таъминоти, ўзаро муносабатлар эр-хотин, бобо-буви, қайнона-қайнота, ака-ука, опа-сингил, тоға-амаки ҳамда бошқа қариндошларнинг бир-бирига муомиласи оила аъзоларининг биргаликда ишлаш, дам олиши, адабиёт, санъат, илм-фан, спорт билан шуғулланиши, даромад. Рухий-маънавий ҳолатлар, қўни-қўшничилик алоқалари ва ҳ.к. оила муҳитни ташкил этади.

Болаларни ёшлик давридан кишилар билан муносабатга киришга ўргатиш, ўзини ҳар қандай нохушлик, хурсандчилик ҳолатларида ҳам ўзини тута олиш ўргатиш керак. Катталар билан муносабатда бўлиш, кичикларга иззатда бўлиш, муомила муносабатларга ўргатишни оила-аъзолари ота-оналаридан ўрганади. Ота-она нима иш қилса, қандай муносабатда бўлса бола ҳам худди шун муносабатларни ўрганади. Бошқалар билан тўғри муносабатда бўлиш кишининг ўзи учун ҳам, атрофдагилар учун ҳам аҳамиятлидир. Ўспиринлик, ўсмирлик, ёшлик давридаги муомила муносабатнинг ўзига хослиги оилада-мактабда ва жомоат жойларида киши ўзини қандай тутиши кераклигини, бошқаларга хурмат билан қараш. Сўзлаш маданияти олидан бошланиши кенг ёритиш керак.

Ўқувчиларга муомила маданияти, иноқлик, иффат. Андиша каби тушунчаларни сингдиришга ҳаракат қилади. Фикрлар ўқувчилар билан суҳбат, муунозара, вазиятларни таҳлил қилиш усуллари орқали кўриб чиқилади.

Ўқувчилардан шахс, жамият, оила характерининг холерик сангвиник, меланхолик, флегматик темпраментлар ҳақида тўлиқ маълумотлар берилади. Улар шу темпраментдаги кишиларга қараб, мос муносабатда бўлишлари керак. Оилавий ҳаёт жараёнида шу хусусиятларга эътибор билан қараганда ҳар бир инсон бахтиёр ҳаёт кечира олиши мумкин. Чунки ҳар бир сўзларга яраша муносиб жавоб бера олиш, сўзлашиш маданиятини эгаллаш, инсонларни тўғри тушуна олиш, унга яраша муносабатда бўлиш муомиласини ўрганган ҳар бир ўсмир ҳаёт йўлида тайёргарлигини пухталигидан бахтли яшайди, севимли бўлиб қолади.

Жамиятда турли ёшлар, ҳар ҳил касб-хунар эгаллайди-ю, турли миллатга мансуб шахслар яшашади. Ижтимоий ҳаётдаги шахсларо муносабатлар психологияси, ҳар ҳил кишиларнинг бир-бири билан алоқасидан ижтимоий меҳнатда сиёсий-иқтисодий муносабатлар муомилалар, муаммоларни ҳал этишда қатнашувидан, моддий маънавий бойликлар яратиш уйда, кўча- куйда, дам олиш масканларида, иш жойи ва таълим-тарбия масканларида ўзини тутишдан, рухий ҳолатлари ҳамда муомила маданиятларидан келиб чиқади.

Шахсларо муносабатлар психологияси вужудга келишида, шубҳасиё ҳар бир миллатнинг хусусиятлари табиий равишда ўз таъсирини кўрсатади. Масалан, ўзбек йигит-қизларига хос бўлган катталарга хурмат билан кураш, уларга бетгачопарлик қилмасдан иззатини жойига қўйиш. Хушрўйлик, меҳмондўстлик, ҳаё-ибо, оғир-вазминлик каби халқ характеридан келиб чиқадиган фазилатлар сингари каби, бу муносабатлар муҳитида ижобий таъсир кўрсатади.

Ижтимоий ҳаётдаги шахсларо муносабатларни кишилар ишлаб ёки ўқиб турган коллектив тартиб-қоидалари талабларидан келиб чиқадиган, шахсларнинг ички сирлари, дўстона алоқалари билан боғлиқ муносабатларга ҳамда оиладаги муносабатларга бўлиш мумкин. Маълумки, оиладаги муносабатлар шахс тарбиясида ҳал қилувчи таъсир кўрсатади. Ана шу таъсир шахснинг дўстларига, ўқийдиган. Ишлайдиган жоидаги, атрофидаги бошқа шахслар билан мулоқотиди муносабатида албатта ўз аксини топади.

ПСИХОЛИНГВИСТИКА ВА МИЛЛИЙ ГРАММАТИКА МУНОСАБАТИ

Юлдошева Н.Э., Қарши ДУ доценти

Тилшунослик фалсафа, сиёсатшунослик, психология каби фанлар билан ҳам узвий боғлиқ бўлиб, тил ва тафаккур, тил ва руҳ муносабати тилшунослик, фалсафа ва психология фанларининг асосий ҳамда бош масалаларидан бири бўлганлиги маълум. Тил ва тафаккур алоҳида-алоҳида олинганда ҳам тилшунослик ҳамда фалсафа фанларининг, тил ва руҳият тилшунослик ҳамда психология фанларининг ўрганиш объекти бўлаверади. Бироқ улар ўзаро диалектик алоқадорликда қаралганда эса, ўз-ўзидан, сиёсатшунослик фанининг ўрганиш объектига ҳам айланиб қолади. Бу мазкур ўрганиш манбаининг серқирралиги ва жамият тараққиёти тамойиллари билан узвий боғланганлигидан далолат беради.

Ҳозирги фан ва техника тараққиёти жараёни, нафақат фанлар ўртасидаги узвийлик, алоқадорликни, қолаверса, улардаги ривожланиш жараёнининг ўзаро илғор ғояларидан унумли ва ўринли фойдаланишни талаб ҳам этади.

Фанда миллий онг, миллий мафкура миллий руҳ, миллий тил масалаларини кун тартибига қўйиш ва уларни муҳокама қилиш собиқ шўро ҳукмрон мафкураси шароитида одат бўлмаган. Шунга қарамадан, тил ва тафаккур муносабати, тил фикрни ифодаловчи асосий восита, курул эканлиги, тилнинг жамиятда, инсонлар ҳаётида тутган ўрни ҳақида ўтган асрлардаёқ бир қатор асарлар яратилган ва бу масала билан шуғулланувчи тилшуносликнинг алоҳида оқим ҳамда йўналишлари пайдо бўлган эди.

Ана шундай тилшунослик йўналишларидан бири психоллингвистика бўлиб, у психология + лингвистика фанларининг туташ жойида пайдо бўлаётган янги мустақил соҳа ҳисобланади ва у тилни тушуниш, ҳис этиш, нутқий ҳолатнинг психик жараёнларини юзага келиш жиҳатларини ўрганади.

Ҳозирги кунда тилшунослар айрим тил фактларини тўлиқ ўрганиш учун лингвистик рамкадан чиқиб, инсон миясида ташкил бўладиган тил материални зарур пайтда олиш учун шахснинг психик жараёнлари доирасига кириш кераклигини тан олишади. Шу нуқтаи назардан, матнни лингвистик нуқтаи назардан ўрганишда тадқиқотчини биринчи навбатда матннинг умумий моҳияти ва эмоционал мазмунини очиб берадиган тил воситалари қизиқтиради. Матнни психоллингвистик нуқтаи назардан таҳлил қилишда эса, матнни яратадиган ва уни қабул қиладиган индивиднинг тил ва тафаккур фаолияти, яъни “тил системаси элементлари ёрдамида ҳақиқатни онгда акс эттира оладиган тил шахси” диққат эътиборда бўлади. Агар тилшунослик матнга “маълум тил фактларини кузатишга хизмат қиладиган материал, реал айтилган (ёзилган) жумлалар ёки жумлалар йиғиндиси” сифатида қараса, психоллингвистика матнга “коммуникация актининг шакли, коммуникация предметининг зарурий компоненти, муаллиф ва реципиент (қабул қилувчи)” сифатида қарайди. Бунда барча матн аниқ коммуникатив ҳолат рамкасида ўрганилади, матнларнинг шакли ва мазмуни коммуникациянинг иштирокчилари – адресат ва адресантларнинг психологик хусусиятлари орқали аниқланади. Матнни англашда ҳар бир шахс, албатта, ўзининг дунё ҳақидаги билимларига, тасаввурларига суянади.

Дастлабки психоллингвистик ғоялар асосчиси В.Фон Гумбольднинг талқинича, тиллар халқлар ва алоҳида шахсларнинг ижод маҳсули, чунки тил нутқий фаолият жараёнида юзага келади. Тил пайдо бўлишининг энг биринчи сабаби, инсоннинг ички эҳтиёжи, яъни олам ва бошқа шахслар билан муносабатга киришиш ҳам унинг руҳий юксалишини таъминлашдан иборатдир. Инсон ҳаётининг бу уч муҳим томони, биринчидан, тилнинг мавжудлигини белгиласа, иккинчидан, унинг асосий вазифалари мазмунини шакллантиради. Тилнинг аккумулятив вазифаси, яъни ўзида билим захирасини сақлаши ҳамда миллий руҳ, миллий маънавият ва маданиятни мужассам этиши каби ҳодисалар талқини қатор муаммоларни юзага чиқармоқда. Чунки ҳар бир халқнинг, ҳар бир миллатнинг руҳияти, ўзига хослиги шу халқнинг тилида, тилининг грамматик қурилишида яққол акс этади. Буни В.фон Гумбольдт қуйидагича эътироф этади: “Ҳар қайси тил (ёки тил оиласи)нинг ўз тузилиши, системаси бор, негаки халқ тили - унинг руҳияти, халқ руҳияти унинг тили демакдир ва унинг тадқиқини ана шундан бошламоқ лозим”¹.

Мустақиллик туфайли бугунги кунда миллий тил, миллий руҳ, миллий мафкура, миллий тафаккур ва миллий дунёқараш каби тушунчаларга алоҳида эътибор қаратилиб, уларнинг узвий алоқадорлиги эътироф этилмоқда. И.А.Каримов истиқлолимизнинг дастлабки йилларидаёқ миллий тил, миллий руҳ ва унинг миллий мафкурада тутган ўрни ҳақида тўхталиб, “она тили – бу

¹ Звегинцев В.А. История языкознания XIX-XX вв. в очерках и извлечениях. Часть I. – М.: Учпедгиз, 1960.– Стр. 68.

миллатнинг рухидир. Ўз тилини йўқотган ҳар қандай миллат ўзлигидан жудо бўлиши муқаррар»¹, - деган эдилар. Тилшунос олим Ғ.Зикриллаевнинг таъкидлашича, «миллий адабий тилнинг аҳволи ана шу маънодаги миллий руҳга боғлиқ бўлади»². Миллий руҳ эса миллий тафаккур ва миллий туйғу билан узвий боғлиқдир.

Миллий руҳ, миллий туйғу, миллий адабий тил тушунчалари истиқлолимиздан сўнг кенг кўламда тавсифу талқин этилди. Адабий тил ва тил маданияти муаммолари кун тартибига қўйилди. Тилнинг грамматик қурилиши ва унинг ижтимоий–сиёсий, мафкуравий аҳамияти масалалари долзарб мавзуга айланди. Тил ва унинг грамматик қурилишини талқин этиш ҳамда тилнинг ижтимоий–сиёсий, мафкуравий аҳамияти бир нарса эмаслиги ва тил уни ўрганаётган, талқин этаётган фанга нисбатан нисбий мустақилликка эгаллиги исботланди.

ОРГАНИЗАЦИОННО-МЕТОДИЧЕСКИЕ АСПЕКТЫ ИСПОЛЬЗОВАНИЯ ИНТЕРАКТИВНЫХ МЕТОДОВ ОБУЧЕНИЯ НА УРОКАХ ИСКУССТВА

Гребнева В. А., Даниленко А. П., Бедгородский ГНИУ

История развития интерактивных технологий свидетельствует о множественном разнообразии форм и методов их применения в ходе учебной деятельности [6]. В настоящей статье рассмотрим организационно - методические особенности построения интерактивных уроков искусства, которые могут быть использованы учителем в качестве теоретической основы для разработки собственного урока. Наиболее востребованным в настоящее время является метод проектов. Данный метод предполагает самостоятельную учебную деятельность обучающихся, которая выполняется как индивидуально, так и в парах, триадах, группах. Проекты, как правило, направлены на решение какой-либо проблемы, для решения которой используются различные методы и средства [4]. В ходе проектной деятельности интегрируются знания, умения и навыки из разных областей.

Проекты бывают исследовательские, творческие, игровые. Исследовательские предполагают разработку актуальности, структурированность, постановку целей и задач, экспериментальную часть исследования. На уроках искусства чаще всего используются творческие проекты: рисунки, плакаты, видеофильмы, рекламные ролики и т.п. Некоторые проекты предполагают ролевые игры в соответствии со сценарием проекта. Примером может служить методика «Создание проспектов». Учащимся предлагается выбрать одну из изучаемых тем (проблем), описать цель работы, выдвинуть гипотезы по изучаемой проблеме, написать круг вопросов, на которые можно ответить, чтобы всесторонне осветить проблему. Далее проблемы обсуждаются в группах, выбираются самые интересные. В процессе создания проспектов целесообразно применять методы «мозговых штурмов (атак)» (мозговой обмолот, брейнсторминг) [5]. В ходе мозговых атак, прежде всего, запрещается всякая критика любых идей, предлагается высказывать самые неожиданные, фантастические идеи, отдается предпочтение количеству, а не содержанию. Если ученики затрудняются в генерировании идей и наступает пауза, учитель сам подает свою идею. Весь поток идей обязательно фиксируется секретарем (выбранным из группы учеником). Опыт проведения мозговых атак показывает, что в процессе их проведения повышается активность учащихся, снимается напряжение, активизируются творческие способности, а также снимаются психологические барьеры между учителем и учениками.

Еще один метод – это метод эвристического обучения разработан А.В. Хуторским и предполагает обучение, которое ставит во главу конструирование учеником индивидуального смысла, цели и содержания обучения [8]. Формами и методами эвристического обучения могут быть сочинения, исследования, поделки, конкурсы, художественные произведения и др. В процессе такого обучения учащиеся находятся в непрерывном поиске и открытии нового. В основу метода эвристического обучения положен метод Сократа, который вместе с учениками (собеседниками) путем особых вопросов и рассуждений приходил к рождению новых знаний. В центре сократовского метода положена тема человека, проблемы жизни и смерти, добра и зла, добродетелей и пророков, права и долга, свободы и ответственности, общества. Как свидетельствует один из учеников Сократа Плутарх, философ рассматривал подходящим для учения любое место, поскольку весь мир является

¹ Каримов И.А. Юксак маънавият – энгилмас куч. – Тошкент: Маънавият, 2008. – Б. 83

² Зикриллаев Ғ. Истиқлол ва адабий тил. – Тошкент: Фан, 2004. – Б. 17.

школой благотворительности. Именно по этой причине сократовский метод может быть особенно привлекателен для учителя искусства.

Для активизации поиска новых идей применяются так называемые ассоциативные методы: (аналогии). Главным правилом метода является то, что любые ассоциации, используемые учителем на уроке, должны быть необычными, нестандартными, невероятными.

На уроках искусства с целью развития творческого, абстрактного мышления можно использовать применяемые в психотерапии метафорические карты. Например, нами часто используются наборы карт «Beauregard» – 55 коллажей художника JoanBeauregard; «Saga» (Элли Раман) - 55 художественных открыток (рассказы и сказки), изображающие сцены и объекты страны, которой никогда не было. Карты являются замечательным инструментом, чтобы практиковать творческие навыки в группах. При изучении темы «Китай. История костюма» мы успешно использовали набор карт-картинок из старого Китая «ShenHua» (Центральное королевство), нарисованных пекинской художницей NanWei, вдохновленной легендами и мифами старого Китая. Карты выкладываются в исторической последовательности, что способствует получению исторической информации, а также развитию творческого мышления учащихся. Учитель и ученики на уроках искусства совместно могут разработать собственные карты, интересующего их содержания. В своей работе мы часто используем данный метод, вызывающий у аудитории устойчивый познавательный интерес.

Представляет интерес сценарный метод. Этот метод часто используется в различных компаниях и организациях и применяется для оценки развития ситуации в будущем. В процессе сценарного планирования осуществляется конструирование, создание различных ситуаций, историй, миров, а также различных и одинаково правдоподобных вариантов развития будущего. В процессе творческих уроков данный метод особо эффективен и вытекает из противоречия современного образования, сущность которого сводится к тому, что современный учитель должен научить ученика жить в мире, о котором сам пока еще не имеет представления. Конкретными примерами использования метода сценарного мышления могут являться проекты учеников типа «Школа будущего», «Город, в котором мы будем жить», «Марсианская Одиссея» и др. В качестве дидактического материала могут использоваться интересные цитаты, приемы. К примеру, у нас получился очень оригинальный урок – скечноутинг, на котором ученики разработали сценарий жизни человека в будущем на примере рыб. Мы использовали цитату: «Что может знать рыба о воде, в которой плавает всю жизнь?» Интерактивные методы обучения могут реализовываться:

1) в форме бинарных уроков, как наиболее эффективном способе осуществления межпредметных связей и интеграции учебно-воспитательных задач. Например, в случае выбора формы бинарного урока образовательные задачи на уроках изобразительного искусства решались нами при взаимодействии учителя изобразительного искусства и школьного педагога-психолога;

2) в форме реализации метода «взаимного обучения» (Белл-Ланкастерская система), при котором старшеклассники могут вести занятия с учащимися младших классов под руководством учителя.

3) в форме видеоуроков (интернетуроки), с использованием модели интеракции «ученик – компьютер», «ученик – камера». Некоторые педагоги используют мультимедиа презентации, интерактивные доски, с помощью которых можно выводить на экран репродукции картин, картинки и т.п. В своей практике мы активно используем такие формы как социальные рекламы, фильмы, снятые самими школьниками в рамках заданной темы по искусству.

Организация интерактивного обучения нуждается в создании учителем условий, к которым относятся: атмосфера сотрудничества и позитивного принятия всех участников взаимодействия; расположение мебели, оборудование учебной аудитории. Как показал наш опыт, интерактивные методы наиболее эффективно реализуются в ситуации кругового расположения мебели и субъектной позиции учителя и учеников (субъект-субъектное, субъект-порождающее взаимодействие). В субъект-объектной позиции взаимодействия, эффективнее осуществляются традиционные формы обучения, при которой учащиеся находятся в роли объекта; установление норм и правил взаимодействия в процессе интерактивной игры (конфиденциальность, безоценочность суждений, активность каждого участника в режиме «здесь и сейчас» и т.п.); обеспечение различных материалов; субъект - порождающий стиль взаимодействия всех участников урока.

Применяя интерактивные методики, учитель должен помнить три важных правила: не применять какую-либо методику, если она не нравится самому учителю; не выбирать методику, которая служит только контролю знаний; не применять одну и ту же методику на всех этапах взаимодействия.

Интерактивный урок имеет свою специфику структуры построения и содержания. В нашем случае – это драматургия урока [2, 3]. Первым этапом урока является пролог, основной целью которого может выступать мотивация познавательной активности учащихся [1]. Как показывает анализ опыта работы с применением метода интерактивного обучения на уроках искусства с целью создания мотивации педагоги используют сценки, фрагменты видеофильмов, отрывков из художественных произведений, предметы и произведения искусства и т.п. Организовывая этот этап, следует использовать индивидуальный подход, поскольку то, что побуждает к активным действиям одного учащегося, других оставляет равнодушным или приводит к незначительному эффекту.

Осуществляя индивидуальный подход необходимо стремиться менять способ мотивации на каждом уроке, делая их разнообразными и интересными. Следующим этапом предлагается завязка - постановка проблемы, определение цели.

Завязка урока переходит в этап развития действия и заключается в предоставлении новой информации. Новая информация должна быть лично значима для учащихся, т.е. находиться в зоне их интересов. Кроме того новая информация должна подаваться с учетом личного опыта (знаний, умений) обучаемых. В отличие от традиционного урока, где источником новой информации является учитель, в интерактивном уроке им могут быть все участники образовательного процесса (ученики, приглашенные специалисты, интернет-ресурсы и т.п.). Этот этап рекомендуется начинать с мозгового штурма. Например: «Какие ассоциации вызывает у вас тема «Искусство и власть?»». Далее наступает этап применения интерактивных методов (развитие действия). В качестве интерактивных методов обучения можно использовать: ролевые, деловые имитационные образовательные (обучающие) игры; творческие задания; использование внешних ресурсов (приглашение специалистов, экскурсии на предприятия, организации); групповая работа; индивидуальные и групповые проекты; сократический диалог (эвристическое обучение); дискуссионные клубы; мозговые штурмы. Учитывая возрастные особенности учащихся и специфику предметов искусства целесообразно использовать «модные» приемы интеракции: «скетч-ноутинг» (способ фиксирования информации с помощью скетчей (рукописный текст, схемы, рисунки, условные обозначения из простейших фигур, рамки и стрелки – все, что помогает быстро и по ходу законспектировать любой материал); «скрайбинг» (создание графических заметок, но обязательно публичное, всегда зрелищный и вовлекающий метод и процесс иллюстрирования событий в режиме реального времени) и т.п.

Для актуализации мышления и воображения целесообразно использовать ассоциативные карты, коллажи, разнообразные природные материалы, предметы быта и т.д. Развитие действия переходит в кульминацию урока. На данном этапе наблюдается получение нового продукта. В отличие от субъект-объектного характера традиционного урока, интерактивный урок носит субъект-порождающий характер, а логическим завершением работы над новыми знаниями на таком уроке является не только усвоение информации, но и создание (рождение) нового продукта. Такими продуктами могут быть: рисунки, коллажи, видеофильмы, презентации, награды за участие в конкурсах и т.п.). Каждый урок завершается этапом рефлексии.

Целесообразно использовать не совсем обычные формы контроля, такие как «измерение градуса урока», протокол наблюдений за реакциями группы и т.п.

Завершающий этап – последствие. Эффективным является и способ опережающего домашнего задания, суть которого сводится к следующему. В конце каждого урока одному или нескольким, наиболее активным или наоборот, мало заинтересованным ученикам предлагается подготовить домашнее задание по теме следующего урока. Это задание можно использовать на этапе предоставления новой информации или в качестве интерактивного упражнения.

Список литературы.

1. Васильев И.А., Магомед - Эминов А.Ш. Мотивация и контроль за действиями / И.А. Васильев. – М.: 2001. - 327 с.
2. Гребнева В.А. Эмоциональная вовлеченность учащихся как результат использования метода художественной драматургии на уроках МХК / В.А. Гребнева. // Новая наука: вызовы и перспективы: Международное научное периодическое издание по итогам Международной научно-практической конференции (26 июля 2016г., г. Стерлитамак: АМИ, 2016. – С. 55-58
3. Ильев В. Режиссерская партитура урока / В. Ильев // Учитель, 2007. - №1. – С. 14-19
4. Капранова Е. А. Интерактивное обучение: концептуальные подходы / Е. А. Капранова //Вестн. Полоцкого гос. ун-та. – Полоцк, 2012. – № 7. – С. 11–14

5. Мункина Н. Г. Интерактивные формы обучения как средство творческого развития учащихся на уроках ИЗО [Электронный ресурс] /Режим доступа: <https://multiurok.ru/files/>(дата обращения: 17.02.2018)
6. Садыков Т.М. История развития интерактивных технологий / Т.М. Садыков // Проблемы современного образования, 2016. – № 4. – С. 51-53
7. Соловьева А.В. Метафора как средство активизации познавательной деятельности обучающихся. Психопедагогика в правоохранительных органах. Издательство: Академия МВД РФ (г. Омск).- 2017, №2 (69)- С. 56-59
8. Хуторской А.В. Эвристическое обучение: теория, методология, практика / А.В. Хуторской. Научное издание. – М.: Международная педагогическая академия, 1998. - 266 с.

ЎЗБЕКИСТОНДА СУД-ПСИХОЛОГИК ЭКСПЕРИЗАСИНИНГ ҲОЛАТИ ВА УНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ИМКОНИАТЛАРИ

Рухиева Х.А., ЎзМУ Психология кафедраси профессори
Чориев Ф.А., ЎзМУ Психология кафедраси катта ўқитувчиси

Мустақил давлатимизнинг ҳар бир фуқароси ўз эрки, ҳуқуқ ва бурчларини юксак онг билан идрок этишида ҳуқуқий билим ва муомала маданияти муҳим ўрин тутди. Давр талабидан келиб чиққан ҳолда фуқароларнинг ҳуқуқий билим ва муомала маданиятини ўстириш, қонунчиликни мустаҳкамлаш, жиноятчиликни олдини олиш ва ҳуқуқбузарликка қарши кураш, ҳамда инсон ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, фуқаролик жамияти барпо этишининг долзарб вазифалардан бири бўлиб ҳисобланади.

Шу ўринда мамлакатимиздаги ҳуқуқни муҳофаза қилиш тизимида юридик психология соҳасида амалиётчи психологларининг хизмат фаолиятига эътибор берадиган бўлсак, бир қанча муаммоларнинг мавжудлигини гувоҳи бўламиз. Бугунги кунда юрист мутахассисларимиз асосан чет эл ва рус юрист-психологлари томонидан яратилган адабиёт, дарслик, ўқув ва методик қўлланмалардан фойдаланаётганини кўришимиз мумкин, яъни булар; Васильев В.Л., Барский А.Б., Дулов А.В., Еникеев М., Кирпичников А.И., Кони А.Ф., Коченов М.М., Кузнецов А.В., Кудрявцев И., Романов В.В., Рогачевский И.Л., Нагаев В.В., Лисков Д.В., Столяренко А.М., Шляхов А.Р., Цицарев С.В., Яковлев Я.М., Ўзбекистон психологларида Ғозиев Э.Ғ., Рухиева Х.А., Умаров Б.М., Арифхаджаева И. Ахмедова М.Х., Турсунов Л.С. ҳамда Жўраевлар каби бир қатор авторларни учратишимиз мумкин. Ўзбекистонда ҳам юридик психология соҳасида илмий ишлар олиб борилган ва ҳозирги кунда ҳам у фан сифатида ривожлантириляпти.

Валерий Григорьевич Шепоткин – қонунчиликни тергов фаолиятининг муҳим асоси сифатидаги психологик тадқиқотларни ўтказиб, терговчининг психологик хусусиятлари, унинг фаолиятини ижтимоий психологик шароитлари ва психологик ташкилий бошқарув омилларига таъсирини аниқлаган. Тергов бўлинмалари раҳбарлари ва ходимларини кадрларни танлаш, ўрганиш лавозимга тайинлашдаги психологик мукамалликни ошириш зарурлиги билан боғлиқ бўлган масалалар ўрганилган.

Йўлдош Раҳимов томонидан — жиноят ва жазо масалаларини ҳал этилишида айбланувчининг психик ҳолатини ўрганиш муҳим аҳамиятга эга эканлиги тадқиқ этилган.

Имомали Эргашев — гувоҳлар кўрсатмаларининг психологик хусусиятлари таҳлил қилиниб, гувоҳларга ажратиб ўрганилган.

Лекин ҳозирги кунда мамлакатимизда юридик психология соҳасининг суд-психологик экспертизаси фаолияти жамият талаби даражасида тўлиқ ривожлантирилмаган:

- юридик психология соҳасидан дарслик, қўлланма ва адабиётлар етишмайди, айниқса, ўзбек тилида;
- ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходимлари юридик психология соҳасининг турли имкониятларидан кераклича фойдалана олишмайди;
- мамлакатимизда юрист психолог кадрлар етишмайди,
- ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ходимлар “психологик хизматлар” ҳақида тўлиқ маълумотга эга эмас;
- суд-психологик экспертизаси фаолиятлари омалаштирилмаган;
- юридик соҳа ходимлари суд психологик экспертизаси ҳақида етарли маълумотларга эга эмас;
- жиноий ишларнинг очилишини қай ҳолатларида суд-психологик экспертизаси тайинланиши ва ўтказилиши кераклигини ҳамма терговчилар ҳам аниқ билавермайди ва эксперт психолог хулосаларидан етарлича фойдалана олишмайди,

- суд-психологик экспертизасини ўтказилиш жараёни талаб даражасида йўлга қўйилмаган;
- амалиётчи психологлар хулосасини юридик кучи давлат талаби даражасида эмас;
- юридик соҳада психологик хизматлар, ёки мутахассис психологлар фаолияти оммалаштирилмаган;

- эксперт психологлар учун экспертиза ўтказиш имкониятлари жуда чекланган ва меъёрий ҳужжатлар етарли эмас. Мана шу каби бир қанча муаммоли масалалар илмий тадқиқот мавзусини долзарблигини белгилайди.

Ўтган асрнинг 70 йиллардан бошлаб, Ўзбекистонда эксперт-психологлар фойдаланиши зарур бўлган методика, тест, анкета саволлари ҳамда техно-психологик жиҳоз ва апаратуралар тавсия этила бошланган. Бир қанча тадқиқотларнинг ўтказилганлиги ҳамда улардан олинган маълумот натижаларини интерпретциялаш, психокоррекциялаш, психодиагностика қилиш ҳамда суд-психологик экспертизалардан олинган эксперт-психолог хулосалари бир қатор мисоллар билан кўрсатилиб, турли хил ҳуқуқий мақолалар ҳамда матбуотларда чоп этилган. Ҳозирги кунда бу масала анча юқори даражада ривожлантирилган, дея оламиз, лекин бу масалани фақат бир томонини кўрсатади ҳолос, яъни асосан ўзоқ ҳамда яқин хорижий давлатлардаги суд-психологик экспертизасининг ҳолати. Буни бошқа томонини олиб қараганда, Масалан, Европа мамлакатларида бу соҳани ривожланишини турли хил мураккаб жиҳатларини учратишимиз мумкин. Ўзбекистонда эса суд-психологик экспертизасини эндигина шаклланиб, ривожланиб бораётган янги соҳа таркибига киритишимиз мумкин.

Ўзбекистонда XX асрнинг 70-80 йилларидан бошлаб, психология, юридик психология, криминал психология, суд психологияси ҳамда суд-психологик экспертизасига тегишли фанлар муайян даражада ривожланиш босқичига қадам қўйди.

Ўзбекистон мустақилликка эришгач, бу соҳадаги ўзгаришлар янада яққол сезила бошлади. Қонунчилигимиз асоси ривожланган дунё мамлакатлари тажрибасидан фойдаланилган ҳолда халқаро талаблар асосида қайта кўриб чиқилиб, янгиланди ва такомиллаштирилди. Суд экспертизалари ва шу жумладан суд-психологик экспертизасига нисбатан янгича ёндашувлар юзага келди. Судлов жараёнининг самарадорлигини, одилона олиб борилишини таъминлаш мақсадида республикамизда экспертизалардан фойдаланишга кенг йўл очиб берила бошланди. Бирок, республикамизда суд-психологик экспертиза хизматини ташкиллаштиришга доир тавсияномаларни етарли дея олмаймиз. Бу соҳада ҳали жуда кўплаб изланишлар олиб борилиши ва суд-психологик амалиётига кенг миқёсда татбиқ этилиши зарур.

Ўтмишимиздаги ҳуқуқ ва психология соҳасида Абу Райҳон Беруний, Абу Али Ибн Сино, Алишер Навоий, Мирзо Улуғбек, Амир Темур каби буюк алломаларимизнинг бир қанча ноёб фикр ва мулоҳазаларини ўрганишимиз муҳим аҳамият касб этади. Масалан, Амир Темурни фикрича: “Мамлакатни адолатли ва қонунлар асосида бошқариш лозим. Давлат бошқарув шакллари яна ҳам ихчамлаб, меҳнаткаш қосиб ва деҳқонлар фаолиятини бир тизимда туриш чораларини амалга ошириш лозим. Ҳар бир табақага адолатли чегара белгиланиши зарур, ўшанда давлат бошқарувида адолат, ақл ҳукмронлик қилади”.

1990 йилларга қадар илм – фан ва маъориф соҳасида, кадрлар тайёрлаш миллий дастури ва бошқа масалалар юзасидан қардош халқлар орасида тажриба алмашилиш, оммалаштириш ишларига ҳозирги даврга нисбатан кенг йўл очиб берилган эди. Кейинги йилларда жамиятимиздаги сиёсий, иқтисодий ўзгаришлар ўз таъсирини кўрсатиши натижасида бир қатор ютуқ ва баъзи бир камчиликларни келтириб чиқарди. Ютуқларига эмас, асосан камчиликларига эътибор берадиган бўлсак, илмий тадқиқот ишларининг оммалаштиришини чекланганлиги, тажриба алмашувини камайиши, янги нашрдан чиқарилаётган адабиётларни етишмаслиги, кадрлар тайёрлашдаги муаммоли вазиятлар ва шу каби яққол мисол бўла олиши мумкин.

GLOBALASHUV DAVRIDA MUZEYLARNING TA'LIM-TARBIYA JARAYONIDAGI O'RNI

To'rayeva M., Qarshi DU t.f.n. dotsent vazifasini bajaruvchi

O'zbekistonda davlat mustaqilligi qo'lga kiritilgach, xalqimiz o'ziga xos taraqqiyot yo'lini tanlab, barcha sohalarda dunyoning eng rivojlangan mamlakatlari darajasiga etib olishdek, ezgu maqsadni o'z oldiga qo'ydi. Bugungi globalashuv davrida aqlan yutuk, axloqan pok, ma'naviy jihatdan barkamol va jismonan baquvvat insonlarni tarbiyalash masalasi davlatimiz oldida turgan muhim vazifalardan biridir. Milliy madaniyatlar to'qnashuvi sodir bo'layotgan shunday muhim bir davrda ajdodlarimizning boy moddiy va

ma'naviy merosini o'rganish uni dunyoga tadbiiq etish nihoyatda muhimdir. Mazkur jarayonlarni amalga oshirishda muzeylarning o'rni, ularning faoliyatlari, ahamiyati beqiyosdir. Shu sababdan mustaqillik yillarida muzeylarga bo'lgan e'tibor yanada oshdi. Xususan keying 10 yil ichida davlat qaramog'idagi muzeylar soni 140 tani tashkil etdi. Shulardan tarix muzeylari 75 ta, o'lkashunoslik muzeylari 23 ta, badiiy san'at koshonalarini 10 ta, memorial muassasa 20 ta, adabiyot muzeylari 8 ta, tabiiyat muzeylari 4 tadan iborat. Ayni paytda bularda 1 million 600 mingdan ortiq eksponatlar mavjud. Bundan tashqari yana boshqa tashkilot va muassasalarga tegishli bo'lgan muzeylar ham anchagina. Bugungi globallashuv davrida O'zbekistonda muzeylar faoliyatini takomillashtirish ishlariga alohida e'tibor berila boshlandi. Qadriyatlarimizni, boy tariximizni, mustaqilligimiz odimlarini aks ettiruvchi noyob, nodir eksponatlar bilan muzey ekspozitsiyalari boyitildi. Shuningdek, muzeylarni jahon standartlariga moslashtirish, jahonga tanitish jarayonida keng ko'lamdagi ishlar yo'lga qo'yildi.

O'zbekiston tarixi Davlat muzeyida hozirgi kunda 250 mingga yaqin tarixiy, san'at va madaniyat yodgorliklariga oid eksponatlar mavjuddir. Ularni eng zamonaviy talablar darajasida namoyish etish imkoniyatlari yaratildi. 1876-yildan to bugungi kungacha faoliyat ko'rsatib kelayotgan O'zbekiston tarixi davlat muzeyining taraqqiyot bosqichlarini tadqiq qilish bilan bir qatorda, mustaqillik yillarida ko'plab yangi muzeylar tashkil etildi. Bugungi kunda mamlakatimiz muzeylari "qiyofasi" nisbatan o'zgardi. Ayrim o'zgarishlar muzey ishiga yangi tashqi ta'sir, xorijiy muzeylar bilan aloqalarning faollashuvi bilan izohlansa, boshqalari-muzey ishining ichki mantiqiy taraqqiyoti bilan belgilanadi. Xalqaro muzeylar tashkilotining (IKOM) ma'lumotlariga qaraganda, jahon muzeylarining 90 foizi so'nggi ellik yilda bunyod etilgan¹. Bugungi kunda muzeylar sonining o'sishi umumjahon jarayoni bo'lib, har besh yilda ular 10 foizga ko'payib bormoqda². Faqat mustaqillik yillarida O'zbekistonda undan ziyod muzeylarning, xususan Temuriylar tarixi davlat muzeyi, Qatag'on qurbonlari xotirasi muzeyi, Termiz Arxeologiya muzeyi va boshqa muzeylarning tashkil etilishi ham yuqoridagi fikrni tasdiqlaydi. 2002-yil 2-aprelidan ish boshlagan Termiz arxeologiya muzeyi O'rta Osiyodagi yagona muzeyi hisoblanadi. Muzey fondlarida viloyatning moddiy va ma'naviy madaniyatiga oid 27000 dan ortiq ashyolar saqlanadi. Shuningdek, O'zbekistonda jamoatchilik muzeylari faoliyati ham yo'lga qo'yildi. Masalan: 1996-yilda Samarqand shahrida MDX, va Boltiq bo'yi davlatlari orasida yagona bo'lgan Xalqaro tinchlik va birdamlik muzey faoliyati yo'lga qo'yildi.

O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2017-yil 11-dekabrda "2017 – 2027-yillarda davlat muzeylari faoliyatini takomillashtirish va moddiy-texnika bazasini mustahkamlash bo'yicha kompleks chora-tadbirlar dasturini tasdiqlash to'g'risida"gi qarori qabul qilindi. Qaror asosida O'zbekistonda keng ko'lamdagi yangi muzeylar tashkil etish ishlari rejalashtirilgan. Jumladan, 2018-yil 6-avgustdagi qaroriga muvofiq Qashqadaryo viloyati Shaxrisabz shahrida "Maqom muzeyi" tashkil etildi.

O'zbekistonda faoliyat olib borayotgan barcha muzeylar ijtimoiy xayotda, ta'lim-tarbiya jarayonida muhim ahamiyatga egadir. O'tmishni, tarix tajribasini o'rganish, ajdodlar yaratgan betakror moddiy va ma'naviy merosni asrash hamda targ'ib etishda, istiqolol yo'lidagi maqsadlarimizni aniqlashda muzeylar faoliyati nihoyatda muhimdir.

Xullas davlatimiz o'z oldiga qo'yg'an buyuk maqsadlarini amalga oshirishda, yoshlarimizni ma'naviy etuk, barkamol insonlar qilib tarbiyalashda, ta'lim-tarbiya berish jarayonida, milliy qadriyatlar va an'analarimizni saqlash, e'zozlash, jahonga namoyish etishda muzeylarning o'rni nihoyatda muhimdir.

PEDAGOG FAOLIYATIDA KREATIVLIK QOBILIYATINING AHAMIYATI

Djumayeva N.E., Qarshi DU dotsenti, p.f.n.

«Hozirgi vaqtda yoshlar tarbiyasi biz uchun o'z dolzarbligi va ahamiyati hech qachon yo'qotmaydigan masaladir. Farzandlarimizning zamonaviy bilim va kasb-hunarlarini, xorijiy tillarni egallashlari, har tomonlama sog'lom va barkamol bo'lib, hayotdan munosib o'rin topishlari uchun barcha kuch va imkoniyatlarimizni safarbar etamiz».

Shavkat Mirziyoyev

Jahonning rivojlangan mamlakatlari tajribalarini o'rganish, mahalliy shart-sharoit, iqtisodiy va intellektual resurslarni inobatga olgan holda Prezidentimiz Sh.M.Mirziyoyev tomonidan jamiyat hayotining barcha sohalarida tub islohotlarning amalga oshirilayotganligi yangidan-yangi yutuqlarga erishishni ta'minlamogda.

¹Habibullayev N. O'zbek muzeylarining istiqboli. // Moziydan sado. - Toshkent, 1999. - № 1-2. – 12 b.

² O'sha joyda.

Zamonaviy sharoit pedagogning kreativlik sifatlarga ega bo'lishini taqozo etadi. Binobarin, pedagogning mahorati bevosita kasbiy-pedagogik faoliyatda ko'rinadi. Shu sababli u pedagogik jarayonning umumiy mohiyatini chuqur anglay olishi, bu jarayonda ustuvor ahamiyat kasb etadigan qonuniyatlardan xabardor bo'lishi, pedagogik faoliyatni samarali tashkil etish mexanizmlarini puxta egallay bilishi lozim.

Xo'sh, kreativlik nima? *Kreativlik* (lot., ing. "create" – yaratish, "creative" yaratuvchi, ijodkor) – individning yangi g'oyalarni ishlab chiqarishga tayyorlikni tavsiflovchi hamda mustaqil omil sifatida iqtidorlilikning tarkibiga kiruvchi ijodiy qobiliyati hisoblanadi.

Shaxsning kreativligi uning tafakkurida, muloqotida, his-tuyg'ularida, muayyan faoliyat turlarida namoyon bo'ladi. Kreativlik shaxsni yaxlit holda yoki uning muayyan xususiyatlarini tavsiflaydi. Shuningdek, kreativlik iqtidorning muhim omili sifatida aks etadi. Qolaversa, kreativlik zehni o'tkirlikni belgilab beradi.

Pedagogik kreativlik – pedagogning an'anaviy pedagogik fikrlashdan farqli ravishda ta'lim va tarbiya jarayonini samaradorligini ta'minlashga xizmat qiluvchi yangi g'oyalarni yaratish, shuningdek, mavjud pedagogik muammolarni ijobiy hal etish ma'nolarini anglatadi.

Kreativlik mutaxassis tomonidan alohida bilim, malakalarning egallanishini emas, balki har bir mustaqil yo'nalish bo'yicha integrativ bilimlar va harakatlarning o'zlashtirilishini nazarda tutadi.

Kreativlik quyidagi holatlarda yaqqol namoyon bo'ladi:

- murakkab jarayonlarda;
- noaniq vazifalarni bajarishda;
- bir-biriga zid ma'lumotlardan foydalanishda;
- kutilmagan vaziyatda harakat rejasiga ega bo'la olishda;
- ijodiy ta'sirchanlik va tashabbuskorlik;
- mavjud tajriba va bilimlar asosida yangi qarorlarni qabul qilish malakasi;
- o'z ijodkorligini to'la-to'kis namoyish etish;
- eruditsiya (bilag'onlik);
- mantiqiy fikrlay olish;
- ijodiy yo'nalganlik.

Pedagogning kreativlik potentsiali esa uning umumiy xususiyati sifatida aks etadi. U ijodiy faoliyatning dastlabki sharti va natijasi sanaladi. Mazkur sifat shaxsning o'z-o'zini namoyon qilish layoqatiga egalikni va tayyorlikni ifodalaydi. Qolaversa, kreativ potentsial negizida har bir mutaxassisning shaxsiy qobiliyatlari, tabiiy va ijtimoiy quvvati yaxlit holda namoyon bo'ladi.

Pedagog o'z-o'zidan ijodkor bo'lib qolmaydi. Uning ijodkorlik qobiliyati ma'lum vaqt ichida izchil o'qib-o'rganish, o'z ustida ishlash orqali shakllantiriladi va u asta-sekin takomillashib, rivojlanib boradi. Har qanday mutaxassisda bo'lgani kabi bo'lajak pedagoglarning kreativlik qobiliyatiga ega bo'lishlari uchun talabalik yillarida poydevor qo'yiladi va kasbiy faoliyatni tashkil etishda izchil rivojlantirib boriladi. Bunda pedagogning o'zini o'zi ijodiy faoliyatga yo'naltirishi va bu faoliyatni samarali tashkil eta olishi muhim ahamiyatga ega. Pedagog ijodiy faoliyatni tashkil etishda muammoli masalalarni yechish, muammoli vaziyatlarni tahlil qilish, shuningdek, pedagogik xarakterdagi ijod mahsulotlarini yaratishga alohida e'tibor qaratishi zarur.

Demak, pedagog o'z faoliyatda kreativlik sifatlarni rivojlantirish, keng ko'lamli ilmiy-tadqiqotlarni olib borish, kuchli raqobat mavjud bo'lgan mehnat bozorida o'z o'rinlarini saqlab qolishi uchun o'z ustida tinmay ishlashlari hamda pedagogik mahoratini oshirib borishi quyidagilarni taqozo etadi:

- o'z hohishi va maqsadini aniq bilish;
- o'z oldiga vazifa qo'ya olish;
- vaqtdan imkon qadar samarali foydalanish;
- mehnat, dam olish uchun yaratilgan sharoitlarni tashkil etish;
- sog'ligiga har tomonlama g'amhurlik qilish.
- o'z ishiga, kasbiga oid chuqur bilimlarni egallash;
- davlat tomonidan qabul qilingan xujjat, qonunlarni bilish;
- jamiyat ijtimoiy hayotida ro'y berayotgan o'zgarishlar, olib borilayotgan ijtimoiy islohotlar mohiyatini chuqur anglab yetishi, buyuk mutafakkirlarning qoldirgan bebaho ma'rifiy, ma'naviy, axloqiy boyligidan to'la – to'kis foydalanishi hamda amal qilishi va bu borada to'g'ri, asosli ma'lumotlarni berib borishi lozim;

• ilm-fan, texnika va texnologiya yangiliklari, yutuqlaridan xabardor bo'lish, dars mashg'ulotlarida pedagogik mahoratning bir qirrasini sifatida axborot kommunikatsion texnologiyalardan, eng samarali shakl, metod va vositalardan, ta'limning interfaol usullaridan unumli, o'rinli, aniq va tezkor holda foydalana olish talab etiladi.

Фойдаланилган адабиётлар ро‘yxати:

1. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2017-yil 26-sentabrdagi PQ-3289-sonli “Pedagog kadrlarni tayyorlash, xalq ta’limi xodimlarini qayta tayyorlash va ularning malakasini oshirish tizimini yanada takomillashtirish chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi qarori
2. Kuznetsova N.P. — O‘qituvchining kasbiy kompetensiyasi DTSlari talabalarini amalga oshirish sharti sifatida. M. 2003.
3. www.ziyo.edu.uz

ГЛОБАЛ АХБОРОТ МАКОНИДА ШАХС ХАВФСИЗЛИГИ ВА ПСИХОЛОГИК ҲИМОЯ МУАММОСИ

(*учинчи ташаббусга ижтимоий-психологик ёндашув*)

Ҳайитов О.Э., Тошкент ТИҚХММИ, нс.ф.н., доц.

Мамлакатимиз тараққиётининг сўнгги уч йилида ижтимоий институтлар тизимини *шакллантириш*, уларнинг самарали фаолият кўрсатишини *таъминлаш*, таълим-тарбия тизими самарадорлигини *оптималлаштириш*, ёш авлодни тарихий, миллий ва умуминсоний кадриятлар асосида муносиб *тарбиялаш*, ҳам ички, ҳам ташқи сиёсатни давлатимиз, халқимизнинг олий манфаатлари, эл-юртимизнинг фаровонлиги ва хавфсизлигидан келиб чиққан ҳолда мамлакатни халқаро муносабатларнинг тенг ҳуқуқли субъекти сифатида дунёхамжамиятига *ташиштиришга* кодир юқори малакали кадрларни **тайёрлаш** масаласига алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда.

Бу борада давлатимиз раҳбари ижтимоий, маънавий-маърифий соҳалардаги ишларни янги тизим асосида йўлга қўйиш бўйича 5 та муҳим ташаббусни илгари сурган бўлиб, айнан, **учинчи ташаббус**, аҳоли ва ёшлар ўртасида компьютер технологиялари ва интернетдан самарали фойдаланишни ташкил этишга қаратилганлигини алоҳида эътироф этиш мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида 2019 йилнинг 19 март кунини ёшларга эътиборни кучайтириш, уларни маданият, санъат, жисмоний тарбия ва спортга кенг жалб этиш, уларда ахборот технологияларидан фойдаланиш кўникмаларини шакллантириш, ёшлар ўртасида китобхонликни тарғиб қилиш, хотин-қизлар бандлигини ошириш масалаларига бағишланган видеоселектор йиғилишида таъкидлаганидек: **“...Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигига илғор халқаро тажрибалар асосида барча шаҳар ва туманлар марказларида Рақамли технологиялар ўқув марказларини ташкил этиш бўйича топшириқ берилди. Бу марказларда электрон тижорат ва дастурлаш бепул ўргатилади, ахборот технологиялари соҳасида тадбиркорлик билан шуғулланиш бўйича инновацион кўникмалар берилди, “стартап” лойиҳаларга ёрдам кўрсатилади”** (<http://prezident.uz>). Бундай *ташаббуслар* ортида замондошларимизнинг мафкуравий билимларини ошириш бугунги глобаллашув жараёнида ёшларни бузгунчи ғоялардан ҳимоялашнинг асоси ҳисобланади.

Бугун дунёда юз бераётган глобаллашув жараёнининг моҳиятини атрофлича англаб етиш ҳар қандай кишилиқ жамияти учун ўта муҳим аҳамиятга эга ҳодисадир. Глобал муаммолар ва глобаллашув жараёнлари асосан XX асрнинг маҳсули бўлса-да, “глобал” атамаси қадимдан фанда маълум. Глобаллашув тушунчаси французча “global” сўздан олинган бўлиб, энг умумий, умумжаҳон, ер шарини қамраб олувчи мазмунини англатади. Охириги йилларда дунё миқёсида ахборот технологияларининг кескин ривожланиб кетаётганлиги, Интернет тизимининг барча давлатлар, маданий ҳудудлар, барча ёшдаги инсонлар учун қулай ахборот алмашинуви воситасига айланиб бораётганлиги муносабати билан хавфсизликнинг ўзига хос яна бир тури **ахборот хавфсизлиги** пайдо бўлди. 33,4 миллионлик мамлакатимиз аҳолисининг 30 фоизини 14-30 ёшгача бўлган ёшлар ташкил этади. **Глобаллашув** – жамият тараққиётининг интеграцияланиши натижасида ҳамда сиёсий, ижтимоий, иқтисодий, мафкуравий ва экологик ахборот тизимларининг ривожланиши жараёнида юзага келади. Таъкидлаш керак, коммуникация воситаларидаги туб ўзгаришлар ҳам глобаллашув жараёнининг шиддат билан ривожланишини таъминламоқда. Шунингдек, глобаллашув жараёни баъзи мамлакатларнинг ўз мақсад-иддаоларини амалга оширишида ҳам қўл келмоқда. Турли ахборот ютуқларидан фойдаланган ҳолда кадриятларимизга зид бўлган тамойилларни инфорацион тажовуз қилиш йўли билан мамлакатимиз аҳолиси, жумладан, ёшларимиз онгига синдиришга ҳаракат қилишмоқда. Мисол тариқасида айтадиган бўлсак, айрим кучлар томонидан ҳозирда демократияни “экспорт” қилиш, унинг қандайдир универсал моделини жорий этиш каби тенденциялар асосида диний экстремистик ғоялар, халқаро терроризмни мамлакатимиз сарҳадларига кириштишга уринишлар мавжуд. Аксарият уринишларнинг моҳиятини чуқурроқ таҳлил этадиган бўлсак,

бундай ҳаракатлар мазмунида ёшларда аввало фикр қарамлигини, сўнгра “этноцентризм” ҳиссини шакллантириш ётганлигини гувоҳи бўлиш мумкин. Масалан, хавфсизликнинг асосий субъектларидан ҳисобланмиш **шахс хавфсизлиги** ижтимоий-психологик жиҳатларининг ўрганилиши, хавфсизликни таъминлаш борасида қандай ижтимоий ва психологик таъсирларга эътибор қаратиш зарурлигини англашга имкон яратади.

Баъзи ҳолларда глобаллашув жараёни ахборот тажовузини ниқоблашда, унинг моҳиятини жамоатчиликдан яширишда ўзига хос мафкуравий шакл вазифасини ҳам бажармоқда. Хусусан, глобаллашаётган дунёда ахборот халқлараро ва давлатлараро муносабатларда муҳим аҳамият касб этади. Яъни у жаҳон ҳамжамияти ҳаётида ҳам ижобий, ҳам салбий куч сифатида намоён бўлиши мумкин. Шу маънода техникавий-технологик соҳада катта имкониятга эга бўлган мамлакатлар кулай шароитга эга бўладилар. Мана шу устунлик туфайли улар ўз шахсий манфаатларига мос келувчи кадриятлар, нуктаи-назарлар, ғоялар, фикрларни илгари сурмоқдалар. Натижада, ҳар қандай маҳаллий ҳодиса ёки воқеа жуда қисқа фурсат ичида замонавий ахборот технологиялари ёрдамида глобал ҳодиса ёки воқеага айланиб улгурмоқда (масалан, Наргиза Саидова). Бу вазиятлар, ўз навбатида, фожеали характерга эга бўлган қуйидаги оқибатларга олиб келиши мумкин: ижтимоий алоқа доирасининг торайишига, кадриятлар мазмунининг ўзгаришига, фақат бугунги кун учун яшаб, истиқболни ўйламасликка, “Мен” сиймосининг деформациялашувига, психологик тушкунликнинг юзага келишига (ички беқарорлик, ички зиддият, ёлғизлик ҳисси, ижтимоий кўрқув, шахсий характерининг акцентуациялашуви). Ана шу жиҳатдан олиб қараганда ҳам дунёнинг мафкуравий манзарасида ўта муҳим ўрин эгаллаб улгурган бу жараёни, яъни келажакимиз ҳисобланган ёшларимиз онги-шуурини забт этишга қаратилган ахборот тажовузларининг моҳиятини очиб беришда маънавий-маърифий тарбия катта амалий аҳамиятга эгадир.

Ижтимоий-психологик тадқиқотларнинг кўрсатишича, Ватанга меҳр, келажакка ишонч, касбга садоқат каби шахс сифатларининг мавжудлиги тўғри дунёқарашнинг шаклланишига асос бўлади. Янгича фикрлаш ва тафаккур юритиш айнан мустақиллик мафкураси руҳида тарбия топиб, сайқал топган миллий онг, дунёқараш ва эътиқоддир.

Ўспиринлик ва ёшлик даврлари дунёқарашлар тарбияси учун энг сезгир, кулай, психологик ибора билан айтганда, **сензитив** бўлгани учун ҳам бу йўналишда олиб бориладиган ишларимиз “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”ни изчил амалга ошириш билан уйғун тарзда олиб борилмоқда. “Оила, маҳалла, таълим маскани ҳамкорлиги” Концепцияси доирасида ушбу дастурни амалиёт татбиқ этиш жараёнини сифатли амалга ошириш учун миллий анъаналарни ҳаётга қайтариш, муросасозликни тарбиялаш ҳам катта амалий аҳамият касб этади. Маълумки, мустақил дунёқарашга эга юксак маънавиятли шахсларгина турли хил талқиндаги тазйиқларга руҳан барқарор қаршилик кўрсата оладилар. Бунда, ота-она маданий савиясининг юқори бўлиши маънавияти юксак, маърифатли, истеъдодли, комил фарзандларни вояга етказишда ҳал қилувчи роль ўйнайди. Ватан равнақига муносиб ҳисса қўша оладиган, ижтимоий онги шакллланган, миллий ғурури баланд, оилапарвар, миллати, халқи ва она Ватанини кўз қорачиғидек эъзозлашга қодир фарзандлар болалик йилларида аввало оила муҳитида муносиб тарбия олган бўладилар. Зеро, ота-она фарзандлар учун ҳамшиша ўрнат ва намуна тимсолларидир.

Ёшларни маънавий-ахлоқий тарбиялашда оила мафкураси, маънавияти ва ундаги ижтимоий-психологик муҳит алоҳида амалий аҳамиятга эгадир. Сабаби, оила муқаддас маскан бўлиб, унда болалар тарбияси билан шуғулланиш сўзсиз ота-онанинг вазифаси ҳисобланса, бунда оила бошлиқларига итоат, юксак эҳтиром кўрсатиш эса фарзандларнинг бурчи саналади. Мамлакатимиз ёшларининг маънавияти ва маданиятини ривожлантириш жамиятимиздаги давлат сиёсати даражасига кўтарилган вазифалардан бири бўлиб, хилма-хил мафкуравий курашлар авж олган ҳозирги давр ота-оналар ҳамда устоз-мураббийлардан турли бузгунчи оқимлар ёшларни ўз гирдобига тортмаслиги учун **шахс тарбиясида** хушёр ва сергак туришни тақозо этмоқда. Зеро, айрим ота-оналар, устоз-мураббийларимизнинг лоқайдлиги-ю беғамлиги ҳақида: “Кичининг ўз қармоғидаги кимсаларга бепарво бўлиши унинг гуноҳкор эканлигига кифоядир”, дея ҳадису-шарифларда ҳам эслатилган. Бу биргина шахс хавфсизлиги доирасида намоён бўладиган ҳолатлар бўлиб, у жамият ва давлат хавфсизлигига ҳам бевосита таъсир ўтказади. Фожеали ҳолатлар доираси кенгайиб, таъсир кўрсатиш даражаси кучайиши мумкин. Чунки, барқарорликнинг учинчи даражаси (биринчиси – сиёсий бошқарув, иккинчиси – сиёсий тузум) **шахс хавфсизлигининг** таъминланганлигидир. Айнан учинчи даража барқарорликнинг таъминланганлигини аниқлайди, барқарорликни давлат ва жамият даражасида таъминлашнинг галдаги вазифаларини белгилаб беради.

Бу эса глобаллашув жараёнида шахс хавфсизлигининг психологик жиҳатларини илмий жиҳатдан таҳлил этиш уни таъминлаш борасидаги мавжуд қарашларни оидинлаштиради.

Жамиятнинг муайян соҳасида юзага келиши мумкин бўлган хавф ёки таҳдидларни (сиёсий, психологик, маънавий, харбий, иқтисодий, ижтимоий, экологик, тиббий, техник ва бошқ.) аниқлаш, уларни баҳолаш учун амалий ёрдам беради.

Хулоса қилиб айтганда, таълим-тарбия тизими самарадорлигини оширишга йўналтирилган туб ислохотлар мазмуни маданиятли, юксак маънавиятли, эркин фикрловчи шахсни тарбиялашга қаратилганлигини инобатга оладиган бўлсак, бугун ёшларимиз ўзлигини англаши, теран дунёқарашнинг шаклланиши ва иймон-этикод сохиби бўлишлари учун барча шарт-шароитлар ва замин тайёрланганлигини гувоҳи бўламиз. Ҳозирда бутун “мафкурачилар армияси”га миллий истиқлол ғояларини ёшлар онгига сингдиришдек олийжаноб вазифа юклатилган бўлиб, буларнинг барчасини муваффақиятли амалга ошириш XXI асрда миллий ўзликни англаган, бетакрор маданият ва юксак маънавиятнинг меросхўрлари эканлигини теран англайдиган ёшларга – келажакимиз ворисларига эга бўлишимизга имкон беради.

АДАПТАЦИЯ К ОБУЧЕНИЮ В ВУЗЕ СТУДЕНТОВ 1-КУРСОВ

Рахмонова Д.Б., Адизова Х.Р., стар.преп-лы БухГУ

Воспитание молодого поколения является приоритетной задачей государственной политики Узбекистана. Кто, как не молодежь, мечтает о светлом будущем, кто, как не молодежь, активно действует, реализуя свою мечту, кто, как не молодежь, стремится овладеть знаниями и применить их на производстве. И, безусловно, прав Президент страны И.А. Каримов, подчеркивая, что молодежь «из года в год набирает силу, энергию и смелость, развивает способность реализовать грандиозные задачи в жизни».

С древнейших времен наши предки считали своей задачей воспитание подрастающего поколения. Веками создавалась, развивалась и совершенствовалась народная педагогика, предусматривающая ранее развитие человека, учитывающая основные принципы обучения и воспитания.

Психологическая адаптация к вузовскому обучению – сложное явление, и на различные ее компоненты могут влиять разные факторы. При этом существенными являются: преемственность между школьными и вузовскими формами и методами обучения; возрастно-половые и индивидуальные - типологические особенности личности; собственная познавательная активность студентов (уровень и интенсивность их познавательных потребностей); степень совпадения их ожиданий по отношению к будущей профессии с реальностью обучения; особенности учебно-воспитательного процесса в конкретном вузе и т.д.

Проблема адаптации студентов к условиям обучения в высшей школе представляет собой одну из важных задач, исследуемых в настоящее время в педагогике и дидактике высшей школы. Успешная адаптация студентов к условиям обучения и требованиям предстоящей профессиональной деятельности не только служит признаком психического здоровья и показателем зрелости личности, но и является гарантом последующего полноценного профессионального и личностного роста.

Обучение в вузе рассматривается большинством авторов в качестве необходимой предпосылки профессионального становления будущего специалиста, важного этапа профессионализации и самоактуализации личности. Исследования, посвященные разработке психологических основ оптимизации адаптационных процессов студентов, большей частью посвящены созданию концепции психологической службы вуза или обоснованию новых педагогических технологий. Вместе с тем, современной наукой накоплено большое количество экспериментальных данных о влиянии свойств темперамента на формирование индивидуального стиля деятельности.

Термин «адаптация» прочно вошел в научный и бытовой обиход, однако его содержание многозначно. Сложность и многоаспектность содержания понятия адаптации свидетельствует о том, что назрела необходимость анализа существующих в научной литературе взглядов и подходов к ее пониманию.

Адаптация от латинского слова - adaptatio, приспособление, приурочение. Адаптация в широком смысле этого слова означает приспособление организма к условиям существования.

Понятие "адаптация" является ключевой проблемой научного исследования живого организма, так как именно механизмы адаптации, выработанные в результате длительной эволюции, обеспечивают возможность приспособления организма к постоянно меняющимся условиям окружающей среды. Благодаря процессу адаптации достигается гомеостатическое равновесие между

организмом и средой. Поскольку организм и среда находятся не в статическом, а динамическом равновесии, их соотношение меняется постоянно, а также постоянно осуществляется процесс адаптации.

Адаптация - это межпредметная категория. В разных науках она трактуется по-разному. В настоящее время философами, социологами, педагогами, психологами, медицинскими работниками ведутся исследования этого процесса, обосновывается статус категории "социальная адаптация", изучаются ее механизмы и адаптационный потенциал (Г.М. Андреева, М.Р. Битянова, Д.В. Эльконин, Т.Ф. Яркина и др.).

Адаптация компенсирует недостаточность привычного поведения в новых условиях, благодаря чему создаются возможности ускорения оптимального функционирования организма, личности в необычной обстановке. Если адаптация не наступает, возникают дополнительные затруднения в освоении предмета деятельности, вплоть до нарушений ее регуляции.

В **биологии** адаптация рассматривается (с лат. *adaptatio* -приспособление) как совокупность морфофизиологических, поведенческих, популяционных и других особенностей биологического вида, обеспечивающая возможность специфического образа жизни особей в определенных условиях внешней среды. Адаптацией называется и сам процесс выработки приспособлений.

Адаптация в **этнографии** - это приспособление этносов к условиям среды (ландшафту), происходящее путем выработки измененных стереотипов поведения.

Внимание **психологов** сосредоточено на адаптации индивида. Здесь важным является вопрос о психологическом механизме адаптации. Под психологическим механизмом адаптации понимается структура определенным образом связанных психических действий, осуществление которых приводит к состоянию адаптированности.

Психическая адаптация является сплошным процессом, который, наряду с собственно психической адаптацией (то есть поддержанием психического гомеостаза), включает в себя ещё два аспекта:

- а) оптимизацию постоянного воздействия индивидуума с окружением;
- б) установление адекватного соответствия между психическими и физиологическими характеристиками.

Процесс адаптации происходит тогда, когда необходимо преодолевать затруднения, связанные с новыми условиями. Именно с такими затруднениями сталкивается при поступлении в ВУЗ бывший школьник.

Адаптация студентов первого курса – весьма сложное явление, и оно связано с перестройкой стереотипов поведения и даже личности. Первокурсники, у которых этот процесс заканчивается неблагоприятно, отсеиваются уже в первый семестр обучения. Зачастую это явление связано с недостаточной гибкостью адаптационных систем человека.

В традиционном плане адаптация первокурсников рассматривается как совокупность трех аспектов:

- адаптация к условиям учебной деятельности (новым формам преподавания, усвоения и контроля знаний, новому режиму труда и отдыха, самостоятельности);
- адаптация к группе (усвоение правил и традиций коллектива);
- адаптация к будущей профессии (усвоение профессиональных качеств, знаний, умений и навыков). В жизни все эти аспекты неразрывно связаны между собой.

Полноценная **психологическая адаптация** включает три этапа:

1. ознакомление с новым местом учебы, правами и обязанности студента и начало учебы;
2. углубленное освоение правил и норм учебного заведения и качественной учебы;
3. осознанное и творческое усовершенствование учебы.

Первый этап обычно длится 7-15 дней, второй до 6-12 месяцев, а третий начинается после 1-2 лет. Эти сроки очень индивидуальны, могут сокращаться и увеличиваться, второй этап может и не совершиться, а третий не начаться.

В целом, говоря о структуре процесса психической адаптации, необходимо подчеркнуть, что комплексное рассмотрение его, с учетом взаимных связей между эмоциями и физиологией, адаптацией психологической и социальной, неизбежным образом требует сочетания психологического и физиологического подхода.

ЁШЛАРНИ ТУРЛИ САЛБИЙ ТАЪСИРЛАРДАН ҲИМОЯЛАШНИНГ ИЖТИМОЙ-ПСИХОЛОГИК МАСАЛАЛАРИ

Каримов Х.К., Карши ДУ нс.ф.н. доц.в.б.

Ёшларни ҳар томонлама баркамол шахслар қилиб тарбиялаш жараёнида фуқаролик жамияти институтлари ва давлат органларининг ўзаро ҳамкорлигини таъминлаш масаласи тегишли меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгилаб қўйилган. Ушбу институтлар орасида фақат шарққа хос бўлган фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари муҳим аҳамият касб этади. Фуқаролар ўзини-ўзи бошқариш органлари ўзига хос хусусиятларга эга бўлиб, улар шу ҳудудда яшайдиган ёшларни маънавий баркамол қилиб тарбиялашда асосий субъект ҳисобланади. Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари давлат ҳокимияти тизимига кирмаса-да, маҳаллаларда истиқомат қилувчи оилаларнинг ижтимоий-маънавий ҳуқуқларига тегишли маҳаллий аҳамиятга эга масалаларни ҳал қилишда маҳаллий давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари билан яқиндан ҳамкорлик қилади. Ушбу ҳамкорликда маҳалладаги комиссияларнинг, маҳалла ҳузурида ташкил этилган “Ота-оналар университети”нинг фаолияти муҳим аҳамият касб этади. Яъни, хотин-қизлар масалалари, ёшлар ишлари бўйича профилактика нозирлари ва бошқаларнинг оилалар, ёшлар билан олиб борадиган ҳамкорликдаги фаолияти режали ва мақсадли амалга оширилиши ҳамда ушбу ишлар натижасининг доимий назорат қилиниши, хулоса ва тавсиялар асосида ушбу фаолият самарадорлигини таъминлаш юзасидан чора-тадбирларнинг белгиланиши муваффақиятлар гаровидир.

“Ҳар қайси миллатнинг ўзига хос маънавиятини шакллантириш ва юксалтиришда, ҳеч шубҳасиз, оиланинг ўрни ва таъсири бекиёсдир, - деб ёзади Ўзбекистон Республикаси биринчи Президенти И.А.Каримов “Юксак маънавият – енгилмас куч” асарида. Чунки инсоннинг энг соф ва покиза туйғулари, илк ҳаётий тушунча ва тасаввурлари биринчи галда оила бағрида шаклланади. Болани характерини, табиати ва дунёқарашини белгилайдиган маънавий мезон ва қарашлар – яхшилик ва эзгулик, олийжаноблик ва меҳр-оқибат, ор-номус ва андиша каби муқаддас тушунчаларнинг пойдевори оила шароитида қарор топиши табиийдир.”¹

Меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган оила, ёшлар сиёсати йўналишидаги барча чора-тадбирлар мазмун ва моҳияти ёшларни комил инсонлар қилиб шакллантириш, оила барқарорлигини мустаҳкамлашга қаратилган. Бу борада маҳалладаги оилалар, эҳтиёжманд оилалар, ижтимоий-ҳуқуқий хатар гуруҳ оилалар ва болалар билан олиб бориладиган яққа ва оммавий тарздаги тарбиявий тадбирларнинг таъсир кучи сезиларлидир. Айниқса, ёшларни мустақил ҳаётга тайёрлаш, уларни турли ёт, деструктив ғоялар таъсиридан ҳимоялаш, хотин-қизларнинг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, эрта турмушга чиқишнинг, турли зарарли одатларнинг салбий оқибатлари, турли миллатлар ва элат вакиллари ўртасида бағрикенглик тафаккурини шакллантириш, ёшларни касбга йўналтириш ва бошқа йўналишдаги мавзуларда олиб бориладиган учрашув, конференция, семинар-тренинглар, видеоконференция, саёҳат, давра суҳбати, баҳс-мунозара ва бошқаларнинг, оилавий психологик хизмат кўрсатиш марказлари фаолиятининг тарбиявий таъсири ниҳоятда каттадир. Ушбу фаолият самарадорлигини таъминлашда маҳаллалардаги хотин-қизлар кўмитасининг бошланғич ташкилотлари, диний маърифат, маънавий-ахлоқий тарбия бўйича маслаҳатчилар, психологлардан катта масъулият билан ўз ишига ёндашиш талаб этилади.

Демак, бугунги кунда ёш авлодни жисмонан соғлом, маънан кучли, ақлан етук, соғлом ва баркамол бўлиб етишишида оиладаги соғлом муносабатларнинг аҳамияти муҳимдир. Шу боис, мустақил давлатимизда оиланинг мустаҳкам бўлиши, унинг барқарорлигини таъминлаш учун оилада соғлом ижтимоий муносабатлар тизимини яратиш ва бунинг учун аввало ота-оналарни психологик билим билан қуроллантириш лозимдир. Бу масалани ҳал қилишда психологик хизматни, аниқроқ айтадиган бўлсак оилавий психологик хизматни ташкил этиш долзарб масала сифатида кўтарилади.

Республикамизда дастлаб асосан таълим тизимида расмий-меъёрий ҳужжатлар, кўрсатмалар асосида йўлга қўйилган психологик хизмат амалиётчи психологлар тайёрлаш, турли психологик марказлар фаолият юритиши, психология соҳасининг ривожланиши қаторида индивидуал ва гуруҳий психотерапия қаторида оилавий психотерапиянинг ҳам тараққий топишига тўртки берди.

Психологик хизмат ва психологик амалиётда оилавий психотерапия оилаларга маслаҳат бериш жараёнида аҳамият қаратиш лозим бўлган муҳим босқич сифатида кўрилади. Оилавий психотерапиянинг асосий вазифалари қуйидагилар:

¹ Каримов И. А. Юксак маънавият енгилмас куч. Т., Маънавият, 2008. 52- б.

- оила аъзоларида ўз орзу-ният, ҳис-туйғу, идеал, кадрият, хавотир, кечинма ва ҳ.к.лари юзасидан фикр-мулоҳазаларини очик баён этиш, яъни мулоқотга киришиш малакаларини ривожлантириш;
- оилада мулоқотнинг янгидан-янги усулларини таркиб топтириш;
- оиладаги қотиб қолган тасаввур, стереотиплардан воз кечшга кўмаклашиш;
- оила аъзоларининг уларга хос рол (мақом)ларни ўзлаштиришларига ёрдам бериш;
- оила аъзоларида ҳамкорлик, бирдамлик туйғуларини ривожлантириш ва ҳ.к.

Оилавий маслаҳат оилага психологик ёрдам кўрсатиш йўналишларидан бири сифатида ўзига хос хусусият, чегара ва таъсир доирасига эга. У оилавий психотерапия билан бир вақтда ривожланди, бу икки ёндош касбий фаолият бир-бирини тўлдирган ҳолда тараққий топди. Оилавий маслаҳатнинг асосий мақсади – психолог ва оила аъзоларининг баҳамжихатликда оиладаги рол (мақом)ларни мақсадга мувофиқ таркиб топтириш ва баркамол шахсни тарбиялашларини таъминлаш.

Психологик маслаҳатнинг психотерапиядан фарқ қиладиган асосий жиҳати унда тиббий, касалликка доир концепция, турли даражадаги оғишларга оид хулосалар асосида иш кўрмаслигидир. Шу билан бирга психолог маслаҳат жараёнида диққат-эътиборни шахснинг оиладаги ижтимоий мақомига, муаммони ечишга нисбатан ички имкониятларини сафарбар қилишга йўналтиради.

Ҳозирги даврда оилага хизмат кўрсатишнинг турли йўналишлари вужудга келди. Улар сирасига оилавий маслаҳатхоналар, танишув, психологик ёрдам хизматларини киритиш мумкин. Уларнинг фаолият йўналишлари ҳам турфа хил бўлиб, бу оила куриш (танишув, совчилик хизматлари), уни мустаҳкамлаш (низога борган эр-хотинларга маслаҳатлар), фарзандлар тарбияси (ота-оналар учун маслаҳат марказлари), оилавий профилактика, ёрдамга муҳтож оилалар учун оилавий психологик хизмат, оила ва никоҳ масалалари борасидаги маслаҳат ва хоказо масалаларни камраб олмақда.

Айни пайтда Ўзбекистон психологлари олдида аҳоли ўртасида психологик саводхонликни оширишга қаратилган қатор тадбирларни амалга ошириш, муаммоли вазиятга тушган оила аъзоларининг психологик имкониятларидан келиб чиққан ҳолда кўмаклашиш ва шунингдек, уларнинг психологик саводхонлигини кучайтириш сингари вазифалар турибди. Бунда эса республикамізда оилавий психологик хизмат мақсадга мувофиқ даражада жорий этилишининг аҳамияти каттадир.

ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА ТАЛАБА СИЁСИЙ ФАОЛЛИГИНИ ОШИРИШДА ПСИХОЛОГИК ХИЗМАТНИ ЎРНИ

Усмонова Ш., ТДТУ психологи п.ф.н. доц.

Талабаларда сиёсий қарашларни шаклланишининг ўзига хос психологик хусусиятлари борки, уларни илмий асосини психологик қонуниятларини ўрганмай туриб, ҳар томонлама етук жаҳон талабларига жавоб бера оладиган кадрларни тайёрлашни имкони бўлмайди. Жамиятда ҳар бир шахсни ривожланиб боргани сайин унинг ижтимоий муҳитда тутган мавқеи ҳам ўзгариб боради. Талабалик мақомига эришган ёшларни ўзига хос хусусиятлари ташқи муҳитни таъсирида намоён бўлиб бориши билан бир қаторда, ўзининг янги-янги хусусиятларини, қирраларини кўрсатишга имкон очилади. Талаба нафақат ўз мутахассислик фанларини, балки ижтимоий фанларни ҳам чуқур ўзлаштириши талаб этилади, бунга сабаб барча талабаларни ўз соҳаси билимлари билан бир қаторда сиёсий томондан ҳам билимдон бўлиши давр талабидир.

Ҳар бир даврнинг турли қирралари мавжуд бўлгани талабалик даврининг ҳам ўзига хос турли қирралари мавжудки, улар ичида асосий доминантлик қиладиган билимларни ўзлаштириш ва шу йўл орқали етук мутахассис бўлишдир. Етук мутахассис бўлишни ўзи ҳозирги давр талабига тўлиқ жавоб бера олмайди. Шу сабабдан ҳам ҳозирги кунда ҳар томонлама етук мутахассис бўлиб етиши учун ҳам билимли ҳам сиёсий онгли мутахассис бўлиб етишишлари давр талабига айланиб бормоқда. Талабалик даврини ҳар бир босқичи ёшлардан турли билимларни ўзлаштиришни талаб этиш билан улар ўзларини иқтидорини ҳамда қобилиятини намоён этишини ҳам талаб этади, десак хато бўлмайди.

Талабанинг сиёсий қарашлари ҳамда илмий йўналишлари, авваломбор, психологияни объекти сифатида шахс ривожланишига ёндашув асосида таҳлил этиш билан намоён бўлса кейинги кўринишлари талабига хусусиятлар сифатида таҳлил этилади. Шунинг ҳам таъкидлаб ўтиш жоизки, талаба шахси психологияни турли тармоқлари объекти бўлиб ҳисобланади. Психологияни ҳар бир тармоғи ўз нуқтаи назаридан келиб чиқиб методологик асосда талабани ўрганиш имкониятига эгадир. Бу давр шуниси билан диққатга сазоворки, у шахсни қолган бутун умрини пойдеворини

қуриб бериш билан бир қаторда шахс хотирасида муҳрланиб меҳнат фаолиятга таъсир этиш билан бирга унинг малакаси ва истеъдоди намоён этишни илк босқичи саналади. Бу даврнинг яна бир мураккаблик хусусиятини кўрсатадиган сифати кўпчилик ёшлар ижтимоий жамиятдаги яна бир имкониятларини намоён этадилар. Бу имконият оила қуриш ҳисобланади. Шу нуқтаи назардан келиб чиқиб кўпчилик психологлар бу даврни етуклик даври деб ҳам атайдилар. Ўзбекиона миниталитетдан келиб ёндашадиган бўлсак, талабалик даврида кўпчилик қизларимиз турмушга чиқиб ҳам оилани ҳам ўқув жараёнини бир хилда олиб боришга тўғри келади. Демак, талабалик даври ниҳоятда серқирра бўлиб уни психологияни турли тармоқлари турлича ёндашув орқали таҳлил этишга ҳаракат қиладилар. Шу боисдан, талабаларнинг жамиятдаги ўрнини англаш, сиёсий жиҳатдан шаклланиши ҳам долзарб масала эканлиги давлатимиз раҳбарияти томонидан алоҳида эътиборга олиниб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 27 июлдаги ПҚ-3151 сонли қарори ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида 2017 йил 7 август куни ўтказилган мажлис баёнида белгиланган вазифалар ижросини таминлаш иўғрисидаги Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2017 йил 23 августдаги 600-сонли буйруғи 5-сонли иловасига мувофиқ олий таълим муассасаларида олий таълим психологи хизматлари ташкил этилди.

Ушбу масала доирасида “психологик фаолият” тушунчасига изоҳ берадиган бўлсак, Ўзбекистон Республикасининг тараққий этган мамлакатлар қаторидан муносиб ўрин эгаллашига ўзининг ҳиссасини қўшадиган, ижтимоий-иқтисодий ўзгаришларни бошқара оладиган ҳамда ХХI аср талабларига жавоб берадиган кадрларни тайёрлашга ҳар томонлама кўмаклашиш - Психологик фаолиятнинг асосий вазифасидир.

Психолог – ўз соҳасининг мутахассиси бўлиб, инсонни ижтимоий ҳаётидаги характерини, хатти-ҳаракатлари ва руҳий ҳолатини ўрганadi. У инсон ҳаётида ноқулай вазиятларга тушиб қолган, ҳамда яхши томонга ўзгаришига ҳаракат қилаётган, руҳий соғлом ва қўллаб-қувватлашга муҳтож бўлган инсонлар билан ишлайди. Психолог билан мижоз ўртасидаги маълумот сир сақланиши кафолатланади.

Психологик фаолиятда психологик маърифат ва ташвиқот, психологик профилактика, психологик диагностика, психологик маслаҳат, психологик коррекция, касбга йўллаш йўналишлари бўйича ўзининг аниқ белгиланган вазифалари бўйича амалий ишлар олиб борилади. Мазкур йўналишнинг узвий ва узлуксиз боғлиқлиги психологик хизмат мазмунининг яхлитлигини таъминлайди.

Реал воқеа-ҳодисалар ҳар доим ҳам турғун бўлавермайди, биз уни ўзгартира олмаймиз, лекин унга объектив баҳо беришимиз мумкин. Агар инсон ўз ҳаётидан қоникмаса, қаттиқ ҳаракат қилганида ҳам ўзини бахтиёр ҳис этмаса, ҳаётида ҳамма нарса етарли, лекин нимадир етишмаётгандек бўлса, ўзини тушунишни ва англашни хоҳласа психологга мурожаат қилинади.

Биринчидан, Психолог ўз амалий ва назарий тажрибаси асосида инсоннинг ҳолатига объектив баҳо беради;

Иккинчидан, инсонга муаммони ҳал этиш жараёнидаги тўсиқларни олиб ташлашга ёрдам беради;

Учинчидан, инсонни ҳеч кимга айта олмаган муаммоларини ҳал этишда руҳий жиҳатдан қўллаб-қувватлайди;

Тўртинчидан, психолог шахс қалбидаги айтилмаётган яширин муаммоларни юзага чиқаришга ёрдам бера олади.

Олий таълим муассасаси психологининг иш фаолиятини ташкил этиш механизми ва илмий-методологик асосини ўзига хос жиҳатига эътибор қаратсак, кўпгина муаммоларга дуч келиш мумкин. Чунки бу фаолият яқиндан ўз амалий ишларини бажаришга киришмоқда, айниқса, методик кўрсатмаларнинг етарлича ишлаб чиқилмаганлиги психологдан кўпроқ амалий тажрибаларга таяниб ўз ҳудудларига мос равишда талаба ёшлар билан ишлашга қулай психологик иқлимни яратишни талаб этади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Андреев Г.М. Социальная психология. – М., 1999
2. Леонтьев А.Н. Деятельность. Сознание. Личность. –М. : “Политиздат”, 2002.
3. Ғозиев Э.Ғ. Умумий психология.-Т.: “Университет”, 2002.

TA'LIM SAMARADORLIGINI OSHIRISHDA TALABALAR SPORT SOG'LOMLASHTIRISH MASHG'ULOTLARINI TASHKIL ETISHNING O'RNI

Eshmurodova G.X., Qarshi DU nc.ф.н. доц.в.б.

Mahmudova N. H., Qarshi DU talabasi

Mamlakatimizni istiqbolini belgilaydigan asosiy vazifalardan biri «Sog'lom avlod» tarbiyasidir. Bugungi kunda jamiyatimizda sog'lom turmush tarzini shakllantirish, yoshlarni bo'sh vaqtlarini to'g'ri va samarali tashkil etishda sportning o'rni beqiyos. Jismoniy tarbiya, talabalar hayotiga tobora chuqurroq kirib bormoqda, chunki u kishi salomatligini saqlash va mustaxkamlash uni jismoniy jihatdan rivojlantirish hamda bo'sh vaqtdan oqilona foydalanish vositasi bo'lib kelmoqda. Mamlakatimizda jismoniy tarbiya va sportni rivojlanishi yosh avlodni jismoniy barkamol inson qilib tarbiyalash vositasidir.

Talabalar jismoniy rivojlanishi, jismoniy qobiliyatlari va shaxsiy xususiyatlari xilma-xil bo'lganligi uchun o'qituvchilardan mashg'ulotlarni tashkil etish va boshqarishda talabalarga individual yondashish hamda kasbiy pedagogik va amaliy tayyorgarlik darajasi yuqori bo'lishligini talab etadi.

Jismoniy tarbiya darslarini o'tish jarayonlari: jismoniy tarbiya darslari samaradorligi ularni tashkil etish sharoitlari va talabalariga bog'liq. Ochiq havoda o'tkazilganda dars davomida jismoniy rivojlanish bilan birga tabiat omillari ta'sirida chiniqish muolajalari ham amalga oshadi. Jismoniy tarbiya darslariga iqlim va fasllarning ham ta'siri katta bo'ladi. Dars o'tish joylari, sport maydonlari, sport zallarining holati va jihozlar bilan ta'minlanganlik talabalarni sport kiyimida bo'lishligi jismoniy tarbiya darslari jarayoniga o'z ta'sirini ko'rsatadi. Ochiq havoda sport maydonlarida dars o'tkazilganda talabalarni sport maydoniga kelishlari maydon bo'yicha dars davomida taqsimlanishi va dars yakunida mashg'ulotdan ketishi holatlarini nazorat qiladi. Sovuq kunlarida qizdirish mashqlariga katta e'tibor beriladi. Talabalarni bekor holda qolishlari bartaraf etiladi. Ochiq havoda o'tkaziladigan mashg'ulotlarda xilma-xil jismoniy harakatlar, ulotqirish, tez yugurish, estafetalar, uzunlikka va balandlikka sakrashlar bajarish imkoniyati kengbo'ladi.

Talabalarining bo'sh vaqtlarini jismoniy tarbiya bilan o'tkazish uchun ularning ixtiyoriy harakatlanishi ta'minlanadi. Bu tadbirlar talabalar yotoqxonalarida tashkil etiladi. Jismoniy tarbiya tadbirlarini talabalar yotoqxonalarida umumiy jismoniy tayyorgarlik, sport va harakatli o'yinlar, musobaqalar va bellashuvlar shaklida tashkil etiladi. Shuningdek, oilada va yashash joylarida ijtimoiy foydali mehnat ham jismoniy tarbiya shakllaridan hisoblanadi. Uy xo'jaligi va dala ishlarida, mahallani obodonlashtirish va ko'kalamzorlashtirish, hashar ishlarida yoshlarni faol ishtirok etishi ularni jismoniy rivojlantirish bilan birga ahloqiy fazilatlarini, jamoatchilik, hamkorlik, do'stlik va vatanparvarlik tuyg'ulari tarbiyalanadi.

Jismoniy tarbiyadan yashash joylarida tashkil etiladigan jismoniy tarbiya tadbirlari yosh avlodni jismonan barkamol hamda ma'naviy yetuk inson qilib tarbiyalashning bosh omili bo'lib xizmat qiladi. Shu bilan birga fanlardan o'zlashtirishini yuqori bo'lishini ta'minlaydi.

Maqolamiz so'ngida quyidagi umumiy xulosa qilish mumkin:

- Jismoniy tarbiya va sport tadbirlari talabalarni ma'naviy netuk va axloqiy barkamol inson qilib etishtiradi.

- Talabalarni organizmga salbiy ta'sir etuvchi odatlarga o'rgatmaslik ularni salbiy ta'sirlari haqida muntazam suhbatlar tashkil etish maqsadga muvofiq.

- Jismoniy tarbiya va sport tadbirlari talabalarni kasbiy-amaliy jismoniy tayyorgarliklarini amalga oshiradi.

- Ta'lim muassasalarida jismoniy tarbiya va sport tadbirlarini to'g'ri tashkil etish va o'tkazish talabalarni jismoniy rivojlantirishni ta'minlaydi.

ОЧИҚ АХБОРОТ ТИЗИМЛАРИДА ИЖТИМОЙ-ПСИХОЛОГИК ХАВФСИЗЛИК МУАММОЛАРИ

Файзиев З., Қарши ДУ ўқитувчиси

Бегимкулова Г., Қарши банк коллежи ўқитувчиси

Инсоният тарихи шундан далолат берадики, муайян жамият тараккиёт жараёнида бир боскичдан иккинчи боскичга утишида турмушнинг барча соҳаларида, хусусан, иқтисодиёт, ижтимоий ва сиёсатида булгани каби, гоёвий-мафкуравий соҳада ҳам муайян муаммоларни ҳал қилиш зарурати пайдо бўлади. Чунки узига хос янги давр, шароит, вазият аънамага айланиб қолган гоёлар, қарашлар, муносабатларни узгартирмасдан, маълум мафкурага асосланмасдан янги мақсадлар сари қадам ташлай олмайди. Бу эса янги гоё, қараш, муносабат, мафқурани ишлаб чиқишни талаб этади.

Мамлакатимиз халкининг калби ва онгига ёт мафқурани сингдириш учун душманларимиз бир карашда беозор, гуё сиёсатдан холи туюладиган мафқуравий воситаларга катта эътибор бермоқда. Жумладан, кейинги йилларда кўплаб намоёиш этилаётган енгил-елпи ёки жангари фильмлар бунга мисол булади. Маълумки, бу фильмларни кўпчилик, айниқса ёшлар мароқ билан томоша қилади. Сир эмас, анчагина одамлар табиатида, хулқ-атворида мана шундай тўполонларга мойиллик булади.

Мамлакатимизга таҳдид солаётган мафқуравий воситалардан яна бири узок давом этадиган минтакавий ва давлатлараро можароларни келтириб чиқаришга уриниш бўлиб, буни айрим мамлакатлар худудида фаолият курсатаётган баъзи гоёвий-мафқуравий марказлар узларига мақсад қилиб олган. Улар муайян мамлакат худудидан бошқа мамлакатга қарши гиёхванд моддалар, таъқиқланган адабиётлар, турли курол-яроғ каби нарсаларни ноққонуний тарзда олиб утишга уринмоқда.

“Маънавий таҳдид деганда, аввало, тили, дини, эътиқодидан қатъи назар, ҳар қайси одамнинг том маънодаги эркин инсон бўлиб яшашига қарши қаратилган, унинг айнан руҳий дунёсини издан чиқариш мақсадини кўзда тутадиган мафқуравий, гоёвий ва информацион хуружларни назарда тутиш лозим” (И.А.Каримов “Юксак маънавият-енгилмас куч” Т.: “Маънавият”, 2008 й. 13-14 бет).

Ҳозирги кунда айниқса, ахборий таҳдидлар кучайиб кетмоқда. Шу боис, ҳар бир инсон ахборот олишда аввало ўша ахборотни ўрганиб, у ҳақда чуқур мулоҳаза қилмоғи лозим. Бу бевосита ахборот бозоридан фойдаланаётганда, қандай ахборотларни қабул қилиш, қандай ахборотлардан фойдаланиш борасидаги салоҳиятни ҳам тақозо этмоқда.

Шу нуқтаи назардан қараганимизда, жаҳон ахборот бозорида бизнинг манфаатларимизга зид бўлган, миллий хусусиятларимизни, анъаналаримизни, турмуш тарзимизни менсимайдиган ахборотлар ҳам хуруж қилмоқда, ҳаётимизга шиддат билан кириб келмоқда. Бу ўз-ўзидан ахборот соҳасида миллий хавфсизликни таъминлаш муаммосини кўндаланг қилиб қўймоқда.

Ахборий хавфсизликка эҳтиёж энг аввало, инсон, жамият, шахс ва унинг дахлсизлиги, миллат ва миллий кадриятлар, жумладан урф-одатлар ва анъаналар, тарихий мерос, авлодлар ворисийлиги, миллатнинг истикболи билан боғлиқ бўлган кадриятларга маънавий руҳий таъсир кўрсатувчи тажовузкор гуруҳлар мавжудлигидан келиб чиқади.

Лекин, афсуски, ҳаётда бу эзгу тилакларнинг ижобат бўлишига доимо қаршилиқ қиладиган кучлар ҳам бор. Улар ўзларининг ғаразли мақсадлари, нафс балоси йўлида башариятни ҳамиша низо-адоват, уруш ва қиргинлар домига тортиб келади. Ҳар хил гоё ва ахборотларга берилиб, ўз халқига, ватанига, оиласига хиёнат қилмоқда ва бу билан қанчадан-қанча инсонларнинг умрига зомин бўлмоқда.

Миллий маънавиятимизни ва маънавий ўзлигимизни таҳдидлардан ҳимоя қилиш учун миллий истиклол гоёсидан самаралироқ ва кучлироқ восита йўқ. Шу масалада миллий истиклол гоёсининг жуда муҳим функцияси, яъни миллий ва маънавий ўзликни ҳимоялаш каби муҳим функцияси намоён бўлади. Миллий истиклол гоёси ана шу функцияни бажариши учун эса ёшлар ва аҳоли онгида фақат билим, тасаввур сифатида эмас, эътиқод сифатида шаклланиши лозим.

Юқорида санаб ўтилган мавзуларни ўрганишда ахборот, ахборий хавфсизлик, миллий манфаатлар, ахборот соҳасидаги миллий манфаатларга бўлган хавф, манбалари, жамоатчилик фикри, очик ахборот тизимлари, глбаллашув, ахборий қарама-қаршилиқ, ахборий-психологик кураш, ОАВ лари, онглилик, идроклаш, акс эттириш манипуляция қилиш, психологик кўпоровчилик, ижтимоий тарғибот, жамоатчилик онги, инсонни хуфиёна бошқариш ва бошқаларга алоҳида эътибор қаратиш жоиз.

Миллий ахборий хавфсизлик тушунчаси ҳар бир инсоннинг, жамият ва давлатнинг хавфсизлигини ўз ичига олади. Ҳар бир инсон хавфсизлиги деганда унга шахс сифатида зарар етказиш мумкин эмаслиги тушинилади, унинг ижтимоий фаолияти олаётган ахборотларни идрок этишга ва бошқа инсонлар билан ахборий ўзаро алоқага кўп жиҳатдан боғлиқдир.

Жамиятнинг ахборий хавфсизлиги унинг маънавий, иқтисодий, сиёсий соҳаларига, маданий кадриятларига, инсонлар хулқ-атворини ижтимоий тартибга солувчиларга, ахборот инфра тузилмаларига ва булар ёрдамига узатилаётган хабарларга зарар етказиш мумкин эмаслигидан иборатдир.

Демак, ахборот истеъмоли маданиятини шакллантириш орқали ҳам бегона таъсирларнинг олдини олиш мумкин. Ахборотларни ҳаётимизга кириб келишини назорат қилиб бўлмайди. Ёшларимизни ахборотдан, оқилона фойдаланишга ўргатиш, ахборот истеъмоли маданиятини юксалтиришга ҳаракат қилишимиз лозим.

Юқоридагиларни назарда тутиб Биринчи Президентимиз И.А.Каримов томонидан берилган кўрсатмага мувофиқ олий таълим муассасаларига очик ахборот тизимларида ахборий психологик хавфсизлик фани ўқитилмоқда. Бунда, Ўзбекистондаги олий таълим муассасаларида таҳсил олаётган талабаларда очик ахборот тизимидан фойдаланиш учун тегишли ахборий психологик хавфсизлик

тизимининг имкониятлари ва истиқболлари ҳақидаги билим ва малакаларни шакллантириш учун куйидаги йўналишларга алоҳида эътибор қаратиш лозим бўлади.

- Ахборот асрининг ўзига хос хусусиятлари, моҳияти ва фаолияти ҳақида истиқболли ва хавфлилик жиҳатларини очиб бериш.

- Ахборот қарама-қаршилигининг моҳиятини аниқлаш таммадунлар назариясига холис баҳо бериш.

- Ўзбекистондаги миллий ва ахборий хавфсизлик тизимининг ўзига хос имкониятлари ҳақида фикр -мулоҳаза юритиш.

- Ахборий психологик хавфсизлик жараёнига давлат, жамият, шахс, позицияси нуқтаи назаридан баҳо бериш.

- Халқ онгида миллий истиқлол ғоясини мустаҳкам қарор топтириш, мафкуравий иммунитетни шакллантириш, ахборий психологик хавфсизликни таъминлашнинг муҳим омили эканлигини очиб бериш.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, шу юртда яшайдиган ҳар бир инсон ўзлигини англаши, қадимий тарихимиз ва бой маданиятимизни чуқур ўзлаштириши, ҳар бир воқеага нисбатан онгли ва мустақил фикр асосида ўз муносабатини билдириши талаб қилинади.

АХБОРОТ-ПСИХОЛОГИК ХАВФСИЗЛИКНИ ТАЪМИНЛАШДА ТАЪЛИМ-ТАРБИЯНИНГ ЎРНИ

Қудратов А., ҚарМШИ академик лицейи директори

Жамиятда ахборот-психологик хавфсизликни таъминлашда энг муҳим мезонлардан бири ахборотнинг очиқлиги, ахборот эркинлиги билан боғлиқ муаммодир. Мамлакатимизда ахборот эркинлиги ҳуқуқий жиҳатдан қанчалик таъминлангани ҳамда жамиятимизни ахборотлаштириш қонуний асослар билан амалга оширилаётгани бу борадаги ислохотларнинг янада самарали бўлишига хизмат қилади. Ватан тараққиёти, юрт келажаги, баркамол авлод тақдирини ўйлаб қилинаётган ишлар замирида, аввало, ёшларимиз маънавий оламини бойитишга қаратилган саъй-ҳаракатлар устувор. Шундай экан фарзандларимизни она Ватанга муҳаббат, бой тарихимизга, ота-боболаримизнинг муқаддас динига садоқат руҳида тарбиялаш учун, аввало, уларнинг қалби ва онгида мафкуравий иммунитетни кучайтиришимиз зарур. Токи ёшларимиз миллий ўзлигини, шу билан бирга, дунёни чуқур англайдиган, замон билан баробар қадам ташлайдиган инсонлар бўлиб етишсин. Ана шунда жохил ақидапарастларнинг ахлоқ-одоб тушунчаларини рад этадиган, биз учун мутлақо бегона даъватий ёшларимизга ўз таъсирини ўтказа олмайди.

Бугун жамиятимизга маънавий таҳдид солаётган хавф-хатар ҳақида зиёлиларимиз ошқора фикр айтмоқдалар. Аслини олганда, жамиятда шундай муаммолар бўладикки, уларни ижобий ҳал этиш учун йиллар давомида, эҳтимолки, абадул-абад курашишга тўғри келади. Шундай муаммолардан бири – “оммавий маданият” ниқоби остидаги таҳдидлардир. Бугунги глобаллашув даврида фарзандларнинг жисмоний соғлом юришини таъминлашнинг ўзигина етарли бўлмай қолди. Замонга хос ва мос юксак маърифатли, бунёдкор, шижоатли авлодни тайёрлаш зарурати жамият, энг аввало, оила институти зиммасига ғоят катта масъулият юкламоқда.

Ҳозирги замонда ўсмирлар онги, руҳиятида илгари кузатилмаган ўзгаришлар рўй берапти. Мазкур ўзгаришлар қандай характерга эга, агарда салбий бўлса, бунинг сабаблари нимада, ушбу таъсирларнинг олдини олиш учун нималарга эътибор қаратиш лозим?

Бугунқўпчилик ахборот манбаи сифатида интернетга мурожаат қилади ва у ҳаётимизнинг ажралмас таркибий қисмига айланиб улгурган. Таъбир жоиз бўлса, интернетни пичоққа ўхшатиш мумкин. Чунки пичоқ жиноятчининг қўлида қотиллик қуроли сифатида намоён бўлса, жарроҳ, ундан инсонлар ҳаётини сақлаб қолиш, ошпаз эса кишилар учун таом тайёрлаш, одамларга хизмат қилиш мақсадида фойдаланади. Айни нуқтаи назардан, интернетнинг вазибалари, имкониятларини тўғри англаш ва ундан мақсадга мувофиқ фойдаланишни ҳар бир фуқаро удралаши лозим, деб ўйлаймиз.

Интернетнинг ижобий томонларини инкор этмаган ҳолда, унинг энг кам сарф-харажат билан ёшлар орасида самарали деструктив фаолият олиб бориш имконияти мавжудлигини ҳам таъкидлаш лозим. Ҳар куни юзлаб ижтимоий тармоқларда миллиардлаб инсонлар бир-бирлари билан виртуал мулоқотга киришмоқдалар, видеохостингларга ташриф буюрмоқдалар, ҳар хил блогларда ўз фикрларини баён этиб, бошқаларнинг мулоҳазалари билан танишмоқдалар. Ёшларда бузғунчи, деструктив ғояларга қарши ҳали мафкуравий иммунитет тўла шаклланмагани, уларнинг эшитган ёки

ўқиган маълумотига жуда тез ишонишини назарда тутсак, бу анча эътибор қаратиш зарур бўлган жараёнлардир.

Ахборот-психологик хавфсизлик борасидаги бундай таҳдидларга қарши курашишда, энг аввало, ҳуқуқий асосни мустаҳкамлаш лозим, деб ҳисоблаймиз. Бу борадаги таҳдидлар доим ҳам мамлакат ичкарасидан чиқавермаслигини, уларни четдан туриб ташкиллаштиришга уриниш ҳоллари мавжудлигини ҳам унутмаслик зарур. Психологлар томонидан ҳозирги кунда “ахборий-қўпоровчи омил” деган тушунча истеъмолга киритилган. Ҳақиқатдан ҳам интернетдан тарқатилаётган қўпоровчилик руҳидаги ахборотлар баъзан ҳарбий ҳаракатларни амалга оширгандан ҳам кўпроқ самара бериши мумкин. Хусусан, мазкур ахборотларнинг шахсга таъсир қилиши мумкин бўлган жиҳатлари қуйидагиларда намоён бўлади:

а) кишиларнинг ахлоқий-психологик ҳолатини, дунёқараши, сиёсий нуктаи назари ва эътиқодини мақсадли равишда ўзгартиришга нисбатан қаратилган ахборий босим, хуруж;

б) нотўлиқ, атайлаб бузилган, нотўғри маълумот ва ахборотларнинг тарқатилиши;

в) тўғри маълумотнинг кишилар томонидан нотўғри идрок этилишини таъминлашга интилиш.

Ахборий таъсирнинг фойда ёки зарари унинг ўзи эмас, балки кўрсатиши мумкин бўлган натижаси билан тавсифланади. Зеро, ахборий таъсир моҳияти унинг муайян жараёнларни бошқаришга нисбатан имкониятида намоён бўлади.

Жамиятда “зомби”лар, шарқона тил билан айтганда “манқуртлар” пайдо бўлмаслиги учун шахсга бошқаларнинг салбий таъсир ўтказишига йўл қўймаслик мақсадида ахборот истеъмоли маданияти, мафкуравий иммунитетни таркиб топтириш ва ривожлантириш масаласи ҳануз долзарблигича қолмоқда.

Назаримизда, ўсмирлар, ёшларни интернетнинг салбий таъсиридан ҳимоялаш учун бир қатор ишларни амалга ошириш зарур.

Энг аввало, ёшларнинг компьютер олдида ўтказадиган вақтини меъёрга солиш лозим. Бунинг учун турли бадий, илмий китобларни ўқиш, мусиқа, спорт билан шуғулланишга ундаш мақсадга мувофиқ. Шифокорларнинг тавсияларига кўра, биринчи синф ўқувчилари кунига 10, иккинчи-бешинчи синф ўқувчилари 15, 6-9-синф ўқувчилари 20-25 дақиқа, ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари ўқувчилари кунига ярим соатдан бир соатгача компьютер қаршисида ўтиришлари тавсия этилади.

Шу билан бирга, интернетнинг маълум бир сайтлари ва порталларига киришни чегараловчи дастурлардан фойдаланиш ҳам маъқул. Бу ишларни амалга ошириш орқали интернетнинг ўсмирлар психикасига кўрсатадиган салбий таъсирини камайтириш мумкин.

Шунинг учун таълим муассасаларида таълим ва тарбияни узвий ҳолда, бирга олиб бориш зарурияти ҳақида бот-бот гапирилмоқда экан, таълим бериш жараёнида ёшларни мақсадга мувофиқ тарбиялаб бориш, тарбиялаш жараёнида таълимга оид маълумотлар, усуллардан ўринли фойдаланиш ҳар доим ҳам долзарб аҳамият касб этиб келган. Таълим муассасалари педагогик жамоаларида ошқоралик, хайрихоҳлик, бағрикенглик, танкидий-таҳлилий мушоҳадага асосланган ўзаро муносабатлар тизимини йўлга қўйишга алоҳида эътибор қаратиш лозим. Мазкур тизим педагоглар ва талабаларни деструктив ғоялар таъсирига тушишдан сақлашда, уларнинг психологик саломатлигини таъминлашда муҳим роль ўйнайди. Шу билан бирга таълим муассасаларида ижтимоий фанларни ўқитиш жараёнида асосий эътиборни талабаларда танкидий тафаккурнинг ривожлантирилишига, шунингдек, уларда ахборот-психологик хавфсизликнинг таъминланганлиги, психологик ҳимоя механизмларининг шаклланганлигига қаратиш даркор. Амалий психологик ва педагогик фаолият тажрибаси асосида таълим муассасаларига бузғунчи гуруҳлар мафкураси кириб келишининг асосий сабаблари, усул ва воситаларини таҳлил қилиш, таълим муассасалари ўқувчилари ва талабалари ўртасида ёт ғоялар психологик манипуляцияси ҳамда салбий таъсирининг олдини олишга қаратилган чора-тадбирлар, ижтимоий-психологик дастурлар натижаларини баён этиш мазкур йўналишдаги профилактик ишлар мазмунини бойитишга хизмат қилади. Айниқса, ёш даврлари билан боғлиқ шахс инқироз ҳолатлари мавжудлигини ота-оналар инobatга олишлари, мазкур ҳолатлар ўсмирлик даврида алоҳида эътибор талаб қилишини билишлари зарур. Чунки инқироз даврида инсон бирон-бир яқин кишининг маслаҳати, маънавий қўллаб-қувватлашига эҳтиёж сезади. Агар ёнида шундай кишиси бўлмаса, унинг фаолиятида салбий хусусиятлар, хулқ-атворида оғишлар кузатилиши мумкин. Уларда психологик маданият, мафкуравий иммунитет етарли даражада шаклланган бўлса, бу жараён салбий асоратсиз кечади.

Глобаллашув шароитида фарзандларимиз тарбиясини виртуал олам ихтиёрига бериб қўйиш эса ёмон оқибатларга олиб келиши мумкин.

Жамиятимизнинг, мамлакатимиз фуқароларининг жисмоний, психологик, ахлоқий, маънавий, маданий жиҳатдан соғлом бўлиши барчамизга боғлиқлигини эътибордан соқит қилмаслигимиз зарур. Бунда эса, албатта, оила, таълим муассасалари, жамоатчилик, фуқаролик институтлари ҳамкорлиги кучайтириб борилиши, барча фаол фуқаролик позициясини эгаллаши муҳим аҳамиятга эгадир.

Умуман олганда, фарзандларимизда ахборот истеъмолини шакллантириш жараёнида оилада бола билан ота-она муносабатлари демократик тамойиллар асосига қурилгани маъқул, деб ҳисоблаймиз. Айрим оилаларда кузатиладиган фарзандга нисбатан ҳаддан ташқари қаттиққўллик, авторитар муомала боланинг лапашанг, бўш, ўзгалар етовига тушиб кетаверадиган, мустақил фикри йўқ одам бўлиб шаклланишига, ёхуд ўжар, золим, кек сақлайдиган, қасоскор, муаммолари учун бошқаларни айбдор билиб, ҳаммадан ўч олишга ҳаракат қиладиган инсон сифатида вояга етишига олиб келиши мумкин. Фарзандини ҳаддан ташқари эркалатадиган, ёки уни қаровсиз, назоратсиз қолдирадиган ота-оналар ҳам борки, уларнинг болалари кўпинча ўта худбин, ўз манфаатидан бошқа ҳеч нарсани тан олмайдиган, баъзан эса ижтимоий ҳавfli шахслар бўлиб етишадилар. Шундай экан, фарзандларга эътиборли бўлиш, улар келажаги учун масъулликни англаб, мамлакат тараққиёти, ривожини учун хизмат қиладиган баркамол шахслар, етук мутахассисларни етиштиришга ҳаракат қилиш ҳар бир ота-онанинг бурчи бўлмоғи зарур.

Хуллас, бугунги кунда ёшларни турли ёт ғоялар, виртуал оламнинг салбий таъсирларидан ҳимоялаш эътиборга молик, давлат сиёсати даражасидаги масала эканлигидан келиб чиқиб, бу йўналишдаги ишларни сусайтирмаслик, уларни изчил ва тизимли олиб бориш, ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, уларда мафкуравий иммунитетни, ахборот истеъмоли маданиятини шакллантириш кенг илмий жамоатчилик, ота-оналар ва ҳар бир онгли фуқаро олдида турган долзарб вазифалардан биридир.

ИЖТИМОЙ БОШҚАРУВДА СИЁСИЙ МАНИПУЛЯЦИЯНИНГ ЎРНИ

*Ибрагимов Э., Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги
Давлат бошқаруви академияси Қариши ҳудудий филиали
бош мутахассиси, эркин изланувчи*

Давлат ва жамият бошқаруви мураккаб жараён бўлиб, уни ташкил этиш ва бошқариш бўйича турли хил моделлар, бошқарув шакллари ҳамда йўллари ишлаб чиқилган. Шундай бошқарув усулларида бири - ижтимоий бошқарув бўлиб, кишиларнинг биргаликдаги фаолиятининг барча шакллари, шу жумладан ишлаб чиқариш фаолиятини қамраб олади¹. Ижтимоий бошқарувнинг моҳияти жамият аъзоларининг умумий хоҳиш-иродасини намоён этиш, уларни кишилар ўз ҳаёти ва фаолиятини бошқариш учун тузган органларга бўйсундиришдан иборат. Бошқача қилиб айтганда, ижтимоий бошқарув бу пировард натижада, жамиятда ва бошқарув жараёнларининг муайян иштирокчилари ўртасида муносабатлар тизимини, тегишли механизмларни вужудга келтириш орқали ҳокимиятни амалга ошириш демакдир. Албатта, бошқарувни амалга оширишда жамият аъзоларини муайян ғояга ишонтириш ва орқали уларни ҳаракатга ундаш муҳим саналади. Сўнги пайтларда бу вазифани амалга оширишда энг самарали усул сифатида манипуляция кенг фойдаланилмоқда.

Бугунги кунга келиб манипулятив технологиялар тобора такомиллашиб, турли усул ва характер касб этмоқда. Манипуляциянинг амалга оширилишида жамоавий (гурухли) ёндашув мавжуд бўлиб, бу жараёнда асосан сиёсий бирлашмалар, ижтимоий ҳаракатлар ёки жамиятнинг муайян қатлами ёки синфи мўлжал қилиб олиниши мумкин. Бу бир жиҳатдан, мамлакатни кучли қатлами ҳисобланган ёшларни манипуляция қилиш орқали уларга мосланган технологиялар қўлланилишида намоён бўлади. Уларни таълим олишга бўлган эҳтиёжларини сўндириш, мамлакатдан чиқиб кетишга иштиёқини кучайтириш ёки Ватанпарварлик туйғуларини сўндириш мақсадида қўлланилади. Бошқа бир жиҳатдан сиёсий рақобат жараёнида сайловларда ғалаба қозониш, муайян сиёсий кучларни обрўсизлантириш, ҳокимиятга эгалик қилиш ва яна шу каби мақсадларда амалга оширилади.

Кейинги ўн йилликларда кучайган сиёсий манипуляция ҳозирги даврда ижтимоий бошқарув усули сифатида талқин этилмоқда. У билинмас ҳолда амалга оширилади, лекин қурбонликлар

¹ Конституциявий ҳуқуқ. Энциклопедик луғат. Масъул муҳаррир ва муаллифлар жамоасининг раҳбари Б. Мустафоев - Тошкент: "Ўзбекистон нашриёти", 2006 йил. - 584 бет.

бўлиши ва қон тўкилишига сабаб бўлмайди. У айниқса, ҳокимият учун сиёсий курашларда кўл келади.

Сиёсий манипуляциянинг асослари - ижтимоий-тарихий ва сиёсий мифлардир. Улар асосан сохта тасаввурга асосланган, ўйлаб чиқарилган ва ҳаётга тўғри келмайдиган ғоялардир (масалан, собиқ иттифоқ давридаги коммунизм қуриш ғояси). Ёки хусусий мулк — зулмнинг бош манбаидир, капитализм чириб битаётган тузумдир ва хоказо. Сиёсий манипуляцияда кўпроқ ярим ҳақиқат, ўзаро келишилмаган нималардир ва айрим хусусийликлар асосий ўрин тутди. Сиёсий манипуляция жараёнида ахборотларни манфаатли жойларида бўёқларни қуюқлаштириш авж олади. Сиёсий манипуляция учун турли ёрликларни ёпиштириш хос бўлиб, жимжитлик, ахборотларни парча-парча холида бериш унинг асосий хусусиятларидан биридир¹.

Барча даврларда ҳам демократик давлат сиёсати учун сайловлар орқали ҳокимиятга эришиш жуда муҳим саналганлиги боис унга эришишда ҳаммиша йўл қўйилган ёхуд ҳеч бўлмаганда, расман ман қилинмаган исталган воситалардан фойдаланиш тенденцияси мавжуд бўлган.

Шунинг учун ғарб мамлакатларида, сўнгги йилларда Ўзбекистонда ҳам реклама бизнесининг янги йўналиши – имиджмейкинг мувафақиятли тараққий топмоқда, у сиёсий арбобларнинг сайловчилар учун жалб қилувчи образларни яратишга ихтисослашган. Профессинал-имиджмейкерлар ва сайлов компаниялар ташкилотчилари кийим урфидан тортиб, ўз ичига кўп миқдорда кизиқарли ваъдаларни олувчи нутқ таркибига ҳар бир икки чикирни ишлаб чиқишади.

С.Г.Кара-Мурзанинг фикрига қараганда, “инсон манипуляциянинг қурбонига фақатгина у ҳаммуаллиф, иштирокчи бўлса, айланиши мумкин”². Шунини алоҳида таъкидлаш мумкинки, ОАВнинг сиёсий фаол фуқароларга таъсири самаралироқ ҳисобланади, айна пайтда иштирок этишдан бош тортаётган ва сиёсий коммуникация соҳасидан ўзини ҳар томонлама чегараловчи аҳолига таъсир кам аҳамиятлидир. Қолаверса, сиёсий фаол фуқароларга таъсир керакли ахборотни турли ахборот оқимлари бўйича етказиш орқали амалга оширилиши мумкин. Сайловчиларнинг турли сегментлари асосий сиёсий субъект хусусида турли ахборотни олиши зарур. Айна мана шу ахборот атрофида ахборий компания амалга оширилади.

Бугунги кунда манипуляция усулларнинг кўплаб синфлари мавжуд. Улардан биринчиси ХХ асрнинг 30 йилларида АҚШда Тарғибот таҳлили Институти мутахассислари томонидан яратилган “тарғибот алифбоси” саналади. Унда қуйидаги усуллар таърифланган:

1. “Дум итни ликкилатади” (манфаатдор тарафлар иккинчи даражали воқеаларни фаолроқ муҳокама этилиши йўли билан ҳақиқатдан ҳам муҳим саналган воқеалардан эътиборни чалғитиш);

2. “Умумий вагон таассуроти” (китобхон рағбат билан у ёки бу ёндашувни қабул қилишга мажбур, чунки у тегишли бўлган ижтимоий гуруҳнинг қолган аъзолари ҳам шундай ҳисоблашади);

3. “Ёрликларни осий” (кенг машҳур бўлган шахс ёки ҳодисалар учун ҳақоратли метафоралар, номлар, лақаблар танланиб, ахборот борлиғига жўнатилади, шу тариқа, у ёки бу шахсни қоралаш ёхуд жамоавий ҳодисага адоват ҳиссини уйғотиш имкони туғилади);

4. “Оддий халқ ўйини” (бу усул одатда сайловолди компаниялари даврида ишлатилиб, номзод “ўзиники” сифатида тақдим этилганда, ўз чиқишларида мақсадли аудиториясига тушунарли бўлган нутқдан фойдаланади, баъзан таржимаи ҳоли ҳам сайловчилар талабини ҳисобга олган ҳолда қайта ёзиб олинади);³.

Атрофдаги олам ва ундаги ҳодисалар ҳақидаги ахборотни оддий одам айна ОАВдан олади, шунинг учун коммуникациялар воситаси чиндан ҳам кишиларга энг самарали таъсир воситаларидан бири деб номлашимиз мумкин. Манипулятив усуллардан моҳирона фойдаланиш сиёсий кучларнинг бош мақсадига – жамият аъзолари ўртасида керакли қурилмаларни яратиш, рўёбга чиқариш ва ҳокимиятни сақлаб қолишга эришишига кўмаклашади. Шунини таъкидлаш жоизки, политехнологлар оммавий ахлоқнинг муайян моделини шунчаки ўрнатишга эмас, балки инсон танловининг мутлақ эркинлиги ҳиссини яратишга интиладилар.

Шундай ҳулосага келишимиз мумкинки, тадқиқотчилар томонидан оммавий онгни манипуляция қилиш муаммосини ўрганишга бўлган қизиқиши йилдан-йилга ўсиб бормоқда. Технологияларнинг тараққиёти ва турли оммавий ахборот воситаларининг кўпайиши билан оммавий онгни манипуляция қилиш усуллари ҳам кўпаймоқда.

¹ Қирғизбоев М. Сиёсатшунослик. Олий ўқув юртлари талабалари учун ўқув қўлланма. Тошкент “Янги аср авлоди” 2013. 435-бет.

² Кара-Мурза С. Г. Манипуляция сознанием. [Электронный ресурс]. – Режим доступа: <http://www.lib.ru/POLITOLOG/karamurza.txt>

³ Техника дезинформации и обмана / Под общ. ред. Я.Н. Засурского - М.: Мысль, 1978.- С. 75

Фойдаланилган адабиётлар

1. Конституциявий ҳуқук. Энциклопедик луғат. Масъул муҳаррир ва муаллифлар жамоасининг раҳбари Б. Мустафоев - Тошкент: “Ўзбекистон нашриёти”, 2006 йил.
2. Қирғизбоев М. Сиёсатшунослик. Олий ўқув юртлари талабалари учун ўқув қўлланма. Тошкент “Янги аср авлоди” 2013.
3. Фуқаролик жамияти асослари: ўқув қўлланма/А.Жалилов, У.Муҳаммадиев, Қ.Жўраев ва бошқ. — Тошкент, 2015
4. Кара-Мурза С.Г. Манипуляция сознанием. [Электронный ресурс]. – Режим доступа: <http://www.lib.ru/POLITOLOG/karamurza.txt>
5. Техника дезинформации и обмана/Под общ.ред. Я.Н. Засурского - М.: Мысль, 1978.

GLOBALLASHUV TUSHUNCHASINING MAZMUNI VA MOHIYATI

Oripova N., Qarshi DU dotsenti.

Barkamol avlodni shakllantirishdek dolzarb vazifani amalga oshirish davom etayotgan hozirgi davrda yoshlarni globallashuv jarayonlarida ma'naviy xurujlardan himoyalash dolzarb muammolardan biri bo'lib qolmoqda.

Xo'sh globallashuv o'zi nima? unga berilgan ta'riflarning mazmuni qanday? Globallashuv atamasi dastlab XX asrning 80-yillari boshlarida iqtisodiy sohada sodir bo'lgan o'zgarishlarni yuzaga keltirgan omil sifatida amerikalik olim T. Levittning 1983 yilda “Garvard biznes revyu” jurnalida e'lon qilgan maqolasida qo'llanilgan edi. Unda aytilishicha, Globallashuv – transmilliy korporatsiyalar ishlab chiqaradigan turli – tuman mahsulot bozorlarining birlashuv jarayoni”¹

Uni o'rganish jarayoni esa Roland Robertson tomonidan 1985 yili uning jahonni yagona bir butun qilish maqsadiga qaratilgan obyektiv jarayonlarning majmuasi sifatida aniqlangan davridan boshlangan.² Bu tushunchaga ana shu paytdan boshlab to hozirgacha turlicha qarashlar davom etib kelmoqda. Aksariyat ko'pchilik ilmiy tadqiqotlarda globallashuvni lotin tilidagi “globus” shar, fransuz tilidagi “global” umumbashariy so'zlari bilan ta'riflaydilar. Respublikamiz olimlari hamkorligida nashr etilgan “Falsafa qomusiy lug'ati”da “Global (umumbashariy) muammolari” tushunchasi berilgan. Unda bu tushuncha (Fransuzcha global eng umumiy) o'z ko'lamini, qamrovi jihatidan xilma-xil va butun yer shariga, insoniyatga dahldor bo'lgan muammo ekanligi ta'kidlanadi. Shuningdek mazkur lug'atda global muammolar keng ma'noda inson va tabiat o'rtasida o'zaro aloqalarning buzilganligini anglatadi, deb ko'rsatiladi hamda bugun jahonda yuzaga kelgan global muammolarning bir nechtasi misol tariqasida keltiriladi.

Globallashuv tushunchasi haqida mamlakatimiz olim va siyosatchilari ham o'zlarining fikr-mulohazalarini bildirmoqdalar. Jumladan, faylasuf olimlarimizdan yana biri Abdurahim Erkayev globallashuv va uning yuzaga kelishi haqida quyidagi fikrni ilgari suradi: Globallashuv – jahon taraqqiyotining asosiy tendensiyalaridan biridir. Savdo va ishlab chiqarish, iqtisodiy, moliyaviy aloqalarning dunyo miqyosida g'oyat kuchayishi, tezlashishi globallashuvning vujudga kelishiga zamin yaratdi. Globallashuv – iqtisodiy, siyosiy, madaniy aloqalarning haddan tashqari intensivlashuvi, eng yangi axborot texnologiyalari va umuman axborotning jahon miqyosida shiddat bilan tarqalishi, xalqaro standartlashuv va maishiy turmushda, iste'molda, shu jumladan, nomoddiy iste'molda umumiy qolip hamda andozalarning paydo bo'lishidir³.

Siyosiy fanlar nomzodi N. Umarova “Globallashuv sharoitida yoshlar ongi va qalbini egallashga urinishlar” mavzusidagi maqolasida “Globallashuv nomi bilan tarixga kirgan bu jarayon shiddati, chegara bilmasligi va oqibatlarining noaniqligi tufayli kishilik jamiyatining asosli xavotiriga sabab bo'lmoqda. Dastlab iqtisodiy integratsiya asosida yagona moliyaviy makonni shakllantirishna yo'naltirilgan bu jarayon jamiyat hayotining boshqa sohalariga ham dahl qilmoqda. Globallashuv yalpi, kompleks tabiat kasb etib, uning ta'siri axborot sohasiga, ma'naviy hayotga, siyosatga, sotsial sohaga yoyilmoqda.” (N. Umarova “Globallashuv sharoitida yoshlar ongi va qalbini egallashga urinishlar”. Globallashuv va yoshlar tarbiyasi. Respublika ilmiy-amaliy anjuman materiallari. Qarshi. Nasaf. 2008, 12-13 b.)

“Aqliy imkoniyat belgilarining begonalashuvi” maqolasining muallifi professor S. Choriyev shunday yozadi: “Globallashuv sharoitida aqliy imkoniyat belgilarining aqldan begonashuvi umumbashariy xarakter kasb etmoqdaki, yoshlarga ta'lim va tarbiya berish jarayonida ushbu tendensiyani chetlab o'tib bo'lmaydi.”, shuningdek, olim aql to'g'risida: “Inson aqliy imkoniyatlaridan dalolat beruvchi birinchi belgi uning

¹ Баҳодир Зокир. Глобаллашув зиддиятлари.- Тафаккур. 1-сон, 27 б.

² Гринин Л.Е.. Глобализация и национальный суверенитет. История и современность.- М.: №1, 2005,с. 811.

³ Эркаев.А: Глобаллашув: ахборот хуружи ва оммавий маданият. Тафаккур. 2008, 4 сон, 11,12- б.

tushunchalar hosil qilish, mulohaza yuritish va xulosa chiqarish bilan bog'liq bo'lgan oliy qobiliyati sifatida e'tirof etiladi. Binobarin, tushunchalar hosil qilish, to'g'ri mulohaza yuritish, sog'lom xulosa chiqarish qobiliyatiga ega bo'lgan kishilargina haqiqiy aql sohibi deb atash mumkin." (S. Choriyev. "Aqliy imkoniyat belgilarining begonalashuvi". Globallashuv va yoshlar tarbiyasi. Respublika ilmiy-amaliy anjuman materiallari. Qarshi. Nasaf. 2008, 17b.)

Basharti olimimiz aytganidek, globallashuv jarayonlarida aql bilan ish tutmoq, unga tayanish muhim ahamiyat kasb etadiki, negaki bu jarayonda aqlga bilan bajarilgan ish o'z samarasini beradi.

Darhaqiqat, globallashuv jarayoni hozirda hayotimizga tobora tez va chuqur kirib kelmoqda. Globallashuv jarayonidan ikki xil maqsadda – ezgulik va yovuzlik yo'lida foydalanish mumkin. Ezgulik yo'lidagi harakatlar davlatni va jamiyatni rivojlantirishga xizmat qiladigan bo'lsa, yovuzlikni maqsad qilgan taraqqiyot mahsuli esa buning tamomila aksidir.

Umuman olganda, barcha tadqiqotchi olimlar global o'zgarishlar faqat iqtisodiy omillar bilangina chegaralanmasdan, madaniy o'ziga xosliklarga ta'sirini albatta o'tkazishini ta'kidlaydilar, biroq ushbu ta'sir doirasi to'g'risida har xil munosabat bildiradilar. Ba'zilar yangi texnologiyalarning keng tarqalishini qo'llab-quvvatlaydilar, bu bilan globallashuv jarayoni barcha salbiy oqibatlarining oldini olishga qodir deb hisoblaydilar. Farb tsivilizatsiyasining yutuqlaridan hayratlangan boshqalar esa globallashuv faqatgina ijobiy o'zgarishlarga olib keladi degan fikrda. Ushbu toifadagi tadqiqotchi va olimlar bu o'rindagi madaniy o'ziga xoslikni qoloqlik, kambag'allik, taraqqiyotdan voz kechish kabi tushunchalarning sinonimi sifatida baholaydilar. Uchinchi bir guruhdagilar esa global o'zgarishlarda katta tahdid mujassam ekanligini ta'kidlaydilar.

ГЛОБАЛЛАШУВ ЖАРАЁНИ ТАЛАБЛАРИГА МОС ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ ФАОЛ ЁШЛАРНИ ТАРБИЯЛАШ

*Рисқулова К. Дж., ЎзДЖТУ доценти, н.ф.д.
Фуломова Н. Р., ЎзДЖТУ талабаси*

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида ёшларга оид давлат сиёсатини такомиллаштиришда жисмонан соғлом, руҳан ва ақлан ривожланган, мустақил фикрлайдиган, Ватанга содиқ, қатъий ҳаётий нуқтаи назарга эга ёшларни тарбиялаш, демократик ислохотларни чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш жараёнида уларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш устувор йўналишларидан бири сифатида белгиланади.

Дарҳақиқат, ёшларнинг ижтимоий фаоллиги мамлакатимиз ижтимоий, иқтисодий, маънавий тараққиётининг муҳим омилidir.

Бугунги кунда ёшларнинг ҳуқуқий демократик жамият қурилишидаги роли юксалмоқда. Ёшларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш жараёнига жамиятнинг барча институтлари яъни, оила, таълим муассасалари, маҳалла, фуқаролик жамияти институтларининг фаол иштирок этиши, мазкур жараёни мазмун ва моҳиятан илмий-назарий, ҳуқуқий, методик ва амалий жиҳатдан самарали ташкил этиш гаровидир.

Ўзбекистон мустақиллиги йилларида глобаллашув жараёни талабларига мос ижтимоий-сиёсий фаол авлодни тарбиялаш масаласи давлат сиёсатининг устувор масалаларидан бирига айланди. Дарҳақиқат, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев томонидан олға сурилган "2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси"да таъкидланганидек: "Ёшларга оид давлат сиёсатини такомиллаштиришда жисмонан соғлом, руҳан ва ақлан ривожланган, мустақил фикрлайдиган, Ватанга содиқ, қатъий ҳаётий нуқтаи назарга эга ёшларни тарбиялаш, демократик ислохотларни чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш жараёнида уларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш"[1.4/5] мамлакатни ривожлантиришнинг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади.

Чунки, глобаллашув, интеграция жараёнида барча соҳалардаги шиддат билан кечаётган тараққиёт инсониятни ижтимоий фаоллигини тақозо этади. Бу ўринда ёшларнинг ижтимоий фаоллигини оширишга алоҳида эътибор бериш давр талабидир. Шу боис, уларнинг иқтидори, истеъдоди, қобилияти, интеллектуал салоҳияти, креатив ва соғлом тафаккурини жамият талабларига мос ривожлантиришдан давлат ва жамият манфаатдордир. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 20 октябрдаги Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари - Ёшлар сиёсати, маданият, ахборот тизимлари ва телекоммуникациялар масалалари

комплекси раҳбари ҳамда унинг маслаҳатчисининг функционал вазифалари шунингдек ёшлар сиёсати, маданият, ахборот тизимлари ва телекоммуникациялар масалалари ахборот-таҳлил департамент тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш ҳақида”ги қарори [3] асосидареспубликамизда **ёшлар ишлари бўйича махсус тизимнинг** жорий этилишидан мақсад ҳам уларнинг жамиятдаги ижтимоий фаоллигини оширишдан иборатдир.

Луғатларда изоҳланишича “Ижтимоий фаоллик-ижтимоий субъектлар (жамият,табақа,гуруҳ ва шахслар)нинг ижтимоий-сиёсий жараёнлардаги иштирокининг,меҳнат ҳамда маданий-маърифий фаолиятининг кучайиши,қонунда белгилаб қўйилган ҳуқуқ ва бурчларини тўлиқ амалга оширишга интилиши” демақдир. Шунингдек, ижтимоий фаоллик шахснинг жамиятда ўз ўрнини топиши ва хулқ атворини онгли равишда бошқаришниинг асосий шарти ҳисобланади. Ижтимоий тарбия эса-тарбиянинг муҳим бир шакли, бутун жамият,халқ,миллат ва табақага кўрсатилган мақсадга мувофиқ маънавий таъсирни ифода этадиган тарбия”дир. [4.187-188]. Ижтимоий фаоллик натижаси шахс онги ва тафаккури маҳсули сифатида амалий фаолиятда ўзини намоён этади. Ёшларнинг ижтимоий фаоллиги демократик фуқаролик жамияти барпо этишнинг негизи ҳамда мамлакатимизни дунёдаги энг ривожланган мамлакатлар қаторидан ўрин олишларида муҳим омил ҳисобланади. Шу боис, мамлакатимизда ёшларни жаҳон стандартларига мос рақобатбардош мутахассис кадрлар бўлиб етиштишлари билан бир қаторда, уларни ижтимоий фаол фуқаро сифатида тарбиялаш давлат таълим сиёсатининг устувор масалаларидан бирига айланган.

Педагогика ва психология соҳасида ушбу муаммо бўйича олиб борилган тадқиқот ишлари натижаси таҳлиллари шундан далолат берадики, ёшлар ижтимоий фаоллигини шакллантиришнинг педагогик механизмлари, унинг таркибий компонентлари, манбалари, шарт-шароитлари, мазмуни ва самарали шакл ва методлари глобаллашув шароити талаблари асосида етарлича тасниф этилмаган. Шу боис, биз ёшларда шакллантирилиши лозим бўлган ижтимоий фаолликнинг тўртта муҳим жиҳатларига асосий эътиборни қаратдик:

- ёшларда глобаллашув жараёни талабларига мос ижтимоий-сиёсий фаолликни шакллантириш;
- умуминсоний ва миллий демократик кадриятларга содиқлик асосида замонавий кенг дунёқараш ва бағрикенгликни ривожлантириш;
- маънавий-маърифий тарбия негизида ёшларда мафкуравий иммунитет ва миллий ўзликни англашни шакллантириш;
- жамият тараққиётида ҳар бир шахс ўз интеллектуал салоҳияти, ижодкорлиги, ташаббускорлиги, креатив тафаккур мезонлари асосида фуқаролик позициясини намоён этишдан иборатдир.

Мазкур йўналишлар асосида ёшлар фаолиятида намоён бўладиган ижтимоий фаолликнинг бир қатор индикаторлариниқуйидаги мазмунда тақлиф этдик:

- мамлакатимизда ёшларга оид давлат сиёсатининг асосларини ғоявий-сиёсий моҳиятини назарий ва амалий жиҳатдан англаб етиш ва унга фаолияти жараёнида методологик асос сифатида амал қилиш;
- ёшларнинг ўз ҳуқуқ ва бурчларини мукамал билишлари ва уларга оғишмай амал қилишлари;
- мафкуравий иммунитет орқалитурли ёт мафкуравий оқимлар, ғояларга нисбатан муросасизликни ўз амалий фаолиятида намоён этиш;
- умуминсоний ва миллий кадриятларга нисбатан ҳурмат ва эҳтиромни назарий ва амалий жиҳатдан исботлаш;
- глобаллашув жараёни талабларидан келиб чиққан ҳолда толерантлик тафаккури асосида турли миллат вакиллари, уларнинг миллий анъаналари, тили, дини, маданияти, санъатига нисбатан ҳурмат ва эҳтиромини кўрсатиш;
- шахсий рефлексия талабларига риоя этган ҳолда ўз фаолиятини доимий назоратда ушлаб олиш, натижани олдиндан кўра билиш қобилятини намоён этиш.

Албатта ёшлар ижтимоий фаоллигини белгилаб берадиган мазкур индикаторларнинг ҳаётийлиги, замонавийлиги, илмий ва методик жиҳатдан асосланганлиги муҳим рол ўйнайди. Ёшлар ижтимоий-фаоллигини шакллантириш ва уларнинг натижасини ижтимоий-педагогик жиҳатдан баҳолаш мураккаб педагогик-психологик жараён ҳисобланади. Буни қуйидаги босқичларда мақсадга мувофиқ:

Биринчи босқич: аниқловчи, ижтимоий ташхисловчи босқич.Таълим тизимининг барча бўғинларига биринчи қадам қўйган болалар, ўқувчи-ёшларини махсус дастур асосида ижтимоий педагогик ва ижтимоий психологик ташхислаш ишлари амалга оширилади.

Иккинчи босқич: ушбу ташхис натижалари асосида ўйин, ўқиш ва меҳнат фаолиятларининг мазмуни болалар ва ўқувчи ёшларнинг психологик хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда ижтимоий фаолликни тарбиялаш нуқтаи назаридан аниқланади.

Учинчи босқич: ташхис натижалари асосида таълим-тарбия жараёнини лойиҳалаштириш, натижани башоратлаш (мазмунни танлаш, инновацион таълим-тарбия шакл, метод ва воситаларини аниқлаш) амалга оширилади.

Тўртинчи босқич: мақсаддан келиб чиққан ҳолда таълим-тарбияга инновацион ёндошув асосида жараёни ташкиллаштириш, назорат қилишишлари амалга оширилади.

Бешинчи босқич: ўрганиш, таҳлил этиш, умумлаштириш, баҳолаш, хулоса ва тавсиялар яратиш, мотивациялашдан иборатдир. Мазкур босқичда ташкил этиладиган таълим-тарбиявий ишлар самарадорлиги педагогик-психологик тамойилларни аниқ ва мақсадли танланишига боғлиқдир.

Тадқиқот натижалари шундан далолат берадики ёшлар ижтимоий фаоллигини оширишнинг ғоявий-ижтимоий манбалари мавжуд бўлиб, улардан таълим жараёнида самарали фойдаланиш ўқитувчидан юксак педагогик маҳорат талаб этади.

ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИНИНГ ТАЛАБАЛАР ОНГИГА САЛБИЙ ТАЪСИРИ

Исмоилов Н., Эшонқулов Н., Қарши ДУ ўқитувчилари

Оммавий ахборот каналларнинг ривожланиши ва кенгайиши ХХI асрни ахборот технологиялари асри деб аташимизга асос бўлади.

ОАВ тармоқлари-ахборот агентликлари, газеталар, журналлар, интернет, радио ва телевидение томонидан турли шаклдаги информатив ахборотлар, сюжетлар, аудио ва видео фильмлар ёйилишининг кенгайиши муносабати билан одамлар хатти-ҳаракатида, хулқида, имо-ишораси ва ҳаракатланиш маромида ўзгаришлар юз бермоқда. Ахборот-коммуникация технологияларининг ривожланиши жаҳон ҳамжамияти ҳаётида ҳам ижобий, ҳам салбий хусусиятларни шакллантирмоқда.

Маданий алоқалар негизида миллатлар урф-одати, қадриятлари ҳақида маълумот олиш, мамлакатлар табиати билан танишиш, янги технологиялар моҳиятини англаш, спорт турларини ўзлаштириш учун имконият яратади. Бу ижтимоий тараққийпарварлик кўринишининг ифодаси бўлиб миллатлараро байналминалчилик туйғусини шакллантиради. Табиатни тўғри идрок этишга, ватанпарварлик туйғусининг пайдо бўлишига, нафосат ҳиссини эгаллашга, фан ва техникага қизиқиш ўйғотишга, савиянинг кенгайишига таъсир этаб, камолотга эришиш жараёнини тезлаштиради, уни яшаш ва кураш йўллари билан таништиради.

Ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида катта имкониятга эга, ривожланган мамлакатлар ўз шахсий манфаатларига мос келувчи турмуш тарзини, қадриятларни, нуктаи-назарни, ғояларни, фикрларни илгари суриши оқибатида жамиятимиз ахлоқий заминига путур етказиши мумкин. Оммавий ахборот воситаларининг таъсири остида ижтимоий аҳамиятга эга бўлган ҳодисалар сохталаштирилиши ҳамда жамоатчилик фикрини манипуляция қилиши (чалғитиши) мумкин. МДХ давлатларидан Грузия ва Украинадаги “Рангли инқилоблар” вақтида ҳам, диний экстремистик ғояларнинг юртимизда кириб келишида ҳам шундай ҳолат юз берган эди.

Бугунги кунда ғарб фильмларини кўраётган ёшлар хулқ-атворида вулгарлик, ҳаракатида кўполлик, нутқ фаолиятида дағаллик, юриш-туришида ибосизлик, шарм-ҳаёсизлик иллатлари шаклланмоқда. Уларда кекса авлод муқаддас деб билган одоб-ахлоқ қоидаларига риоя қилиш хоҳишлари камайиб, уларнинг ўрнига замонавий шакллари яратишга, ўзининг дағаллиги билан кескин ажралиб туришига алоҳида эътибор беришга қаратмоқда.

ОАВ миллий урф-одатларга салбий таъсир этиб, одамларни номуссизлик, жаҳолат, шафқатсизлик, шахвоний ҳаёт намуналари билан таништирмоқда. Радио ва видео фильмлар ва инфорацион ахборотлар балоғатга етмаган ўғил-қизлар хулқининг бузилишига олиб келмоқда, шахслараро муносабат маромини ўзгартириб, шарқона тарбияга зарар етказмоқда. Уларнинг таъсирлари талабаларнинг қуйидаги хатти-ҳаракатларида намоён бўлмоқда:

- нутқ фаолиятида муомала маданиятидан узоклашиб жаргонлардан кенг фойдаланиш;
- кино ва ҳазилларнинг дағаллиги;
- шарм-ҳаёсиз қилиқлар намоён қилиш ва кийинишда меъёрдан чиқиш;
- ҳаётга енгилтаклик билан қараш;
- шахслараро муносабатларда фирибгарлик ва диёнатсизликнинг кучайиши.

Бу иллатлар таъсири остида одамлар ўртасида хурмат, кадр-қиймат, меҳр-оқибат кўтарилиши, бағритошлик, сохта улуғлаш кучаяди. Маълумки, маънавий баркамол, мустақил дунёқарашга эга инсонгина турли хил тайзиқларга руҳан барқарор қаршилик кўрсата олади. Талабалар онгида миллий қадриятлар ва миллий ғояни сингдиришимиз, миллий урф-одат ва ананаларни ҳаётга қайтаришимиз, бизга ёт бўлган оқимларга қарши муросасизликни тарбиялашимиз лозим.

ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТДА ИНТУИЦИЯ, ЗЕҲН ВА ТАФАККУР

Чориев И. Ч., ЎзОЎМТВ маънавият маърифат маркази

Педагогик тадқиқотда фикрий экспериментал тафаккур алоҳида ўрин тутди. Бу эса тадқиқотчининг интуицияси, зеҳни ва педагогик тафаккурига боғлиқ. Тадқиқотчининг интуитив қобилияти, унинг фан билан яшаши, фикрлаши, мулоҳаза юритишида ривожланади. Интуиция ҳақиқатга эришишда билимни тўғридан тўғри исботлаш ёрдамида таянмасдан қўлга киритиш каби Интуитив “кўриш” нафақат тасодифан ва кутилмаганда содир бўлади, балки ушбу натижага олиб келувчи йўллар воситаларни англамаган ҳолда ҳам рўй беради. Инсоннинг интуитив қобилиятига 1. масаланинг кутилмаган ечими, 2. уни ечишнинг англамаган йўллари ва усуллари ҳамда, 3. муайян масалада ҳақиқатга эришишнинг бевоситалиги.

Интуициянинг шаклланиши ва намоён бўлишининг умумий шарт-шароитларига қуйидагилар киради: 1. Инсоннинг астойдил касбий тайёргарлиги ва муаммони чуқур бўлиши, 2. Изланиш вазияти ва муаммолик ҳолати;

3. Муайян мақсаднинг аниқлиги бирон-бир “туртки” берувчи омил (воситанинг) бўлиши.

Илмий тадқиқотда тафаккур ҳал қилувчи омиллардан бири Тафаккур – объектив воқеликни онгда акс этиш жараёнидир, инсон ақлий фаолиятининг юксак шакли. Сезги, идрок ва тасаввур орқали билиб бўлмайдиган объектлар тафаккурда онгли равишда акс этади. Тафаккурда махсус ақлий операциялар таққослаш анализ ва синтез, абстракциялаш, умумлаштириш. Тафаккур жараёнида фикр вужудга келади, бу фикрлар инсон онгида, ҳукм ва тушунчалар шаклини олади, сўнг муҳокама, хулоса, гипотеза, назария ва бошқа шаклларда юзага келади.

Педагогик тадқиқотда интуиция ва тафаккур алоҳида ўрин тутди. Таълим-тарбия жараёнининг хилма-хиллиги, таълим-тарбия натижаларининг муҳимлиги ижодкордан юксак тафаккур, зеҳн ва интуицияни талаб этади. Масалан, педагогика тарихи мавзусини ўрганаётганда айрим далиллардан илмий хулоса чиқариш имкониятини беради. Ўрта асрлар Шарқ алломалари қаторида ўнлаб Насафий, Касбавий, Кеший олимлар кашф этилган (Шарқнинг буюк алломалари китоби.) Демак, ўша даврда шу шуҳарларда илм фан тараққий этган, мадрасалар бўлган деган хулоса, тафаккур асосида эришилади. Тадқиқот гипотезаси, илмий фарази ҳам тафаккур асосида юзага келади.

Педагогик тадқиқотларда педагогик психологик вазиятларни аниқлаш, уни ижобий ечиш йўли ҳам илмий тафаккурдир. Таълим-тарбиянинг муҳим воситаси бола қалбига йўл, таълим-тарбиянинг дифференциал тамойили ҳам педагогик тафаккурга асосланади.

Таълим-тарбиянинг коммуниктаив конструктив муаммосини оптимал ечими педагогик моделларини яратишда тафаккур фикрий экспериментга таянади.

ГЛОБАЛ АХБОРОТ ОҚИМИНИНГ ЁШЛАР ОНГИГА ТАЪСИРИ

Авазов С., Қарши ДУ ўқитувчиси

Бугун ахборот қудратли кучга айланиб, глобал маконни тўла қамраб олди, у барча ҳудудларни забт этиб давлатлараро чегараларни йўққа чиқармоқда. Ахборотлашувнинг жамият ҳаётининг барча соҳаларига кўрсатаётган таъсири борган сари кучайиб бормоқда. Айниқса, интернет, унинг турли тармоқ ва сайтлари кексаю ёшни, эркагу аёлни оҳанграбодек ўз домига тортиб, бошини гангитиб қўйди. Зарурати бўлса, бўлмаса интернетни кавлаштириш одамларнинг кундалик одатига айланиб бормоқда. Интернетни кузатиб бормаган киши замон нафасидан беҳабардек сезади ўзини. Бу бежизга эмас, албатта. Жаҳон айвонида содир бўлаётган барча воқеа-ҳодисалардан бир лаҳзада огоҳ бўлишга нима етсин. Айниқса улар жуда ранг-баранг ва анча кизиқарли бўлса. Ана шу тезкорлик, ана шу қулайлик ва ана шу жозибаторлик ёшлар учун айна муддаода. Аммо, кўпинча айнан шундай жозибаторлик замирида турли сир-синоатлар, турли мақсадлар, ғайир ниятлар яширинган бўлади. Ташқи ялтироқлик ички моҳиятни англаб олишга халақит қилади. Бугунги глобал ахборотлашув жараёнида ҳам ушбу ҳолат кузатилмоқда, деб айтишимиз мумкин. Ахборотлар оқимининг шиддати, ахборот коммуникация воситаларининг кун сайин ривожланиб, такомиллашиб, мукамаллашиб бораётганлиги туфайли ахборотларнинг бутун кўламини, моҳиятини, ахборот остидаги яширин ғояни ва ахборот тарқатувчи манба мақсадини бирданига англаб олишга мушкуллик туғдирмоқда. Бу эса турли геополитик кучларнинг тегирмонига сув қуйиб, унинг бетўхтов ишлаб туришига қулай шароит яратиб бермоқда.

Сирасини айтганда, оммавий ахборот воситаларининг ижтимоий онгга кўрсатаётган таъсири жуда ортиб кетди. Айниқса у ёшлар дунёқарашини, маънавий оламини, руҳиятини, савиясини ўз йўриғига юргизмоқда. Ўзбекистоннинг биринчи Президенти И.Каримов тўғри таъкидлаганидек, “Бугунги кунда ёшларимиз нафақат ўқув даргоҳларида, балки радио-телевидение, матбуот, интернет каби воситалар орқали ҳам ранг-баранг ахборот ва маълумотларни олмақда. Жаҳон ахборот майдони тобора кенгайиб бораётган шундай бир шароитда болаларимизнинг онгини фақат ўраб-чирмаб, уни ўқима, буни кўрма, деб бир томонлама тарбия бериш, уларнинг атрофини темир девор билан ўраб олиш, ҳеч шубҳасиз, замоннинг талабига ҳам, бизнинг эзгу мақсад-муддаоларимизга ҳам тўғри келмайди”¹. Кўриниб турибдики, вазият жуда мураккаб. Таъқиқ ва чекловлар билан иш битмайди. Қолаверса, юкорида таъкидланганидек, коммуникация технологиялари йил сайин эмас, кун сайин такомиллашиб бораётган замонда ёшлар онгини ихоталашга уриниш тобора мураккаб ва бесамар юмушга айланиб бормоқда. Шундай экан, нима қилмоқ керак, деган ҳақли савол туғилиши табиий.

Бизнингча бундай вазиятда қилиниши зарур бўлган вазифа аввало шундан иборатки, глобал ахборотлар оқимининг ёшлар маънавиятига кўрсатаётган ижобий ва салбий жиҳатларини аниқ белгилаб олиш, оқибатларини илмий асослаш, юзага келадиган муаммоларни ҳал қилиш йўлларини излашдан иборат. Тўғри, ахборот технологияларининг мукамаллашувининг, ахборот олиш имкониятининг кенгайганининг ижобий жиҳатлари ҳам жуда кўп. Масалан, интернетни оладиган бўлсак у чексиз имкониятлар калити, беқиёс илмий маълумотлар манбаидир. Хуллас, улардан эзгу мақсадлар йўлида қанча фойдалансак арзийди. Аммо ана шундай қулай имкониятлардан ўз ғаразли манфаатлари йўлида фойдаланиб қолишни кўзлаётганлар ҳам кам эмасда. Асосий хавотир ҳам ана шунда. Бу каби манфаатпараст кучларнинг муддаолари қудратли ахборотлар гирдобиди “ахборот хуружи”, “информацион-психологик хуруж”, “оммавий маданият” кўринишларида ўзини намоён қилапти. Бу хуружлардан ҳимояланиш эса ўз келажагини ўйлаган, ўз мустақил тараққиёти учун қайғурадиган миллат учун ўта муҳим масалага айланмоқда. Шу туфайли ёшларнинг глобал ахборот оқимиға ғарқ бўлмасликларини таъминлаш, уларнинг бу чексиз “уммон”дан фақат гавҳар излашларига кўмаклашиш барчамизнинг, биринчи галда ота-оналар, устоз мураббийларнинг бурчи, вазифасидир.

Бунда, аввало ёшларда нима яхшию нима ёмон эканлигини ажрата олиш лаёқатини ва берилаётган ахборотларни тўғри танлай билиш кўникмасини шакллантириш лозим. Ана шунда улар ахборотлар пўртанасида кириб келаётган ирқчилик, миллатчилик, ақидапарастлик, шафқатсизлик, беҳаёликни тарғиб қилувчи ғояларнинг асл моҳияти ҳамда оқибатларини тушуниб етади.

Ёшларда ахборотларни таҳлил қила олиш, бир воқеа тўғрисида билдирилган турли маълумотларни қиёслаш малакасини шакллантириш, ахборотлар манбасини излашга ўргата бориш лозим. Ана шунда улар аксарият енгил-елпи, шов-шувли материаллардан кўзланадиган мақсадларни осонроқ тушуниб етади.

Миллий матбуотимиз сўзи ва фикрининг таъсирчанлигини ошириш керак. Мамлакатимиз оммавий ахборот воситаларида таҳлилий, танқидий мақолалар, кўрсатувларга кенг ўрин бериш мақсадга мувофиқдир. Ёшларимиз аввало турли воқеа-ҳодислар ҳақидаги объектив маълумотларни ўзимизникилардан олсин, уларнинг фикрини тингласин.

Шунингдек, ёшларда миллий нафсониятимиз билан боғлиқ турли иғволарга қарши миллий ғурур туйғуларини кучайтира бориш, бунинг учун эса уларни тўғри ғоявий тарбиялай олиш керак бўлади.

Хулоса қилиб айтганда, жамиятнинг тараққиётини ёки таназзулини белгилайдиган глобал ахборот маконида яшаётган эканмиз, буни бир дам унутмаслигимиз, айниқса ёш авлодни бундай вазиятда тўғри танловни амалга оширишларига тайёрлаб боришимиз ҳаётий муҳим аҳамиятга эгадир.

¹ Ислон Каримов. Юксак маънавият – енгилмас куч. Т., “Маънавият”, 2008, 114-бет.

ЁШЛАР КАМОЛОТИДА АХБОРОТ ВА БИЛИМ УЗВИЙЛИГИНИНГ ТАРБИЯВИЙ-ПСИХОЛОГИК МОҲИЯТИ

Облоқулов Ж.Ж., Қодиров О.С., СамДУ таянч докторантлари

Ахборот тушунчаси бугунги кунда глобал моҳият касб этиб, у инсон тафаккурига турли йўналишларда таъсир ўтказувчи, унинг ҳаётини, тақдирини, у ёки бу томонга буриб юборувчи, гоҳ салбий, гоҳ ижобий таъсир этувчи қудратли воситага айланди. Аслини олганда, мазкур атама инсон дунёқарашини ифодалайдиган барча билимлар соҳасида қадимдан мавжуд бўлган. Ҳозирги вақтда компьютерлаштирилган дунё, яъни ахборотлаштирилган глобал тизимнинг вужудга келиши миллатлар, халқлар ва бутун инсоният тақдирини бир-бирига боғлаб қўйди. Ахборот олиш, уни қайта ишлаш, сақлаш ва тарқатиш технологиясининг тасаввур қилиб бўлмайдиган даражадаги тараққиёти бутун инсоният учун жиддий ташвишлар туғдирмоқда. Чунки, ҳозирги замон компьютерининг энг сўнги авлоди процессорида 100 миллиондан зиёд транзистор бўлиб, улар ҳар сонияда 2 миллиардгача вазифани бажара олади (2). Ахборот технологиясининг ана шундай мўъжизаси туфайли хоҳлаган киши ер юзининг исталган нуқтасидаги одам билан сониялар ичида алоқа ўрнатиши, муаммони лаҳзаларда ҳал этиши мумкин.

Янгича мазмун билан эътибор берсак, XXI аср цивилизацияси ахборот хуружи, информацион-психологик уруш қиёфасида ўзини намоён этмоқда. Инсониятнинг келажакдаги тақдирини ва истиқболни ҳақида ўйлар эканмиз ахборот технологияси моҳияти, унинг тараққиёти, инсоният ҳаётига таъсир ўтказиш имкониятларини чуқур ўрганишни тақозо этади.

Ахборот глобаллашуви жараёнининг методологик характери ва аҳамиятини ижтимоий-психологик жиҳатдан таҳлил қилишда аввало “ахборот”, “билим” ва “ахборот глобаллашуви” тушунчаларининг мазмун-моҳияти, генезиси ва унинг ижтимоий-фалсафий талқини хусусида фикр юритишимизга тўғри келади. Ахборот (лотинча “informatio” – таништирмоқ, тушунтирмоқ, баён этмоқ, шарқ тилларида эса хабар, ахборот деган маънога эга) замонавий фан, фалсафа ва сиёсатнинг асосий тушунчаларидан бўлиб, дастлаб кишилар томонидан оғзаки, кейинроқ ёзма ёки бошқа шаклларда узатилган маълумот сифатида таъриф ва тасниф этилган. Яъни, ахборотни турли кўринишларда масалан, оғзаки (товушлар ёрдамида), ёзма равишда (матн орқали), ҳаракатдаги расмлар кўринишида (кино, видео, анимация ва бошқ.) ифодалаш мумкин. Шу сабабли, аждодларимиз ахборотни ҳар хил тошларни турли шаклда жойлаштириш ёки уларга чизиш ёрдамида, сўнгра тахтачаларга, ишлов берилган ҳайвонлар терисига, папирус япроқларига ахборотларни ёзиш орқали сақлашган. Кейинчалик ахборот қоғоз, китобларда нашр этиладиган бўлди. Ундан кейин эса, мос қурилмалар кашф этилган, ахборотни сақлаш учун фотоплёнка, грампластинка, магнитплёнка, ҳозирги вақтда турли дисклар (эгиловчан, қаттиқ, компакт ва ҳ.к.) қўлланила бошланди.

“Ахборот” тушунчаси биринчи бор журналистика соҳасида, яъни хабарларни, янгилекларни узатиш воситаси сифатида қўлланилган. Ҳозирги пайтда замонавий илмий адабиётларда ахборотнинг кўплаб таърифлари мавжуд, аммо уларнинг барчаси мунозарали томонларга эга. Ахборотни тадқиқ этишнинг илмий жиҳатларига қараб, унинг кўплаб таърифлари мавжудлигини кўриш мумкин. Масалан, “ахборот ташқи муҳитга мослашиш жараёнида ундан олинган маълумот, сигналнинг мазмунини ифодалаш”; “ранг-барангликни ифодалаш”, “ўзига хослик, янгилек, тузилмаларнинг мураккаблиги мезони”, “танлаш эҳтимоллиги”, “хилма-хилликни акс эттириш”, ахборот тевақуфдаги турли хил манбалардан тўпланган белгилар бўлиб, билимларнинг қайта ифодаланишидир. Бу таърифларнинг ҳар бири “ахборот” тушунчасининг у ёки бу қиррасини очиб берса-да, ушбу тушунчанинг туб моҳиятини етарлича очиб беришга йўналган таъриф йўқ.

“Ахборот” тушунчасини фалсафий жиҳатдан таҳлил қилган С.Б.Луковкиннинг фикрича, “замонавий босқичда материя атрибутини сифатида ахборотнинг умумфалсафий муаммоси узил-кесил ечим топган эмас”.(4) Бу масала, ўз навбатида, атрибутив ва функционал ёндашувлар ўртасидаги баҳслар мавзусини ташкил қилади. Демак, ахборотнинг моҳияти тўғрисидаги турли-туман нуқтаи назарлардан келиб чиқиб, ахборот атрибутив ва функционал хусусиятларга эгаллигини таъкидлаш мумкин.

Биз “ахборот” тушунчасини бугун юзага келган ҳодиса сифатида қабул қилмаслигимиз керак, чунки ахборотни ўзида ифода этган қарашлар Ал-Хоразмий, Абу Наср Фаробий, Абу Райхон Беруний, Ибн Сино, Алишер Навоий каби мутафаккирлар таълимотларида гносеологик жиҳатдан таҳлил этилган. Бироқ мазкур олим ва файласуфлар ахборотнинг айрим масалаларини ёритиб беришга муваффақ бўлганлар. Жумладан, Абу Наср Фаробийнинг таъкидлашича, кишиларнинг дастлабки этник гуруҳлари шаклланишида тил ҳал қилувчи роль ўйнаган. Бирлашиш учун кишилар

бир худудда кўшни бўлиб яшаши, битта тилда гаплашиши керак эди. Шунинг учун ҳам тил ва худуднинг бирлиги одамлар тирикчилигининг асосий шарт ва табиий зарурати бўлиб, айтилганда этнос (миллат)нинг шаклланиши ва ривожланиши учун ҳам муҳим омил ҳисобланган. Турмуш тарзи ва этноснинг ўзига хослиги сабабли у ёки бу тил мавжуд нарсаларни ифодалашга мослашган. Агар мазкур соҳа миллатнинг турмуш тарзида мавжуд бўлмаса, у тилда ҳам ифодаланмаган.

Беруний таъбири билан айтганда, «... Қадимги одамларда турли хоҳишларини ифодалаш учун зарур бўлган сўз ва ибораларга эҳтиёж туғилган. Замонлар ўтиши билан сўз ва иборалар кўпайиб, ёдда сақланган ва такрорланиши натижасида таркиб топиб, тартибга тушган». Тил ёрдамида одамларнинг ўзаро муносабатга киришиш жараёнининг, яъни нутқнинг юзага келиши кишилиқ жамияти тараққиёти тарихида сифат бурилиши бўлган. Абу Райҳон Беруний дунёни билишда информация (ахборот)нинг учта тури муҳимлигига алоҳида тўхталиб ўтган, яъни 1) хабар (эшитиш) орқали билиш; 2) кўриш орқали билиш; 3) ёзиш орқали билиш (6).

Ҳар қандай ахборот учта асосий кўрсаткичга эга: мазмун, миқдор ва қадрият. Ахборотнинг миқдори математик статистикада, қадрият ва мазмуний томонлари эса семантик назарияда ўрганилади.

Ахборотга семантик ёндашув ахборотни баъзи тил ва белгилардан ташкил топган матнни англаш маъносини билдиради. Баъзи тизимларда бу белгилар ўзаро фарқ қилинади ва англади (ахборот етказувчи). Англаш қабул қилувчи томонга белгиларни маълум бўлишини тақозо этади (ахборот қабул қилувчи). Ахборот қабул қилувчи ҳар бир тушунчани англаш учун ёрдам берадиган билимлар мажмуига эга бўлиши лозим. Агар ахборот бошқа тилда бўлса ахборотни узатувчи тилидан олувчи тилига таржима қилиш лозим бўлади.

Бундан ташқари ахборотни келиб чиқишига, узатиш ва қабул қилиш ҳамда мақсадига қараб ҳам туркумлаш мумкин. Келиб чиқишига кўра ахборот: оддий (бошланғич), биологик ва ижтимоий ахборотларга бўлинади. Оддий ахборотлар жонсиз ўзгарувчан, табиатда пайдо бўлса, биологик ахборот инсоният, ҳайвонот ва ўсимликлар дунёсида вужудга келади. Ижтимоий ахборот эса кишилиқ жамиятида содир бўлади. Ахборотни узатиш ва қабул қилиш усулига кўра: кўриладиган, эшитиладиган, ёзиладиган, ҳид тарқатадиган ёки таъм берадиган ахборотларга бўлинади. Ахборотлар умумий мақсадига кўра: оммавий, махсус, техникавий ва шахсий ахборотларга ажратилади.

Жамият ўз ривожланишининг барча босқичларида билимлар ишлаб чиққан ва улардан фойдаланиб келган. Маълумки, инсоннинг камол топиши учун ахборот сув, ҳаво ва замин каби керак бўлади. Шунинг учун Е. Кудрас таъкидлаганидек, ахборот – тўртинчи ҳаётий зарур элементдир. Ахборот билимни бойитади, уни ўзгартиради, тўлдириб сайқаллаштиради. Инсоннинг ижтимоий турмушининг юксалиши ва тарихий тараққиёти асосида билим ётади яъни ижтимоий тажрибани ўзлаштиради, амалиётда қўллайди ва авлодларга узатади. Билим инсоният ривожланишининг асосини ташкил этади, уни олиш усуллари эса турличадир. Жумладан, ривожланишнинг аграр усулида кузатув билим манбаи бўлиб ҳисобланади ва у асосда меҳнатга оид натижалар хатти-ҳаракатлар ва табиий ресурсларнинг ўсиши таъминланади. Индустиал ривожланиш усулида эса янги энергетик манбаларни киритиш ва ишлаб чиқариш жараёнида энергиядан самарали фойдаланишни ташкил этувчи кузатув, эксперимент ва назариялар билимнинг муҳим манбалари сифатида юзага келган.

Ахборот ўз-ўзини ташкиллаштириш тизимларининг муҳим таркибий қисмидир. Идрок, хотира, тафаккур асосидаги фаолият дастури, ўз-ўзини ташкиллаштириш жараёни, мулоқот ва бошқа мураккаб биоижтимоий ҳодисалар ахборотсиз амалга ошмайди. Демак, ахборот билимнинг заминдир. Кўпгина илмий адабиётларда ахборот ва билим айнанлаштирилади. Ваҳоланки, билим ахборот эмас, у тушунча, тасаввур, ғоялар мажмуасидир. Алоқа каналида ёки мулоқот жараёнида билим ахборот мазмунига айланади. Билимнинг маъноси ахборот сигналларининг кетма-кетлигида, тартиб-лашишида намоён бўлади. Билимни эгаллаш воқелиқни субъектив ўзлаштириш билан боғлиқ. М.Поланининг таъкидлашича, “инсон учун ҳис-туйғулар орқали олинadиган ахборот онг орқали ўтадиган ахборотга қараганда нисбатан бойроқдир. Билим субъект томонидан, ўз навбатида шахсий мулоҳаза асосида шакллантирилади. Билим инсон қобилиятини, онгини ҳам белгилайди. Уни ҳар доим ўз фаолиятида қўллаб боради. Билим тушуниш жараёни, шу билан бирга тадқиқ этилаётган объектнинг қийматини ҳам баҳолайди (5).

Билим ва ахборот ўртасидаги фарқни қуйидаги таъриф билан белгилаш мумкин: “билим – бошқаларга айрим коммуникация воситалари билан тизимлаштирилган шаклда узатилади, мулоҳаза ёки экспериментал эмпирик натижага асосланган фактлар ёки ғоялар ҳақидаги фикрларнинг ташкиллаштирилган мажмуаси”, деб қайд қилади М.Кастельс. Билимнинг энг юқори даражалари одатда борлиққа нисбатан сарф қилинган билим маҳсулотнинг яхшиланиши ва кўтарилган даражасини беради.

Билиш – инсон онгининг янги ахборот билан бойиб бориш жараёнидир. Билим фикрлаш фаолиятининг натижасидир, инсон фаолиятининг регулятори (тартибга солувчисидир). У техника ва технологияда ўзининг амалий ифодасини топади, манбанинг потенциал имкониятларини ишга солади ва ҳозиргача инсон томонидан ишлатилган барча табиий бойликлардан ва ўтмишдаги барча ишлаб чиқариш кучларидан беҳад устунлик қилади. Идеал сифатидаги билим инсон фаолияти давомида моддийлаштирилади.

И.А.Шкуратовнинг (7) талқинига биноан “табиатдаги сингари маданиятда ҳам энергиянинг сақланиш қонуни мавжуд. Инсоннинг қачонлардир йўқолган энергияси маданий объектда тўпланади ва уни ўзлаштириш учун янги энергия сарфланишига асос бўлади (энергия сўзини физик маънода эмас, балки шахснинг фаоллиги сифатида тушунилади). Ақл, тасаввур ва ҳиссиётнинг қуввати ҳақ қачон йўқолмайди. Бу қувват ўзини ҳаракатга келтирган “субъект-объект” механизми сақланар экан, ўзини вужудга келтирган маданият яшар экан, демак, объектдан янги инсонларнинг фикр ва ҳиссиётларига, кейин яна объектга қайта-қайта ўтаверади”

КОМПЬЮТЕР ЎЙИНЛАРИНИНГ ЎСМИР ЁШДАГИ БОЛАЛАРГА ТАЪСИРИ

Зарипова С., Китоб тумани 46-мактаб амалиётчи психологи

Ҳозирги кунда Ўзбекистон кенг ижтимоий-иқтисодий, маданий-маърифий, маънавий-ахлоқий ислохотлар амалга оширилмоқда. Ўтиш даврининг янги босқичи инсон фаолиятининг барча соҳаларида туб ўзгаришларни тақозо этади.

Бугунги кунда ўсиб келаётган авлодни ҳар томонлама етук комил инсон қилиб тарбиялашда, ўқитиш жараёнини такомиллаштиришда янги информацион технологияларни тадбиқ этишга алоҳида эътибор беришмоқда.

Жамият ҳаётида компьютер тизимини кириб келаётганлиги инсон фаолиятида самарали ўзгаришларга олиб келмоқда. Шундай бўлса-да, компьютерни инсон фаолиятига тадбиқ этиш ютуқларни келтириб чиқариш билан бир қаторда айрим муаммоларни ҳам келтириб чиқаради.

Компьютер ва ундан фойдаланиш тахминан вақтини тежаш, иш самарадорлигини ўсиши, маълумотлар банкни яратишидаги қулайликлар анча ижобий баҳога эга.

Аммо компьютер ўйинлари фаолият шакли сифатида кириб келиши бир томондан ижобий характер касб этса-да, иккинчи томондан унинг салбий таъсири мавжуд. Компьютер ўйинлари инсонни мулоҳазалашга, ақлини чархлашга ва психомотор ҳаракатларни шаклланишга имкон яратади.

Шундай бўлса-да, компьютер ўйинлари шахсни ижтимоийлашувидан, шахслараро муносабатдан йироқлашуви, ўзини ички қобиғига ўралашиб қолиши, яъни психологик муаммоларни келтириб чиқармоқда.

Албатта, компьютер ўйинларининг инсон психологиясига таъсири хорижий психология вакиллари томонидан ўрганилган бўлиб, бир қатор тадқиқот ишларида уни ҳам ижобий ҳам салбий таъсири кузатилган.

Компьютер ўйинларига боғланиб қолиш ривожланган давлатларда жиддий муаммо сифатида қаралмоқда. Бунинг сабаби ўсмирларни ҳам руҳий ҳам жисмоний соғлом ва баркамол ўсиши, ҳеч қандай боғланишларсиз мустақил ривожланиш мамлакат ривожининг гаровидир. Кўпгина мамлакатларда бу муаммони мавжудлигига биз замонавий ахборот воситаси бўлиши Интернет тармоғида тарқатилаётган ахборотларда воқиф бўлдик.

Компьютер ўйинларига боғланиб қолишни тўрт даври -юзаки қизиқиш, қизиқиш, боғлиқлик ва ўрганиб қолиш даврлари мавжуд бўлиб, шу нарсани таъкидлаш жоизки, бизнинг кузатувларимиз натижасида ҳозир мамлакатимизда боғлиқлик давридаги ўсмирлар кам учрайди. Шундай бўлса-да, Компьютер ўйинларига боғланиб қолиш ҳолати кўпайиш эҳтимоли борлигидан далолат беради. Бу эса ёшларимизнинг интеллектуал салоҳиятига салбий таъсир қилиши мумкин.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, мамлакатимизда ўсмирларни компьютер ўйинларига ҳаддан зиёд берилиши, уларнинг психологик ҳолатига салбий таъсир кўрсатиши аниқланди.

Тўпланган маълумотларга кўра, мамлакатимизда ёшларни кўпчилиги компьютер ўйинларига қизиқишар экан. Компьютер ўйинларини кўп ўйновчиларни ота-онасига билдирмай бу фаолият билан шуғулланаётганлиги ва кўпроқ жанговор туридаги ўйинларни ўйнашлиги аниқланди. Ўтказган сўровнома орқали кам бўлса-да, биз учун қимматли маълумотлар тўпланди.

Ўрганишларимизнинг натижасига кўра, жангари компьютер ўйинларини кўп ўйновчиларда депрессия, психастения ва шизоидлик ҳолати юқори бўлиб туради. Ақлий ҳаракатларни шакллантирувчи компьютер ўйинларини ўйнайдиган ўсмир ёшларимизда ўз-ўзига объектив баҳо бериш хусусиятлари шаклланиб боради. Компьютернинг ақлий ҳаракатларни ўстирувчи ўйинлари орқали ўз-ўзини баҳолаш ўсмирларга катта маъсулият ҳам юклашини гувоҳи бўлдик, бу албатта, ёшларимизни фойдали ўйинлар билан вақтни тежаган ҳолда фойданиши уларнинг психик тараққиёт даражаси ва индивидуал психологик хусусиятларини такомиллаштириб бориш имконини беради.

Шунингдек, ҳаддан зиёд кўп компьютер ўйинларини ўйновчиларда тушкунлик, безовталиқ, кўркув, юқори ҳиссиётлилиқ, шахслараро муносабатда совуқлик ва доим гумон ҳолатида бўлади.

ЮҚОРИ СИНФ ЎҚУВЧИЛАРИДА ЗАРАРЛИ ОДАТЛАРГА ҚАРШИ ИММУНИТЕТНИ ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ ПЕДАГОГИК-ПСИХОЛОГИК МУАММОЛАРИ

Халилов Б.Х., Чироқчи тумани хокимлиги масъул котиби

Ўзбекистон Республикасининг мустақил ривожланишига ўтиши, унда иқтисодий-демократик жамият куриш, жамият маънавиятини янгилаш, давлат ва ижтимоий курилиш соҳаларида юқори натижаларга эришишда соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш ва зарарли одатларга қарши курашиш ҳозирги ёш авлоднинг, бутун миллатнинг соғлиғини асраш муҳим масала ҳисобланади. Давлатимизда ўсиб келаётган авлоднинг манфаатларини-уларнинг саломатлиги, тарбияси, таълим ва маънавий ривожланишини муҳофаза қилиш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади.

Ҳозирги кунда баъзи ёшларимизнинг "Интернет кафе"ларда компьютер қаршисида ўтириб кунларини ўтказиши сир эмас. У ерда ёшларимиз нималарни ўрганапти? Улар бизнинг миллий менталитетимизга ёт бўлган, беҳаё, жангари, инсонда агрессив ҳолатларни кучайтирадиган кинофильмлар томоша қилмоқда, ҳар хил ўйинларни иштирокчисига айланмоқда. Бундай зарарли одатларнинг ҳаммаси инсоният саломатлиги ва руҳиятига катта путур етказди. Шунини айтиш керакки, ўсмирларни чекиш, гиёҳвандлик ва спиртли ичимликларни истеъмол қилиш, узоқ муддат телевизор кўриш, уяли телефондан кўп фойдаланиш ҳамда компьютер билан узоқ вақт ишлашнинг, зарарли ва аянчли оқибатлари ҳақида тўлиқ тушунчага эга эмаслар.

Маълумки, ўсмирлик киши ҳаётининг энг ажойиб ва маъсулиятли даври ҳисобланиб, бу даври ҳисобланиб, бу даврда ўқувчилар шахсининг ҳар томонлама гармоник ривожланишига кенг истиқболли йўллар очилади. Бинобарин, боланинг жисмоний ва маънавий кучи барқ уриб ривожланиши ҳам шу даврга тўғри келади.

Бу даврда ўсмирларнинг ижтимоий-сиёсий, илмий дунёқараши, юксак фазилатларнинг таркиб топиши ва ижтимоий фаоллиги ривожланади. Ахлоқий жихатдан камолоти, бурч ва маъсулиятини тўғри англаши, жамият бахт-саодати йўлида меҳнат қилиш ҳислатлари шаклланади. Ўсмирларнинг зарарли одатлар таъсирига тушиб қолиши эса ёшларнинг бундай жисмоний ва маънавий ривожланишига аянчли таъсир кўрсатади. Натижада ўсмирлик ёшида педагогик ва психологик нуқтаи назарда амалга оширилаётган тарбия вазифалари-ўсмирларда дунёқараш асосларини таркиб топтириш, атроф дунё ҳақидаги билимларни кенгайтириш, онглиликни тарбиялаш ҳамда ижтимоий фаолликни ривожлантириш, ахлоқни, онгли интизом ва хулқ маданиятини тарбиялаш жараёни издан чиқади.

Ўсмир ёшидаги ўқувчиларнинг зарарли одатлар таъсирига тушиб қолиши ўқишга онгли муносабатни, билимга бўлган фаолликни, меҳнатга ва ижтимоий мулкка бўлган муносабатни, политехник билимлар доирасини кенгайтиришга маъсулият сезишни, эстетик маданият асосларини тарбиялашни, бадиий қобилиятни ўстириш, жисмоний ва маънавий камол топиш, саломатликни мустаҳкамлаш каби муҳим тарбиявий жараёнларни амалга оширилишига ғов бўлади.

Зарарли одатлар ўсмирлар таълим ва тарбиясига, жисмоний ва маънавий камолотига бекиёс даражада салбий таъсир кўрсатади. Шундай экан, уларни замон талабига жавоб бера олувчи, тарбия билан қуроллантиришимиз, маънавий тарбиялашга зарар келтирувчи бундай иллатлардан эҳтиёт қилишимиз зарур. Маълумки ўсмир ҳаётида учрайдиган жиноятчилик ва ҳар турли салбий ҳолатларнинг юз беришини ўсмирдаги хусусиятлар билан боғлайдилар. Бу жамиятда ўсмирларга эътиборсизлик, уларнинг зарарли одатларга берилиб кетишларнинг олдини олмаслик. Улар таълим-тарбиясига эътибор бермаслик бунинг биринчи сабабчиси дур. Бу даврда тез ўсиш ва улғайишга, янги эҳтиёж ва кизиқишлар таркиб топишига олиб келади. Янги характер ҳислатлар пайдо бўла бошлайди.

Уларда мустақилликка интилиш, катталарга хадеб бўйсунмаслик ҳолатлари аниқ кўрина бошлайди. Бу даврда шахснинг ахлоқий онгинининг таркиб топиши, хатти-ҳаракатларининг ахлоқий-этик меъёрларини ўзлаштириши, дунёқараш этикодларининг ҳамда маънавий қиёфанинг камол топиши характер хислатларининг аниқ бўлиши кабилари билан характерланади.

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, организмнинг ўсиши ва ривожланиши ўсмир психикасининг кескин ўзгартириши даврида организмнинг ташқи муҳит тасъуротларига беруливланлиги юқори бўлишига олиб келади. Бунда организмнинг етарли даражада чидамлилиги шаклланмаганлиги туфайли зарарли таъсуротлар кучли даражада таъсир кўрсата олади.

Ўсмирлардаги маънавий психологик-идеал ўсмирларнинг субъектив вжудга келган образи бўлиб, унинг шахсий хуққ-атворининг шаклланишида муҳим ўрин эгаллайди. Маънавий идеал аста-секин шундай мезонга айланадики, бу мезондан ўсмир шахсига баҳо беришда, шу билан бир қаторда, онгли равишда ўзига баҳо беришдафойдаланади. Тарбия жараёнида ўсмирларда ижобий ва маънавий идеалларнинг пайдо бўлиши зарарли одатларни олдини олиш учун зарур ва хатто ҳал қилувчи воситадир.

Ўсмирларда зарарли одатларни олдини олиш учун уларда зарарли одатларга қарши иммунитетни шакллантириш лозим. Бунинг учун таълим

муассасаларида кенг қўламли ишларни амалга ошириш мақсадга мувофиқдир. Ўсиб келаётган ёш авлоднинг соғлиги ва турмуш тарзига салбий таъсир кўрсатувчи омилларнинг олдини олиш мақсадида таълим муассасалари маъмурияти ва тиббий ходимларнинг ҳамкорликда бажарадиган вазифаларидан яна бири, ўқув тарбия жараёнида талабаларни соғлом турмуш тарзи тўғрисида билим бериш, уларнинг асосий компонентларини амалга ошириш учун тегишли кўникма ва малакаларини хосил қилиш ва уларни ижобий ва фойдали одатларга айлантириш зарур.

АХБОРОТ ХУРУЖЛАРИГА ҚАРШИ ТУРИШНИНГ ПСИХОЛОГИК ЙЎЛЛАРИ

Пармонов Р.И., Ражабов Б.Н., Шавкатов Ж.Ш.

Қарши ДУ талабалари

Очиқ ахборотлар таҳдиди шароитида ёшларни тўғри яшашга, ватанпарвар ва инсонпарвар бўлишга, эркин фикрли бўлишга **ўргатиш** орқали уларда мафкуравий иммунитетни тарбиялаш энг долзарб вазифалардир. Зеро, ўргатиш бир томонлама жараён бўлмай, у “педагог-тарбияланувчи” мулоқоти тизимида кўпроқ **тарбияланувчининг фазилатларига** боғлиқ. Бундай мураккаб ишни ташкил этишда ҳар бир ижтимоий тоифа ёки шахснинг индивидуал психологик хусусиятларини инобат олиш зарурати ижтимоий психологияда исботланган. Масалан, агар ўқувчи ёки талабаларни яхлит гуруҳ деб оладиган бўлсак, уларнинг барчаси билан бир вақтда, бир хил эффект билан ишлаш ва шу орқали уларнинг мустақил тафаккурини ўстириш, соғлом этикодини тарбиялашнинг иложиси йўқ.

Иккинчидан, бир гуруҳ талаба ёки ўқувчи учун мақбул ва самарали деб ҳисобланган услубни бошқасида ҳам айнан жорий этишга уриниш бундай шароитларда тескари самара бериши мумкин. Шунинг учун ижтимоий психология шахснинг ижтимоий-психологик тайзиқлардан қутулиш йўлларига алоқадор қонуниятларни ўрганади. Очиқ ахборот коммуникацияси жараёнида ёшлар онгига таъсир этаётган ёт ғояларга қарши ҳимоя воситаларини ишлаб чиқишдан аввал ёшларнинг ижтимоий хулқ-атворини ўрганиш лозим. Ижтимоий хулқда кўзга ташланадиган энг муҳим ҳолатлардан бири ташвишланиш, нималардандир чўчиш ва шу туфайли ижтимоий муносабатлардан ўзини олиб қочишга интилиш хисларининг намоён бўлишидир. Чунки агар **психологик ҳимоя ҳолатининг моҳиятидан келиб чиқиладиган бўлса, бу – шахс ички кечинмаларини ифодаловчи шундай ҳолатки, унда одам ички рухий муътадилликни асраш учун ўзидаги хавотирланиш, кўрқув ва хадиксирашларини босишга, улардан халос бўлишга интилади. Психологик ҳимоя – шахсни турли салбий таъсирлардан асрашга, психологик дискомфортни баргараф этишга хизмат қилади.** Шундай ҳолатларда одам одатда шахслараро муносабатларда ўзини бошқачароқ тутадиган бўлиб қолади. Психологлар **ҳимоя механизмларига** одатда қуйидагиларни киритадилар:

- **очиқ хис-кечинмаларни босиш, кўрсатмасликка уриниш;**
- **рад этиш**, яъни номаъқул маълумотни очиқ рад этиш, қўшилмаслик;
- **проекция** – ўзидаги ҳиссиёт ва кечинмаларни ташқи объектларга кўчириш орқали пайдо бўлган ҳолатнинг сабабларини ташқаридан қидиришга мойиллик;

- **идентификация** – ўзини ахборот эгасига ўхшатиш, унинг ўрнига ўзини кўйиш орқали кадрятларни рад этиш ёки танқидсиз ўзлаштириш;

- **регрессия** – илгари ҳаётида, масалан, ёшлигида бўлиб ўтган қайсидир воқеаларга қайтиш, уларнинг яхши ва маъқулларини яна хотирада тиклаш ва хулқда қайтариш орқали ўзида психологик ҳимоя ёки оқловни ташкил этиш;

- **ёлғизланиш** – жамиятдан ўзини олиб қочиш, ўзидаги ўзгаришларни бошқаларга билдирмасликка интилиш, масалан, шундай шароитларда айрим талабалар ўқишга бормай кўядилар;

- **рационализация** – мулоҳаза ва фикр юритиш орқали ўзида ҳимоя инстинктларини пайдо этиш;

- **конверсия** – мулоқотдаги қандайдир тўсиқлар ёки барьерларни олиб ташлаш учун кутилмаган усулларни кўллаш, масалан, хавотирли информацияни юмористик мавзу билан алмаштириш йўли.

Очиқ ахборот хуружлари вазиятида шахснинг ўзини ўзи ҳимоя қилишини **бошқаришда** айрим жиҳатларга алоҳида эътибор бериш лозим. Аввало, таъкидланганидек, ҳар бир инсон учун **мустақил фикр** зарур. Мустақил фикрга эга бўлган инсонгина ўзига нисбатан қаратилган яхши ёки ёмон маълумотнинг моҳиятига етиши ва унга нисбатан адекват реакция кўрсатиши, ҳимоя механизмларини ишга солиши мумкин.

Иккинчидан, ёшлар турли ёт ва бемаза ахборот хуружларига берилмаслиги учун биз уларда **миллий ғурурни** тинимсиз тарбиялашимиз ва бунда ҳар бир фан предмети ва тарбиявий мулоқотлардан оқилона фойдаланишимиз зарур.

Миллий ғурурнинг аҳамияти шундаки, бундай сифати бор инсон бошқаларга қул бўлишни, жумладан, ахборот хуружларига тобе бўлмайди.

Учинчидан, миллий ғурури бор инсонда имон, инсоф ва диёнат тушунчаларини шакллантириш мумкин. Чунки инсон қалби билан боғлиқ бу кадрятлар Интернет ва очиқ ахборотлар оламида адаштирмайдиган “компас” ролини ўйнайди.

Тўртинчидан, олий ўқув юртларида профессор-ўқитувчиларнинг **авторитетини**, улар айтадиган **ҳар бир сўзнинг аниқ мўлжалли бўлишини** таъминлаш зарур. Ахборот қандай бўлишидан қатъий назар, у қабул қилувчи инсоннинг измида бўлиши, унинг манфаатига хизмат қилиши керак. Бунинг учун ёвуз ниятли, ёт ғояларни тарғиб этувчиларнинг асл ниятларини, улар сайёҳ-харакатларининг охир-оқибати нима билан тугашини очиқ айттавериш лозим.

Шундай қилиб, ахборот хуружларига қарши туришнинг психологик йўллари ҳар бир мураббий ва талабага етказиш мақсадга мувофиқдир. Бунинг учун куйидагиларни ёдда тутиш лозим:

а) аслида атайлаб таъсир этишга мўлжалланган хабарни шахс дарров қабул қилмайди. Чунки, биринчидан, унда илгаридан психологик ҳимоя мавжуд ва иккинчидан, ҳар қандай янги нарсанинг сингиб кетишида муайян ахборот тўсиқлари ҳам бўлади.

б) бундай шароитларда “учинчи шахс таъсири” эффекти рўй беради. Унинг маъноси – “бу хабарга ҳамма ишонаверсин, менга таъсир қилмайди” деб ўйлайди шахс, лекин маълум маънода шу фикр таъсирида у ахборот таъсирида тушиб бўлган бўлади. Халиги фикрни ўзи учун ҳар эҳтимолга қарши ҳаёлидан ўтказди;

в) Ишонтирувчи чақириқларга, масалан, реклама орқали етказилаётган хабарларга ёш болалар жуда ўч бўлади ва айнан улар ота-онани кўндиради. 90% оналар айнан реклама қилинган товарларни болаларига харид қилиб олиб беради. Худди шундай “Интернет”га уланиш, уйда замонавий компьютерга эга бўлиш фикри ҳам болалардан чиқади, бунга ота-онани кўндирадилар ҳам.

г) хабарнинг асл мақсади аслида маълумот бериш эмас, балки ишонтириш эканлигини тушуниш керак. Одамнинг маълумотлилиқ даражаси қанчалик юқори бўлса, унинг турли хабарларга ишонқирамай муносабатда бўлиши ҳам юқори бўлади. Лекин хабарга ишонқирамай қарашимиз бизнинг уни қабул қилишимиз ёки қилмаслигимизни билдирмайди. Яъни, агар биз очикдан очик ёшларга “бу ахборот манбаига ишонманглар, улар атайлаб ёлғон маълумот бермоқда” десак, бу нарса уларнинг шу турли ахборотни қабул қилмасликларини кафолатламайди. Лекин **“огоҳлантирилган одам қуролланган, муҳофазаланган бўлади”** деган тамойилдан келиб чиқиб, биринчи огоҳлантиришдан сўнг, яна ўз фикримизни фактлар билан асосласак, улардаги иммунитет кучлироқ бўлади.

ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИДА ПСИХОЛОГИЯНИНГ ЎРНИ

*Холиқов Н.Н., Вилоят ИИБ Кадрлар бошқармаси
Бош инспектор психологи капитани*

Психология ички ишлар идоралари ходимларининг бевосита фаолият билан боғлиқ хизмат вазифаларини бажариш вақтида шахслар билан бўладиган мураккаб муносабатларда, мулоқот жараёнида таваккалига ҳаракатланишга, хизмат ваколатини, фуқароларнинг ҳақ ҳуқуқларини суиистеъмол қилишга, хато ва камчиликларига йўл қўйишларининг олдини олиш усули ва воситаларини ўрганади.

Ички ишлар органлари фаолияти психологияси ўз хусусиятига кўра ҳуқуқий фаолиятнинг психологик қонуниятларини, ҳуқуқшунос шахс психологиясини, ушбу фаолиятини амалга оширишда алоҳида ва ўзига хос усул ва маҳоратни эгаллаш, касбга хос ўқув ва тажрибани шакллантириш, ички ишлар идоралари тизимига, ҳуқуқий фаолият юритиш учун касб танлаш ва жой-жойига қўйиш, ички ишлар идоралари бошқарув принциплари, ушбу фаолиятни бошқариш усуллари, касбий тайёргарлик, касбий тарбия ва ички ишлар идоралари ходимлари шахсини шакллантириш, касбий фаолиятида вужудга келиши мумкин бўлган касбий бўзилишларнинг олдини олиш, тузатиш, иш жойи, куни, фаолияти, ўзаро ходимлар ўртасидаги муносабатларни режалаштириш ва ўрнатиш каби муаммоларни ечишни ўз мақсади деб билади. Кўплаб рус психолог олимлари Л.С.Виготский, С.Л.Васильев, М.И.Еникеев, С.Л.Рубинштейн, А.Н.Леонтьев, В.Г.Ананьевлар, Республикамизда С.Шепоткин, Е.Агзамова, В.Сирлиевлар ўз ишлари билан ички ишлар идоралари ходимларининг фаолияти ва шахси психологияси соҳасида фаолият юритишмоқда. Психолог олимларнинг фикрига кўра, ички ишлар идоралари ходимлари фаолиятини тизимли ўрганиш, таҳлил қилиш мақсадга мувофиқ. Шундан келиб чиққан ҳолда ички ишлар идоралари ходимлари фаолияти психологиясининг асосий вазифалари юзага чиқади:

- Ички ишлар органлари ходимлари фаолиятининг самарадорлик кўрсаткичини ошириш усул ва воситаларини ишлаб чиқиш;
- Фаолият кўрсаткичини оширишда талаб этиладиган шахсга хос хусусиятларни ўрганиш ва амалиётга тадбиқ қилиш;
- Фаолиятга таъсир этувчи ижобий ва салбий субъектив омилларни аниқлаш ва ўрганиш;
- Ҳуқуқий фаолият юритишда касбий психологиянинг объекти сифатида ўрганиладиган жинойтчи шахс хусусиятларини таҳлил қилиш ва уларни бартараф этиш усуллари топиш.

Ички ишлар органлари ходимлари фаолияти психологияси ҳуқуқ психологияси фан йўналишида шаклланади. Унинг диққат маркази “ҳуқуқ ва шахс ўртасидаги ўзаро келишув” муаммосини яхлит бир тарзда ўрганишга қаратилган.

Ички ишлар органлари ходимлари фаолияти психологиясининг метадологик асоси сифатида шахс муаммоси ўрганилади. Ўрганиш объекти инсон, чунки ҳуқуқий меъёрлар унга мослаб тўзилади. Айнан шу орқали биз шахс тизимидаги баъзи хусусиятларнинг криминоген вазиятлардаги аҳамияти ва вазифасини таҳлил қила оламиз.

Ички ишлар органлари ходимлари фаолияти психологиясини ўрганишдан асосий мақсад шахсда мавжуд бўлган баъзи ички рухий туртки ва хусусиятлар муайян вазият ва шароитларда жамият учун хавфли ҳолатни вужудга келтириши ёки унинг заминига айланишнинг олдини олиш, ўрганиш ва бартараф этиш ҳисобланади.

Психологиянинг аҳамиятли томони шундаки, ходимнинг ўз касбига нисбатан ақлий-интеллектуал хусусиятини шакллантиришда катта аҳамият тутади. Сабаби ақлий фаолият давомида ходимнинг онг тоифаси, ҳажми ва бошқа жиҳатлари бўйича турли хил тафаккур масалалари ҳал этилади. Дастлабки маълумотлар етарли бўлмаганда ва ҳал этиш усули номаълум бўлганда, бундай усулни топиш керак бўлганида масала мураккаб бўлади. Хулоса ўрнида айтиш жоизки, Психология фани биз учун энг зарур соҳалардан бири. Психологияни ўрганиш, ҳаётни, инсонни ўрганиш дегани.

YOSHLAR TARBIYASIDA OMMAVIY AXBOROT VOSITALARINING O‘RNI

Djumayeva R.I., Qarshi transport kolleji o‘qituvchisi

Инсоният ҳаётда г‘оят улкан о‘згарishлар yuz berayotgan bugungi kunda mamlakatimiz mustaqil taraqqiyotining tub mohiyatini odamlarga tushuntirish, ularning jamiyatimizda amalga oshirilayotgan islohotlarni qo‘llab-quvvatlashlariga erishish, jamoatchilikda ijtimoiy hayotdagi o‘zgarishlarga nisbatan

pozitiv munosabatlarni shakllantirish, kishilarga yetkazilayotgan axborot oqimini milliy taraqqiyot manfaatlariga mos o'zanga yo'naltirish, fuqarolarni yot mafkuralarning zararli ta'siridan himoyalash dolzarb vazifalardandir. Bu boradagi ishlar samaradorligini ta'minlashda OAV alohida o'rin tutadi.

Hozirgi davrda yosh avlodimiz ma'naviy olamining daxlsizligini asrash uchun ta'lim-tarbiya jarayonida nimalarga asoslanish va nimaga e'tibor qilish kerak, degan savol faylasuflar, gumanitar fan vakillarining diqqat markazidadir. Fikrimizcha yoshlarning fikr tarbiyasiga e'tiborni qaratish ular ma'naviy olamining daxlsizligini ta'minlashda muhim ahamiyatga ega. Yoshlarning axborot oqimiga munosabatini shakllantirish fikr tarbiyasining bir yo'nalishidir. Ota-onalar, ustoz va murabbiylar ilm va tarbiya berish jarayonida yoshlarga fikr va bilim o'rtasidagi farqni tushuntirishlari, fikrlarni solishtirishga, ularni turlarga ajratishga o'rgatishlari lozim. "Bugungi kunda yoshlarimiz nafaqat o'quv dargohlarida, balki radio-televideeniye, matbuot, internet kabi vositalar orqali ham axborot va ma'lumotlarni olmoqda. Jahon axborot maydoni tobora kengayib borayotgan bir sharoitda bolalarimizning ongini faqat o'rab-chirmab, uni o'qima, buni ko'rma, deb bir tomonlama tarbiya berish, ularning atrofini temir devor bilan o'rab olish, hech shubhasiz, zamonning talabiga ham, bizning ezgu maqsad-muddaolarimizga ham to'g'ri kelmaydi."¹ —deb yozadi I.A.Karimov

Informatsion tahdidlar insonning ijtimoiy ongini noto'g'ri shakllantirish va shu tariqa o'zligiga ega bo'lmagan olomonni tarkib toptirishni ko'zlaydi. Informatsion tahdidlar axborot xuruji sifatida ham talqin qilinadi va shaxsni o'zi istagan tarzida shakllantiradi va muammolar girdobiga tashlaydi. Natijada fuqarolarning ijtimoiy ongi zaharlanib, jamiyatda ijtimoiy xastalik vujudga keladi.

Globalashuv sharoitida OAVning o'rni haqida gap ketar ekan, masalaning yana bir muhim jihatiga e'tibor qaratilishi lozim. I.A.Karimov ta'kidlaganlaridek, "Bugungi kunda yoshlarimiz nafaqat o'quv dargohlarida, balki radio-televideeniye, matbuot, internet kabi vositalar orqali ham rang-barang axborot va ma'lumotlarni olmoqda. Jahon axborot maydoni kengayib borayotgan shunday bir sharoitda bolalarimizni ongini faqat o'rab-chirmab, uni o'qima, buni ko'rma deb, bir tomonlama tarbiya berish, ularning atrofini temir devor bilan o'rab olish, hech shubhasiz, zamonning talabiga ham, bizning ezgu maqsad-muddaolarimizga ham to'g'ri kelmaydi. Nega deganda, biz yurtimizda ochiq va erkin demokratik jamiyat qurish vazifasini o'z oldimizga qat'iy maqsad qilib qo'rganimiz va bu yo'ldan hech qachon qaytmaymiz".

Doimiy axborot oqimi vujudga keltirayotgan muhitda milliy qadriyatlar, azaliy an'analar zavol topishining oldini olish maqsadida axborot xavfsizligini ta'minlash kerak. Xorijiy telekanallarda nima namoyish etilsa yoki Internetda nima targ'ib qilinsa, barchasini qabul qilaverish aslo mumkin emas. Biz ular orasidan imon-e'tiqodimiz, an'ana-yu qadriyatlarimizga mos keladiganlarinigina saralab olmog'imiz shart. Bu maqsadga esa yoshlarimizga televideeniye va Internetdan oqilona foydalanish yo'llarini o'rgatish, ularning mazkur axborot manbalaridan foydalanishlarini nazorat qilib borish orqaligina erishish mumkin.

Ommaviy axborot vositalari jamiyatga tez ta'sir etuvchi kuch ekanligini inobatga olgan holda, shuni ta'kidlash joizki, yoshlarni turli ma'naviy va mafkuraviy tahdidlardan himoya qilishda ushbu kuchga suyanish va undan samarali foydalanish zarur.

ЁШЛАРГА МУСИҚА ТАЪЛИМ-ТАРБИЯСИНИ БЕРИШНИНГ ПСИХОЛОГИК ЖИХАТЛАРИ

Муродов М. Қ., Қариши ДУ Мусиқа таълими кафедраси мудири

Инсоннинг шахс сифатида шаклланиб боришида мусиқа тарбиясининг ўрни ниҳоятта катта. Мусиқа инсон билан унинг гўдаклик давридан то умрининг охиригача кунларигача ёнма-ён ҳамроҳдир. Республикаимизнинг Биринчи Президенти И.А. Каримов "Юксак маънавият – энгилмас куч" асарида "...мусиқа санъати навқирон авлодимизнинг юксак маънавият руҳида камол топишида бошқа санъат турларига қараганда кўпроқ ва кучлироқ таъсир кўрсатмоқда"¹ – дея бежизга таъкидламаганлар. Зеро, инсон ўзининг шодлигу-хурсандчилик, қайғу-ғам, осойишта дамларини ҳам мусиқа билан баҳам кўради, у билан дардлашади, сирлашади.

Демак, мусиқа санъати ва таълим-тарбияси кишидаги инсоний фазилятларни ривожлантириб, рухий покланиш ва юксалишга даъват этадиган, инсоннинг ички оламини бойитадиган, иймон-эътиқодини, иродасини мустаҳкамлайдиган, ижодини уйғотадиган қудратли ботиний куч –

¹ Каримов. И.А. Юксак ма'naviyat – yengilmas kuch. – Т.: Ма'naviyat. 2008. 114-б.

¹ Каримов И. А. "Юксак маънавият – энгилмас куч". – Т.: Маънавият. 2008 йил 141-б

маънавиятнинг юксалишини таъминлайди. Бу жараёнда муסיкий таълим-тарбия тарғиботчилари бўлган бўлажак ўқитувчиларда касбий малакаларини шакллантириш масаласи муҳим аҳамият касб этади.

Касбий малакаларини шакллантириш – бу ёш мутахассиснинг касбий фаолиятда ҳар тамонлама мукамал, юксак даражада ғоявий-сиёсий етук, интеллектуал баркамол, маълумотли, ақл-заковатли ҳамда олижаноб шахс бўлишлигини талаб этади.

Келажақда малакали ўқитувчи бўлиш учун эса ўз касбий фаолиятининг педагогик кирраларини чуқур ўзлаштириш баробарида муסיкий таълим-тарбиянинг психологик жиҳатларини ҳам мукамал билиши лозим. Чунки, психологик билимлар бўлажак мутахассисга муסיқа санъатининг нозик жиҳатлари ва ўрганиши лозим бўлган кирраларни ўзлаштириб олишида қанот бўлиб, ёш авлодни муסיкий тарбиялашда унга кўмак беради.

Албатта, муסיкий таълим-тарбия воситасида болаларда сезги, диққат, идрок, хотира, тафаккур ва муסיкий ҳис туйғу ривожлантирилар экан у келажақда ақлли, ота-онаси ва Ватанини улуғловчи, халқ фаравонлигини ўйлайдиган, зийрак бўлиб ўсади.

Демак, муסיқа ўқитувчиси аввало боланинг ички ҳиссий кечинмалари, унинг ўй ва интилишлари, тасаввури, ирода ва хотираси, характер ва қобилияти, шунингдек, ўз навбатида ўқувчи шахсиятининг бошқа психологик сифатларини яхши билиши, тушуниши ҳамда етарлича тасаввур эта олиши лозим. Бунинг учун эса психологиянинг шундай бир соҳаси – муסיқа психологиясидан хабардорлик талаб этилади.

Муסיқа психологияси – психологиянинг шундай соҳасики, у шахснинг муסיқавий эшитиш қобилияти, эшитиш сезгисининг чегаралари, муסיқанинг лад ва ритмикасини ҳис қилиш, муסיқанинг тингловчи тамонидан тўлиқ англаниши, ёдда сақланиши, ижро этилиши ва ундан баҳраманд бўлиш каби масалаларни ўрганadi¹.

Муסיқа психологиясини билиш учун албатта умумий психологиянинг атама ва тушунчаларини билиб олиш лозим. Мазкур таянч билимлар тармоқ соҳа ва айна пайтда мустақил фан – муסיқа психологиясини ўрганишда пойдевор вазифасини ўтайди.

Муסיқа психологиясининг тарихи қадимги даврларга бориб тақалади. Буюк файласуф Пифагор куй ва ритмнинг инсон қалбига муайян таъсир кўрсатишини аниқлаган. Руҳий изтиробларни енгиш учун муסיқанинг ҳаётбахш кучидан фойдаланилган. Бошқа бир юнон файласуфи Платоннинг фикрича, давлатнинг куч-қудрати унда қандай муסיқа, қайси оҳанг ва қай ритмда янграётганлигига тўғридан-тўғри боғлиқ. Давлат учун инсонни юксакликка кўтаришга ёрдам берувчи муסיқа керак деб ҳисоблаган².

Қадимги Хитой давлатида муסיқа тартиб ва цивилизация рамзи ҳисобланган, у тарбиянинг энг муҳим воситаси ҳисобланган ва ўрганилиши лозим бўлган фанлар қаторига қўшилган³.

Шарқнинг буюк алломалари Фаробий, Ибн Сино, Жомий, Мароғий, Кавкабий ва бошқалар ўз асарларида муסיқанинг инсон руҳий оламига таъсири борасида ҳам тегишлича фикр юритганлар.

Муסיқа кишиларни хурсанд қилиши, қувонтириши, тинчлантириши ва бир вақтнинг ўзида ухлатиб қўйиши ҳам мумкин. “Кунлардан бир кун Форобий Соҳиб Обод шарафига берилган базмга кириб борибди. Ҳеч ким уни танимас экан. Форобий базмга кириб бир чеккада жим ўтирибди. Чамаси бир соат ўтгандан сўнг муסיқа асбобини кўлига олиб, ажойиб бир куй чала бошлабди. Куйнинг биринчи қисмини чалганда атрофдагиларнинг ҳаммаси ниҳоятда хурсанд, кайфиялари чоғ бўлибди. Куйнинг иккинчи қисмини эшитиб ниҳоятда маъус ҳолатга тушибдилар, йиғлаб кўз ёши тўка бошлабдилар. Куйнинг учинчи қисми ижро этилганда ҳаммалари ҳаяжонга тушибдилар, сўнгра ухлаб қолибдилар⁴. Отаназар Матёқубовнинг “Мақомат” китобида келтирилишича Султон Муҳаммат Хоразмшоҳ (Маъмун II) муҳим давлат ишларига қўл уришдан олдин унга руҳий тайёрланиб, мириқиб куй чалиб, ақл ва туйғуларини созлаб бўлгандан кейин киришар экан⁵.

Ибн Сино муסיқанинг ҳиссий таъсир кучини эътироф этган ҳолда уни ўзининг медицина китобларида акс эттирган ҳамда руҳий касалликларни даволашда шифо дастури сифатида тавсия қилган. “Тиб қонуни” асарида бир ўринда муסיқанинг руҳий таъсир кучига баҳо бериб, гўдакнинг

¹ Қодиров Р. Ф. “Муסיқа психологияси” Т: Муסיқа. 2005- йил 7-б

² Қодиров Р. Ф. “Муסיқа психологияси” Т: Муסיқа. 2005- йил 7-б

³ Қодиров Р. Ф. “Муסיқа психологияси” Т: Муסיқа. 2005- йил 8-б

⁴ Файзуллаев Э.М. “Бўлажак муסיқа ўқитувчилари бадий дидини шакллантиришнинг педагогик шарт-шароитлари” (ўзбек мумтоз муסיкаси мисолида) пед.фанл.номз... ёзилган дисс. Низомий номидаги ТДПУ. - Т., 2010.-39-40 б.

⁵ Матёқубов О. “Мақомат” Т: Муסיқа. 2004 – йил 38-б

тарбиясидаги аҳамиятини шундай таърифлаганлар: “Тўдакнинг танаси чиникиши учун икки нарса зарур: бири уни аста қимирлатиб тебратиш, иккинчиси онасининг кўшиғи (алласи). Биринчиси танасига, иккинчиси – руҳига тегишлидир”¹.

Хивага келган Русия элчиси Шерғозихон ҳаётдан қуйидагиларни ёзиб қолдирган “...хон даргоҳида мусиқа чалиб ўтирган Хўжа исмли ёрдамчиси (хатиб), яна икки киши ҳамда вазир Дўстимбей ҳозир эдилар. ..Хон олдингисидан ҳам яхши қайфиятда эди. Мен ҳам ўзимни унинг руҳиятига мос тутишга, хушмуомила бўлишга интилдим”². Бу мисолларнинг барчаси мусиқанинг инсон руҳиятига юксак даражада, сезиларли таъсир қилишидан гувоҳлик беради.

Мусиқа таълим ва тарбия икки йўналишда ўрганилади: булар махсус мусиқа таълими ва умумий мусиқий тарбия йўналишлари. Дарҳақиқат, бугунги кунда ҳар бир мусиқа ўқитувчиси болаларни яхши ўрганмай, уларнинг мусиқий қобилиятларни аниқламай туриб, самарали таълим-тарбия бериб бўлмайди. Бу эса мутахассисларга мусиқа психологиясидан хабардор бўлишликни талаб этади.

Мусиқа психологияси ҳам психология тамойилларига асосланади ва у бўлажак мусиқа ўқитувчисига ўқувчилар билан ишлашнинг аниқ усуллари топишга ёрдам беради. Бу тармоқ ўқувчиларнинг табиий хусусиятларини, қобилиятларини тўғри йўналтирувчи ва мусиқий қобилиятни ривожлантиришга имкон берувчи мусиқа педагогикасига узвий боғлиқдир.

Бўлажак мусиқа ўқитувчилари қатъий билишлари лозимки, улар ўз фаолияти давомида ўқувчи яъни бола шахсининг руҳиятини юксалтиради, улар ҳаётига гўзаллик ҳамда умид бағишлайди. Бунинг учун эса болаларда мусиқий туйғу ривожлантирилиши лозим. Психолог Б. М. Теплов мусиқийлик ҳақида: “мусиқийлик бу – мусиқанинг эмоционал ифодаланишини (шакл, жанр, куй, ритм, лад, динамика ва бошқаларни) ҳис эта олиш қобилияти”, дейди³.

Мусиқа асарининг ўқувчилар тамонидан тўлиқ идрок этилиши, дарс ўтувчи ўқитувчи шахсининг касбий малакаларини ривожланганлиги даражасига боғлиқ. Болаларни мусиқа тинглаш ҳамда уни идрок этишга аслида ёшлиқдан тарбияланиб ва сингдириб борилгани мақсадга мувофиқ. Бу борада мусиқа ўқитувчиси буюк психолог олимлар В. И. Петрушин, А. В. Петровский, Ю. Б. Алиев, З. А. Ринкявичус, С. М. Майкапар, Е. В. Назайкинский кабиларнинг дарслик ва ўқув қўлланмаларидан ўз фаолияти давомида фойдаланса, келажакда унинг ўқувчиларининг мусиқий қобилиятлилиги даражаси албатта юқори бўлади.

Шундай экан, бўлажак мусиқа ўқитувчилари ёшларга мусиқа таълим-тарбия беришда унинг психологик жиҳатларига эътибор қаратишлари лозим.

БОЛАЛАР АДАБИЁТИДА БАДИИЙ ОБРАЗЛАР ТАЛҚИНИ

Файзуллаев Х.Н., ҚарДУ ўқитувчиси

Ўзбек болалар адабиётида яратилган кўплаб бадиий адабиёт намуналари болаларни умуминсоний ғоялар асосида тарбиялашда муҳим аҳамиятга эга. Болалар ижодкорлари томонидан яратилган образларда меҳнатсеварлик, дўстлик, муҳаббат, вафодорлик каби улуғ мақсадлар сари етакловчи ғояларни бадиий асосда акс эттирилиши ҳар доим долзарб вазифалардан ҳисобланган. Шунинг учун ҳам болалар учун яратилган асарларнинг тили содда, раво, ифодали ва таъсирчан бўлиши лозим. Чунки болалар, айниқса, мактабгача таълим ёшидаги болалар учун яратилган асарларнинг тили ва услуби уларнинг ёшига мос келиши мақсадга мувофиқ. Бу ёшдаги болалар ҳали ўқиш ва ёзиш кўникмаларига тўлиқ эга эмас.

Агар кичкинтой дунёси сари кириб борадиган бўлсак, қувноқ оламини, шўх ўйноқи дунёни, ўзгача киши тўймас меҳр-муҳаббатни гувоҳи бўламиз. Олам-олам ҳақиқату, бир дунё поклик ва софлик ҳамда гўзалликни бадиий ҳис этамиз. Худди шу қувноқ қалб эгасидай қувнаб, яйраб-яшнаб кетамиз. Бу кичкинтой жозибаси, бу “кичик дунё” сеҳри. Кичкинтой дунёсидан ором олмаган бирор қалб бўлмаса керак. Болалар адабиётида болалар ижобий қахрамон сифатида ҳам худди ана шундай жозоба кучига эга бўлмоғи лозим.

¹ Ражабов И “Мақомлар” Т: Санъат. 2006-йил 18-б

² Ражабов И “Мақомлар” Т: Санъат. 2006-йил 65-б

³ Қодиров Р. Ф. “Мусиқа психологияси” Т: Мусиқа. 2005-йил 12-б

Юқорида айтиб ўтилган жиҳатлар болалар адабиётида ўз ижобий қаҳрамонларига маънавий озуқа беради, кичкинтойнинг кўнглини ўша қаҳрамон шайдо эта олади. Ўшандагина асар болалар адабиётининг энг нодир дурдоналари қаторидан ўрин олиб, ижобий қаҳрамон кичкинтойнинг катта дунё кишига, замонавий қаҳрамонга, давр талабига мос сеvimли қаҳрамонига айланади.

Болалар учун яратилган образлар кўпроқ ахлоқий-таълимий мавзуларни қамраб олиши ва мажозга асосланган бўлиши ижодкор ғоясини тезроқ англашга имкон яратади. Айниқса Ф. Мусаҷоновнинг бу борадаги асарларини алоҳида таъкидлаш лозим.

Фарҳод Мусаҷонов болалар адабиёти насрининг ривожига ўндан ортиқ китоблари билан салмоқли ҳисса қўшган ёзувчи. У болаликнинг сеҳрли дунёси, жозибаси, руҳий оламини забт эта олган. Шу боис ҳам у ўз асарларини “бола бўлиб” улар тилидан ёзади. Болалар характерини очишда, улар ҳаётига хос воқеа-ҳодисаларни кичкинтой дунёси ва уни болаларча идрок қилишини ҳис этган ҳолда тасвирлайди. Унинг “Чевар қиз” номли тўпламига кирган ҳикоялари мактабгача таълим ёшидаги болаларга мўлжалланган ва улардан бири “Икки оғайни ва дутор” деб номланган. Асарда Каримжон бобосидан рубоб чалишни ўрганмоқчи бўлади. Уч кун ўтгач рубобни ташлаб, фотоаппаратни ўрганмоқчи, кўп ўтмай фотоаппаратдан ҳам зерикади. Каримжон шўх ва тўполопчи, Ражаб бобо эса оғир, босиқ бўлади ва Каримжонни “оғайни” деб чақиради. Каримжон рубобни, фотоаппаратни ташлаганда сабот ва чидам билан ўрганиш кераклигини ўқтиради. Кичкинтойлар учун асарнинг аҳамиятли томони шундаки, болалар ҳар бир ҳунарни сабр-тоқат билан ўрганиш учун иродали бўлиши керак деган хулосага келдилар.

Шу тўпламга оид “Шакар қизча”, “Ажойиб бузоқча” ҳикояларида мактанчоқлик қилмаслик керак деган ғоя илгари сурилади. “Шакар қизча” ҳикоясида ҳамма Машҳурани “шакар қизча” деб атади. Улар ўйнаётган майдонча ёнидан ўтиб кетаётган Хосият холага Кўчқор қор отади, Хосият хола орқасига қараб ким қор отганини билмайди ва йўлида давом этади. Машҳура холанинг қайтишини кутиб туриб кечирим сўрайди. Қорни Кўчқор отганини, унинг одобсизлигини айтади. Хосият хола Машҳурани мақтамайди, унга раҳмат ҳам демайди, “шакар қизча” деб ҳам айтмайди ва йўлини давом этади. Мақтовсиз қолган Машҳура хафа бўлиб қолади.

Шунингдек, “Ажойиб бузоқча” ҳикоясида Рашид бобосига расм чизишини айтиб мактанади. Укаси Соли уч кундан буён бир бузоқни расмини чизаётганини айтади. Бобоси ҳар иккаласи чизган расмни кўриб, Рашидни эмас, Солини чизган расмини мақтади. Бу Рашидга алам қилиб йиғлам-сирайди. Бобоси эса унинг бошини силаб қўяди. Ҳар иккала ҳикояда ҳам мактанчоқлик қилмаслик, мақтовни яхши кўрмаслик керак деган ғоя олға сурилади.

Фарҳод Мусаҷоновнинг “Чевар қиз” деб номланган тўпламига кирган “Энди ҳеч ким зерикмайди” ҳикояси қаҳрамони Марҳамат ўйинчоқлари Тулкивой билан Бўривой, Хўрозча ва Қуёнча, Бўталоқ билан Тойчоқ, Арслон ва Айиқ полвонларни бир уйга киритиб чиройли қилиб ясаиб тахлаб қўяди, ўзи ҳам ўйнамайди.

Зерикиб кетган ўйинчоқлар келишиб дўконга кетиб қолишади. Марҳамат эрталаб уйқудан турса, кўғирчоқлари йўқ. Марҳамат хўрлиги келиб йиғлаб юборади. Бир бурчақда ўтирган Бўталоқ Марҳаматни овутиб, кетиб қолган ўйинчоқлар ёнига олиб боради. Марҳамат ўйинчоқларини кўриб хурсанд бўлиб кетади. Уларни бошқа зериктирмаслигини айтиб, уйига олиб келади ва ўртоқларини чақириб бўлишиб беради.

Ҳикояда ёзувчи дўстан, ўртоқдан қизғанмаслик керак, қизғанчоқлик қилмаслик керак деган ғояни олға сураб экан, дўстликни, меҳрли бўлишни қадрлайди, буни кичкинтойга хос бир дунё билан ҳикоя қилиб беради. Ҳикоя кичкинтойларга ҳиссий таъсир қилади, натижада Марҳамат ўйинчоқлари кетиб қолганликлари учун таъсирланиб йиғлайди, ачинади, қайғуради, ҳаёжонланади, уларни қайтариб олиб келгач, ўртоқларига бўлиб бериб, энди улар билан бирга ўйнашини айтиб, хурсанд бўлади, ўртоқлари ҳам хурсанд бўлади, қайфиятлари кўтарилади. Ҳикоянинг сюжет тузилмаси оддий, болалар образи қандай усулда тасвирланмасин, улар ҳаётга теран кўз, атрофдаги нарса-ҳодисаларни тасаввур қилдиришга диққат қилдирилади. Ёзувчининг мақсади ҳам болалар сиймосида турли талқинларни бадиий акс эттиришдан иборат.

Хулоса қилиб айтганда, Фарҳод Мусаҷонов қаламига мансуб ушбу ҳикоялар, ҳикоялардаги ижобий қаҳрамонлар болалар тарбиясида катта аҳамиятга эга бўлиб, уларнинг дунёқарашини кенгайтиради, бадиий-эстетик характерини тарбиялайди, тафаккурини шакллантиришда муҳим ўрин тутади.

MUSIQACHI SHAXSI VA FAOLIYATI XUSUSIDA

Pirnazarov L. Q., Qarshi DU katta o'qituvchisi

Musiqacha o'qituvchilari psixologik ta'lim olish orqali musiqacha san'atining psixologik nozik jihatlari borasida ma'lumotlarga ega bo'lishadi. Musiqachi shaxsi u kim bo'lishidan qat'iy nazar: bo'lajak bastakor, ijrochi, musiqashunos, musiqacha o'qituvchisi sifatida insonning ichki kechinmalari, uning o'y va intilishlari va tasavvurlar parvozi, musiqiy asar ustida ishlash va uning konsertdagi ijrosi, tinglovchi shaxsiyatining boshqa psixologik sifatlarini yaxshi bilishi hamda yetarlicha aniq tasavvur eta olishi kerak.

O'rta asrlardayoq Sharqning buyuk mutaffakkirlari musiqacha psixologiyasi, musiqaning qalbga, kayfiyatga va inson organizmiga ta'siri masalalarini borasida o'z fikrlarini aytib o'tishgan.

Forobiyning «Musiqacha haqida katta kitob»i va boshqa asarlari, Ibn Sinoning «Kitob ash-shifo», «Kitob an-najot», «Donishnoma» kabi asarlarining musiqacha haqidagi bo'limlari, Abdurahmon Jomiyning «Risolai musiqacha» kitobi shular qatorida turadi. Musiqacha psixologiyasi haqidagi yanada qadimiyroq ta'limotlar bilan biz qadimgi Misr, Hindiston, Xitoy olimlari asarlaridan va zardushtiylarning muqaddas kitobi hisoblangan «Avesto» orqali tanishishimiz mumkin. Ularning asarlarida musiqaning inson ongi, shaxsiga, umuman, jamiyat rivojiga ulkan ta'siri borligi ta'kidlab o'tilgan. Masalan, Aflotun fikricha «davlatning qudrati unda qanday musiqacha, qaysi lad va qay ritmda yangrayotganligigiga to'g'ridan-to'g'ri bog'liq» dir.[1, 4.]

Shu o'rinda O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoyev raisligida joriy yilning 19-mart kuni yoshlarga e'tiborni kuchaytirish, yosh avlodni madaniyat, san'at, jismoniy tarbiya va sportga keng jalb etish, ularda axborot texnologiyalaridan to'g'ri foydalanish ko'nikmasini shakllantirish, yoshlar o'rtasida kitobxonlikni targ'ib qilish, xotin-qizlar bandligini ta'minlash masalalariga bag'ishlangan videoselektor yig'ilishida ko'rilgan masalalar diqqatimizni tortdi.

Ma'lumki, davlatimiz rahbari ijtimoiy, ma'naviy-ma'rifiy sohalardagi ishlarni yangi tizim asosida yo'lga qo'yish bo'yicha 5 ta muhim tashabbusni ilgari surgan edilar va birinchi tashabbus yoshlarning musiqacha, rassomlik, adabiyot, teatr va san'atning boshqa turlariga qiziqishlarini oshirishga, iste'dodini yuzaga chiqarishga xizmat qilishi aytib o'tilgan. Albatta, bu borada Muhtaram Yurtboshimiz musiqaning – yoshlar ongi-shuurini o'stirishi va jamiyat rivojiga ulkan ta'siri borligini inobatga olganliklarini ta'kidlash mumkin.

Darhaqiqat, musiqachi sahnaga chiqishdan oldin jismoniy tayyorgarlik bilan bir qatorda aqliy va emosional tayyorgarlikka ega bo'lish lozim. Shu qayd etish mumkinki, ommaviy chiqish qilish vaziyatiga psixologik moslashishni ikki asosiy bosqichga bo'lish mumkin. Birinchi bosqich – ijrochining autogen holatiga o'tishi va mushaklar bo'shashishi. Bu holatda insondagi ishontirish va o'z-o'zini ishontirish qobiliyati juda oshib ketadi. Ikkinchi bosqichda sahnaga chiqishning obrazli tasviri, hayoliy auditoriya oldida chalish, sozlash, rol tayyorgarligi ishlab chiqiladi.

«Ikki xil artist bor. Biri haqiqatdan ham to'la namoyon bo'lish uchun boshidanoq tinglovchining iltifoti, marhamati, shafqati, ma'qullashiga muhtoj bo'ladi; busiz ular suv quyilmagan gullardek qurib, qovjirab qoladilar: bo'g'iq, quruq, qobiliyatsizdek tuyuladigan darajada yomon chalishadi. Shopen, Skryabin, Sofroniskiylar shunday bo'lgan. Boshqalarga esa bunday iliq muhit sira shart emas... Ular yanada gurkirab ketadilar, kurashga kirishadilar va g'alaba qozonadilar. List, Shalyapinlar shunday edi».[2, 38]

Qat'iylik va tirishqoqlik, mustaqillik va tashabbuskorlik, sabr va o'zini tuta bilish, botirlik va dadillik – bu iroda xatti-harakatining belgilari musiqiy faoliyatda turlicha amalga oshadi. Keraksiz impulslarni to'xtatishning uddasidan chiqish va kerakli bo'lib hisoblanganlarini kuchaytirish iroda xatti-harakatining mohiyatidir.

Demak, optimal konsert holatiga erishish uchun muvaffaqiyat bilan ish olib borayotgan ijrochi obraziga kirishni darkor. O'z navbatida professional musiqachi, mutaxassis musiqacha psixologiyasidagi bu va boshqa jihatlardan yetarli darajada xabardor bo'lishi kerak.

MAKTABGACHA YOSHIDAGI BOLALAR DUNYOQARASHINING SHAKLLANISHIDA PSIXIK JARAYONLARNING AHAMIYATI

Ashirova S., Maktabgacha ta'lim kafedrasini o'qituvchisi.

Hamroyeva X., Maktabgacha ta'lim yo'nalishi talabasi.

«Dunyoqarash – tartibga solingan, yaxlit ongli tizimga aylantirilgan bilim, tasavvurlar va g'oyalar majmui bo'lib, u shaxsni ma'lum qolipdan o'z shaxsiy qiyofasiga ega tarzda tabiatda munosib o'rin egallashga chorlaydi».

Maktabgacha yoshidagi bolalar dunyoqarashining psixologik tavsifini o'rganish uchun uning yosh davrlariga murojaat qilmoq zarur bo'ladi. Negaki, bolaning dunyoqarashi, dunyoni hissiy idrok etishi uning yoshi bilan bevosita bog'liq hisoblanadi. Psixologiya fanida maktabgacha ta'lim yoshidagi bolalar anatomo-fiziologik xususiyatlariga ko'ra chaqaloqlik davri, go'daklik davri, ilk bolalik davri, maktabgacha yosh davrlarga bo'linadi.

Psixologik tadqiqotlarga ko'ra bolaning dunyoni hissiy idrok etishi dastlab sezgilar orqali amalga oshiriladi. Ya'ni bola ko'rgan va eshitgan, mazasini bilgan, ushlab ko'rgan narsa va predmetlari bilan munosabat o'rnatish boshlaydi. Demak, sezgilar bola uchun atrof-muhit to'g'risida va kishilar haqida yagona bilish manbai sifatida xizmat qiladi. Sezgilar shunday bir informatsion kanalki, ular tashqi olamdan va ichki tana a'zolaridan keladigan barcha holatlar, taassurotlar aynan xuddi shu yo'llar orqali miya po'stiga yetib boradi, insonga ta'sirlarga nisbatan to'g'ri javob reaksiyalari qaytarishga yordam beradi.

Bolalar dunyoqarashini shakllanishida ishtirok etadigan navbatdagi psixik jarayon bu idrokdir. Idrok sezgilarga nisbatan murakkab va mazmundor psixik jarayon hisoblanganligi sababli barcha ruhiy holatlar, hodisalar, xususiyatlar, xossalalar va inson ongining yaxlit mazmuni, egallangan bilimlar, tajribalar, ko'nikmalar bir davrning o'zida namoyon bo'ladi, aks ettirishda ishtirok qiladi.

Dunyoqarashning shakllanishida ishtirok etadigan yana muhim psixik jarayonlardan biri diqqat hisoblanadi. Diqqat inson faoliyatining barcha turlarini muvaffaqiyatli amalga oshirishning va ularning samaradorligini ta'minlovchi muhim shartlardan biridir. Kishi faoliyati qanchalik murakkab, serzahmat, davomiylik jihatdan uzoq muddatli, mas'uliyat hissini taqozo qilsa, u diqqatga shunchalik yuksak shartlar va talablar qo'yadi. Inson ziyrakligi, farosatliligi, tez payqashi, sinchkovligi, dilkashligi uning turmush sharoitida, shaxslararo munosabatida muhim omil sifatida xizmat qiladi. Diqqat aqliy faoliyatning barcha turlarida ishtirok etadi, insonning xatti-harakatlari ham uning ishtirokida sodir bo'ladi.

Ma'lumki, agar tashqi olamning bosh miya katta yarim sharlari qobig'ida hosil bo'ladigan obrazlari, timsollari va ularning izlari yo'qolib ketaversa, tajribaning saqlanishi, bilimlarning boyishi, murakkablashishi, muayyan tartibga kelishi, qaytadan jonlanishi mutlaqo mumkin bo'lmas edi. Modomiki shunday ekan, mazkur obrazlar bir-biri bilan o'zaro uzviy bog'lanib, asta-sekin mustahkamlanib, miya qobig'ida puxta saqlanib qoladi, shu bilan birga, hayot va faoliyatning muayyan talablariga muvofiq ravishda qaytadan jonlanadi, avvalgi holatini boshqatdan namoyon qiladi. Bu psixik jarayon xotira deb nomlanadi.

Bola dunyoqarashining shakllanishida tafakkurning o'rni alohida hisoblanadi.

Psixolog olimlardan biri O. K. Tixomirov tafakkurga quyidagicha ta'rif beradi: "Tafakkur – bu o'z mahsuloti bilan voqelikni umumlashtirib, bevosita aks ettirishni xarakterlaydigan, umumlashtirish darajasi va foydalanadigan vositalariga hamda o'sha umumlashmalar yangiligiga bog'liq ravishda turlarga ajratishdan iborat jarayon, bilish faoliyatidir".

Ushbu ta'rifga ko'ra tafakkur jarayoni bu murakkab psixik jarayon hisoblanib, unda bola ko'rgan va eshitgan narsa va hodisalarni analiz va sintez qiladi, qismlarga ajratib, umumiy xulosaga keladi. Ma'lumki, tabiat va jamiyatdagi bilim va tajribalarni bolalar tomonidan o'zlashtirib olish analizdan boshlanib unga javob qaytarish sintez operatsiyalari orqali amalga oshiriladi.

Inson tafakkurining oliy jarayoni esa nutq hisoblanadi. Dunyoqarashni esa aslo nutqsiz tasavvur etib bo'lmaydi, xoh u og'zaki bo'lsin, xoh yozma. Inson ana shu nutqi orqali dunyoga va kishilarga bo'lgan munosabatini ifodalaydi. Aynan bolalar ham nima yaxshi-yu, nima yomon ekanligini va ularga bo'lgan munosabatini nutqi orqali yoshi, psixik rivojlanishiga ko'ra ta'riflab beradi. Shuningdek, bolalar tevarakatrofga bo'lgan qiziqishi, munosabati, go'zallikni ham tili, nutqida ifoda qiladi.

Xulosa sifatida ta'kidlashimiz lozimki, bola dunyoqarashi yuqoridagi psixik jarayonlar natijasida shakllanar ekan, ularni har qanday psixik zo'riqish, negativ holatlardan himoyalash lozim bo'ladi. Shuningdek, ota-onalar, tarbiyachi-pedagog va shifokorlar bolaning psixik va fiziologik rivojlanishini doimiy kuzatuv hamda nazoratda ushlashlari shartdir.

ВОЯГА ЕТМАГАНЛАРНИ ОЧИҚ АХБОРОТ ТАҲДИДИДАН АСРАШНИНГ ИЖТИМОЙ-ПСИХОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ

Кулатова С., Қариши ДУ ўқитувчиси

Вояга етмаганлар психологиясини ўрганишда ўсмирлик даври муҳим ўрин тутди. Ўсмирлик ёши инсон шахси шаклланишининг муҳим давларидан бири бўлиб, ўзининг қийин кечиши ва қўплаб мураккабликлари билан бошқа ёш давларидан кескин фарқ қилади. Шунинг учун ҳам ўсмирлик даври ҳақида гапирилганда "ўтиш даври", "оғир давр", "инкироз даври" каби сўзларнинг

ишлатилиши бу даврнинг ниҳоятда қийин кечишидан дарак беради. Мазкур даврининг оғир, мураккаб давр эканлиги кўплаб психологик, физиологик, ижтимоий омиллар билан боғлиқ. Ғ.Шоумаровнинг фикрича, бу даврда ривожланишнинг барча жиҳатлари: жисмоний, ақлий, ахлоқий, ижтимоий ва шу қабиларнинг мазмун моҳияти ҳам ўзгаради. Бу даврда ўсмир ҳаётида, унинг руҳияти, организмнинг физиологик ҳолатларида, унинг ижтимоий ҳолатида жиддий ўзгаришлар содир бўлади. Энг муҳими, унинг ўз-ўзига ва атрофдагиларга нисбатан бўлган муносабатлари ҳам бутунлай бошқача характер кашф эта бошлайди, кизиқишлари тизими, ижтимоий йўналганлиги қайтадан шаклланади, ўз-ўзини англаши, баҳолаши, қадриятлари ўзгаради.

Бизга маълумки, ўсмирлик ёшида жинсий етилиш даври бошланиб, уларда аёллик ва эркакликнинг ташки белгилари (овознинг дўриллаши, мўйловнинг сабза уриши, кўкрак қафаси ва кўкрак безларининг шакли, ўғил ва қиз боланинг нафас олишидаги тафовут) пайдо бўла бошлайди. Ўзгаришлар таъсирида рўй берган эротик сезгилар уларни ташвишга солади. Буларнинг барчаси ички ва ташки тафовутларни кучайтиради. Организмдаги ўзгаришлар ўсмирнинг атрофдагилар билан муносабати мазмунига таъсир этади. Ўсмир табиати тундлаша боради, кайфияти тез ўзгаради. Улар катталар томонидан ўз ҳақ-ҳуқуқларининг чеклашларига, қаршилиқ ва эътирозларига қаттиқ қайғурардилар. Ўсмир ўзида бўлаётган ўзгаришлар, уни ташвишга солаётган муаммолар ҳақида катталар билан бўлишишга катта эҳтиёж сезади, лекин буни ҳеч қачон биринчи бўлиб ўзи бошламайди. Ўсмир катталарнинг ўзига нисбатан ёш болалардек қилинадиган муомала - муносабатига қаттиқ норозилик билдиради.

Ўсмирнинг шахс сифатида шаклланишида икки хил ҳолат кузатилади: бир томондан, бошқалар, тенгқурлар билан яқинроқ алоқада бўлишга интилиш, гуруҳ нормаларига бўйсуниб бўлса, иккинчи томондан, мустақилликнинг ошиши ҳисобига бола ички руҳий оламида айрим қийинчиликларнинг юзага келишидир. Айниқса, бугунги глобаллашув жараёнида ахборот кўламининг кенгайиши ҳам ўсмирларнинг руҳиятига таъсир кўрсатмай қолмаяпти. Глобаллашув – кишилиқ жамиятидаги маҳаллий аҳамиятга молик маданий, ахборот, иқтисодий, геосиёсий маконларнинг бир тизимга бирлашуви жараёни экан, ундан икки хил мақсадда – эзгулик ва ёвузлик йўлида фойдаланиш мумкин бўлади.

Эзгу ғоя ва таълимотлар билан ёвуз ва зарарли ғоялар ўртасида азалдан кураш мавжуд бўлиб келган. Айниқса, бугунги кунда ёшларимиз нафақат ўқув даргоҳларида, балки радио-телевидение, матбуот, интернет каби воситалар орқали ҳам ранг-баранг ахборот ва маълумотларни олмоқда. Жаҳон ахборот майдони тобора кенгайиб бораётган шундай бир шароитда болаларимизнинг онгини фақат ўраб-чирмаб, уни ўқима, буни кўрма, деб бир томонлама тарбия бериш, уларнинг атрофини темир девор билан ўраб олиш, ҳеч шубҳасиз, замоннинг талабига ҳам, бизнинг эзгу мақсад-муддаоларимизга ҳам тўғри келмайди. Айниқса, бугун биз ҳаётимизни компьютер-техникасиз тасаввур қила олмаймиз. Олимлар ҳатто инсон миясидаги фикрни ўқийдиган, уни керакли йўналишга бура оладиган ақлли машиналар, буюртма биологик организмларни вужудга келтиришга кодир сунъий қурилмалар ихтиро қилиш устида ҳам бош қотирмоқдалар. Лекин бу ихтиролар келгусида нимага хизмат қилиши, ёшлар онги ва тафаккурига, одоби ва тарбиясига, Ватан, миллат олдидаги масъулиятига қандай таъсир кўрсатиши устида камроқ фикр юритилмоқда.

Бугун ёшларнинг 90 фоизи асосий ахборот манбаи сифатида интернетга мурожаат қилишади. Интернетдаги ахборотнинг ҳажми жуда катта бўлиб, турли хиллиги туфайли ёшларнинг онгига салбий таъсир ҳам кўрсатмоқда. Айниқса, ундаги “эркин ҳаёт тарзи” сифатида тарғиб қилинаётган ахлоқсизлик, ҳаёсизлик, тажовузкорлик ва бошқа иллатлар инсон ҳаёти, оила мустақамлиги ва ёшлар тарбиясига улкан хавф солаётир. Бугунги мураккаб замонда одамзот ҳар қадамда ҳушёр бўлмаса, аввало, унинг ўзи кашф этган техник янгиликлар фойда эмас, зарар келтириши мумкин. Энг ёмони, инсонлар ўртасидаги лоқайдлик ва бепарволикдан ғаразли кучлар фойдаланиб, ўзларининг ёвуз ниятларини амалга ошириши ҳеч гап эмас. Шунинг учун ҳам айни пайтда тараққиёт жараёнида интернетда тарқатилаётган ахборотнинг холис ёки ҳаққонийлигига ишониш долзарб масаладир.

Бугунги кунда интернетда тарқатиладиган айрим хабарлар бузғунчилик ҳаракатларини содир этишга ундаётганлиги ҳеч кимга сир эмас. Ҳозирги вақтда бундай ахборот тарқатиш усулларидан турли экстремистик гуруҳлар, бузғунчи ташкилотлар фойдаланиб келаётгани бутун дунёни ташвишга солмоқда. Тараққиёт жараёнида телефон орқали компьютерга уланиб дунёнинг хоҳлаган бурчагидаги инсонлар билан мулоқотда бўлиш ва ўзига керакли ахборотни олиши мумкин. Шунинг учун ҳам шахсга психологик ҳимоя зарур. Психологик ҳимоя бўлиши учун шахсда мустақил фикр бўлиши лозим. Демак, очик ахборотлар таҳдиди шароитида ёшларни тўғри яшашга, ватанпарвар ва инсонпарвар бўлишга, эркин фикрли бўлишга ўргатиш орқали уларда мафкуравий иммунитетни тарбиялаш энг долзарб вазифалардандир.

Хуллас, ёш авлодимиз маънавий оламининг дахлсизлигини асраш учун биз нималарга таяниб-суяниб иш олиб боришимиз керак, деган савол бугун барчамизни ўйлантириши табиий. Бунинг учун урта асосий вазифани бажариш: бепарволик ва лоқайдликка йўл қўймаслик, хушёрлик ва жонқуярлик; халқаро майдонда содир бўлаётган жараёнларнинг туб моҳиятига етиб бориш, улар ҳақида холис ва мустақил фикрга эга бўлиш; миллий ахлоқий қадриятларимизни сақлаб қолиш, “оммавий маданият” хуружларига қарши курашиш зарур бўлади.

ТАЪЛИМ МУҲИТИ ТАҲЛИЛИ ВА УНИНГ ПСИХОЛОГИК-ПЕДАГОГИК ТАВСИФИЙ МОҲИЯТИ

Чоршанбиев З.Э., ҚарМШИ ўқитувчиси

Психологик-педагогик тадқиқотларни таҳлил қилишимиз натижасида: муҳит ва инсоннинг ўзаро таъсирлашув механизмларини тадқиқ этилишига алоҳида эътибор қаратилмоқда, чунки у доимий давом этувчи жараён бўлиб, уни ҳар доим ўрганиб бориш мақсадга мувофиқдир.

Фанда муҳит ва инсон алоқага киришувига оид турли концепциялар мавжуд. Уларни шартли равишда “факторли” ва “молекуляр” концепцияларга ажратиш мумкин. Биринчиси, инсоннинг муҳит билан алоқасини зарурат ва мажбурият юзасидан тадқиқ этишни назарда тутса, иккинчиси эса, субъектга танлаш ҳуқуқини тадқиқ этувчи муносабатлар эркин тавсифини ўрганишга йўналтирилгандир.

Факторли моделга кўра, муҳит инсонга таъсир этиш стимули ва кўзғовчиси саналган шароит ва компонентлар мажмуасидир, муҳитда - функция бажарувчи тизимларда юз берадиган ўзгаришларни тасвирлаш имконини беради. Молекуляр модель эса макон ва замон ҳақидаги тасаввурларга таянади, “жой” категорияси билан алоқадор ва муҳитнинг таркибини ифода этади. Қайд этиб ўтилган концепциялар эса бир бирини тўлдирди. Шунга асосланган ҳолда таълим муҳитининг таркибий тузилмасини тавсифлаймиз ва унинг хусусиятларини алоҳида ажратиб кўрсатамиз. Замонавий психология ва педагогика назариясида тадқиқотчилар таълим муҳити компонентлари таърифига мос келадиган турли ёндашувларни ишлаб чиқишган. 1-жадвалда унинг қурилиш вариативлиги акс эттирилган.

Таълим муҳитининг психологик-педагогик таркибий компонентлари

1-жадвал.

Таркибий компонентлар
Ижтимоий, макон-предметли ва психодидактик компонентлар.
Уч маъновий даража: биринчиси – таълим жараёнининг шакл ва мазмунини белгилаб берувчи педагогик тизим; иккинчиси – ахборот-таълими, электрон-таълимий ресурслар, методик ресурслар, таълим соҳаси аҳамиятига эга ахборот муҳити ресурслари тизими; учинчиси – таълим оловчиларнинг мустақил таълими ва ўзини камол топтириши билан боғлиқ билишга доир ва ижтимоий-маданий ресурслардан таркиб топган <u>таълим мелиамуҳити</u>
Мазмуний-методик (таълим мазмуни; таълимни ташкил этиш метод ва шакллари), коммуникацион ташкилий (таълим муҳити субъектлари хусусиятлари, уларнинг ижтимоий мавқеи ва роллари; мулоқот ва дарс бериш усули; ташкилий шароитлар).
Муҳитнинг ижтимоий-мулоқот қисми (шахсий намуна, маданият, тажриба, ҳаёт тарзи, фаолият, ахлоқ, ўзаро муносабатлар; ўзаро ҳамкорлик қилишга тўғри келадиган муассасалар, ташкилотлар, уларнинг вакиллари гуруҳлари; инсон алоқага киришадиган ўз гуруҳи ва бошқа коллективлар “қурилмаси”, инсоннинг ўз гуруҳидаги реал ўрни, унинг бошқа гуруҳларга қўшилганлик даражаси), муҳитнинг ахборот қисми (ички тартиб қоидалари, ўқув муассасаси низоми, анъаналар, шахсий ва жамоат хавфсизлиги қоидалари, яққоллик воситалари, персоналга мўлжалланган таъсирлар), муҳитнинг соматик қисми (шахсий вужуд ва унинг ҳолати), муҳитнинг предметли қисми (материал, физик-кимёвий, биологик, гигиеник шароитлари).
Жисмоний атроф (мактаб ҳоналар ва мактаб бинолари архитектураси ва дизайни); инсон омили (таълим жараёни субъектлари ўртасида социал зичлик, таҳсил оловчи ва ўқитувчиларнинг жинс-ёшга оид хусусиятлар); таҳсил дастури (фаолият тузилиши, дарс ўтиш усули ва бошқалар).
Эмоционал қўллаб-қувватловчи, эмоционал ривожлантирувчи, эмоционал созловчи, эмоционал фаоллаштирувчи, эмоционал шуғуллантирувчи компонентлар.
Ахлоқий (субъектлар ўзаро ҳаракати услуби ва характери), воқеавий (таълим лойиҳалари, чора-тадбирлар ва бошқа ишлар тизими, таъсил оловчилар эса уларнинг субъектлари ҳисобланади), предметли-мақоний (макон муҳитини шакллантириш, ўқув ва бошқа хоналарнинг жиҳозланган-лик даражаси, санитар-гигиена талабларига мослиги) ва ахборот-маданий (кутубхона, медиатека, ўқув-методик материаллар тўплами).

Ахборий, ижтимоий ва технологик компонентлар.
Фаолиятга оид (ўқувчини таҳсил олдири ва камол топдириш учун зарур фаолият турли кўринишлари мажмуаси); коммуникатив (бевосита ва предметли воситаланган шаклда шахслараро ўзаро ҳамкорлик макони ва ўқувчиларнинг мазкур таълим муҳити ва унинг бошқа субъектлари билан ўзаро ҳамкорлиги усуллари); маконий-предметли (маконий-предметли воситалар, уларнинг йиғиндиси таълим муҳити субъектларининг талаб этиладиган маконий ҳаракатлари ва хулқ-атвори имкониятини таъминлайди).
Муҳитнинг маконий-предметли, ижтимоий ва психодидактик (технологик) компонентлари.
Ўзаро ҳамкорлик (таъсир) блоки (таълим жараёни субъектлари); ташкилий блок (мотивация, ташкил этиш ва бошқариш мотивацияси); ахборот-таълим блоки (телекоммуникацион воситалар, ўқитувчи дастурий воситалар, олий ўқув юртининг даврий электрон нашрлари, олий ўқув юртининг таҳсил берувчи ресурслари ва билимлар базалари).

Келтириб ўтилган ёндашувлар таҳлили бизга шундай хулоса қилиш имконини беради, таълим муҳити таркиби қуйидаги характеристикалар орқали белгиланиши шарт: ташкил этиш усули (қандай?), ўзаро таъсир тури (ким?), потенциал (нима?).

Шунга яқин позиция тадқиқотчилар томонидан илгари сурилган, унда таълим муҳит таркиби икки компоненти ажратиб кўрсатилган [1], [2]: таълим жараёни субъектлари ва унинг объектлари. Биринчи компонент ҳақида гап кетса, таълим олувчи ва ўқитувчилар тушунилади; иккинчи компонент бошқарув соҳаси, ўқитиш воситалар, методикалар, моддий база орқали намоён бўлади.

Ушбу нуқтаи назарларни умумлаштириб, таъкидлаш жоизки, айнан субъект компоненти алоҳида аҳамият касб этади. У муҳитни ташкил этиш ва шакллантиришда тизим яратувчиси ҳисобланади. Айнан ўзаро таъсир омили муҳитни яратиш учун зарур шарт ҳисобланади: атроф-оламнинг субъект ўзаро таъсирлашадиган муайян қисми муҳит саналади.

Шундай қилиб, таълим йўналишига эга муҳит таркиби, унинг хоссалари, тавсифларини ифодаловчи ягона ёндашувнинг йўқлиги таркиби бўйича бир жинсли муҳитлар синфларини тизимлаштириш ва ажратиб кўрсатиш мақсадга мувофиқ бўлишини тақозо этди.

ONOMATOPOEIC WORDS IN MODERN ENGLISH

Ochilova Z.Z., English teacher of Karshi State University

Onomatopoeia - conditional execution of nature sounds and sounds that accompany some of the processes (trembling, laughing, whistling, etc.), as well as the cries of animals. Onomatopoeic words - words, between form and meaning that there is extra linguistic communication.

In modern languages, there is also used a lot of words in a speech called **onomatopoeia**, which are a set of attributes to be combined into a separate lexical and grammatical category, since they cannot be subsumed under any of the currently existing parts of speech.

Early scholars[2] often considered the whole sound representational undifferentiated vocabulary system. All the system consists of 2 sub-systems:

- *sound symbolic (with a non-acoustic denotation)*
- *onomatopoeic (with an acoustic denotation)*

Onomatopoeic words are often referred to as the number of interjections. So, in the dictionaries of onomatopoeia is not strictly delimited by interjections: or are provided with a mark "between", or combine them in one article. Despite the fact that interjections and onomatopoeic words morphologically amorphous syntactically quite independent and are, as it were on the periphery of the lexical-semantic system, there are marked functional differences, namely: and interjections and onomatopoeia used with completely different syntactic purposes due to semantic and semiotic differences (interjections and onomatopoeia is not only associated with different semantic areas, but are signs of different types).

English onomatopoeic words attracted the attention of scientists due to several factors:

1. Most of **explicitness** (because of the relatively small number of inflections and affixed formations). In English onomatopoeia for the most part either consist of a single root: **bang (n); plop (n)**, or attach a very limited number of inflections (one, rarely two): **screamed; creaking; squeaker**, whereas in the Russian language onomatopoeic roots often surrounded by other morphemes and their onomatopoeic character to a lesser extent there is a speaker and the listeners (for example: **грох-ну-ть-ся; за-скрип-е-ть**)

2. onomatopoeia smooth transition from one part of speech to another: **hiss (v) - шипеть – hiss (n) - шипение; ding-dong (v) - звенеть – ding-dong (n) – звон**

3. Focus on the English map of auditory sensations, ie, in describing the situation in the English speaking preference Sound perception than visual.

4. A significant number of onomatopoeic units containing reduplication and alternation of sounds (**quack-quack – кря-кря, plod-plod – стуккопыт, tick-tick – тиканьчасовetc.**) I.V. Arnold[1] divides them into three groups:

- **proper reduplicative compounds (hush-hush, quack-quack)**
- **ablaut combinations (chit-chat, pow-wow)**
- **rhyme combinations (razzle-dazzle)**

Thus, the onomatopoeic vocabulary in English is an extensive and extremely interesting material for linguistic research.

Used Literature:

1. Арнольд, И. В. Лексикология современного английского языка. / И. В. Арнольд. – М. : Издательство литературы на иностранных языках, 1959. – 351 с.
2. Воронин, С. В. Английские ономотопы: Фоносемантическая классификация. / С. В. Воронин, под ред. проф. О.И. Бродович. – СПб. : Геликон Плюс, 2004. – 328 с.
3. Cambridge International Dictionary of English. / Cambridge University Press, 1995. – 1773 p.
4. Collins English Dictionary./Collins London and Glasgow, 1976. – 1263 p.
5. www.wikipedia.org
6. www.macmillanenglish.com

ГЛОБАЛЛАШУВ ЖАРАЁНИДА АХБОРОТ ХУРУЖИ ВА УНИНГ ПСИХОЛОГИК МУҲОФАЗАСИ

Қодирова Д., Бухоро ДУ психология кафедраси ўқитувчиси

Инсоният ахборот оқими тобора тезлашган, Ер шари аҳолиси кайфиятини, рухиятини, мақсад ва интилишларини, қолаверса, бутун тафаккур тарзини ўзгартиришга қодир бўлган ахборот технологияси вужудга келган бир даврда яшамокда. Бу ҳозирги замон цивилизациясининг ўзига хос ютуғи. Халқлар, мамлакатлар, давлатлар ўзаро муносабатларини тобора яқинлаштиришга, жаҳон ижтимоий-сиёсий жараёнларини бошқаришга, дунёвий кайфият, дунёвий рухият ва маслакнинг вужудга келишига хизмат қиладиган мўъжизакор ходиса. Бироқ тамаддуннинг ана шундай улкан, кенг микёсли ва серқирра ютуғидан ким қандай мақсадларда фойдаланаяпти? Уни беқиёс ва қудратли кучини нималарга ишлатаяпти? – деган ҳақли савол ҳам муаммога айланмоқда. Яъни инсоният тафаккури кенгайиб, фан-техника тараққиёти жадаллашгани сайин инсоният ўзининг буюк яратувчилик қудратини намоён этмоқда. Шу билан бирга ўзининг бошини ўзи оғритадиган, ўз ҳаётига ўзи таҳдид соладиган, ўз истиқболини мавҳумлаштирадиган ҳолатларга ҳам дуч келмоқда. Бу ўта муҳим вазифани амалга оширишда таълим-тарбия тизими, ижтимоий-сиёсий, маънавий-мафкуравий масалалар билан шуғулланадиган идоралар, давлат ва нодавлат ташкилотлар, сиёсий партиялар ўз ҳиссасини қўшиши табиий, албатта, лекин бу борада оммавий ахборот воситаларининг ўрни ва таъсир кучи беқиёс, десак, ҳеч қандай муболаға бўлмади” деб таъкидлайди. Дарҳақиқат, бугунги кунда тезкор усуллар ёрдамида у ёки бу воқеа, ходиса ҳақидаги хабар бир зумда Ер юзининг барча нукталарига етказиб берилмоқда. Таъкидлаш жоизки, ахборот хуружи ғаразли геосиёсий манфаатларни амалга ошириш йўлида турли кучлар томонидан кенг қўлланмоқда. Бундай ҳолат геосиёсий кучларнинг дунёнинг йирик теле ва радиоканалларига, Интернет сайтларига турли сиёсий кучларнинг босим ўтказишга интилаётганини, улардан ўз манфаатлари йўлида фойдаланишга уринаётганини кўрсатади.

Ҳозирги вақтда деярли барча давлатлар ахборот соҳаси тадрижий ривожланиши ва турли хил таъйиқлар мавжуд бўлган шароитларда унинг амал қилиши учун шарт-шароитлар яратиш бўйича фаолиятни кучайтирдилар.

Глобаллашаётган дунёда ахборот халқлараро ва давлатлараро муносабатларда катта аҳамият касб этади. Кейинги вақтларда илмий адабиётда ва оммавий ахборот воситаларида “глобаллашув”, “глобал дунё”, “иктисодий - молиявий глобаллашув”, “аксилглобал ҳаракатлар”, “маданий глобаллашув” каби иборалар кўп қўлланиладиган бўлиб қолди. Айниқса, дунё иқтисодиётида рўй бераётган салбий жараёнлар ҳақида сўз очилиб қолса, шубҳасиз, гап глобаллашув жараёнига бориб тақалади.

Бугунги кунда кўпчиликнинг бошини қотираётган бу масаланинг маъно - моҳияти нимадан иборат? Бунинг боиси шундаки, XX асрнинг охири - ХХИ асрнинг бошида жаҳон тараққиётида янги умумсайёравий тартиб, тамаддуний босқич мазмун - моҳияти, давлатлар ва кишилар ўртасидаги ўзаро алоқаларнинг кенгайиши ва мураккаблашиши, дунё миқёсидаги ахборот макони, капитал, товар ҳамда ишчи кучи бозорида тамоман янгича вазиятнинг вужудга келиши, атроф - муҳитга техноген таъсирнинг кучайиши, оммавий маданият намуналарининг кенг тарқалиши, информатсион - мафкуравий ва диний – экстремистик хуружлар хавфининг ортиб бориши, ҳуллас, жамият ҳаётининг барча соҳалари - иқтисодиёт, сиёсат, мафкура, маданият, ҳатто шахсий турмуш тарзини қамраб олган глобаллашув жараёни билан боғланмоқда. Бу бежиз эмас, албатта. Чунки мазкур жараён глобал коммуникация тармоғининг вужудга келишига имкон яратган информатсион инқилоб, жаҳон бозорида рақобатнинг кучайиши, табиий захиралар тақчиллиги ва уларга эгаллик қилиш учун курашнинг кескинлашуви, оммавий қирғин қуролларининг тарқалиши, умумсайёравий фалокат хавфи каби омиллар билан белгиланади. Ана шу омилларнинг ўзаро боғлиқлиги, бир - бири билан туташиб кетишида глобаллашув жараёнининг зиддиятли ҳамда мураккаб моҳияти намоён бўлади. Глобаллашув даврига келиб эса тараққиёт борасида ўзгача қараш-воқеа - ҳодисаларни макон ва замондан ажратмаган ҳолда, синхром тарзида талқин этиш тамойили кўзга ташлана бошлади. Шу маънода, глобаллашув жараёни бошланади-ган аниқ бир тарихий давр ва маконни ажратиш қўрсатиш қийин. Негаки, назарий жиҳатдан қараганда, тарихий тараққиёт хусусиятларидан қатъий назар, халқаро меҳнат тақсимооти тизимида уйғунлашиб бораётган, хорижий сармояларни ўз иқтисодиётига изчил жалб этаётган ҳамда замонавий технологиялар сари интилаётган ҳар қандай мамлакат учун глобаллашув жараёни туфайли вужудга келган иқтисодий афзалликлардан фойдаланиш имконияти туғилади. Аммо унинг салбий жиҳатларидан ҳам қочиб қутулиб бўлмайди.

Жаҳон миқёсида кезиб юривчи ахборотлар муайян давлат манфаатларига таъсир этмай қолмайди. Бу фақат шу ахборот тарқаладиган алоҳида олинган бир мамлакатдаги ижтимоий, сиёсий ва жараёнлардан дарак бериши билангина эмас, балки бошқа мамлакатларнинг мазкур хабарлар ҳақида ҳеч нарса айтилмаган аудиторияси буларни ўз давлатидаги ҳолатга қиёслаши билан ҳам мазкур мамлакат манфаатларига ҳам таъсир этади. Шу сабабли давлатлар, ҳукуматлар ўртасида айрим келишмовчиликлар вақти-вақти билан юзага чиқиб туриши мумкин. Бунда ким ҳақ ёки ким ноҳақ эканлигини аниқлаш ҳар доим ҳам осон бўлавермайди. Булар барчаси ахборот жараёнларининг глобаллашуви билан боғлиқ муаммолар долзарблигини яна бир қарра таъкидлайди. Оқиқ ахборот тизимларида ахборий-психологик хавфсизликни таъминлаш ҳозирги куннинг долзарб талабидир.

Ахборот психологик хуружлар бугунги кунда инсоннинг ўзлигига ва келажагига таҳдид солаётган воситалардан бири экан, албатта, бунда ана шу хуружлардан ҳимояланиш йўллари, усуллари ишлаб чиқилиши муҳим аҳамият касб этади. Ҳаёт суръатлари жуда ҳам тезкор даражада илгарилаб кетаётган бир даврда яшамокдамикки, бундай вазиятда, албатта, жамият аъзоларини атрофда бўлаётган воқеа-ҳодисаларга нисбатан ҳушёр, эътиборли, мавжуд шарт-шароитларга нисбатан ҳолис, мантиқан тўғри ва аниқ баҳо бера олиш қобилиятларини шакллантириш таҳдидларга қарши курашишда алоҳида аҳамият касб этади.

АГРЕССИВ ХУЛҚ-АТВОРНИНГ ТАРБИЯВИЙ-ПСИХОЛОГИК ТАЛҚИНИ

*Комилова М., Бекмуродова Х.,
Қарши ДУ магистрлари*

Мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қўламдаги ижтимоий-иқтисодий ислохотлар муваффақияти кўп жиҳатдан ёшларнинг эркин фикрловчи ва бунёдкорлигига боғлиқ бўлишидан келиб чиқиб, уларнинг баркамол шахс сифатида шаклланишларида зарур шарт-шароитларни яратиш давлат сиёсатининг устувор йўналиши сифатида қаралмоқда.

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида “Жисмонан соғлом, руҳан ва ақлан ривожланган, мустақил фикрлайдиган, Ватанга содиқ, қатъий ҳаётий нуқтаи назарга эга ёшларни тарбиялаш, демократик ислохотларни чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш жараёнида уларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш вазифалари белгиланган. Бугунги кунда амалга оширилаётган чоралар таркибида, хусусан ўсмирларнинг таълим жараёнидаги фаоллигини ошириш, шахслараро муносабатларга киришишда эмпатия ҳиссини ривожлантириш, шахс сифатида ўзини тўғри баҳолаш, жамиятда ўз ўрнини топишида ёрдам бериш ҳамда ахлоқий кўникмалар шакллантирилишининг психологик механизмларини такомиллаштириш муҳим масалалар ҳисобланади.

Шахсга доир индивидуал тараққиёт самарасини ҳамда инсонлараро муносабатларни белгиловчи хулқ-атвор ва хатти-ҳаракатларнинг энг муҳим хусусиятлардан бири агрессивликдир. Агрессивлик жамиятда кенг тарқалиб бораётган ҳолатдир. Субъектив жиҳатдан у нохуш фазилат сифатида баҳоланади. Объектив жиҳатдан ҳам агрессивлик кишининг жамиятга мослашувида кийинчилик тугдиради. Агрессивлик инсонларнинг ижтимоий ҳаёти ва шахсий саодатини жиддий чеклаб қўяди.

“Агрессивлик” тушунчаси турмушда жаҳлдорлик, тажовузкорлик, жиззакилик, урушқоқлик, жанжалкашлик каби сўзлар билан ёнма-ён қўлланади ва бундай инсонларга салбий назар билан қаралади.

Агрессия ва агрессивлик тушунчаларини бир-биридан ажратиш таҳлил қилиш лозимдир. Агрессия - бу одамлар, ёки инсонлар гуруҳига нисбатан жисмоний ва руҳий зарар етказишга қаратилган индивидуал ёки жамоавий хатти-ҳаракатлар мажмуи бўлиб ҳисобланади.

Агрессивлик — шахснинг нисбатан барқарор хусусияти бўлиб, у тажовузкорликка тайёргарликни ифодалаш билан бирга, душманлик асосида бошқаларнинг хулқ-атвори, хатти-ҳаракатини қабул қилиш ва тушунишга мойилликни билдиради. Агрессивлик барқарорлик кучи ҳамда шахс тузилишининг бир қисми сифатида хулқ-атворнинг умумий тенденциясини олдиндан аниқлаш имкониятига эга бўлади.

Демак, агрессия - бу жисмоний ёки руҳий зарар етказишга йўналтирилган ҳар қандай хулқ-атвор шаклидир. Ушбу таърифда таъкидланишича, агрессия бу эмоция ёки мотив эмас, балки хулқ-атвор моделидир. Гарчи агрессия аксарият ҳолларда ҳақоратлаш ёки зарар етказишга интилиш билан боғлиқ бўлган мотивлар асосида, ҳамда салбий эмоциялар, жумладан, қаҳр, газаб, тажанглик билан боғлиқ тарзда ассоциация қилинади. Албатта, юқоридаги омиллар агрессив хулқ-атворга маълум маънода катта таъсир кўрсатади, лекин уларнинг мавжудлиги бундай хулқ-атворни юзага келишида зарур бўлган шароит ҳисобланмайди.

“Ўзбек тилининг изоҳди лугати”даги таърифга кўра, “агрессивлик- агрессив хатти-ҳаракат” деб кўрсатилган. Агрессия (лотинча *agressio*-ҳужум) сиёсий нуқтаи назардан таърифланиб, бир давлат (давлат гуруҳи) томонидан бошқа давлатнинг ёки халқнинг суверенитети, ҳудудий дахлсизлиги ёки сиёсий мустақиллигига қарши БМТ Уставига кўра ғайриқонуний ҳисобланган ҳар қандай куч ишлатиш; тажовуз деб юритилган.

Тажовуз (арабча сўздан олинган бўлиб ўтиш, чегарадан ўтиш, босиб ўтиш; ҳаддан ошиш; конунбузарлик) умуман олганда зўрлик, зўравонлик хатти-ҳаракати, ҳамла деган маънода ишлатилиши баён этилган.

Русча-ўзбекча лугатда эса агрессия - агрессия, тажовузкорлик, босқинчилик деган маънони англатган. Демак, юқоридаги таърифлардан келиб чиқиб, агрессия тушунчасини асосан сиёсий соҳада ишлатилишига гувоҳи бўлаяпмиз, аммо агрессия ва тажовуз тушунчаси бир- бирини тўлдириб келса-да, психология соҳасида ўзининг алоҳида ўрнига эга.

Бу тушунчанинг психологик таърифига кўра “Катта психологик лугат”да: Агрессия - (лотинча *aggressio*-тажовуз, ҳужум) деган маънони билдириб, инсонларнинг жамият қоидаларига зид мотивлашган деструктив хулқи, ҳужум объектларига (жонли ва жонсиз) зарар келтирувчи ва инсонларга жисмоний зиён ёки психологик ноқулайлик (инкор этиш, зўриқиш, босим, қўрқув) етказувчи ҳолат. Юқоридаги таърифлардан шу нарса аён бўладики, агрессия тушунчаси бир қанча эмоционал ҳолатлар билан ёнма-ён юради. Тажовуз сўзидан келиб чиқиб, тажанглик деб номланган ҳолатни “Ўзбек тилининг изоҳди лугати”да кайфи бузук, жаҳли, асаби кўзиган ҳолат; бекорга жаҳли чиқадиган, жигибийрон бўлаверадиган, жаҳли, аччиги тез, деб таърифланади. Жаҳл сўзига эътибор қаратадиган бўлсак, жаҳл (арабчадан-нодонлик; ақлсизлик; жаҳолат) ножўя хатти-ҳаракатдан, гапдан ёки воқеа-ҳодисадан ранжиш, аччиқланиш, газабланиш туйғуси, газаб деб таърифланган. Бу таърифдан газаб тушунчаси - арабчадан таржима қилганда қаҳр, жаҳл, зарда; норозилик, кучли даражада аччиқланиш ҳисси деб баён қилинган. Демак, инсон агрессив ҳолатида кучли жаҳл, тажанглик, асабийлик, газаб, норозилик каби салбий ҳисларни бошдан кечириши ва бунинг натижасида кимгадир жисмоний ёки маънавий-руҳий зарар етказиш ҳаракатини амалга оширади.

Психологияда “агрессия” тушунчаси турлича ёндошув асосида таҳлил қилинган бўлиб, бир гуруҳ тадқиқотчилар агрессияни салбий хулқ-атвор модели сифатида баҳолашар, яна бир гуруҳ тадқиқотчилар бу хулқ- атворнинг ижобий томонлари ҳам мавжудлигини таъкидлайдилар. “Бизлар, - деб ёзади Р. Кратчфилд ва Н.Ливсонлар - агрессия ахлоқийликнинг акси демоқчи эмасми: зотан агрессиянинг баъзи бир шакллари ахлоқсизлик сифатида қаралмайди. Бироқ, у аксарият ҳолларда ахлоқсизликдир, шунинг учун ахлоқийликни ўзлаштирилишига маъсул механизмлар агрессив

импульслар ижтимоийлашуви негизида ҳам ётади”. Улар агрессиянинг икки бир-бирини инкор этмайдиган ва бирдай мақбул тавсифларини берганлар.

Биринчиси, хулқ-атворнинг зохирий (ташқи) аломатларига асосланади: “Агрессия - кимгадир зиён етказувчи хулқ-атворнинг ҳар қандай кўринишидир”. Иккинчиси, одамнинг ботиний (ниятлари) билан боғлиқ, яъни инсонни ҳаракатга ундовчи кучларини ўрганиш билан англаш мумкин бўлган ҳолатлар билан муштарак: “Агрессия - бошқа бир инсонга зиён етказишни мақсад қилиб олган ҳар қандай хатти-ҳаракатдир”.

Инсонлар жамиятида агрессив хулқ-атворнинг тарқалганлиги ва унинг зарарли томонларини ҳисобга олган ҳолда, табиийки, агрессияни тадқиқ қилишда, одамлар уни намоён қилиш сабабларини излаш ҳамма вақт катта аҳамиятга эга бўлган.

КОМПЬЮТЕР, ИНТЕРНЕТ ОРТИДАГИ ПСИХОЛОГИК МУАММОЛАР

Рахмонова М., Қарши ДУ магистри

Инсоният тарихида ҳайрат чўққисида энг узоқ турган кашфиётлардан бири бу компьютер ва интернет бўлса, ажаб эмас. Компьютер технологиялари бугун ҳаётга шиддат билан кириб келаяпти. Янги нарса эса ёш авлод учун доим қизиқарли. Лекин ўша ёш авлод мазкур соҳани ипидан игнасиғача мукамал эгаллашга ҳаракат қилаётими ёки унинг қулига айланиб бораяптими, буни ажратиб олиш мушкул. Компьютерда ўйнаш учун мўлжалланган ўйинлар (дисклар) турини ўрганган киши қўйидаги хулосаларга келади: Айти пайтда бозорда диск кўринишида сотилаётган ўйинларнинг деярли 95% қотиллик, ўғрилик, зўравонлик ва шу каби хатти-ҳаракатлар асосига қурилган экан.

Фан ва техниканинг жадал ривожланиши, фаолиятнинг барча соҳаларида ахборот тизимларининг жорий этилиши ва уларнинг кенг қўлланилиши кишиларнинг одатий, анъанавий турмуш тарзига, ишлаб чиқариш амалиётига таъсир этиб, унинг яққол янги шаклларини яратмоқда. Бизда савол туғилади, бугун барчани камраб олган интернет аҳамияти қандай? Ундан биз нимани ўрганишимиз?

Интернет - бу вақт, макон ва жуғрофий чегараларнинг мавжудлигига қарамай, компьютер ва кичик тизимларнинг ўзаро алоқа боғлаб, глобал ахборот инфратузилмасини шакллантирувчи бутунжаҳон компьютер тармоғидир. У кашф қилинган маълум бир давр ўтиб ноанъанавий интерфаол журналистиканинг ривожланишига сабаб бўлди. Мультимедиа хусусиятларига эга бўлган, миллий, минтақавий ва давлат чегараларини билмайдиган интернетнинг дунёга келиши, бугун барча учун қимматли бўлган ахборотларни тарқатиши эса ўз навбатида катта бир кашфиёт эканлигидан далолат. Бугун интернетда бир вақтнинг ўзида бемалол маълумот олиш, тарқатиш, қабул қилиш каби бир неча вазифаларни бажариш мумкин. Аммо, ундан қай тарзда, қандай фойдаланиш эса мавҳум бир тушунчадек четда қолиб кетмоқда.

Буюк Британиялик Патрисия Ҳолланд интернет ҳақида шундай дейди: “Интернет деб номланувчи компьютерлар занжирида ташкил топган бутунжаҳон коммуникация тармоғи чексиз масофада бўлган, ўзаро нотаниш индивидиумлар ўртасидаги алоқа боғлашга замин яратади. Интернет макони бўйлаб ҳаракатланиш – бу бўш вақтни фойдали ва мазмунли ўтказиш йўли, тадқиқот учун маълумот йиғишнинг самарали усули, зарур маълумотларни излаш ва таҳлил этишда ёрдам берувчи бебаҳо воситадир”¹.

Ахборот олиш имкониятларининг юқорилиги боис интернет уларни ўзига кўпқатлаб жалб этмоқда. Бироқ улар маълумотлар аҳамиятини ажрата олишмаяпти. Шу боис тажовузкор ўйинлар, ахлоқсиз-ликни тарғиб қилувчи сайтлар билан банд бўлиб қолишяпти. Афсуски айрим ёлғон тарқатилган маълумотлар инсонларнинг мафкуравий онгига катта маънавий таъсир ўтказмоқда. Бу маълум бир маънода глобаллашув даврида инсон онгига ёт бўлган ғояларни сингдириш, уларни онгини захарлаш орқали бир томонлама фикрлайдиган бўлиб ўсишига хизмат қилмоқда. XXI аср техник юксалишлар асри бўлса-да, болага самимий туйғулар, гўзал нарсалар, ахлоқ меъёрлари ҳақида гапириш керак. Уларга ўзингизнинг иқтисодий муаммоларингиз, ижтимоий мавқеингиз нуқтаи назаридан эмас, энди дунёни англаб, унга нисбатан муайян муносабати шаклланаётган шахс сифатида эътибор бериш катта аҳамиятга молик.

¹ Рашидова Д., Муратова Н., Интернет журналистикаси. Тошкент 2007 й. 9-б.

ИНФОРМАЦИОН – ПСИХОЛОГИК ТАҲДИДЛАР МИЛЛИЙ-МАЪНАВИЙ ХАВФСИЗЛИККА ТАҲДИД СОЛУВЧИ ОМИЛ СИФАТИДА

Мамаюсупов С. А., Қарши ДУ талабаси

Ислом Каримов ўзларининг “Юксак маънавият – енгилмас куч” асарларида: “Бугунги замонда мафкура полигонлари ядро полигонларидан ҳам кўпроқ кучга эга”¹, - деб таъкидлаган фикрлари нақадар ҳақ эканини ҳозирги пайтда ўз тасдиғини топмоқда. Кейинги йилларда жаҳоннинг турли ҳудудларида рўй бераётган воқеалар, шу жумладан, минтақавий можаролар, оммавий норозилик ва тартибсизлик, геосиёсий манфаатлар тўқнашуви, энг аввало, ахборот воситаларида, унинг шиддатли кучи ва таъсири остида ҳудудий, мафкуравий кўламини кенгайтираётганлигини ҳисобга оладиган бўлсак, бу ҳақиқатнинг маъно-моҳияти янада ойдинлашади.

Бундан келиб чиқадиган хулоса – ХХІ асрда тараққиёт тақдири давлатларнинг миллий ахборот сиёсати ва ахборот муҳофазаси тизимларини яратиши, дунё ахборот майдонида ўз сўзини дадил айта олишга боғлиқ эканини ҳаётнинг ўзи кўрсатмоқда. Зеро, ХХІ аср-ахборот асри. Ахборот – психологик қуролдир. Бу бутунлай янги турдаги қурол бўлиб, у оммавий ахборот воситалари, компьютер ўйинлари, интернет тизими ёрдамида инсон онги орқали унинг дунёқарашига таъсир кўрсатувчи воситадир. Биргина ХХ асрнинг сўнгги йилларида интернет глобал тармоғининг дунё бўйлаб кенг оммалашishi ҳамда ахборот тўплаш, тарқатиш ва айрибошлашнинг энг муҳим ва асосий воситасига айланиб улгурди.

АҚШнинг савдо-сотик вазирлиги томонидан ўтказилган тадқиқот натижаларига кўра, 50 миллионлик аудиторияни қамраб олиш учун радиога 30 йил керак бўлган, телевиденияга эса 13 йил, интернетга эса 4 йил кифоя қилган².

Ҳозирги таҳликали замонда интернет тармоғи орқали тарқатилаётган ғаразли маълумотлар, турли бузғунчи ғоялар, одоб-ахлоқни емирувчи манфур иллатлар ҳар бир онгли кишини ташвишга солиши аниқ. Бу билан интернет тизими салбий ҳодиса деган фикрдан йироқмиз. Интернет ёрдамида ишлар осон ва тез бажарилади. Тўғри, ахборот технологиялари кенг имкониятлар бераётгани маълум. Бироқ, танганинг икки томони бўлгани каби, ғаразли кучлар ҳам бу имкониятлардан бирдек унумли фойдаланмоқдалар.

Энг асосий муаммо интернетдан ким қандай мақсадда фойдаланишида. Ҳозирги ёш болалар ҳам компьютерни бемалол ишлата олади. Бир қарашда, бунинг ёмон томони йўқдай. Аммо, ҳаддан оширса, назорат бўшашса, оқибати жуда ёмон бўлади.

Интернетга қираётган ёшлар сони соат сайин ортмоқда. Бир муҳим маълумот: “Болаларни асрайлик” (Save the Children) халқаро ташкилоти АҚШдаги 15-17 яшар ўсмирларнинг 85 фоизи, Канада ёшларининг 93 фоизи интернетдан мунтазам фойдаланишини эълон қилди. Ўзбекистондан интернетдан фойдаланувчилар сони 2008 йилда 2 миллион бўлса, ҳозир 10 миллиондан ошгани, уларнинг аксарияти ёшлар эканини алоҳида қайд этиш керак³.

Биргина интернетдаги ижтимоий тармоқ (odnoklassniki.ru, facebook.com, twitter, v.kontakte ва бошқа)лар интернетга кирувчиларнинг ўзаро мулоқот қилиш ва маълумот алмашишлари учун жуда қулай воситага айланди. Лекин, минг афсуски, ижтимоий тармоқлар ҳам бузғунчи кучлар қўлида жуда хатарли воситага айланиши, ёшлар тарбиясига салбий таъсир этаётгани кўпчиликни жиддий ташвишга солмоқда. Шу ўрнда, жамиятшунос Шерри Теркл “Биргаликдаги ёлғизлик” (Alone together) номли китобида: “Ижтимоий тармоқлардаги суҳбатлар барча инсонийликни йўқ қилаётган аҳмоқликнинг янги шаклидир”, - дея таъкидлайди. Виртуал, яъни хаёлий оламга берилиб кетиш ва реал ҳаётдан узилиб қолишдир. Бу инсон руҳиятига қаратилган психологик таъсирдир.

Ҳозир ўсмир ёшлар онгига таъсир қилиб, улар қалбига ўз бузғунчи ғояларни сингдиришни ёки, уларни тўғри йўлдан оздиришни мақсад қилган кучлар жуда кўп. Бу ҳолат оддий компьютер ўйинларидан тортиб, интернет сайтлари, ижтимоий тармоқлар, мобил алоқа дастурларида ҳам очик кўзга ташланади. Юзаки қараганда, арзимас бўлиб туюладиган бу ҳаракатлар вақт ўтган сари жиддийлашиб, қатъийлашиб бораверади. Бу эса, ёшларнинг тарбиясига, психологиясига таъсир кўрсатади. Оддий мисол сифатида, аксарият компьютер ўйинлари ваҳшийликни, интернет тармоғи

¹ Каримов И.А. “Юксак маънавият – енгилмас куч”. Т.: “Маънавият”, 2008 й

² Министерство США Асообшаёт... “Мир Internet”, 1998 г

³ Тулепов А. “Интернетга ин қурган ўргамчаклар”. Т.: 2015 й

орқали эса асосан, ғоявий бузгунчилик тарғиб қилади. Бу эса, болаларнинг маънавий дунёқарашига қақшатқич зарба беради.

Бу каби маънавий таҳдидлар мақсади инсонни дини, эътиқодидан қатъий назар, ҳар қайси одамнинг эркин инсон бўлиб яшашига қарши қаратилган, унинг айнан маънавий-руҳий дунёсини издан чиқариш мақсад қилинган – мафкуравий хуружлардир.

Инсонлар қалби ва онги учун катта курашлар кечаётган глобаллашув даврида юксак маъна виятли, одоб-ахлоқ тарбиясига эътиборни кучайтириш долзарб вазифадир. Эртанги кунимизнинг эгали бўлган ёш авлод тарбиясига доимо эътиборли бўлишимиз, миллий-маънавий хавфсизлигимизга қаратилган ҳар қандай таҳдидларга қарши мафкуравий иммунитетни шакллантиришимиз, айниқса, ёшлар тарбияси давлат сиёсатининг асосий устувор вазифаси сифатида миллий манфаатларимизнинг марказида бўлиши лозим.

Хулоса қилиб айтганда, бугунги глобаллашув шароитида ахборот сиёсати мамлакатнинг барқарор ривожланишини таъминловчи муҳим омил сифатида намоён бўлмоқда. Жаҳон тажрибаси шуни кўрсатадики, тараққиёт йўлидан жадал илгариланган давлатларда оммавий ахборот воситалари самарадорлигини ошириш ва назорат қилиш давлат сиёсати даражасига кўтарилган.

Зеро, Ислом Каримов таъкидлаганларидек, “Дунёдаги зўравон ва тажавузкор кучлар қайси бир халқ ёки мамлакатни ўзига тобе қилиб, бўйсундирмоқчи, унинг бойликларини эгалламоқчи бўлса, авваломбор, уни қуролсизлантиришга, яъни энг буюк бойлиги бўлмиш миллий қадриятлари, тарихи ва маънавиятидан жудо қилишга уринади. Бинобарин, маънавиятга қарши қаратилган ҳар қандай таҳдид ўз-ўзидан мамлакат хавфсизлигини, унинг миллий манфаатларини, соғлом авлод келажагини таъминлаш йўлидаги жиддий хатарлардан бирига айланиши ва охир – оқибатда жамиятни инқирозга олиб келиши мумкин”.

Демак, бугунги кунда энг муҳим ва асосий вазифамиз ўсиб келаётган ёш авлодни миллий қадриятлар асосида тарбиялаш, улар қалбига ўз халқи, Ватанга меҳр-садоқат туйғусини янада кучайтириш, уларни ҳар хил бузгунчи кучларнинг ахборот хуружларидан огоҳ этиш, муносиб ҳимоя қилишдан иборатдир.

SPSS ДАСТУРИ АСОСИДА ПСИХОЛОГИК МАЪЛУМОТЛАРНИ СТАТИСТИК ИЗОҲЛАШНИНГ ЎЗИГА ҲОС ХУСУСИЯТЛАРИ

Рустамов Ш. Ш., БухДУ 2-босқич магистри

Ақлий ва ижодий меҳнатини автоматлаштириш ва турли хил тадқиқотларни ўтказишда компьютерларнинг кенг имкониятларидан фойдаланиш бошқа соҳалар каби психология олдида турган муаммолардан бирига айланганлигига бир неча ўн йил бўлди. Психодиагностик, ижтимоий-психологик тадқиқотлар ўтказиш ва уларнинг натижаларни қайта ишлаш, хулоса чиқариш бошқа тадқиқотлардан тубдан фарқ қилади. Шунинг учун кишиларнинг психологиясини, уларнинг турли хусусиятларни ўрганишда компьютерлардан фойдаланиш ҳам ўзига хос йўл, йўналишга ва талабга эга.

Психодиагностика соҳасидаги таниқли олим А.Анастази - "Компьютерлар ўзининг маълумотларни юқори тезликда таҳлил ва қайта ишлаш имкониятлари билан тест ўтказишнинг айтарли барча босқичларини, тестни яратишдан бошлаб то уни қўллаш, бирламчи натижаларни қайд қилиш, ҳисоблаш ва интерпретация қилишгача ўзгартирди"-деб кўрсатган эди.

Маълумки, замонавий психодиагностикада компьютерлар кўзғатувчи материални (тест, анкета, саволнома ва х.к.) кўрсатиш (тақдим қилиш), натижаларни йиғиш, сақлаш, уларни математик қайта ишлаш, математик ва график усулларда таҳлил қилиш мақсадида қўлланилади.

Психодиагностика, айниқса замонавий психодиагностика олинган экспериментал материалларни умумлаштириш ва кўп томонли, мураккаб математик статистика методлари ёрдамида қайта ҳисоблашга асосланган. Бундай мураккаб ва сермашаққат ишларни амалга ошириш учун махсус компьютер дастурлари, мажмуалар ишлаб чиқилган. Бу тизимлар олинган экспериментал материалларни тез, аниқ қайта ишлаш, улардан иложи борича кўп маълумот олиш ва олинган натижаларини аниқ, кўргазмали ва ишлатишга қулай ҳолга келтириш имконини беришга мўлжалланган.

Кейинги йилларда экспериментал натижаларни қайта ишлаш учун бир қанча махсус статистик пакетлар яратилган. Улар орасида кенг тарқалган BMDP, SAS, SPSS, шунингдек социологик ва психологик тадқиқот натижаларини қайта ишлаш учун қўлланиладиган — OSIRIS пакетларини кўрсатиш мумкин.

Шунингдек, эксперимент ўтказиш ва уларнинг натижаларни қайта ишлаш учун SuperCalc, Lotus 1-2-3, QuadraPro, Microsoft Office таркибига кирувчи дастурлардан фойдаланиш мумкин.

Ривожланган мамлакатларда, шу жумладан АҚШда психолог талабаларни ҳисоблаш техникаси ва дастурлаштириш асосларига ўқитиш XX асрнинг 60 йилларида бошланган. Ҳозирги вақтда компьютерлар университетларнинг психология факултети битирувчилари учун оддий ва зарурий воситага айланган. Улар дастурлаштириш тиллари, дастурий таъминот яратишнинг замонавий технологиясини биладилар ва турли амалий пакетлар, шу жумладан математик статистика, билан ишлаш кўникмаларга эгалар.

Мамлакатимиздаги психологлар тайёрловчи олий ўқув юртларида психологик маълумотларни қайта ишлашда компьютер дастурларидан фойдаланиш билан боғлиқ ўқув предметларининг ўқув режаларига киритилиши бу борада катта қадам бўлди. Бўлажак мутахассислар турли экспериментал натижаларни қайта ишлашда Microsoft Office таркибига кирувчи дастурлардан (масалан Excel) ва махсус дастурлардан фойдаланиш кўникма в малакаларига эга бўлишлари лозим. Шундай махсус дастурлардан бири SPSS дастуридир.

Шуни таъкидлаш жоизки, психологик маълумотларни қайта ишлашда компьютер дастурларидан, шу жумладан SPSS дастуридан фойдаланиш бўйича ўзбек тилида материаллар мавжуд эмас. Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда ушбу Диссертациямизда SPSS дастуридан фойдаланишга доир маълумотларни имконият доираси кўриб чиқишни ўз олдимишга мақсад қилиб кўйдик.

Шундай қилиб, ҳозирги вақтда психодиагностикада компьютерларнинг қўлланилиши асосан алоҳида методикаларнинг компьютерлаштирилган вариантларини яратиш тарикасида олиб борилмоқда. Аммо шунинг ўзида ҳам амалий психодиагностика учун ижобий самара кузатилмоқда.

Биринчидан, диагностик натижаларни тез олиш клиник текшириш ва маслаҳат бериш каби соҳаларда жуда зарур бўлиб қолди.

Иккинчидан, психолог текширилувчига кўрсатма бериш, вазифани кўрсатиш, жавобларнинг тўғрилигини текшириш, эксперимент баёнини олиб бориш ва жавобларни қайта ишлаш амаллардан холос бўлади ва ўз олдига қўйган вазифани ечишга бутун кучини сафарбар қилиш имкониятига эга бўлди.

Учинчидан "қўлда", анъанавий усулда йўл қўйилиши мумкин бўлган хатолар, жавобларни беҳато қайд қилиш ва натижаларни тўғри қайта ишлаш катта аҳамиятга эга. Масалан, ММПИ натижаларини қайта ишлашда 20% гача хатога йўл қўйиш мумкин эди.

Тўртинчидан, компьютерли экспериментда маълумотларни қайта ишлаш қисқа муддатлар ичида кўп текширилувчиларда параллел тест ўтказиш йўли билан оммавий психодиагностик тадқиқотлар ўтказиш имконини беради. Юқорида санаб ўтилганлар ҳисобидан психодиагностик методикаларни компьютерлаштириш психодиагностик экспериментнинг сифатини ошириш ва уларга сарф қилинадиган харажатларни камайтиришга ижобий таъсир қилади. Кўриб чиққанмишдек, олиб борилган ишларнинг аксарияти мавжуд психодиагностик методикаларни компьютерлаштириш, психологик экспериментни автоматлаштиришга бағишланган.

YOSHLARDA MILLIY ONGNI TARKIB TOPTIRISHDA DASTLABKI SPORT KLUBLARI VA JISMONIY MADANIYAT HARAKATLARINING(1918-1924) ROLI

*Samadova F., Qarshi DU o'qituvchi,
Mahmudova N.H. Qarshi DU malabasi*

Yurtimizdagi turli-tuman muassasalar va tashkilotlarning mehnat faoliyatlari xususiyatlariga qarab, ularda ijodkorlar, ixtirochilar, bunyodkorlar, nafis san'at xodimlari, idorani boshqarishda faol ishtirok etuvchi xodimlar xizmat qilishmoqda. Ular orasida jismoniy va aqliy mehnat qiluvchilar ko'p uchraydi. Yosh ijodkorlar, san'atkorlar va idoralarning xodimlari orasida sport turlari bilan shug'ullanuvchilar ham ko'paymoqda.

Dastlab, Turkistonda 1918-yildan sport to'garaklari ishlay boshladi. Toshkentda ochilgan «Bolalar mehnat klubi»da sport to'garaklari tuzilib, har xil o'yinlar, gimnastika turlari bo'yicha mashg'ulotlar o'tkazilib turildi. Sportchi-ovchilar uyushmasi tuzildi.

O'sha davrdagi yoshlar ittifoqi va sport to'garaklari rahbarlarining tashabbusi bilan 1920-yilda O'rta Osiyo olimpiadasi o'tkazildi. Unda poyga, gimnastika, yengil atletika, og'ir atletika, futbol, o'q otish kabi turlar bo'yicha bahslar bo'ldi. Olimpiadada 174 sportchi ishtirok etadi va 50 ming kishi tomosha qiladi.

1921-yilda II O'rta Osiyo olimpiadasi bo'ldi. Unda yengil atletika, og'ir atletika (boks, kurash, shtanga), basketbol, gimnastika, futbol va shaxmat bo'yicha sportchilar musobaqalashishdi.

1922-yilda Toshkentda maktablarga qarashli 2 ta sport maydonchasi bo'lib, ularda 2-ming kishi sport turlari bilan shug'ullanadi. Turkiston o'lkasi bo'yicha 4 ming 797 jismoniy madaniyatchi bo'lib, shundan 382 tasi xotin-qizlar edi. Mahalliy millat sportchi xotin-qizlari esa deyarli yo'q edi. O'lka jismoniy madaniyat Kengashi hisobida 2 ta gimnastika zali, 34 ta sport maydonchasi mavjud edi.

1924-yilda umumturkiston olimpiadasi tashkil etildi. Unda Sirdaryo, Farg'ona, Samarqand va boshqa viloyatlarning sportchilari ishtirok etdi. Sirdaryo viloyati g'oliblikka erishdi. Ta'kidlash lozimki, bu olimpiada Turkiston o'lkasining so'nggi yirik sport musobaqasi sifatida tarixda eslab o'tiladi.

1924-yil 27-oktabrda O'zbekiston Mustaqil Respublika deb e'lon qilingan edi. O'sha davrda O'zbekiston Turkiston muxtor Respublikasi tarkibida bo'lib, barcha ishlarga ittifoq miqyosidagi idoralar, tashkilotlar tomonidan ko'rsatma berilar edi. Shu sababli 1918-1924-yillarda asosan, Toshkent, Samarqand, Qo'qon, Buxoro shaharlaridagi temir yo'l ishchi xodimlari, zavod-fabrikalari, ba'zi bir rus maktab yoki gimnaziyalarida sport klublari tashkil etilgan edi. U joylarda futbol, boks, velosiped, yengil atletika kabi sport turlari bo'yicha to'garaklar tashkil etilib, musobaqalar uyushtirilar edi. Tarixiy manbalarning tasdiqlashicha, bu musobaqalarda mahalliy millat vakillari deyarli ishtirok etishmagan.

Diqqatga sazovor tomoni shundaki, milliy kurashga ham alohida e'tibor berildi. 1929-yil Qo'qonda 1 jismoniy madaniyat milliy bayrami bo'lib o'tadi. Unda kurash bo'yicha polvonlar ko'rigi tashkil etiladi.

Xulosa qilib aytganda, sovet mustamlakachiligining dastlabki yillarida (1917-1924) Turkiston Respublikasida Markaziy Osiyoda O'zbekiston Respublikasifatida (1924 y.) o'quv yurtlarini tashkil qilish, yoshlarni kasbga tayyorlash, ishchi yoshlarning salomatligini yaxshilash hamda ularni sportga jalb etishda ancha ilg'or tajribalar to'plandi. Maorif, madaniyat va sport sog'liqni saqlash tizimlarida jismoniy tarbiyaga alohida e'tibor berildi. Toshkent (1926), Samarqand (1927), Farg'ona (1929) va boshqa sanoat shaharlarida stadionlar qurildi, o'yin maydonlari va sport zallari yuzaga keldi. Umum o'zbek spartakiadasi (1927) o'tkazildi, unda yurtning oqsoqoli Y.Oxunboboyev yoshlarga qarata murojaat qilib, jismoniy kamolot yo'lida muvaffaqiyatlar tiladi.

INSON PSIXOLOGIASIDA FATIK MULOQOTNING O'ZIGA XOS XUSUSIYATLARI

Turdiyev Sh.B., Nishon tumani, 18- o'rta maktab o'qituvchisi

Muloqotdan ko'zlangan asosiy maqsad kommunikantlar o'rtasida o'zaro fikr almashish bo'lsa-da, tilshunoslar o'z ishlarida uning bundan boshqa yana bir qator funksiyalari mavjudligini alohida ta'kidlaydilar. Muloqotning bunday muhim funksiyalaridan biri mulozamat yoki manzirat ifodalashlik xususiyatidir.

Muloqotning bu funksiyasi tilshunoslikda fatik muloqot (fatcheskaya kommunikatsiya) termini ostida tadqiq etiladi. "Fatik muloqot" termini ilk bor ingliz etnologi B. Malinovskiy tomonidan qo'llanilgan. U bu termini muloqot jarayonida ba'zan ro'y beradigan noqulay jimlik, nutqiy uzilish (pauza)ni to'ldirish uchun suhbatdoshlar o'rtasida hurmat, muloyimlik yuzasidan ishlatiladigan noinformativ muomala usuli ma'nosida qo'llaydi. Shundan buyon bu termin Yevropa tilshunosligida muloqot jarayonida iltifot, izzat-ikrom, takalluf ko'rsatib, suhbatdoshlar ko'nglini olish uchun qo'llanadigan muomala usuli ma'nosini anglatuvchi atama sifatida ishlatiladi. Aslida lotincha bo'lib, "gapirish" ma'nosini bildiradigan bu termin o'rnida ba'zan "sotsiativ" so'zi ham ishlatiladi¹.

Psixologik nuqtai nazardan fatik muloqot shartlilik xususiyatiga ega ekanligi bilan ajralib turadi va shu jihatdan u yarim faoliyat (kvazideyatelnost) hisoblanadi. Chunki u o'ziga xos so'z o'yini bo'lib, ba'zi bir nutqiy uzilishlarning oldini olish va shu yo'sin nutqning davomiyligini, suhbatning jonli, chiroyli chiqishini ta'minlash - suhbatdoshlar ko'nglini olish maqsadida qo'llaniladi. Shu sababdan ham unda mazmundan ko'ra shakl ustunlik qiladi. Asli arabcha bo'lgan mulozamat, manzirat so'zlari o'zbeklar nutqida kishining ko'nglini olish uchun ko'rsatiladigan iltifot, e'zoz-ikrom, takalluf ma'nosida qo'llanadi. Faqat "mulozamat" da ijobiy, "manzirat"da esa salbiy ma'no ottenkasi borligi bilan farqlanib turadi. Kishilarga mulozamat,

¹ Каранг: Формановская Н. И. Вы сказали: "Здравствуйте!"; с. 14.

manzirat qilish usul va darajalari jihatidan O‘zbekistonning turli hududlarida yashovchi kishilar muloqot xulqi birmuncha farqlanadi. Bu farqlar interetnik muloqotda ishlatiluvchi turli til va shevalar bilan ham bog‘liq. El orasida aytib yuriladigan “Qo‘qon manzirat”, “Samarqand manzirat” kabi jumalalar ham o‘z-o‘zidan paydo bo‘lmagan. O‘zbekistonning Buxoro, Surxondaryo, ayniqsa, Xorazm viloyatlarida hatto mehmonga ham ortiqcha mulozamat ko‘rsatish unchalik urf emas.

Fatik muloqot, ayniqsa, ayollar muloqot nutqida o‘ziga xos usulda namoyon bo‘ladi. YA’ni, aksariyat o‘zbek ayollari erkaklarga qaraganda mulozamat qilishga usta bo‘ladilar: “mehmonlarni xotinlarga xos mulozamat va shirinso‘zlik bilan kabinetiga taklif qildi.” (A.Qahhor). Ayollarning mulozamat mavzulari ham erkaklarnikidan farqlanadi.

Ko‘pchilik ayollar suhbatdoshlaridan hol-ahvol so‘rayotgan paytlarida o‘zlarini ularga yaqin ko‘rsatish uchun: “Eson-omon yuribsizmi? Bolalarim, o‘g‘il-qizlarim... yaxshi yurishibdimi?” kabi jumalarni qo‘llashadi. Bulardan ma‘lum bo‘ladiki, o‘zbek ayollari “Ko‘ngilni qo‘ling bilan ovlamasang, tiling bilan ovla” maqoliga amal qilishga intiladilar.

Olimlarning e’tirof etishlariga ko‘ra, “...nutqiy muloqotning to‘g‘ri va real amalga oshishi uchun kommunikantlar nutq momentiga qadar muayyan faktlar bilan tanish bo‘lishi, umumiy vaziyat bilan bog‘liq muayyan bilim - xabardorlikka ega bo‘lishlari lozim. Ayni shu faktlar, bilimlar tilshunoslikda presuppozitsiya nomi bilan umumlashtiriladi”. Jumladan, kimgadir nimadir demoqchi bo‘lgan kishi, eng avvalo, adresantning u aytmoqchi bo‘lgan gap presupozitsiyasi bilan aloqadorligini inobatga oladi. YAni, aytiladigan gapga aloqador voqelik bilan oldindan tanish bo‘lgan adresat uchun adresantning asosiy fikrni bir yoki bir necha so‘z orqali bayon etishi kifoya qiladi.

Masalan, noma‘lum sababga ko‘ra biror yerdan kelishi kechikayotgan o‘g‘lini xavotirlik bilan kutayotgan ona uchun undan xabar olgani chiqib ketgan kishining “keldi” degan so‘zining o‘zi o‘g‘lining (boshqa bironing emas) kutilayotgan yerdan kelganligi haqidagi xabarni beradi. Ammo adresat presuppozitsiyadan mutlaqo bexabar, buning ustiga adresantning o‘zi bilan ham notanish bo‘lsa, u holda muloqotning to‘g‘ri va real amalga oshishi uchun adresantning gapni uzoqdan boshlashiga to‘g‘ri keladi.

Tinglashning inson psixologisi bilan bog‘liq xususiyatlaridan biri shundaki, har kim o‘zi xohlagan narsani eshitadi. Bu haqda Bxagva Shri Raynsh “Transsendentlik haqida” nomli asarida qiziq bir hikoya keltiradi. Unda yozilishicha, ikki kishi shaharning shovqinli, odamlar bilan gavjum trotuarida ketayotgan ekan. Kutilmaganda ulardan biri: “Eshitgin-a, chigirtka qanday chiroyli sayrayapti!” - debdi. Hech narsa eshitmayotgan sherigi shunday olomon orasida, buning ustiga, mashinalar shovqini ostida qanday qilib chigirtkaning ovozini eshitganini ajablanib so‘rabdi. Kasbi zoolog bo‘lgan hamrohi buni qanday qilib tushuntirishni bilmabdi va cho‘ntagidan bitta tanga olib trotuarga tashlabdi - yo‘lovchilar darrov bunga e’tibor qilishibdi. Shunda u: “Ko‘rdingmi, biz o‘zimiz istagan narsaning ovozini eshitamiz” - debdi

Demak, inson ruhiyati, millati va yashash joyi, ma‘naviyati va madaniyati, e’tiqodi va urf-odati, yoshi va jinsi, kasb-hunari va ijtimoiy o‘rni kabi qator sotsial umumlashmalarni o‘zida zuhur etadigan muloqot xulqi va unda mulozamat ifodalovchi leksik birliklar muammosi insonning o‘zi kabi rang-barang va serqirra bo‘lib, dunyo olimlari - sotsiolog, psixolog, etnograf, madaniyatshunos, tilshunos va boshqa fan sohasi mutaxassislari e’tiborini birday o‘ziga jalb etmoqda. Zero, bu muammo bilan shug‘ullanish barcha dunyoviy ilmlarning asosiy tadqiqot mavzusi - insonning o‘zligini anglash kabi muhim va ahamiyatlidir.

СУД-ПСИХОЛОГИК ЭКСПЕРИЗАСИННИНГ ПРЕДМЕТИ ВА ЭКСПЕРТ ВАКОЛАТИ

*Чориев Ф.А., ЎзМУ катта ўқитувчиси,
Жабборов Х.Х., Республика маънавият ва маърифат
маркази бош мутахассиси*

Суд-психологик экспертизасининг вазифаси тушунчасидан келиб чиққан ҳолда, унинг умумий предмети тарикасида махсус психологик текширишлар йўли билан синалувчиларнинг барча психологик хусусиятларини аниқлаш жараёни қабул қилинди.

Суд-психологик экспертизасининг асосий вазифаси – гувоҳ, айбланувчи, ҳамда жабрланувчиларнинг ўзига хос психик фаолияти бўйича ҳақиқатни аниқлаш имкониятини бериш учун муҳим аҳамиятга эга бўлган янги далилларни махсус психологик билимлар асосида олишдан иборатдир.

Эксперт психологик текширувларнинг объекти - инсон психикасидир.

Суд-психологик экспертизаси муаммоларига мурожаат қилган кўпчилик муаллифларнинг фикрича, суд-психологик экспертизаси фақат зарур ҳоллардагина психик жиҳатдан соғлом кишиларга нисбатангина ўтказилиши мумкин ва шарт, яъни суд-психологик экспертизасига юборилаётган айбланувчи, жабрланувчи, гувоҳларнинг психик соғлиги (саломатлиги) ҳуқуқни муҳофаза қилиш органининг вакилларида савол тўғдирмаган ёки суд-психиатрик экспертизасининг хулосаси билан тасдиқланган ҳолатларда ўтказилади¹.

Шундай қилиб, суд-психологик экспертизаси ўзининг текшириш предмети ва объектига эга бўлиб, ўзида эксперт текширувларнинг мустақил турини акс эттиради ва шунинг учун ҳам у бошқа ҳеч қандай экспертиза билан алмаштирилиши мумкин эмас.

Суд-психологик экспертизаси эксперт ваколатининг мазмунини ҳар бирига суд-психологик экспертизасининг аниқ тури тўғри келган эксперт психологик изланишларнинг аниқ предметларини кўрсатиш орқали очиб бериш мумкин.

Шу вазиятлардан келиб чиққан ҳолда суд-психологик экспертизасининг ваколатига биринчи ўринда:

1. Психик касаллик билан боғлиқ бўлмаган психик ривожланишда орқада қолиш аломатларига эга бўлмаган вояга етмаган айбланувчи ўз ҳаракатларининг аҳамиятларини бутунлай англай олиши ва у қандай миқдорда шу ҳаракатларини бошқариши имконияти тўғрисидаги саволни аниқлаш;

2. Ёш хусусиятларнинг психик ривожланиш ҳолига ва индивидуал психологик хусусиятларга кўра психик соғлом гувоҳ ва жабрланувчиларнинг иши учун муҳим аҳамиятга эга бўлган ҳолатларни тўғри таҳлил этиш ва улар ҳақида оқилона кўрсатма бериш қобилиятини белгилаш;

3. Жиноят содир бўлган вазиятда субъектда аффеckt ва одам онгига ҳамда хатти – ҳаракатига катта таъсир кўрсатиш имкониятига эга бўлган нопатологик эмоционал ҳолларнинг борлиги ёки йўқлигини аниқлаш диагностикаси;

4. Тажавускорлик, номусга тегиш жиноятлари бўйича ўтаётган психик соғлом жабрланувчиларни уларнинг устидан қилинаётган ҳаракатларининг характерини ва аҳамиятини тушуниш қобилиятини белгилаш;

5. Инсонда маълум бир вазиятда психик ҳолатларнинг (паришонхотирлик, довдираш, ориентировкани йўқотиш) пайдо бўлиши имкониятини ва уларни авиацияда, темир йўл ва автомобил транспортида, ишлаб чиқаришда, автоматлаштирилган системадаги ишда профессионал функцияларни бошқариш сифатида таъсирининг экспертиза баҳосини белгилаш;

6. Субъектнинг хулқ-атворига катта таъсир кўрсатиш қобилиятига эга бўлган индивидуал психологик хусусиятларининг диагностикаси;

7. Одамнинг хулқ-атворини характерлашни мустаҳкамлашга йўналтирувчи мотивларни белгилаш ва шахсий хусусиятлари ҳаракатининг мотивини аниқлаш;

8. Ўлган одамда ўлимидан олдинги даврда ўзини-ўзи ўлдириш учун қулай шароит яратиб берувчи психик ҳолат ва бу ҳолатни келтириб чиқарувчи сабабларнинг бор ёки йўқлигини белгилаш.

Юқорида кўрсатилган суд-психологик экспертизаси эксперт ваколатининг чегаралари албатта умумий психология ва амалий психология соҳаларининг ривожланиши ҳисобига ҳамда эксперт психологик изланишларда олиб борилган тадқиқотлардан олинган маълумотларни анализ ва синтез қилиб, таҳлил этиб тажрибаларни йиғиш натижасида кенгайди

Яққол кўриниб турибдики, суд-психологик ва жамланган психологик психиатрик экспертизаларнинг ўтказилиши амалиётининг кенгайиши уларнинг мазмуни ва кейинги ривожланиш йўллари аниқлаштирилиши аниқлашга шароит яратиб беради. Суд экспертизасининг ҳар қандай турининг ривожланиши унинг предмети ва эксперт ваколатини янада чуқурроқ тушунилишга олиб келади.

Экспертизанингни ўзи нима? Бунга таъриф берамиз: “Экспертиза деб, жиноят процесуал қонуни асосида фан ва техниканингни, санъат ва халқ хўжалигининг айрим соҳаларидаги мутахассислар, ҳунарқасб эгалари томонидан терговда ёки суд муҳокамасида келиб чиқадиган баъзи фактларнинг бўлган ёки бўлмаганлигини аниқлаш мақсадида объектлар устида лаборатория шароитида олиб бориладиган текшириш ишларига айтилади”.

Суд-психологик экспертизаси эса жиноятни очилиши ёки уни олдини олишда психологлар томонидан ўтказиладиган эксперимент, лаборатория ва бошқа ишларни ташкил этади. Тергов ва суд муҳокамасидаги баъзи бир муаммоларни тўғри ҳал қилинишида психологлар экспертиза асосида унга аниқликлар киритади. Бу суд-психологик экспертизаси кишининг руҳий ҳолати шахсий индивидуал психологик хусусиятларини чуқур ўрганишни талаб этади.

¹ Рухиева Ҳ.А., Ғозиев Э.Ғ., Мухторов А. Суд психологик экспертизаси. Т. 2001.

Суд-психологик экспертизани ким ва қачон ўтказди? Қандай ўтказди? Бу саволларга қисқагина қилиб жавоб берилиши мумкин эмас. Шунинг учун саволлар кетма-кет, иложи борича мукамалроқ баён этиб борилади.

Суд-психологик экспертизасига қачон муурожаат этилади. Қачонки муаммоли вазият юзага келганда, яъни тергов жараёнида ёки суд муҳокамасида бирор масалани ҳал қилишда аниқлик киритиш ва маълумот олиш мақсадида малакали мутахассис жалб қилинади ва унинг шу иш юзасидан фикрини олишга тўғри келади. Суд-психологик экспертизасини вазифаларини эксперт-психологлар бажаради. Эксперт-психолог бу илмий, маданий педогогик савияга эга бўлган, фан соҳаларида махсус билимга эга бўлган, экспертиза муассасаларидан бирида ёки психология кафедраларида ишловчи процесуал шахс бўлиб, махсус билимга эга бўлган мутахассис эксперт психолог сифатида фаолият юритиши мумкин.

Терговчи ёки судья гарчанд махсус билимларга эга бўлсалар ҳам, лекин бу вазифани бажариш ҳуқуқи уларга берилмаган. Улар ўзларининг процесуал ҳолатлари сабабли суд ёки терговда эксперт сифатида қатнашишлари мумкин эмас. Бироқ уларнинг махсус билимларидан хабардорлиги тергов қилинаётган ишни чуқурроқ ўрганишга, терговни тўғри олиб боришга, айрим масалалар устида фикр ва мулоҳазалар юритишга ва айниқса экспертнинг берган хулосасига объектив баҳо беришга ёрдам беради. Экспертиза ўтказишни суриштирув дастлабки тергов органлари ёки суд ўзининг махсус қарори ёки ажрими билан мутахассисларга топширади.

Эксперт бир қанча талабларга жавоб бериши керак:

- экспертдан терговчи ёки суд унинг олдига қўйган саволларга етарли даражада тўғри ва асосли жавоб беришга қодир ҳамда шахсан шу соҳа мутахассиси бўлиши керак.

- эксперт жиноят ишига ҳеч қандай алоқаси бўлмаган бетараф, объектив равишда ҳал қилувчи мутахассис бўлиши шарт.

- экспертдан махсус бир қанча тайёргарликлардан, текшириш-лардан ўтган бўлиши экспертизанинг муваффақияти гарови ҳисобланади.

- эксперт олинган маълумот ва информацияларни сақлай оли-ши муҳим аҳамият касб этади.

- эксперт психолог давлат қонунларини, ҳуқуқшунос касбий фаолиятларини яхши билиши керак.

Эксперт психологларнинг ҳуқуқ ва бурчларини Ўзбекистон Республикаси жиноят-процесуал кодексига аниқ кўрсатилган .

Демак, эксперт психологлар таъкидлаб ўтилган талабларга тўлиқ жавоб бериши, суд психологик экспертизанинг муваффақият гарови ҳисобланади.

SHARQ MUTAFAKKIRLARI ASARLARIDA OTA-ONA VA FARZANDLAR O‘ZARO MUNOSABATLARINING PEDAGOGIK-PSIXOLOGIK XUSUSIYATLARI

Erkayeva Sh.P., Qarshi shahar № 10 son maktabi o‘qituvchisi

Xalq og‘zaki ijodiyotiga oid deyarli barcha asarlarda ota-onani hurmat qilish, odob bilan ularning xizmatlarini bajarish farzandning vazifasi ekanligi uqtiriladi. Masalan, rivoyatlarning birida, ota-onalarning farzandlariga insonlarni ranjituvchi so‘zlar aytishdan, yomon ishlardan saqlanish lozimligi ta’kidlangan holda farzandlarning ota-onaga qanday xizmat qilishi kerakligini quyidagi tarzda bayon etiladi: «Bir kishi kechasi uyqudan uyg‘onib o‘g‘lidan «suv ber» deb so‘radi. O‘g‘li suv keltirguncha, otasi yana uxlab qolgan edi. O‘g‘li «otam balki yana suv so‘rar», deb uxlamasdan otasining uyg‘onishini kutib tong otguncha o‘tirdi». Bu kabi rivoyatlarning deyarli barchasida farzand o‘z ota-onasini hurmat qilishga, uning olqishlarini olishga daovat etiladi. Insoniy g‘oyalar ruhida tarbiyalangan farzand ota-onasi qilgan nasihatlariga amal qilgan, ota-onasi hurmatini joyiga qo‘ygan.

Ota-onaning farzandlariga va farzandlarning ota-onasiga mehr-oqibatli bo‘lishlari, ularning ota-onalik va farzandlik burchi, masouliyatini his qilish masalalari xalqimiz milliy qadriyatlarining shakllanishida muhim ma’naviy manba bo‘lib xizmat qilganligi shubhasiz. Shariat qonunlarida, islom ta’limotida, Qur’oni karim va Hadisi shariflarda oilaviy munosabat qoidalari asosiy o‘rin egallaydi. Zotan, ota-ona farzandni dunyoga keltiruvchi, tarbiyalovchi, hamfikir, do‘st, hayotda yo‘lboshlovchi, oilaning moddiy va maonaviy ta’minotchisi tarzida ulug‘lanadi. Shuning uchun ham Qur’on ta’limotiga ko‘ra oilada ota-ona eng muqaddas zot.

Qur’onda: «Parvardigoringiz, yolg‘iz Uning O‘ziga ibodat qilishlaringizni hamda ota-onaga yaxshilik qilishlaringizni amr etdi. Agar ularning birovi yoki har ikkisi sening qo‘l ostingda keksalik yoshiga yetsalar, ularga qarab «uf» tortma va ularning (so‘zlarini) qaytarma! Ularga (doimo) yaxshi so‘z ayt! Ular uchun,

mehribonlik bilan, xorlik qanotini past tut – hokisor bo‘l va: «Parvardigorim, meni (ular) go‘daklik chog‘imdan tarbiyalab o‘stirganlaridek, Sen ham ularga rahm-shafqat qilgin, deb (haqlariga duo qil!)» (Isro surasi, 22-24-oyatlar), deya taokidlaydi. Bu oyat mazmuniga ko‘ra: Alloh taolo ota-onaga yaxshilik qilishni bevosita o‘ziga ibodat qilish bilan teng qo‘ygan, ota-onalar keksayib, zaiflashib qolgan hollarda ularga qanday muomala qilish kerakligini uqtiruvchi quyidagi jihatlariga urg‘u berilgan:

1. Hech qachon ularga «uf» demaslik.
2. Beadablik bilan so‘zini qaytarmaslik.
3. Ularga ehtirom bilan xushmuomalada bo‘lish, yaxshi gapirish.
4. Ota-ona oldida mehribonlik bilan hokisor bo‘lish.
5. Minnatdorchilik yuzasidan Allohdan ularga rahmu-shafqat so‘rash.

Oilaviy munosabatlar, ota-ona va farzandlar hamda qon-qarindoshlik aloqalari kabi masalalar nafaqat diniy, balki boshqa ijtimoiy munosabatlar doirasida ham muhim o‘rin tutgan. Shuningdek, hadislarda oila va oila aozolari, ota va ona, ota-ona va farzandlar, oilaning boshqa aozolari, ayollar va erkaklar, shaxs va jamiyat o‘rtasidagi amaliy muomala tizimi imon talablari asosida bayon etiladi. Hadislarda ota-onaga Hurmat, mehr-muhabbat, eozoz, moddiy va ma‘naviy yordam, ularning amriga bo‘ysunish, ota-ona dunyodan ko‘z yumgach, ularning qarindosh-urug‘lari, do‘stu-birodarlari bilan munosabatlarining iltifotini davom ettirish, vasiyatlariga amal qilish yoshlar ongiga singdirilib kelingan. So‘nggi yillarda bu borada ko‘plab asarlar chop etilib, keng kitobxonlar ommasiga, yoshlar e‘tiboriga havola etilmoqda.

Sharqning buyuk allomalari bo‘lmish Al-Buxoriy, At-Termiziy, Bur‘oniddin Marinoniy, Ahmad Yassaviy, Mahmud Qoshg‘ariy, Abu Nasr Forobiy, Abu Ray‘on Beruniy, Abu Ali ibn Sino, Yusuf Xos Hojib, Kaykovus, Abulqosim Firdavsiy, Amir Temur, Saodi SHeroziy, Alisher Navoiy, Bobur, Ahmad Donish, Mahmudxo‘ja Behbudiy, Abdurauf Fitrat, Abdulla Avloniy kabi ko‘plab mutafakkirlarimiz bu borada o‘zlarining tegishli fikr-mulohazalarini kelajak avlodga meros qilib qoldirgan. Ularning bu mavzuga oid ilmiy merosi bugungi kunda ham katta ijtimoiy va mafkuraviy ahamiyatga egadir. Ularning asarlarida oila va oilaviy munosabatlarga, ota-ona va farzandlar o‘rtasidagi o‘zaro munosabatlarga, oilada bolalarning shaxslararo munosabatlariga oid qarashlari ta‘sirchan obrazlarda ifodalangan hamda ular xalq ruhiyatiga, milliy psixologiyasiga chuqur singib ketgan.

Sharq mutafakkirlari ta‘limotlarini g‘oyaviy jihatdan birlashtirgan yagona asos shuki, ular o‘z asarlarida shaxs tarbiyasi va shakllanishida oilaning o‘rniga, ota-ona hamda yaqin kishilarning yetakchi va tarbiyaviy funksiyasiga alohida e‘tibor berganlar. Odamlarning o‘zaro munosabatlarida namoyon bo‘ladigan yuksak fazilatlar (halollik, poklik, mardlik, mehribonlik va ʻ.) avvalo oilada tashkil topadi, rivojlanadi va avloddan-avlodga uzatiladi. Umuman, oilaning va oiladagi o‘zaro munosabatlarning jamiyat taraqqiyotiga ijobiy ta‘siri masalasiga oid qimmatli fikrlar hamda bu boradagi amaliy ko‘rsatmalar Sharq mutafakkirlarining falsafiy-etnik va ijtimoiy psixologik qarashlarida o‘zining munosib aksini topgan.

Shuningdek, Beruniy bola tabiat in‘om etadigan chiroyga ega bo‘lishi va sog‘lom, baquvvat tug‘ilishi uchun ona qornidayoq zamin tayyorlanishi lozimligi haqida to‘xtalib o‘tadi. Bola qiyofasi, ya‘ni uning tashqi tuzilishi go‘zal bo‘lishi uchun onani e‘zozlab, ranjitmay parvarish qilish zarurligi, bolaning ichki ma‘naviy go‘zalligiga esa u tug‘ilgandan so‘ng tarbiya orqali erishilishi hamda unda xulq-odobni tarbiyalash uchun zarur muhit va tegishli sharoit yaratish lozimligini aytadi. Beruniy: «Bola xulqini mo‘tadillikda saqlashga alohida e‘tibor berish kerak, bunga esa bolani qattiq g‘azablanish, qo‘rqish, xafalik va uyqusizlikdan saqlash orqali erishiladi», - degan fikrni bildiradi. Bolalarning yoqtirgan narsasini topib berishga va sevmagan narsasini ko‘zidan uzoqlashtirishga doimo tayyor bo‘lib turish kerak. Bu ishning ikki tomonlama foydasini, bir tomondan – bolaning ruhiyatiga foyda qilishi va bora-bora unga xushxulqlik odat bo‘lib qolishini ko‘rsatadi bilan ularda mehr-muhabbat hislari ham shakllanib borishini ta‘kidlab o‘tadi.. Maqsadga erishish uchun tarbiyada o‘rni bilan bolani maqtash, jazolash ham kerakligini ko‘rsatib o‘tadi.

ПСИХОЛИНГВИСТИК МУЛОҚОТ ДЕБОЧАСИ

Кенжаева З., Қарши ДУ талабаси

Ҳар қандай мулоқот ҳам лингвистик, ҳам психологик жараён. Мулоқот икки ёки кўп томонламаликни талаб қиладиган ва намоён қиладиган инсоний, шахсий, оммавий муносабатлар, алоқа-аралашувдир. Тил ва нутқнинг ижтимоий моҳияти, имконияти, қодирлиги ва қудрати мулоқот жараёнида реаллашади. Мулоқотнинг тури, тарзи, йўналиши, моҳияти нутқ талаби, муҳит эҳтиёжига боғлиқ бўлади. Мулоқот эса ҳамиша ўзига хос бўлган психологик ва ижтимоий воқеликни талаб қилади. Мулоқот аксарият ҳолатларда мурожаат сўзлари, бирикма, иборалари билан бошланади.

Мулоқотнинг энг самимийи, оддийи, кунликбопи оилавий муҳитда бўлади. Оилавий мулоқот эр-хотин, ота-она, ака-ука, опа-сингил ва бошқа шахслар ўртасида бўлади. Зикрланганлардан эр-хотин мулоқоти кўп такрорланадиган, турмушбоп, қизиқарли, моҳиятли мазмун ва шаклга эгадир.

Нутқ психологияси ёки нутқий психология инсониятни аниқроғи, ҳар бир шахснинг ижтимоий ва сиёсий, иқтисодий ва маънавий эҳтиёж, муҳит, шароит билан боғлиқ амалий жараёнларнинг реаллашувидир. Нутқнинг амалиёт доираси ниҳояда катта, чексиз ва кўп қиррали, тўп тармоқлидир. Ана шу кўп тармоқлилиқ ва кўп соҳавийлик таркибида оилавий нутқ амалиёти ва жараёни энг кўп такрорланадиган, интеллектуал ва индивидуал характер касб этадиган ҳолатлар ифодасидир. Шу боис оилавий нутқий психологик муҳит ҳамisha оила аъзолари ўртасидаги эҳтиёж ва талабларнинг интихоси сифатида зухурланади. Оилавий психология – энг фаол, кўп амалиётли руҳий ҳолатлар жамланмаси. Оилавий психологияда фаоллик ва шарт-шароитни яратувчи шахслар оила бошлиғидир. Оила бошлиғи – эр ва хотин. Оилавий психологияда нутқий психологиянинг дебчаси, ибтидоси мурожаат шаклидаги, ифодасидан бошланади ва тугалланади. Мурожаат ифодаси – сўз, сўз бирикмаси ҳар бир оилада ҳар хил бўлади.

Нутқий вазият ва шароит, талаб ва эҳтиёж оилада ҳеч қачон бир хил бўлмайди. Шу боис мурожаат ифодаси психологик талабга яраша бўлади. Ифодавий ҳар хиллик тилнинг бойлиги, нутқнинг эҳтиёжини қондира олиш лаёқати билан белгиланиши маълум.

Эр ва хотин юзма-юз, бевосита мулоқот қилган психологик амалиётда хотиннинг тил бирликларини танлаш имконияти катта, ихтиёрий, вазият ва шароит, умумий эмас, аниқ, оилавий, турмуш эҳтиёжидан келиб чиқади. Мулоқотни бошловчи шахс, энг аввало, эрнинг руҳиятини, кайфияти ва ҳолатини баҳолаб, таҳлил қилиб кўради. Зарурият, мавжуд, реал психологик воқелик хотин тафаккурида кўзғалиш ясайди. Хотин ўз фикрий оламига ақлий ҳужум уюштиради, кераклисини ва мос келадиганини танлаб нутқда зухурлайди. Энг маъқули – Отаси, Дадаси, Адаси бирликлари. Бундай мулоқотда хотин фарзандларини пешвоз қилади, шу тарзда эр кайфиятида, руҳиятида кучли кўзғалиш яратишга интилади.

Хулоса шуки, Эр-Хотин психологиясида оилавий, ижтимоий психологиянинг бир куртак шаклидаги намунасидаир. Шу намунада Эрни, оила бошлиғини, жамоа раҳбарини, умуман бошқарувчи фаол шахсни аташ, унга мурожаат шакллари, ифодаларининг лингвистик ва психологик жиҳатларини омикталаб ўрганиш, тадқиқ қилиш психолингвистиканинг, прагмалингвистиканинг долзарб вазифаларидан биридир.

III ШУЪБА

ЁШЛАРДА МИЛЛИЙ ОНГНИ ТАРКИБ ТОПТИРИШДА ПСИХОЛОГИЯ ФАНИНИНГ РОЛИ

ЁШЛАРДА ҲУҚУҚИЙ МАДАНИЯТНИ ЮКСАЛТИРИШНИНГ ПСИХОЛОГИК ОМИЛЛАРИ

Рухиева Х.А. УзМУ профессори

Ўзбекистон Республикасининг истиқболли тараққиёти бугунги кунда ёш авлоднинг ҳар томонлама мукамал даражада шаклланишига боғлиқдир. Шу нуқтаи назардан, ўқувчиларда юридик тушунчаларни шакллантириш масаласи психологияда энг долзарб масалалардан бири ҳисобланади. Ушбу масалани илмий-амалий жиҳатларини ўқувчиларида ўрганиш, илмий тадқиқот ишларини олиб бориш уларда ҳуқуқий-психологик билимларни замон талаблари асосида ривожлантириш имконини беради.

Жаҳонда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, ҳуқуқий саводхонликни ошириш ва унинг устуворлигини таъминлаш долзарб аҳамият касб этмоқда. БМТ томонидан болаларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилишда таълим муассасалари билан ижтимоий институтлар ҳамкорлигини таъминлаш жаҳонда тинчлик ва осойишталикни сақлашнинг устувор йўналиши сифатида белгиланган. Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев 2017-йил 20-сентябрь куни БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясидаги маърузасида ёшларга оид сиёсатни шакллантириш ва амалга оширишга қаратилган умумлаштирилган халқаро ҳуқуқий ҳужжат-БМТнинг Ёшлар ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро конвенциясини ишлаб чиқишни таклиф этди. Бунинг учун ёш авлодни ижтимоий қўллаб-қувватлаш унинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш борасидаги кўп томонлама ҳамкорликни ривожлантириш лозимлиги таъкидлар.

Ҳозирги кундаги ижтимоий ҳаётнинг барча соҳалардаги ислоҳатларни ҳаётга муваффақият-ли татбиқ этишда халққа ҳуқуқий билимлар бериш, яъний жамиятдаги ижтимоий-ҳуқуқий фаоллик зарурий шартлари бўлган демократик тамойилларини кишилар онгига чуқурроқ сингдириш муҳим аҳамият касб этади. Шу боис мамлакатда инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлашнинг, ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларини демократлаштириш мавжуд шарт-шароитлари такомиллаштириш ва ҳуқуқий давлат асосларини шакллантириш заруриятларидан келиб, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг IX сессиясида “Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш миллий дастури” қабул қилинди. У ҳуқуқий маданиятни юксалтириш механизмининг, аҳолининг ҳуқуқий онгини юксалтиришнинг асосий жиҳатларини назарда тутди. Шундай қилиб, аҳолининг ҳуқуқий маданиятини кўтариш ва ҳуқуқий тарбиясини яхшилаш бўйича давлат сиёсатини самарали амалга ошириш учун мустаҳкам ҳуқуқий пойдевор шакллантирилди.

“Ҳуқуқий маданият – фуқароларнинг етуқлилиги ва онглилигини кўрсатувчи мезон. Ҳуқуқий маданият тушунчаси ҳуқуқнинг ривожланиш даражаси, аҳолининг ҳуқуқ ҳақидаги тушунчаси, қонунларнинг аҳволи, ҳуқуқни амалга ошириш ишларини ташкил этиш даражаси, ҳуқуқнинг обрўи сингари элементлардан ташкил топади. Ҳуқуқий маданиятга ҳуқуқ фанининг ривожланиш даражаси, ҳуқуқни ташвиқот қилиш қандай йўлга қўйилганлиги, маданиятнинг умумий даражаси таъсир қилади. Ҳуқуқий маданият ҳуқуқий онг амалиёти яъни ҳуқуқни қўллаш, амалиётга татбиқ этишдир. Шахс қанчалик ҳуқуқий билимга эга бўлмасин, қонун ва бошқа қоидаларга амал қилмаса, у жамият учун катта зарар бўлиб, бу ҳуқуқий маданиятсизликни келтириб чиқаради. Демак, ҳуқуқий маданиятга шахснинг ўз ҳуқуқ, эркинликларини англаганлигини кўрсатувчи мезон сифатида қарашимиз мумкин”.

Ёшлар ҳуқуқий онгини юксалишини таъминловчи восита бу ҳуқуқий саводхонликдир. Ёшлар ҳуқуқий тарбиясининг энг муҳим таркибий қисмларидан бири бўлган ҳуқуқий тарғибот бу – ҳуқуқий билимларни кенг ёйиш борасидаги мафқуравий фаолиятнинг алоҳида туридир.

Қонунга итоаткорлик бу-юксак ҳуқуқий онглилик, жамият ва давлат манфаатларини чуқур тушуниб этиш, ижтимоий бурч, яъни ўз қилмишлари учун давлат олдида, жамият олдида жавобгарлик туйғуси билан узвийдир.

Қонунга итоаткор ҳар бир фуқаро қонунларнинг талаблари жамиятнинг юксак манфаатларини ифода этишини, қонунларга риоя қилиш фақат халқ манфаатларига эмас, балки унинг ўз

манфаатларига ҳам хизмат қилишини яхши тушунади. Қонун одамларни бирлаштиради, қонунбузарликларни, қонунни менсимаганларни эса, қонун доирасидан ташқарига чиқариб қўяди. Қонунга итоаткорлик, ақл идрок, виждон, ички эътиқод масъули бўлиб, инсонда олижаноб фазилятларни тарбиялайди. Хулоса қилиб айтиш мумкинки, шахс ҳуқуқий онги, маданияти ижтимоий – ҳуқуқий фаоллик даражасини белгилайди.

Куришиб турибдики, ҳозирги даврга келиб фуқаролик жамияти қуриш ислохотлари шароитида ёшларни шу жараёнда фаол иштирок этишлари ва ўз дунёқарашларини фуқаролик жамият қуришга доир назариялар билан бойитишлари учун шарт-шароитлар яратишлари, фуқаролик жамиятига киришлари лозим, чунки фақат шу жамиятда ҳуқуқий муносабатлар ҳақиқий хусусият касб этади. Биз бундай жамиятни қуришни, барпо этишни орзу қилмоқдамиз ва шунга интилоқдамиз.

ПСИХОЛОГИЯ ФАНИ ВА ЁШЛАР ТАРБИЯСИ

*Соғинов Н.А., Т.Н.Қори Ниёзий номидаги ЎзПФТИИ доценти,
Каримов Х.К., Қарши ДУ пс.ф.н. доцент в.б.*

**“Алҳосил, тарбия бизлар учун ё ҳаёт - ё мамот,
ё нажот – ё ҳалокат, ё саодат - ё фалокат
масаласидур”**

Абдулла Авлоний[2,14].

Тарбия масаласи, айниқса ёш авлодни, ёш мутахассисни тарбиялаш масаласи, инсоният жамияти тараққиётидаги энг қадимий ва шу билан бирга энг долзарб муаммолардан бири бўлиб келган ва шундай бўлиб қолади ҳам. Чунки, одамзод ўз тараққиёти йўлида ниманики ўзлаштирган, нимагаки эришган бўлса, асосан шу тарбия орқали уларни келгуси авлодга узатган (фарзандларини ўргатган) ва келажак авлод ҳам айнан шу тарбия орқали аجدодлари эришган ютуқларни ўзлаштириб, уларни янада такомиллаштириб, ўз навбатида келгуси авлодга узатиб борган.

Лекин, ҳаммага яхши таниш яна бир ҳолат ҳам мавжудки, у ҳам бўлса айнан шу авлодлараро муносабатларда намоён бўлади. Яъни, кекса авлод вакиллари ёшларнинг хулқи, ахлоқи, тарбиясидан қониқмаслиги ҳам “кўхна ҳасрат”лардан ҳисобланади. “Оталар ва фарзандлар” ўртасидаги бир-бирларини “тушунолмаслик” муаммоси - бу бугун пайдо бўлган ва бугун ёки эртага ҳал қилиб бўладиган муаммо эмас. Шунинг учун ёшларни тарбиялаш масаласи, уларни эртанги кун талабларига жавоб бера оладиган ворислар бўлиб этишлари масаласи доимо кун тартибида бўлиши шарт бўлган масалалардан ҳисобланади.

Дунёнинг ривожланган мамлакатлари тажрибасига назар солсак, “АҚШнинг кейинги юз йилликдаги миллий хавфсизлик стратегияси”да юқори малакали кадрлар тайёрлаш масаласи, асосий муаммолар қаторида биринчи ўринни эгаллаб, ҳаттоки ахборот хавфсизлиги, космос, ракетага қарши мудофаа масалаларидан ҳам муҳимроқ саналганлигини кўришимиз мумкин[5,8].

Инсоният цивилизациясига ўзининг муносиб улушини қўшган атоқли мутафаккирлари, буюк ўтмиши бўлган ҳудудимиз фуқаролари учун эса, тарбиявий ишларнинг аҳамияти бошқа ҳар қандай миллат, давлат фуқаро-ларига қараганда муҳимроқдир. Чунки, бизнинг мамлакатимиз ўзига хос табиий-географик муҳитда, геополитик маконда жойлашган, халқимиз ўзига хос тарихга, маънавий қадриятларга эга. Тарбия борасида, тарбиявий ишларни ташкил қилиш борасида аجدодларимиз инсоният цивилизациясига ўзларининг салмоқли улушларини қўшганлар. Биз эса уларга муносиб ворислар бўлишимиз даркор. Тарбиянинг аҳамияти ҳақида ҳеч бир халқ мутафаккирлари бизнинг аجدодларимиз билдирган каби пурмаъно фирқларни илгари сурмаган. Биз бу борада бой маънавий меросга эгамиз.

Мотив нафақат микдорий (кучли – кучсиз), балки сифатий жиҳатлари билан ҳам характерланиши мумкин. Бу ўринда одатда ички ва ташқи мотивлар фарқланади. Бунда гап мотивнинг фаолият мазмунига муносабати ҳақида боради. Агар, шахс учун фаолият ўз ҳолича аҳамиятли бўлса, унда бу ички мотивациянинг муҳимлигини кўрсатади. Агар бошқа мотивлар аҳамиятли бўлса (ижтимоий мавқе, маош ва ш.к.), унда ташқи мотивлар устуворлик қилаётган бўлади. Мотивларнинг сифат характеристикаси жуда муҳим аҳамиятга эга.

Инсон маълум бир фаолиятни амалга оширар экан, уни фаолиятининг асосини турли мотивлар ташкил қилади. Шундай ҳолатлар ҳам бўладики, баъзан бир фаолиятни амалга оширишга икки хил мотив асос бўлиши мумкин. Бунда, қайси мотив “кучли” бўлса шу мотив устунлик қилади ва инсон

шу мотив туртки бўлган фаолиятни амалга оширади. Агар одамни фаолиятга ундайдиган мотивлар “кучи тенг” бўлиб қолгудек бўлса, унда шахсда “**мотивлар кураши**” жараёни рўй беради. Мотивлар кураши ўз навбатида инсонда ирода актининг асосий кўринишларидан бўлмиш, “**иродавий зўр бериш**” ҳолатини юзага келтиради. Иродавий зўр бериш ҳолатида эса, шубҳасиз ироданинг **ундовчи** ва **тормозловчи** функциялари ишга тушади. Бу ўринда қайси мотивнинг шахс учун “аҳамиятлилик даражаси юқори бўлса”, ироданинг ундовчи функцияси шахсни шу фаолиятни амалга оширишга йўллайди (ундайди). Ироданинг тормозловчи функцияси эса, шахсни кўзлаган мақсадига эришишига ҳалақит қилиши мумкин бўлган хоҳиш истаклари, мотивларини тўхтатиб туради.

Энди мотивлар тавсифига назар солсак, мотивлар анланган ва анланмаган бўлиши мумкин. **Анланган мотивлар** – одам – ўзини у ёки бу фаолиятни амалга оширишга ундаган нарса нима, нималар уни эҳтиёжларининг мазмуни бўлиб ҳисобланишлигини билади, англайди ва улар учун ўзига ҳисобот беради (булар шахснинг қизиқишлари ва интилишлари билан белгиланади). **Анланмаган мотивлар** – одам – ўзини у ёки бу фаолиятни амалга оширишга ундаган нарса нима, нималар уни эҳтиёжларининг мазмуни бўлиб ҳисобланишлигини англамайди, билмайди ва улар учун ўзига ҳисобот бера олмайди (бундай мотивлар: установкалар, майллар билан характерланади).

Тарбиявий ишларни ташкил қилиш амалиётини янада яхшилашнинг муваффақияти, шу жамоаларда ҳукм сурайдиган психологик муҳитга, ёшлар-нинг индивидуал-психологик хусусиятларига, уларнинг ҳиссий-иродавий, мотивацион жиҳатларининг табиатига узвий боғлиқ. Ҳазрат Алишер Навоий: “Қобилга тарбият қилмамоқ зулмдир ва ноқобилга тарбият ҳайф”[3,102]. (Қобилиятли одамни тарбия қилмаслик – зулмкорлик ва ноқобил одамга тарбия ҳайфдир. Тарбиянгни аяб унисини нобуд қилма, тарбиянгни бунисига зое кетказма) - деганларидек, аввало ўқишга “Қобил” инсонларни танлаб олишга эришиш, сўнг уларнинг узлуксиз тарбияси билан шуғулланиш лозим. Улар тарбияланаётган жамоада ижобий психологик муҳитни юзага келтириш, уларнинг тарбияси ва бошқарувини адолатли ташкил қилиш ва энг муҳими уларда мақсадга мувофиқ мотивацион ҳулкни шакллантириш, зарур кадриятли асосларни яратиш лозим. Бундай шароит, бундай вазият, ҳолат ўз-ўзидан пайдо бўлиб, яратилиб қолмайди. Уни яратиш, сақлаб туриш ва ривожлантириш керак. Бу бир киши ёки бир томоннинг саъй-ҳаракати билангина битадиган иш эмас. Бу ҳамкорликда, ўзаро мутаносибликда, биргаликда амалга ошириладиган кўпчиликнинг, яъни “биз”нинг ишимиздир.

ЎЗБЕКИСТОНДА СУД-ПСИХОЛОГИК ЭКСПЕРТИЗАСИНИНГ ШАКЛЛАНИШ ТАРИХИ

*Мухтаров А., ТДИУ профессори,
Мухторова М.А., ТДИУ талабаси*

Ривожланган фуқаролик жамияти, ҳуқуқий демократик давлат куриш жараёнида юридик психологиянинг жиноятни тергов қилиш ва очиш, судлов ишларини юритишда суд-психологик экспертизасини амалга ошириш, суд муҳокамасининг психологик жиҳатларини илмий-назарий ва амалий таҳлил қилиш масалаларига эътибор қаратиш муҳим аҳамият касб этмоқда. Суд-психологик экспертизасидан ривожланган давлатлар ҳуқуқий амалиётда кенг фойдаланилаётгани ҳолда Ўзбекистон бу борада олиб борилаётган ишлар ҳали талаб даражасида эмас, чунки жамоатчиликда суд-психологик экспертизасидаги эксперт-психологларни тергов ва суд жараёнидаги ваколатлари, вазифалари хусусида ҳозирча аниқ ва тўлиқ тасаввур шаклланмаган.

Маълумки, суд экспертизаси махсус процессуал ҳаракат ҳисобланиб, эксперт хулосасини олишга йўналтирилган ва қонун билан қатъий тартибга солинган жараёндир. Алоҳида ҳолатларда, тергов ва судда ишларни кўриб чиқиш жараёнида келиб чиқадиган айрим масалаларни, муаммоларни ҳал қилиш учун махсус психологик билим, кўникма малака ва касбий маҳорат талаб қилинади. Бунда асосан терговчилар, жабрланувчилар, гумонланувчиларнинг алоҳида руҳий ҳолатини, уларнинг ҳиссий-эмоционал реакциялари ҳамда психик жараёнлари билан индивидуал психологик хусусиятларини, тадқиқ этишга тааллуқлидир. Юқорида кўрсатилган ҳолатларда суд-психологик экспертизаси тайинланади¹.

Юридик психология, суд-психологик экспертизаси соҳасида россиялик олимлардан В.Л.Васильев, Н.Г.Ведерников, Ф.В.Глазирин, А.В. Дулов, Г.Доспулов, М.И.Еникеев, А.А.Закатов, Ю.И.Ильченко, В.Е.Коновалова, М.М.Коченов, И.Ф.Пантелеев, И.Кертес, В.В.Нагаев, А.Р.Ратинов,

¹ Умаров Б., Қодиров У. Ҳуқуқшунослик фаолияти психологияси. Т. Янги аср авлоди. 2005.

В.В.Романов, О.Д.Ситковская, А.М.Столяренко, Ю.В. Чуфаровский, Г.П.Шиханцев, Ўзбекистонлик психолог олимлардан Ғ.Б.Шоумаров, Э.Ғ.Ғозиев, Б.Р.Қодиров, В.М.Каримова, Х.А.Рухиева, А.М.Мухторов, М.Х.Аҳмедова, В.Г.Шепоткин, Е.Ю.Агзамова, И.Р. Эргашев Б.Жўраев ва бошқаларнинг бу соҳадаги изланишларини алоҳида таъкидлаш мақсадга мувофиқ бўлади.

Юридик психологиянинг ижтимоий ҳаётда тутган ўрни ва аҳамиятини оширишда, инсон тақдирини ҳал қилишга ҳолисона, ҳаққоний ёндашишда суд-психологик экспертизасининг илмийлиги, валидлиги ҳамда ишончлилиги муҳим ўрин тутди. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш тизими органлари ходимларининг исихологик маданияти, бу соҳадаги юксак касбий малакаси жиноий ишларни текшириш, очиш ва судда кўриб чиқиш жараёнида катта аҳамият касб этади. Бироқ нафақат амалиёт балки бу соҳага оид йўналишларда олиб борилаётган илмий тадқиқот ишларининг кўлами ҳали ҳам тўлиқ талабга жавоб бермайди.

Суд-психологик экспертиза бугунги кунда ҳуқуқшунослик амалиётига чуқур кириб бормоқда. Суд-психологик экспертизасининг моҳиятини тўлароқ англаш ва амалиётга кенг татбиқ этиш учун эса унинг эволюцион босқичларининг шаклланиш йўлини, тарихини билиш талаб этилади.

Ҳуқуқбузарлик жараёнидаги иштирокчи (айбланувчи, жабрланувчи ва гувоҳлик берувчи) ларнинг индивидуал психологик хусусиятларини тадқиқ қилиш ва ўрганишга қизиқиш қадим-қадимдан мавжуд бўлган.

Илгариги даврларда айбланувчи, жабрланувчи ва гувоҳларнинг психологик хусусиятлари оддий ва ўзига хос, содда психологик текширувлар орқали (хитойликлар «гуруч билан», африкаликларда эса «там-там» усулида) синаб кўрилган.

Қадимги хитойликларнинг гуруч билан синаш усулида айбланувчига айблов эълон қилинаётган жараёнда унинг оғзига 5 – 6 дона куруқ гуруч солиб кўйишган. Оғиздаги гуруч агарда ҳўл бўлмасдан куруқ ҳолда бўлса, у айбдор деб эълон қилинган. Хитойлик ўша давр ҳуқуқшуносларининг фикрича, «одам агар айбдор бўлса оғиз ҳўл-ланмайди» (Бу жараён муайян психофизиологик асосга эга, чунки киши айби ошқор бўлишидан, умуман бирор нарсадан кўркса, ҳамда ҳаяжонланса оғиз куриб, сўлак безлари маълум муддатга ўз фаолиятини тўхтатади).

Африкаликларнинг «там-там» деб номланган психологик синов усулида эса айбланувчи ёки гумон қилинувчидан айблов эълон қилинаётган жараёнда барабан (ноғора) чалиш сўралган. Бунда кузатувчилар ноғора оҳангини (ритми, маромни) кузатишган. Агарда барабан оҳанги ўзгарса, демак уни чалаётган одам айбдор деб топилган.

Кишилиқ жамиятининг тараққий этиб бориши, бир ижтимоий тузимнинг иккинчи бир ижтимоий тузимга ўрнини бўшатиб бериши жамиятда бир қатор янгиликларни, ўзгаришларни келтириб чиқарган. Шу тариқа жамиятнинг ривожини барча соҳалар сингари психология илмининг ҳам ривожланишига туртки бўлди. Натижада ҳуқуқшунослик амалиётида психологик синовларнинг аҳамияти янада ортиб, уни ўтказиш усуллари такомиллашиб борди. Бу ўз навбатида тергов ва суд жараёнларининг ошқоралиқ асосида, одилонга олиб борилишини таъминлади. Бироқ, тергов ва суд жараёнларининг ошқора ва одилонга олиб борилиши кўп ҳолларда фақат судья ёки терговчининг тажрибасига, илмига, малакасига, касбий маҳоратига ҳамда виждонига боғлиқлигича қолаверади. Бундай ҳолат табиий равишда суд ва тергов жараёнига бошқа соҳа вакилларнинг ҳам аралашуви заруриятини келтириб чиқаради. Дастлаб суд жараёнида психологлар вояга етмаганларнинг психик ривожланиш даражалари, шахснинг индивидуал психологик хусусиятлари ҳамда психик жараёнларини тадқиқ қилиш билан шуғуллана бошладилар.

XVIII асрнинг бошларида Европада, айниқса Германияда суд психологиясининг дастлабки ишларини кўришимиз мумкин. Буларга: Э.Клапаред, К.Марбе, В.Штерн ва бошқа психологларнинг шу даврдаги ноқулай вазият ва психологик муҳитларга қарамасдан суд психологик экспертизаси асосида жиноий иш учун аниқ фактлар билан иш олиб борган.

Ҳуқуқшунослик амалиёти тарихидан маълум бўлишича, илк марта 1810 йилда Наполеон «жиноят кодекси»га ўз хатти – ҳаракатларини бошқара олиш ёки бошқара олмаслик (вменяемость, невменяемость) лаёқатини аниқлаш тушунчасини киритади.

Шу даврни етук олимлари М.В.Ломоносов, А.Н.Радишев ва бошқалар ўз асарларида бу соҳани келажакдаги ўрнини баён қилиб ўтишган. Лекин шу даврдаги суд фаолияти бунга нафақат қизиқмаган, балки эътибор ҳам бермаган. XIX асрнинг ўрталарига келиб суд психология илмининг асосий фундаментини Н.Г.Чернишевский, Н.А.Добролюбов ва бошқалар томонидан яратилган деб айтиш мумкин. И.М.Сеченовнинг кашфиётлари эксперимент ва изланишлар йўлини кенг очиб берди. Айниқса, 1864 йил суд реформасининг ўтказилишидан кейин рус юристлари, қидирув ва суд органлари фаолиятидаги психологик муаммоларни юзага келиши ва ҳал қилинишини ўрганиш кераклигини тезда тушуниб етдилар.

XIX асрнинг иккинчи ярмига келиб, бир қатор мамлакатларнинг жиноят процессуал кодексларига айбланувчининг ўз хатти-харакатларига жавоб бера олиш ёки жавоб бера олмаслигини аниқлашга доир тиббий тушунчалар ҳам киритила бошланди.

Россияда 1864 йилда жиноят ишлари бўйича судлов низомига психиатрик экспертиза ўтказиш зарурлиги тўғрисидаги кодекс қўшилган эди. Ушбу психиатрик экспертиза таркибида психологик экспертиза ўтказиш ҳам кўзда тутилган. Шу вақтдан эътиборан Россияда психологик экспертиза ўтказила бошланди.

Суд-психологик экспертиза жараёнини назарий асослаш юзасидаги илмий изланишлар XIX асрнинг охири XX асрнинг бошларида немис олимлари Штерн, Марбе, Гросс, италиялик Ферри, Горрофало сингари тадқиқотчилар томонидан олиб борилди. Уларнинг илмий изланишлари суд-психологик экспертизасининг такомиллашувига ва унинг судлов жараёнига янада чуқурроқ кириб боришига сабаб бўлди.

XIX аср охири XX бошларида Ч.Ломброзонинг фикрлари баён этилди. Ч.Ломбозо вульгар материалист бўлгани учун унинг назарияси тезда танқидга учради. Чунки у суд психологиясини суд психопатологиясига чалкаштириб юборди.

Россияда революцияга қадар рус демократлари иш фаолиятларида: А.Ф.Кони, Л.Е.Владимиров ва бошқаларнинг “психология фанининг одил судга таъсири” ҳақидаги фикрларидан кенг фойдалан дилар.

Демак, Ўзбекистонда психология фанининг юзага келиш сабаблари тўғрисида Э.Ғозиев олиб борган тадқиқотлар бизга анча кўп маълумотлар бера олади. Унинг таъкидлашича, агар психологик фикр тарихига назар ташлайдиган бўлсак, унинг қадим ўтмишларга бориб тақалишини кузатиш мумкин. Чунки одамзод ўзини ўзгалардан, атроф-муҳитдан айри англай бошлаган даврдан бошлаб, унда ўзига хос психик ҳолатлар ва жараёнлар тўғрисида тасаввурлар шакллана бошлаган. Лекин ана шу тасаввурлар ва тушунчаларни яхлит тизимга солиб, суд-психологик экспертиза қонуниятлари тўғрисидаги дастлабки уринишлар унинг фан сифатида шаклланишининг ибтидосига тўғри келади.

ТИББИЁТ ХОДИМЛАРИ СОЦИАЛ ИНТЕЛЛЕКТИНИНГ УМУМИЙ ҲОЛАТИ

*Собирова Д.А., Бухоро ДУ доценти,
Халқаро Психология Фанлари Академияси мухбир аъзоси*

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳамда Вазирлар Маҳкамаси томонидан кейинги йилларда чиқарилаётган қарор ва фармойишларда тиббиёт ходимларининг касбий компетентлиги, салоҳияти жуда юксак бўлиши лозимлиги кўрсатилган. Жумладан, соғлиқни сақлаш соҳасини ривожланиши, биринчи навбатда, ушбу жараённи ташкил этувчи, бошқарувчи, назорат қилувчи тиббиёт ходимларининг дунёқараши ва тафаккуридаги ўзгаришларга яъни уларнинг касбий компетентлигига бевосита боғлиқ.

Тиббиёт ходимларининг касбий маҳорати ва компетенлигининг ўзаро алоқадорлиги масаласи бир қатор педагогик-психологик адабиётларда очиб берилган. Унда касбий маҳоратни туғма хусусиятлар ва фазилатлар билан шартли белгиланмаслиги таъкидланган ва шу билан бирга ушбу маҳоратнинг касбий компетентлик билан шартланганлиги ҳолати алоҳида қайд этилган.

Айни пайтда шифокорнинг касбий компетентлиги унинг касбий билими ва малакалари, бошқа бир томондан касбий позицияси ва психологик сифатлар мутаносиблиги билан баҳоланиши мумкин. Тиббиёт ходимлари профессионализми унинг касбий фаолияти шароитида ўзини турлича намоён қилади.

Тиббиёт ходимлари учун касбий фаолиятнинг турли шароитларда бир томондан касб талабларига мос келиши бошқа бир томондан эса ўзини касбий ривожлантириш мантиқига риоя қилиш, ҳар қандай ҳолатларда ҳам ички психологик турғунликни сақлаш муҳимдир.

Демак, тиббиёт ходимлари касбий компетентлигининг тўлиқ тузилмаси мотивацион-йўналтирувчи бўғин, ривожлантирувчи, тузатувчи коррекцион ва касбий маслаҳат характерида эга бўлганлиги билан характерланади.

Шу нуқтаи назардан тиббиёт ходимлари социал интеллектини ўрганиш жараёнида ҳар бир тиббиёт ходимининг социал психологик компетентлиги ва унинг ўзига хос имкониятларини ўрганиш ва тадқиқ этиш муҳим аҳамият касб этади.

Юқоридагиларга асосланиб тадқиқотимизда тиббиёт ходимларининг касбий компетентлиги, унинг социал интеллектига ҳам боғлиқ деган мулоҳазани илгари сурган ҳолда тиббиёт ходими социал интеллект ва социал психологик компетентлик ўртасидаги уйғунликни ўрганишни мақсад қилиб олдик.

Эмоционаллик билан социал интеллект тушунчаларини мазмунан таҳлил этганда, бир биридан фарқ қилувчи ҳолат кузатилади, яъни интеллект тушунчасини когнитив жиҳатдан инсон онги билан боғлиқ эканлиги, эмоционаллик ва социаллик эса шахс фаолиятининг аффектив соҳасига яқинроқ эканлигини ифодалайди, аммо муаммонинг мазмунида аке этаётган икки тушунчани таҳлил этишда бошқачароқ позициядан туриб ёндашиш мақсадга мувофиқ бўлади. Эмоционал интеллект шахснинг эмоциялари, уларнинг ифодаланиши ватартибгасолинишини билдиради.

Тиббиёт ходимлар социал интеллектини тадқиқ этиш дастуридан кутилаётган ғоянинг туб замирида шифокорнинг касбий фаолияти ва касбий компетентлигини юқори натижаларга эришишига йўналтиришини таъминлашдан иборат.

Биз социал интеллектга доир изланишларга таяниб тиббиёт ходимлари социал интеллектини белгиловчи мезонлар мажмуасини қуйидагиларга ажратдик.

1. Когнитив;

1.1. Инсонлар ҳақида, ўзга инсонларни тушунишнинг махсус қоидаларини билиш;

1.2. Социал хотира–инсонларни қиёфаси, исмини ўзлаштиришга йўналтирилган хотира;

1.3. Социал интуиция –инсонларнинг кайфиятини, туйғуларини, хатти-ҳаракатларини тушуниш мотиви, социал мазмундаги хулқ-атворни мос тарзда кузатувчанлик қобилияти;

1.4. Социал воқеликни башорат қила олиш–шахсий хатти-ҳаракатлари режасини шакллантириш, ўзининг фаолиятини жипслаштириши, шахсий фаолиятини бошқалар кўзи билан кўра олиши ва фойдаланилмаган муқобил имкониятлар орқали баҳолаш.

2. Эмоционал;

2.1. Социал ифодалалилик — эмоционал ифодалилик, эмоционал сезгирлик, эмоционал назорат ўрнатиш;

2.2. Биргаликда қайғуриш — ўзга инсонларнинг ҳолатига кира олиш, ўзини бошқалар ўрнига қўя олиши қобилияти.

2.3. Ўз-ўзини тартибга солиш қобилияти — ўзининг эмоцияси ва кайфиятларини тартибга солиш укуви.

3. Хулқий;

3.1. Социал идрок-суҳбатдошни тинглаш малакаси, ҳазил-мутойибани тушуниш;

3.2. Социал ўзаро таъсирлашув – ҳамкорликда ишлашга шайлик ва қобилиятлилик, ўзаро жамоавий таъсирлашувга қобилиятлилик;

3.3. Социал мослашувчанлик – тушунтира олиш ва бошқаларни ишонтира олиш укуви, ўзга кишилар билан чиқишиб кетиш қобилияти, атрофдагилар билан муносабатларда самимийликнинг намоён этилиши.

Ушбу ажратилган мезонлар тиббиёт ходимлари социал интеллектини ифодаловчи ҳар бир баҳолаш тартибини шакллантириши мумкин бўлади. Ушбу дастур фаолият жараёнида социал интеллектни ривожланишини ташкил этувчи умумий йўлланма сифатида хизмат қилади. Дастурнинг яхлит мазмуни тиббиёт ходимлари социал интеллектини тадқиқ этиш борасида изланишимизни тўлаллигини таъминлайди.

Юқорида таъкидлаганимиздек, тиббиёт ходимларининг социал интеллектини таъминлашга қаратилган психологик ёндашув йўлларини излашга бўлган эҳтиёжнинг тобора ортиб бораётгани психологлар олдида давлат ва жамият аҳамиятига эга бўлган муҳим тадқиқотларни олиб бориш ва бу борадаги барча муаммоларни бартараф этишга астойдил киришиш вазифасини юкламоқда. Чунки социал интеллект ва социал компетентлик ўртасидаги уйғунликни ўрганмай туриб, тиббиёт ходимларининг социал интеллектини ошириш борасидаги чора-тадбирлар кўламини ишлаб чиқиш ва амалиётга татбиқ этиш асло мумкин эмас.

Психологик тадқиқотларда социал интеллектнинг структурасини ўрганиш борасидаги изланишлардан кўра, умумий интеллектнинг тузилишига дахлдор ёндашувлар анчагина эканлигини кўзга ташланади (Г. Айзенк, Тёртоун, Р.Б. Кеттелл, Дж. Гилфорд ва бошқалар). Бугунги кунда ҳам социал интеллект муаммосида энг аҳамиятли психологик модел сифатида Дж. Гилфорднинг назариясига алоҳида эътибор қаратилади.

Жамият тиббиёт ходимлари шахсига юқори талаблар қўяр экан, унда психологик етуклик, касбий самарадорлик ва социал талабчанликка эришишни таъминловчи социал компетентликни тақозо этади. Биз тиббиёт ходимларисоциал интеллектининг ўзига хослигини ўрганиш баробарида социал компетентлигини ўрганишга мурожаат қилишни лозим топдик.

Бунинг учун тиббиёт ходимларининг социал компетентлигини аниқлашда В.Н. Куницынанинг «КОСКОМ-2» сўровномасидан фойдаландик (коммуникатив ва социал компетентликни аниқлаш).

Бу сўровнома орқали тиббиёт ходимларининг социал интеллект билан социал-психологик компетентлик хусусиятлари ўртасидаги ўзаро муносабатларни ўрганиш орқали муаммонинг янги кирраларини ўрганиш имкониятига эга бўлиш мумкин Шунингдек, тиббиёт ходимлари социал интеллект шахслик сифатлари, шахслик типлари, эмоционал интеллект билан ўзаро муносабатларини ўрганиш сингари уларнинг социал-психологик компетентлигини билан боғлиқ хусусиятларига эътибор қаратилди. Бу эса тиббиёт ходимлари социал интеллектдаги бошқа жиҳатларни ёритишга ҳам ёрдам беради. Тиббиёт ходимлари социал-психологик компетентлиги ва коммуникатив компетентлигини ўрганишда қатор жабҳалар асосида ёритилди. Дастлаб тиббиёт ходимларининг социал ва коммуникатив компетентлигини аниқлашдан олинган кўрсаткичлар тиббиёт ходимларининг босқичларга кўра фоиз ҳисобида аниқланди ва сўнгра социал интеллектлари билан ўзаро корреляция муносабатлари аниқланди.

Айтиш мумкинки, тиббиёт ходимларининг социал интеллект билан социал-психологик компетентлиги ўртасида ижобий боғланишлар фаолият жараёнида муҳим, аммо улар тўлақонли кўринишга эга эмас. Фақат бешта мезон бўйича социал-психологик компетентлик сифатлари билан социал интеллект ўртасидаги тўғри ички муносабат шаклланган ва бу кўрсаткичлар тиббиёт ходимларининг умумий қийматлари бўйичадир. Агар уларнинг босқичларга кўра таҳлил этадиган бўлсак, социал интеллект билан компетентлик ўртасидаги яна тарқоқ боғланишлар кузатилиши шубҳасиз.

Олиб борилган таҳлиллар натижаси бугунги кунда социал интеллект ва социал-психологик компетентлик уйғунлигини таъминловчи дастурни ишлаб чиқиш ва амалиётга қўллашга бўлган талаб ва эҳтиёжнинг мавжудлигини яна бир тасдиқлади. Чунки муайян мақсадларга қаратилган мазкур дастурни ишлаб чиқиш тизимда фаолият юритаётган тиббиёт ходимлари касбий фаолиятида муҳим аҳамият касб этади.

Юқоридагиларга асосланиб, юқорида баён этилган фикр-мулоҳазаларни умумлаштирган ҳолда тиббиёт ходимлари социал интеллект ва социал-психологик компетентлигини тадқиқ қилиш бўйича қуйидагилар аниқланди:

1. Социал интеллектни характерловчи психологик жиҳатлар қаторига социал-психологик компетентликни қўшиш мумкин. Бу эса тиббиёт ходимлари социал интеллектнинг касбий камолотдаги ҳолатини янада чуқурроқ тушуниш имконини берди.

2. Тиббиёт ходимларининг социал-психологик компетентлиги аниқ мезонли ва тизимли, илмий асосланган тадқиқот методикаси асосида аниқланди. Бу унинг социал интеллект билан мазмуний боғлиқлигини тушунтириш имко-нини берди.

3. Тиббиёт ходимлари социал интеллектини умумий интеллект, эмоционал интеллект, эмпатия, эксперт баҳолаш билан ўзаро боғлиқликда ўрганилганлиги натижалари сингари социал-психологик компетентлик кўрсаткичларида ҳам босқичланиш кузатилди.

4. Тиббиёт ходимларининг социал-психологик компетентлиги босқичларга кўра турли даражани акс эттирди. Социал интеллект билан социал-психологик компетентлик ўртасидаги корреляцион муносабатлар тиббиёт ходимларининг таълим босқичсини ўсиб ўзгаришига кўра яққолроқ боғланишни акс эттирган.

МИЛЛИЙ ОНГ ВА МИЛЛИЙ МЕНТАЛИТЕТ ДИАЛЕКТИКАСИ

Қурбонов Т.Х., Қарши ДУ фалс.ф.н.,доценти

Мамлакатимизда содир бўлаётган йирик ижтимоий ўзгаришларни янада жадаллаштирмоқ, ёшларнинг бундай инқилобий ўзгаришларга иштирокларини фаоллаштирмоқ учун, энг аввало, уларнинг миллий онгида туб сифатий бурилиш ясамоқ зарур. Чунки миллий онг қанча тез ривожланса, инсон ўзини ўзи кўпроқ англайди, жамиятда, жамоада, оилада тутган ўрнини янада тиниқроқ тасаввур қилади. Бир ибора билан айтганда, ўзининг кадр-қимматини тушуниб етади, яъни миллий ғурури уйғонади. Бундай мураккаб ижтимоий жараёнлар ҳақида тўлароқ тасаввурга эга бўлмоқ учун миллий онг ва миллий менталитет орасидаги диалектик алоқадорлик механизмини чуқур таҳлил қилмоқ даркор.

Миллий онг ҳар қандай миллатга хос хусусият бўлиб, воқеликнинг инсон миясидаги умумлашган акси, замон садосидир. У ҳар бир кишининг миллат манфаатини, тақдирини англаб етиши, олдиндан кўра билиши, миллат фаолиятини регуляция қилишини ўзида мужассамлаштиради.

Миллий онг мураккаб ижтимоий феномен бўлиб, миллатнинг энг муҳим характеристикасидир. Миллатнинг ушбу характеристикаси замонлар ўтиши, миллат манфаати ўзгариши билан ўзгариб, тараққий этиб боради.

Миллий онг - бу миллий маданиятнинг таркибий қисми, унинг чўққисидир. Миллий онг миллат манфаати, истикболи, тараққиёти билан боғлиқ бўлган муаммоларнинг инсон онгидаги инъикосидир. Миллий онгнинг шаклланиши мураккаб жараён бўлиб, миллий маданий мерос заминада вужудга келади ва ривожланади. Миллий маданияти ривожланмаган, миллий тотувлик, миллий бирдамлик ва миллий ҳамкорлик туйғулари заиф бўлган халқларда миллий онг бўлиши амри маҳолдир.

Миллий маданий меросга бўлган муносабат марказида миллий менталитет, у босиб ўтган тарихий тараққиёт йўлини холисона ўрганиш ва баҳолаш, унинг жаҳон цивилизациясига қўшган ҳиссасини аниқлаш ётмоғи даркор. Модомики шундай экан, менталитет деганда нимани тушунмоқ керак? Профессор Кўчкор Хоназаров ёзганидек, "менталитет" тушунчаси лотинчадан олинган бўлиб «жамият, миллат, жамоа ёки алоҳида олинган шахснинг тарихий таркиб топган тафаккур даражаси, маънавий салоҳияти, уларни ҳаёт қонунларини таҳлил этиш кучи, муайян ижтимоий шароитларда шаклланган ақлий қобилияти, руҳий қувватидир»¹. Менталитетнинг бу таърифидан унинг нақадар мураккаб эканлиги, миллат ҳамда жамият ҳаётида алоҳида аҳамиятга эга эканлиги кўриниб турибди.

Миллий менталитет деганда миллатнинг ўзига хос хусусиятлари, унинг фикрлаш, ишлаш ва турмуш тарзи (масалан, ўзбек халқининг ўзига хос хусусиятларидан бири ўтроқлик, бирон шаҳарда ёки қишлоқда муқим ҳолда яшаши билан боғлиқ)нинг услублари, усуллари, миллатнинг жаҳон цивилизациясига, умуминсоний маданият, умуминсоний кадриятлар хазинасига қўшган ҳиссаси тушунилади. Маълумки, табиий-ижтимоий шарт-шароитлар асосида ҳар бир миллатнинг жисмоний, руҳий-маънавий камолоти, профессионал маҳорати, умуминсоний маданият хазинасига қўшган ҳиссаси, кундалик турмуш қувончлари ва ташвишларини таҳлил қилиш қобилиятлари турли даражада, турли ҳолатда бўлади. Миллат менталитети фақат аждодлар томонидан қолдирилган маданий мерос хазинаси билан белгиланмайди. Балки шу миллатга мансуб кишиларнинг инсоний фазилатларининг шаклланганлик даражаси, индивидуал хислатлари, профессионал қобилиятлари, кундалик ҳаётдаги ҳулқ-атвори, хатти-ҳаракатида намоён бўлади.

Миллий менталитет ҳар бир миллатда ҳар хил бўлади. Айнан бир ҳодиса ёки воқеага турли миллат вакиллари турлича ёндашадилар. Чунончи, атроф-муҳитда содир бўлган табиий-ижтимоий ўзгаришларга бир миллат қизикқонлик, жўшқинлик, кескинлик, муросасизлик билан муносабат билдирса, бошқа миллат вакиллари, худди ўша воқеа ёки ҳодисага сабр-тоқат, чидамлилик, вазминлик, андишалилик, муросаю-мадорага келиш қоидаларига асосан муносабатда бўладилар. Юқорида санаб ўтилган миллий ўзига хосликнинг биринчи хусусиятлари Ғарб ва Жануб халқларига, иккинчи гуруҳдаги хусусиятлар Шарқ ва Шимол халқларига мансуб эканлигини илм аҳли аллақачонлар эътироф этганлар¹.

Миллий менталитетнинг энг муҳим элементларидан бири - миллий ўзлигини англашдир. Миллий ўзлик миллийликка мансуб барча хусусият ва белгиларни ўзида мужассамлаштиради. Ҳар бир шахснинг миллий ўзлигини англашга интилиши табиий жараёндир. Ўзи мансуб бўлган миллат, элатга хос миллий хусусиятлар, белгиларни сақлаб қолиш, уни янада ривожлантириш ёки қайта тиклаш борасидаги саъй-ҳаракатларининг ифодасидир. Худди шунинг учун ҳам «миллий ўзлигини англаш» «миллат» тушунчаси билан бевосита боғлиқдир. Бошқача айтганимизда, ўзбек киши-сининг миллий ўзлигини англашга интилиши ўзбек миллатининг шаклланиш жараёнини билишга интилишининг дебчасидир.

Мамлакатимиз биринчи Президенти Ислом Каримов таъкидлаганидек, "...мамлакатимизнинг тарихий ва миллий хусусиятларини, халқимиз табиатини, менталитетини инобатга олувчи ривожланишнинг мазкур йўли биз учун ниҳоятда мақбулдир".

Хуллас, мамлакатимизда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари натижасида халқимиз тафаккур тарзи ўзгариб, унинг менталитетида: ватанпарварлик туйғуси, ўзини мустақил шахс сифатида англаш тенденцияси таркиб топмоқда, миллий тарихимизда илгари бўлмаган ёндошувнинг шаклланиши, бой маънавий мулкини эъзозлаш хусусияти, ўз-ўзини ҳаётда кадрлай билиш, ижтимоий муҳитда муносиб ўрнини топиш, ҳаётга муносиб баҳо бериш хусусиятлари шаклланмоқда.

Адабиётлар руйхати:

1. И.Каримов. Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда. Т.: Ўзбекистон, 1999.
2. Қ.Хоназаров. Миллий менталитет-тараққиёт омили. // Мулоқот.- 2000.- №3.-Б. 3.

1 Қ.Хоназаров. Миллий менталитет-тараққиёт омили. // Мулоқот.- 2000.- №3.-Б. 3.

1 Хоназаров Қ. Миллий менталитет-тараққиёт омили. // Мулоқот.- 2000.-, №3.-,Б. 3.

ЁШЛАРДА МИЛЛИЙ ОНГНИ ТАРКИБ ТОПТИРИШ МАСАЛАЛАРИ

*Худоёрова О., ЎзМУ ҳузуридаги ПКҚТМОТ(М) маркази доценти
Назарова Н., ТТЙМИ катта ўқитувчиси*

Маълумки, дунёқараш инсоннинг олам ҳақидаги яхлит тушунчалари, тасаввурларидир. Дунёқарашнинг миллий жиҳатлари шаклланишига асос бўладиган омиллардан бири миллий маънавиятнинг ўзаги бўлган миллий онгдир. Миллий онг ижтимоий онгнинг бир шакли сифатида миллий ўзликни англашдир. Миллий онг тарихий онг ҳамда тарихий хотира билан муносабатда бўлиб, бир-бирига таъсир этади.

Миллий онг, тарихий онг ва тарихий хотиранинг ёшлар дунёқарашига таъсири, айниқса, миллат, мамлакат тарихидаги бурилиш паллаларида яққол намоён бўлади. Хўш, миллий онг нима, унинг ёшлар дунёқарашига шаклланишига бевосита таъсир этадиган жиҳатларини қандай изоҳлаш мумкин?

Айтиш мумкинки, ҳар бир миллатнинг қиёфаси, унинг катта ва кичиклигидан қатъи назар, энг аввало, унинг миллий онги ва психологиясида ёрқин гавдаланади. Миллий онг — ижтимоий онгнинг таркибий қисми бўлган этник онгнинг асосий шаклидир. Айни маҳалда шуни назарда тутиш зарурки, “ижтимоий онг — бу объектив олам ва ижтимоий борлиқнинг кишилар онгида акс этишидир. Шундай экан, ҳар бир халқ, элат ва миллат ўзининг ижтимоий ҳаётини акс эттирадиган этник онгга эгадир.

Миллий онг заминиди, биринчи навбатда, муайян этник бирликка мансубликни англаш этади. Бу миллий ўзликни англашнинг асосидир. Миллий ўзликни англаш миллатнинг тарихи, тақдири, муштарак манфаатлари, тили, маданияти, иқтисодий ҳаёти, миллий хусусиятларини яхлит тушунишдир. Демак, миллий мансублик ҳар бир шахс зиммасига муайян масъулиятни ҳам юклайди.

“Ўзбек” деган сўз биз учун бир этник бирлиқнинг номигина эмас, балки ифтихор, ҳурмат белгиси, бурч ва масъулият манбаидир. “Ўзбек” деган сўз қулоғимиз остида шунчаки жарангламайди, балки қалбимиз, руҳиятимизнинг энг нозик торларини тебратади, илҳом, ишонч, кўтаринки руҳ бахш этади. Биз шу миллатнинг фарзанди бўлганимиз билан, унинг тарихи, маданияти, қадриятлари, миллий фазилатлари билан, халқимизнинг ютуқлари билан фахрланамиз, унинг олдидаги бурч ва масъулиятмизни тўлароқ, чуқурроқ англашга ҳаракат қиламиз. Бу миллий онгнинг бирламчи ва асосий пойдеворидир. Ўз халқини бошқалардан кўра кўпроқ севмайдиган инсон бўлмайди. Асрлар давомида бундай эътиқод инсон қалбига, ҳатто қон-қонига сингиб кетади, миллатпарварлик, ватанпарварлик даражасига кўтарилади, дунёқарашига чуқур таъсир этади. Демак, юксак миллий онглиқнинг яна бир муҳим белгиси — ватанпарварлик, миллатпарварлик бўлиб, улар тарихий онг ва тарихий хотира билан боғлиқ.

Миллатпарварлик ва ватанпарварлик бир-бири билан боғлиқ, бири иккинчисини тўлдирувчи маънавий фазилатлардир, Ватан инсон учун она каби ягонадир. Ўзбекистон жаҳондаги барча ўзбекларнинг манфаатини ҳимоя қиладиган, бирлаштирадиган, кадр-қимматини, обрў-эътиборини кўтарадиган ягона Ватандир. Шу ватанни унутиш, унинг манфаатларига хиёнат қилиш - ватанфурушлиқдир. Бизнинг миллий эътиқодимизга кўра, ватанфурушлиқ маънавий тубанликдир.

Ватанпарварлик оддий ҳис-туйғу эмас, балки юксак бурч ва масъулиятдир. Ватанни севаман, деб кўп гапирадиганлар эмас, балки унинг истикболи, манфаати йўлида фидойиларча хизмат қиладиган кишилар ҳақиқий ватанпарвар бўладилар. Ватанпарварлик, биринчи навбатда, инсоннинг эл-юрт манфаати йўлидаги ҳалол меҳнатида намоён бўлади. Ҳадисларда ҳам “Ватанни севамоқ иймондандир”, деган табаррук сўзлар айтилган. Демак, ватанпарварлик имон, эътиқод даражасига кўтарилган маънавий фазилатларнинг биридир. Миллий онгнинг, тарихий онгнинг, тарихий хотиранинг бир-бирига, дунёқарашга таъсир этадиган яна бир жиҳати-миллий бирлик, бирдамлик, ҳамжиҳатлик, ҳамдардлик, ҳамкорлик туйғусидир. Миллий бирлик, бирдамлик, ҳамкорлик, ҳамдардлик, аҳиллик маълум миллий ғояга, мафкурага таяниб, анланган муштарак мақсадлар сари боришдир.

Инсон шу туйғу асосида ўзининг алоҳида этник гуруҳга мансублигини англайди, унинг тарихи ва тақдирини чуқурроқ билишга интилади, Ватан, халқ манфаатлари йўлида фидойилик намуналарини кўрсатади, ўз халқига мансуб кишилар билан бирлашиб, миллий манфаатларни ҳимоя этишга ҳаракат қилади.

Миллий бирлик туйғуси миллий онги, тарихий онги, тарихий хотираси ва дунёқарашига чуқур сингиб кетган миллатларгина ёрқин истикболга эга бўлади, ўз мақсадларига эришади.